

Si Muncur keua

6

TOM

607-719 KECHALAP

И(Араб.)
М52

Арабчадан
Абдусодиқ Ирисов таржимаси

Шеърларни
Шоислом Шомуҳамедов
таржима қилган

Минг бир кеча. Араб эртаклари. Саккиз томлик.
Т. 6. Узадабийнашр Т., 1962.

Т. 6. 607—719 кечалар. Арабчадан Абдусодиқ
Ирисов таржимаси. Шеърларни Шоислом Шомуҳамедов
таржима қилган. 1962. 472 бет.

1001 ночь. Т. 6.

И (Араб.)

Савдогар Умар ўгли Жавдар ва унинг биродарлари

Мана бу ҳикояни ҳам
эшитганман:

Умар деган бир савдогар ўтган экан. Унинг уч фарзанди бўлиб, тўнғичининг оти Солим, ўртанчасининг оти Салим, кенжасининг оти Жавдар экан. Улғайиб, эс-қушларини танигунча савдогар уларни тарбиялабди. Лекин у икки ўғлига қараганда кенжаси — Жавдарни



яхши кўрар экан. Солим билан Салим буни сезиб, гайирлиги келиб, Жавдарни кўра олмабди. Бу гап отанинг қулоғига етибди. У анча кексайиб қолган экан, шу сабабдан: «Вақти соатим битиб, ўлсам, мендан кейин акалари Жавдарни чиқиштирамайди», деган ташвишга тушибди. Шунинг учун у қавму қариндош, қози одамлари ва бир қанча илм аҳллари уйига таклиф қилиб:

— Қани, менинг мол-мулкиму барча бисотларимни олиб чиқинглар!— дебди.

Одамлар у жамғарган ҳамма мол-дунёни олиб чиқишиб, ўртага қўйишибди.

— Эй яхшилар,— дебди савдогар шунда,— мана шу нарсаларимни адолат билан тўртга тақсим қилинглар.

Келганлар бор нарсани тўртга тақсимлабдилар. Савдогар уч бўлагини уч ўғлига бериб, қолган бир бўлагини ўзига олиб қолибди.

— Бор-йўқ мол-мулкимнинг ҳаммасини бўлиб бердим,—дебди савдогар.— Бошқа дунём ҳам, болаларимнинг бир-бирларида ҳақ-даъволари ҳам қолмади. Куним битиб, оламдан кўз юмсам, улар ўртасида энди жанжал чиқмайди. Чунки бор мол-мулкимни кўзим тириклигида бўлиб бердим. Мана бу тўртинчи қисми эса шу болаларнинг онаси — хотинимнинг мероси бўлади. Қампирим шу билан тирикчилик ўтказди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Буни эшитган синглиси: «Эй опагон, ҳикоянг жуда ҳам ажойиб экан»,— дебди.

Ҳикояга қизиқиб қолган шоҳ эса: «Ҳикоясининг давомини эшитиб олмагунимча ўлдирмай тура турай»,— деб ўйлабди.



*Олти юз
еттинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,—деб да-
вом этди Шаҳризод,—сав-
догар ўз мол-мулкани
тўртга бўлиб, уч бўлаги-
ни уч ўғлига бериб, тўртинчи бўла-
ги болаларимнинг онаси — хотиним-
нинг мероси бўлади, у шу билан
тирикчилик ўтказди,— дебди.

Кунлар ўтиб, савдогар оламдан
кўз юмибди. Лекин отадан кейин
болалари у ўйлаганидек ўз улуш-
ларига рози бўлиб, жим-жим ке-
тиша бермабди. Акалари Жавдар-
дан: «Дадамиз, сени яхши кўрарди, сен биздан кўп
мол олгансан, ортиғини ҳозир берасан, отамизнинг
барча давлати сенда»,— деб нуқул талаб қилишаве-
рибди.

Жанжал зўрайиб, ахийри бир-бирларининг усти-
дан ҳокимга арз қилишибди. Мол бўлишда қатнаш-
ган гувоҳлар эса келиб, кўрган-билганлари ҳақида
гувоҳлик беришибди. Ҳоким эса: «Бир-бирларининг
хафа қилманглар»,— деб учаловини ҳам жўнатиб
юборибди. Бу арз-дод касрига Жавдар ҳам, акалари
ҳам анча-мунча чиқимдор бўлишибди. Орадан кўп
ўтмай, акалари яна иғво кўтаришибди. Учовлари
бир-бирларининг устидан ҳокимга иккинчи бор арз-
дод қилишибди. Арз-дод қилишнинг ўзи бўладими.
Арз қиламан деб ака-укалар яна анча-мунча чиқим-
дор бўлишибди. Жавдарга азият етказиш ниятида
акалари бир амалдордан иккинчисига арзга бораве-
риб, бутун мол-дунёларидан ажрабдилар, Жавдар
ҳам ўзини оқлаш учун топган-тутганини амалдорлар-
га едиравериб, бор будидан ажрабди. Ниҳоят, учала
ака-ука қашшоқ бўлиб қолишибди. Солим билан

Салим оналарининг олдига келиб, унинг эридан қолган меросини тортиб олишибди-да, ўзини уриб-туртиб, уйдан ҳайдаб юборишибди.

Она бўлса кенжаси — Жавдарнинг олдига келиб, акаларинг бор-йўғимни тортиб олди, деб уларни қаргай бошлабди.

— Э онажон, уларни қарғама, тангрининг ўзи қилмишларига яраша жазо беради,— дебди шунда Жавдар.— Онажон, арз-дод қилиб мен ҳам, акаларим ҳам камбағаллашиб қолдик, бир-бирига хусумат қилиш мол-дунёнинг заволи экан, учовимиз ҳам даъволашиб ҳоқимлар олдига қатнай-қатнай зарардан бошқа наф топмадик. Отамиз қолдирган дунёни беҳудага сарфладик. Ахийри шу ҳолга тушдик, эл-юртга кулги бўлдик. Энди сени деб, улар билан яна ҳоқимлар олдига судралиб бораманми? Қўй, майли, есин-ичсин, тўймасин! Сен меникида туравер, ейдиган нонимнинг ярми сеники, мени дуо қил, тангри менга ҳам, сенга ҳам ризқ берсин. Уларни қўй, сен мана бу байтдан ўзингга тасалли топ:

Нодон киши хафа қилса, ўз ҳолига қўй уни,
Кутиб турсанг келар албат ҳақли қасос айёми.
Емон киши жазолангай қилмишига яраша,
Тоғ билан тоғ уришганда қолмас жаҳон ороми.

Жавдар онасини юпатиб, ўз уйида олиб қолибди. Жавдар тўрини елкасига ташлаб, кунда дарё, ҳовуз, қўйингки, қаерда сув бўлса, ўша ерга борибди, у ерда балиқ тутиб, кунига ўн, йнгирма, ўттиз тапга топиб, онасига сарф қилаверибди; яхши ебди, яхши ичибди.

Солим билан Салим на бирор ҳунарни, на бозор-ўчарни билишар экан. Сотадиган ҳам, оладиган ҳам нарсаларни йўқ экан. Иккалови ҳам хору зор бўлиб,

роса адабларини ейишибди. Оналарилан тортиб олган дунё ҳам тугаб, гадойликка ўтишибди. Ахийри оналари олдига келишиб, очликдан шикоят қилишибди, ўлгудай ялиниб-ёлворишибди. Онанинг кўнгли бўш эмасми, ношуд ўғилларининг абгор аҳволини кўриб, ачинибди. Кўмоч бериб, қорнини тўйғазибди. Қолган-қутган ошни олдига қўйиб: «Тезроқ еб, Жавдар келмасидан олдин жўнанглар, бўлмаса у хафа бўлиб, мендан кўнгли қолиши мумкин. Энди Жавдар олдида мени хижолат қилманглар»,— дебди уларга она.

Солим билан Салим кунда келиб, апил-тапил овқатланиб, жўнаб қоладиган бўлишибди. Кунлардан бир куни улар онасининг олдига келган экан, у олдига ош-нон қўйибди. Улар энди ея бошлаганда бирдан Жавдар келиб қолибди. Онасининг қути ўчиб: «Энди мендан хафа бўлади», деган андишада ўғли олдида бошини эгганича хижолат тортиб қолибди. Жавдар бўлса акаларига хушмуомала қилибди:

— Келинглар, келинглар, оғаларим, қадамингизга ҳасанот. Шундай муборак кунда қандай шамол учирди? Укамизни бир кўриб келайлик дебсизларда, — дея акалари билан қучоқлашиб кўриша кетибди.— Ўзим ҳам, мени соғинтириб қўйишмас, келиб кетиб, онамиздан хабар олиб туришар,— деб ўйлаган эдим. Хўп яхши келибсизлар-да!..

Жавдарнинг гапини эшитиб акалари бундай дейишибди:

— Э, жигаргўшамиз, худо ҳақи, биз сени жуда ҳам соғинганмиз. Лекин сенинг устингдан арз қилиб, номаъқулчилик қилганимиздан уялиб келолмасдик. Бироқ қилмишимиздан пушаймонмиз. Биз лаънати шайтоннинг сўзига кирган эканмиз. Биз сен ва волидамиздан бўлак ҳеч кимсадан шафқат кутмаймиз..»

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
саккизинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,—деб да-
вом этди Шаҳризод,—
Жавдар уйига кириб, ака-
ларини кўргач, «Хуш кели-
бсизлар»,—дебди. Кейин ака-
ларига: «Сизларсиз турмушимда ҳу-
зур-ҳаловат йўқ»,—деган экан, она-
си Жавдарга қараб:

— Э, ўғлим, илойим юзинг ёруғ
бўлсин, пири бадавлат бўлгин,
менинг энг меҳрибон болам ўзинг-
сан,—дебди.

— Марҳамат қилиб, менинг
уйимда қолинглар, ризқимизни худонинг ўзи етказад-
ди, ҳарнечук рўзғорни тебратиб турибман,—дебди
Жавдар акаларига.

Шундай қилиб, Жавдар гина қилмай, акалари билан ярашиб олибди. Биродарлар эса еб-ичиб, уникида тунаб қолишибди. Эртаси нонуштадан сўнг Жавдар тўрини кўтариб, яхши ният билан чиқиб кетибди. Икки ака-ука ҳам кўчага чиқиб, тушгача сандирақлаб, кейин яна қайтиб келишибди. Онаси уларга овқат қўйибди. Кечқурун эса, Жавдар гўшт билан резавор кўтариб келибди.

Шундай қилиб, улар бир ойгача шу алфозда кун кечиришибди. Жавдар ҳар куни балиқ овлар ва тутган балиқларини сотиб, пулини онаси билан иккала акасига сарфлар, улар эса қорнини силаб ётаверешар экан.

Кунлардан бир куни Жавдар дарёга бориб тўр солибди. Тортиб кўрса, қуруқ чиқибди. Яна солибди, яна қуруқ чиқибди. Шунда у: «Бу ерда балиқ йўқ

бўлса керак» деган фикрга келиб, бошқа жойга ўтибди-да, яна тўр ташлабди. Тортиб кўрса, бояги-бояги бўм-бўш чиқибди. Кейин яна бошқа жойга кўчибди, бўлмабди. Шундай қилиб, у эртадан кечгача бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юраверибди-ю, лекин Ҷарибир, биттаям балиқ тутолмабди.

— Қизиқ!— дебди у.— Балиқлар дарёдан чиқиб кетганми, нима бало, ё бирон бошқа сабаб бормикин?!

Ови юришмаганидан хафа бўлган Ҷавдар тўрини елкасига ташлаб: «Онам билан акаларим бугун нима ейишади», деб уларнинг қайғусини қилиб, қайта бошлабди. У хаёл суриб нонвойхона олдига келиб қолибди. Қараса, одамлар тўпланиб турганмиш, ҳаммасининг қўлида пул, нонвой бўлса, уларга қайрилиб ҳам қарамас эмиш. Ҷавдар тўхтаб, хўрсиниб қўйибди. Нонвой бўлса унга: «Марҳамат, марҳамат Ҷавдар! Сенга нон керакми?»— дебди.

Ҷавдар жим тура берибди. Унинг авзойини кўрган нонвой: «Ёнингда пулинг бўлмаса ҳам майли, керагича олавер, кейин берарсан»,— дебди. Ҷавдар нонвойга: «Бўлмаса насияга ўн тангалик нон беринг»,— дебди. Шунда нонвой: «Мана бу ўн тангани ҳам ол, эртага менга йигирма тангалик балиқ келтириб берарсан»,— дебди. Ҷавдар: «Бош устига»,— дебди. У нон билан ўн танга пулни олиб, йўлдан гўшт, резавор сотиб олибди ва эртагача худо подшо, дебдида, уйига равона бўлибди.

Онаси овқат пиширибди, еб-ичиб, ухлашибди. Эртаси Ҷавдар тўрини олиб, овга жўнаётганда онаси:

— Ўлтириб овқатланиб олгин!— деган экан, у

— Ўзингиз акаларим билан овқатланаверинг,— деб чиқиб кетибди.

Жавдар дарё бўйига келиб, тўрини сувга солибди, бўлмабди. Иккинчи марта солибди, бўлмабди, учинчи марта солибди, бўлмабди, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб кўрибди, бўлмабди. У шу зайлда асргача уринибди, лекин ҳеч нарса илинмабди. Тўрини елкасига ташлаб, хафа бўлганича уйига равона бўлибди. Нонвойнинг ёнидан ўтмай деса, уйига кетадиган бошқа йўл йўқ экан. Жавдар чор-ночор нонвойхонага яқинлашган экан, нонвой уни кўриб: «Кейин берарсан»,— деб унга қарзга нон ва кумуш танга пулларидан санаб берибди.

— Кел, олиб кетавер! Овинг бугун юришмаса, эртага юришар,— дебди нонвой. Жавдар нонвойга қуллуқ қилмоқчи бўлган экан, у:

— Э ўғлим, шуниям андишасига бориб ўтирибсанми, кетавер, бирон нарса овлаган бўлсанг, бошқа гап эди; ахир, овинг юришмай, қуп-қуруқ қайтаётганингни кўриб турибман-ку. Агар эртага ҳам овинг юришмаса, тўғри менинг олдимга келиб нон олиб кетавер, тортиниб ўтирма, бир кун берарсан,— дебди.

Учинчи кун ҳам иши ўнгидан келмабди, аср вақтигача уриниб, ҳеч вақо илинтира олмабди. Ноилож, нонвойнинг олдига бориб, ундан нон ва танга олибди. Етти кунгача шу аҳвол давом этаверибди. Ниҳоят, жуда хафсаласи пир бўлиб, ўзича: «Бугун бир Қорун кўлига бориб кўрай»,— деган фикрга келибди. У бориб тўрни энди сувга ташлай деб турганда, бир хачир мнган мағриблик киши келиб қолибди. У ажойиб кимхоб тўн кийган, хачир устидаги тўқимлар, эгар-жабдуқ ва бошқа нарсалар ҳам худди унга бичиб, тикилгандай, ўзига монанд эмиш. Мағриблик хачирдан тушибди-да, унга: «Ассалому алайкум, э, Умар ўғли Жавдар!»— дебди. Жавдар бўлса: «Ва-

алайкум ассалом, э ҳожи ҳазратим»,— деб алиқ олибди.

Кейин мағриблик Жавдарга қараб: «Э, Жавдар, сенда бир ишим бор, агар хўп десанг, бадавлат бўлиб кетасан, шу сабаб билан икковимиз қалин дўст ҳам бўламиз, менинг хизматимни қилиб юраверасан»,— дебди.

— Э, ҳожи ҳазратим,— дебди Жавдар,— кўнглингда нима бўлса, айтавер, жону дилим билан бажараман, қаллоблик қилмайман.

Шунда мағриблик Жавдарга: «Қани бўлмаса, бир фотиҳа ўқиб юбор-чи!»— дебди. Жавдар мағриблик билан бирга фотиҳага қўл очибди. Кейин мағриблик Жавдарга бир ипак арқон чиқариб берибди-да, дебди: «Бу арқон билан қўлимни яхшилаб боғлагин-да, мени сувга ташлаб юбор, сўнг бир оз қараб тур. Агар сувда танамдан олдин қўлим кўринса, тўр ташлаб, дарров мени тортиб ол. Борди-ю оёғим кўринса, мени ўлди деб бил-да, ташлаб кетавер. Хачиримни устидаги тўқимлари билан дарров савдогарлар бозорига олиб бор. У ердан Шамиа деган яҳудийни топиб, хачирни унга бер, у сенга юз динар беради. Пулни оласану, ҳеч кимга дамингни чиқармай, ўз йўлингга кетаверасан».

Жавдар мағрибликнинг қўлини қаттиқ боғлаган экан, у: «Яна қаттиқроқ боғла!»— дебди. Шундан кейин мағриблик Жавдарга қараб: «Қани, энди мени сувга итариб юбор-чи!»— дебди. Жавдар уни судраб бориб, сувга ташлаб юборибди. Мағриблик кўлга чўкиб кетибди. Жавдар сув лабида уни кутиб турибди. Шу пайт қўққисдан каллапо бўлиб сувдан мағрибликнинг иккала оёғи чиқиб қолибди. Жавдар уни ўлди деб ўйлабди-да, хачирини олиб, савдогарлар бозорига жўнабди, мағриблик эса, оёғи осмон-

дан келганича, сувда қолиб кетаверибди. Жавдар бозорга бориб, ўша яҳудийни топибди, у омбор олдидаги курсида ўтирган экан. Яҳудий хачирни кўриб: «Одам ўлибди»,— дебди, бир оз туриб, «У очкўзлик қурбони бўлди»,— деб қўшиб қўйибди. Жавдардан хачирни олиб, юз динор берибди-да, бу сирни ҳеч кимга айтмасликни тайинлабди. Жавдар динорларни олиб, хурсанд бўлиб жўнаб қолибди. У дарҳол нонвой олдига бориб, ундан керагича нон олибди ва пул узатиб: «Мана бу динорларни ол!»,— дебди. Нонвой динордан санаб олиб, Жавдарга: «Энди менда икки кунлик нон ҳақинг қолди»,— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳижоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
тўққизинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, нонвой Жавдар билан ноннинг пулини ҳисоблаб чиқиб: «Энди менда сенинг икки кунлик нон ҳақинг қолди, холос»,— дебди. Жавдар нонвойхонадан чиқиб, қас-собга борибди. Унга пул бериб, гўшт олибди ва қас-собга: «Қолган динорлар сенда тура қолсин»,— дебди-да, унга ҳамма пулни ташлаб, резаворларни олганича, уйига жўнабди. Уйига келса, акалари Солим билан Салим: «Қорнимиз очди»,— деб оналаридан томоқ сўрашаётган, она бўлса: «Уйда ҳеч нарса йўқ, то Жавдар келгунча сабр қилинглар»,— деб турган экан.

Жавдар уйига кира солиб, мана овқат, олиб ейверинг, деган ҳам экан, иккала акаси очопатдек

нонга ташланибди. Жавдар қолган тиллаларни онаси-га бериб: «Онажон, мана бу пулларни ол, Солим билан Салим овқат деб келганда уларга бер, ўзларига овқат олиб есинлар»,— дебди. Шундан сўнг у ётиб, тонг отгач уйғонибди ва тўрини олиб яна Қорун кўлига жўнабди. Кўл бўйига етиб келиб, тўрни энди сувга ташлай, деб турган экан, бирдан хачир минган яна бир мағриблик келиб қолибди. Буниси, олдинги ўлган мағрибликдан ҳам ясанганроқ экан. Хачир устида бир хуржун, хуржуннинг иккала кўзида эса, биттадан қути бор экан.

— Ассалому алайкум, э Жавдар,— дебди мағриблик.

— Ваалайкум ассалом, э ҳожи ҳазратим,— деб алик олибди Жавдар. Кейин Мағриблик Жавдардан: «Кеча сенинг олдинга мана шунақа хачир минган ҳожи келдими?»— деб сўрабди. Жавдар қўрқиб кетиб: «Мен ҳеч кимни кўрганим йўқ»,— деб алдабди. Жавдарнинг боши қотиб: «Агар у киши мағриблик қаёққа кетди, деб сўраб қолса, сувга чўкди, деб жавоб берсам, у киши, балки уни сен чўктиргандирсан, деб туриб олса, унда нима қиламан деб, «кўрганим йўқ»,— деб, туриб олибди. Ахир бошқа иложи ҳам йўқ экан-да.

— Э тентак,— дебди мағриблик,— ўша менинг акам эди, у мендан ўзиб кетибди.

Жавдар бўлса: «Хабарим йўқ, мен билмайман»,— деб тура берибди.

— Ахир, сен унинг қўлини боғлаб, сувга отиб юбормаганмидинг, акам сенга, агар қўлим чиқса, тўр ташлаб, мени дарров сувдан тортиб ол, агар оёғим чиқса, ўлган бўламан, хачирни олиб, Шамиа деган яҳудий олдига борсанг, у сенга юз динор беради, деганмиди?—дебди мағриблик.—Кейин сувдан унинг

оёғи чиқиб, сен хачирни олиб, яҳудийга топширма-дингми ва у сенга юз динор пул бермадимми?

— Сен буларнинг ҳаммасини билсанг, мендан нега сўраб ўтирибсан?— дебди Жавдар. Мағриблик эса: «Менинг ҳам истагим шу, акамни қандай қилиб сувга ташлаб юборган бўлсанг, мени ҳам шундай қиласан»,— дебди.

Кейин у Жавдарга ипак арқон чиқариб бериб: «Бу билан қўлимни боғлаб, сувга улоқтириб юбор, агар акамга ўхшаб сувда оёғим кўринса, хачирни яҳудийга элтгин-да, ундан юз динор ола қол»,— дебди. Жавдар: «Қани, кел бўлмаса»,— деган экан, мағриблик унга яқин келибди. Жавдар унинг қўлини боғлаб, сувга итариб юборибди, мағриблик чўкиб кетибди. Бир оздан кейин сувда икки оёқ кўринибди; «Бу ҳам жаҳаннамга кетди,— дебди Жавдар,— худо хоҳлаб, ҳар кун биттадан мағриблик келиб турса, мен уларни боғлаб, сувга ташлаб турсам, улар оёғи осмон бўлиб туришса, ҳар бир ўликка юз динордан олиб турсам, бундан ортиқ мёнга яна нима керак?!»— дебди-ю, хачирни миниб, бозорга жўнабди. Уни яна ўша яҳудий кўриб: «У ҳам ўлибди-да!»—дебди Жавдарга. «Ҳа, сенинг бошинг омон бўлсин!»—дебди Жавдар. «Тамагирларнинг жазоси шу!»—дебди яҳудий ва Жавдардан хачирни олиб, юз динор берибди.

Жавдар динорни олиб, уйига жўнабди. Келиб, пулларни онасига берган экан, у: «Эй ўғлим, бу динорларни қаердан олдинг?»—деб сўрабди. Жавдар воқеани айтиб берган экан, шунда онаси: «Энди Қорун кўлига борма, мағрибликлар тагин сени бир балога гирифтор қилиб қўйишмаса, деб қўрқаман»,—дебди.

— Э онажон,—дебди Жавдар,— мен уларни

сувга ўз илтимослари билан улоқтиряпман, нима қилай бўлмасам, бошқа иложим йўқ. Бу бизга ҳар куни юз динордан даромад келтиряпти, ўзим ҳам тез қайтыяпман. Худо ҳақи, мағрибликларнинг тухуми қуриб, токи биттаси қолмагунча Қорун кўлига боравераман,— дебди.

Жавдар учинчи кун ҳам ўша ерга бориб турган экан, тагин хачир минган бир мағриблик келиб қолибди. Бу хачир ҳам олдинги иккита хачирга қараганда юз чандон яхши ясатилган, тўқимлари ҳам худди унга ўлчаб тикилгандай эмиш.

— Ассалому алайкум, э Умар ўғли Жавдар!—дебди. Жавдар бўлса: «Буларнинг ҳаммаси мени қаердан билар экан»,— деб ҳайрон қолибди. Кейин унинг саломига алиқ олибди. Хачир эгаси: «Бу ердан мағрибликлар ўтдимиз?»— деб сўрабди. Жавдар: «Ҳа, иккитаси ўтди»,— деб жавоб берибди. Хачирли: «Улар қайси томонга кетишди?»— деб сўрабди, Жавдар: «Уларнинг икковини боғлаб, мана шу сувга ташлаб юбордим, икковлари ҳам сувда ғарқ бўлишди, сенинг ҳам тақдиринг шундай бўлади»,— дебди. Мағриблик кулибди, кейин Жавдарга қараб: «Э, тентак, ҳар бир тирик жоннинг ўз кўргилиги бўлади»,— дебди ва хачирдан тушиб: «Э, Жавдар, мени ҳам ўша иккала мағрибликка ўхшаш қўлимни боғлаб, сувга ташла»,— дебди. У шундай дебди-ю ипак арқон чиқариб берибди. «Қўлингни тут, боғлаб, сувга улоқтириб юборай, тезроқ бўл, шошиб турибман, вақтим зиқроқ»,— дебди Жавдар. Мағриблик қўлини чўзиб турибди. Жавдар уни боғлаб, итариб юборган экан, сувга чўкиб кетибди. Жавдар сув бўйида бир оз кутиб турибди. Бир вақт қараса, сувда мағрибликнинг иккала қўли кўринибди, Жавдарга: «Э, тентак, тўрни от!»— деган товуш эшитилибди. Жавдар тўр ташлаб, уни сувдан

тортиб олибди. Бундай қараса, у икки қўлида биттадан иккита балиқ тутиб турганмиш. Иккала балиқнинг туси маржондай қип-қизил эмиш.

Мағриблик: «Қутичани оч!»— дебди. Жавдар очибди. У ҳар бир қутичага биттадан балиқни солиб, оғзини бекитиб қўйибди. Кейин Жавдарни қучоқлаб ўнгу сўл ёноқларидан ўпибди. «Сени барча бало-қазодан худонинг ўзи асрасин,— дебди мағриблик,— агар сен тўр ташлаб, мени сувдан тортиб олмаганингда, худо ҳақи, бу иккала балиқни тутиб туролмай, ғарқ бўлиб ўлардим»,— дебди.

— Э, ҳожи ҳазратим,— дебди Жавдар.— Худо ҳайрингни берсин, менга аввалги иккала мағриблик, ундан кейин, мана бу икки балиқ ва яҳудий ҳақида гапириб бер.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
ўнинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Жавдар мағрибликдан: «Худо ҳайрингни берсин, аввалги иккала мағриблик, бу икки балиқ ва яҳудий ҳақида гапириб бер»,— деб сўраганида, у жавоб бериб шундай дебди:

— Э Жавдар, билиб олгин, олдин ғарқ бўлганлар, менинг биродарларим эди; бирининг оти Абдусалом, иккинчисининг оти Абдулаҳад эди. Менинг отим эса Абдусамад, ўша яҳудий ҳам бизнинг акамиз бўлади, унинг оти Абдураҳим. У аслида яҳудий эмас, мусулмон, фақат моликий мазҳабидан. Раҳматлик отамиз бизга тилсимотларни ечиш, хазиналарни очиш ва сеҳр-

лашни ўргатган эди. Биз машқ қилиб, уни эгаллайвердик, ҳатто жинлар, мурдат ва ифритлар ҳам бизга бўйин эгиб, амримизга тайёр бўлдилар. Биз тўрт эка-ука биродарлармиз, отамизнинг исми Абдулвадуд эди. Отамиз ўлиб, ундан бизга кўп мерос қолди. Кейин биз отамиз жамғарган мол-дунё ва ҳамма топган-тутганларини бўлашиб олдик. Ҳатто китобларигача бўлашдик. Шунда «Ҳикмат лавҳалари» деган китобга келганда жанжаллашиб, тўртовимиз ҳам келишолмай қолдик. Бундай китоб ҳеч ерда йўқ эди: у жуда қимматбаҳо, ҳатто дуру гавҳарлардан ҳам афзал эди. Чунки китобда қаерда хазиналар борлиги, ҳар қандай мушкулотлар тугунини ечиш йўллари кўрсатилган эди. Отамиз шу китоб билан иш тутарди, биз бу нодир асарнинг озгинагина жойини ёдлаб олгандик холос, лекин ҳар биримизнинг фикру ёдимиз шу китобга эга бўлиш, ундаги нарсаларни билиб олиш эди. Орамизда низо чиққандан кейин, отамизнинг пири ўртага тушди. У киши падаримизни тарбиялаб, сеҳргарлик ва коҳинлик илмини ўргатган экан. Унинг ўзини ҳам коҳин Абган дейишар эди. У келиб: «Қани, китобни беринглар-чи!»— деди. Биз унга китобни тутқаздик. Сўнгра у: «Сизлар ўғлимнинг фарзандларисиз,— деди,— бирингизни ёқлаб, бирингизни хафа қилишим мумкин эмас. Кимки бу китобни олмоқчи бўлса, Шамардал хазинасини қидириб топиб, у ердан менга фалак гардиши, сурма қути, узук ва шамшир келтириб берсин. Узугида унга хизмат қиладиган бир дев бор,— дебди, унинг исми Даҳшат Момагулдираги. Кимки шу узукка эга бўлса, унга на подшо ва на султон ўз ҳукмини ўтказолади. Агар у ер юзини — хоҳ бўйига бўлсин, хоҳ энига бўлсин, эгаллаб олмоқчи бўлса, унинг қудрати етади.

Шамширга келсак, кимки уни яланғочлаб, ҳавода ўйнатиб, душман аскарларига ҳамла қилиб: «Бу аскарларни қириб ташла!» деса, бас. Қиличдан оловли чақмоқ чиқиб, жамики аскарларни қириб, ер билан яксон қилади. Фалак гардишининг ҳам ҳикмати зўр. Кимки унга эга бўлса, Шарқдан тортиб Ғарбгача бўлган истаган мамлакатларни томоша қила олади. Киши ўтирган жойида унга қараб, сайр қилади, ҳордиқ чиқаради. У қайси томонни истаса, гардишни ўша ёққа тўғрилаб, хоҳлаган ўлка ва у ерларда яшовчи халқларни кўра олади. Уларнинг ҳаммаси худди шу гардиш эгасининг олдида тургандай бўлади. Агар у бирор шаҳардан ғазабланса, гардишни офтоб шуъласига тўғрилайди, шунда ҳалиги шаҳар куйиб кетади.

Энди сурма қутига келсак, унинг ҳикмати шундаки, кимда ким ундаги сурмани кўзига суртса, дунё хазиналарининг ҳаммасини кўра олади. Лекин сизларга менинг бир шартим бор. Шарт шуки, кимда ким бу хазинани очишга ожиз бўлса, бу китобда ҳақи йўқ. Кимда ким бу хазинани очиб, менга мана шу тўртта заҳирани келтириб берса, шу китоб ўшаники бўлади».

Биз бу шартга кўндик. Кейин у бизга деди:

— Э, болаларим, шунни билинглarki, Шамардал хазинаси Қизил подшо болалари қўлида қолиб кетган. Отангизнинг менга айтганига қараганда, у бу хазинани очишга уринган, лекин очолмаган. Чунки Қизил подшо болалари у ердан Мисрнинг Қорун деган кўлига қочиб кетган. Отангиз Мисргача қувиб боргану, лекин тутолмаган. Чунки улар шу кўлга тушиб кетишган ва кўл шу билан сеҳрланиб қолган.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
ўн биринчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, коҳин Абтан бу воқеани ўғлонларга гапириб бериб, шундай дебди:

— Кейин отангиз у ердан мағлуб бўлиб қайтди, шундай қилиб, Шамардал хазинасини очолмади ва у Қизил шоҳ авлоди қўл остида қолиб кетди. Отангиз доғда қолгандав кейин, менга келиб ҳасрат қилди. Мен фол очиб қарасам, у хазинани фақат Умар ўғли Жавдар деган мисрлик йигит ёрдами билан очиш мумкин экан, холос. Жавдар бўлса Қизил шоҳ болаларини тутишга сабабчи бўлар экан. Бу йигитнинг ўзи балиқчи, у билан Қорун кўлида учрашиш мумкин экан: Бахт соҳибини фақат Жавдар боғлаб, кўлга улоқтирсагина сеҳр ечилиши мумкин, сувга ташланган киши у ерда Қизил шоҳ болалари билан олишади. Кимга nasib қилган бўлса, ўша Қизил шоҳ болаларини тутиб олади. Кимга nasib қилмаган бўлса, ўша ерда ҳалок бўлади ва оёғи осмондан бўлиб, сувдан чиқиб қолади. Курашда ким саломат қолса, сувда унинг қўли кўринадди. Шунда Жавдар кўлга тўр ташлаб у кишини чиқариб олиши керак,— деди.

Шундан сўнг менинг биродарларим: «Ҳалок бўлсак ҳам шундай қиламиз»,— дейишди. Мен ҳам шундай қилмоқчи бўлдим. Аммо яҳудийсифат акамиз бўлса: «Мен бундан воз кечдим»,— деди. Биз у билан келишиб олдик; у савдогар яҳудий ниқобида Мисрга борадиган, биронтамиз кўлда ўлсак, Жавдардан хачир билан халтани олиб, унга юз динар берадиган

бўлди. Сенинг олдинга келган биринчи биродаримизни Қизил шоҳ болалари ўлдиришди, улар иккинчи биродаримизни ҳам ўлдиришди, лекин менга уларнинг кучи етмади, мен уларни тутиб олдим.

— Қани улар?— деб сўрабди Жавдар.

— Ҳали сен уларни кўрганинг йўқми? Мен уларни қутига қамаб қўйдим-ку,— дебди мағриблик.

— Ахир, булар балиқ-ку?— дебди ҳайрон бўлиб Жавдар.

— Булар балиқ эмас, балиқ янглиғ ифритлар,— дебди унга мағриблик.— Лекин, укам Жавдар, шуни билки, бу хазинани сенинг ёрдамингсиз очиб бўлмайди. Сен гапимга кириб, мен билан бирга Фос ва Макнос⁶ шаҳарларига боришинг керак. У ерга бирга борсанг, хазинани очардик, мен сенга ундан истаганингча мол-дунё берардим. Сен энди менинг биродарим бўлиб қолдинг, уйингга ҳам ортиб-тортиб, юзинг ёруғ бўлиб қайтардинг.

— Эй ҳожи ҳазратим,— дебди унга Жавдар,— қарамоғимда онам билан икки акам бор...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳанқоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
ўн иккинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, Жавдар мағрибликка:

«Қарамоғимда онам билан икки акам бор, мен уларни боқишим керак. Агар сен билан кетсам, уларга ким бир бурда нон беради?»— дебди.

— Шунинг ҳам ташвишини қилиб ўтирибсанми?— дебди унга мағриблик.— Агар гап сарфни харажат устида бўлса, осон экан-ку, сенга

минг динор бераман, онангга элтиб берасан, то қайт-
гунингча тирикчиликларини ўтказиб туришади. Тўрт
ой деганда ўзинг ҳам қайтиб келасан.

Жавдар минг динорни эшитиб: «Э, ҳожим, май-
ли, минг динорни бер, мен уни онамга қолдириб, сен
билан бирга кетаман»,— дебди.

Мағриблик Жавдарга минг динор чиқариб бе-
рибди, Жавдар пулни олиб, онаси ёнига бориб,
мағриблик билан бўлган воқеани айтиб берибди.
Кейин онасига: «Мана бу минг динорни ўзинг ва
акаларимга сарф қилиб тур. Мен мағриблик билан
кетяпман; тўрт ойгача ёнингларда бўлмайман, ле-
кин рўзғорни тебратадиган анча-мунча дунё орт-
тириб келаман, дуо қилиб тур мени, онажон!»—
дебди.

— Э ўғлим,— дебди онаси Жавдарга,— сен мени
ичиктириб қўясан-ку, бирор фалокат рўй бермаса
деб қўрқаман.

— Э она, қўрқма,— дебди Жавдар,— худо ас-
райман деган бандасига ҳеч гап бўлмайди, мағриб-
лик ҳам яхши одам.

Жавдар онасига мағрибликни мақтай кетибди.
Шундан кейин онаси: «Илойим, унинг кўнглига се-
нинг раҳмингни солсин! Майли, бора қол ўғлим у
билан бирга, балки сен ҳам бирон нарсади бўлиб
қайтарсан»,— дебди.

Жавдар онаси билан хайрлашиб, мағриблик Аб-
дусамад олдига етиб келгач, у: «Сен онанг билан
маслаҳатлашдингми?»— деб сўрабди.

— Ҳа, ҳатто хайрлашиб ҳам келдим, онам дуо
қилиб қолди,— дебди Жавдар.

Мағриблик отланиб:

— Қани, хачирга мингаш,— деган экан, Жавдар
мингашиб олибди. Икковлари хачирга миниб, чошт-

гоҳдан шомгача йўл юришибди. Жавдарнинг қорни очибди, лекин мағрибликнинг ёнида егулик бирор нарса кўрмабди.

— Э ҳожим,— дебди у,— эҳтимол, сен йўлга озиқ-овқат олишни унутгандирсан?

«Қорнинг очдими?»— дебди мағриблик. Жавдар: «Ҳа, очман»,— дебди. Кейин улар хачирдан тушишибди. Мағриблик унга: «Қани, хачирдан халтани тушир»,— дебди. Жавдар халтани туширибди, мағриблик унга: «Қани, биродар, нима егинг келяпти?»— дебди. Жавдар: «Ниманг бор?»— деб сўрабди. Шунда мағриблик: «Қани айт, кўнглинг нима тусайди?»— дебди. «Нону пишлоқ бўлса бўлади»,— дебди Жавдар.

— Э, тентак,— дебди мағриблик,— бунча назарингни паст қилмасанг, мартабангга қараб, дурустроқ нарса сўрасанг-чи.

— Шу пайтда,— дебди Жавдар,— менга ҳамма таом ҳам яхши.

— Қовурилган жўжа ейсанми?— дебди мағриблик.

— Ҳа,— дебди Жавдар.

— Асал солиб пиширилган гуручни-чи?— дебди мағриблик.

— Ҳа,— дебди Жавдар.

Мағриблик, фалон овқатни ейсанми, пистон овқатни ейсанми, писмадон овқатни ейсанми деб, ҳашпаш дегунча йигирма тўрт хил таомнинг отини айтибди.

Жавдар ичида: «Бу, жинними ўзи, ошхона тугул, на ўчоғу, на ошпаз бўлмаса, шунча овқатни қаердан олади, ундан кўра, бўлди, шуларнинг ўзи етади, деб қўя қолай»,— деб ўйлабди.

— Бўлди,— дебди ниҳоят Жавдар.— Сен менинг

иштаҳамни очиб, турли-туман овқатларни ейсачми, деб таклиф қиласан, ахир уларнинг бирортаси ҳам йўқ-ку!

— Э, мана бу-чи, марҳамат, Жавдар!— дебди мағриблик ва қўлини халтага тиқиб, ундан олтин идиш олибди. Идишда иккита қовурилган иссиққина жўжа бор эмиш. Иккинчи марта халтага қўлини тиққан экан, олтин идишда кабоб чиқибди. Шу тариқа халтадан овқат чиқариб бераверибди-бераверибди. Ниҳоят, ўзи айтган ўша йигирма тўрт хил таомларни батамом олиб берибди.

Жавдар буларни кўриб, ҳайратда қолибди.

— Есанг-чи, ол, э тентак!— дебди мағриблик.

— Э ҳазратим!— дебди Жавдар.— Сен бу халтага шунча ошпазу мулозимларни ажаб сиғдирибсан-да.

Мағриблик кулиб: «Бу халтага улар сеҳрлаб қўйилган. Агар биз соатига минг хил таом сўрасак ҳам, хизматчилар бизга ўша заҳотиёқ гайёрлаб беради»,— дебди.

— Ажабо, бу қизиқ халта экан-ку!— дебди Жавдар.

Шундай қилиб, икковлари қоринларини роса тўйгазиб олишибди. Сўнг қолганини гашлаб, мағриблик олтин идишни халтага солиб қўйибди. Мағриблик халтага яна қўл тиққан экан, кўза пайдо бўлибди. Икковлари сув ичишибди, кейин таҳорат қилиб, аср намозини ўқишибди. Мағриблик кўзаларни ҳам, қутичани ҳам қопга солибди. Сўнг уни яна хачирга ортиб, минибди-да, Жавдарга:

— Қани, мингаш, жўнаймиз!— дебди ва:— Э Жавдар! Мисрдан шу ергача қанча йўл юрганимизни биласанми?— деб сўрабди.

— Худо ҳақи, билмайман?— дебди Жавдар.

— Биз роппа-роса бир ойлик йўл босдик?— дебди мағриблик.

— Қандай қилиб?— дебди Жавдар.

— Э, Жавдар!— дебди мағриблик.— Шуни билиб олгинки, мана шу тағимиздаги хачир жин моридларининг морида, бир кунда у бир йиллик йўл босади. Лекин сени аяб майда қадам ташлади.

Шу билан икковлари хачирга минганларича, Мағриб томон равона бўлишибди. Қош қорайгач, мағриблик халтадан овқат олиб, баҳам кўрибди. Тонг отганда яна ундаги таом билан нонушта қилишибди. Шу зайлда тўрт кечаю тўрт кундуз йўл юришибди. Улар ярим кечагача йўл босиб, кейин тунашар, эрта тонгда яна йўлга равона бўлишар экан. Жавдарнинг кўнгли нимани тусаса, мағрибликдан сўрар, у бўлса, халтага қўлини тиқиб, истаган таомини олиб бераверар экан. Шу тариқа улар беш кун деганда Фос ва Макнос шаҳрига кириб боришибди.

Улар шаҳарга киришганида кўрганлар йўл-йўлаккай мағриблик билан саломлашар ва унинг қўлини ўпишар экан. Улар шу тахлитда кегавериб, ниҳоят бир эшикка етишибди. Мағриблик эшикни тақиллатган экан, бирдан эшик очилиб, бўсағада ойдек бир гўзал қиз кўринибди.

— Э Раҳима, жон қизим, бизга қасрни очиб юбор!— дебди мағриблик.

— Бош устига, отажон,— дебди қиз ноз билан тўлғаниб. Уни кўриб Жавдарнинг ақлу ҳуши учиб, оғзи ланг очилиб қолибди. У ўзига-ўзи: «Бу, ҳойнаҳой подшонинг қизи бўлса керак»,— деб ўйлабди. Қиз қасрни очибди, мағриблик хачирдан халтасини олиб, унга: «Баракалла, э хачир, худо ҳайрингни берсин»,— дебди. Шу пайт бирдан ер ёрилиб, хачир

пастга тушиб кетибди-ю, ер эса яна илгаригидек теп-текис бўлиб қолибди. «Э паноҳгоҳ эгам!—дебди Жавдар ичида,— сенга минг қатла шукур, унинг устида-лигимизда ер ютишидан бизни асрадинг». Бунга эшитган мағриблик: «Ажаблаима, Жавдар, мен сенга бу хачир жиғларнинг деви демабмидим. Қани, юр, қасрга кирамиз»,— дебди.

Улар қасрга киришибди, у ердаги ранго-ранг гиламлар, қимматбаҳо дуру гавҳарларнинг ажиб зеб бериб товланишини кўриб, Жавдарнинг кўзи қамашиб, ҳайратга тушибди.

Икковлари келиб ўтиришгач, мағриблик қизга:

— Раҳима, фалон бўғчани келтир!— деб буюрибди. Қиз ўрнидан туриб, отаси айтган бўғчани келтириб, олдига қўйибди. Мағриблик бўғчани ечиб, ундан қимматбаҳо ажойиб кийим-кечаклар олибди. Кейин Жавдарга қараб: «Марҳамат қилиб кий буларни, Жавдар»,— дебди.

Жавдар у кийимларни кийиб олиб, худди шаҳзодаларга ўхшаб кетибди. Мағриблик, олдига халтасани қўйиб, унга қўлини тикқан экан, ундан турли-туман овқатлар чиқа берибди, катта дастурхон ёзилиб, қирқ хил таом муҳайё бўлибди. Мағриблик Жавдарга:

— Э, мавлоно! Яқинроқ келиб, бу овқатлардан егин, камига биз қарздормиз, оз бўлса, айбга буюрмайсан,— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шахризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Бунга эшитган синглиси: «Эй опажон, ҳикояни жуда ҳам ажойиб экан»,— дебди.

— Агар подшоҳим мени тирик қолдирсалар, эртага бундан ҳам ажойиб ҳикоя айтиб берардим»,— дебди Шахризод.



*Олти юз
ўз учинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, мағриблик Жавдарни қасрга олиб кириб, унга қирқ хил таомли дастурхон ёзибди, сўнгра: «Э, мавлоно, яқинроқ келиб, бу овқатлардан тановвул қил, камига биз қарздормиз, оз бўлса, айбга буюрмайсан, биз қайси таомни кўнглинг тусадини билмаймиз, нима истасанг, буюравер, дарров муҳайё қиламиз»,— дебди. Шунда Жавдар

унга қараб:

— Э ҳожи ҳазратим! Мен овқат танлаб ўтирмайман, ҳар қанақа таомни еявераман, мендан сўраб ўтирмасдан, нимани хоҳласанг шуни беравер, тап-тортмай еявераман,— дебди.

Шу кўйи Жавдар йигирма кун мағриблик ҳузурида бўлибди. Мағриблик ҳар кун унга янги-янги кийимлар кийдириб, халтадан турли-туман овқатлар олиб бериб боқибди. У на эт сотиб олар экан ва на нон, ҳеч нарса пиширмас ҳам экан, ҳаммасини ҳатто

Йигирма биринчи кун келганда мағриблик: мева-чеваларгача ўша халтадан олаверар экан.

— Э Жавдар! Юр, бугун Шамардал хазинасини очадиган кунимиз,— дебди.

Жавдар туриб у билан бирга жўнабди, икковлари шаҳар четига етишибди, у ерда иккаласи икки хачирга миниб, яна йўлга тушишибди. Улар то қиёмгача йўл юриб, ахири суви шарқиллаб оқиб турган бир анҳор бўйига етишибди. Шунда Абдусамад, «тап» этиб хачирдан тушибди-да, Жавдарга: «Қани, сен ҳам туш»,— дебди.

Жавдар хачирдан тушибди. Абдусамад қўли билан икки қулга ишора қилиб: «Қани, тезроқ!»— дебди. Улар иккала хачирнинг жиловидан тутушиб, ғойиб бўлишибди. Бир оз ўтгач, уларнинг бири чодир келтириб тикибди, иккинчиси эса унга гилам келтириб тўшабди. Чодир теварагига кўрпачалар солиб, пар ёстиқлар келтириб қўйишибди. Кейин, у қулларнинг бири туриб, ўша икки балиқ солинган иккита қутичани келтирибди, иккинчиси эса халтани келтирибди.

Шунда мағриблик ўрнидан туриб: «Жавдар, берироқ кел»,— дебди. Жавдар унинг ёнига бориб ўтирибди. У халтадан таом олибди, икковлари овқатланишибди. Кейин мағриблик иккала қутини олиб, унга афсун ўқий бошлабди. Шунда қутидаги балиқлар тилга кириб:

«Лаббай, э дунё қоҳини, бизга раҳминг келсин!»— деб ёлвора бошлабди, мағриблик бўлса, тинмай афсун ўқийверибди, ниҳоят қутилар тарс ёрилиб, парчапарча бўлиб, ҳар томонга сочилиб кетибди-да, уларнинг орасидан иккита боғлоқ кимса кўриниб, бақирибди:

— Э дунё қоҳини, бизни омон қўй! Бизни нима қилмоқчисан, мақсадингни айт?— дейишибди. Мағриблик бўлса: «Менинг ниятим икковингни ҳам ёқиб юбориш. Ё менга Шамардал хазинасини очиб беришга сўз берасизлар, ё ёниб ўласизлар!»— дебди.

Бандилар ёлворишиб: «Сўз берамиз ва хазинани очиб берамиз. Лекин бир шартимиз бор: «Сен балиқчи Жавдарни топиб келасан. Чунки хазинани усиз ҳеч ким очолмайди, у ерга ўша Умар ўғли Жавдардан бошқа ҳеч ким киролмайди ҳам»,— дейишибди улар ҳовлиқишиб.

— Сенлар айтаётган ўша Жавдар шу ерда,— дебди мағриблик.—У сизларни кўриб, гапларингизни эшитиб турибди.

Шундан сўнг улар хазинани очиб беришга ваъда қилишибди, кейин мағриблик уларни бўшатиб юборибди ва бир қамич олиб, қизил ақиқ тахтачалар чиқарибди-да, унинг ёнига қўйибди. Ундан сўнг халтадан манқал чиқариб, унга бир оз кўмир солибди ва пуфлаб олов ёқибди. Ахири қўлига қандайдир гиёҳ олиб дебди: «Э Жавдар! Мен афсун ўқиб, оловга ана шу гиёҳдан ташлаб тураман. Афсун ўқиётган пайтимда гапиролмайман. Илми амаллар зое кетмай, эм бўлиши учун нима қилишнинг кераклигини сенга ўргатиб қўймоқчиман»,— дебди.

— Майли, ўргат,— дебди Жавдар унга.

Шунда мағриблик Жавдарга уқдирибди:

— Сен шуни эсингда тут: мен афсун ўқиб оловга гиёҳни ташлаганимда анҳордаги сув қурийди, шунда сен шаҳар дарвозасидай катта чўян ҳалқали олтин дарвоза кўрасан. Дарров тушиб, дарвозани астагина чертгин, кейин бир оз туриб, олдингидан баландроқ тақиллат. Сўнгра яна бир оз тўхтаб дарвозани кетма-кет уч марта қаттиқроқ қоқ. Шунда сенинг қулоғингга:— «Тилсимотлар илмини билмай туриб, хазина эшигини тақиллатаётган ким?»— деган овоз эшитилади. Сен:

— Мен Умар ўгли балиқчи Жавдар бўламан,— дейсан, дарҳол дарвоза очилиб қўлида шамшир тутган бир киши чиқади.

— Агар, сен ўша одам бўлсанг, қани, бўйинингни тут, бошингни танангдан жудо қилай,— дейди. Сен дарров бўйинингни эгиб, унга тутгин. Қўрқма, у қилич кўтариб, сенга ҳамла қилиши билан, олдингга йиқилиб, бир зумда ўзи жонсиз нарсага айланиб қолади.

Қилич зарбидан бирон еринг оғрмайди ҳам, сенга ҳеч нарса бўлмайди. Бордию унга бўйсунмай, қаршилиқ кўрсатсанг, у сени ўлдиради. Унинг сеҳри ўтмагач, ичкари кирасан, у ерда яна бир дарвоза бор. Уни тақиллатсанг, олдинга найза осган бир отлиқ киши чиқади. У сендан: «На одам ва на жин киролмайдиган бу маконга сени қандай ажал ҳайдаб келди»,— деб дўқ уради ва найзасини тепангда айлантириб, ўқталади. Шунда сен унга кўкрагингни тутиб бер. У сенга найза отиб, ўзи шу заҳотиёқ йиқилиб, жонсиз бўлиб қолади. Борди-ю, қаршилиқ кўрсатсанг, у сени ўлдиради. У жон бергач, ичкари кириб, учинчи дарвозага ҳам ўт. Шунда олдинга камон ва ўқёй тутган бир одам чиқади. У сенга камондан ўқ узади, сен дарров кўксингни очиб, ўқёйга кериб тур. У ёй отади-ю, ўзи оёғинг остига йиқилади ва шу бўйи жон беради. Борди-ю қаршилиқ кўрсатсанг, сени ўлдиради. У жон бергач, сен тўртинчи дарвозага кир...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— мағриблик Жавдарга уқдиришни давом эттирибди:

«Сен тўртинчи дарвозани тақиллат, шу чоқ эшик ланг очилиб, қаршингда жуда баҳайбат бир шер пайдо бўлади. У тишларини ғижирлатиб ёриб ташлагудек бўлиб сенга ҳамла қилади, лекин сен ҳеч қўрқма ҳам, қочма ҳам. Шер олдинга келганда дадил туриб, унга қўлингни чўз. Шу заҳоти у йиқилиб жон



*Олти юз
ўн тўртинчи кеча*

беради. Борди-ю, қаршилик кўрсатсанг, у сени ўлдиради. У ўлгандан кейин бешинчи дарвозага кир. Шунда олдингга бир қора қул чиқади ва: «Сен кимсан?»— деб сўрайди. Сен унга: «Мен Жавдарман»,— дейсан. «Агар сен ўша одам бўлсанг, олтинчи дарвозани очгин-чи»,— дейди қул. Шунда сен эшик ёнига бориб:

— Э, Исо! Мусога айт, эшикни очсин!— дейсан. Шу он эшик очилади, ичкари кирсанг, икки аждаҳони кўрасан; уларнинг бири ўнгингда, иккинчиси сўлингга туради. Иккала аждаҳо ҳам оғзини очиб, сенга ташланади. Шунда сен ҳеч кўрқмай қўлларингни чўз, ҳеч нарса қилмайди, қўлларингни сал чақади, холос. Агар қаршилик қилсанг, сени ўлдиради. Сўнг ичкари кириб еттинчи дарвозани тақиллат, шунда истиқболингга онанг чиқиб: «Хуш келибсан, жон болам, кел, кўришай»,— дейди. Сен унга: «Нарироқ бориб кийимларингни еч!»— дегин. У сенга: «Э жон болам, мен сенинг онангмаң-ку, сенга оқ сут бериб, ардоқлаган эдим-ку, мени ечинтиришинг нима-си?»— дейди. Сен унга: «Агар кийимларингни ечмасанг, сени ўлдираман»,— дегин ва ўнг томонингга қара. Деворга осиглиқ қилич бор, уни олиб, қинидан суғуриб: «Қани, ечин!» деб дўқ қил. У сенга эгилиб сохта тавозе қилади, лекин сен унга шафқат қилма, устидаги бир кийимини ечса, сен унга: «Қани, қолганини ҳам еч, бўлмаса, ўлдираман»,— деб дўқ қилавер. Шу тариқа у то сўнгги кийимларини ечмагунча қилич яланғочлаб тур. У барча кийимларини ечиши билан йиқилиб жон беради. Шундан кейин сен барча сирларни очган, сеҳрларни ечган, хавф-хатарлардан қутулган бўласан. Ичкарига кириб, хазинада уюлиб-уюлиб ётган тиллаларни кўрасан. Лекин ҳовлиқма, хазина ўртасида бошқа бир хона бор, унга парда

тутилган бўлади. Пардани кўтарсанг, олтин тахт устида ястаниб ётган коҳин Шамардални кўрасан. Шу коҳин бошида ойга ўхшаб шуъла сочадиган, думалоқ бир нарса бўлади. Фалак гардиши шу бўлади. Унинг қўлида шамшир, бармоғида узук, бўйнига эса маржон шодасига сурмадон осилган бўлади.

Сен мана шу тўрт заҳирани ол, ҳушёр бўл, менинг гапларимни эсингдан чиқариб қўйма тагин, Айтганимдай қилмасанг, тилингни тишлаб қоласан. Эс-ҳушингни йиғиб иш қил, тагин бизни хавотирга қўйма»,— дебди у сўзини тугатиб.

Мағриблик бу гапларни икки, уч, тўрт бор такрорлабди. Жавдар: «Мен ҳатто ҳаммасини ёдлаб олдиму, лекин сен айтган бу сеҳрга кимнинг юраги дов беради, иннайкейин, бундай даҳшатларга ким бардош бера олади?»— дебди.

— Э Жавдар, қўрқма, булар ҳаммаси руҳсиз жисмлар, холос,— дебди мағриблик ва Жавдарни қистай бошлабди. Ниҳоят Жавдар: «Майли, таваккал худога!»— дебди.

Кейин мағриблик Абдусамад оловга гиёҳ ташлаб, бир неча дақиқа афсун ўқибди. Айтгандек бирдан анҳорнинг суви қуриб, таги кўринибди ва хазина дарвозаси пайдо бўлибди.

Жавдар пастга тушиб, дарвозани мағриблик айтгандек қоққан экан, ичкаридан бировнинг:— «Тилсимлар илмини билмай туриб, хазина эшигини тақиллатаётган ким?»— деган овози эшитилибди.

— Мен, Умар ўғли балиқчи Жавдарман,— дебди у.

Уша заҳоти эшик ланг очилиб, Жавдар истиқболга қилич яланғочлаган киши чиқибди.

— Агар сен Жавдар бўлсанг, қани менга бўйнингни тут-чи!— дебди у. Жавдар бўйин эккан экан,

ҳалиги киши қилич билан бир ҳамла қилибди-ю, ўзи йиқилиб ўлибди.

Шу тариқа у иккинчи, ундан кейин учинчи дарвозани қоқибди. Жавдар ниҳоят еттита дарвоза сеҳрини очган экан, бирдан олдида онаси пайдо бўлиб қолибди:

— Хуш келибсан, жон болам!— дебди у. Жавдар бўлса: «Сен кимсан ўзинг?»— дея дўқ қилибди.

— Мен онангман,— деб жавоб берибди у.— Сенга оқ сут бериб, ардоқлаган ўша онангман, мен сени тўққиз ою тўққиз кун қорнимда кўтариб юрганман, жон болам.

— Қани, нарироқ бориб, кийимларингни еч!— дебди Жавдар. Хотин бўлса унга:

— Мен сенинг онангман-ку, мени ечинтиришинг нимаси?— дебди. Жавдар бўлса унга:— Еч кийимларингни, йўқса мана бу қилич билан каллангни оламан,— дебди. Кейин Жавдар мағриблик ўргатганидек ўнг ёнига қўл чўзиб, деворда осиглиқ турган қилични олибди-да, яланғочлаб, хотин тепасида айлангириб пўписа қилибди: «Агар ечинмасанг, каллангни шартта оламан»,— дебди.

Иккови роса ади-бади айтишибди. Жавдар асло бўш келмабди. Ахири хотин қўрққанидан устидаги у-бу нарсасини ечибди.

— Қани, қолганини ҳам еч!— дебди Жавдар. Яна иккови айтишиб кетибди. Анча гап-сўздан кейин она устидан яна у-бу нарсасини ечиб ташлабди, шу аҳволда ечинар экан, ниҳоят у зорланиб:

— Э болам, тарбиянг бузилибди,— дебди ва кўйлакчанг қолгунга қадар ечинибди. Кейин Жавдарга қараб:

— Э болам, сен шунақа бағри тошмидинг? Овратимни очиб, мени шарманда қилмоқчимисан, жон бо-

лам? Она овратини кўриш шармандалик-ку!— дебди.

— Гапинг тўғри,— дебди ниҳоят Жавдарнинг кўнгли юмшаб.— Майли, кўйлагингни ечмай қўя қол!

Жавдар бу сўзларни айтиб бўлган ҳамон, хотин бирдан бақириб:

— У янглишди, уринглар уни!— дебди. Хотин шундай дейиши билан Жавдарнинг бошига ёмғир каби ҳар ёқдан калтак туша бошлабди. Хазинанинг барча ходимлари уни роса савалашибди, у бир умр унутмайдиган бўлибди. Уриб-уриб ахийри Жавдарни судраб, хазина ташқарисига улоқтириб юборишибди. Шу билан хазина эшиги яна илгаригидек ёпилиб қолибди. Хазинадан улоқтириб юборилган Жавдарни мағриблик келиб дарров кўтариб олибди. Ўша заҳоти анҳорни сув босиб, аввал қандай оққан бўлса, ўшандай тўлиб оқа бошлабди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
ўн бешинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, хазина хизматчилари

Жавдарни роса калтаклаб, хазина ташқарисига чиқариб ташлабди. Хазина эшиги яна илгаригидек ёпилиб, анҳор суви яна аслича оқа бошлабди. Мағриблик Абдусамал то Жавдар ўзига келиб кўз очгунча уни ўқий бошлабди. Жавдар ўзига келгач, мағриблик ундан:

— Э тентак, нима қилиб қўйдинг?— деб сўрабди.

— Мен ҳамма тўсиқларни енгиб, ахири онам олдига бордим. Ўртамизда тортишув бошланиб кет-

ди. Э, акажон, мен сизга айтсам, у барча кийимларини ечди ҳам, фақат устида биттагина ич кўйлагига қолди. Шунда онам: «Мени шарманда қилма, оврагни очиш мумкин эмас-ку»,— деди. Мен унга раҳм қилиб, ич кўйлагини қолдирдим. Шу вақт онам бирдан: «У янглишди, янглишди, уринглар уни!»— деб бақириб юборса бўладими. Шу заҳотининг ўзида, қаерда туришган экан, билмайман, одамлар келиб, мени савалаб кетишди. Ўлгудай калтаклашгандан кейин мени қасрдан улоқтириб ташлашди, ундан у ёғи нима бўлганини билмайман.

— Ахир, сенга, айтган чизигимдан чиқмагин, демабмидим,— дебди мағриблик.— Ишнинг пачавасини чиқариб, мени ҳам балога гирифтор қилдинг, ўзингни ҳам. Агар хотин кўйлагини ечганда борми, биз мурад-мақсадга етган бўлардик. Энди майли, ўтган ишга саловат, сен то янаги йил шу маҳалгача менинг ҳузуримда қоласан.

Мағриблик ўша заҳоти икки қулини чақирибди, улар дарров чодирни бузиб, олиб кетишибди-да, бир оздан кейин иккита хачир етаклаб келишибди. Иккови биттадан хачирга минишиб, Фос шаҳрига қайтиб келишибди.

Жавдар мағриблик ҳузурда қолиб, яхши еб, яхши ичиб юраверибди. Мағриблик ҳар куни унга ажойиб кимхоб тўнлар, турли-туман либослар кийдирад экан. Шу тариқа кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтиб, йил тугабди, ниҳоят ўша кутилган кун ҳам етиб келибди.

— Мана кутган кунимиз ҳам келди,— дебди мағриблик Жавдарга.— Қани, юр энди!

— Хўп, кетдик бўлмаса,— дебди Жавдар.

Мағриблик Жавдарни шаҳар ташқарисига олиб чиқибди, у ерда ўша таниш қуллар иккита хачир уш-

лаб турган экан. Улар хачирга минишиб, анҳор лабига келишибди. Иккала қул дарров чодир тикибди, ичига гиламу кўрпачалар тўшабди, пар ёстиклар қўйибди. Мағриблик дастурхон ёзиб, иккалалари овқатланиб олишибди. Қоринларини тўйгазиб хотиржам бўлишгандан кейин, Абдусамад худди аввалгидай қамич билан тахтачани олиб, олов ёқибди. Қўлига гиёҳни тутиб, Жавдарга:

— Э Жавдар, мен сенга бир-икки оғиз маслаҳат бермоқчиман,— дебди у.

— Э ҳожи ҳазратим, олдин қилган маслаҳатларинг ҳам, еган калтакларим ҳам ҳали ёдимда,— дебди.

— Ҳаммаси эсингдами?— дебди мағриблик.

— Ҳа,— дебди Жавдар.

— Жонингни сақла, ўша хотинни онам экан, деб ўйлама. У онанг қиёфасида кўринади, холос. Аслида ўша хазинанинг соқчиси. У сени аврайди. Билиб қўй, агар олдинги гал алданиб тирик чиққан бўлсанг, бу гал янглишсанг, ўлигинг чиқади,— дебди.

— Агар бу гал ҳам янглишсам, мени ёқиб юборишса ҳам розиман,— дебди Жавдар.

Мағриблик ўтга гиёҳ ташлаб афсун ўқий бошлабди. Шу заҳоти анҳор суви қурибди. Жавдар хазина дарвозаси олдига бориб, уни тақиллатган экан, эшикланг очилиб кетибди. Жавдар етита тўсиқни енгиб, ахири онаси олдига борибди. Онаси: «Кела қол, ўғлим, хуш келибсан!» — дебди. Жавдар бўлса: «Э, малъун, мен сенга қаёқдан ўғил бўламан? Еч кийимларингни!» — дебди. Хотин Жавдарни аврай бошлабди. Лекин Жавдар бўш келмабди. Хотин ноилож кийимларини бирин-кетин еча бошлабди, ниҳоят кўйлакчан бўлибди.

— «Еч қолганини ҳам лаънати!» — деган экан, хо-

тин кўйлагини ҳам ечибди. Ечибди-ю, ўша заҳоти йиқилиб, жон берибди. Жавдар ичкари кириб қараса, олтинлар уюм-уюм бўлиб ётган эмиш. Лекин у ҳеч нарсага қарамай, тўғри тахтхонага кирибди. У ерда коҳин Шамардал белида қилич, бармоғида узук, бўйнида сурмадон, бошида эса, фалак гардиши турган эмиш.

Жавдар, коҳин белидан қилични, бармоғидан узукни, бўйнидан сурмадонни чиқариб олибди. Кейин боши устида турган фалак гардишини олганича ташқарига отилибди. Бирдан майин куй чалиниб, хазина мулозимлари бараварига:

— Олган нарсаларинг яхши кунингга ярасин, э Жавдар!— деб тилак тилашибди.

Жавдар то хазинадан чиққунча куй чалиниб турибди; мағрибликнинг олдига келган экан, у афсун ўқишни тўхтатиб, ўрнидан апил-тапил турганича, Жавдарни қучоқлаб табриклай бошлабди.

Жавдар хазинадан олиб чиққан ҳалиги тўрт нарсани мағрибликка берибди. Мағриблик иккала қулини чақирган экан, улар келиб чодирни ечиб олиб кетишибди ва бир оздан кейин иккита хачир етаклаб келишибди. Жавдар билан мағриблик хачирга миниб, Фос шаҳрига кириб келишибди. Мағриблик халтасини келтириб, ундан турли таомларни ола бошлабди. Олавериб-олавериб, у дастурхонни овқатга тўлдириб юборибди. Кейин у: «Укам Жавдар, қани, бу таомлардан е!»— дебди. Жавдар қорни тўйгунча овқатланибди. Мағриблик бўлса қолган таомларни бошқа нарсаларга бўшатиб, идишларни халтага солиб қўйибди. Кейин Абдусамад унга: «Эй Жавдар, сен бизни деб ўз эл-юртингни ташлаб келдинг, ҳожатимни чиқардинг. Энди сени хурсанд қилмоқчиман. Қани, тила тилагингни, биз сабабчи бўлиб, зора

тангри ниятингга етказса. Истаганингни айтавер, тортинма, тақдирлашга лойиқсан»,— дебди.

— Э ҳазратим,— дебди Жавдар,— аввал худодан, кейин сендан сўрайдиган нарсам шу: ўша халтани менга берсанг.

— Қани, менга халтани олиб бер-чи!— дебди мағриблик. Жавдар халтани унга келтириб берибди. Кейин мағриблик: «Ма, ола қол, бу энди сеники бўла қолсин. Э, тентаквой, бу халта овқат беришдан бошқа нарсага ярамайди-ку, бошқа нарса сўрасанг ҳам берардим. Ахир, мен билан барабар машаққат тортдинг, сени ўз ватанингга хурсанд қилиб жўнатишга сўз берган эдим. Бу нози неъмат халтасидан бошқа сенга олтину, гавҳар тўла бошқа яна бир хуржун ҳам бериб, ўз юртингга элтиб қўямиз, сен ўз юртингда катта савдогар бўлиб оласан, бу билан ўзингни, оилангни кийинтирасан, кийим-кечак, озиқ-овқат учун муҳтож бўлмайсан. Оиланг билан шу халтадан овқатланаверасан. Овқат олишинг учун бундай қилишинг керак, халтага қўлингни тиқиб: «Эй, халта хизматкори, тепангдаги улуғлар ҳақи ҳурмати, менга фалон овқатни бер!»— дейсан. Уша заҳотиёқ айтганингни бажо келтиради. Кунига минг хил овқат талаб қилсанг ҳам, муҳайё бўлаверади.

Шундан кейин, мағриблик хачир етаклаган қулидан биттасини чақириб, хуржуннинг бир кўзини олтин, иккинчи кўзини гавҳару дурлар билан тўлдириб келишни буюрибди, сўнгра Жавдарга қараб: «Қани, хачирга мин, бу қул олдинга тушиб, то уйингга етгунингча йўл бошлаб боради. Уйингга етгач, хуржун билан халтани олгину, хачирни шу қул орқали қайтариб юбор, у хачирни бу ерга олиб келади. Лекин бошдан кечирган сирларингни ҳеч кимга очма, сенга худога топширдик!»— дебди.

— Худо ҳайрингни берсин!— дебди Жавдар ва хуржунни хачирга ортиб, йўлга тушибди. Қул олдинда бошлаб бораверибди, хачир эса унинг кетидан юрибди. Шу тариқа роппа-роса бир кеча кундуз йўл босибди. Иккинчи куни тонг палласида Галаба дарвозасига кириб борибди. Шунда бирдан Жавдарнинг кўзи онасига тушиб қолибди. Онаси: «Ҳақ дўст» деб гадойчилик қилиб ўтирган экан. Жавдарнинг кайфи учиб, дарров хачирдан тушибди-ю, онасига отилибди. Онаси бўлса, ўғлини кўриб йиғлаб юборибди. Кейин Жавдар онасини хачирга миндириб, ўзи юганидан етаклаганича йўлга тушиб, ниҳоят уйга етишибди. Уйга боргач, Жавдар хачирдан онасини туширибди, халта билан хуржунни олиб, хачирни қулга топширибди. Қул бўлса хачирни етаклаганича ҳожаси олдига жўнабди. Қул ҳам, хачир ҳам жинлардан экан.

Онасининг гадойчилик қилиб ўтирганини кўриб, хўрлиги келган Жавдар, уйга қириб: «Онажон акаларим соғ-саломатми?»— деб сўрабди.

— Ҳа, соғ-саломат,— дебди онаси Жавдарга.

— Нега бўлмаса, сен йўлда тиланиб ўтирибсан?

— Э болам, очликдан гадойчилик қилиб ўтирибман-да, ўлиб қолмай тагин деб,— дебди онаси.

— Ахир мен,— дебди Жавдар,— сафарга кетишимдан олдин биринчи кун юз динор берган эдим, иккинчи куни ҳам юз динор, кетар чоғимда эса минг динор берган эдим-ку.

— Э болажонгинам,— дебди она,— акаларинг: «Рўзғорни ғамлаб оламиз»,— деб ҳийла-найранг билан пўлни мендан тортиб олишди-да, кейин ўзимни ҳайдаб юборишди. Очимдан ўлмайд деб, ўлганимнинг кунидан гадойчилик қилишга мажбур бўлдим.

— Э онажон,— дебди Жавдар,— ғам чекма, мана

мен қайтиб келдим. Энди, бундан буён қийинчилик кўрмайсан. Мана хуржун тўла тилла-ю гавҳарлар, бойлигимиз жуда кўп.

— Э болам, сен менинг бахтиёримсан, худо сени ярлақасин, мартабангни баланд қилсин, бор, жон болам, нон-пон олиб кел, кечадан бери очман, туз тотиганим йўқ,— дебди.

Жавдар бу гапни эшитиб, кулиб:

— Қани, онажон, марҳамат қилиб, кўнглинг нимани тусаса, буюравер. Ҳаммасини кўз очиб юмгунингча муҳайё қиламан,— бозорга бормайман ҳам, пишириб ўтирмайман ҳам,— дебди.

Шунда онаси: «Э болам, ахир қўлингда ҳеч вақо йўқ-ку!»— дебди. «Ҳамма нарса шу ерда, халта ичида»,— дебди Жавдар.

— «Болагинам, келган бало-қазодан эгамнинг ўзи сақласин»,— дебди Жавдарга онаси. «Айтганинг келсин»— дебди Жавдар онасига,— одам йўқ бўлса, чидайди, бор бўлса кўзи тўймайди. Шукур, ҳамма нарсага қодирман, нима истасанг сўрайвер». «Э, ўғлим,— дебди онаси унга,— иссиқ нону бир парча пишлоқ бўлса бас». «Э, онажон, ўзингга ярашурини сўрасанг-чи»,— дебди Жавдар.

— Менга ярашурини ўзинг биласан, майли, нимага лойиқ кўрсанг, шу билан қорнимни тўйғаз,— дебди ўғлига она.

— Э онажон, сенга ярашури қовурдоғу қовурма жўжа, қип-қизил илик палову, мурч сепилган хасип, қази-қарта-ю, ичига гўшт солиб пиширилган қовоқ, ундан кейин ичига масаллиқ солиб пиширилган қўзи гўшти-ю биқин шўрва, сенга лойиғи қанду асал, бодом мағизи солинган патиру, хушбўй резаворлар солиб ёпилган сомсалар, сенга лойиғи мана шулар,— дебди.

Онаси Жавдарнинг гапларини тинглаб, ўғлим мени мазах қиляпти, деб ўйлабди. Кейин ўғлига қараб: «Ҳай болам, сенга бирон нарса бўлдимми, туш кўряпсанми ё эсинг оғиб қолдимми?»— дебди онаси.

— Э онажон, нега мени ундай деяпсан?— дебди Жавдар онасига.

— Ахир,— дебди онаси,— сен тушимда ҳам кўрмаган жуда ажойиб қимматбаҳо нозу неъматларни атадинг, ахир, ўзинг ўйлаб кўр, болам, ундай таомларга кимнинг қурби келади-ю, ким уни пиришиб беради?

— Худо ҳақи, онажон, қайси таомни айтган бўлсам, ўша билан қорнингни тўйгаз,— дебди Жавдар. Шунда онаси ўғлига: «Ахир, қўлингда ҳеч вақо йўқку!»— дебди.

— Халтани келтир бу ёққа!— дебди Жавдар, онаси халтани келтираётиб, тимирскилаб кўрибди, ичида ҳеч нарса йўқ эмиш. Кейин уни ўғлига узатибди, ўгли эса халтага қўл тиқиб, ундан овқат тўла идишлар олибди. Жавдар олавериб-олавериб, онасига айтган таомларнинг барчасини дастурхонга қўйибди. Шунда онаси ўғлига:

«Э болагинам, бу кичкинагина халта бўм-бўш эди, ичида ҳеч нарсаси йўқ эди. Сен бўлсанг, бу таомларнинг ҳаммасини шу халтадан олдинг, бу идишлар қаёқда эди?»— деб сўрабди.

— Э онажон! Сенга айтсам, бу халтани менга мағриблик берди,— дебди Жавдар.— Бу сеҳрланган, унинг ичида ходим бор. Кимки бирор овқатни истаса, унга қўл тиқиб: «Ҳей халта ходими, тепангдаги улуғлар ҳурмати, менга фалон овқатни келтир!— деса бўлди, хизматкор ўша заҳотиёқ айтилган таомни ҳозир қилади.

Шунда Жавдарга онаси: «Қани, мен ҳам қўлимни

тиқиб, бирор овқат сўраб кўрай-чи, тайёр бўлармикин?»— дебди. Жавдар бўлса: «Марҳамат, синаб кўр!»— дебди.

Онаси халтага қўлини тиқиб: «Э халта ходими, тепангдаги улуғлар исми ҳақи, менга биқин гўштли қовурдоқ келтир»,— дебди. У шундай дейиши билан, халтада идиш пайдо бўлганини кўрибди. Халтага қўл тиқиб, уни олибди, қараса, қойил-мақом қовурдоқ; шундан сўнг, нон сўрабди. Онаси истаган таомларнинг ҳаммасини олибди. Шунда Жавдар онасига: «Э она, овқатланиб бўлганингдан кейин қолган таомларни бошқа идишга олиб, буни халтага солиб қўй. Халта сеҳрининг шарти шу. Халтани бўлса эҳтиёт қил!»— дебди.

Онаси халтани олиб, эҳтиётлаб бекитиб қўйибди. Шунда Жавдар: «Э она,— дебди, сен буни сир сақла, мен бу халтани сенга қолдираман, қачон бирор нарса зарур бўлиб қолса, халтадан олавер; ҳайри садақа қил, майли, хоҳ мен боримда бўлсин, хоҳ мен йўғимда бўлсин, иккала акамни ҳам боқ».

Жавдар онаси билан овқатланиб турганида, уйга бирдан иккала биродари кириб келибди. Улар Жавдарнинг келганини маҳалладаги бир кишидан эшитишган экан. Уша киши уларга: «Укангиз Жавдарни кўрдим, тагида хачир, олдида қул, эгнида бебаҳо кийимлар»,— дебди.

Шунда ака-ука бир-бириларига боқишиб: «Э аттанг, онамизни хафа қилмасак бўларкан, ана энди, қилмишларимизнинг ҳаммасини айтиб беради. Шарманда бўлдик, энди укамизга қайси юз билан қараймиз»,— деб бошлари қотибди. Шунда уларнинг бири: «Онамиз ўзи шафқатли, у чаққан бўлса ҳам, барибир, Жавдар онамиздан ҳам раҳмдил, унга узр айтсак, бас, қабул қилади»,— дебди. Улар андиша би-

лан Жавдарнинг олдига келишган экан, у ўрнидан туриб, уларни меҳрибонлик билан кутиб олибди, қуюқ ҳол-аҳвол сўрашибди. Кейин: «Қани ўтириб, овқатланинглар»,— дебди.

Иккала биродар ўтириб овқат ейишга тушишибди. Иккови ҳам очликдан силласи қуриб, пашшасини қўрий олмайдиган ҳолга тушиб қолган экан. Улар роса еб-ичишибди. Кейин Жавдар уларга: «Э оғажонлар, ортган овқатларни олинглар-да, етим-есир, бева-бечораларга бўлиб беринглар»,— дебди.

— Э Жавдар, — дебди акалари,— бу ўзимизга қолсин, кечқурун еймиз.

— Кечқурун бундан ҳам кўпроқ овқат бўлади,— дебди Жавдар. Шундан кейин улар қолган овқатларни кўчага олиб чиқиб, ўтган-кетган етим-есир, бева-бечораларга: «Ол, ейвер, ҳеч нарса қолмасин»,— деб улашишибди-да, идишни қайтариб келтиришибди, Жавдар онасига: «Бу идишларни халтага солиб қўй!»— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, Жавдарнинг биродарла-

ри қолган овқатларни етим-есир, бева-бечора, мискинларга улашиб келгандан сўнг, Жавдар, онасига идишларни узатиб: «Буни халтага солиб қўй!»— дебди. Кечқурун Жавдар уйга кириб, халтадан қирқ турли нозу неъмат олиб, бир чеккага қўйгач, акалари олдига чиқиб ўтирибди-да, онасига: «Қани,



*Олти юз
ўн олтинчи кеча*

онажон, овқатларни келтир!»— дебди. Онаси уйга кириб қараса, ҳамма ёқ нозу неъматларга тўла, у дарров дастурхон ёзиб, бирин-кетин қирқ хил таомнинг ҳаммасини келтириб қўйибди. Овқатланиб бўлганларидан сўнг Жавдар акаларига: «Қолган таомларни камбағал-мискинларга беринглар», — дебди. Улар олиб чиқиб, етим-есир, бева-бечораларга тарқатибдилар. Улар келгунча Жавдар халтадан бир неча хил ширинлик олиб қўйибди, ҳаммалари маза қилиб ейишибди, ортганини Жавдар қўни-қўшниларга бўлишаверибди. Эртаси ҳам, индини ҳам, унинг индини ҳам шундай қилибди. Орадан ўн кун ўтиб, ўн биринчи кун келганда Солим Салимга: «Нима сабабдан Жавдар бунчалик пурнеъмат бўлиб кетди?— дебди.— Яхши овқатлар билан у бизни эрталаб зиёфат қилса, тушда зиёфат қилса, кечқурун зиёфат қилса, яна кечалари анвойи ширинликлар тортиқ қилса, нимаки ортиб қолса, ҳаммасини етим-есир, бева-бечораларга бердирса, буларни у қаёқдан оляпти? Ахир, бу султонларнинг иши-ку. Бу давлатга у қандай эришдикин? Бу хилма-хил таомлару ширинликларни қаердан олаётганини ҳеч ўйлаб кўрдингми? У бозорга бориб, харажат қилганини ёки олов ёқиб пиширганини бирор марта ҳам кўрганимиз йўқ. Унинг ошхонаси ҳам, ошпази ҳам йўқ».

— Рост,— дебди иккинчиси,— худо ҳақи, бу тўғрида ҳеч ўйламабман. Лекин бу сирни қандай қилиб билсак бўларкин?

— Бунга онамиздан бўлак ҳеч ким ёрдам беролмайди,— дебди унга Салим.

Улар Жавдар йўғида оналари олдига келишибдида, ҳийла-найранг билан: «Э она, икковимизнинг ҳам қорнимиз оч»,— дейишибди.

— Хотиржам бўлинглар,— дебди онаси ва уйга

кириб, халтадан иссиққина овқат олибди-да, келтириб қўйибди. Шунда иккала ўғил: «Э она, бу келтирган овқатларинг иссиқ, лекин сен буларни пиширгани ҳатто гугурт чаққанинг ҳам йўқ, айт, қаердан олдинг?»— дебди.

— Халтадан олиган,— дебди она.

— Бу қанақа халта?— дейишибди иккала ўғил.

— Бу сеҳрланган халта,— дебди она фарзандларига,— таомларни хизматкорларидан сўраш керак.

Она иккала ўғлига воқеани айтиб берибди: «Ҳеч кимга айтманглар»,— деб тайинлабди. Салим билан Солим: «Туя кўрдингми, йўқ, онажон, ҳеч кимга айтмаймиз, лекин қандай қилиб овқат олинишини ҳам ўргатиб қўй»,— дейишибди.

Онаси икковига халтадан овқат олиш йўлини ўргатибди. Улар халтага қўлларини тиқиб, истаган нознеъматларини оладиган бўлишибди. Жавдар бундан беҳабар экан. Халтанинг сирини билиб олгач, Солим Салимга дебди:

— Э, биродар, қачонгача биз хизматкорга ўхшаб Жавдарга бўйнимизни қисиб, хайри садақасини еб юрамиз? Бир ҳийла билан халтани ўзимизники қилиб олмаймизми?

— Қандай ҳийла билан?— дебди Салим.

— Жавдарни Сувайс денгизининг бошлиғига сотамиз,— дебди Солим.

— Қандай қилиб сотамиз?— дебди Салим.

Солим унга: «Икковимиз ўша бошлиқнинг олдига борамиз-да, икки одам билан уни чорлаймиз. Ундан кейин мен Жавдарга нима десам, сен шуни тасдиқлаб турасан, ярим кечага бориб, нима қилганимни ўз кўзинг билан кўрасан.

Шундан кейин Салим билан Солим ўз биродарларини сотишга чоғланиб, келишиб олибдилар ва Су-

вайс денгизи бошлигининг ҳузурига бориб, арз қила бошлабдилар: «Э бошлиқ, ҳузуричгга бир иш билан келдик, ундан ўзинг ҳам хурсанд бўласан»,— дейишибди.

— Хўш?— дебди бошлиқ.

— Бизлар ака-укамиз,— дейишибди улар,— бизнинг учинчи бир укамиз бор, жуда саёқ бир акс, ноинсоф бола, ундан ҳеч бир яхшилик чиқмайди. Отамиз ўлиб, ундан қолган унча-мунча меросни бўлишиб олдик. Укамиз ўзига тегишли меросни фисқу фасод, саёқ йўлларга сарфлаб, киссада бир чақа ҳам қолмаганидан кейин устимиздан ҳокимга арз қилди. Қуриб кетгурнинг гапини қаранг: «Сизлар менинг ҳиссамни ҳам, отамнинг ўлимлигини ҳам олиб қўйгансизлар»,— дебди-я. Бу қуруқ туҳматга қарши биз ҳам ҳокимга арз қилавериб, бор-йўғимиздан айрилдик. Укамиз бўлса бир оз вақт ўтгач, яна арз қилишга тушди. Ўзимизни ҳимоя қиламиз деб жуда қашшоқлашиб кетдик. Шунда ҳам бизни тек қўймапти. Унинг дастидан бизга ҳеч тиним йўқ, шу укамизни сотиб олсанг-да, бир амаллаб йўқотсанг».

— Бирор ҳийла билан уни бу ерга олиб кела оласизларми? Агар шундай қилолсаларинг, мен уни дарров денгизга жўнатаман,— дебди бошлиқ.

— Олиб келолмаймиз,— дейишибди улар.— Илтимос, ўзинг билан бирга икки киши олиб бизникига меҳмон бўлиб бор, аммо кишиларинг сони икки нафардан ошмасин. Шунда ўтиришиб, укамиз ухлаган пайтда бешовимиз унга ёпириламизу, оёқ-қўлини боғлаб берамиз. Оғзига дўппи тиқиб, кеча қоронғисида уйдан олиб чиқиб кетасан. Кейин билганингни қил.

— Жоним билан!— дебди бошлиқ.— Шундай бўлгач, уни арзонроқ қилиб, қирқ динорга сотасизларда, а?

— Майли,— дебди улар бошлиққа,— шомдан кейин фалон жойдаги фалон уйга кел, биттамыз эшик олдида кутиб турамыз.

— Бўпти, кетаверинглар,— дебди бошлиқ.

Шундан кейин улар Жавдар олдига келиб, бир оз сабр қилиб ўтиришгач, Солим бориб Жавдарнинг қўлини ўпибди.

— Э, ака, нима бўлди сенга?— дебди Жавдар.

— Э, укажон,— дебди Солим,— сенга нима деб тушунтирсам экан, менинг бир дўстим бор, сен йўғингда у мени бир неча бор уйига чақириб, иззат-икром билан жуда кўп яхшилик қилган эди. Уйига борсам, ўтқазгани жой тополмасди. Менга қилган яхшиликларни мана бу Салим аканг ҳам билади. Ўша ошнам билан шу бугун учрашиб қолдим. У мени уйига таклиф қилган эди, рад қилдим, менинг бир укам бор, уни ташлаб кетолмайман,— дедим. У: «Укангни ҳам ўзинг билан бирга олиб кела қол»,— деди. Мен унга, укам рози бўлмайди, ўзинг укаларинг билан бизникига келсанг яхши бўларди,— дедим. Укалари ҳам ёнида ўтирган эди. Уларни ҳам уйга таклиф қилдим. Мен уларга манъзират қиламану, улар «йўқ»,— деб қўя қолишар, деб ўйловдим. Лекин, манъзиратим ҳаммасига маъқул тушди-қўйди.

«Майли, оврагмасжиднинг олдида кутиб ол, укаларим билан бирга бораман»,— деди. Улар келишса, сенинг олдингда хижолат бўламан. Шу кеча уларни бир амаллаб меҳмон қилиб, мени хижолатдан қутқаз. Худога шукур, сенда йўқ эмас, жон ука, молу дунёнг ҳам бор, уйимизга чақиршни эп кўрмасанг, унда қўшнимизникида ўтказишга рухсат бер.

— Нега қўшнимизникида ўтказар экансан?— дебди Жавдар,— меҳмон чақиршга уйимиз торлик қила-

дими, ё меҳмондорчилик қилишга кучимиз етмайди-ми? Буни мендан илтимос қилиб ўтиришининг ўзи уят. Хотиржам бўл. Нози неъматлар сероб, кўнглингдагидан ортиқ кутиб оламиз. Меҳмонлар келганда мабодо мен бўлмасам, онамизга айтсанг бас, у ҳаммасини бажо келтиради. Бор тезроқ, меҳмонларингни бошлаб кел, ҳар ким ўз ризқи билан келади, меҳмонли уйга барака киради.

Солим қувонган бўлиб, Жавдарнинг қўлини ўпиб жўнабди. У бориб оврагмасжиднинг олдида пойлаб ўтирибди.

Улар шом пайтида келишган экан, Солим уйга бошлаб кирибди. Жавдар меҳмонларни: «Хуш келиб-сизлар, марҳамат!»— дея хушчақчақлик билан кутиб олибди-да, ўтқазиб, самимий суҳбат қурибди.

Бечора Жавдар балога гирифтор бўлишини қаердан билсин! У таом келтиришни сўрабди, онаси халтадан идиш-идиш таом ола бошлабди. Бунга кўнгли тўлмаган Жавдар фалон овқат келтир, пистон овқат келтир дейвериб, ниҳоят, дастурхонга қирқ хил таом қўйдирибди. Хўп еб-ичишибди. Денгизчилар, бу нозу неъматлар, иззат-икромларнинг ҳаммасини Солим қиляпти деб ўйлашар эди. Кечаси уч хуфтан бўлганида Жавдар меҳмонларга ширинликлар тортибди. Солим бўлса, мулозимат қилиб турибди. Жавдар билан Салим то меҳмонлар ухламоқчи бўлгунларича кутиб ўтиришибди. Ниҳоят, меҳмонлар кўрпага киришибди. Хотиржам бўлган Жавдар ҳам ўрнига кириб ётибди-ю, ғафлат уйқуга кетибди. Шу вақт пойлаб ётган одамлар билан бирга Солим билан Салим Жавдарга ташланибди. Жавдар кўзини очганида оғзига аллақачон дўппи тиқилган экан.

Ҳаш-паш дегунча унинг қўл-оёғини боғлаб кўтарганларича тун ярмида уйдан олиб чиқиб кетибдилар...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
ўн еттинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— эшитишимга қараганда, денгизчилар ярим кечада Жавдарни кўтариб, чиқиб кетганларидан кейин, уни тўғри Сувайсга элтиб, оёғига кишан солиб қўйибдилар. Жавдар лом-мим демай хизмат қила бошлабди. У, роппа-роса бир йилгача қўл каби буюрилган ишни бажо келтириб юраверибди. Жавдар билан бўлган воқеа шу ерда тура турсин.

Энди Жавдарнинг акаларига келсак, икковлари эрталаб оналарининг ҳузурига киришиб: «Э, она, укамиз Жавдар ҳали уйғонгани йўқми?»— деб сўрашибди. «Уйғотинглар!»— дебди онаси. Шунда улар: «Қаерда ётибди у?»— деб сўрашибди. «Меҳмонлар ёнида»,— деб жавоб берибди онаси.

— Ухлаб ётганимизда у меҳмонлар билан бирга кетиб қолдимикан?— дейишибди ака-ука.— Ғарибликда юриш унга ёқиб қолганга ўхшайди, тагин бирон хазинага киришни қўмсаб қолгандир-да. Биз уни мағрибликлар билан гаплашаётганини эшитгандик. Улар Жавдарга: «Сени олиб кетамиз, сенга хазина очиб берамиз»,— дейишди.

— Жавдар, мағрибликлар билан учрашдимиз?— деб сўрабди онаси.

— Ахир, улар кеча меҳмон бўлиб келишди-ку, онажон!— дейишибди Солим билан Салим.

— Балки, ўшалар билан кетгандир,— дебди онаси.— Ишқилиб, худо унинг ишини ўнгидан келтир-

син. У бахтли бола, албатта, молу дунё билан қайтади.

Она шундай дебди-ю, бечора фарзанди фироқида гамга ботиб, хўрлиги келиб, хўнграб йиғлаб юборибди. Буни кўрган ака-укалар онасига: «Э, лаънати, наҳотки Жавдарни шунча яхши кўрсанг, биз келсак ҳам, кетсак ҳам ишинг йўқ, на севиначан, на гам чекасан. Жавдар сенинг ўғлингу, биз бегонамизми, а?»— дейишибди.

— Сизлар ҳам фарзандимсизлар,— дебди онаси,— лекин икковингиз ҳам бағри тош, бадбахт ўғилларсиз, менга ҳеч бир яхшиликни раво кўрмайсизлар. Отангиз ўлганидан бери нонкўрлик қилиб, бошимга не кунлар солмадингиз. Аммо Жавдар-чи, у бошқа олам, кенжатоимдан кўп яхшилик кўрдим, у дардимга малҳам бўлди, у иззат-икром қилди. Унга ҳар қанча қайғурсам арзийди, у менга ҳам, сизларга ҳам доим яхшилик қилиб келди.

Ака-укалар оналарини ҳақорат қилиб, уриб-суриб уйга кирганча халтани қидира бошлабди. Шунда улар қўққисдан хуржунга қоқилиб кўриб қолишибди-да, ундаги бир кўзи лиқ тўла гавҳар, иккинчи кўзи лиқ тўла тиллаларни ва ноз-неъмат халтасини олишибди. «Бу молу дунё отамиздан қолган»,— дейишибди икковлари онага. Шунда она: «Йўқ, худо ҳақи, бу моллар укангиз Жавдарники, у буларни мағрибликлар юртидан олиб келган»,— дебди. «Ёлғон!— дебди Солим билан Салим,— бу отамиздан қолган давлат, у бизники, ўзимиз оламиз буни».

Уйдаги мол-дунёни икковлари бўла бошлашибди. Аммо, ҳаммасини бўлишиб, навбат халтага келганда, жанжал чиқибди. Солим: «Мен оламан, буни»,— деса, Салим: «Мен оламан буни»,— дер экан. Хуллас, иккови келишолмай, сани-манга бориб қолишибди.

Шунда онаси болаларига қараб: «Жон болаларим, хуржундаги гавҳару тиллаларни-ку бўлишиб олдиларинг, майли, лекин бу нозу неъмат халтасини бўлишманглар, у бебаҳо буюм, пулга тенглаштириб бўлмайди. Борди-ю, уни иккига бўлсанглар, у вақтда сеҳри йўқолиб, ҳеч нарсага арзимайдиган оддий бир халтага айланиб қолади. Келинлар, халтани менга беринглар. Қачон овқат десанглар истаган таомингизни шу он муҳайё қилиб турай. Ўзим сизларга боқим бўлиб, сарқитларингизни еб юрай. Раҳмларинг келса, у-бу олиб бериб кийинтирарсизлар. Шу баҳона билан савдо-сотиқ қилишни ўрганасизлар. Аччиқ-сучук гапларни қўйинглар. Сизлар менинг болаларим, мен эса сизларнинг оналарингизман, ахир. Ади-бади гапларни ташлаб, илгаригидай апоқ-чапоқ бўлиб яшайлик, сиримиз кўчага чиқмасин, ажаб эмас, укангиз келиб қолса. У келгандан кейин, хижолат бўлиб ўтирманглар тағин»,— дебди.

Лекин, ўғиллари онасининг гапига парво қилмай, азонгача халтани талашиб чиқишибди.

Шу куни қўшнисиникига шоҳнинг бир ёйчиси меҳмон бўлиб келган экан. Ака-укаларнинг мол-дунё тўғрисидаги жанжалларини ёйчи меҳмонхона деразасидан эшитиб олибди. У эшитибди-ю, шоҳга бориб бутун воқеани баён қилибди. У маҳалларда Миср подшоси Шамсуддавла деган киши экан. Ана шу шоҳ дарров у ака-укаларни олиб келиш учун чопар юборган экан, навкарлар хаш-паш дегунча Солим билан Салимни олдиларига солиб олиб келишибди. Улар сир айтмабди.

Шоҳ уларни қийнашга буюрибди. Ахийри сирли халта ва олтину гавҳар тўла хуржун борлигига иқрор бўлган экан, шоҳ халта билан хуржунни тортиб олиб, ўзларини зиндонга ташлатибди-да, Жав-

дарнинг онасига тиркчилигига лойиқ нафақа тайинлабди.

Булар зиндонда тура турсин. Энди Жавдарга келсак, у роппа-роса бир йил Сувайсда хизмат қилгандан сўнг, бир кун кемада кетишаётганида, қаттиқ довул туриб, кемаларини қирғоқдаги тоғ этагига уриб, парча-парча қилиб юборибди. Кемадагиларнинг ҳаммаси сувга ғарқ бўлиб, фақат бир Жавдаргина омон қолибди. У бир амаллаб соҳилга чиқиб олгач, юра-юра бир арабнинг чодирига етибди. Улар Жавдардан ҳол-аҳвол сўрашган экан, у денгизчи бўлгани кемалари тоққа урилиб, майда-майда бўлганини бирма-бир гапириб берибди.

Чодирда жаддалик бир савдогар бор экан, унинг Жавдарга раҳми келиб: «Э, мисрлик ўғлон, менда ишлайсанми? Сенга кийим-бош қилиб бераман, ўзим билан Жаддага ҳам олиб бораман»,— дебди.

Жавдар кўниб, савдогарнинг хизматига ўтибди. Кўп ўтмай, сафарга чиқиб Жаддага етиб келишибди.

Савдогар Жавдарга яхши қараб, уни ҳурмат-иззат қилиб юрибди. Кейин у ҳаж сафарига чиқиб, Жавдарниям Маккага олиб кетибди. Маккага кириб боришгандан сўнг, Жавдар ҳарамни тавоф қилишга кетибди. У ҳарам атрофидан айланиб, тавоф қилаётганида, бирдан мағриблик Абдусамадни кўриб қолибди; у ҳам Жавдарга ўхшаб ҳарамни тавоф қилаётган экан...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Шунда синглиси: «Эй опажон, ҳикоянг жуда қизиқ экан»,— дебди. «Агар шоҳим мени тирик қолдирсалар, бундан ҳам ажойибини айтиб берардим»,— дебди Шаҳризод. Шоҳ бўлса: «Бунинг давомини эшитмагунча ўлдирмай тура турай»,— деб ўйлабди.



*Олти юз ўн
саккизинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, Жавдар ҳарамни тавоф қилиб юрганида бирдан дўсти Абдусамад мағрибликни кўриб қолибди. Абдусамад ҳам Жавдарга ўхшаб ҳарам теварагидан айланиб, тавоф қилиб юрган экан. Мағриблик уни кўргач, салом бериб ҳол-аҳвол сўрабди. Шунда Жавдар ҳўнграб йиғлаб, бошидан ўтганларни гапириб берибди. Мағриблик

уни уйига бошлаб келиб, иззат-ҳурмат билан қимматбаҳо сарполар кийгизибди. Кейин унга: «Хотиржам бўл, энди барча машаққатлардан халос бўлдинг, э Жавдар»,— дебди ва қумга ўтириб фол оча бошлабди. Шу вақт унга Жавдар акаларининг аҳволи аён бўлибди. Мағриблик Жавдарга: «Билиб қўй, Жавдар, сени шу кўйга солган иккала аканг, ҳозир уларнинг аҳволи ана ундоқ, мана бундоқ, улар миср подшосининг зиндонида маҳбус бўлиб ётишибди»,— дебди.

Шундай қилиб, у акаларининг ҳол-аҳволини Жавдарга гапириб: «Лекин сен, хотиржам бўлиб тоатибодатингни қилиб юравер, сенга яхшиликдан бўлак нарсани раво кўрмайман»,— дебди.

— Э ҳазратим, ундоқ бўлса, мен бориб, хўжайиним савдогар билан хайр-маъзур қилиб келай,— дебди Жавдар.

— Ундан қарзмисан?— дебди мағриблик.

— Йўқ,— дебди Жавдар. Шунда Абдусамад қўшиб қўйибди:

— Майли, хўжайининг билан хайрлашиб, хотир-

жам бўлиб, дарров кел, ҳалол фарзанднинг нони ҳар қаерда ҳам бутун,— дебди.

Жавдар савдогарнинг олдига бориб: «Мен акам билан учрашиб қолдим»,— дебди унга. «Бор, бу ерга бошлаб кел, зиёфат қиламиз»,— дебди савдогар. Жавдар бўлса:

— У бунга муҳтож эмас, ўзига тўқ одам, хизматчилари ҳам кўп,— дебди.

Савдогар Жавдарга йигирма динар бериб: «Ма, хизматингга рози бўл,— дебди. Жавдар у билан видолашиб, кўчага чиқибди. Йўлда келаётиб бир фақир кишига савдогар берган ўша йигирма тангани садақа қилибди да, мағриблик Абдусамаднинг олдига келибди. Бир неча вақт у билан бирга бўлиб, ҳаж зиёратини бажо келтиргач, мағриблик унга бир узук берибди. Бу Жавдар Шамардал хазинасидан олиб чиққан узук эди.

— Буни ол!— дебди мағриблик,— у сени муродмақсадингга етказди. Бу узукнинг Даҳшат Момагулдираги деган хизматкори бор. Дунёда нима истасанг, шу узукнинг кўзини бир артиб қўйсанг, бўлди, қаршингда ўша хизматкор ҳозир бўлади. Унга нимаки буюрсанг, хизматингга қуллуқ қилиб, бажо келтиради.

Савдогар шундай деб, узук кўзини артган экан, шу заҳоти қаршиларида хизматкор пайдо бўлибди да, уларга қуллуқ қилиб:

— Лаббай, тақсирим, хизматингизга тайёрман, нима истасангиз буюринг, бажо келтираман. Хароб шаҳарни обод қилдирасизми ё обод шаҳарни хароб қилдирасизми? Шоҳни ўлдиргингиз келяптими ё лашкар тортгингиз келяптими, буюраверинг, ҳаммасини бажо келтираман,— дебди.

— Э гулдирак!— дебди мағриблик,— сенинг хў-

жайининг энди бу киши бўлиб қолди, энди унга хизмат қилишинг керак.

Кейин хизматкорни жўнатиб, Жавдарга айтибди:

— Кўрдингми, узукни мана шундай артсанг, қаршингда мана шунақа хизматкор «лаббай», деб ҳозир бўлиб тураверади. Унга истаган амрингни буюравер, ҳеч сўзсиз бажараверади. Энди юртингга жўнайверсанг ҳам бўлади, аммо узукни жуда эҳтиёт қилиб сақла, бу узук туфайли сен барча душманларингдан устун келасан. Унинг қадрига ет!

— Э ҳазратим,— дебди Жавдар,— ўз ватанимга эзминг билан бораман.

— Узукни арт,— дебди мағриблик Жавдарга,— олдингда хизматкор пайдо бўлади, унга опичиб, «Шу бугун мени ўз шаҳримга элтиб қўй!» десанг бўлди, у сўзсиз бажо келтиради.

Жавдар Абдусамад мағриблик билан видолашиб, узукни артган экан, шу пайт қаршисида Даҳшат Момагулдираги пайдо бўлиб:

— Лаббай тақсирим, буюринг, бажо келтираман,— дебди.

— Шу бугуноқ мени Мисрга элтиб қўй!— дебди Жавдар.

— Хўп бўлади, хотирингиз жам бўлсин,— дебди-ю, Жавдарни олиб осмон-фалакка кўтарилиб кетибди. У қиёмдан ярим кечагача учиб, ниҳоят, онасининг уйига тушиши билан, ғойиб бўлибди. Жавдар онасининг олдига кириб борибди. Ўғлини кўрган она, унга пешвоз чиқиб, ўрнидан турибди-ю, ўпкаси тўлиб йиғлаб юборибди. Кейин у ҳол-аҳвол сўраб подшо билан акалари ўртасида юз берган ҳодисани — иккала акасини подшо калтаклатгани, сеҳрли халта ҳамда олтин билан гавҳар тўла хуржунни олиб кетганини кўз ёши қилиб, бирма-бир айтиб берибди.

Бу ҳолни эшитгач, акаларига Жавдарнинг раҳми келибди-да, онасига: «Қайғирма, онажон, ўтган ишга саловат, ҳозир кўрасан: иккала акамни ҳам қутқариб, шу ерга келтираман»,— дебди.

У узукни артган экан, рўбарўсида хизматкор пайдо бўлиб:

— Лаббай, тақсирим, буюринг, бажо келтираман!— дебди.

— Буйруғим шу, ҳозирнинг ўзида бориб, подшо зиндонидан иккала акамни олиб кел!— дебди Жавдар. Хизматкор ер қаърига кириб кетибди. Солим билан Салим зиндонда жуда қаттиқ азоб-уқубат чекиб, ҳасрат-надомат билан бири иккинчисига: «Худо ҳақи, жон биродар, ғам-ғусса чекиш ҳаддан ошиб кетди, тоқай зиндонда ётамиз. Бундан ўлиб қутулмасак, тирик қутуллолмайдиганга ўхшаймиз»,— деб ўлимига рози бўлиб ётишган экан.

Улар шундай деб гаплашиб туришганида бирдан ер тарс ёрилиб, Даҳшат Момагулдираги чиқибди-ю, икковини олиб, ер қаърига кириб кетибди. Ака-укаларнинг жон-пони чиқиб кетибди. Бир вақт кўзларини бундай очиб қарашса, иккови ҳам уйида турганмиш. Онасининг ёнида укаси Жавдар ўтирганмиш.

— Келинглар, акалар, саломатмисизлар?— дебди Жавдар.— Сизларни кўриб жуда хурсандман.

Иккала ака нима қилишини билмай бошини эгиб, йиғлай бошлашибди. Шунда Жавдар уларга:

— Йиғламанглар, сизларни шайтон йўлдан урган, очкўзлик шу кўйга солиб қўйибди. Қайси юз билан мени боғлаб сотдинглар? Майли, мен Юсуфни эслаб, ўзимга тасалли бераман; акалари унинг бошига солган кулфатлар сизларнинг қилмишларингдан ҳам ёмонроқ эди. Улар ўз укалари Юсуфни чоҳга ташлаган эдилар, ахир,— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз ўн
тўққизинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Жавдар иккала акасига қараб:

Сизлар қайси юз билан мени боғлаб сотдинглар? Лекин энди худога сиғиниб тавба-тазарру қилинглар. Шояд, раҳмдил эгам гуноҳларингни афв этса. Мен гуноҳларингни кечдим, марҳамат, қўрқманглар, хотирингизни жам қилиб, бемалол юраверинглар,— дебди.

Шундан сўнг Жавдар акаларига ўз бошидан кечирганларини: шайх Абдусамад билан учрашгани борми, унинг узук бергани борми, ҳаммасини гапириб берибди. Шунда иккала ака унга яна ёлвора бошлабди:

— Э укажонимиз, шу галча гуноҳимизни кеч, бундан сўнг ёмонлик қилсак, билганингни қил, ҳаммасига розимиз,— дебди.

— Ҳечқиси йўқ,— дебди Жавдар.— Қани, менга айтинглар-чи, подшо нима қилди?

— У бизни роса калтаклатди,— дебди Солим билан Салим.— Кейин дўқ қилиб халта билан хуржунни тортиб олди.

— Обо очқўз подшо-ей!— дебди Жавдар ғазабланиб.

У узукни артган экан, қаршисида хизматкор пайдо бўлибди. Унинг ҳайбатидан иккала акасининг кайфи учиб кетибди. Улар, Жавдар бизни ўлдиришга буюради, деб ўйлаб, қўрққанларидан оналари олдига бориб:

«Жон онажон, бизни олиб қол, жон онажон, бизга раҳминг келсин, бир амаллаб қутқариб қол!»— деб ёлвора бошлашибди.

— Қўрқманглар, болаларим!— дебди она.

Шу пайт Жавдар хизматкорга: «Сенга буйруғим шу: подшо хазинасидаги барча гавҳару олтин ва бошқа молларни олиб кел. Ҳеч нарса қолмасин, подшо акаларимдан тортиб олган халта билан гавҳар, тилла тўла хуржунни ҳам келтир,— деб буюрибди.

— Бажону дил,— дебди хизматкор ва ўша заҳоти ғойиб бўлиб, хазинада нимаики бўлса, ҳаммасини олибди; гавҳару тилла тўла хуржун дейсизми, нознеъмат халта дейсизми, хуллас, хазинада бор нарсаларнинг барчасини Жавдар олдига келтириб қўйибди-да:

— Ҳазратим, хазинада ҳеч нарса қолдирганим йўқ,— дебди.

Жавдар гавҳару тилла солинган хуржунни онасига бериб: «Буни эҳтиёт қил!»— дебди, халтани эса ўзи олиб қолибди. Кейин узук хизматкорига: «Сенга топшириқ,— деб буюрибди.— Шу бугун кечаси менга бир олий қаср қурасан; ҳамма ёғига олтин суви югуртирилган, қимматбаҳо гиламлар тўшалган бўлсин. Буларнинг ҳаммасини бажаришга наҳоргача муҳлат бераман, вассалом.

— Ҳаммаси кўнглингиздагидай бўлади,— дебди хизматкор ва ўша заҳоти ер қаърига кириб кетибди. Шундан сўнг Жавдар таом олибди, ҳаммалари ебичиб, хурсанд бўлиб ётишибди.

Хизматкорга келсак, у ўзининг барча ёрдамчиларини чақириб, қаср қуришни буюрибди; бири тош йўнибди, бири терибди, бири оқласа, бири нақш солишга тушибди, бошқа бири эса гилам тўшабди. Шу тариқа, тонг отмасданоқ қаср батамом қўлдан чиқиб-

ди. Эрталаб хизматкор келиб Жавдарга хабар қилибди: «Э ҳазратим, қаср тап-тайёр, агар хоҳласангиз чиқиб кўринг». Жавдар ўз онаси ва акалари билан чиқиб қараса, чорраҳада ажойиб бир олиймақом қаср қад кўтариб турибди. Қасрнинг чиройидан нақ кўзлар қамашар экан. Жавдар сарфу харажатсиз битган қасрни кўриб хурсанд бўлиб кетибди. У онасидан: «Онажон, сен бу қасрда яшашни хоҳлайсанми?»— деб сўрабди. «Э, ўғилгинам, албатта хоҳлайман»,— дебди она ва ўғлини дуо қилибди. Жавдар узукни яна артган экан, хизматкор: «Лаббай!»— деб ҳозир бўлибди.

— Сенга буюраман, — дебди Жавдар.— Қирқта чиройли оқ чўри, қирқта қора чўри, қирқта мамлуклардан, қирқта қул топиб кел.

— Хотиринг жам бўлсин, айтганларидай бўлади,— дебди хизматкор. Шундай дебди-ю у ўзининг қирқ нафар ёрдамчилари билан Ҳинд, Синд ва Ажам мамлакатларига жўнаб кетибди. Улар қаерда гўзал қиз кўришса, дарров тутиб олишаверибди. Хизматкор яна қирқ нафар ёрдамчиларини юбориб, гўзал қора чўрилар топтириб қелибди, бошқа қирқи эса занжий қулларни топиб келибди. Уларнинг ҳаммаси билан Жавдарнинг уйи тўлиб-тошиб кетибди. Хизматкор уларнинг ҳаммасини Жавдарга кўрсатган экан, унга ёқиб тушибди. Шундан сўнг у хизматкорга: «Энди буларга жуда камёб, қимматбаҳо кийим-кечаклар келтир!»— деб буюрибди. «Хўп бўлади»,— дебди у. Хизматкор у кийимларни келтиргач: «Энди онам билан менга ҳам кийим-кечак келтир»,— деган экан, хизматкор ҳаммасини бажо келтирибди. Шунда Жавдар бир чўрини кийинтирибди-да, у ердагиларга: «Мана шу аёл бундан буён сизларнинг бекангиз бўлади, оқу қора ҳаммангиз баб-баравар унинг қўлини

ўпиб, буйруғига итоат қилинглар»,— дебди. Чўриларни кийинтириб бўлгач, мамлукларни, акаларини ясантирибди; сўнг ўзи кийиниб худди подшога ўхшаб кетибди, акалари бўлса вазирга ўхшар экан. Чўрилари билан Солимни кенг ҳовлининг бир томонига, чўрилари билан Салимни бошқа бир томонига ўтқазибди. Ўзи бўлса онаси билан янги қасрга кўчиб ўтибди. Уларнинг ҳар бири ўз мақомларида мисоли бир султондек яшай бошлабди.

Энди шоҳнинг хазиначисига келсак, у ниманидир олмоқчи бўлиб хазинага кирса, ҳеч вақо йўқ, хазина бир шоирнинг мана шу мисраларда айтганига ўхшаб қолибди:

Мана, қатор-қатор турган асалари уяси.

Кетиб қолиб арилар ҳам бўшдир бари уяси.

Ҳайратдан у чуқур бир оҳ урибди-ю, ўзидан кетиб йиқилибди, анчадан кейин ҳушига келгач, хазинз эшигини ёпишни ҳам унутиб чопганича, подшо Шамсуддавла ҳузурига кириб:

— Э, амир ал-мўминин! Маълумингиз бўлсинки, шу бугун тунда хазина бўшаб қолибди, энди нима қиламиз?— дебди.

— Хазинамдаги бойликларимни нима қилдинг?!— деб бақирибди шоҳ.

— Худо ҳақи, ҳеч нарса қилганим йўқ. Қандай бўшаб қолганини билмай, ўзим ҳам гарангман. Кунни кеча кирганимда ҳаммаси жой-жойида эди. Бугун кирсам, ҳеч вақо қолмабди, хазина шипшийдам бўлиб ётибди-ю, эшиклари қулфлоглиғича турибди, занжирлари узилмаган ҳам, турми бузилмаган ҳам, тамбаси синмаган ҳам, ҳеч ўғри кирганга ўхшамайди.

— Халта, хуржунлар ҳам йўқми?— дебди шоҳ қалтираб.

— Ҳа, йўқ,— дебди хазиначи. Буни эшитиб, шоҳнинг ҳам кайфи учиб кетибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
йигирманчига
ўтар кечаси*



Й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, хазиначи подшо ҳузурига кириб, хазинадаги бор буд-шудининг ҳаммаси, ҳатто халта-хуржунларгача ўғирланганини маълум қилгандан кейин, шоҳнинг эҳсонаси чиқиб кетибди, у дик этиб турибди-да, хазиначига: «Қани, олдимга туш!»— дебди. Хазиначи олдинда, подшо орқада — иккови хазинага кириб боришибди. Ҳақиқатан хазинада ҳеч вақо қолмаганлигини ўз кўзи билан кўрган шоҳ ғазаб билан бақарибди: «Ким қуритди хазинамни, ким экан у, менинг қаҳримдан ҳайиқмайдиған?»

Шоҳ қаттиқ ғазабга келибди. Тахтига чиқиб девон чақарибди, лашкарбошлиқларини йиғибди. Уларнинг ҳар бири ўзларича қўрқиб, шоҳ мендан ғазабланияпти, деб ҳадиксирар эмиш.

— Э саркардаларим, билиб қўйинглар, бугун кечаси хазинамга ўғри тушибди, аммо кимлиги номаълум; мендан ҳайиқмай, хазинамга тушадиган довлар ким экан, а?!— дебди шоҳ.

— Ростданми?— дейишибди саркардалар.

— Ишонамасаларинг, мана, хазиначимдан сўранглар,— дебди шоҳ.

Хазиначи эса:

— Кеча хазина лиқ тўла, ҳамма нарса жой-жойи-

да эди,— дебди.— Бугун кирсам, қуп-қуруқ, ҳеч бало қолмабди, лекин эшик турми бузилган ҳам эмас, зан-жирлари ҳам аслидай турибди. Буни эшитиб саркардаларнинг оғзи ланг очилиб қолибди. Улар гапта энди оғиз жуфтлаган экан, бирдан эшикдан Солим билан Салимни подшога чаққан ёйчи келиб қолиб, ҳаллослаганича арз қила бошлабди:

«Э, шоҳи замон, мен кечаси билан бир нима қураётган қурувчиларни кузатиб чиқдим, эрталаб туриб қарасам, шундай шинам бир қаср қурилиб қолибдики, дунёда унга тенг келадигани йўқ. Одамлардан сўрасам, улар менга: «Жавдар қайтиб келган, бу қасрни ўша қурдирди. Унинг мамлуклари, қуллари кўп, ўзиям аллақанча мол-дунё билан қайтди. Акаларини ҳам зиндондан халос қилди, ўзи бўлса худди султонлардай ҳаёт кечиряпти»,— дейишди.

— Зиндонни қараб келинглар,— дебди шоҳ. Одамлар бориб қарашса, унда на Солим бор ва на Салим. Улар қайтиб воқеани шоҳга билдиришибди.

— Бўлди,— дебди шоҳ,— мени шилган, шу Солим билан Салимни ким қутқарган бўлса, хазинадаги мол-дунёни ҳам ўша олган.

— Э, ҳазратим,— дебди вазир,— у ким ўзи?

— Иккаласининг укаси Жавдар, халтани ҳам, хуржунни ҳам ўша олган. Сен, вазир, бундай қил: эллик нафар одам билан амирни юбор, Жавдарни акалари билан тутиб, барча молларига муҳр босиб, қузуримга келтирсин, уни дарҳол дорга осаман.

Шоҳ баттар дарғазаб бўлибди:

— Тезроқ қимирла, бор, дарров амирни юбор, уларни олиб келсин, ўз қўлим билан ўлдираман, қиличим кўпдан қонсираб турибди,— дебди.

— Сабр қилинг, шоҳим,— дебди вазир.— Олло таоло сабрлидир, исёнкор бандаларига жазо бериш

учун у ҳеч шошилмайди. Одамлар айтганидай, бир кечада қаср қургани рост бўлса, унга дунёда ҳеч ким бас кела олмайди. Мен амирга ачинапман, Жавдарга бас келаман деб балога гирифтор бўлмасин, тагин. Сиз андек сабр қилиб туринг, мен бир ўйлаб кўрай, ахир бир чораси топилиб қолар. Иншоолло, ниятингизга етиб, уларнинг калласини олиб ташлайсиз, бунга ҳеч шак-шубҳамиз йўқ, э шоҳи замон.

— Э, вазири олам, тезроқ чора топ,— дебди шоҳ. Шунда вазир: «Жавдарга амирни юборинг, уни саройингизга меҳмонга таклиф қилсин. Олдинига меҳрибонлик билан ундан ҳол-аҳвол сўраймиз, қараймиз, агар баланд келса ҳийла ишлатамиз, паст келса, тугиб оламиз-қўямиз, кейин билганингизни қилаверасиз.

— Бор, бўлмаса, амирни юбориб, уни чақиртир,— дебди шоҳ вазирга. Вазир Усмон деган амирга: «Жавдар олдига бориб: «Шоҳим сизни зиёфатга таклиф қиляпти»,— деб айтгин»,— деб буюрибди.

— Жавдарни, албатта бошлаб кел,— дебди шоҳ. Амир Усмон анча мутакаббир, аҳмоқ одам экан. У саройдан чиқиб, Жавдар қасрига яқинлашганда, курсида ўтирган дарвозабонга кўзи тушибди. Амир Усмон қасрга яқин келса ҳам дарвозабон унинг ҳурматини бажо келтириб ўрнидан туриш ўрнига, писанд қилмай ўтираверибди. Усмон эликта навкар билан келган экан, дарвозабонга яқинлашиб: «Э қулвачча, хўжанг қаерда?»— деб сўрабди.

— Қасрда,— деб жавоб берибди.


У шундай деб амир Усмонга парво қилмай, ёнбошлаб ётаверибди. Амир Усмон буни кўриб:

— Э нас босган қул!— деб дарғазаб бўлибди.— Мен билан шу алфозда гаплашгани уялмайсанми? Мен сендан гап сўраяпману, сен эшакка ўхшаб, ағанаб ётибсан!

— Бор, бор, кўп эзмалик қилмай, туёгингни шикиллат!— дебди дарвозабон. Амир бунни эшитиб, даҳшатга келибди-да, гурзи билан унга ҳамла қилмоқчи бўлибди? Амир, унинг дарвозабон одам қиёфасидаги жин эканлигини билмас экан. Жин амирнинг ҳамла қилмоқчи бўлганини кўриб, сапчиб ўрнидан турибди-ю, унинг қўлидаги гурзини тортиб олиб ўзини тўрт марта туширибди. Амир бошлаб келган эллиқ нафар навкар, қилич яланғочлаб, ўлдиришга шайланибди. Аммо, дарвозабон даҳшатли наъра тортиб:

— Э лаънати итлар, ҳали менга қилич солмоқчимисизлар!— деб навкарларга ташланиб, гурзи билан савалай кетибди. Кимгаки гурзи тегса, у чилпарчин бўлиб, қонига беланаверибди. Уни ўлдирмоқчи бўлган навкарлар калтак зарбидан орқаларига қарамай тумтарақай қочаверибди. Жин бўлса, аямай савалайверибди, ниҳоят ҳаммаси қочиб, ҳеч ким қолмагач, у дарвоза ёнига қайтиб, ҳеч нарса бўлмагандай ўз курсисига ўтирибди.

Қисса шу ерга келганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
йигирма биринчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— дарвозабон, амир Усмон ва унинг навкарларини савалаб, Жавдар қасридан анча нарига ҳайдаб юборгандан кейин, қайтиб келиб яна ўз ўрнига ўтирибди. У ҳатто бировга қайрилиб ҳам қарамабди.

Энди амир Усмон ва унинг навкарларига келсак, улар дарвозабондан калтак еб, тавбасига таян-гач, орқага — шоҳ Шамсуддавла

ҳузурига бориб ҳаллослай-ҳаллослай ҳамма воқеани гапириб беришибди.

— Э шоҳи замон,— деб тушунтирибди амир Усмон,— қаср дарвозасига борсам, дарвозабон курсида ўтирган экан. У ғоят мутакаббир экан, пешвоз чиқиб таъзим қилиш ўрнига, келаётганимни кўра била туриб, менсимасдан ёнбошлаб олди. Мен унга гап қотсам, у пинагини бузмай, ёнбошлаганича бепарво жавоб бераверди. Шундан кейин қоним қайнаб, гурзи билан бошига шартта туширмоқчи бўлган эдим, лип этиб гурзини қўлимдан тортиб олди-да, мени ҳам, навкарларни ҳам ура кетди, бир қанчамизни майиб қилиб, қонимизга беллади. Унга бас келолмай қочиб келдик.

Буни эшитган шоҳ ғазабга келиб:

— Унга қарши юз нафар навкар юборилсин!— дебди. Юз нафар навкар отланиб жўнабди. Улар яқинлашганда, соқчи уларни ҳам чунон савалаб кетибдики, ҳар ким ўз жонини сақлаш пайига тушиб, тумтарақай қочиб қолибди. Навкарлар қочиб кетишгач, у яна келиб курсисига ўтирибди. Калтак еб қайтган навкарлар эса шоҳ ҳузурига қайтиб, бўлган воқеани айтиб беришибди.

— Э шоҳи замон,— дейишибди улар,— биз унинг даҳшатига бардош беролмадик.

— Бўлмаса, икки юз навкар борсин!— дебди шоҳ.

Юборилган икки юз нафар аскар ҳам калтак еб қайтибди. Буни кўрган шоҳ вазирга: «Вазир, бу вазифани энди сенга юклайман, беш юз нафар навкар билан бориб, ўша дарвозабонни ҳам, хўжаси Жавдарни ҳам, унинг аскарларини ҳам олиб кел!»— дебди.

— Э шоҳи замон,— дебди вазир.— Менга навкар

керак эмас, аксинча, унинг олдига қурол-яроғсиз, бир ўзим бораман.

— Бор, қандай қилсанг қил, лекин ишни дўндириб кел!!— дебди шоҳ.

Вазир бутун қурол-яроғларини ташлаб, оқ кийиниб, тасбеҳини қўлида тутганича, бир ўзи пиёда жўнабди. У, Жавдар қасрига яқинлашгач, дарвоза олдида ўтирган қулни кўриб:

— Ассалому алайкум!— дебди-да, келиб унинг ёнига ўтирибди.

— Ваалайкум ассалом, э, инсон!— деб алик олибди у.— Хўш, хизмат?

Вазир, унинг «Э инсон» деган сўзидан у одам эмас, балки, жин эканлигини пайқаб, қўрққанидан қалтираб кетибди:

— Э ҳазратим!— дебди вазир.— Хўжанг Жавдар шу ердами?

— Ҳа, шу ерда, қасрда,— дебди у.

— Э, ҳазратим, бориб айт: шоҳ Шамсуддавланига салом йўллаб, ўз ҳузурига чорлаяпти, шоҳ унинг шарафига зиёфат бермоқчи, саройга ташриф буюриб, зиёфатда ҳозир бўлсинлар,— дебди вазир.

— Сен шу ерда тура тур, у билан кенгашиб келаман,— дебди дарвозабон.

Вазир дарвоза олдида одоб билан кутиб турибди. У эса қасрга кириб, Жавдарга:

— Э ҳазратим, билиб қўй,— дея гап бошлабди,— Подшо сенга амирини юборган эди, мен уни калтакладим, у билан келган элик нафар навкарни ҳам дўппослаб ҳайдаб юбордим. Кейин у юз нафар навкар юборди, уни ҳам уриб ҳайдадим, сўнгра икки юз нафар юборди, уни ҳам тавбасига таянтириб жўнатдим. Энди қурол-яроғсиз ҳолда вазирини юборибди. У сени шоҳ ҳузурига зиёфатга чорлаяпти, ташриф

буюриб, ноз-неъматларидан ер эмишсан. Хўш, нима дейсан бунга?

— Бор,— дебди Жавдар,— вазирни бу ерга бошлаб кел.

У чиқиб вазирга: «Э вазир, кириб хўжам билан гаплаш»,— дебди. «Бош устига!»— дебди вазир ва ичкарига — Жавдар ҳузурига кирибди. У бундай қараса, Жавдар кўша-кўша гиламлар устида подшодан ҳам улуғроқ бўлиб ўтирганмиш. Шундай гиламлар тўшалганки, бундай гилам подшоода ҳам йўқ эмиш. Қасрнинг ажойиб нақшлари, турли-туман гиламларни кўриб, вазирнинг оғзи очилиб қолибди. У, Жавдар олдида мисоли бир гадога ўхшаб қолибди. Вазир дарҳол ер ўпиб, уни дуо қилибди. Шунда Жавдар:

— Хўш, қандай хизматлари бор, вазирни?— деб сўрабди.

— Э ҳазратим,— дебди вазир,— подшо Шамсудавла сени жуда яхши кўради, у сенга салом йўллаб, юзингни кўришга муштоқ бўлиб ўтирибди. Шоҳимиз сенинг шарафингга зиёфат ҳозирлаб, қадамингга мунтазир. Бориб кўнглини шод этсанг соз бўларди.

— Агар шоҳ менни яхши кўрса,— дебди Жавдар,— мендан унга салом топшир, айт, у менинг ҳузуримга келсин.

— Бош устига,— дебди вазир. Шу пайт Жавдар узукни олиб, артган экан, узук хизматкори ҳозир бўлибди. Жавдар унга: «Энг яхши сарполар келтир»,— дебди. Хизматчи кийим-бош келтирган экан:

— Кий буларни, э вазир!— дебди Жавдар. Вазир кийиб олибди. Шунда Жавдар:

«Бор энди, гапларимни шоҳга айт!»— дебди.

Вазир ясаниб-тусаниб шоҳ олдига борибди ва

Жавдарнинг туриш-турмуши ҳақида ҳамма кўрганларини: ажойиб қасрни, ундаги бутун дабдабаларни мақтаб-мақтаб ҳикоя қилибди, ниҳоят: «Жавдар сени меҳмонга чақирди»,— дебди у.

— Туринглар, э навкарлар!— дебди шоҳ. Ҳаммаси туришибди.—Отларга мининглар. Менинг арғумоғимни ҳам келтиринглар, ҳаммамиз Жавдарникига борамиз.

Подшо отга миниб навкарлари билан Жавдар қасри томон йўл олиб турсин.

Энди Жавдарга келсак, у вазирни жўнатиб, узук хизматкорига буйруқ берибди:

— Сен ўз ёрдамчиларинг — ифритларни одам қиёфасига солиб, бу ерга чақир. Улар худди аскарларга ўхшаб, менинг ушбу қасрим теварагида саф тортиб туришсин, буни кўриб шоҳ юрагига гўлгула тушиб, менинг қуч-қудратим уникдан анча-мунча устун экан деб ўйласин.

Хизматкор икки юз нафар қуроолланган аскар қиёфасидаги ифритни бошлаб келибди. Улар жуда шинам кийинган, яхши қуроолланган, ўзлари ҳам бақувват, хушбичим экан. Подшо қасрга келиб, бундай бақувват барзанги аскарларни хўриб, кайфи учиб кетибди.

Кейин дарров ичкарига, Жавдар ҳузурига кириб қараса, Жавдар шундай олий мартаба эгаси бўлиб ўтирибдики, на ҳеч бир шоҳ ва на султон бунга тенг кела олмайди. Шоҳ қўлини кўксига қўйиб, Жавдарга салом берибди, Жавдар ўрнидан турмабди ҳам, таъзим ҳам қилмабди, ҳатто ўтиргани жой ҳам кўрсатмабди. Шоҳ тик турганча серрайиб қолибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
дигирма иккинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, подшо Жавдар ҳузурига кирганида, уни ҳурмат қилиб ўр-нидан ҳам турмабди, ўтиргани жой ҳам кўрсатмабди, шоҳ серрайиб тикка турганича на ўтиришни ва на чиқиб кетишни билмай, шундай хаёлга чўмибди: «Мендан қўрқ-қанда у бундай қилмасди, акалари-га қилган номаъқулчилигим туфай-ли менга жазо берса ҳам эҳтимол».

Жавдар унга хитоб қилибди: «Э подшоҳи замон! Одамларга зулм қилиб, молу мулкани тортиб олмиш яхши эмас-ку!»

— Э ҳазратим! Бир қошиқ қонимдан кеч, очкўз-лик ўлгур мени шу йўлга солди, кўргулик экан, тақ-дир ҳукми ижро этилди. Гуноҳ бўлмаганда уни кечи-рими маъфират ҳам бўлмасди.

Подшо қилмишлари учун Жавдардан узр сўрай бошлабди, у нуқул: «Афв этинг», деб ёлворар экан, ҳатто ушбу шеърни ўқибди:

Эй жаҳонда сулув йигит, ота ўғли қулоқ сол:
Гуноҳимиз оғир, аммо юзимизга солмагил.
Бизни хафа қилган бўлсанг, кечирдик биз кўнглидан,
Сени хафа қилган бўлсак, ҳеч кўнглинга олмагил.

Шоҳ шундай деб Жавдар олдида тавозе билан ўзини хокисор тутибди.

— Гуноҳингни оллоҳ афв этсин!— дебди Жавдар ниҳоят ва ўтиришга рухсат берибди. Подшо ўтириб-ди. Жавдар унга омонлик сарпоси кийдириб, акала-

рига дастурхон ёзишни буюрибди. Меҳмондорчиликдан кейин у подшо одамларига сарупо кийгизиб, иззату икром қилибди. Шундан кейин подшо кетишга ижозат олиб, Жавдар қасридан чиқибди. Шу-шу шоҳ тез-тез Жавдар ҳузурига келиб турадиган, девонини ҳам шу ерда чақирадиган бўлибди; иккови ўртасидаги дўстлик алоқалари ошиб, кунлар ўта берибди.

Бир куни вазири билан ёлғиз ўтирган шоҳ унга: «Э вазир, Жавдар мени ўлдириб, тахтимни олмаса деб қўрқаман»,— дебди.

— Э шоҳи замон,— дебди шунда вазир,— тахтингни олиб қўйишидан хавфсирама, Жавдарнинг мартабаси сеникидан анча баланд, подшолик унинг қадрини анча пастлатган бўлади. Агар ўлдиради, деб қўрқсанг, қизинг бор-ку, уни Жавдарга бер-да, қуда бўл қўй.

— Э вазир,— дебди шоҳ,— бир амаллаб сен бу ишни амалга ошир!

— Хўп,— дебди вазир,— уни ҳузурингга таклиф қил. У билан ўйин-кулги қилиб ўтирганимизда, қизингга айт, зеби-зийнатларини тақиб, ясаниб-тусаниб, меҳмонхона олдидан ўтсин. Шунда у кўриб, қизингга қизиқсинса бас, бу подшоҳимизнинг қизи, деб дарров уни гапга соламан. Сен ҳеч нарсадан беҳабардай турасан. Қарабсанки, у совчи жўнатибди. Қизингни бериб, уни куёв қилиб олганингдан кейин иш тамом, икковингиз бир тану бир жон бўлиб қоласизлар, қўясизлар. Сўнг хотиржам яшайверасан. Агар ўлса, сенга жуда кўп мерос қолади.

— Гапларинг тўғри, э вазир,— дебди шоҳ ва зиёфат гайёрлаб, Жавдарни таклиф қилибди. У саройга келиб шоҳ меҳмонхонасида кечгача базм қуриб ўтирибди. Шоҳ хотинига қизини зеби-зийнатлар билан

безатиб ўша хона олдидан олиб ўтишни буюрибди. Хотини шоҳ айтгандай меҳмонхона олдидан қизи билан ўтибди. Қиз ҳақиқатан ғоят гўзал, ойжамол, бенуқсон экан. Унга Жавдарнинг кўзи тушиб дурустроқ бир қарабди-ю: «Оҳ!» деб юборибди. Шундан сўнг унинг аъзойи бадани бўшашиб кетиб вужудини ишқ-муҳаббат чулғаб олибди. Эс-ҳушидан ажраб, ғам-гуссага ботибди, бирпаснинг ўзида юзлари сарғайиб кетибди.

— Ёмон кўздан асрасин. нима бўлди сенга, ҳазратим,— дебди вазир.— Дарров ўзгариб кетдинг, нега бунча уҳ тортяпсан?

— Э вазир,— дебди Жавдар унга,— бу кимнинг қизи ўзи, у қалбимни чулғаб, ақлимни олиб кетди.

— Бу сенинг дўстинг — шоҳнинг қизи,— дебди вазир.— Агар сенга маъқул бўлса, мен шоҳ билан гаплашиб кўрай.

— Гаплаш, э вазир,— дебди Жавдар.— Худо ҳақи, хизматингга нима сўрасанг, бераман. Қизининг маҳрига подшо ҳам нима тиласа, бераман; бизлар меҳрибон қайната-куёв бўлиб қўя қоламиз.

— Шак-шубҳасиз мақсадингга етасан,— дебди вазир ва шоҳ билан пичирлашиб олибди-да, овоз чиқариб:

— Э шоҳи замон, сизнинг меҳрибонингиз Жавдар сиз билан янада яқинлашиш ниятида, қизинг Оснёга уйланмоқчи, гапимни ерда қолдирмай совчилигимни қабул қил, маҳрига нима сўрасанг, Жавдар ҳаммасини беради,— дебди.

— Узларига муяссар бўлиб турибмиз, шунинг ўзи ҳар қандай маҳрдан аъло,— дебди шоҳ,— қизим бу кишига чўри бўлиб хизмат қилади. Илтмослари бош устига.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
йигирма учинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— вазир подшо Шамсуддавлага:

— Жавдар сенга янада яқинлашиш ниятида қизинг Осиёга уйланмоқчи. Маҳрига нима сўрасанг беради,— дебди. Подшо бўлса: Узларига муяссар бўлиб турибмиз, шунинг ўзи бас,— дебди.— Қизим бу кишига чўри бўлиб хизмат қилади. Илтимослари бош устига.

Уша кеча ўтиб эртасига шоҳ девон чақириб, сарой аҳллари ва амалдорларини тўп-лабди, Шайхулислом ҳам ҳозир бўлиб, шоҳ қизини Жавдарга унаштирибди. Подшо: «Маҳрни олдим»,— дебди. Никоҳ қоғози битилибди. Жавдар одам юбориб, гавҳару дурлар тўла хуржунни келтиришни буюрибди. Уни келтиришгач, Жавдар шоҳга: «Қизингнинг маҳрига»,— деб уни шоҳга ҳадя қилибди. Шундан сўнг так-такатум ноғара-ю карнай-сурнай чалиниб, тўю томоша, шоду хуррамлик бошланиб кетибди. Жавдар қизга етишиб, шоҳ билан апоқ-чапоқ бўлиб кетишибди. У бир неча йил тотув ҳаёт кечиргач шоҳ ўлиб, лашкарбошлиқлари салтанатни бошқаришни Жавдардан илтимос қилишибди. Олдинга у унамаган экан, ҳеч қўйишмабди, ниҳоят у рози бўлибди, дарров уни тахтга ўтқазибди. Жавдар фармон чиқариб, подшо Шамсуддавла қабри ёнига жоми масжид қурдириб, вақф ажратиб берибди. Бу жоми ёйчилар мавзуида экан. Жавдар уйи эса яманийлар маҳалласида экан. У подшо бўлгандан кейин

кўп бино ва жонелар қурдирибди. Одамлар мавзуларни унинг номи билан аташиб, Жавдария мавзуи ё маҳалласи деб юритишадиган бўлишибди. Жавдар бир қанча вақт подшо бўлиб турибди. Иккала акасини ўзига вазир қилиб олибди; Солим ўнг қўл, Салим чап қўл вазири бўлибди. Улар шу тариқа бир қанча вақт яшабдилар. Лекин, бир куни Солим Салимга:

— Э укажон,— дебди астагина.— Қачонгача биз шу алфозда юрамиз? Наҳотки умр бўйи Жавдарга хизмат қилиб ўтсак? Токи Жавдар тирик экан, бахтимиз кулмайди, мартабамиз ошмайди.

— Уни қандай ўлдириб, узук билан халтани олсак экан? Сен мендан устомонроқсан, бирор ҳийла ишла-тиб, чорасини топ, шартта ўлдирамиз-қўямиз, вас-салом, тахт ўзимизга қолади,— дебди.

— Агар ўлдириш иложини топсам,— дебди Солим.— Менинг подшо бўлишимга, ўзингни эса ўнг қўл вазир бўлишингга, узук менга-ю, халта сенга тегишига розимсан.

— Розиман,— дебди Салим.

Шундай қилиб, икки очкўз ака-ука Жавдарни ўлдиришга аҳду паймон қилибдилар. Ҳадемай ҳийла ҳам топилибди:

— Э укажонимиз,— дейишибди найранг билан иккови,— сен билан фахрланамиз, бизнинг уйга ҳам қадам ранжида қилиб, ноз-неъматимиздан тотсанг, кўнглимиз тоғдек кўтариларди.

— Жуда яхши,— дебди Жавдар,— зиёфат қайси бирингизникида бўлади?

— Менинг уйимда,— дебди Солим,— менинг зиёфатимдан чиқиб, аканг Салимнинг меҳмони бўласан, ноз-неъматларидан тотийсан.

— Хўп!— дебди Жавдар ва Солим билан бирга

унинг уйига борибди. Солим унинг олдига ичига захар солинган турли ноз-неъматлар қўйган экан, Жавдар улардан еб ўзидан кетиб, гўшти суяклари билан илвираб кетибди.

Солим бориб, Жавдарнинг бармоғидаги узукни олмоқчи бўлган экан, чиқмабди, шунда у пичоқ билан бармоғини кесиб, узукни чиқариб олибди. Солим узукни силаган экан, олдида морид пайдо бўлиб: «Лаббай, шу ердаман, истаганингизни буюринг!»— дебди.


— Укам Салимни тутиб ўлдир, сўнг мана шу захарланиб ўлган Жавдар билан икковини навкарлар олдига улоқтириб ташла!— дебди у.

Морид Салимни ўлдирибди, кейин икковини кўтариб чиққанча, меҳмонхонада овқатланиб ўтирган навкар бошлиқлари оёғи остига келтириб ташлабди. Жавдар билан Салимнинг жонсиз жасадини кўрган навкарлар ваҳимага тушиб овқатдан қўл тортибдилар. Улар мориддан: «Подшо билан вазирни ким ўлдирди?»— деб сўрашибди.

— Акаси Солим,— деб жавоб берибди морид кўзини жовдиратиб.

Шу пайт бирдан уларнинг олдига Солимнинг ўзи кириб келиб: «Э навкарлар, еб-ичиб, хотиржам яшайверинглар, мен укам Жавдарнинг узугига эга бўлдим, мана бу морид шу узукнинг хизматкори, қули. Тахт талашиб ўтирмайлик деб, укам Салимни ҳам ўлдирдим. Мана кўриб турибсиз, Жавдар ўлди, мен сизларга подшо бўлиб қолдим. Сизлар бунга розимисизлар? Рози бўлмасаларинг узукни артаман, унинг морида ҳаммангизнинг каллангизни олади...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
йигирма тўртинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, Солим аскарларга: «Сизларга подшо бўлишимга розимизми? Рози бўлмасаларинг, узукни артаман, унинг мориди катта-ю кичик — ҳаммангизнинг каллангизни олади»,— дебди.

— Майли, сен бизнинг подшоҳимиз бўл, биз розимиз,— дейишибди. Кейин Солим иккала укасини дафн қилишни буюриб, ўзи девон чақирибди. Баъзилар Жавдар жанозасига боришибди, баъзилар Солимнинг олдига тушиб, унинг тахтга ўтириш маросимига боришибди. Улар саройга етишгач, Солим тахтга ўтирибди. Ҳамма уни подшо сифатида таниб, қасамёд этибди. Шунда Солим: «Мен энди укам Жавдарнинг хотинини никоҳлаб олмақчиман»,— дебди.

— Эрининг маъракаси ўтсин,— дейишибди унга одамлар.

— Ҳеч қандай маърака-парака билан ишим йўқ. Шу оқшом унинг қўйнига кирмасам, калламни оламан,— дебди Солим. Ноилож, никоҳ битишиб, аҳволни марҳум Жавдарнинг хотини — Шамсуддавла қизи Осиёга билдиришибди. У: «Майли, чақиринг, кира қолсин»,— дебди. Солим хотин ҳузурига киргач, уни жуда шоду хуррамлик билан кутиб олибди, сўнг заҳарланган ичимлик бериб, уни ўлдирибди-да, унинг қўлидан узукни олиб: «Тағин бунга биров эгалик қилмасин»,— деб, майда-майда қилиб ташлабди. Халтани бўлса йиртиб-йиртиб бурдалаб ташлабди. Кейин Шайхулисломга одам юбориб, воқеадан огоҳ қилибди,

амирга ҳам одам юбориб: «Ўзинглар муносиб бир
подшо сайлаб олинглар»,— дебди.

Жавдар ҳақида бизга етиб келган ҳикоянинг ҳам-
маси мана шу.





Ажиб ва Ҷариб қиссаси



ана бу ҳикояни ҳам
эшитганман:

Қадим замонларда
шаҳаншоҳлардан ҳам
улуғ Кандамир деган подшо ўт-
ган экан. Шу подшо жуда ши-
жоатли ва шону шавкатли қўр-
бошилардан экан, лекин ўзи
жуда қариб-чириб, мункайиб
қолган экан. Қариган чоғида
тангри таоло шу подшога бир



ўғил ато қилибди. Боланинг ҳусну жамолини кўриб, оғзи қулоғига етган шоҳ, унга Ажиб деб ном қўйибди. Шоҳ болани тарбиялашни доя ва энага, каниз ва чўриларга топширибди. Ниҳоят, бола ўсиб-улғайиб, етти ёшга тўлибди. Шунда подшо ўз дини ва мазҳабидаги бир коҳинни чақириб, ўғлига оқ-қора ўргатишни топширибди. Коҳин шариат қонун-қоидалари, ғайри динлар ҳақида, бола ҳали вояга етмасдан олдин билиши зарур бўлган нарсалар ҳақида уч йил таълим берибди. Бу вақт ичида бола анча улғайиб, оқ-қорани танибди. Ҳатто у фасих ва тавсифли файласуфлар, олимлар билан мунозара қилишадиган, ҳакимлар билан ўтиришадиган бўлибди. Отаси ўғлидаги бу фазилатлардан ғоят хурсанд бўлибди. Сўнг у отга миннишни, қалқон тутиш, қиличбозлик қилишни ўргатибди, ниҳоят, Ажиб шижоатли чавандоз бўлиб етишибди. У ўн ёшга тўлмасданоқ илм ва ҳунар бобида ўз замонасининг барча одамларидан ўзиб кетибди, ҳаммасини билиб, ҳатто жанг усулларини ҳам ўрганибди, хуллас, Ажиб ғоят тадбиркор, довюрак, шайтонга дарс берадиган йигит бўлиб етишибди.

Овга чиққан кезларида у минг отлиқ чавандозга бош бўлиб, бошқа чавандозларга ҳужум қилар ва йўлтўсарлик қилиб, бошқа шоҳ қизлари ва амалдорларини банди қилар экан. Устидан шикоят кўпайиб, унинг бу иши подшо қулоғига етибди.

Подшо ўз қулларидан бештасини чақириб: «Бу итни тутинглар!»— деб буюрибди. Қуллар Ажибни тутиб, қўлини орқасига боғлабдилар. Подшо уни уришга буюрибди. Қуллар уни роса дўппослашган экан, у калтак зарбидан ҳолдан тойиб йиқилибди. Кейин шоҳ уни на осмону на ерни, на узунлигу на кенгликни ажратиб бўлмайдиган қоп-қоронғи бир зиндонга ташлатибди.

Ажиб зиндонда бир кеча ётгач, амирлар подшо ҳузурига келиб, ер ўпиб Ажибга раҳм-шафқат қилишини, уни бўшатишини илтимос қилибдилар. Илтимосларини қабул қилган подшо Ажибни зиндондан чиқаришга фармон берибди. Азобдан қутулган Ажиб, ўн кун сабр қилиб, ўн биринчи куни кечаси отасининг ётоғига кирибди-да, уйқусида қилич билан бошини танасидан жудо қилибди. Тонг отгач, отасининг тахтига миниб, ўз одамларига: «Пўлат совутларингизни кийиб, қилич яланғочлаб, менинг ўнг ва сўл томонимда саф тортиб туринглар»,—деб буюрибди. Улар шундай қилишибди.

Подшонинг амир ва сардорлари ичкари кириб, ўз подшоларининг ўлганлигини ва унинг ўғли Ажиб мамлакат тахтига ўтирганлигини кўриб ҳайратга тушибдилар. Шунда Ажиб уларга: «Э жамоа, подшонингиз аҳволини кўрдингизми? Ким менга итоат қилса, ҳурматини бажо келтираман. Лекин ким бўйинтовласа, уни мана шу кўйга соламан»,—дебди.

Амир ва сардорлар: «Бизни ҳам шу аҳволга солмасин тағин»,—деб қўрқибдилар-да: «Сен бизнинг шоҳимизсан, сен бизнинг шаҳзодамизсан», дея Ажибга таъзим қилишиб, икки букилиб ер ўпишибди.

Ажиб жуда хурсанд бўлиб миннатдорчилик билдирибди-да, хазиначига зар ва саруполар келтиришни буюрибди. У амиру сардорларга ажойиб кимхоб тўнлар кийгизиб, молу дунё улашибди. Сарой аъёнларининг ҳаммаси Ажибни ҳурматлаб, унга итоат қиладиган бўлишибди. Ажиб ўз ноиблари, кўчманчи араб шайхлари, унга хоҳ бўйсинган, хоҳ бўйсинмаган ҳаммасига ҳадялар тарқатибди. Ниҳоят, бутун мамлакат унинг ҳукмига кириб, барча қуллар унга итоат қиладиган бўлибди. У беш ойгача ҳукм юритиб, фар-

мони олийлар чиқарибди, баъзи фармонларни эса бекор қилибди.

Бир кунни уйқусида у ёмон бир туш кўриб чўчиб уйғонибди-да, кейин тонггача ухлолмай чиқибди. Тонг отгач Ажиб, ўнг ва сўл томонида аскарлар саф тортиб турган тахтга ўтириб, таъбирчи ва мунажжимларни чорлабди. Улар келишгач, Ажиб тушининг таъбирини сўрабди. «Эй шоҳим, қандай туш кўрдинг?»— дейишибди улар. Ажиб уларга: «Туш кўрсам, марҳум подшо — отам олдимда турган эмиш. Унинг ёнида катта бир илон ўқдай тип-тиқ менга қараб турганмиш. Унинг оғзидан асаларидай келадиган кичик бир нарса чиқиб, борган сари катталашиб панжалари мисоли ханжардай ваҳимали бир шерга айланди. У махлуқни кўриб, эсим чиқиб кетди. Ҳайратда танг қотиб турган эдим, бирдан у ташланиб панжалари билан ичак-чавоғимни ағдариб ташлади. Қайфим учиб, чўчиб уйғонсам, хайрият тушим экан»,— дебди.

Таъбирчилар бир-бирларига қарашиб, ўйлаб қолишибди, кейин: «Эй улуғ шоҳимиз, бу тушининг таъбирича, отангдан бир ўғил тўғилиб сен билан ўшаканг ўртасида душманлик пайдо бўлибди. У сенинг бошингга етибди. Шунинг учун энди сен эҳтиёт бўлиб юр»,— дебди.

Ажиб таъбирчиларнинг бу сўзини эшитгач:

— Қўрқадиган менинг укам йўқ, бу сўзларингиз ёлғон,— дебди.

— Биз билган нарсаларимизни айтдик, холос,— дейишибди таъбирчилар.

Бу гаплардан Ажибнинг қаҳри келиб, уларни калтаклатибди-да, ўзи қасрга кириб отасининг канизларини кўздан кечира бошлабди, шунда у канизлар ичида етти ойлик ҳомиладор бир чўрини кўриб, ўз

қулларининг иккитасига: «Бу чўрини элтиб, денгизга чўктириб юборинглар»,— деб буюрибди. Иккала қул чўрини денгиз ёқасига олиб боришиб, сувга ғарқ қилишмоқчи бўлиб бундоқ қарашса, у ой деса ой, кун деса кундек гўзал, ҳусну жамолда тенги йўқ бир аёл экан. Иккови бир-бирига: «Нега энди бу махлиқо чўрини ғарқ қиламиз? Уни четроқ бир дарахтзорга элтиб, айшимизни суриб юрмаймизми!»— дейишибди. Бу маъқул тушиб, иккала қул бир неча кун йўл юриб аёлни ўз диёрларидан анча узоқ сердарахт ва сермева ҳамда серсув бир жойга олиб боришибди-да, ўз нафсларини қондириш пайига тушишибди. Улар бир-бирларидан қизғаниб: «У билан мен олдин ётаман»,— деб жанжаллашаётганда, устига бирдан қора танли одамлар бостириб келиб, қилич яланғочлаганча уларга ҳамла қилиб қолишибди. Икки ўртада қаттиқ жанг бошланиб кетибди. Қора танлилар бир кўз очиб юмгунча иккала қулни ўлдириб, аёлни ташлаб кетишибди.

Аёл бечора ёлғиз дарахтзорларни кезиб, унинг меваларидан еб, сувларидан ичиб, то кўзи ёригунча ўша ерда бир тирикчилигини ўтказиб юраверибди. Чўри ниҳоят суқсурдек келишган бир ўғил туғибди. Бола ғарибликда туғилгани учун унинг отини ҳам онаси Ғариб қўйибди-да, киндигини кесиб, рўмолчасига тугиб қўйибди. Аввалги иззат-икромларни эслаб, бошига тушган бу савдолардан дарду ҳасратларга тўлиб, алам ичра фиғон чекибди.

Начора, ночорликда боласини эмизиб, ризқи-рўзини териб еб юраверибди. Кунлар кетидан кунлар ўтибди; хавф-хатардан юраги ваҳмага тўлибди, йиғлаб-сиқтаб, чор-ночор кун кўрабошлабди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
йигирма бешинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— чўрининг кўнгли ғам-ғуссага тўлиб, дарахтзорда қолиб кетаверибди. У бундай хавфхатарли жойда бир ўзи у-буни тамадди қилиб, ўғлини эмиза бошлабди. Кунлардан бир кун чўри маъюс бўлиб ўтирганида бирдан бир гуруҳ отлиқ ва пиёда одамлар кўриниб қолибди. Уларнинг қўлларида бозлари, олдиларида тозилари бор эмиш. Уларнинг отларига турна, қўтан, ироқ ўрдаклари, батқалдоқ, сув қушлари, ваҳший ҳайвонлар, қуён, кийик, ёввойи сигир, туяқуш жўжалари, қорақулоқ, бўри ва шерлар ортилган эмиш. Улар дарахтзорга кириб келишар экан, ўғлини бағрига босиб, эмизиб ўтирган чўрига кўзлари тушиб ҳайрон бўлиб қолишибди. Унга яқинлашиб: «Инсонмисан ё жинмисан, нимасан?»— дея сўрашибди. «Инсонман, э араб сардорлари»,— дебди хотин.

Овчилар дарров ўз амирларини бу сирдан хабардор қилишибди. Амирнинг исми Мирдос бўлиб, у Бани Қаҳтон қабиласининг бошлиғи экан. У ўз уруғаймоқлари — беш юз нафар амир билан овга чиққан экан. Улар ов қилиб юриб, ниҳоят, бу ерда чўри хотинга дуч келиб қолибдилар. Чўри бошидан кечирган ҳамма саргузаштларини гапириб берибди.

Қабила бошлиғи унинг қиссасини эшитиб, жуда таажжубда қолибди. Мирдос одамларига ов қилишга жавоб бериб юборибди-да, ўзи чўрини юртига олиб келиб, унга алоҳида жой ажратиб, хизматига беш нафар чўри тайинлабди, чунки Мирдос бир кўришдаёқ унга шайдо бўлиб қолган экан. Чўри унинг

хоҳишини бажо келтирибди. Шундай қилиб, у бундан ҳам ҳомиладор бўлиб, ой-куни яқинлашгач, ўғил туғибди. Унга Саҳим ул Лайл деб ном беришибди. Гўдак акаси Ғариб билан бирга энагалар қўлида тарбиялана бошлабди. Болалар эсини танигач, уларни Мирдос фақиҳга топширибди, у диний қонун-қондаларни ўргатибди, кейин чавандозга топширибди, у отда юриш, найза санчиш, қилич ўйнатиш, ёй отишни ўргатибди. Ҳали ўн беш ёшга тўлмасданоқ, бу ака-укалар зарур барча маҳоратни эгаллаб, ўз юртларидаги довюраклардан ўзиб кетибди. Ғарибнинг бир ўзи мингта чавандозга бас кела олар, унинг укаси Саҳим ул Лайл ҳам ундан қолишмас экан.

Мирдоснинг душманлари кўп бўлса-да, унинг одамлари жуда довюрак чавандозлар бўлганлиги учун, ҳеч қайси душман уларнинг оловида исинолмас экан. Шу Мирдоснинг Ҳасан ибн Собит деган бир дўсти бўлиб, у қўшни юртнинг амири экан. Шу амир ўз қавмидан катта бир мартабали аёлга унашиб, тўй маросимига барча ёру биродарлари, қаторида Бани Қаҳтон қўрбошиси Мирдосни ҳам таклиф қилган экан. Қўрбоши уруғидан уч юз чавандозни олиб, тўрт юзини ҳарамига қоровул қилиб қолдириб, Ҳасан ҳузурига жўнабди. Ҳасан Мирдосни ҳам, унинг чавандозларини ҳам яхши кутиб олиб, катта зиёфат берибди, шоду ҳуррамлик билан тўю томоша тугаб, барча араблар ўз манзилларига қайтиб кетишибди.

Мирдос ўз қароргоҳига келса, эшиги олдида қузғунларга ем бўлиб иккита ўлик ётганмиш. Ваҳимага тушган Мирдос, чодирга кирса, совут кийиб Ғариб турганмиш. У дарҳол бахту омонлик билан Мирдосни табриклабди.

— Нима гап ўзи, Ғариб?— дебди Мирдос.

— Ҳамал ибн Мажид беш юз отлиқ билан бостириб келди,— дебди Ғариб.

Бунга қуйидаги воқеа сабаб бўлган экан: Мирдоснинг Маҳдия деган қизи бўлиб, у таърифдан ташқари гўзал, ҳали ҳеч ким бу қадар чиройли қизни кўрмаган экан. Бу қизнинг таърифини эшитган Бани Набҳон қабиласининг қўрбошиси Ҳамал беш юз отлиқ чавандозлари билан совчи бўлиб келган экан, Мирдос уни қабул ҳам қилмай, қайтариб юборибди. Тарвузи қўлтиғидан тушиб, алам қилган Ҳамал шу-шу Мирдосни кузатиб юрган экан. Иттифоқо, у Ҳасаннинг таклифи билан юртидан чиқиб кетганда, пайтдан фойдаланиб, Ҳамал ўз мерганлари билан Қаҳтон қабиласига қўққисдан ҳужум қилибди. Кўп чавандозлар ўлибди, омон қолган паҳлавонлар тоғларга қочиб кетибди. Бу вақтда Ғариб ва унинг укаси юз нафар отлиқ билан шикорга кетишган экан. Пешин вақтида қайтиб келишса, Ҳамал ва унинг одамлари қароргоҳни эгаллаб, ҳамма нарсалару, ҳатто чодирдаги қизларни ҳам, Мирдоснинг қизи — Маҳдияни ҳам асир ва ўлжалар қатори олиб кетибди. Ғариб бу ҳолни кўриб, ҳайрон бўлибди-ю, дарров укаси Саҳим ул Лайлни чақириб: «Э ука, лаънатилар ҳамма ёқни шипшийдам қилиб, ҳарамдаги қизларгача олиб кетишибди-ку, қани, душман ортидан қувдик! Асир бўлган хотин, бола-чақамизни қутқарамиз!»— дебди.

Саҳим ул Лайл билан Ғариб юз нафар чавандозларига бош бўлиб, душман изидан тушибдилар; ғазаблари ошган ака-укалар йўл-йўлакай учраган душманнинг калласини бир ҳамла билан худди пичан ўргандай шарт-шарт кесиб ташлайверишибди. Манаман деган паҳлавонлар улар зарбидан қонига беланиб, ўлим косасидан шарбат ичибдилар. Шундай жангу жадал билан Ҳамални қувиб етиб қараса,

Маҳдияни асир қилиб олибди. Ғариб билан Ҳамалга ташланибди ва унга найза санчиб, отдан йиқитибди, аср вақти бўлмасдан кўп душманларини қонига бе-лаб, ер билан яксон қилибди. Омон қолганлари тум-тарақай қочиб кетибди.

Ғариб асирларни — барча каниз қизларни ҳам, Маҳдияни ҳам халос қилиб Ҳамалнинг бошини эса найзага санчиб олганча, хиргойи қилиб орқага қай-тибди:

Жангда мен барчага машҳуру аён,
Қаҳримдан дев титрар мисоли қуён.
Сўл қўлим беради ўлим зарбасин
Унг қўлим қилични силтаган ҳамон.

Тиғимга бир назар ташлаган кўрар,
Уткирдир, дами тез, ярим ойсимон.
Исмимдир Ғарибу аммо қўрқмасман,
Қабиламаро мен энг зўр паҳлавон.

Ғариб чодирга етиб ҳали хиргойисини тугатмасда-ноқ, Мирдос келиб қолибди. У келибди-ю, қузғунлар-га ем бўлиб ётган иккита ўликка кўзи тушибди. Ваҳи-мага тушган Мирдос чодирга кирса, совут кийиб Ғариб турганмиш. У бахту омонлиқ билан табриклар, йўғида қароргоҳда юз берган ҳодисаларнинг ҳамма-сини гапириб берибди. Мирдос миннатдор бўлиб, Ға-рибга ташаккур айтиб:

— Э Ғариб, сенга берилган тарбия бекор кетмаб-ди,— дебди у.

Ҳамманинг оғзида Ғариб, ҳамма уни мақтар экан. Улар: «Э амиримиз, агар Ғариб бўлмаганда, юртда биронта одам омон қолмас эди»,— дейишаркан. Мир-дос Ғарибдан хурсанд бўлиб унинг тадбиркорлигига офаринлар ўқибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
йигирма олтинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, Мирдос ўз юртига қайтиб келгандан кейин одамлар уни қарши олиб, Ғарибни мақтаб кетишибди. Мирдос Ғарибнинг қилган ишидан миннатдор бўлиб, унга ташаккур айтибди.

Ғариб босқинчи Ҳамални ўлдириб, асираларни, шулар қатори Мирдоснинг қизи Маҳдияни қутқарганида унга кўзи тушиб юраги жиз этиб кетибди. Қиз унга мижгон ўқини отиб, севги тузоғига илинтириб олибди, йигитнинг қалби қиз билан банд бўлиб, уни ҳеч унутолмабди. Севги ва муҳаббат дарёсига фарқ бўлган Ғариб, уйқу лаззатидан ҳам маҳрум бўлибди. У на бирор нарса ер ва на ичар экан. Фақат от чоптириб, тоққа чиқар ва ишқий шеърлар айтар экану, кечга томон яна уйига қайтар экан. Шу алфозда унда ошиқ ва телбалик асорати билина бошлабди.

Бир куни у дардини ошналарининг бирига айтган экан, у бошқасига айтиб, сири бутун уруғ-аймоққа ошкор бўлиб кетибди. Ҳаш-паш дегунча бу гап Мирдоснинг ҳам қулоғига етиб кўзлари чақнаб, даҳшат ичра вужуди қалтираб, ўтирадиган жой тополмай қолибди.

У хуноб бўлиб бўғилар, наъра тортиб ҳайқирар, чидолмаганидан жиғибийрон бўлиб қуёш ва ойни сўкар экан.

— Ҳаромини боққаннинг жазаси шу!— дебди у бақириб.— Шу қилганига уни ўлдирмасам, ҳар нарса бўлганим яхши!— дея қасам ичибди.

Мирдос ўз уруғидаги донишмандга Ғарибни қандай ўлдириш тўғрисида маслаҳат солибди.

— Э амир,— дебди донишманд.— Қуни кеча қизингни асирликдан Ғариб қутқарди. Агар ўлдириш жуда зарур бўлса, сен бу ишни бировнинг қўли билан қил, зероки, сендан ҳеч ким домангир бўлмасин.

— Ундай бўлса, ўзинг бирон ҳийла топиб бергин,— дебди Мирдос,— бундай ҳийлани фақат сенгина топишинг мумкин, холос.

— Э амир,— дебди маслаҳатгўй доно,— сен кузатиб юр. Қачон у шикорга чиқса, сен юз нафар отлик билан бор-да, ғорга кириб йўлини пойлаб, писиб ёт, у яқинлашди дегунча қўққисдан ҳамманг бараварига шартта ҳамла қилиб, уни парчалаб ташлайсану, орномусдан қутуласан-қўясан.

— Ақлингга қойилман!— дебди Мирдос ва Ғарибга қарши юз эллик шоввоз чавандозни ҳозирлаб, Ғарибни ўлдиришга уларни даъват қилиб, гижгижлай бошлабди. Мирдос нуқул Ғарибни кузатиб юрибди. Ниҳоят бир гал Ғариб ов овлаб тоғу тошларга кетибди.

Шунда Мирдос ўзининг ишонган чавандозлари билан ғорга бекиниб Ғарибнинг йўлини пойлаб ётибди. У овдан келаётганида унга ҳаммаси ёпирилиб, ўлдирмоқчи бўлибди.

Бироқ, кутилмаганда беш юз амолиқа уларга ҳужум қилиб қолиб, Мирдоснинг олтмиш чавандозини ўлдириб, тўқсонтасини асир олибди. Мирдоснинг ўзини эса қўлини орқасига боғлашибди.

Бунга қуйидаги ҳодиса сабаб бўлган экан: Ҳамал ва унинг одамлари Ғариб томонидан ўлдирилгандан кейин, қолганлари тумтарақай қочиб, Ҳамалнинг акаси юртига етиб боришибди. Улар бўлган воқеани акасига айтиб, унда адоват ўтини ёқа бошлашибди.

Шунда акаси амалдорларни жамлаб, ҳар бирининг бўйи эллик тирсакдан келадиган беш юз баҳодир танлаб олибди-да, укасининг ўчини олишга отланибди. Шунда улар Мирдос ва унинг шоввозларига тўғри келиб қолибди. Шу билан улар ўртасида юқорида айтган воқеа бўлиб ўтибди. Мирдос ва унинг одамларини асир олгач, Ҳамалнинг акаси чавандозларига дам олишга буйруқ берибди.

— Э шоввозлар!— деб хитоб қилибди у,— санамлар қасд олишимизни енгиллаштирди! Мирдос билан унинг одамларини эҳтиётлаб туринглар, қочиб кетишмасин тагин. Уларнинг адабини ўзим бераман, минг хил қийноқ-азоблар билан ўзим ўлдираман.

Ўзини бойлоқ ҳолда кўрган Мирдос пушаймон бўлиб:

— Яхшиликка ёмонлик қилганнинг жазоси шу бўлади,— дебди ўзига ўзи.

Ғолиблар хурсанд бўлиб, уйқуга кетишибди; Мирдос билан унинг одамлари эса бойлоқда ҳаётдан умидларини узиб, ўлимларини кутиб ётаверибдилар.

Энди Саҳим ул Лайлга келсак, у Ҳамал билан бўлган жангда яраланиб, синглиси Маҳдиянинг олдига етиб келибди. Синглиси туриб, акасининг қўлларидан ўпиб: «Қўлларинг омон бўлсин, душманларинг хазон бўлсин! Агар сен билан Ғариб бўлмаса, биз душман қўлидан қутулолмасдик. Билиб қўй, э ака, отанг юз эллик отлиқ билан Ғарибни ўлдиришга отланган. Ахир ўзинг биласан-ку, Ғариб бегуноҳ, у бекордан-бекорга ўлиб кетаверадими, ахир у шон-шавкатимиз, мол-мулкимизни душмандан қутқариб қолган эди-ку»,— дебди.

Саҳим Маҳдиядан бу гапларни эшитгач, кўз олди қоронғилашиб кетибди. У дарров уруш анжомларини

тақиб, отига минибди-да, акасини қидириб кетибди. Борса, Ғариб кўп нарсалар овлабди. Ака-ука ҳорма, бор бўл қилишгандан кейин, Саҳим Ғарибга: «Э ака, наҳотки менга билдирмай овга чиқсанг?»—дебди.

— Худо ҳақи, сен ярадор бўлганинг учун, дам олгин деб билдирмаган эдим,— дебди Ғариб.

— Акажон, отамга эҳтиёт бўл!— дебди ва у ҳамма воқеани, отасининг юз эллик нафар отлиқ билан Ғарибни ўлдиришга отланганигача гапириб берибди. Шунда Ғариб: «Илоҳим, қўйган тузоғига ўзи илинсин»,—дебди.

Ғариб билан Саҳим ул Лайл овдан ўз диёрлари томон йўл олишибди. Бу вақт қош қорайиб қолган экан, улар ҳалиги одамлар қўнган водийга келишганда кеча зулматида бирдан қулоқларига отларнинг кишнаши эшитилиб қолибди.

— Э ака,—дебди Саҳим ул Лайл,—бу отам, унинг одамлари шу водийга яширинган. Бу ердан тезроқ нари кетайлик.— Шунда Ғариб лип этиб отдан тушибди-да, юганни укасига бериб: «Мен келгунча шу ерда қимирламай тур»,—деб ўша томонга кетибди. Бориб қараса, у ердагилар бу юртлик одамлар эмасмиш.

Ғариб улар Мирдоснинг исмини тилга олаётганини ва: «Уни ўз еримизда ўлдираамиз»,—деганини эшитиб қолибди. Бу гапдан Ғариб, Мирдоснинг улар қўлида асир ётганини англаб, ўзича қасам ичибди: «Маҳдия ҳақи, унинг отасини озод қилиб, душманини хафа қилмагунимча, бу ердан жилмайман»,—дебди. У Мирдосни қидира-қидира ниҳоят уни арқон билан бойлоқ ҳолда топиб ёнига келибди-да: «Э амаким, бу шармандалик ва бандиликдан саломат қутуласан!»—дебди. Мирдос Ғарибга боқиб, қўрқиб кетибди.

— Э болам,— дебди у,— мен сенинг қўлингдан. Тарбиям ҳақи, мени бу аҳволдан қутқар.

— Сени банддан халос қилсам, менга Маҳдияни берасанми?— дебди Ғариб.

— Э болам,— дебди у.— Эътиқодинг ҳақи, қизим тирик бир умр сеники.

Ғариб арқонларни қирқиб юбориб унга: «Отларнинг олдига бор, у ерда ўғлинг Саҳим турибди»,— дебди.

Мирдос липиллаганича, ўғли Саҳимнинг олдига келибди. Отасини кўриб хурсанд бўлган ўғли уни саломат қутулгани билан табриклабди. Ғариб бўлса, Мирдос одамларининг қўл-оёғини бирма-бир ечавериб, тўқсон отличнинг ҳаммасини озод қилибди. Қутулганлар битта-битта кетавериб, душмандан анча узоқлашиб олибди. Бир оз ўтгач, Ғариб уларга қуролроғ ва от юбориб: «Тарқалиб, душманни теваракдан ўраб олинглар-да, барчангиз баробар:

— Э Қаҳтон уруғи, бормисан!— деб бақиринглар; одамлар уйғонгандан кейин эса жим бўлиб, улардан узоқроқда тураверинглар»,— дебди.

Чавандозларнинг ҳаммаси теваракка тарқалишибди. Ғариб кечаси уч хуфтангача сабр қилиб, кутиб туриб кейин бирдан: «Э Қаҳтон уруғи, бормисан!» деб бақириб юборибди, шу пайт атрофдаги одамлар ҳам баробар: «Э Қаҳтон уруғи, бормисан!» деб бақиришибди. Уларнинг овози тоғларга бориб урилиб, акс садо берибди. Буни эшитган душманлар эсанкираб, Қаҳтон одамлари устимизга бостириб келибди, деб ўйлабдилар-да, ҳаммалари қуролларини олиб, бир-бирларига ташланибдилар...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
йигирма еттинчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Ҳамал акасининг одамлари чўчиб уйғониб, Ғариб кишиларининг: «Э Қаҳтон уруғи, бормисан!»— деб бақирришларини эшитиб, ғафлатда қолишиб, бизга Қаҳтон уруғи ҳужум қилибди, деб хаёл қилишибди-да, дарҳол қуролларини олиб, эсанкирашганича бир-бирларини ўлдира кетишибди. Ғариб ва унинг одамлари орқароққа чекиниб тураверишибди. Душманлар бўлса, то азонгача қир-пичоқ урушиб, бир-бирларини ўлдиришибди. Ана шунда Ғариб, Мирдос ва унинг тўқсон чавандозлари қолган-қутганларига бир ҳамла қилиб, кўпини қириб ташлабдилар, баъзилари қочиб қутулишибди. Бани Қаҳтонлар ҳуркиб атрофга қочган отларни, қурол-яроғ ва аслаҳаларни ўлжа олиб, юртларига қайтишибди. Мирдос душман қўлидан халос бўлганига ҳеч ишонмасмиш. Улар йўл юриб, ниҳоят, юртларига етишибди. У ердагилар буларнинг соғ-саломат келганларидан шоду хуррам бўлиб, истиқболларига чиқишибди. Ҳаммалари ўз чодир-чодирларига кириб кетишибди, юртнинг барча йигитлари Ғарибнинг ҳузурига йиғилишиб, уни ғалаба билан табриклашибди.

Йигитлар Ғариб теварагига йиғилиб, улфатчилик қилаётганини кўрган Мирдос, уни аввалгидан ҳам баттар ёмон кўриб, ҳамтовоқларидан бирига: «Қалбимда Ғарибга нафратим баттар ошиб кетди, анови теварагидаги унга улфат бўлган йигитларни кўриб, кўнглимда яна ваҳима пайдо бўлди, уларнинг ҳаммасини бу ҳароми ўзига оғдириб олиб, эртага мендан

Маҳдияни талаб қилмаса, дейман»,— деб маслаҳат солибди.

Ҳамтовоқларидан бири Мирдосга маслаҳат бериб: «Э амир, қурби келмайдиган миқдорда қалин сўра»,— дебди. Бу гапдан Мирдоснинг чеҳраси очилиб тонггача тинч ётибди. Эрталаб ўз тахтига бориб ўтириши билан атрофини аъёнлар ўраб олишибди. Шу чоқ Ғариб ўз теварагидаги йигитлари билан кириб келиб, ер ўпиб, Мирдосга таъзим қилибди. Бунни кўрган Мирдос севинган бўлиб ўрнидан турибди-да, уни ўз ёнига ўтқазибди. Шунда Ғариб: «Э амакижон, сен менга ваъда берган эдинг, энди уни ижро қил»,— дебди. Бунни эшитган Мирдос: «Э болам, умр бўйи у сеники, лекин сенинг мол-дунёнг оз-ку, қалинига нима берасан?»— дебди.

— Э амаки, нима истасанг, сўрай бер,— дебди Ғариб.— Мен араб амирлари қароргоҳларига, шаҳарлардаги шоҳларга бостириб бориб, сенга шунчалик кўп мол-дунё келтириб берайки, оламини мол босиб кетсин.

— Э болам,— дебди Мирдос,— кимки менинг қасдимни олиб, шармандаликдан қутқарса, қизим Маҳдияни фақат ўшанга бераман, деб барча санамлар олдида онт ичганман.

— Майли, айт, амаки шартингни,— дебди Ғариб,— қайси шоҳдан қасдингни олмоқчисан, мен бориб тахти бахтини ер билан яксон қиламан.

— Э болам,— деб гап бошлабди Мирдос,— менинг бир жуда паҳлавон ўғлим бор эди. У юзта баҳодир билан ов қилгани чиқиб кетган эди. У водиймаводий кезиб, тоғ орасига кириб кетибди. Юриб-юриб у Фуллар водийсига етиб борибди, ундан Хом ибн Шис ибн Шаддод ибн Холид қасрига кирибди.

Бу ерда болам, бир забардаст одам яшар экан,

Ўзи қоп-қора, новча, бўйи нақ етти тирсак келаркан, биров билан уришганда ердаги дарахтни суғуриб олиб, ўша билан туширар экан. Ўғлим ана шу водийга етганда шу барзанги рўбарў келиб, ҳалок қилган, у билан бирга юз нафар чавандозларни ҳам ўлдирибди. Фақат учтагина чавандоз эсон-омон қочиб, қолганлари ер билан яксон бўлиб кетибди; буни бизга ўша омон қолганлар айтиб берди. Паҳлавонларимни йиғиб, у билан урушгим бору, лекин қурбимиз етмаса керак деб ўйлаяпман. Ўғлимнинг қасдини қачон оларкинман, деб ҳеч кўзимга уйқу келмайди, эсласам қаҳрим келиб чидолмайман. Ушанда: «Қимки ўғлимнинг қасдини олиб берса, қизимни шунга бераман, бошқа ҳеч кимга бермайман», деб қасам ичганман.

Ғариб Мирдоснинг сўзини эшитиб: «Э амаки, ўша ёвузнинг олдига бориб тангри таолонинг ёрдами билан ўғлинг қасдини мен олиб келаман»,— дебди.

— Э Ғариб,— дебди Мирдос,— агар зафар қозонсанг, унинг ўтда куймайдиган, сувда чўкмайдиган хазиналарига эга бўласан.

— Хўп, айтганингни қиламан, аммо, энди сен ҳам ваъданг устидан чиқишингга гувоҳ келтир,— дебди Ғариб,— гапингга ишониб, юрагим дадиллансин, кейин ризқимни териб еб келарман.

Мирдос юрт оқсоқолларини гувоҳ қилибди. Хурсанд бўлган Ғариб онасининг олдига келиб, бўлган гапларнинг ҳаммасини бирма-бир айтиб берибди.

— Э жон болам!— дебди онаси.— Шунин билки, Мирдос сени ёмон кўради, ўша тоққа юборишдан мақсади, сени мендан жудо қилиш, холос. Қетадиган бўлсанг бу золимнинг диёридан мени ҳам олиб кет.

— Э онажон,— дебди Ғариб,— мен истагимга етиб, душман бўйинини ерга эгмагунимча изимга қайтмайман.

Шундай қилиб, Ғариб ўша кун и уйда тунабди-да, тонг ёришиб, кўк қизариб, офтоб ўз нуруни ёйганда, энди отга минай деб турганида, унинг ёр-дўстлари — ўша йигитлар келиб қолибди. Икки юз нафар бу довиорак чавандозлар бошдан-оёқ шай қуролланиб олишган экан. Улар Ғарибга: «Бизни ҳам олиб кет, сенга ёрдам берамиз, йўлда чақчақлашиб, зериктирмаймиз»,— дейишибди. Ғариб жуда хурсанд бўлибди-да: «Бу яхшиликларинг мендан қайтмаса, худодан қайтсин. Қани, юринглар бўлмаса, дўстларим, кетдик!»— дебди.

Шундай қилиб, Ғариб дўстлари билан йўлга равона бўлибди; биринчи кун юрибди, иккинчи кун юрибди, кейин кечга томон баланд бир тоғ этагига қўниб, отларига ем бера бошлабди. Шу пайт Ғариб, бошқаларнинг кўзини шамғалат қилиб, тоққа чиқиб кетибди-да, юриб-юриб бир ғорга дуч келибди. У ерда ёруғлик тушиб турган бир тешикни кўриб, бундай қараса, Ғариб ғорнинг ўртасига бориб қолган экан, бир қари чолни кўриб қолибди. У уч юз қирқ ёшга кирган бўлиб, қошлари ўсиб, кўзларини тўсган, мўйловлари эса оғзини бекитиб олган экан. Ғарибнинг бу қарияга раҳми келиб, таъзим қилибди. Қария унга қараб: «Э ўғлим, назаримда сен худди, бу чарҳ-фалакни кеча ва кундузни яратган парвардигорга ибодат қилмай, тошларга сиғинадиган гуноҳкорлардан кўринасан»,— дебди. Буни эшитиб Ғарибнинг юраги орқасига тортиб кетибди. «Э отахон, бундай тангри қаерда туради, уни кўрганимда ибодат қилардим, унга боқиб баҳра олардим»,— дебди.

— Э ўғлим,— дебди чол,— бу раббул азимни ҳеч ким кўролмайдди. Лекин у ҳаммани кўриб туради. Ҳамма жойда у пайдо, ўз санъатининг ҳар бир намунасида у ҳозир у нозир. У коинот ижодкори, замон-

лар тадбиркори, инсону жинни яратувчисидир. У одамларни тўғри йўлга бошлаш учун пайғамбарлар юборгандир. У шундай қудратли зотки, ким унинг амрига итоат қилса, жаннатга киритади, бўйсунмаса, дўзахга киритади.

— Э ота,— дебди Ғариб,— ҳар бир нарсага қодир бу раббул азимга нима деб итоат қиладилар?

Шунда чол: «Э ўғилчам,— дебди,— мен худонинг қаҳрига йўлиққан Од қабиласиданман. Улар йўлдан оздилар; тангри таоло уларга Худ деган пайғамбар юборди. Бироқ қабиладагилар уни ёлғончига чиқариб, итоат қилмадилар. Худо гармсел шамол юбориб, уларни ҳалок қилди. Мен бир гуруҳ одамлар билан имон келтирган эдим, азобдан саломат қутулиб қолдим. Кейин Самуд қавмида яшадим, бунда ҳам Солиҳ пайғамбар билан юз берган воқеа рўй берди. Солиҳ пайғамбардан кейин тангри таоло Нимруз ибн Канъонга Иброҳим Ҳалилуллоҳни юборди. Шунда иккови ўртасида бўлиб ўтган воқеа юз беради.

Менинг имон келтирган қавмим ҳам ўлиб кетди. Мен шу ғорда тангрига итоат қила бошладим. У раззоқ мен ўйламаган нарсамни ҳам етказувчидир».

— Э ота,— дебди Ғариб,— нима десам раббул азимнинг ихлосманди бўлиб қоламан.

— Тангридан бошқа тангри йўқ, Иброҳим Ҳалилуллоҳ унинг дўсти, дейсан, вассалом,— деди чол.

Ғариб сидқидил билан калима келтирибди. Шунда чол: «Ислом ва имон ҳаловати энди кўнглингга жо бўлиб қолди»,— деб унга баъзи бир фарз ва қарзларни, қуръондан у-бу ривоятларни ўргатибди, кейин ундан: «Отинг нима?»— деб сўрабди. «Отим Ғариб», дебди у. Чол: «Хўш, йўл бўлсин сенга, Ғариб?»— дебди. Ғариб бошидан кечирган воқеаларни бошдан-оёқ ҳикоя қилиб берибди ва гап айланиб

Ўзи қидириб келаётган тоғ Ғулига келиб тўхтабди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
дигирма саккизин-
чи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб да-
вом этди Шаҳризод,—
эшитишимга қараганда
Ғариб мусулмон бўлиб,
чолга бўлган воқеанинг ҳаммаси-
ни бошдан-оёқ ҳикоя қилиб бериб-
ди ва гап айланиб ўзи қидириб
келаётган тоғ Ғулига келиб тўх-
табди.

— Э, Ғариб,— дебди чол,— тоғ
Ғулига бир ўзинг қандай борасан,
жинни-пиннимисан?

— Э пирим, икки юз нафар ча-
вандозим бор,— дебди у.

— Э Ғариб,— дебди чол,— ўн минг паҳлавонинг
бўлганда ҳам, унга бас келолмайсан. Унинг исми
Ғул, ўзи одамхўр, илойим ўз паноҳида асрасин! У
Хом авлодидан, отаси ҳинду, у ерга одамларни шу
таратгани сабабдан, у ер унинг исми билан аталган.
Ўзидан кейин у Ғулни қолдирган эди, уни Саъдон
Ғул деб атади.

Уғли жуда бағритош, золим чиқди. Лаънати шай-
тон экан. Ўзи одам боласидан бошқа ҳеч нарса емай-
ди. Отаси ўлимидан олдин: «Сен бундай қилма-
гин»,— деган экан. Лекин у бунга қулоқ солмай,
баттар туғён кўтарибди. Шундан кейин отаси уни
уйдан ҳайдаб юборибди, тузалмагач, катта қийинчи-
ликлар билан ҳинд еридан ҳам қувиб чиқарибди. Шу
тариқа у мана шу жойларга келиб, муқим бўлиб
қолган. Бу ердан у ўтган-кетганининг йўлини тўсиб,

водийдаги маконига қайтади, унинг тирикчилиги шу. Унинг бешта барзанги алп ўғли бор. Шу алпларнинг ҳар бири минг баҳодирга бас келади. Ана ўша бадбахтлар водийни мол-дунё ва ўлжалар, оту туя, қорамоллар билан тўлдириб юборди. Бир балога йўлиқмагин тагин, деб хавфдаман. Унга қарши келганинда калимайи тавҳидни ўқиб, олло таолодан ёрдам сўраб тураман. Агар куфрга кетсанг, «Оллоҳу акбар!» дегин, бу сени куфрга кетишдан сақлайди.

Шайх Ғарибга оғирлиги беш ботмон келадиган ўнта ҳалқали пўлат гурзи тутқазибди. Кимда ким уни кўтариб силкитса, ундаги ҳалқалар худди момагулдиракка ўхшаб гумбурлаб кетар экан. Шайх Ғарибга чақмоқдан ясалган бир қилич ҳам берибди, қиличнинг узунлиги уч тирсак, эни уч қарич келар экан. Кимки уни тоққа урса, тоғни икки бўлиб юборар экан. Булардан бошқа яна совут, қалқон, ёзуқ берибди-да:

— Энди одамларинг олдига бор, уларни мусулмон қил,— дебди.

Ғариб мусулмон бўлганидан хурсанд бўлиб, гордан чиқиб, тўғри одамлари қўнган жойга борибди. Улар Ғарибни салом билан кутиб олиб:

«Қаерларга кетиб ҳаяллаб қолдинг?»— деб сўрашибди. Ғариб ҳамма воқеани бошдан-оёқ ҳикоя қилиб берибди-да, уларга мусулмон бўлишни таклиф қилибди, барчаси ислонни қабул қилибди. Улар тунашибди, тонг отгач, Ғариб отда бориб Шайх билан хайрлашиб келибди. Шу пайт бирдан кўзидан бошқа ҳамма ёғини совутларга ўраб олган бир одамни кўриб қолибди. У Ғарибга ҳамла қилиб:

— Э араб қароқчиси, қани, еч устингдаги совутларингни, бўлмаса нақ бурда-бурда қиламан!— дебди.

Ғариб бўлса дарҳол унга ҳамла қилибди. Икки ўртада жанг бошланиб кетибди. Бу жанг даҳшати билан чўққини ҳам қулатадиган ваҳимали бўлибди. Бир вақт ҳалиги одам юзидаги совутни кўтарган экан, Ғариб ҳайрон бўлиб қолибди. Қараса, у Мирдоснинг ўғли, Ғарибнинг она бир, ота бошқа укаси Саҳим ул Лайл экан. Унинг бу ерга келиб қолиш сабаби бундай экан:

Ғариб тоғ Ғулига қарши отланганида, Саҳим йўқ экан. Қайтиб келса, Ғариб йўқ, онасининг олдига кирса, у кўз ёши қилиб йиғлаб ўтирибди, нега йиғлаётганини суриштирган экан, онаси бўлган воқеани ва акасининг сафарга кетганини гапириб қолибди. Буни эшитган Саҳим дам ҳам олмай, дарров жанг анжомларини кийиб, қурол-яроғларини осиб олибди. Отига минганича у йўл юриб, ниҳоят акасига тўқнаш келибди-ю, танимай жанг бошлаб юборибди. Саҳим юзини очгач, Ғариб ўз укасини таниб қолибди ва унга салом бериб: «Нега ўзингни дарров танитмадинг?»— дебди.

— Сен билан олишиб, жанг майдонида ўзимни кўрсатмоқчи, қилич ва найза санчишдаги маҳоратимни намойиш қилмоқчи эдим,— дебди унга Саҳим.

Шу пайт улар йўлга тушибдилар, Ғариб Саҳимни ҳам исломга даъват қилган экан, у қабул қилиб, мусулмон бўлибди. Улар кўп юриб, ниҳоят ўша водийга етишибди.

Тоғ Ғули одамлар кўтарган чанг-тўзонни кўриб: «Э ўгилларим, отга миниб, менга ўша ганиматни келтиринглар!»— дебди. Бешови ҳам отларига минишиб, булар томонга йўл олишибди. Ғариб уларнинг ҳужум қилиб келаётганини кўриб, от бошини бўшатиб, «Чуҳ» дебди-ю, уларга: «Сизлар кимсизлар, қайси

жинсдан, мақсадингиз нима!»— деб бақирган экан, олдинга тоғ Ғули Саъдоннинг тўнғич ўғли — Фалҳун чиқибди. «Қани отдан тушиб, бир-бирингизнинг қўларингизни боғланглар,— дебди Фалҳун,— сизларни отамизга элтамиз. У бирингизни қовуриб ейди, бошқангизни пишириб. Ўзиям, отамиз, кўпдан бери одам гўштини емаган эди». Ғариб унинг бу сўзларини эшитиб, бир ҳамла қилиб, гурзини силкитган экан, унинг барча ҳалқалари момагулдиракдек гумбурлаб кетибди. Фалҳун бўлса даҳшатга тушиб, эсанкираб қолибди. Шу пайтда Ғариб унинг кифтига гурзи билан урган экан, худди катта азим хурмо дарахти қулагандай, гурсиллаб йиқилибди. Саҳим бир неча одамлари билан Фалҳуннинг қўлини боғлабди-да, бўйнига арқон солиб, мол каби судрабди. Фалҳуннинг укалари бу аҳволни кўриб, Ғарибга ҳужум қилишибди. Лекин у тўрттовини ҳам асир олибди. Фақат бешинчиси қочиб, отасининг олдига кириб борибди.

— Орқангдаги нима,— дебди отаси,— акаларинг қани?

— Уларни мўйлови чиқмаган бир ёш бола асир олди, бўйи ҳам қирқ тирсак келади, холос,— дебди у.

Тоғ Ғули ўглининг гапини эшитиб: «Илойим қуёш сизларга ўз муборак нуруни сочмасин!»— дебди. У шундай дебди-ю, қўрғондан чиқа бир катта дарахтни суғуриб олганича Ғариб билан унинг одамларини қидира кетибди. Унинг жуссаси катта бўлиб, отлар кўтара олмагани учун пиёда юрар экан. Ўғли унинг орқасидан борибди. Ғул Ғарибга яқин келиш билан ҳамла қилибди. Дарахт билан уриб беш саркорни ҳалок қилибди. У Саҳимга дарахт билан ҳамла қилган экан, зарби бекор кетибди. Буни кўриб Ғул баттар ғазабга келибди-да, дарахтни улоқтириб,

қарчиғай чумчуққа чанг солгандай, Саҳимни ушлаб олибди. Ғариб укасини Саъдон қўлида кўриб: «Оллоҳу акбар! Ё пирим Иброҳим Ҳалилуллоҳ ва Муҳаммад алайҳиссалом!»— деб наъра тортибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й, саодатли шоҳ,— деб давом этибди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, Ғариб укасини

Ғулнинг қўлида кўриб: «Оллоҳу акбар! Ё пирим Иброҳим Ҳалилуллоҳ ва Муҳаммад алайҳиссалом!» деб бақирибди-да, отининг жиловини душман устига бурибди. Шунда у гурзини бир силкитган экан, ҳалқалар гумбурлаб, даҳшатдан ҳамма ёқ ларзага келибди.

Олти юз йигирма тўққизинчи кеча

Ғариб пойлаб туриб, Ғулнинг биқинига гурзи билан тушириб қолибди. Ғул гандираклаб-гандираклаб, гурсиллаганча ўмбалоқ ошиб йиқилибди. Саҳим ул лип этиб унинг қўлидан чиқиб олибди. Ғул эс-ҳушини ўнглаб олгунча улар қўлоғини боғлаб ташлашибди. Бешинчи ўғли буни кўриб қочган экан, Ғариб унинг кетидан от қўйиб қувиб етибди-да, гурзи билан иккала кифти ўртасига тушириб, отдан қулатибди. Дарров унинг ҳам қўлоғини боғлаб, акалари билан отасининг ёнига қўйибди-да, худди туяга ўхшатиб судраб, ниҳоят, қўрғонга боришибди. Қарашса, у ерда молу дунё, қимматбаҳо дурдона нарсалар тўлиб-тошиб ётган эмиш. У ерда кишанланган яна бир минг икки юз ажамликлар бор экан. Ғариб тоғ Ғулнинг тахтига чиқиб ўтирибди. Бу тахт аслида Сосо ибн Шис ибн Шаддод ибн Одга

қарашли экан. Унг томонига укаси Саҳимни, дўстларини эса ўнгу сўлга ўтқазибди. Шундан сўнг Ғариб тоғ Ғулини келтиришга буюрибди.

— Э малъун,— дебди унга Ғариб,— аҳволинг қалай?

— Э ҳазратим, мен ва болаларим туя каби етакландик,— дебди Ғул.— Бу биз учун ўтакетган хору зорлик, бизга шунинг ўзи етади.

— Менинг хоҳишим шу: Сизлар менинг диним исломни қабул қиласизлар,— дебди Ғариб.— Тангри таолони мавжудоддаги бор нарсаларнинг яккаю ягона эгаси, нуру зулматни яратувчи, ҳамма нарсани ҳам яратувчи зот деб эълон қиласизлар. Қиёмат кунининг молики ўша оллоҳдан бўлак тангри йўқ! Ҳаммангиз Иброҳим Ҳалилуллоҳнинг пайғамбарлигига иқрор бўласизлар!— дебди.

Тоғ Ғули ва унинг болалари исломни қабул қилибди, Ғариб одамларига: «Арқонни ечиб уларни озод қилинглар»,— деб буюрибди. Ҳаммасини озод қилишибди. Шунда Саъдон Ғул ўзини тутолмай йиғлаганча Ғарибнинг оёғига йиқилиб ўпибди. Болалари ҳам ўпишга тушишибди. Лекин Ғариб уларни бурнидан тутганча, ўрнидан тургазиб ўзига рўбарў қилибди-да: «Э Саъдон!»— дебди Ғариб. «Лаббай, мавлоно!»— дебди Саъдон. «Булар кимлар?»— деб сўрабди Ғариб.

— Э мавлоно,— деди Саъдон,— улар менинг ўлжаларим. Ўзлари Ажам мамлакатидан, фақат уларгина эмас». «Яна ким бор»— дебди Ғариб.

— Э ҳазратим, улар билан Ажам шоҳи Собурнинг¹² Фаҳруттож исмли қизи, яна юз нафар қуралай кўз канизи бор,— дебди.

Ғариб Саъдоннинг сўзидан таажжубланиб: «У жойларга қандай қилиб бординг?»— деб сўрабди.

«Э, амир,— дебди Саъдон,— мен бола-чақа ва беш нафар қулим билан овга чиққан эдим. Лекин йўлимизда овлағудек ҳеч нарса учрамади. Сўнг, ҳар қайсимиз чўлу биёбонлар бўйлаб ҳар тарафга тарқалиб кетдик. Бир вақт қарасак, ҳаммамиз Ажам мамлакатига бориб қолибмиз. Қўлимизни бурнимизга тиқиб, куп-қуруқ қайтмаслик учун барчамиз ҳам ўлжа пайида эдик. У ерни роса кездик. Шу вақт узоқдан чанг кўринди. Унинг нималигини билиб келиш учун кулларимиздан бирини юбордик. Бир қанча вақт ғойиб бўлиб кетгандан кейин қайтиб келган қул: «Э мавлоно,— деди апил-тапил.— У Дайлам, турк ва Ажам мамлакатларининг шоҳи Собурнинг қизи Фаҳруттож экан. Унинг атрофида икки минг нафар чавандоз ҳам бор, улар қаёққадир кетяптилар»,— деди.

— Сен улуғ нарсадан башорат қилдинг,— дедим мен севишиб қулга, — бизга бундай ганиматдан ортиқроқ нарса топиш қийин. Ҳаммамиз ёпирилиб улардан уч юз отлиғини ўлдирдик, бир минг икки юзини асир олдик. Собур қизи ва унинг барча молу мулкларини қўлга тушириб мана шу қўрғонга келтирдик.

Бу гапни эшитган Ғариб: «Малика Фаҳруттож номусига тегдингми?»— деб сўрабди.

— Бош-кўзинг ҳақи, ҳозир қабул қилган диним ҳақи, унга теккан эмасман»,— дебди Саъдон.

— «Яхшиям тегмаган экансан,— дебди Ғариб,— ахир унинг отаси подшо, у албатта қизининг кетидан асқар юбориб, хону монингни ер билан яксон қилади. Оқибатини ўйламай иш қилганга тақдир ёр бўлмайди, хўш, қиз қаерда, э Саъдон!»

«Канизлари билан унга алоҳида бир қаср ажратиб берганман, ўша ерда»,— дебди Саъдон.

«У ерни менга кўрсат»,— дебди Ғариб.

«Жоним билан!»— дебди Саъдон.

Ғариб Саъдон билан бирга Фаҳруттож турган қасрга борибди. Қарашса, иззат-икром билан ўсган малика бу кунга тушиб қолганига хўрлиги келиб, гам-ҳасратда хўнг-хўнг йиғлаб ётибди.

Ғариб қизнинг оғир аҳволига ачиниб, ҳамма нарсадан воқиф оллоҳ таолони тилга олган экан, Фаҳруттож Ғарибга қарабди-да, унинг баҳодир чавандозлиги ва бу ерга ёмон ниятда эмас, аксинча, раҳм-шафқат қилиш учун келганини пайқабди. Шунда қиз ўрнидан туриб Ғариб олдига борибди, ер ўпибди ва унинг оёғига йиқилиб, ёлвора бошлабди: «Э замона баҳодир, мен сендан паноҳ тилайман! Мени шу Ғулдан қутқар! У номусимга тегиб, кейин ўзимни еб қўяди. Ёлвориб сўрайман, мени халос қил, чўриларингга чўри бўлиб хизмат қилай».

— Қўрқма, энди сен хавф-хатардан қутулдинг. Ўз ватанингга кетиб, иззат-обруйингга эга бўласан,— дебди Ғариб.

Малика Ғарибни дуо қилиб, унга узоқ умр, олий мартабалар тилабди.

Ғариб барча ажамликларни озод қилгач, Фаҳруттожга боқиб сўрабди:

— Нима қилиб сен қасрингдан чиқиб бундай чўлу биёбонларга келиб қолдинг, бу йўлтўсарларнинг қўлига қандай қилиб тушиб қолдинг?

— Э мавлоно,— дебди малика,— отам у мамлакат аҳлий турклар, дайлабийлар ва маъжусийлар ўлкаси тангри таолога ибодат қилмай, ўтга чўқинадилар. Мамлакатимизда бир дайр бор, уни Дайри Оташ деймиз. Ҳар ҳайитда у ерга оташпараст ва маъжусий қизлари йиғилиб, ҳайит тамом бўлгунча бир ой ўша ерда қолиб, ҳайитдан сўнг, ўз юртларига

қайтиб келадилар,— деди. Мен ҳам одатдагидек ўз канизларим билан ўша ерга жўнадим. Отам, мени қўриқлаш учун икки минг отлиқ қўшиб берди. Келаётганимизда бирдан мана бу Фул йўлимизни тўсиб, аллақанча одамларимизни ўлдириб, қолганларини асир олди-да, шу қўрғонга қамаб қўйди. Бўлган воқеа мана шу, э довьюрак баҳодир, замона кулфатидан тангрим сени асрасин!

— Қўрқма, мен сени ўз қасринга, иззат-икром кўрган еринга элтиб қўяман,— дебди Ғариб. Малика уни дуо қилиб, қўл-оёқларини ўпибди. Ғариб ташқарига чиқибди-да: «Маликани хафа қилмай, иззат-икром кўрсатинглар»,— деб буюрибди. У ўша кеча у ерда тунаб, тонгда турибди-да, таҳорат қилиб, тангрининг дўсти — Иброҳим алайҳиссалом динида буюрилганидек икки ракаат намоз ўқибди. Фул ва унинг ўғиллари ҳам, Ғарибнинг одамлари ҳам унга иқтидо қилиб, намоз ўқишибди. Намоздан сўнг Ғариб Саъдонга ўгирилиб: «Э Саъдон, сен бизга Гуллар Водийсини кўрсатмайсанми?»— дебди.

— Жоним билан, мавлоно,— дебди у.

Саъдон ўз ўғиллари, Ғариб ўз дўстлари, малика Фаҳруттож эса ўз канизаклари билан ташқарига чиқишибди. Саъдон ўз қул ва чўриларига мол сўйиб овқат пиширишни ва дарахтзорга келтириб беришни буюрибди. Фулнинг юз эллик чўриси, минг қули бўлиб, булар унинг туя, мол ва қўйларини боқишар экан. Ғариб ўз одамлари билан Гуллар Водийсини томоша қилибди. У ерда якка-якка ва тўп-тўп бўлиб ўсаётган гўзал дарахтлар ва бу дарахт шоҳларига қўниб хилма-хил мақомда сайраётган қушлар, уларнинг куйларини қайтараётган булбуллар, қумриларнинг ёқимли овози теварак-атрофни тўлдириб, беҳад файз бағишлаб турар экан...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз ўтти-
зинчига ўтар кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, Ғариб ҳам, Ғул ҳам ўз одамлари билан Гуллар Водийсига боришганда ёқимли овози билан ҳамма ёқни тўлдириб турган қумрини, роҳатижон булбул тавсифини, таърифга сиғмайдиган майнави, ўз овози билан кишини ҳайратга соладиган ғурракни, ўзининг фасиҳ овози билан тўти ҳам жўр бўладиган каптар каби анвойи паррандаларни кўрибди. Унда ғуж-ғуж мева туккан ҳар хил дарахтларда осилиб турган ширин ва нордон анорлар, қантак ўриклар, дафна дарахти, хуросон бодомлари, шоҳлари беҳи дарахтига чирмашиб кетган олхиротлар, худди машъалага ўхшаган пўртаҳол шоҳлари ерга эгилган пўсти қалин лимонлар, дардларга даво ширин лимонлар, тангрининг марҳамати билан яралган қизил ва сариқ хурмолар фарқ пишиб ётибди. Бундай дилором жойнинг завқини сурган шоир шундай деган экан:

Агар қушлар наво қилса бу жойда,
Муҳаббат аҳлини қўзғаб келадур.
Оқин сув, соя-салқин, мевага кон,
Бу жой жаннатга ўхшаш хушҳаводур.

Бу жой Ғарибга ёқиб қолиб чодир тикишни буюрибди. Сердарахт салқин жойга чодир тикиб, қимматбаҳо гиламлар тўшашибди. Ғариб унга кириб ўтириши билан таом келтиришибди. Еб-ичиб бўлган

Ғариб: Э «Саъдон!» дебди. «Лаббай, мавлоно»,— дебди Саъдон. «Ичимлик-пичимлигинг борми?» «Бор,— дебди Саъдон,— кўп йиллик ичимликлар тўлиб-тошиб ётибди». «Ушалардан озроқ келтир»,— дебди Ғариб.

Саъдон ўнта қул юбориб, аллақанча ичимлик келтирибди. Йиғилганлар еб-ичиб, кайфу сафо қилишибди. Ғариб бўлса Маҳдияни эслаб кайф аралаш шу байтларни ўқибди:

Висолинг ёдима тушди, ёнимда эрдинг, э дилбар,
Юракда иштиёқингдин буюк бир изтиробим бор.
Худо ҳақи, мен ўз майлим билан айрилмаган эрдим,
Замон найранглари энди нечук айлай сенга изҳор?!
Салом мендан, салом мендан, сенга шири: калом мендан.
Мажолим йўқ, юзим ҳам заъфарондир мисли бир бемор.

Улар уч кечаю уч кундуз хурсандчилик қилишгандан кейин қўрғонга қайтишибди. Шунда Ғариб укаси Саҳимни чақириб бундай дебди:

— Юз нафар чавандозни ол-да, ота-онанг, қавминг — Бани Қаҳтон олдига бориб, уларни бошлаб кел, қолган умрларини шу ерда ўтказсинлар. Мен Фаҳруттож билан бирга Ажам мамлакатига — унинг отаси олдига кетаман. Сен Саъдон, биз қайтиб келгунча ўғилларинг билан шу ерда турасан.

— Нега Ажам мамлакатига мени олиб бормайсан?— дебди Саъдон.

— Чунки сен Ажам подшоси Собурнинг қизини асир олгансан. У сени кўрса, гўштингни қиймалаб, қонингни ичади,— дебди Ғариб.

Саъдон унинг бу гапини эшитгач, худди момагулдирак гумбурлагандек қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборибди.

— Э мавлоно,— дебди у,— сенинг бош-кўзинг ҳақи, агар Дайлам ва ажамликларнинг ҳаммаси

йиғилишиб менга қарши ҳужум қилганларида ҳам, уларнинг оғзидан қонини келтира оламан.

— Шундай бўлса ҳам то мен қайтгунимча бу ердан жилмай тур,— дебди Ғариб. «Хўп бўлади!»— дебди Саъдон.

Шундан сўнг Саҳим ўз юртига, Ғариб бўлса Ажам мамлакатига равона бўлибди. Ғариб билан бирга Бани Қаҳтон уруғининг одамлари ва малиқа Фаҳруттож ва унинг канизаклари йўлга тушишибди. Ҳаммалари ажам подшоси Собур юрти томон йўл олибдилар.

Буларни йўлда қўйиб, Собур шоҳга келсак, у ўз қизини Дайри Оташдан қайтишини пойлабди. Ундан дарак бўлмагач, юрагини гулгула босиб, ваҳимага туша бошлабди. Шоҳнинг қирқ вазири бор экан. Улардан энг улуғи, билағон ва доносининг исми Дидон экан. Шоҳ ўша вазирни чақириб: «Э вазир,— дебди,— қизим ҳаяллаб қолди, ундан бирон хабар ҳам келмади, дарров Дайри Оташга чопар юбор, билиб келсин». «Хўп бўлади!»— дебди вазир. У ташқарига чиқа чопарбошини чақирибди-да, унга: «Ҳозирнинг ўзида Дайри Оташга от чоптир»,— деб тайинлабди. Чопар эса Дайри Оташ қаердасан деб йўлга равона бўлибди. Юра-юра Дайрга етиб келган чопар у ердаги роҳиблардан шоҳ қизини суриштирибди, лекин улар:

Биз уни бу йилги маросимда кўрмадик,— дейишибди. Шундан кейин чопар изига қайтиб, вазир ҳузурига кирибди-да, воқеани маълум қилибди. Вазир бўлса бу воқеадан шоҳ Собурни хабардор қилибди. Шоҳ хабардор бўлибди-ю, қиёмат қойим бўлибди-қўйибди. У тожини ерга улоқтириб, соч-соқолларини юлибди-ю, ҳушидан кетиб йиқилибди. Дарров унинг юзига сув сепишган экан, бир оздан сўнг ўзига келиб-

ди. У ҳўнг-ҳўнг йиғлаб, қалби ўтда ёниб, шу шеърларни ўқибди:

Сендин айрилганда, сабру кўз ёшимни чорладим,
Кўз ёшим бўлди равону сабр эса қочди йироқ.
Чарх кажрафторнинг оини — ҳар дам ўзгариш,
Чархнинг кажрафлигидан ўртага тушди фироқ.

Шундан сўнг шоҳ ўнта амирини чақириб, ўнг минг чавандоз билан сафарга отланишини, ҳар бири биттадан иқлимга йўл олиб, қандай бўлмасин Фаҳруттожни ахтариб топишни буюрибди. Улар шоҳ буюрганидек одамлар билан биттадан иқлимга равона бўлибдилар. Фаҳруттожнинг онаси бўлса, канизлар билан қора кийишиб, азасига қайғуришиб, нолайи фиғон кўтарганларича ўтираверишибдилар. Улар билан бўлган воқеа шу экан.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз ўттиз
биринчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, Собур шоҳ қизини қиди-

риш учун аскар жўнатибди, қизнинг онаси ва канизлари қора кийинишибди. Аммо Ғарибга келсак, унинг йўлида ажойиб воқеа юз берибди. У ўн кун йўл юргандан кейин ўн биринчи куни узоқда кўкка кўтарилган чанг пайдо бўлибди. Ғариб ажамликларни бошқариб келаётган амирни чақириб:

«Анови кўтарилган чангни аниқлаб келгин, нимайкин у,— дебди». «Хўп бўлади!»— дебди амир ва от чоптириб, чанг-тўзон кўтарилган ёққа кетибди. У бориб кимли-

гини сўраган экан, улардан бири: «Биз Бани Ҳатто қабиласиданмиз, амиримиз Самсом ибн Жарроҳ; биз тайёр ўлжа ахтариб юрибмиз, одамларимиз беш минг отлиқ»,— дебди.

Ажамлик кетига қайтганича, отини чоптириб дарров Ғариб олдига келиб, воқеани гапириб берибди. Ғариб Бани Қаҳтон ва Ажам одамларига: «Қуролини қўлга олинглар!»— деб қичқирибди. Улар қуроллари-ни қўлга олиб, йўлда давом этибди. Бирдан бадавий араблар: «Ўлжа, ўлжа!»— дея бақириб уларга ҳужум қилибдилар. Ғариб бўлса: «Ҳей, юзи қора, лаънати араб итлари!»— деб қичқирибди.

Кейин Ғариб уларга шундай ҳамла қилибдики, аста қўяверинг. Ўзиям забардаст паҳлавонлардай олишиб, уларнинг роса адабини берибди. У ҳар гал: «Оллоҳу акбар! Тангрининг дўсти Иброҳим алай-ҳиссалом дини учун!»— деб жангга кирар экан. Икки орада қиёмат қирғин жанг бошланибди. Уруш зўрайиб, қиличлар ишга тушибди, гап-сўзлар кўпайиб, то кун кетиб, ой чиққунча жанг давом этибди. Қошқорайгач, улар жангни тўхтатиб, бир-биридан ажралишибдилар.

Ғариб одамларини текшириб кўрибди, Бани Қаҳтондан беш киши, ажамликлардан етмиш уч киши ўлибди, Самсом одамларидан эса, беш юздан ортиқ чавандоз ўлибди.

Самсомнинг таъби хира, унинг на овқат егиси ва на ухлагиси келар экан. У ўз одамларига хитоб қилиб: «Умримда бундай жангни кўрган эмасман! Анови бола бўлса гоҳ қилич билан, гоҳ гурзи-тўқмоғи билан урушади-я, тавба. Лекин мен эртага жанггоҳга бориб, қани, зўринг бўлса чиқ майдонга, деб чақираман, у арабларни ўзим қириб ташламасам»,— дебди аҳд қилиб.

Ғариб ўз одамлари олдига қайтганида уни малика Фаҳруттож қарши олибди. Аҳволни кўриб, даҳшати-дан ваҳимага тушган малика йиғлаб келиб Ғариб-нинг оёғи, узангисини ўпиб уни дуо қилибди.

— Илойим, қўлинг дард кўрмасин, душманларинг хор бўлсин, бошинг омон бўлсин, э замона баҳодири! Худога минг қатла шукурки, бугунги жангда омон қолдинг. Бадавийлардан сенга бирон зиён-пиён етма-са деб қўрқаман.

Ғариб маликанинг бу гапидан шодланиб кулибди ва уни хотиржам қилиб, кўнглини кўтариб қўйибди:

— Э маликам, қўрқма,— дебди Ғариб,— агар душ-ман бу биёбонни ўраб олган бўлса ҳам, мен ўзимнинг тўлиб турган куч-қувватим билан уларни ер билан як-сон қилардим.

Малика Ғарибга миннатдорчилик билдирибди, душман устидан ғалаба қозонишини тилаб, ўз каниз-лари олдига қайтибди. Ғариб бўлса, отидан тушиб, юз-қўлларини ювибди, кофир қони теккан кийим-бо-шини чайибди, кейин бир-бирларини навбатма-нав-бат қўриқлашганларича ҳаммалари ухлаб қолишибди.

Эртаси яна иккала томон жанг майдонига келиб турибдилар. Ғариб майдонда аскарларнинг энг ол-дига ўтиб, отига миниб турибди. Ниҳоят, у от қўйиб, душманга яқинлашибди-да: «Қани мен билан оли-шишга чиқадиган довьорак, азаматинг борми?!»— деб қичқирибди.

Шунда амалоқийлар тўдасидан Од уруғига қа-рашли бир паҳлавон чиқиб Ғарибга ҳамла қилибди: «Эй, бечора араб,— дебди у Ғарибга,— қани кел, бир адабингни бериб қўяй». У йигирма ратл келадиган темир найзасини кўтариб Ғарибга отган экан, у чап бериб қолибди. Найза бир тирсак ерга кириб кетибди. Амалоқий урмоқчи бўлиб интилган экан,

Ғариб пўлат гурзиси билан тушириб, бошини ёриб юборибди. У шу заҳотиёқ йиқилиб, тил тортмай ўлибди. Оллоҳ ҳам унинг руҳини дўзахга ташлашга шошилибди. Ғариб: «Қани, яна яккама-якка олишадиганинг борми?!» деб ҳайқириб, жавлон урибди. Унга иккинчи бир паҳлавон рўпара келибди. Ғариб уни ҳам ўлдирибди, учинчи паҳлавон чиқибди, уни ҳам ўлдирибди. Учинчиси чиқибди, уни ҳам, хулласи калом ким Ғарибга рўбарў чиққан бўлса, битта қўймай қираверибди. Ғарибнинг жанги, унинг зарбини кўрган душманлар ўзини панага олиб майдондан қочаверибди. Буни кўрган амир Самсом тутақиб: «Ҳа жувонмарг бўлгурлар! Унга энди мен ўзим чиқаман!»— дебди.

У ҳарбий анжомларини кийиб, майдонга от чоптириб чиқибди-да, Ғарибга:

— Э лаънати араб ити, ҳаддингдан ошиб ҳали сен, майдонга чиқадиган, менинг одамларимни ўлдирадиган ҳам бўлдингми?!— деб бақирибди. Ғариб унга яқин келиб: «Сен жанг майдонидасан,— дебди.— Қани ўлган чавандозларингнинг қасдини олиб кўрчи!»;

Самсом Ғарибга ҳамла қилибди. У душманни ғоз туриб кутиб олибди. Икки ўртада чунон жанг бўлибдики, одамлар даҳшатга тушиб, нима бўларкин, деб бақрайиб туриша берибди. Икки паҳлавон майдон кезиб, ўшқиршишганча, роса олишишибди. Усталик билан Самсом зарбига чап бериб ўзини сақлаб турган Ғариб пайт топиб Самсомга шундай зарб берибдики, бу зарбдан унинг кўкси пачақланиб йиқилибди-ю тил тортмай ўлибди. Шу пайт Самсомнинг ҳамма одамлари бирваракайига Ғарибга ёпирилишибди. Ғариб ҳам уларга ташланибди. У ҳар ҳамла қилганида: «Оллоҳу акбар! Танграм, кофирлардан бизни

асраб, доимо бизга ёр, бизни қўллайди!»,— деб бақирар эмиш...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз ўттиз
иккинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, Самсом одамларининг ҳаммаси бирваракайига Ғарибга ёпирилишганда, у ҳам уларга ташланибди. У ҳар ҳамла қилганида: «Оллоҳу акбар! Танграм, кофирлардан доимо бизни асраб, бизга ёр, бизни қўллайди»,— деб бақирар экан. Кофирлар Ғарибнинг яккаюғона тангри, яъни ҳеч кўзга кўринмайдиган; лекин ўзи ҳаммани кўриб

турадиган, бутун коинотнинг бирдан-бир эгаси ҳақидаги сўзларини эшитиб, бир-бирларига қараб ҳайрон бўлишибди:

— Бу қандай сўз экан ўзи,— дейишибди улар,— эшитган заҳотимиз вужудимизни титроқ босиб, беқарор бўлиб кетяпмиз, дармонимиз қуриб, борган сари умримиз қисқараётгандай. Тирик умр бундай сўз эшитмаганмиз-ку!

Кейин улар бир-бирларига: «Урушни тўхтатиб туринглар, бу сўзнинг маъносини сўраймиз»,— дейишибди. Улар жангни қўйиб, отларидан тушиб, оқсоқоллари йиғилишибди ва маслаҳат билан Ғарибнинг ўзидан сўрамоқчи бўлибдилар. Шунда улар: «Орамиздан ўн киши унинг олдига борсин»,— деб таклиф қилишибди. Бу маъқул тушиб, ўн кишини танлаб, Ғариб чодирига жўнатишибди.

Ғариб ва унинг одамлари чодирларига кириб

душманлари не сабабдан жангни тўхтатганликларига ҳайрон бўлиб ўтиришганда ҳалиги ўн киши келиб: «Ғариб бизни ўз ҳузурига қабул қилса?»— деб сўраб қолибди.

Ғариб қабул қилибди. Улар ичкари кириб, ер ўпиб, таъзим қилиб Ғарибга узоқ умр тилашибди. «Нега сизлар жангни ташлаб кетдинглар?»— деб сўрабди Ғариб. «Э мавлоно!— дейишибди улар.— Сен ҳужум вақтида айтган сўзинг билан бизни даҳшатга солдинг».

— Сизлар қайси санамга сиғинасизлар?— деб сўрабди Ғариб.

Келганлар бўлса:

— Биз Нўҳ қавминг эгалари Вадда, Суво ва Яғусга сиғинамиз,— деб жавоб беришибди.

— Биз бўлсак,— дебди Ғариб,— дунёдаги бор нарсаларни яратган, ҳамма жониворларга ризқ-рўз улашган, еру осмонни ҳал қилган, тоғларни бунёд қилган, тошлар орасидан чашма сувлар чиқарган, дарахтларни кўкартирган, ваҳшийларга чўлу биёбонлардан ризқ топиб берган ягона оллоҳ таолодан бўлак ҳеч нарсага сиғинмаймиз. У тангрим ўзи якка, ҳаммага қаҳҳор.

Келганлар Ғарибнинг сўзини эшитгач, тавҳид калимасидан кўнгиллари юмшаб кетибди. Шундан кейин улар: «Ростдан ҳам бу илоҳ раҳмдил ва меҳрибон улуғ Рабб экан!» дейишибди, шу билан улар Ғарибдан: «Хўш, биз нима десак, мусулмон бўламиз?»— деб сўрашибди.

— Уша илоҳдан бўлак илоҳ йўқ, Иброҳим Ҳалилulloҳ унинг дўсти, худо бир, расул барҳақ десаларинг бўлди,— дебди Ғариб. Уновлари ҳам ўша заҳоти ислом динини қабул қилишибди-да, бориб ҳамма одамларни ислом динига даъват қила бошлаб-

ди. Ҳақиқий дин ва имон йўлини уларга тушунтириб берибди. Уларнинг ҳаммаси исломни қабул қилиб, калима келтиришибди, сидқидилдан мусулмон бўлишибди.

Шундан сўнг улар Ғариб олдига бориб, ер ўпиб, иззат-ҳурмат қилишибди. Шону шавкат, олий даражалар тилашиб, уни дуо қилишибди.

— Э мавлоно!— дейишибди улар,— биз сенинг қулларинг бўлиб қолдик, нима истасанг, буюр, жондилимиз билан бажарамиз, амрингга қулоқ солиб, буйруғингни бажо келтирамиз. Энди сендан ажралмаймиз, чунки, сен туфайли оллоҳ бизни тўғри йўлга ҳидоят қилди.

Ғариб уларнинг бу гапларини эшитиб: «Худо сизларни ярлақасин. Ўз манзилларингга жўнанглар, молу мулк, бола-чақангларни олиб, биздан олдинроқ Гуллар Водийси, Сосо ибн Шиса қўрғонига кўчиб келинглар. Мен Ажам шоҳи Собурнинг қизи Фаҳруттожни кузатиб қўйиб, олдингларга қайтаман»,— дебди.

— Бош устига!— дейишибди улар. Сўнг шу заҳотиёқ ҳаммалари ўз юртларига жўнаб қолишибди. Улар юртларига боришгач хотин, бола-чақаларини ҳам ислом динига ундаб, мусулмон қилибдилар-да, ўз чодирларини йиғиб, молу мулкларини олиб, подаларини ҳайдашганча Гуллар Водийсига равона бўлишибди. Тоғ Ғули ва ўғиллари уларнинг истиқболига чиқишибди. Ғариб уларга маслаҳат бериб: «Агар олдингизга Тоғ Ғули чиқиб, сизларни тутиб олмоқчи бўлса, дарров барча нарсани яратувчи оллоҳ таолони зикр қилинглар, зикр қилганингларни Ғул эшитса, ёмон ниятидан қайтиб, ҳурмат-эҳтиром билан пешвоз чиқиб кутиб олади»,— деб йўл-йўриқ кўрсатган экан. Ғариб айтганидек Тоғ Ғули ўз ўғиллари билан чиқиб,

уларни тутиб олмоқчи бўлган экан, дарров ҳаммаси баланд овоз билан оллоҳ таолони зикр қилишга тушишибди. Буни эшитган Саъдон уларни жуда илиқ кутиб олиб, ҳол-аҳвол сўрабди. Шунда улар Ғариб билан ўзлари ўрталарида бўлган можарони айтиб беришибди. Саъдон уларни кутиб олиб жойлаштирибди, ҳайр-эҳсон ҳадя қилибди. Улар билан бўлган воқеа мана шу экан.

Энди Ғарибга келсак, у малика Фаҳруттожни кузатиб Асбонир шаҳрига йўл олибди. У беш кун йўл юргандан кейин олтинчи куни узоқдан яна чанг кўришибди. У ажамликлардан бирини чақириб, нималигини билиб келишни топширибди. У чанг томон жўнаб, қуш учгандан ҳам тезроқ қайтиб келибди.

«Э мавлоно,— дебди у,— мен аниқлаб келдим, бу, ўз маликасини қидириш учун дўстимиз Собур шоҳ юборган минг отлиқнинг чанги экан».

Ғариб бу сўзни эшитгач, ўз дўстларига: «Дарров чодир тикинлар»,— деб буюрибди. Ҳаммалари тўхтаб чодир тикишибди. Бу вақт улар яқинлашиб қолибди. Ғариб одамлари пешвоз чиқиб, уларни кутиб олишиб, ўзларини танитишибди ва малика Фаҳруттожнинг шу ердалигини билдиришибди. Ғариб ҳақидаги гапларни эшитгач, уларнинг Тумон деган ҳокимлари Ғариб ҳузурига кириб ер ўпиб, маликанинг ҳол-аҳволини сўрабди. Ғариб уни малика чодирига юборибди. Тумон маликанинг олдига кириб қўлсёқларини ўпиб, ота-онасининг усиз кечган кунларини гапириб берибди. Малика ҳам бутун бўлган воқеаларни, ҳатто қандай қилиб Ғариб уни тоғ Ғулидан қутқариб олганигача бирма-бир гапириб берибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз ўттиз
учинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, малика Фаҳруттож Тумонга, тоғ Гулига асир тушиб, тортган кўргуликлари, Ғариб уни қандай қилиб қутқариб қолгани, агар у бўлмаганида, Гул уни икки ямлаб бир ютиши мумкинлигини ҳикоя қилиб бергач: «Отам Ғарибнинг бу яхшилигига ярим мулкани берса ҳам арзийди»,— дебди Тумон ўрнидан туриб таъзим билан

Ғарибнинг қўл-оёқларини ўпиб, қилган яхшилиги учун миннатдорчилик билдирибди.

— Э мавлоно,— дебди Тумон,— ижозат берсанг, Асбонир шаҳрига бориб, хушхабар билан шоҳнинг кўнглини чоғ қилай.

— Майли, отлан, бориб ундан суюнчи олгин,— дебди Ғариб.

Тумон йўлга тушибди, унинг кетидан Ғариб ҳам қўзғалибди. «Чуҳ» деб отини илдамлатганича Тумон Асбонир шаҳрига етиб келибди-да, апил-тапил қасрга кириб, подшо Собур қаршисида ер ўпибди. Шоҳ: «Қандай хабар келтирдинг, хушхабарми?»— деб сўрабди. «Суюнчимни бермасанг, гапирмайман»,— дебди Тумон. Шунда шоҳ: «Хушхабаринг билан аввал мени хурсанд қил-да, кейин истаганингни олавер»,— дебди.

— Э замона шоҳи,— дебди Тумон,— малика Фаҳруттож топилди!

Собур шоҳ қизининг исмини эшитиши билан оқ ўзидан кетиб йиқилибди, унга гулоб сепишган экан. кўзини очиб, Тумонга: «Менга яқинроқ келиб, хур-

санд қил»,— дебди. Тумон шоҳнинг ёнига келиб, малика Фаҳруттож билан бўлган воқеанинг ҳаммасини гапириб берибди. Шоҳ, бу гапларни эшитгач, қарсақ уриб: «Эҳ бечора Фаҳруттож!»— деб надомат қилибди. Шундан сўнг шоҳ Тумонга ўн миң динор ҳадя қилишни буюриб, Исфаҳон шаҳри ва унинг теварагидаги ер-сувларини инъом қилиб юборибди. Кейин шоҳ амирларини чақириб: «Қани, ҳаммангиз отланинлар, малика Фаҳруттожга пешвоз чиқамиз»,— дебди. Ҳарам оғаси эса бориб, маликанинг онаси ва ҳарамдаги барча канизакларга хабар берибди. Ҳамма шоду хуррам бўлибди, Фаҳруттожнинг онаси хабарчига сарупо кийгазиб, миң динор ҳадя қилибди. Шаҳар аҳли бу хушхабардан огоҳ бўлиб уй ва бозорларни безашибди.

Шоҳ, Тумон билан бирга йўлга отланибди. Ғарибнинг қораси кўрингач шоҳ дарров отидан тушиб, унинг истиқболига одимлабди. Ғариб ҳам шошганича шоҳга пешвоз чиқибди. Тўқнашгач, бир-бирларига салом бериб, қучоқлашиб кўришибди. Шоҳ Собур қилган яхшиликлари учун Ғарибга миннатдорчилик билдириб, тиз чўкиб, унинг қўлларини ўпибди. Чодир рўпарасига дарров янги чодир тикишибди. Шоҳ қизининг олдига кириши билан малика ўрнидан туриб, отасини қучоқлаб олибди-да, бошидан кечирган воқеаларни ва Ғариб қандай қилиб уни тоғ Ғули чангалидан озод қилганини бирма-бир гапириб берибди. Шунда шоҳ қизига: «Э гўзаллар бекаси, сенинг ҳаётинг ҳақи, жонимни поёндоз қилиб, уни зарга кўмиб ташлайман»,— дебди. Малика бўлса: «Жон ота, сен уни ўзингга кув қилиб ола қол, у душманларингни даф қилишга ҳам ёрдам беради, Ғариб жуда баҳодир йигит»,— дебди. Чунки у Ғарибга кўнгил бериб қўйган экан. Шунда шоҳ: «Э қизгинам, сени Хирад

шоҳга унаштириб, бошингни бойлаб қўйганмиз-ку, у бизга юз минг динор совға қилганини билмайсанми, ахир, у Широ ва унинг теварагидаги юртларнинг подшоҳи, қўшин ва аскарни кўп, салтанатли одам-ку» дебди.

Фаҳруттож отасининг гапини эшитиб: «Э отажоним, мен уни хоҳламайман, агар мени зўрлаб узатсанг, ўзимни ўзим ўлдираман»,— дебди.

Шоҳ қизининг олдидан чиқиб, Ғарибнинг ёнига борган экан, у таъзим қилиб ўтиришга жой кўрсатибди. Собур ўтирибди-ю, лекин Ғарибга тикилиб, унинг ҳусни жамолига ҳеч кўзи тўймай, ўзига ўзи: «Худо ҳақи, бу бадавий йнгит, қизим севса арзийдиган азамат экан»,— дебди.

Таом келтирилиб ҳаммалари танновул қилишгач, уйқуга кетишибди. Эрталаб йўлга тушиб, юра-юра ниҳоят, подшо билан Ғариб узангима-узанги шаҳарга кириб келишибди, ўша кун катта тантанага айланибди. Фаҳруттож ўз қасрига кирганда онаси уни канизлар билан қарши олибди. Шоду хуррам бўлишиб, қий-чув кўтаришибди.

Собур шоҳ ўз тахтига чиқиб, ўнг ёнига Ғарибни ўтқазибди. Амалдорлар, аъёнлар, амир ва поиблар, вазиру вазароларнинг ҳаммаси унинг ўнгу сўлидан жой олишибди. Ҳамма маликанинг соғ-саломат қайтиб келиши билан шоҳни табриклябди. Шунда шоҳ ўз давлат арбобларига: «Қимда ким мени яхши кўрса, Ғарибга бош-оёқ сарупо кийгизсин»,— дебди. Шундан сўнг Ғариб устига кийим-бош деганинг мисоли ёмғирдек ёғила бошлабди. Ун кунни шу тахлит зиёфатда ўтказган Ғариб, ниҳоят, кетмоқчи бўлган экан, шоҳ унга сарупо кийгазиб: «Бир ой сени зиёфат қилмасдан аввал жавоб бермайман»,— деб қасам ичибди. Шунда Ғариб Собурга: «Э шоҳ, араб

қизларидан менинг бир қаллиғим бор, унинг олдига бораман»,— дебди. Буни эшитган шоҳ: «Қани айт-чи, қайси бири яхши: ўша қулоғини тишлаганингми ё Фаҳруттожми?»— деб сўрабди. Ғариб бўлса: «Э шоҳи замона, қулга хожа қизига уйланиш йўл бўлсин»— дебди. Шоҳ унга: «Малика Фаҳруттож сенинг чўринг бўлсин, чунки сен уни Ғул чангалидан халос қилдинг, шунинг учун уни сендан бошқага раво кўрмайман»,— дебди.

Ғариб ўрнидан туриб, шоҳга таъзим қилиб, ер ўпибди-да, кейин: «Э шоҳи замона, сен подшосан, мен бир фақир кишиман, балки сен мендан катта маҳр сўрарсан»,— дебди. Собур Ғарибга «Э болам, билиб қўй, Фаҳруттож Хирадшоҳга унашилган, бунинг учун у ҳатто юз минг динор бериб ҳам қўйган эди, лекин мен ҳаммадан ҳам сени ёқтириб қолдим»,— дебди.

Шоҳ Ғарибга шундай дебди-ю, ўз халқи киборларига ўгирилиб: «Э мамлакатим аҳллари, гувоҳ бўлинглар, мен Фаҳруттожни Ғарибга бердим»,— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Ажам шоҳи Собур, ўз халқи киборларига ўгирилиб: «Сизлар гувоҳ бўлинглар, мен қизимни Ғарибга бердим»,— дебди.



*Олти юз ўттиз
тўртинчи кеча*

Ғар икковлари қўл беришибди ва малика Ғарибнинг хотини бўлибди. Ғариб шоҳга: «Қани, энди одат бўйича қизнинг маҳрини сўра, келтириб берай. Сосо қўрғонида менинг молу дунё, хазиналарим

тўлиб-тошиб ётибди»,— дебди. Собур унга қараб: «Э ўғлим, мен сендан молу дунё сўрамайман, қизимнинг маҳрига Дашт мамлакати ва Аҳвоз шаҳри подшоҳи Жамарқоннинг бошидан бўлак нарсани олмайман»,— дебди. Шунда Ғариб: «Э шоҳи замона, бориб мен одамларимни олиб келаман-да, душман устига босиб бориб, диёрини ер билан яксон қиламан»,— дебди. Собур шоҳ унга оқ йўл тилабди. Шу билан кибору одамлари тарқалишибди. Шоҳ бўлса: «Агар Ғариб Дашт шоҳи Жамарқон томонга юзланса, абадий қайтиб келмайди»,— деб ўйлабди. Тонг отгач, шоҳ ҳам, Ғариб ҳам отига минибди. Шоҳ аскарларига: «Отланинглар!»— деб буюрибди. Ҳамма аскарлар отларига миниб майдонга тушган экан, шоҳ уларга: «Қани, найзабозлик қилиб, мени хурсанд қилинглар»,— дебди. Ажам паҳлавонлари бир-бирлари билан найзабозлик қила бошлашибди. Шунда Ғариб Собурга қараб: «Э шоҳи замона, мен ҳам ажам чавандозлари билан найзабозлик қилмоқчиман, лекин бир шартим бор»,— дебди. «Хўш, қанақа шартинг бор, айт»,— дебди шоҳ. Ғариб шоҳга: «Мен юлқа либос кийиб учсиз найза оламан-да, унга заъфаронланган латта илиб қўяман. Сенинг манман деган паҳлавонларинг тиғли найзалари билан олишгани майдонга чиқаверсин. Ким мени енгса, жонимни ўшанга топшираман, енгилса, кўкрагини нишонга оламан, майдондан чиқиб кетаверади»,— дебди. Подшо Ғарибнинг бу гапини эшитиб, ажам паҳлавонларини майдонга чиқаришни буюрибди. Аскарбоши ажам аскарларидан донғи кетган бир минг икки юз чавандоз танлаб, ўртага туширибди. Собур уларга ўз тилида «Кимки мана бу бадавийни енгса, оғзига сиққанини сўрайверсин, истаганини бераман»,— дебди.

Шундан сўнг ўртада кураш бошланиб, ажам паҳлавонлари Ғарибга ҳамла қилишиб олиша бошлабдилар, эҳтимол, ўшанда улар рост билан ёлғонни, чин билан ҳазилнинг фарқига боришгандир. Ғариб бўлса: «Оллоҳга таваккал қилдим, оллоҳнинг дўсти Иброҳим Ҳалилulloҳга таваккал қилдим. Ҳеч нарса худодан сир эмас. У барчани яратгувчидир. У якка-ягона, қаҳҳор. У кўринмайди, аммо ҳаммани ўзи кўриб туради!»— деб хитоб қилибди.

Ажам амолақий паҳлавонлари бирин-кетин майдонга чиқибди. Лекин Ғариб унга тин бермай ҳужум қилибди ва кўксини доғлаб, найза санчиб йиқита берибди. Улганни филмонлар ўша заҳоти майдондан олиб чиқиб кетибди. Иккинчисини ҳам, учинчисини ҳам, тўртинчисини ҳам, бешинчисини ҳам йиқитибди, шу тариқа паҳлавон кетидан паҳлавон чиқаверибди. Ғарибга оллоҳ ёр бўлиб, уларнинг ҳаммасини бирин-кетин қулатиб, майдонни тозалайверибди. Ниҳоят, вақт ўтиб таом келтирилибди, ейишибди, шароб ҳозирланибди, ичишибди. Ғариб ҳам ичиб боши айланибди. Ҳожатга чиққан экан, қайтишда адашиб ўз жойига бораман деб, малика Фаҳруттож қасрига кириб қолибди. Ғарибни кўриб малика гангиб қолибди ва канизларига: «Дарров ўз жойларингга боринглар»,— деб рухсат бериб юборибди. Канизлар хона-хоналарига тарқалибди. Фаҳруттож, Ғарибга таъзим қилиб унинг қўлини ўпибди. Кейин у: «мени Ғулдан озод қилган эй баҳодир, марҳабо ўлгунимча сенинг чўрингман, жонгинам»,— деб қўлидан ушлаб уни тўшакка судрабди-да, қучоқлаб олибди. Ғариб бўлса ўзини тутолмай, унинг номусига тегибди ва тонггача бирга ётибди. Ғариб ҳозирча шу ерда ётиб турсин.

Энди подшога келсак, у Ғарибни ўз уйига кетган деб ўйлар экан. Тонг отгач, Ғариб Собур ҳузурига

кирибди. Шоҳ уни эҳтиром билан қабул қилиб, ёнидан жой кўрсатибди. Сўнг подшо аъёнлари кириб, ер ўпиб, ўнгу сўлдан жой олишибди. Улар Ғарибнинг шижоати ҳақида гапирибдилар. «Ёш чоғидан шундай шижоат ато қилган зотга покликлар бўлсин!»— дейишибди. Улар шундай ширин суҳбат қуриб ўтиришган чоғда, бирдан қасрга яқинлашиб келаётган отлар чангига кўзлари тушиб қолибди. Подшо апиттапил: «Ҳей ҳасратда қолгурлар, бориб хабар олинглар, нима экан!»— деб бақирибди. Дарров бир отлиқ жўнабди ва чанг-тўзон босилгандан кейин қайтиб келиб шоҳга: «Э шоҳимиз, бу чанг кўтарганлар юзта отлиқ бўлиб, амирининг оти Саҳим ул Лайл экан»,— дебди. Ғариб унинг бу гапини эшитиб: «Э мавлоно, бу менинг укам, бир иш билан юборган эдим, мен унинг истиқболига чиқаман»,— дебди.

Ғариб юз нафар Бани Қаҳтон чавандозлари билан отланибди; уларга мингта ажамлик ҳамроҳ бўлибди. Ҳаммалари улуғ дабдабаю даҳмаза билан Саҳим истиқболига чиқишибди. Уларга яқинлашиб иккови отдан тушиб кучоқлашиб, ҳол-аҳвол сўрашибди-да, сўнг отларига минишиб, йўлга тушишибди. Йўлда Ғариб: «Хўш, ука одамларингни Сосо қалъасига, Гуллар Водийсига элтиб қўйдингми?»— деб сўрабди. «Э акажон,— дебди Саҳим,— бу маккор ит сен тоғ Гули қўрғонига эга бўлганингни эшитиб, баттар аламзада бўлди. «Бу ердан туёғимни шикиллатиб қолмасам, Ғариб келиб қизим Маҳдияни қалин тўламай олиб қўяди», деб қўрқиб қизи, хотин-халаж барча қавму қариндош ва молу дунёларини олганича Ироққа жўнаб қолди. У ҳозир Куфа шаҳрига етиб, подшо Ажибдан паноҳ сўрабди, қизи Маҳдияни Ажибга бермоқчи эмиш»,— дебди.

Ғариб укаси Саҳим ул Лайлнинг гапларини эши-

тиб, қаҳри келибди, зўрға ўзини босиб одамларига хитоб қилиб:

— Дини ислом ҳақи, дини Иброҳим Ҳалилуллоҳ ҳақи, улуғ раббим ҳақи, Ироққа бориб, унинг аскарларини қийратаман!— дебди. Шаҳарга етишгач, шоҳ Собур ҳузурига кириб ер ўпишибди. Шоҳ ўрнидан туриб, Ғарибни ҳурмат билан қабул қилибди. Саҳим билан сўрашиб, унга соғу саломатлик тилабди. Ғариб эса воқеани шоҳга баён қилибди.

Шоҳ, Ғариб билан ўнта лашкарбошини юбормоқчи бўлибди. Ҳар бир лашкарда ўн минг араб, ажамнинг паҳлавон чавандозлари бор экан. Улар уч кун тайёргарлик кўришгандан сўнг йўлга чиқишибди. Йўл юрса ҳам мўл юриб, ниҳоят, Сосо қўрғонига етиб келишган экан, тоғ Ғули ўз ўғиллари билан уларга пешвоз чиқибди. Саъдон ва унинг ўғиллари югуриб келиб, Ғарибнинг оёғини ва узангисини ўпишибди.

Ғариб Саъдонга ҳамма воқеани айтиб берибди. У бўлса: «Э мавлоно, сен қўрғонингда айшингни суриб ётавер. Мен ўғилларим ва аскарларим билан бориб, Рустоқ шаҳрини хароб қиламан ва ҳамма аскарларини банди қилиб, олдинга олиб келаман»,— дебди. Ғариб унга миннатдорчилик билдирибди ва: «Э Саъдон, ҳаммамиз бирга борамиз»,— дебди. Саъдон хурсанд бўлибди ва Ғариб буюрганидек қўрғонни қўриқлаш учун мингта отлиқ қолдириб, ҳаммалари Ироққа отланишибди. Ғариб йўлда кетиб турсин. Энди Мирдосга келсак, у ўз юртини тарк қилиб, одамлари билан Ироққа етиб келибди. Ўзи билан яхши совғалар олиб, Куфага кириб, Ажибга туҳфа қилибди. Ер ўпиб подшоларга хос дуо қилгач: «Э ҳазратим, сендан паноҳ истаб келдим»,— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз ўттиз
бешинчи кеча*



Й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Мирдос Ажибнинг ҳузурига кириб: «Сендан пашоҳ истаб келдим»,— деб арз-ҳол қилибди. Бунинг эшитган Ажиб: «Хўш, сени ким хафа қилди, кўнглингга озор берган агар ажам, турк, дайламийлар шоҳи Собур бўлса ҳам, адабини бериб, сени ҳимоя қиламан»,— дебди. Мирдос бўлса Ажибга шундай дебди:

— Э шоҳи замона, мени хафа қилган одам ўз қўлимда ўсган бир бола. Мен уни эмадиган вақтида водийдан топиб олиб, унинг она-еига уйланган эдим. Онаси мендан бир ўғил туғди. Отини Саҳим ул Лайл қўйдим, ўгай боланинг исми Ғариб эди. Бола ўз қўлимда тарбияланиб олов тан, зўр даҳоли бўлиб ўсди-ю, бошимга бало бўлди. Шу бола Бани Набҳоннинг сардори Ҳасанни қатл қилди, эркакларини қириб, чавандозларини қўлга олди. Менинг бир қизим бор, унинг исми жисми фақатгина сенга муносиб, холос. У мендан ана шу қизимни сўраган эди, мен ундан тоғ Ғулининг калласини сўрадим. У бориб Ғул билан олишиб, уни асир қилиб олибди, у ҳам Ғарибнинг қулига айланиб, эшитишимга қараганда, у ҳам мусулмон бўлибди. Энди у бошқаларни ҳам ўз динига тортаётганмиш. Собурнинг қизини Ғулдан озод қилиб, Сосо ибн Шис ибн Шаддод ибн Од қўрғонини эгаллабди. Бу қўрғоннинг бошдан-оёқ ҳамма ёғи хазина билан лиқ тўла эди. У ҳозир Собур қизини узатиб қўйишга жўна-

ган, энди у Ажамдан мол-дунёга кўмилиб қайтади.

Ажиб, Мирдоснинг гапларини эшитиб хаёлга чўмибди. Афти ангори ўзгариб, ранглари сарғайиб кетибди; у ўзининг ҳалок бўлишига кўзи етибди.

— Э Мирдос,— дебди у,— боланинг онаси сен биланми, ўғли биланми?

— Мен билан, чодиримда,— дебди Мирдос Ажибга.

— Оти нима?— деб сўрабди Ажиб.

— Оти Нусрат,— дебди Мирдос.

Ажиб буни эшитибди-ю «Бу худди ўша!» деб бақрибди. Кейин унга одам юбориб, саройга келтирибди. Ажиб хотинни дарров танибди: «Э лаънати, сен билан юборилган иккита қул қаерда?»— деб сўрабди. Хотин Ажибга қараб: «Иккала қул мени ташлашиб, бир-бирини ўлдиришди»,— дебди. Чидаб туролмаган Ажиб қиличини суғуриб, хотинни шартта иккига бўлиб ташлабди-да, ташқарига улоқтириб юборибди. Ажибнинг юрагида даҳшат ва васваса бошланибди.

— Э Мирдос, қизингни менга хотинликка бер,— дебди Ажиб. Мирдос бўлса: «У сенинг бир чўринг, уни сенга бердим, ўзим ҳам сенинг қулингман»,— дебди.

— Мен бу бузуқ хотиннинг ўғли — Ғарибни кўрмоқчиман,— дебди Ажиб Мирдосга,— мен уни қийнаб, ҳамма азоб-уқубатларга гирифтор қилиб, ўлдираман.

Ажиб қизининг маҳри учун Мирдосга ўттиз минг динор пул, юз кийимлик заркаш шойи, юзта ҳошиядор кўйлаклик, рўмоллар, олтин маржонлар беришга фармон берибди.

Мирдос маҳрни олиб, Маҳдияни ясатишга бери-

либди. У қизга оро бериб турсин, энди Ғарибга келсак, у юра-юра, ниҳоят, ал-Ғазирга етиб келибди. Бу, Ироқнинг энг эски шаҳари бўлиб, жуда мустаҳкам қўрғон билан ўралган экан. Ғариб ўз одамларига: «Шу ерга қўнинглар!»— деб буюрибди. Шаҳар аҳли у ерга аскар келиб ўрнашганини кўриб, дарвозаларини қулфлаб олибдилар. Девор-ёнларига куч тўплаб, подшога хабар юборишибди. Подшо қаср истеҳкомидан қараса, ҳамма ёқни ажамлик аскар босиб кетибди.

— Э одамлар!— дебди подшо,— бу ажамликлар нима қилиб юрибди?

— Билмаймиз,— дебди улар.

Бу подшони Дамиғ деб аташар экан, чунки у паҳлавонлар билан жанг майдонида олишишда миясига найза санчиши билан шуҳрат қозонган экан. Унинг худди ёниб турган ўтдай чаққон бир мерган ёрдамчиси ҳам бор экан, уни чўл Арслони дейишар экан. Шоҳ ўша мерганни чақириб: «Бор, анови аскарларнинг олдига чиқ, нима гап, биздан кутган муддаоси нима, ҳаммасини суриштириб, тезда қайтиб кел»,— дебди.

Арслон шамолдай Ғариб чодирига ғириллабди. Бир неча араблар йўлда тўхтатиб ундан: «Қимсан ўзинг, нима мақсадда келяпсан?»— дейишибди. У бўлса: «Мен мана шу шаҳар ҳокимининг сардорингизга юборилган чопари ва элчисиман»,— дебди. Араблар унинг қўлидан тутиб, қапа ва байроқлар ёнидан ўтиб бориб, ниҳоят Ғариб турган чодирга етишибди. Соқчилар унинг олдига кириб, элчи ҳақида хабар берган экан, у: «Ҳузуримга келтиринглар»,— дебди.

Элчини ичкари олиб киришибди. Арслон ичкари киргач, таъзим қилиб ер ўпибди, иззат-икром билан

узоқ умр тилаб, Ғарибни дуо қилибди. Ғариб ундан: «Хўш, хизмат?»— деб сўрабди. У бўлса: «Мен Куфа шаҳри ва Ироқ мамлакати ҳокими Қандамирнинг укаси, мана шу ал-Жазира шаҳри ҳокими Дамиғнинг элчисиман»,— дебди.

Ғариб элчининг бу сўзларини эшитиб, кўзлари жиққа ёшга тўлиб, юзларига оқиб тушибди. У элчидан: «Отинг нима?»— деб сўрабди. Элчи: «Отим Арслон»,— деб жавоб берибди. Ғариб унга: «Бор, ҳокимнинг олдига бориб айт, бу чодирдаги одамларнинг бошлиғи Ғариб экан, дегин. У киши ўз ўғли ўлдирган Куфа ҳокими Қандамирнинг ўғли экан, энди ўша қутурган ит Ажибдан отаси қасдини олгани келаетган экан, деб айтгин»,— дебди.

Ғариб ҳузуридан хурсанд бўлиб чиққан элчи ҳоким даргоҳига бориб, ер ўпиб, таъзим қилибди. Ҳоким:— Ортингдаги нима экан, э чўл Арслони?— деб сўрабди.

— Э ҳазратим, аскарлар эгаси акангнинг ўғли экан,— дебди-да, бўлган гапларнинг ҳаммасини айтиб берибди. Ҳоким худди туш кўргандай бўлиб кетибди. «Э чўл Арслони»,— дебди ҳоким. «Лаббай, шоҳим»,— дебди у. «Бу айтганларинг чинданми?»— деб сўрабди. «Сенинг бошинг ва умринг ҳақи, рост гапиряпман»,—дебди у. Ҳоким ўз халқи киборларига: «Отланинглар!»— деб буюрибди. Барча отланибди, ҳоким ҳам отига миниб ҳаммалари Ғариб томон йўлга тушишибди.

Ўз ҳузурига Дамиғнинг келганини билган Ғариб пешвоз чиқиб қучоқлашиб кўришибди, ҳол-аҳвол сўрашибди. Сўнг чодирга қайтишиб, тўрга ўгиришибди. Дамиғ ўз жиянини кўриб, жуда хурсанд бўлиб кетибди ва унга: «Отанг қасди қалбимда ҳасрат ўти

ёқди, лекин ўша ит акангга бас келишга ожизман, чунки унинг аскарлари кўп, меники оз»,— дебди.

— Э амаки,— дебди Ғариб,— мана мен қасд олиш, ор-номусни оқлаш ва ўлкани ўша итдан тозалаш учун келдим.

— Э жияним,— дебди Дамиғ,— сени унда икки-та қасдинг бор. Энди ҳам отанг, ҳам онанг қасдини олишинг керак.

— Онамга нима бўлди?— деб сўрабди Ғариб. Амакиси унга: «Уни аканг Ажиб ўлдирибди»,— дебди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз ўттиз
олтинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Амакисининг «Онангни аканг Ажиб ўлдирибди» деган гапини эшитган Ғариб: «Э амаки, онамни у нима сабабдан ўлдирибди?»— деб сўрабди. Шунда амакиси онаси билан бўлган воқеани, Мирдос қизини Ажибга берганлигини ва у Маҳдия қўйнига кирмоқчилигини айтиб берибди.

Бу гапларни эшитган Ғариб ўзидан кетиб, ўлар ҳолга тушибди. Ўзига келгач, аскарларига: «Отланинглари!»— деб хитоб қилибди.

— Э жиян,— дебди Дамиғ,— бир оз сабр қил, одамларимни тўплаб, отланиб чиқай, мен ҳам сен билан ёнма-ён бораман.

— Э амакижон, сабру тоқатим қолмади, отла-навер, мен билан Куфада учрашасан,— дебди Ғариб.

Ғариб йўл босиб, Бобил шаҳрига етиб борибди. Буларни кўриб шаҳар аҳли қўрқиб кетибди. Бу шаҳар ҳокимининг оти Жамак экан. Унинг қўл остида йигирма минг отлиқ аскарлари бор экан. Теварак-атрофдаги қишлоқлардан яна эллик минг отлиқ қўшилибди.

Ғариб одамлари шаҳар четига чодир тикибди, у хат ёзиб Бобил ҳокимига жўнатибди. Элчи йўлга тушиб, саройга етгач: «Мен элчиман!»— деб бақирибди. Эшик оғаси ҳоким Жамак олдига кириб, элчи келганини билдирибди. Ҳоким: «Бўпти, бу ерга келтиринглар»,— дебди. Эшик оғаси чиқиб, элчини ҳоким олдига бошлаб келибди. Элчи таъзим қилиб, ер ўпгач, Жамакка мактуб берибди. Жамак хатни очиб, ўқиб қараса, шу нарсалар ёзилган экан: «Икки дунё тарбиячиси, борлиқнинг яратувчиси, барча тирик жонга ризқ берувчи тангрига мақтовлар бўлсин. У тангри ҳар нарсага қодир!

Ушбу хат Ироқ ва Куфа ери ҳокими Қандамир ўғли Ғарибдан подшо Жамакка.

Ушбу хат сенга етиб бориши биланоқ, санамларни синдиришга кириш; бундан бошқа жавобинг бўлмасин. Сен барча нарсани билувчи доно тангрининг яккалигига, унинг нур, зулмат ва барча нарсаларнинг яратувчиси эканига, барча нарсага у қодир эканига иқрор бўлишинг керак. Агар менинг буйруғимни бажармасанг, шу бугуннинг ўзидаёқ оғзингдан қонингни келтираман. Саломатлик фақат тўғри йўлга юрган одам билан ҳамроҳ. У рад қилиш оқибатларидан эҳтиёт бўлади. Тўғри йўлда юрган одам олий эгамга, аввал ва охира яратувчисига, хоҳлаган нарсасини йўқдан бор, бордан йўқ қила оладиган тангрига иттиқ қилади».

Жамак хатни ўқиб бўлгач, ғазабдан кўзлари

чақнаб, юзлари сарғайиб кетибди. У элчига бақириб: «Бор, хўжайиннингга айт, эрта тонгда жанг бўлади. Ким зўрлиги ўшанда маълум бўлади»,— дебди.

Элчи келиб бўлган воқеадан Ғарибни огоҳ қилибди. У ўз аскарларига фармон бериб, жангга ҳозирлик кўришни тайинлабди. Жамак ҳам фармон бериб, Ғариб чодири рўпарасига чодир тикдирибди. Аскарлар мисли тошган денгиздай келиб, жанг қилиш ниятида тунашибди. Тонг отгач, иккала томон ҳам отланиб, саф тортиб тизилишибди. Ноғоралар чалиниб, бир-бирига от қўйишибди. Шундай қилиб, ер дейсизми, чўл дейсизми — ҳамма ёқни аскар босиб кетибди.

Паҳлавонлар чиқибди. уруш ва кураш майдониغا биринчи бўлиб тоғ Ғули Саъдон чиқибди. У елкасига бир бесўнақай дарахтни қўйиб аскарлар олдида: «Мен Саъдон Ғулман, қани менга бас келадиган азамат борми, ким мен билан олишади, манман деганинг чиқавер!» — деб бақириб чақираверибди. Кейин у болаларига ҳайқириб: «Ҳей ҳасратда қолғурлар, ўтин билан олов келтиринглар, менинг қорним оч»,— дебди. Уғиллари ўз қулларига бақириб буюрган экан, улар ўтин териб келиб, майдон ўртасига олов ёқишибди. Шунда елкасига темирчининг кундасидай келадиган гурзисини қўйиб олиб майдонга кофирлардан бир амолақий чиқиб: «Ҳе Саъдон бўлмай ҳасратда қолгур, мен сенга бас келаман»,— деганича унга ҳамла қилибди. Амолақийнинг бу гапларини эшитиб, жини қўзиган Саъдон пойлаб туриб, дарахтни отган экан, ҳавода чийиллаб амолақий томон учиб кетибди. У Саъдонга гурзисини отган экан, дарахтга тегиб, гурзи-пурзиси билан келиб мисоли баланд хурмо дарахтидек амолақийни босиб, майда-

майда қилиб юборибди. Кейин Саъдон ўз қуллари-га: «Қани, бу бўрдоқини судраб келиб, тезроқ қову-ринглар»,— деб буюрибди. Қуллар дарров амолиқий-нинг терисини шилишиб, қовуришибди ва қовурмани Саъдон Фулга келтиришибди. У гўштини еб, суягини кемирибди.

Кофирлар ўз паҳлавонларининг аҳволини кўриб, сочлари тикка бўлиб кетибди. Ваҳимага тушиб, ранг-лари оқариб, мазалари қочибди. Улар бир-бирлари-га:

— Ким бунга бас келаман деса, гўштини еб, суя-гини кемиради, ҳаёт-мамотини тугатади,— дейишибди.

Улар Фул ва унинг ўғилларидан кўрқиб, жангга кирмай, шаҳар томон қочишга тушишибди. Бунни кўр-ган Ғариб одамларига:

Қани, қочқоқлар кетидан қувамиз!— деб бақи-рибди. Ғарибнинг ажам ва араб аскарлари Бобил шоҳи ва аскарларига қилич билан ҳамла қилиб, йиғирма мингдан кўпини қириб ташлабди.

Қочқоқлар шаҳар дарвозаси ёнига йиғилиб саросимага тушиб қолишибди. Ҳатто дарвозани ҳам бекитолмай, кўплари шу ерда қирғинга дуч келибди. Араблар билан ажамлар ҳужумга ўтишибди. Саъдон битта ўлганнинг гурзисини олганича одамларга ўқта-либ, олдинга юриб майдонга чиқибди. Кейин Жамак шоҳ қасрига бостириб кириб, унга рўпара келиб қо-либди-да, гурзи билан туширибди. У ҳушидан кетибди. Қасрда ким бўлса Саъдон ўшанга ҳамла қилиб, ҳаммасининг оғзидан қонини келтирибди. Шунда шаҳар аҳли «Омон-омон! Раҳм қилинг!» деб нола қилишиб ёлворишибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳи-коя айтишни тўхтатди.



*Олти юз ўттиз
еттинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Саъдон Фул Жамак шоҳ қасрига ҳужум қилиб, дуч

келганнинг оғзидан қонини келтира-верибди. Шунда шаҳар аҳли: «Омон-омон! Раҳм қилинг!» деб нола-ю гирён қилишиб ёлворишибди. Саъдон эса уларга: «Подшоларингнинг қўл-оёғини боғланглар!» — деб буюрибди. Улар Жамакни бойлаб кўтариб олишибди. Саъдон бўлса уларни подага ўхшаб олдига солиб

ҳайдабди. Шундай қилиб, шаҳарнинг жуда кўп одамлари Ғариб аскарларининг қиличидан ўтгандан кейин, Жамакни унинг олдига келтиришибди. Бобил ҳокими Жамак ўзига келиб кўзини очса, қўл-оёғи боғлоқ ётибди, Фул бўлса: «Кечқурунги овқатга Жамак шоҳни ейман»,— деяётган эмиш.

Фулнинг гапини эшитиб Жамакнинг эси чиқиб кетибди-да, Ғарибга ўгирилиб: «Мен сендан паноҳ сўрайман»,— деб ёлворибди. Шунда Ғариб: «Исломни қабул эт, Фулдан ва тугалмас азоб-уқубатдан қутулиб қоласан»,— дебди. Жамак сидқидил билан исломни қабул қилибди. Кейин Ғариб арқонларни ечиб юборишга буйруқ берибди. Озод бўлган Жамак ўз халқини исломга даъват этибди ва ҳаммаси мусулмон бўлиб, Ғариб хизматига қуллуқ қилиб туришибди.

Жамак шаҳарга кириб, меҳмонларга таом ва шароб чиқартирибди. Ғариб шу кеча Бобилда тунаб, тонг отгач, отланишга фармон берибди. Улар йўлга тушишиб, ниҳоят Миёфориқийн деган жойга етишибди. Қарашса, шаҳар одамлардан холи эмиш. Халойиқ

Бобилда бўлган воқеани эшитиб, ўз диёрларини ташлаб Куфа шаҳрига йўл олишибди-да, ҳаммалари эшитганларини Ажибга оқизмай-томизмай етказишибди. Ҳамма ёқда қиёмат қойим бўлибди. Ажиб бўлса барча паҳлавонларини тўплаб, Ғарибнинг бостириб келаётганидан хабардор қилибди ва укаси билан бўладиган жангга ҳозирлик кўришга фармон берибди. Ажиб ўз одамларини санаб кўрган экан, ўттиз минг отлиғу ўн минг пиёда аскар чиқибди. Кейин у четдан келган бошқа қўшинларни хузурига чақириб санабди, улар отлиқ ва пиёда бўлиб эллик минг аскар экан. Шундан кейин Ажиб отланиб, аскарларга бош бўлганича, беш кун йўл юрибди ва укасининг аскарлари Мўсулга қўнганини кўриб, Ғариб чодирни рўпарасига чодир тикдирибди.

Буни кўрган Ғариб хат ёзиб, одамлардан: «Қим бу хатни Ажибга элтиб беради?»— деб сўрабди. Саҳим дик этиб ўрнидан турибди-да: «Э шоҳи замон, мактубни унга мен элтиб, жавобини олиб келаман»,— дебди. Ғариб хатни унга берибди, у олганича Ажиб ўтовига етиб борибди. Ажиб одамлари элчи келганини унга хабардор қилган экан: «Менинг олдимга келтиринглар уни»,— дебди. Саҳим ичкари кириши билан Ажиб ундан: «Қаердан келдинг?»— деб сўрабди. Саҳим бўлса: «Мен араб ва ажам шоҳи, Қисри кўёви, дунё шоҳидан элчи бўлиб келдим, у сенга мактуб бериб юборди, сен бунга жавоб қайтар»,— дебди. Ажиб Саҳимга: «Қани хатни узат-чи!»— дебди. Саҳим унга хатни берибди, у очиб шу нарсаларга кўзи тушибди: «Раҳмдил ва меҳрибон тангрининг исми билан, унинг дўсти Иброҳимга саломлар бўлсин! Аммо етиб маълум бўлсин-ким, ушбу хат қўлингга тушган заҳоти сен ларҳол

санамларга ибодат қилишингни тарк қилиб, жамики нарсанинг атокори, сабабчилар сабабчиси, булутларни ҳаракатга келтирувчи ягона тангрига иқрор бўл. Агар исломни қабул қилсанг, менинг акам ва бизга ҳоким бўлиб қолаверасан. Мен сенинг гуноҳингни кечиб, отам ва онам қасдини олмайман. Мусулмон бўлишдан бўйин товлаб, буйруғимни бажармасанг, каллангни танангдан жудо қилиб, ўлкангни хароб қиламан. Ажалинг етади. Сенга яхши насиҳат қилдим, саломатлик фақат тўғри юрган одам ва олий подшога итоат қилган киши билан ҳамроҳ».

Ажиб Ғарибнинг бу сўзларини ўқиб, дўқларини тушунибди. Хатнинг мазмуни суяк-суягига тарқалиб миясигача зирқиратиб юборибди. Тишларини гижирлатиб, газаб алангасида ёниб, даҳшатга келибдида, хатни йиртиб-йиртиб отиб юборибди. Саҳим ноқулай аҳволда қолибди. У Ажибга: «Илойим, шу қилганинг учун қўлинг шол бўлсин!»— деб бақирибди. Ажиб бўлса, ўз одамларига ўшқириб: «Бу итни ушлаб, қилич билан ўлдиришлар!»— деб буюрибди.

Ҳаммаси Саҳимга ёпирилишибди, у бўлса қиличини суғуриб, уларга ташланибди ва элликдан ортиқ паҳлавонини ўлдирибди. Саҳим қиличбозлик қилиб олишиб-олишиб, ниҳоят, акаси Ғариб олдига етиб қолибди. Унинг ҳамма ёғи қон. Шунда Ғариб ундан: «Э Саҳим, сенга нима бўлди?»— деб сўрабди. Саҳим воқеани гапириб берибди. Шунда Ғариб: «Оллоҳу акбар!»— деб бир бақирибди. Ҳамма дарғазаб бўлибди, уруш дўмбиралари чалиниб, паҳлавонлар жангга отланишибди, соҳибқиронлар жам бўлибди, эрлар темирларга ўралишиб, совутларини кийишибди, қиличларини осиб, узун найзаларини белларига боғлаб олишибди. Ажиб ҳам ўз одамлари

билан отланибди, иккала халқ бир-бирларига ҳамла қилишибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз ўттиз
саккизинчи кеча*



Й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Ғариб ўз одамлари билан, Ажиб ўз одамлари билан отланиб, бир халқ бошқасига ҳамла қилибди. Шу билан уруш қирғинлик келтирибди, ҳеч ким уни тўхтата олмабди. Қон деган шарилаб оқибди, ундан ерда қизиқ нақшли нарсалар пайдо бўлиб, қайғудан одамларнинг сочи оқарибди. Қирғин баттар авжига минибди.

Тўкилган қондан одамларнинг оёғи сирпанадиган бўлиб қолибди. Жангга дадил кирган баҳодирларнинг эсхонаси чиқиб, тирақайлаб қочиб қолибди. Шу тариқа то кечгача уруш давом этибди. Ниҳоят, қош қорайиб, ҳамма ёқни зулмат қоплаганда жангни тўхтатишга ноғора чалинибди. Аскарлар ажралишиб, ҳар бир томон ўз чодирлари сари жўнашибди. Эртаси тонг отгач, яна уруш ва жанг ноғораси чалинибди. Аскарлар яна жанг либосини кийишиб, кескир қиличларини тақибди. Жигар ранг ёйини олиб унга ўткир, патсиз найзалар санчибди-да, ҳаммалари: «Бугун чекиниш йўқ!»— деб аҳд қилишибди.

Барча аскарлар сафга тизилишганида ғуж-ғуж одам худди тўлиб кетган денгизга ўхшаб кетибди. Биринчи бўлиб жанг ноғорасини қоққан Саҳим бўлибди. У қилич ва ёйларини ўйнаб, барча уруш усулларини қўллаганича ўз аскарлари билан душ-

ман устига от қўйиб келаверибди. Буни кўрган рақиблар гангиб, саросимага тушиб қолишибди.

Саҳим ҳужумга ўтиб: «Қани, мен билан беллашадиган борми? Зўринг ким? Манман деганинг чиқаверсин майдонга!»— деб хитоб қилибди.

Саҳим қаршисига кофирлардан худди олов шуъласига ўхшаган бир чавандоз чиқибди. Уни кўрган Саҳим у қаршисига келиб улгурмасданоқ, ёй билан уриб йиқитибди. Иккинчиси чиққан экан, уни ҳам қулатибди. Учинчиси чиққан экан, чилпарчин қилибди, тўртинчиси чиқибди, уни ҳам ҳалок қилибди. Шу алфозда ким унинг олдига чиқса, бир чеккадан қираверибди. Ниҳоят, тушгача икки юз паҳлавонни ўлдирибди. Буни кўрган Ажиб тоқат қилиб туролмай одамларига: «Ҳаммангиз бир бўлиб ҳамла қилинглар!»— деб хитоб қилибди. Ажибнинг барча баҳодирлари Саҳимга тўда бўлиб ҳужум қилишга ўтишибди, кураш кучайиб гап-сўз кўпайибди. Ялтиллаган қиличлар жаранглаб одамлар одамга ёпирилибди. Ҳисобсиз қон тўкилиб, ҳамманинг аҳволи танглашибди. Одам жумжимаси (бош суяги) отларга туёқ бўлибди.

Шу тариқа қаттиқ жанг давом этиб, кеч кирибди. Қош қорайиб, теварак-атрофни зулмат қоплаганда иккала томон жангни тўхтатиб, бир-бирларидан ажралишибди-да, ўз чодирларига бориб тонггача тунашибди. Эрталаб иккала томон яна отланишиб жангга кирмоқчи бўлишаётган экан, нима бўлибди-ю мусулмонлар кутиб турган байроқ тагига одат бўйича чиқиши керак бўлган Ғариб чиқмай қолибди. Саҳим Ғариб ўтовига кириб қараса, акаси у ерда ҳам йўқ эмиш. Жойандозларидан сўраса:

— Биз қаердалигини билмаймиз,— дейишибди.

Саҳим жуда қаттиқ хафа бўлиб воқеадан аскар-

ларни огоҳ қилибди. Улар бўлса жангга чиқишдан бош тортишибди: «Ғариб ғойиб бўлган бўлса, душман бизни ҳалок қилади!»— дейишибди.

Ғарибнинг ғойиб бўлганига Ажибнинг бир ҳийласи сабаб бўлган экан. Уни биз бир бошдан гапириб берамиз. Воқеа шундай бўлибди:

Ажиб укаси Ғариб билан жанг қилиб қайтгач, ўзининг Сайёр деган бир ёрдамчисини чақириб бундай дебди:

«Э Сайёр, мен сени шунақа бир кунимга ярарсан деб асраб юрардим, сенга буйруғим шу: эҳтиётлик билан Ғариб аскарлари томон ўтиб оласан-да, унинг ўтовига кирасан, чаққонлигини намоён қилиб Ғарибни бу ерга олиб келасан». Сайёр Ажиб гапини эшитиб: «Фармонларини бажаришга тайёрман»,— дебди.

Шундан сўнг Сайёр оҳиста бориб, ниҳоят Ғариб чодирига кириб олибди. Қоронғи тушиб, кечани зулмат қоплабди, ҳамма ётоғига қайтибди. Сайёр бўлса чодирда хизмат қилиб куйманиб юраверибди. Бир вақт Ғариб чанқаб ўз одамим деб ўйлаб Сайёрдан сув сўраган экан, у кўзадаги сувга банж қўшиб тутқазибди. Ғариб сувни ҳали ичиб бўлмасданоқ оёқ-қўли шалвираб, боши шилқ этиб тушиб, ўзидан кетибди. Сайёр уни дарров чакманига ўраганича кўтариб олибди-ю тўғри Ажиб ўтовига олиб келибди. Сайёр Ажиб олдига кириб Ғарибни унинг оёғи остига улоқтириб ташлабди.

Ажиб уни кўриб: «Бу нима, Сайёр?»— деб сўрабди. Сайёр бўлса: «Бу сенинг уканг Ғариб»,— деб жавоб берибди. Шунда Ажиб севиниб: «Санамлар сенинг ҳайрингни берсин, қани энди, бунинг оёқ-қўлини счиб, ҳушига келтир!»— деб буюрибди. Сайёр Ғарибга сирка ҳидлатибди. У ўзига келиб, кўзини очса,

қўл-оёғи боғлоқ, бунинг устига, у ўз чодирда эмас. Ғариб ўзини тутиб олибди-да: «Ўша олий ва улуғ тангридан бошқа кучли ва қудратли оллоҳ йўқ!»— деб сиғинибди. Буни эшитган Ажиб даҳшатга тушиб, укасига бақарибди:

— Сен менга қилич яланғочламоқчимисан, э ит, отанг ва онанг қасдини олмоқчимисан ҳали мендан, шу бугуноқ дунёни сендан бўшатиб, сени ўшаларнинг олдига жўнатаман,— дебди.

Ғариб бўлса: «Э кофир ит,— дебди,— ҳали кўрамиз бу гардун кимнинг фойдасига-ю, кимнинг зиёнига ҳукм чиқараркин. Олий қаҳҳор кимга қаҳр қилиб, кимни ярлақаркин, дилдаги барча нарсалардан у хабардор, у сени ўз жаҳаннамида азобга дучор қилиб, ҳайратга солиб қўяди, ўзинга раҳм қилгин, мен билан бирга «Ўша оллоҳдан бўлак ҳеч илоҳ йўқ, Иброҳим унинг дўсти!»— дегин.

Ажиб Ғарибнинг бу сўзларини эшитиб, бўғилганича наъра тортибди. Ўзининг тош худоларини сўкиб, жаллодни чақириб, қон гиламни келтиришни буюрибди.

Шу пайт унинг вазири ўрнидан туриб, таъзим билан ер ўпибди. У ичида мусулмон экану, лекин зоҳирда кофир бўлиб юрар экан. «Э шоҳи замона!— дебди вазир,— сен буни ўлдиришга шошилма, биз ким голиб, ким мағлублигини ҳали билмаймиз. Агар биз голиб чиқсак, буни ўлдирсак бўлади. Буни тирик сақлаганимиз дуруст. Агар енгилсак, биз учун куч-қувват бўлиб туради».

Унинг гапи амирларга маъқул тушиб: «Вазирнинг гапи тўғри»,— дейишибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отибди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз ўттиз
тўққизинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Ажиб Ғарибни ўлдирмоқчи бўлганда, вазир ўрnidан тураб: «Ўлдиришга шошилма, қачон ўлдирамиз десак, ўлдираверамиз»,— дебди. Шундан кейин Ажиб ўз укасини кишанлаб қўйишни буюрибди ва ўз чодирига қамаб, манман деган мингта паҳлавонни қоровул қилиб қўйибди.

Тонг отгач, Ғариб одамлари ўз сардорларини қидиришга тушишибди, лекин ҳеч топишолмабди. Шу билан улар худди чўпонсиз қолган подага ўхшаб қолишибди. Шунда Саъдон: «Э одамлар, ҳарбий анжомларингизни кийинглар, раббингизга таваккал қилинглар, раббингиз бу фалокатни бошингиздан кўтаради!»— деб қичқирибди. Арабу ажам — ҳаммаси қалқон тутиб, найзалар қадалган совут кийимларини кийиб отланиб чиқишибди. Саф бошига қабила бошлиқлари чиқибди, энг олдинга байроқдорлар тушибди. Тоғ Фули Саъдон бўлса, елкасига икки юз ратл келадиган гурзини қўйиб олиб, жавлон урганича оғиз кўпиртириб бақирибди: «Э санам бандалари, қани, чиқа қолинглар! Бугун каллаларинг олинадиган кун, ким мени билган бўлса, ёмонлигимнинг ўзи унга кифоя қилади. Ким мени билмаган бўлса, мен унга кимлигимни билдириб қўяман. Мен подшо Ғарибнинг қули Саъдонман. Менга тенг келадиган азамат борми? Ким менга бас келмоқчи? Манман деган чиқсин майдонга!»— дебди.

Қофирлар ичидан худди гулхандаги чўғдек бир паҳлавон чиқиб, Саъдонга ҳамла қилибди. Саъдон унинг қаршисига чиқиб, гурзиси билан оч биқинига

тушириб қолган экан, унинг қовурғалари синиб, ўша заҳотиёқ ерга юмалаб, тил тортмай ўлибди. Саъдон дарҳол бола ва қулларига бақириб: «Дарров ўт ёқиб, кофирлардан ким йиқилса, оловда кабоб қилинглар, эҳтиётлаб пиширинглар, ўтда яхшилаб қовурилсин, кейин менга беринглар, маза қилиб еб оламан!»— дебди.

Саъдон қандай буюрган бўлса, қуллари ўшандай қилибдилар. Жанг майдонининг ўртасига ўт ёқишиб ўлганларни оловга ташлаб пиширгач, Саъдонга узатишибди. У бўлса гўштини еб, суягини кемирибди.

Кофирлар тоғ Фули Саъдоннинг бу қилиғини кўриб жудаям даҳшатга келишибди. Ажиб жони борича ўз одамларига бақириб: «Ҳей, ҳасратда қолгурлар! Бу Фулга ҳаммангиз бир бўлиб ҳамла қилинг, қиличнингиз билан уриб, майда-майда қилиб ташланг!»— деб хитоб қилибди.

У шундай дейиши билан Саъдоннинг устига йигирма минг аскар ёпирилиб атрофини ўраб олиб, тиғу найзалар отибди. Фул йигирма тўрт жойидан ярадор бўлиб, қонлари оқибди. Шунча одамга қарши битта ўзи қолибди. Шу пайт мусулмон паҳлавонлари иккала олам тангриси—раббул оламининг таяниб мушрикларга ҳужум қилишибди. Ниҳоят қош қорайиб иккала томон аскарлари жанг майдонини тарк қилишибди.

Саъдон бўлса, асир тушибди, кўп қон тўкилганидан кучдан қолиб, худди маст одамга ўхшаб қолибди. Уни яхшилаб боғлаб, Фарибнинг ёнига ташлаб қўйишибди. Фариб уни асир ҳолда кўриб: «Олий ва улуғ тангридан бошқа кучли ва қудратли оллоҳ йўқ»,— дебди ва: «Э Саъдон, бу қанақа ҳол, нима гап ўзи?»— деб сўрабди. Саъдон бўлса: «Э мавлоно, олий ва пок тангри ҳукми оғир кўргуликка ҳам, мушкулни осон қилишга ҳам — икковига қаратилган, уям, буям юз бераверади»,— дебди.

— Гапинг тўғри, Саъдон, — дебди Ғариб.

Шоду хуррам бўлиб ётоғига кетаётган Ажиб ўз одамларига: «Эртага мусулмон аскарларига ҳужум қилинглар-да, битта қолдирмай қириб ташланглар», деб буюрибди. Унинг одамлари эса: «Фармонларини бажаришга тайёрмиз», — дейишибди.

Аммо мусулмонларга келсақ, улар ўз подшолари ва Саъдонни йўқотганларига куйиб ер билан яксон бўлиб йиғлашибдилар. Саҳим бўлса: «Э халойиқ, куйманглар, оллоҳ таолонинг ёрдами яқин», — деб уларга тасалли берибди. Кейин у ярим кечагача сабр қилиб турибди-да, сўнг Ажиб аскарлари томон равона бўлибди. У ўтов ва чодирларни босиб ўтиб, ниҳоят, Ажиб қароргоҳига етиб борибди. Қараса, Ажиб қароргоҳ тўрида, теварагида эса аъёнлари ўтирибди. Дарров жойандозга ўхшаб кийиниб олган Саҳим бориб ёниб турган шамнинг сўхтасини олиб, унга учар банж сепиб қароргоҳдан чиқибди. У то банж тутаб, тутуни Ажиб ва унинг аъёнларини элтиб, ўликдай ерга йиқитмагунча сабр қилиб турибди. Иши кўнглидагидай, бўлгач, Саҳим уларни тарк қилиб, қамоқхона қилиб қўйган чодирга келибди. Қараса, Ғариб билан Саъдон ўша ерда ётибди, мингта паҳлавон уларни қўриқлаб турганмишу, лекин ҳаммасини уйқу ғалаба қилиб, мудроқ босганмиш. Буни кўриб Саҳим: «Ҳей ҳасрат-да қолгурлар, ухламай қўриқланглар-да, бу ғанимни. Дарров машъалаларни ёқинглар!» — деб бақирибди. Кейин Саҳим бир машъалани ўтин билан ёқибди-да, унинг ҳамма ёғига банж сепиб, уни кўтариб чодирни гир айланиб чиқибди. Машъала тутаб, атрофни ҳид босиб кетибди. Ҳаммани элтибди, қўриқчиларнинг димоғига кириб, уларни ҳам беҳуш қилиб қўйибди. Саҳим булут идишга сирка солиб олган экан. У дарров асирларга ҳидлатган экан, улар ўзларига ке-

либ, кўзларини очибди. Саҳим уларни кишан ва занжирлардан бўшатибди. Шу пайт улар Саҳимга боқиб севинишиб, уни дуо қилишибди.

Улар ташқарига чиқиб қўриқчиларнинг барча қуролларини олиб кетишибди. Саҳим уларга: «Энди сизлар аскарлар олдига бориб туринглар!» дебди. Улар жўнашибди, Саҳим бўлса, Ажиб қароргоҳига кириб, унинг беҳуш бўлиб ётганини кўрибди-да, ўзининг чакманига ўраб олиб, кўтарганича мусулмон ўтовига йўл олибди. Раҳмдил тангри, Саҳим то Ғариб ўтовига етиб олгунига қадар ёмон кўздан асраб турибди. Саҳим манзилга етгач, чакманни очибди. Ғариб қараса, чакманга ўралган унинг акаси Ажиб экан. Унинг ҳамма ёғи боғлоқ, чўзилиб ётганмиш. Шунда Ғариб: «Оллоҳ улуғ, ўзи кушойиш бериб, қўллайди!» деб хитоб қилибди. У Саҳимни дуо қилибди ва: «Қани, Саҳим, буни ўзига келтир!»— дебди.

Шу билан Саҳим Ажибга кундур қўшилган сирка ҳидлатган экан, у ўзига келиб қараса, қўл-оёғига кишан солиниб, маҳкам боғланган эмиш. У бошини эгиб, дами ичига тушганича, индамай қолибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Олти юз қирқинчига ўтар кечаси



й, саодатли шоҳ,—деб давом этди Шаҳризод,—Саҳим бир найранг ишлаптиб, Ажибни банж билан беҳуш қилиб, чакманига ўраганича акаси Ғариб қошига келтирибди-да, ҳушёр қиладиган дори исқатиб уйғотибди. Ажиб кўзларини очиб қараса, қўл-оёғига кишан солиниб, маҳкамлаб боғланган эмиш. Буни кўрган Ажиб ноилж бошини эгиб,

индамай тураверибди. Шунда Ғариб: «Э малъун, каллангни кўтар!»— дебди. Ажиб бошини кўтариб, ўзини араб ва ажам аскарлари қуршовида, укаси Ғариб эса, ўз тахгида иззат-икромда ўтирганини кўрибди. Ажиб лом-лим демасдан, сукут қилганича тураверибди. Ғариб: «Бу лаънати итни яланғочлаб, дарраланглар!»— деб буйруқ берибди.

Уни ечинтириб, ўлгудай дарралашибди, унинг аъзойи бадани моматалоқ бўлиб, ҳатто инграшга ҳам дармони қолмабди. Ғариб, Ажибга юз отлични пойлоқчи қилиб қўйибди.

Ажибга азоб беришдан бўшаб чиқаётган Ғариб кофирлар ўтовни тарафидан таҳлил ва такбир овозини эшитиб қолибди. Унга шундай ҳодиса сабаб бўлган экан:

Ғарибнинг амакиси Дамиғ жиянини кузатиб, ал-Жазира шаҳрида ўн кунча истиқомат қилиб қолибди. Кейин йигирма минг отлиқ аскар билан Ғарибнинг изидан йўлга тушибди. Юриб-юриб у ниҳоят икки томон тўқнашган жойга етиб келибди. У битта айғоқчисини юзориб, хабар топиб келишини тайинлабди. Айғоқчи бир кун ғойиб бўлиб кетиб, эртаси қайтибдида, Дамиғга Ғариб ва унинг акаси билан бўлган воқеани гапириб берибди. Дамиғ кеч киришини пойлабди, қош қорайгач, у кофир аскарларига «Оллоҳу акбар!»— деб бақириб, уларни қиличдан ўтказаверибди. Шунда Ғариб ва унинг одамлари такбир айтаётган овозларни эшитиб қолишган экан. Ғариб укаси Саҳим ул Лайлга: «Бор, бу аскарларнинг кимлигини ва нима сабабдан такбир айтаётганлиги сабабини билиб кел!»— деб буюрибди. Саҳим жанггоҳга етиб келиб бир хизматқордан сўраган экан, у: «Ғарибнинг амакиси Дамиғ шоҳ йигирма минг аскари билан ёрдамга келди. У «худонинг дўсти — Иброҳим Ҳалилуллоҳ

ҳақи, Ажибни соғ қўймайман, баҳодирлар йўлини тутаман; кофирларнинг адабини бериб, эгам иродасини бажараман»,— деб ўз аскарлари билан тун қоронғисида кофир қавмларига ҳужум қилибди»,— деб туншунтирибди.

Саҳим Ғариб олдига қайтиб келиб, амакисининг қилган ишини гапириб берибди. Бунини эшитиб, Ғариб ўз қавмига: «Қани, қуроқларинглар! Тезда отланиб амакимга ёрдам беринглар!»— деб қичқарибди. Аскарлар кофирларга ҳужум бошлашиб, ўткир шамширлари билан душманни қириб ташлабди. Тонг отгунча, эллик мингга экин кофирларни ўлдириб, ўттиз мингга яқинини асир олибдилар. Қолганлари эса чекка-чеккага қочиб кетибди.

Мусулмонлар тангрининг қўллаши туфайли галаба қозониб қайтибдилар. Ғариб отига миниб, амакисини Дамиғ истиқболига чиқибди-да, таъзим қилиб, кўрсатган ёрдами учун унга миннатдорчилик билдирибди.

— Бу ит ўлганмикин ё йўқми, бир кўриш керак эди,— дебди Дамиғ.

Бунга жавобан Ғариб кулиб дебди:

— Э амакижон, хотиржам бўлиб, ўзингга тин беравер! Мен сенга айтсам, Ажиб ўтовимда қўл-оёғи боғлоқ ётибди,— дебди.

Беҳад хурсанд бўлиб ҳаммалари ўтов томон отларини «чуҳ» дейишибди. Келиб, Ажиб қамаб қўйилган жойга киришса, Ажиб йўқ эмиш. Ғариб ажабланиб: «Ё ҳазратим, Иброҳим Ҳалил алайҳиссалом!»— дебди. Кейин ўзига-ўзи: «Эҳ, аттанг, наҳотки қўлдан чиққан бўлса-я»,— дебди. У жойандозларидан: «Ҳасратда қолгурлар, ганимим қани?»— деб сўраган экан, улар Ғарибга: «Сен отланганингдан кейин, биз ҳам отланиб, атрофингга бордик, сен бизга, «Уни қамаб қўйинглар», демагандинг»,— дейишибди.

— Майли,— дебди Ғариб,— олий ва улуғ тангридан бўлак кучли ва қудратли оллоҳ йўқ!

Амакиси Ғарибга: «Кўп бўғилаверма, ўзингни бос. Биз унинг изига тушиб юрибмизу, у қаёққа ҳам кетарди»,— дебди.

Ажибнинг қочиб қутулишига хизматчиси Сайёр сабабчи бўлган экан. У ҳеч кимга билдирмай Ғариблар томонга ўтиб олибди-да, Ажибнинг қўриқчисиз ётганини кўриб: «Қандай қилиб Ғариб ўз рақибини ишониб ташлаб кетганикин»,— деб уйлаб, кўзларига ишонмабди. Бир оз сабр қилиб тургач, у Ажибни елкасига қўйиб авлоққа олиб кетибди. Еган дарраларидан Ажибнинг ҳамма ёғи зирқираб, қақшаб кетибди. Сайёр Ажибни кўтариб эртасигача жадал юрибди. Ниҳоят бир олма дарахти тагидаги чашмага етиб тўхтабди-да, Ажибни елкасидан тушириб, юзини ювибди. Юзига сув теккач, Ажиб кўзини очибди ва Сайёрни кўриб: «Э Сайёр, мени Куфа шаҳрига олиб бор, куч тўплаб, чавандозларимни, қўшин ва аскарларимни жамлаб, душманимни ер билан яксон қиламан, ҳозир ўзим ўлгудай очман»,— дебди.

Сайёр чангалзорга кириб, бир товус боласини тутиб, ҳожасига келтирибди. У, товусни сўйиб, қорнини ёрибди. Сайёр чўпчак териб келиб, чақмоқтош чақиб, ўт ёқибди-да, гўштини пиширибди. Ажибга едириб, қорнини тўйгазибди, чашмадан сув келтириб ичирибди. Ажиб бир оз ўзига келибди. Бир оз дам олишгач, Сайёр бир араб қўрасидан от ўғирлаб келибди-да, Ажибни ўтқазиб, Куфага йўл олибди. Улар бир неча кун йўл юриб, ниҳоят шаҳарга яқинлашибди. Унинг истиқболига нонб чиқиб, Ажибга таъзим қилиб салом берибди; Нонб шоҳнинг Ғариб даррасидан аҳволи заифлашганини сезибди. Шундай қилиб, шоҳ шаҳарга кириб бориб ҳакимларини чақиртирибди. Улар келиш-

гач: «Мени тезроқ даволанглар, кўпи билан сизларга ўн кун муҳлат»,— дебди. Улар: «Хўп бўлади, жону дилимиз билан»,— дейишибди.

Ҳакимлар илтифот билан боқишибди. Дори-дармонлардан сўнг у соғайиб кетибди. Кейин у вазирига, барча ноибларига аскар сўраб хат ёзишни буюрибди.

Вазир йигирма битта хат ёзиб юборибди. Ноиблар аскарларини қуроллантириб, жадаллик билан Куфага йўл олибдилар...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз қирқ
биринчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Ажиб хат ёзиб, ноибларидан аскар юборишини сўраган экан, улар лашкар тортиб Куфага кириб келишибди.

Ғариб бўлса, Ажибнинг қочганидан афсусланиб, минг нафар паҳлавонни шайлаб, унинг изидан юборибди. Булар бир кеча-кундуз йўл юришиб, барча йўлларни қидиришибди. Бироқ, Ажибдан ҳеч дарак топишолмай, орқаларига қайтиб, кўрган-билганларини Ғарибга айтиб беришибди. Ғариб укасини йўқлатган экан, у кўринмабди. Бу савдолардан ваҳимага тушиб, жуда ғамнок бўлибди. Шу пайт бирдан Саҳим кириб келибди-да, акасига таъзим қилиб, ер ўпибди. Ғариб уни кўриб, хурсанд бўлиб ўрнидан турибди-да:

— Э кел, Саҳим, қаёққа ғойиб бўлдинг?— деб сўрабди.

— Куфага борган эдим,— дебди Саҳим,— у ерда

Ажиб итни кўрдим, у тахтига ўтириб, ҳакимларга ўзини даволашни буюрибди. Улар дори-дармон қилишгач, тузалиб кетибди ва хат ёзиб ноибларига юборган экан, улар аскар тўплаб келишибди.

Буни эшитгач, Ғариб аскарларига: «Қани, отланглар!»— деб буюрибди. Улар чодирларини йиғиб, қасд қилиб Куфага жўнашибди. Улар шаҳарга етгач, қарасалар, теварак-атрофни тумонат аскар босиб кетибди. Унинг боши-кетини билиб бўлмасмиш. Ғариб аскарлари билан тушиб кофирлар қўшини рўпарасига ўтов тикиб, байроқ осибди. Шу орада кеч кириб, иккала томон ҳам қоронғилик зулматида қолишибди. Улар ўт ёқишиб, икки тараф наҳоргача бир-бирини қўриқлаб чиқишибди. Тонг отгач, Ғариб шоҳ таҳорат олиб, худонинг дўсти, Иброҳим алайҳиссалом динига кўра, икки ракаат намоз ўқибдида, сўнг уруш ноғорасини чалишга фармон берибди.

Ноғоралар чалиниб, байроқлар ҳилпирабди, чавандозлар совутларини кийиб, отларига минишибди. Ҳаммалари ҳайқиришиб, зўрни майдонга чақиришганича жўнашибди.

Биринчи бўлиб жангни бошлаган Ғарибнинг амакиси Дамиғ шоҳ бўлибди. У ўз отини қўшин сафи оралиғи билан ҳайдаб иккала тараф аскарларига кўриниб турибди. Унинг ёй ва қилич ўйнатиб келаётганини кўрган ғанимлар ҳайратга тушар, устомонлигидан таажжубда қолар эканлар. У: «Қани, мен билан тенг келадиган борми? Қани, манман деганлар чиқарверсин майдонга! Мен Дамиғ шоҳ Қандамирнинг укасиман»,— деб жавлон урибди. Шу пайт бирдан унинг қаршисига мисоли гулхан чўғидек бир чавандоз паҳлавон чиқиб, лом-лим демай Дамиғ устига ҳамла қилиб келаверибди. Дамиғ уни пойлаб туриб,

кўкрагига ёйдан ўқ узиб кутиб олибди. Найза бориб унинг кўкрагига санчилиб, қони оғзидан келибди ва оллоҳ унинг руҳини дўзахга юборишга шошилибди. Бу бир даҳшатли манзара экан. Кейин Дамиғ қаршисига иккинчиси чиқибди, униям ўлдирибди, учинчиси чиқибди, униям ўлдирибди, шу тариқа у етмиш олтита манман деган паҳлавон эрларни ҳалок қилибди.

Шундан кейин паҳлавонлар рўпара келишга ботинолмабдилар. Буни кўрган Ажибнинг баттар кофирлиги тутиб, одамларига бақирибди: «Ҳей, ҳасратда қолгурлар! Агар унга битта-битта қарши келаверсаларинг на турган, на ўтирган биттангни ҳам соғ қўймайди, ҳамманг бир бўлиб ёпирилларинг. Шундагина уларни янчиб, еримизни бўшатиб олишимиз, бошларини отимиз тўёғи билан янчишимиз мумкин»,— дебди.

Одамлар даҳшатли байроқларни ҳилпиратиб бир йўла ташланибди, тўкилган қон сел бўлиб оқибди. Уруш ҳукмдори ўз ҳукмини чиқарибди, у ўз ҳукмида ҳеч кимга зулм қилмабди. Баҳодирлар эса жанг майдонида оёғини кериб маҳкам тураверишибди, кофирлар тирақайлаб қоча бошлабди. Улар мағлубиятга учрайверганларидан кун тугаб уруш тинадиган қоронғи тун келишига ишонмабдилар.

Урушу қирғин-барот, найзабозлик тўхтабди. Ҳатто кун тугаб, қош қорайиб, теваракни қоронғилик зулмати қоплагач, кофирлар жангни тўхтатишга ноғора чалишса ҳам Ғариб рози бўлмай, аксинча, мушрикларга ҳужум қилишга ўтибди. Унинг кетидан мўмин мусулмонлар эргашибди. Улар қанча-қанча каллаю бўйинларни кесиб, қанча-қанча қўлу қовурғаларни қиймалаб, қанча-қанча оёғу асабларни бўлак-бўлак қилиб, қанча-қанча кексаю ёшларни тил торт-

тирмай қириб ташлабдилар. Ҳали тонг отмасданоқ кофирлар отини қамчилаб қочишга азм қилибдилар. Тонг ёришгач, қолган-қутганлари ҳам жуптакни ростлаб қолибди. Мусулмонлар то қиёмгача таъқиб қилиб, ниҳоят йигирма мингдан ортигининг қўл-оёғини боғлаб, асир қилиб келтирибдилар. Ғариб Куфа дарвозасига тушиб жарчиларни чақиртирибди ва уларга: «Қимда ким санамларга ибодат қилишни ташласа, барча нарсаларни билувчи — доно тангрининг якка-лигига, унинг нуру зулмат ва барча нарсаларнинг яратувчиси эканига иқрор бўлса, ўшаларгина омон қолиши мумкин, бошқа ҳаммасининг калласи танидан жудо бўлади!»— деб хитоб қилибди. Барча жарчилар шаҳарнинг кўча ва майдонларида Ғариб айтганидай жар солибдилар; кимки жарчиларнинг нидосини эшитган бўлса, каттаю кичик ҳаммаси мусулмон бўлиб, Ғарибга пешвоз чиқиб, унинг олдида ҳам имон келтирибдилар. Буларни кўрган Ғариб беҳад хурсанд бўлганидан кўнгли жойига тушиб кўкрагини кериб хотиржам яйраб-қувнабди.

У Мирдос ва унинг қизи Маҳдиянинг қаердалигини сўраб, уларни қизил тоғ орқасида эканлигини билибди-да, кейин укасига одам юбориб чақиртирибди. Саҳим келгач: «Бориб отанг ҳолидан менга хабар олиб келгин»,— дебди.

Саҳим ҳам имирсиб турмай, уруш анжомларини апил-тапил йиғиштирибди-да, кул ранг ёйини осиб олиб Қизил тоғ томон жадаллабди. Манзилга етиб боргач, отасини қидирибди, лекин на отасини ва на одамларини топмабди. Фақат қариб-чириб, мункайиб қолган бир араб чолни учратибди, холос. Саҳим ўша чолдан Мирдос ва унинг одамлари қаёққа кетганини сўраган экан, у:

— Э болам, Ғарибнинг Куфага тушганини эши-

тиб, Мирдоснинг жон-пони чиқиб, қизи, одамлари, чўри ва қулларини олганича, анови чўлу биёбонларга бошини олиб қочди, лекин қайси томонга кетганини билмайман,— дебди.

Саҳим ул чолнинг гапини эшитгач, акасининг олдига қайтиб, уни воқеадан хабардор қилибди. Буни эшитиб Ғариб қаттиқ хафа бўлибди. У отасининг подшолик тахтига ўтириб, хазиналарини очибди-да, барча баҳодир паҳлавонларига мол-дунё улашибди. У ҳар ёққа жосуслар юбориб, Ажибдан хабар олиб келишларини тайинлабди. Ғариб барча давлат арбобларини чақиртирган экан, улар бўйн эгиб, ҳозир бўлишибди. Куфа аҳли ҳам итоат қилиб келибди. Ғариб уларга сарупо кийгазиб, фуқароларга ғамхўрлик қилишни тайинлабди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтади.



*Олти юз қирқ
икканчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Ғариб Куфа аҳлига сарупо кийгазиб, фуқароларга ғамхўрлик қилишни тайинлабди.

Кунлардан бир кун Ғариб юзта чавандози билан овга чиқибди-да, юриб-юриб, ниҳоят бир сердарахт, сермева водийга етибди. Бу ерда сув сероб, паррандалар беҳисоб экан. Бу водий кийигу оҳуларга макон экан, киши борса қайтгиси келмайдиган бу ернинг об-ҳавоси жуда ҳам фором, оромбахш экан. Улар шундай эрам жойда бир кун маза қилиб тунаб қолишибди. Эртаси азонда Ғариб таҳорат олиб, икки ракаат намоз ўқиб, оллоҳ таолога ҳамду сано айтиб, берган ноз-неъматла-

рига шукрона билдириб, ибодат қилаётган экан, бирдан қулоғига узоқдан қий-чув товуш эшитилиб қолибди. Овозлар бирпасда бутун водийни тутиб кетибди. Ғариб Саҳимнинг олдига келиб: «Бор, нима гап-лигини билиб кел!»— деб, овоз чиққан томонга юборибди. Саҳим борса, у ерда қанча-қанча мол-дунё тўдаланиб ётганмишу пода-пода йилқилар юрганмиш. Бола-чақаларнинг қичқириқлари, хотин-халажларнинг нолаю гирёнлари ҳамма ёқни тутиб кетганмиш. Саҳим ҳайрон бўлиб бир чўпондан: «Нима гап ўзи?»— деб сўраган экан, у: «Бу Бани Қаҳтон қўрбошиси Мирдоснинг ҳарами эди,— деб гап бошлабди.— Бу моллар унинг ва у билан бирга бўлган одамларнинг мулки. Жамарқон деган кимса кеча Мирдосни ўлдириб, унинг бутун молу мулкани, аёлларини, ҳатто ўтовдагиларнинг ҳам бор-йўғини босиб олди. Жамарқон бу жойларнинг қароқчиси, умри йўлтўсарлик билан ўтади, бундай золимга на кўчманчи араблар ва на подшолар бас кела олади, ўзиям бу ерларнинг мохови!»

Саҳим отаси ўлганини, аёллар асир олиниб, мол-мулки талон-торож қилинганини эшитиб, Ғарибнинг олдига қайтибди-да, воқеадан уни огоҳ қилибди. Ғариб даҳшатга келиб, ғазаби қайнабди, жазаваси тутиб хунга хун олишга азм қилибди. У отланиб, ўз одамлари билан қулай пайтни пойлаб кетаверибди. Ниҳоят ғанимларни кўргач: «Оллоҳ тугён кўтарганлардан ҳам, маккорлардан ҳам, кофирлардан ҳам улуғ!»— деб бақирганча бир ҳамла қилишнинг ўзида йигирма бир паҳлавоннинг бошини танидан жудо қилибди. У дадил бориб, майдоннинг қоқ ўртасида туриб олибди ва: «Қани Жамарқон? Қани, менинг олдимга чиқсин, унга ўлим шаробини ичириб, ватанни ундай ифлосдан тозалай!»— деб хитоб қилибди.

Ғариб гапини ҳали тугатмасданоқ рўпарадан Жа-

марқон чиқиб келибди. У бир балойи азимга, худди пўлат тоғ кўчмасига ўхшаб кетар экан. Ўзи новча, амолақийлар наслидан бўлган бу баҳайбат инсон на салом, на калом демай, тўрсайганича мисоли бир исёнкор золим каби Ғарибга ташланибди. Ғариб ҳам қутурган арслондай уни қарши олибди. Жамарқоннинг Чин пўлатидан ясалган, бир оғир тоғни урса, талқон қилгудек бесўнақай гурзиси бор экан. У ўша гурзи билан Ғарибнинг бошига урмоқчи бўлган экан, Ғариб чап бериб қолибди. Гурзи қўлидан тушиб, ярим газ ерга кириб кетибди. Кейин Ғариб ўз гурзиси билан Жамарқонни урган экан, кафтига тегиб, панжасини пачоқ-пачоқ қилиб ерга тушибди. Ғариб эгардан эгилиб, дарров гурзини олибди-ю, Жамарқоннинг биқинига солибди. У баланд бир хурмо дарахтидек гурсиллаб ерга йиқилибди. Саҳим унинг дарҳол қўлини қайириб арқон билан боғлабди. Бу орада Ғарибнинг чавандозлари Жамарқон чавандозларига ҳужум қилиб элликтасини ўлдирибди. Қолганлари ҳар тарафга қочиб, ахири чодирларига етиб борибди. Уларнинг шовқин-суронига қўрғондагилар югуриб чиқиб: «Нима гап?»— деб сўрашибди. Қочоқлар бўлган воқеани айтиб беришибди. Улар сардорларининг асир олинганини эшитгач, отни қамчилаб, уни озод қилиш учун водий томон югуришибди.

Жамарқон асир олиниб, чавандозлари қочиб кетганидан сўнг, Ғариб шоҳ отдан тушиб Жамарқонни келтиришларини буюрибди. Жамарқонни олиб келишган экан, у Ғарибнинг оёғига йиқилиб: «Э замона баҳодир, сендан паноҳ сўрайман»,— деб ёлворибди. «Э араб ити, ҳали сенмидинг, олло таолло бандаларининг йўлини тўсадиган, раббул оламийндан қўрқмайсанми?»— деб дўқ қилибди Ғариб. Жамарқон бўлса: «Э ҳазратим, «Раббул оламийн» деганинг нима

ўзи?»— деб сўрабди. Шунда Ғариб ундан: «Э ит, сен нима балога сиғинасан?»— деб сўрабди. Жамарқон Ғарибга жавоб бериб: «Э ҳазратим, мен ёғ ва асалли хурмога сиғинаман, баъзи вақтларда уни еб, яна бошқа худони топиб оламан»,— дебди.

Буни эшитиб Ғариб шундай хохолаб кулибдики, нақ чалқанчасига йиқилай дебди. Кейин у: «Э хурмо-параст,— дебди,— сени ва барча нарсаларни яратган, ҳар бир жониворга ризқ-рўз берган зотдан бўлакка ибодат қилиш керак эмас. У зотдан ҳеч нарса яширинолмайди, у ҳар нарсага қодир». Жамарқон бўлса: «Сен айтган улуғ тангри қани, мен ҳам унга сиғина оламан»,— деб сўрабди. Ғариб унга:

«Эй, нодон, шуни билгинки, бу тангрининг номи олоқ, у еру осмонларни яратган, дарахтларни кўкартирган, анҳорларни оқизган, ҳайвон ва паррандаларни, жаннат ва дўзахни пайдо қилган. У ўз бандаларини кўради-ю, аммо кўринмайди. Ўзи арши аълода, бизни яратган ва ризқ-рўз берган ҳам шу. Унга покликлар бўлсин! У худодан бўлак ҳеч ҳам тангри йўқ!»— дебди.

Жамарқон Ғарибнинг сўзини эшитиб, ҳайратда қолганидан сочлари тикка бўлиб кетибди. Ниҳоят у: «Э мавлоно, нима қилсам мен ҳам сизлардек бўламану, ўша улуғ раб мендан ҳам рози бўлади?»— дебди.

Ғариб унга: «Худо бир, расул барҳақ, Иброҳим Ҳалиллулоқ оллоҳнинг элчиси, дегин»,— дебди. Жамарқон ҳам имон келтириб, мусулмонлар қаторига ўтибди.

— Хўш, энди ислом ҳаловатидан кечадиган завқ-шавқни пайқадингми?»— деб сўрабди Ғариб ундан. «Ҳа»,— дебди Жамарқон. «Бўлди, унинг қўл-оёғини ечинглар энди»— дебди Ғариб одамларига.

Жамарқон озод қилинибди. У дарров Ғарибнинг оёғига йиқилиб, ер ўпибди.

У шундай қилиб турганда бирдан еру осмонни бир-бирига туташтириб узоқдан чанг кўтарилибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз қирқ
учинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Жамарқон мусулмон бўлгач, Ғарибнинг оёғига йиқилиб, ер ўпибди. У шундай қилиб турганда бирдан еру осмонни бир-бирига туташтириб узоқдан чанг кўтарилибди. Шунда Ғариб укаси Саҳимни чақириб: «Бориб қарачи, чангнинг боиси нима?»— деб бу-юрибди.

Қушдай учиб бир зумда кўздан ғойиб бўлган Саҳим қайтиб келиб: «Э шоҳи замон, бу чанг Бани Омир одамлари, Жамарқоннинг дўстлари экан»,— дебди. Шундан сўнг Ғариб Жамарқонга хитоб қилиб: «Дарров отланиб, одамларингга пешвоз чиқ, уларни исломга даъват қил, итоат қилишса хўп, саломат қоладилар, агар йўқ десалар, уларнинг таъзирини берамиз»,— дебди.

Жамарқон ўз одамлари сари от чоптириб бориб, узоқдан қичқирган экан, улар таниб отларидан тушиб, пиёда юриб келишибди-да: «Биз сенинг саломатлигингни кўриб хурсандмиз, э мавлоно»,— дейишибди. Шунда у: «Э халойиқ, ким менга итоат қилса, қутулиб қолади, қаршилик қилса, шу қилич билан бошини танидан жудо қиламан»,— дебди.

— Биз сени ҳимоя қилгани келдик,— дейишибди

улар,— истаганингни буюр, фармонбардорингмиз; сенга қаршилиқ қилмаймиз.

— Шундай бўлса,— дебди Жамарқон.— Мен билан бирга: Уша оллоҳдан бўлак оллоҳ йўқ, Иброҳим оллоҳнинг дўсти»,— денглар.

— Э мавлоно, бу гапларни қаердан олдинг?— дейишибди улар ҳайрон бўлиб.

Жамарқон ўзи билан Ғариб ўртасида бўлган воқеани гапириб берибди ва одамларига: «Э биродарлар, уруш оловларида, қирғин майдонлари — жангоҳларда мен сизларнинг йўлбошчингиз эмасмидим? Энди мени бир киши асир олиб, қилмишларимнинг расво ва шармандалиқ эканини англади»,— дебди.

Одамлар бу сўзни эшитиб, худонинг борлигига иқрор бўлишибди ва у билан Ғариб томон йўл олишибди. Унинг ҳузурида такрор имон келтириб, исломни қабул қилгач, унга ғалаба ва обрў тилаб, дуо қилишибди. Ғариб хурсанд бўлиб: «Энди ўз чодирингизга бориб, бола-чақа, уруғ-аймоғингизни мусулмон қилинглар»,— дебди. Жамарқон ва унинг одамлари: «Э мавлоно, энди биз сендан ажралмаймиз, бориб бола-чақамизни олиб сенинг олдингга қайтамыз!»— дейишибди.

— Э халойиқ, боринглар, мен билан Қуфада учрашасизлар!— дебди Ғариб.

Жамарқон ва унинг одамлари ўз чодирларига бориб хотин-халаж, бола-чақаларини исломга даъват қилишган экан, битта қолмай ҳаммаси мусулмон бўлишибди. Кейин улар чодирларини йиғиштириб, туя йилқи ва подаларини ҳайдаб, Куфа томон йўл олишибди.

Ғариб ҳам Куфага йўл олибди, у Куфага кириб борганда чавондозлар зўр тантана билан кутиб олибди. Ғариб шоҳ қасрига кириб отасининг тахтига ўти-

рибди. Паҳлавонлар бўлса, ўнгу сўлидан жой олишибди. Шу пайт унинг ҳузурига теварак-атрофга юборилган жосуслар кириб, Ажибнинг Яман ўлкаси ва Уммон шаҳри подшоси Жаланд ибн Каркар ҳузурига қочиб боргани ва ундан паноҳ сўраганини айтиб беришибди. Ғариб акаси Ажиб ҳақидаги хабарни эшитиб, ўз одамларига: «Эй, одамлар! Уч кундан кейин сафарга тайёрланинглар!»— деб ҳайқирибди.

Ғариб олдин асир олинган ўттиз минг аскарга ҳам: «Ислонни қабул қилиб, одамларим билан сафарга отланинглар!»— деган экан, улардан йигирма мингги мусулмон бўлиб, ўн мингги ислонни қабул қилмабди. Ғариб мусулмон бўлмаганларнинг бошини қиличдан ўтказибди.

Кўп ўтмай, Жамарқон ҳам келиб, ер ўпиб унга таъзим қилибди. Ғариб яхши кимхоб тўнлар кийгазиб уни қўшин бошлиғи қилиб тайинлабди.

— Э Жамарқон,— дебди Ғариб,— ўз қавминг киборлари билан отланиб, мана бу йигирма минг отлиқ аскарга бош бўлгин-да, Уммон шаҳри ҳокими Жаланд ибн Каркарга бостириб бор.

— Фармонингизга тайёрман!— дебди Жамарқон. Шундай қилиб, улар ўз хотин, бола-чақасини Куфада қолдириб, сафарга жўнабдилар.

Ғариб Мирдос қароргоҳини кўздан кечириб юрган экан, бирдан Маҳдияни кўриб қолибди. Кўрибди-ю Ғариб ўзидан кетиб йиқилибди. Дарров юзига гулоб сепишган экан, ҳушига келиб, кўзини очибди-да, Маҳдияни қучоқлаб бағрига босибди. Меҳмонхонасига кириб, тонггача бирга бўлишибди. Эрталаб Ғариб тахтига ўтириб, амакиси Дамиғни тақдирлаб, ўзининг ноиб, бутун Ироқ мамлакатига ҳоким қилиб тайинлабди. Ғариб то акаси Ажиб устига юриш қилиб, қайтиб келгунга қадар Маҳдияга ғамхўрлик қилиб туришни

тайинлаб, ўзи йигирма минг отлиқ, ўн минг пиёда аскар билан Уммон дие́ри ва Ямаң ўлкаси томон йўл олибди.

Энди Ажибга қайтсак, у ўз одамлари билан юриб-юриб, ниҳоят, Уммонга кириб келибди. Уларнинг чанг кўтариб келаётгани бутун шаҳар аҳлига маълум бўлибди ва Жаланд ибн Қаркар ажабланиб чопарига, билиб келишни буюрибди. Ғойиб бўлиб, бирпасда қайтиб келган чопарлар: «Бу, Ироқ подшоси Ажиб лашкарларининг чанги экан»,— дейишибди.

Ажибнинг бу юртларга келиб қолганидан тааж-жубланган Жаланд ибн Қаркар: «Шоҳга пешвоз чиқиб, кутиб олинглар»,— дебди. Одамлар Ажиб истиқболига чиқиб кутиб олишибди ва шаҳар дарвозаси ёнига чодир тикиб беришибди. Ажиб шоҳ Жаланд ҳузурига кириб кўнгли дардга тўлиб, йиғлаб юборибди. Жаланд Ажибнинг амакиси қизига уйланган ва ундан бола ҳам кўрган экан. Жаланд ўз қайнағасининг аҳволига раҳми келиб: «Нима гап ўзи, айтсангчи!»— деб сўрабди. Ажиб унга укаси Ғариб билан бўлган воқеанинг ҳаммасини оқизмай-томизмай бошдан-оёқ гапириб берибди.

— Э шоҳ,— дебди Ажиб.— У барча одамларни, «Осмон худосига сиғининглар»,— деб даъват қиляпти, санамлар ва бошқа илоҳларга сиғинишга қўйма-япти.

Бу гапларни эшитиб жиғибийрони чиққан Жаланд туғён кўтариб: «Нурлар эгаси қуёшга онт ичиб айтаманки, Ғариб одамларининг биттасини ҳам қолдирмай қириб ташлайман! Сен уларни қаерда тарк этдинг, уларнинг сони қанча?»— дебди.

— Куфадан чиққанимда улар ўша ерда эди, уларнинг эллик минг отлиқ қўшини бор,— дебди Ажиб. Жаланд ўз вазири Жавомардга амр қилиб:

— Етмиш минг отлиқ аскар ол-да, Куфага, мусулмонлар устига лашкар тортиб, уларни тириклайин тутиб келтир, уларни мен бу ерда ҳар хил азобу уқубатлар билан қийнаб ўлдираман,— дебди.

Жавомард қўшинлари билан отланиб, Куфа сари равона бўлибди. У бир кун юрибди, икки кун юрибди, уч кун юрибди ва етти кун деганда бир водийга келибди. Қараса, ҳамма ёқ кўм-кўк дарахтлар, пишиб турган мевалар билан тўлган, сувлар шариллаб оқиб турибди. Жавомард қўшинига: «Шу ерда қўниб, дам олинглар»,— деб буюрибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз қирқ
тўртинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Вазир Жавомард қўшинлари билан отланиб Ку-

фа сари равона бўлибди. Олти кун юриб, еттинчи кун деганда у сердарахт ва серсув бир водийга келиб қолибди-да, қўшинига: «Шу ерга қўниб, дам олинглар!»— деб буюрибди. Ярим кечагача орош олишгач, у отланишни буюрибди-да, ўзи отига миниб, энг олдинга ўтиб олибди. Саҳаргача йўл юришиб, ниҳоят

қушлари сайраб турган гулзор, шохлари эгилиб, ҳамма ёққа салқин бериб турган бир мевазор боғга келиб қолишибди.

Жавомарднинг биқинига шайтон бир туртган экан, у шу шеърларни ўқибди.

Кирурман лашкарим бирла уруш гирдобига алон.
Асир олғум саноксия ёвларим сурғум уриб ҳар ён.

Баҳодирлар келиб ҳар ўлкадан билсинки, дастимдан
Рақиблар ваҳмга тушгай, қўшинга мен балогардон!

Ғарибни ўлжа олгайман, аёғин бандга солгайман
Уйимга шунда қайтарман қилиб фатҳ, хурраму шодон.

Дубулғамни кийиб олғум, курашлар таблини чалғум,
Ғанимларга қирон солғум, ўликларга тўлуру майдон.

Жавомард шеърини ўқиб тугатар-тугатмас дарахтлар орасидан бир отлиқ чиқиб келибди. У жуда ҳайбатли, димоғдор, худди пўлатга ўраниб олгандай қуролланган экан. У дадил келиб Жавомардга: «Ҳей, араб қароқчиси! Анжомларингни еч, қани, отингдан тушиб, мен билан беллашиб, ўзингни қутқариб қолчи!»— деб хитоб қилибди. Буни эшитиб, Жавомарднинг кўз олди қоронғилашиб, қиличини қинидан суғурибди-да, унга ҳужум бошлаб, хитоб қилибди: «Эй, қароқчи! Ҳали сен менинг йўлимни тўсмоқчимисан, биласанми мен кимман? Мен Жаланд ибн Каркарнинг лашкарбошиси бўламан, Ғариб ва унинг одамларини ҳибсга олиб келтиришим керак!» Бу сўзларни эшитиб Жамарқон:— «Ундай бўлса, бу айни муддао-ку»,— дебди ва Жавомардга ҳамла қилиб, шу байтларни ўқибди:

Аёндур жангда хўп зўрман, ёмонман,
Ғанимларга балойи ногихонман.

Менинг гурзим кучини ҳамма билгай,
Балогардон баҳодир Жамарқонман.

Амиримдур Ғариб ҳамда имомим,
Уруш чоғи унингдек қаҳрамонман.

Имомдек қадиру имони комил,
Қирурға ёвни тигъ испаҳонман,

Қилур ул Иброҳим динини тарғиб,
Худодин юз ўғирганга ёмонман.

Жамарқон ўз одамлари билан Куфа шаҳридан чиққач, ўн кун йўл юрибди, ўн биринчи кун тўхтаб, ярим кечагача дам олибди. Сўнг у одамларига юришга буйруқ бериб, ўзи энг олдинда кетаверибди. Юриб-юриб бир ўзи шу водийга келиб қолибди-да, Жавомард ўқиётган юқоридаги шеърни эшитиб қолибди, худди қутурган шердай қилич билан бир ҳамла қилиб, уни иккига бўлиб ташлабди. Кейин орқадан сардор ва пешқадам аскарлари етиб келгунча бир оз кутиб турибди. Етиб келишгач, Жамарқон уларни воқеадан хабардор қилиб, сардорларига: «Ҳар бештангиз беш мингдан аскар олиб тарқалинглар, водийни айланинглар, мен Бани Омир одамлари билан шу ерда бўламан. Душманнинг жангчилари етиб келган заҳоти мен овозимнинг борича «Оллоҳу акбар!» деб бақириб, уларга ҳамла қиламан. Овозим эшитилган заҳоти такбир айтиб, душманни қираверасизлар.

— «Фармонингизни бажону дил бажарамиз»,— дейишибди-да, бу гапдан барча аскарларни воқиф қилибдилар. Топшириқ олган қўшин тонг ёришишидан олдин водийнинг теварак-атрофига тарқалибди. Бир вақт душман яқинлашиб, мисоли қўй подасидай ҳамма ёқни аскар босиб кетибди. Шу пайт Жамарқон билан Бани Омир одамлари қўққисдан «Оллоҳу акбар!» деб бақирганларича ҳужумга ўтибдилар. Уларнинг бу қийқириғини эшитган мусулмонлар ҳар томондан «Оллоҳу акбар!» деб бақириб келишаверибдилар. Ўзи бу сўз киши руҳини кўтариб, оқ йўл бағишлайдиган, куфрдан сақлайдиган сўз экан-да. Аскарларнинг ҳар томондан айтган такбир овозларидан тоғу даралар, қиру ўрмонлар ларзага келиб, акс садо қайтарибди. Даҳшатга тушиб эс-ҳушидан айрилган душманлар ўткир қиличлари билан бир-

бирларига ташланиб, қирилаверибдилар. Баҳодир мусулмонлар пайтдан фойдаланиб, ўқдек отилишибди. Бу ерда фақат қиличдан ўтиб, пирпирак бўлган бошлар, тирқираб отилаётган қонлар, довдираб қолган қўрқоқларнигина кўриш мумкин бўлибди, холос. Вақт ҳали ғира-шира бўлмасданоқ душманларнинг учдан бири қирилиб битибди. Тангри ҳам уларнинг руҳларини дўзахга ташлашга шошилибди. Ўзиям қиёмат қойим бўлибди-да! Қолган-қутганлари қочиб чўлу биёбонга ёйилиб кетишибди. Мусулмонлар уларни қувиб, ўлдиришибди, асир олишибди, шу тариқа тушгача улар етти минг асир олиб қайтишибди. Душманларнинг йигирма олти минг аскарлари омон қолибди, буларнинг ҳам кўпи ярадор экан. Мусулмонлар тангрининг қўллаб-қувватлаши натижасида ғалаба қозониб қайтишибди, улар душманлардан қолган ўлжа отлар, қурол-аслаҳалар, чодир ва бошқа буюмларни жамлаб, мингта чавандоз билан Куфага жўнатишибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



Й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Жамарқон билан Жавомард ўртасида жанг бўлиб, Жамарқон уни ўлдириб, лашкарларини қиргандан кейин, кўп одамларини асир олибди, молларини ўлжа олиб, минг чавандоз қўлга тушириб, от ва қурол-яроғлари билан Куфага жўнатибди.



*Олти юз қирқ
бешинчи кеча*

Жамарқон ва унинг аскарлари отларидан тушиб, асирларни исломга даъват қилибди, улар жон-дили

билан мусулмон бўлишибди. Хурсанд бўлиб улар бандиларни озод қилишибди. Севиниб кетган бандилар бир-бирларини қучоқлашибди. Шундай қилиб, Жамарқон сон минг аскарга бош бўлибди, бир кечаю бир кундуз дам олгач, азонга яқин ўз лашкарлари билан Жаланд ибн Қаркар мамлакатига қараб йўл олибди.

Ўлжаларни олиб орқага қайтган минг отлиқ кўп йўл юриб, Куфага етиб келибди-да, Ғариб шоҳни бўлган воқеадан огоҳ қилибди. Шоҳ буни эшитиб, жуда хурсанд бўлибди ва тоғ Ғулига ўгирилиб: «Тезда отланиб, ўзинг билан йигирма минг аскар олгин-да, Жамарқоннинг кетидан бор!»— деб буюрибди.

Саъдон Ғул ва унинг ўғиллари йигирма минг отлиқ билан Уммон шаҳрига қараб жўнашибди.

Қочиб, бошлари омон қолган душманлар эса, дод-фарёд, оҳу воҳ қилишиб, ўз шоҳлари Жаланд ибн Қаркар олдига боришибди. Даҳшатга тушган шоҳ ўзини тутиб: «Хўш, нима гап ўзи, қандай мусибат юз берди?»— деб сўрабди. Улар бўлган фалокатларни гапириб беришибди. Шунда Жаланд: «Ҳа, жувонмарг бўлгурлар, ишни расво қилибсизлар, улар қанча эди?»— деб сўрабди. Шоҳнинг бу гапини эшитган аскарлар: «Уларнинг йигирмата байроғи бўлиб ҳар бир байроқ остида мингтадан чавандози бор»,— дебди.

Шоҳ Жаланд бу гапларни эшитиб: «Илойим қуёш ўз нурини сизларга дариг тутсин! Ҳамманг ҳам жувонмарг бўлиб, қирилиб кетларинг, наҳотки етмиш минг аскар бўлиб, йигирма минг душманга бас келолмасаларинг! Жавомард уч минг аскар билан жанг майдонида турса-ю, сизлар тирақайлаб қочсаларинг!»— деб бақарибди.

Тутақиб кетган шоҳ қиличини қинидан суғуриб,

қочқоқларга дўқ урибди ва одамларига: «Қалласини олинглар, буларни!»— деб хитоб қилибди.

Улар қочоқларни битта қўймай қилич дамидан ўтказибдилар-да, этларини итга ташлабдилар. Шундан сўнг Жаланд ўз ўғлини чақириб: «Сен отланиб, юз минг отлиқ билан Ироққа бор-да, халқини қириб, ўлкасини вайрон қил!»— деб буйруқ берибди.

Жаланд шоҳнинг Қуражон деган бир баҳодир ўғли бўлиб, унинг бир ўзи ҳатто уч минг чавандозга бас келар экан. Ана шу Қуражон жанговар сафарга отланишга фармон бериши билан полвонлари ҳам, қолган-қутган одамлари ҳам уруш анжомларини кийиб тахт бўлишибди-да, бир-бирларининг кетидан йўлга равона бўлибди.

Қуражон аскарларнинг олдига тушиб шодиёна хиргойи қилиб борар экан:

Мен Қуражон шуҳратим пайдо эрур,
Шаҳру дашту чўл аро рўё эрур.
Қўй каби бўғизланиб кўп қаҳрамон
Қонидин майдон юзи хумро эрур.

Қанча лашкар қочди гурзим зарбидин,
Қанча тан бошсиз бу ерга жо эрур.
Ул Ироққа ҳамла қилғум бегумон,
Шунда, душман қонидин дарё эрур,
Лашкари бирла Ғарибни шубҳасиз —
Мен асир олғум, иши расво эрур.
Бошқаларга ибрат айларман уни,
Ибрат этмакка Ғариб аъло эрур.

Улар ўн икки кун йўл юришибди. Ўн учинчи кунни эса бирдан чанг-тўзон кўринибди. Чанг тобора кўтарилиб, осмону фалакни қоплаб олибди. Шунда Қура-

жон айғоқчиларни чақириб: «Менга бу чангнинг бонсини билиб кел!»— деб буюрибди. Айғоқчилар йўлга тушиб, байроқ тикилган жойгача боргач, орқасига қайтишибди-да, Қуражонга: «Эй шоҳ, бу чанг мусулмонлар кўтарган чанг экан!»— деб хабар беришибди.

Буни эшитиб Қуражон севишиб: «Уларнинг қанчалигини пайқадингларми?»— деб сўрабди. Улар шоҳга: «Байроғини санаб кўрдик, йигирмата экан»,— дейишибди. Шунда Қуражон хитоб қилиб: «Ўз диним ҳақи, душман олдига мендан бўлак ҳеч ким чиқмасин, уларнинг олдига мен ўзим якка чиқаман, уларнинг бошларини танларидан жудо қилиб, отимнинг туёғи тагига ташламасам, юрган эканман!»— дебди.

Бу чангни Жамарқоннинг аскарлари кўтарган экан. Жамарқон душман қўшинига қараса, мисоли сел босгандай, ҳамма ёқни ғуж-ғуж аскар босиб кетибди. У ўз одамларига шу жойда тўхтаб, тезда чодир тикишга буйруқ берибди. Улар дарров чодир тикиб, байроқларини баланд қўндиришибди. Уларнинг ҳаммаси тангрига шукрона ўқиб, борлиқнинг эгаси, нуру зулматнинг яратувчиси, кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган жамики нарсаларни йўқдан бор қилувчи, улуғлар улуғи — тангрини зикр қилишибди.— Тангри таолога покликлар бўлсин, ундан бўлак ҳеч бир худо йўқ!— дейишибди.

Душманлар ҳам қўнишиб, қапа тикишибди, Қуражон бўлса ўз қўшинларига: «Ҳаммангиз сергак бўлиб. қурол-яроғ билан ётинглар, ғафлатда қолманглар. Ярим кечадан ошгач, дарров отланинглар-да, тўп-тўпларинг билан от ўйнатиб туринглар!»— деб буйруқ берибди.

Бу вақтда Жамарқоннинг жосуслари шу ерда бў-

либ, ғанимларнинг ҳамма гапларини эшитиб турган экан. Улар оқизмай-томизмай, Жамарқонга келиб айтиб беришибди. У бўлса ўз баҳодирларига ўтирилиб: «Дарров қуролланинглар, кеч кириши билан бўйнига қўнғироқлар, жаранг-журунги жингилдоқлар, қақир-қуқур, шақир-шуқурлар осилган хачир ва туялар олиб келинглар»,— деб буюрибди. Уларнинг йигирма мингдан ортиқ туя ва хачирлари бор экан. Ҳамма ишни тахт қилиб бўлгач сабр қилиб турибдилар. Душманлар ширин уйқуга обдан чўмган пайтда Жамарқон ўз қўшинига: «Отланинглар!»— деб фармон берибди. Бир зумда отланишибди, улар оллоҳга таваккал қилиб, икки олам тарбиячисидан мадад сўрабдилар.

Шундан сўнг Жамарқон уларга: «Қани, туялару молларни душман устига ҳайдаб, найза билан уларни қиринглар!»— дебди. Сардор қандай буюрган бўлса, улар шундай қилишиб, қўнғироғу шақир-шуқурлар осиглиқ барча туя ва хачирларни душман томонга суриб, ваҳима билан ҳужумга ўтишибди. Қўнғироқлар жингиллабди, шақир-шуқур, даранг-дурунглари авжига минибди, ҳамма мусулмонлар туя ва хачирлар кетидан: «Оллоҳу акбар!» деб бараварига бақириб жўнашибди. Буларнинг бу овозларидан тоғ ва далалар ҳам янграбди.

Отлар дукур-дукур чопибди, Жамарқон лашкарлари душман ҳийласини эшитиб олиб, улар устига ухлаб ётган пайтида ҳужум қилиб, капаларни босиб-янчиб вайрон қилиб ташлабди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз қирқ
олтинчи кеча*



й. саодатли шоҳ,— деб да-
вом этди Шаҳризод,—
Жамарқон ғанимлар ус-
тига лашкар тортиб, оту
хачиру, туялар билан бостириб бе-
ришганда ҳамма ухлаб ётган экан.
Даҳшатдан эсанкираб қолган муш-
риклар қуроллари олиб, бир-
бирларига ҳамла қила бошлабди-
лар; улар довдирашиб, шу тариқа
ўзаро урушиб, кўпчилиги қирлиб
кетибди. Бир вақт улар бир-бир-
ларига қараб, ўз одамлари билан
урушаётганликларини ва бирорта ҳам мусулмон ўл-
маганини пайқаб қолибдилар. Бундай қарашса, му-
сулмонлар қуролланганларича, жангга шай бўлиб
от ўйнатиб туришганмиш. Шунда хуноб бўлган Қу-
ражон бу мусулмонларнинг ҳийласи эканлигини
англаб, қолган-қутган одамларига: «Оббо лаънати-
лар-эй, биз ишлатамиз деган ҳийлани улар бизга ишла-
тибди, уларнинг устомонлиги бизникидан ҳам ошиб
тушди»,— дебди.

Шунда у мусулмонларга ҳамла қилмоқчи бўлган
экан, бирдан шамол кўтарилиб ҳамма ёқни, ҳатто ос-
мону фалакни ҳам чанг-тўзон тутиб кетибди. Шамол
душман ўтовларини кўтариб, аллақаерларга улоқти-
риб ташлабди. Тўзон ичида дубулғаларнинг ялтил-
лашини, қалқонларнинг ярқирашини, ҳинд қиличи
ва ўтқир ёйлар билан қуролланган довюрак паҳла-
вонларнинг шарпасини аранг пайқаш мумкин экан
холос.

Чангни кўриб, душманлар жангдан чекинишибди-
да, бу ваҳиманинг боисини билиб келгани ўз айғоқчи-
ларини юборишибди. Зинғиллаганча бориб воқеадан

огоҳ бўлган айғоқчилар қайтиб ўз гуруҳларига: «Улар мусулмонлар экан»,— дейишибди.

Чанг кўтарганлар Ғариб шоҳ тоғ Ғулини бошлиқ қилиб жўнатган аскарлар экан. Саъдоннинг ўзи қўшиннинг энг олдига тушиб келаётган экан. Улар етиб келиб, Жамарқон одамлари билан биргаликда ганимларга ҳужумга ўтибди. Душманга ташланиб ўткир шамширларини ишга солишибди. Даҳшатли рудайний найзаларини отишиб кундузни қоп-қора зимистонга айлантиришибди. Чанг-тўзондан кўзлар кўр бўлибди.

Паҳлавонлар мардлик кўрсатиб қаттиқ турибди, кўрқоқлар эса чўлу биёбонларга қочиб қутулибди. Ҳамма ёқ қоп-қора қонга беланиб, ариқ тўла оқибди. Олишув билан кун кетиб, оламни қоронғилик зулмати қоплабди. Шунда мусулмонлар урушни бас қилиб, дам олгани чодирларига келишибди-да, овқатланиб уйқуга кетишибди. Тун кетиб, табассум билан тонг отибди. Мусулмонлар бомдод намозини ўқиб, яна жангга киришибди.

Кеч кириб, жанг тингач, Қуражон одамлари қарашса, учдан икки қисм аскарлари қириб ташланибди. Бунинг устига, қолганлари ярадор бўлиб ётибди. Шунда Қуражон ўз одамларига: «Э ёронлар, эртага жангоҳга урушу қирғин майдонига чиқамиз, уларнинг паҳлавонлари билан даврада ўзим олишаман»,— дебди.

Тонг отгач, ҳамма ёқ нурга тўлиб, ёришиб кетибди, шовқин-сурон кўтариб иккала тараф жангу жадалга шайланибди. Биринчи бўлиб Жаланд ибн Қаркарнинг ўғли Қуражон жанг майдонига чиқибди-да: «Қани, манман деганинг келавер!»— деб туриб олибди. Жамарқон билан Саъдон байроқ тагида туришган экан, майдонга Бани Омир қавмининг кўр-

бошиси чиқиб, ўртадаги Қуражан олдига борибди ва иккови худди икки қўчқордай ташланиб, хийли олишибди. Бир вақт Қуражон қўрбошига ҳужум қилиб, уни эгардан юлиб олибди-да, даст кўтарганича ерга улоқтириб юборибди. Қўрбоши ҳушидан кетибди, ғанимлар эса дарров унинг қўл-оёғини боғлаб, чодирларига олиб кетишибди.

Буни кўрган Қуражон ҳайқириб, жанг талаб бўлиб депсинибди. Лекин майдонга бошқа бир қўрбоши чиқибди. Қуражон уни ҳам йиқитиб, асир олибди, шу тариқа у тушгача етти қўрбошини асир олибди. Шунда Жамарқон бир наъра тортиб юборибди. Унинг овозидан қиру даралар ларзага келибди. Буни эшитган иккала қўшин жон-жаҳди билан жангга кириб, шу байтларни ўқишибди:

Мана мен, Жамарқонман қаҳри қаттиқ,
Келолмас қаршима ҳеч паҳлавони.
Хароб этдим у қасру қалъаларни,
Фалак узра есирларнинг фиғони.
Қуражон, тўғри йўлни танлаб олгил,
Хато йўлдин ҳазар қилғил шу они.
Еру осмон, чўлу сувни яратмиш,
Таниб олгил ягона бир худони.
Худога тобе ўлса бандаси, бил,
Тамуғ эрмас, беҳишт бўлғай макони.

Қуражон ҳам узоқдан бу овозни эшитиб қуёш ва ойни сўкибди ва бўғилганча шу байтларни айтиб, Жамарқонга ҳужум қилибди.

Қуражонман, мана мен, қаҳрамони давроннинг,
Тўқайдаги шерлар ҳам ваҳимада соямдан.
Шаҳру қалъа бузганман, шерларни ҳам тутганман,
Ботирлар ҳам еру кўк титрар, тинмас мотамдан.
Жамарқон бу сўзимга агар бовар этмасанг,
Қани, тушгил майдонга, ўтажаксан оламдан

Унинг сўзини эшитган Жамарқон: «Сенмисан ҳали зўрман деган!»— деб ҳамла қилишга ўтибди ва икки сардор ўртасида қилъчбозлик бошланиб кетибди. Ҳамма ёқни ур-йиқит, ғала-ғовур босиб кетибди, аскарлар бир-бирларига найза отишибди, дод-фарёд, қичқириқлар ҳаддан ошиб кетибди. Шу алфоз олишув авжига миниб, ниҳоят кун оғиб, асир бўлибди. Шунда Жамарқон от қўйиб, Қуражонга ҳамла қилибди-да, гурзи билан кўкрагига уриб, худди хурмо дарахтидек, ерга гуп этиб ағдарибди. Мусулмонлар дарров унинг қўл-оёғини боғлаб, сўйилган туядек судраб кетишибди. Ўз бошлиқларининг аҳволини кўрган Қуражон одамлари жоҳилия давридаги ҳамиятлари тутиб кетибди. Ўз бошлиқларини халос қилиш ниятида мусулмонларга ташланибди. Бироқ, мусулмон баҳодирлари уларни қарши олиб, ер билан яксон қилиб ташлабди. Қолганлари эса жон талвасасида бошини олиб ура қочиб қолибди. Жамарқон одамлари эса уларни тумтарақай қувиб, тоғу дараларга чиқариб юборибди. Кейин қайтиб қарашса, душманларнинг жуда кўп от-уловлару, қапа-чодирлар, яна бошқа анжомлари қолиб кетибди. Ҳаммасини ўлжа олибди, ўлжа бўлганда ҳам қанақа ўлжа денг, эҳ-ҳе... Ниҳоят улар олға қараб силжибдилар, Жамарқон йўлда Қуражонни мусулмон бўлишга даъват этиб, дўқ-пўписа қилибди, лекин у кўнмабди. Шунда Жамарқон қилъч солиб, бўйинини узибди-да, бошини найзага илиб олибди. Шу тариқа улар Уммон шаҳри сари йўл олишибди.

Аммо, ғанимларга келсак, уларнинг қочиб қутулганлари ҳаллослаганларича келиб, ўз шоҳларига ўғли Қуражоннинг қатл этилганлигини, қўшинлари тор-мор қилинганлигини хабар қилишибди. Бу гапни эшитиб Жаланднинг кайфи учиб кетибди. Бошидаги

тожини ерга улоқтириб, пешонасига уриб, юзларини юлибди. Башарасидан қон оқиб ерга тушибди, ниҳоят ҳушидан кетиб йиқилибди. Шунда юзига гулоб сепишган экан, у ўзига келиб, кўзини очибди-да, вазирига бақирибди: «Барча ноибларга хат ёз, уларга буюриб айт, қўлида қилич ушлаб тура оладиган, найза ота оладиган, ёй кўтара оладиган кимки бўлса, биттасини ҳам қолдирмай ҳаммасини йиғсин-да, бу ерга бошлаб келсин!»

Вазир дарров хат ёзиб чопар билан ноибларга жўнатибди. Хатни олган ноиблар одамларини тўплаб, қуроолантирибди. Ҳамма ёқни аскар босиб кетибди. Санаб кўришса, бир юзу саксон минг экан. Буларнинг ҳаммаси қапа тикиб, туя ва асл отлардан тайёрлашиб, энди йўлга тушмоқчи бўлиб туришганда, бирдан етмиш минг отлиқ аскар билан Жамарқон ва Саъдон Гул яқинлашиб қолибди. Даҳшат билан келаётган мусулмонлар гўё пишқириб турган шерга ўхшар экан. Уларнинг ҳар бири найза ўтмас темир совут кийиб олган эмиш.

Жаланд яқинлашиб келаётган мусулмонларни кўриб, қасд олиш ниятида севиниб кетибди-да: «Нурлар эгаси қуёш ҳақи, душмангани биттаям қолдирмай қириб ташлайман; ҳатто аҳволидан ўлкасига хабар берадиган одам ҳам қолдирмай, бутун Ироқни ер билан яксон қиламан. Паҳлавон ўғлимнинг қасдини оламан. Шундай қилмасам, кўнглим тўлмай, доғда қоламан»,— дебди. Кейин у тутқундаги Ажибга қараб: «Э Ироқ ити! Мана бошлаб келган галванг. Ибодат қиладиган маъбудамга онт ичиб айтаманки, агар душмангани ер билан яксон қилмасам, сенинг ўзингни кийнаб ўлдираман»,— дебди.

Ажиб шоҳнинг бу писанда гапини эшитиб, қаттиқ гамга ботиб, ўзини-ўзи койибди. У бир қанча вақт

жим қолибди. Мусулмонлар келиб, ўтов тикишибди. Кеч кириб қош қорайибди. У қолган-қутган аскарлари билан бирга мусулмонлар чодир тиккан жойдан узоқда турган экан. Шунда Ажиб: «Э ёронлар, билиб қўйинглар, мусулмонлар келгач, Жаланд икковимизнинг кайфимиз учиб кетди, сезишимча, у энди бизни Ғарибдан ҳам, ҳеч кимдан ҳам ҳимоя қилолмайди. Менимча, барча кўзлар уйқуга кетгач, жўнаб қолишимиз керак. Бу гал биз подшо яъруб ибн Қахтонга бориб, паноҳ сўраймиз, чунки унинг аскарлари кўп, салтанати ҳам катта»,— дебди.

Ажибнинг одамлари бу гапга: «Рост-эй, жуда тўғри гапирдинг»,— деб жавоб беришибди. Ажиб ўз одамларига чодир олдига олов ёқиб қоронги кечада бирин-кетин чиқиб кетишни тайинлабди. Одамлари худди шундай қилишиб жўнашибди-да, тонг отмасдан оқ узоқ-узоқ юртларга етиб олишибди. Эрталаб совуту темир кийимлари билан шайланган икки юз олти миш минг Жаланд аскарлари қурол-яроғу қалқонларини тақиб, сафга тизилибди. Уруш дўмбираси чалиниб, жангу жадалга тайёр бўлиб туришибди.

Жамарқон билан Саъдон ҳам қирқ минг отлиқ аскар билан шай бўлиб келишибди. Буларнинг ҳар бири манман деган баҳодирлар экан.

Ҳар бир байроқ тагига мингтадан кучли паҳлавону мерганлар, жангсираб турган зўравонлар тизилишибди. Шу тариқа иккала томонда ҳам қиличлар яланғочланиб, ўткир найзалар ўқталанибди. Ҳамма мардона ўлим шаробини сипқаришга ҳозирланибди.

Биринчи бўлиб, жангоҳга Саъдон тушибди; у худди бир баҳайбат харсангга ёки бўлмасам мисоли бир морид жинларга ўхшаб кетар экан. Унга қарши душман паҳлавонларидан бири чиққан экан, уни шартта

Ўлдириб, майдонга улоқтириб ташлабди-да, ўғиллари ва қулларига бақириб: «Дарров олов ёқиб, уни менга кабоб қилиб келинглар!»— деб буюрибди. Улар Саъдон айтгандай мурдани қовуриб келишган экан, Саъдон гўштини еб, суюгини кемирибди. Узоқдан буни кузатиб турган душманлар, даҳшатга тушишиб: «Э нурлар эгаси, қуёшимиз!»— деб нолайи фиғон қила бошлашибди. Саъдон билан жанг қилишга уларнинг юраги дов бермабди. Жаланд бўлса, одамларига бақириб: «Бу ярамас махлуқни ўлдиришлар!»— деб буюрибди. Шундан сўнг Саъдон олдига улардан яна бири довланиб чиқибди. Саъдон уни ҳам ўлдирибди, шу тарзда ўртага чиққан чавандозларни бирин-кетин ўлдиравериб, ҳаш паш дегунча ўттизтасининг ёстиғини қуритибди. Шундан кейингина ганимларнинг Саъдон билан олишишга юраги ботинолмай: «Жину Ғулга ким бас кела оларди!»— дейишибди. Шу пайт Жаланд қичқириб: «Юз отлиқ ҳамла қилиб, уни хоҳ тирик, хоҳ ўлик ҳолда олдимга олиб келишсин!»— дебди.

Шундай қилиб, Саъдон устига қиличу найзалар ўқталиб юз чавандоз ёпирилибди. Саъдон бўлса, уларни кўкрак кериб қарши олибди, унинг юраги чақмоқтошдан ҳам қаттиқ экан.

У оллоҳнинг бирлигини кўнглига жо қилиб ҳайқириб такбир айтибди. Шу заҳотиёқ қиличини ялангочлаб, душманларнинг калласини танидан жудо қилаверибди. Қиличнинг биргина зарби билан уларнинг суроби тўғри бўлаверибди. Ниҳоят уларнинг етмиштаси ўлиб, қолганлари қочиб қолибди.

Буни кўриб турган Жаланд ҳар бирида мингтадан паҳлавони бўлган ўзининг ўнга сардорига хитоб қилибди: «Отига найза отинглар, ўзи от тагига йиқилиши билан дарров тутиб олинглар!»— деб бақириб-

ди. Шу билан Саъдонга ўн минг отлиқ чавандоз ёпирилиб келибди. Лекин у дадил туриб кутиб олибди. Душманнинг Саъдонга ҳамла қилганини кўриб Жамарқон ва мусулмонлар ҳам қилич яланғочлаб, такбир айтишганича, ҳужумга ўтишибди. Мусулмонлар ҳали Саъдонга етиб улгурмасдан, ғанимлар унинг отини йиқитиб, ўзини асир олиб кетишибди. Мусулмонлар ҳужумни давом эттираверишибди. Кун оғиб, қош қорайиб ҳатто теварак-атрофни кўз илғамай қолибди. Шунда ҳам қиличлар жаранглабди; ҳар бир чавандоз кўкрак кериб, жангда қаттиқ туриб олишибди. Фақат қўрқоқларгина ваҳимага тушиб, писиб қолибди. Мусулмонлар бўлса, ғанимлар орасида отнинг қашқасидек ажралиб турармиш...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз қирқ
еттинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Мусулмонлар билан ғанимлар ўртасида жанг қизиб кетибди. Мусулмонлар ўз баҳодирлиги билан отнинг қашқасидай ажралиб турар экан. Кечгача жанг қилишиб, ниҳоят қош қорайганда ажралишибди. Душманлар шу даража кўп талофат берибдики, ҳатто унинг сон-саногига етиб бўлмас экан.

Жамарқон ва унинг одамлари Саъдоннинг асир олинганидан жуда хафа бўлиб, томоқларидан овқат ҳам ўтмабди, кўзларига уйқу ҳам келмабди. Текшириш натижасида булардан мингдан камроқ аскар ҳалок бўлгани аниқланибди. Шунда Жамарқон одамларига: «Э биродарлар, энди жанг

майдонига ўзим чиқиб, паҳлавонларни тилка-пора қиламан-да, хотин-халажларини асири банд қиламан ва олло таолонинг изми билан Саъдоннинг қасдини оламан!»— деб хитоб қилибди. Сардорнинг гапидан мамнун бўлган мусулмонлар чодирларига тарқалишибди.

Энди Жаландга келсак, у кириб тахтга ўтириши билан сарой аъёнлари ҳам теварак-атрофидан жой олишибди. Шоҳ, даргоҳига Саъдонни келтиришни буюрибди. Жаланд шоҳ Саъдонга қараб: «Ҳа, қутурган ит,— дебди уни судраб келишлари билан,— лаънати араб, қўлимга тушар экансанку! Қани айт! Замона баҳодири, алплар алпи, соҳибқирон ўғлим Қуражонни ким ўлдирди?»— дебди.

Саъдон бўлса: «Сенинг ўғлингни Ғариб шоҳ навкарларининг сардори, отличлар чавандози Жамарқон ўлдирди, мен уни ўтда пишириб едим, чунки қорним жуда оч эди»,— дебди. Бу гапдан Жаланднинг кайфи учиб, кўз олди қоронғилашиб кетибди-да, аскарларига бақриб, дарҳол унинг бошини танидан жудо қилишга фармон берибди. Жаллод қилич яланғочлаб келаркан, Саъдон бир силкинибди-да, тангилган занжир-арқонларни узиб ташлабди ва жаллод қўлидаги қилични тортиб олиб, зарб билан унинг бошини танидан жудо қилибди. Саъдон Жаландга ҳамла қилган экан, у тахтни ташлаб қочиб қолибди. Шу чоқ у йигирма аъённи қиличдан ўтказибди. Қолганлари жон сақлаб қочиб қолибди. Душман аскарлари ўрта-сида қий-чув кўтарилибди. Саъдон бўлса, дуч келган душманнинг калласини беаёв олаверибди. У, қиличини гоҳ ўнгга, гоҳ чапга солиб, бир чеккадан қираверибди. Бунинг даҳшатига дош бера олмаган душманлар жон талвасасида қочиб, йўл бўшатиб бераверибди. Шу тариқа у душманни қиравериб, ниҳоят

Жаланд кўрғонидан чиқиб, мусулмонлар чодир сари жўнабди. Мусулмонлар душманларнинг қийчувини эшитиб: «Балки уларга ёрдам келгандир»,— деб ўйлаб туришган экан, бирдан Саъдон кириб келибди. Буни кўриб, улар жуда хурсанд бўлиб кетишибди. Саъдоннинг асирликдан қутулиб келганига ҳаммадан ҳам Жамарқоннинг севинчи ичига сигмас экан. Жамарқон дарров у билан саломлашиб кўришибди, мусулмонларнинг ҳам кайфи чоғ бўлиб, соғ-саломат қайтиб келиши билан уни табриклашибди.

Мусулмонлар билан бўлган воқеа мана шу экан.

Аммо ғанимларга қайтсак, улар Саъдон кетгандан кейин ўз подшолари билан қароргоҳга қайтиб келишибди. Шунда шоҳ: «Одамлар!— дебди қалтираб.— Нурлар эгаси қуёш ҳақи, тунлар зулмати-ю кунлар ёруғи ва кезар юлдузлар ҳақи, мен бугун омон қоламан деб ўйламагандим. Агар унинг қўлига тушганимдами, бир луқма қилиб мени еб қўя қоларди. Унга мен нима, мисоли бир буғдой-ю ё арпа ё эса бошқа бир бошоқ думбилидаyman, холос. Худо билсин, мен қайси бир тишининг қавагида қолиб кетардим. Одамлар Жаландга: «Э шоҳ, биз дунёга келиб, бу Ғулдай паҳлавон алпни кўрган эмасмиз»,— дебди. Шунда шоҳ: «Эртага тонг билан отланинглари. Қуролланиб душманни от туёғи остида ер билан яксон қилинглари»,— деб фармон берибди.

Жамарқон бўлса одамларига: «Эртага майдонга чиқиб, душманнинг тўс-тўполонини чиқариб, ҳунаримни кўрсатаман,— дебди.— Иброҳим Ҳалилуллоҳ ҳақи, уларни қийма-қийма қилиб ўлдирмасам, юрган эканман. Қилич билан ҳаммасини бир чеккадан қиравераман, эси борлари кўриб, бир даҳшатга тушсин. Лекин, ўнг ва чап томондаги душманни қириб, ниҳоят байроқ

тагида турган шоҳга ҳужум қилишим билан сизлар дарҳол от қўйиб кетимдан даҳшатли шовқин-сурон кўтариб бораверасизлар. Шундай қилсак, олло таоло ярлақаб ғалабага эришамиз».

Иккала томон қўшинлари ҳам соқчи қўйиб, тунни ўтказибдилар. Ниҳоят тонг отиб, қуёш чиқибди. Фурсатни қўлдан бермай, ҳар икки томон аскарлари отларига минибди. Ажал қиличи қайралибди. одамлар бир-бирларига боқишибди. Жангу жадалга тайёр турган аскарлар саф тортишибди. Биринчи бўлиб майдонга Жамарқон кириб келибди-да, пишқириб, ҳайқирганича, жангталаб бўлиб дас турибди.

Жаланд ўз одамлари билан ҳамла қилишга чоғланиб турганда, бирдан узоқдан чанг кўринибди. Кейин шамол туриб, чангни теваарак-атрофу осмонни заминга кўтарибди. Ёп-ёруғ кун қоп-қоронғи бўлиб. чор атрофни тутган тўзон кўзларни кўр, қулоқларни кар қилибди. Совут кийган қаҳрамонлар, қилич кўтарган довюрак чавандозлар, ёйчи мерганлар ҳеч нарсадан ҳайиқмайдиган манман деган шер йигитлар чанг-тўзон ичида аранг кўринар экан. Ҳангу манг бўлиб қолган иккала тараф қўшинлари жанг бошлашдан тўхтаб, чангу тўзон кўтарилган томонга қараб турибдилар. Шундан сўнг улар айғоқчи юбориб, нима гаплигини билиб келишни тайинлабдилар, айғоқчилар эса бир зумда кўздан ғойиб бўлиб, ҳаш-паш дегунча қайтиб келиб, воқеани хабар қилибди. Шунда душман айғоқчилари ўз сардорларига: «Чанг кўтарганлар мусулмонлар экан, улар ўз шоҳлари Ғариб билан келишибди»,— деган маълумот берибди. Мусулмон айғоқчилари эса, оғзи қулоғида, хурсанд бўлиб, Ғариб шоҳ ва унинг одамларининг ёрдамга келганлигини хабар қилибди. Ғарибнинг келаётганлигига севи-

нишиб, мусулмонлар тезда унинг истиқболига пешвоз чиқибди. Яқинлашгач, ҳаммалари отдан тушишиб, таъзим билан ер ўпишибди ва унга сиҳат-саломатлик тилашибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз қирқ
саккизинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Ғариб шоҳнинг келаётганидан мусулмонлар севи-
ниб пешвоз чиқишибди. Таъзим билан ер ўпиб саломлашибди. Шунда Ғариб уларнинг ғалабаларидан мамнун бўлибди. Дарров қароргоҳ қуриб, байроқ осишибди. Ғариб шоҳ тахтга ўтирибди, давлат ар-
боблари эса унинг атрофидан жой олибди. Суҳбат қуришиб, Саъдон билан бўлган воқеани бирма-бир

гапириб беришибди.

Ғанимларга келсак, улар йиғилишиб, Ажибни қидиришган экан, уни на ораларидан ва на ўтовлардан топишолмабди. У ҳеч ерда йўқ, ғойиб бўлиб қолибди. Ажибнинг қочганлигини дарров Жаланд ибн Каркарга хабар қилишибди. Буни эшитиб, шоҳ бармоғини тишлаб, қиёмат қойим қилибди. У ўз одамларига бақариб: «Худо ҳақи, бу бир айёр ит экан. Лаънати, бошини олиб одамлари билан чўлу биёбонларга қочиб қолибди. Бу душманларни энди фақат қаттиқ ва мардонавор жанггина даф қилиши мумкин; азмингларда бардам туриб, дадил бўлинглар! Душмандан ғафлатда қолманглар!»— дебди.

Ғариб шоҳ бўлса, ўз одамларига: «Бардам туриб, душмандан ҳеч ҳайиқманглар! Ғалаба қозонишни

сўраб, раббимга сиғининглар!»— дебди. Шунда аскарлар: «Эй шоҳи паноҳ, эртага жангоҳга чиқиб, қандай жанг қилаётганимизни ўз кўзинг билан кўрасан!»— дейишибди.

Шундан сўнг ётишибди. Тонг отгач, қиру водийлар тепаси ёришибди. Ғариб туриб, икки ракаат намоз ўқибди-да, кейин хат ёзиб, укаси Саҳим орқали душманларга юборибди. Саҳим душман қароргоҳига келганда соқчилар: «Хўш, нима керак сенга?»—деб кутиб олишибди. «Менга ҳокимингиз керак»,—дебди Саҳим. Улар: «Тўхтаб тур, келганингни айтиб, нима қилишни сўраб чиқайлик»,—дейишибди. У кутиб турибди, бир соқчи бориб Ғарибдан элчи келганлигини хабар қилган экан, шоҳ: «Келтир, ҳузуримга!»—дебди.

Посбонлар Саҳимни бошлаб киришибди. Шунда шоҳ Жаланд Саҳимдан: «Сени ким юборди?»—деб сўрабди. Саҳим бўлса: «Мени Ғариб шоҳ юборди, тангри уни араб ва ажам халқларига ҳоким қилиб тайинлаган. Мана, ундан мактуб, ўқигин-да, жавоб ёзиб бер!»—дебди.

Жаланд хатни олиб, ўқибди. Хатда шу нарсалар ёзилган экан: «Раҳмдил ва меҳрибон тангрининг исми билан етиб маълум бўлсинким, э Жаланд, ҳар ким якка-ягона тангридан бўлак ҳеч кимга ибодат қилмаслиги керак. Туну кунни халқ қилган, айланувчи фалакни яратган шу тангрининг ўзидир. Олижаноб пайғамбарларни юборган ҳам, анҳорларни оқизган ҳам, осмонни кўтариб, ерни ёйган ҳам, дарахтларни ўстириб, паррандаларга ўз инларида, ваҳшийларга чўл-биёбонларда ризқ берган ҳам оллоҳ таолонинг ўзидир. Э Жаланд, уқиб ол! Иброҳим динидан бошқа дин йўқ. Агар исломни қабул қилсанг, ўткир қиличдан ва охиратдаги дўзах азобидан

қутулиб қоласан. Акс ҳолда, ўлимингни бўйнингга ол, элингнинг хароб бўлишига куйин, уруғ-аймоғингнинг қуриб кетишидан огоҳ бўл. Ўша ит Ажибни менга юбор, мен ундан отам билан онамнинг қасдини оламан».

Жаланд Ғарибнинг хатини ўқиб бўлгач, Саҳимга ўгирилибди-да, бундай дебди: «Бориб ҳожангга, Ажиб ўз одамлари билан қочиб кетибди. Қаерга қочиб кетганини билишмас экан. Аммо Жаланд ўз динидан қайтмасмиш, дегин. Эртага жанг қиламиз. Қуёш бизга ёр бўлиб, ғалаба қозонамиз».

Саҳим акаси олдига қайтиб, ҳамма гапларни оқизмай-томизмай айтиб берибди. Шу куни ётиб, эртаси эрталаб барча мусулмонлар қурол-аслаҳаларини осиб, чопқир отларига минишибди-да, ғалаба тилаб тангрини зикр қилишга тушибди. Ниҳоят улар такбир айтишиб, уруш дўмбирасини чалишибди. Ерлар ларзага келибди, барча чавандозу мерганлар, паҳлавону баҳодирлар ҳайқириб, жанг талаб бўлиб туришибди. Қийқириқдан ҳамма ёқ ларзага келгандай бўлибди. Биринчи бўлиб жанг майдонига тушган Жамарқон от устида қилич ва ёйларини ўйнатиб, душмани даҳшатга солибди-да, сўнг хитоб қилиб: «Қани, менга талабгор борми? Ким мен билан беллашмоқчи? Манман деганинг жангоҳга чиқавер! Ўша Жаланд ўғли Қуражонни ўлдирган мен бўламан! Қани, шаҳзодангизнинг қасдини ким олмоқчи!»— деб турибди.

Жаланд шоҳ ўз ўғлининг исмини эшитиб, одамларига: «Ҳей лаънатилар, уни тутиб олдимга келтиринглар, ўғлимни ўлдирган аблаҳни бир кўриб қўяй, унинг ҳам гўштини қийма-қийма қилиб қонини ичай!»— деб бақарибди.

Юз паҳлавон Жамарқонга ҳамла қилибди, лекин

у кўпини ўлдириб, кўпини қочирибди. Буни кўриб турган Жаланд одамларига хитоб қилиб: «Унга ҳаммангиз баб-баравар ёпирилишлар!»— деб бақирибди. Шундан сўнг байроқлар ҳилпираб, одамлар бир-бирларига туртиниб-суртинишибди. Ғариб ҳам, Жамарқон ҳам ўз одамлари билан душманга зарба беришибди. Худди икки денгиз туташгандай иккала тараф қўшинлари бир-бири билан тўқнашибди. Яман қиличи ва найзалари ишга тушиб, баданларга санчилаверибди. Иккала томон ҳам ажал фариштаси — малак улмавтни ўз кўзлари билан кўрибди. Чанг-тўзон осмону фалакка кўтарилиб, қулоқлар кар, тиллар соқов бўлибди. Уларни ўлим хавфи қуршаб олибди. Паҳлавонлар жангга бардош бериб, қўрқоқлар чидаш бермай қочибди. Жангу жадал авжига минибди...

Кеч кириб, қош қорайгач, жангни тўхтатиш дўмбираси чалинибди. Шундагина томонлар бир-бирларидан ажралиб, ўз чодирларига кириб кетибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз қирқ
тўққизинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— жанг тўхтаб, иккала томон қўшинлари бир-бирларидан ажралишгандан кейин, ўз чодирларига кириб кетишибди. Ғариб яна тахтга ўтирибди, аъёнлари эса ён-верисидан жой олишибди. Шунда Ғариб: «Мен бу ит Ажибнинг қочиб кетганига жуда хафаман. Афсус, қаерга кетгани номаълум. Агар ундан қасдимни олмасам, кўзим очиқ кетади»,—дебди.

Ғарибнинг бу гапини эшитиб, укаси Саҳим ул Лайл ер ўпиб, шоҳга таъзим қилибди-да: «Душман кўрғонига бориб, ўша ғаддор Ажибни билиб келишга ижозат бер!»— дебди. Ғариб унга: «Хўп, майли, бориб, ўша тўнғизнинг қаердалигини билиб кел!»— дебди.

Саҳим дарров душман кийимини кийиб, ғаним қиёфасига кирибди-да, улар томон йўл олибди. Бориб қараса, қоровулдан бошқа ҳаммаси ухлаб ётибди.

Саҳим улар қароргоҳига кириб, ниҳоят, подшо маконига дохил бўлибди. Кўрсаки, шоҳ хуррак отиб ётибди, ён-верисида ҳеч ким йўқ. Саҳим оёғининг учида бориб, шоҳга учар банж ҳидлатган экан, у бамисоли ўликдай беҳуш бўлиб қолибди. Саҳим ташқаридан хачирини келтирибди-да, чойшабга ўраб, уни ўнгарибди, сўнг устига бўйра ёпиб, йўлга равона бўлибди.

Ғариб ниҳоят қароргоҳига етиб келиб, шоҳ ҳузурига кирибди. Кишилар уни танимай, «Қимсан!»—деб сўрашибди. Саҳим кулиб, юзини очган экан, таниб ҳайрон бўлиб қолишибди. Шунда Ғариб: «Э Саҳим нима кўтариб юрибсан?»—деб сўрабди. У бўлса: «Э шоҳим, бу Жаланд ибн Қарқар»,—дебди.

Шундай дебди-ю, Саҳим дарров Жаландни тушириб оёқ-қўлини ечибди. Ғариб тикилиб қараса, ростдан ҳам ўша шоҳ экан. «Э Саҳим, қани уйғот-чи буни!»—дебди, Ғариб. Саҳим сирка билан атир ҳидлатган экан, Жаланд ўзига келиб, кўзини очибди. Қараса, у мусулмонлар ўртасида ўтирибди. «Мен қанақа бемаъни туш кўряпман-а?»—деб кўзини юмиб, яна уйқуга кетибди. Шунда Саҳим унинг бажинига бир мушт тушириб: «Ҳей лаънати, кўзингни оч!»—дебди. Жаланд кўзини очиб: «Мен қаердаман?»—деб сўрабди. Саҳим унга жавобан: «Сен Ироқ шо-

ҳи Кандамир ўғли Ғарибнинг ҳузуридасан»,— дебди. Бу гапдан шоҳининг қути ўчиб ялина бошлабди: «Э Ғариб шоҳ, мен сенинг ҳимоянгдаман! Билгин, менда гуноҳ йўқ, орамизга низо солиб, уруштирган ўша лаънати аканг Ажиб. У бизни уруштириб қўйиб, ўзи қаёққадир қочиб қолибди». Ғариб: «Қайси йўл билан қочганини биласанми?»— деб сўрабди. Жаланд: «Йўқ, нурлар эгаси қуёш ҳақи, билмайман»,— деб жавоб берибди.

Шундан сўнг Ғариб одамларига, Жаландни қамаб қўйиб, қўриқлаб туришни буюрибди. Ҳамма сардорлар ўз чодирларига тарқалишибди. Жамарқон ҳам одамлари билан қайтиб келиб: «Эй ёронлар, бугун тунда мен бир иш қилиб Ғариб шоҳга ўзимни кўрсатмоқчиман»,— дебди. Одамлар унга: «Нима истасанг қилавер, биз сенинг фармонбардорнинг ва итоткорингмиз»,— дейишибди. Жамарқон уларга: «Қурол-яроғларингизни олинглар. Ҳеч кимга билдирмасдан ҳаммангиз душман қўрғонини қуршанглар. Мен ҳам сиз билан бирга бораман. Оёқ учида эҳтиётлик билан борингларки, ҳеч зоғ, ҳатто чумоли ҳам сезмай қолсин. Мен такбир айтганимни эшитгач, сизлар ҳам дарҳол такбир айтиб бақираверинглар-да, орқага чекиниб, шаҳар дарвозаси томон жилаверинглар, оллоҳ таоло ёр бўлиб, ғалабага эришамиз»,— дебди.

Шундай қилиб, қуролланган Жамарқон одамлари душман теварагини ўраб ярим кечагача пойлашибди. Бир вақт Жамарқон, қиличини қалқонга уриб, водийларни янгратаиб: «Оллоҳу акбар!»— деб бақирибди. Унинг одамлари ҳам жўр бўлиб: «Оллоҳу акбар!»— деб қичқиришаверибди. Теварак-атрофдан кўтарилган такбир овозлари водийлар, тоғлар, қиру тошлоқлар, бўм-бўш диёрларни гумбурлатиб, акс са-


до берибди. Довдираб қолган душманлар уйқудан гангиб туриб, душманни дўстан ажратолмай, ўз одамлари билан олиша кетибди, қиличлар ишга тушибди. Мусулмонлар бўлса, орқага чекиниб душман истеҳкоми дарвозалари томон жадаллаб бораверибдилар. Ниҳоят улар дарвозабонларни қириб, шаҳарга кирибдилар-да, барча молу дунё ва шойи кийимликларни эгаллаб олибдилар. Жамарқон билан бўлган воқеа мана шу экан.

Ғарибга келсак, у узоқдан такбир овозини эшитиб, дарров отланибди, у билан бирга аскарлари ҳам бошдан-оёқ шайланибди. Хабар олиш учун борган Саҳим тўполон бўлаётган жойга яқинлашиб, бундай қараса, Жамарқон бошлиқ Бани Омир одамлари душман устига бостириб кириб, уларнинг ддини бераётган, уларга ўлим шаробини ичираётган эмиш.

Саҳим дарров кетига қайтиб, бўлган воқеани акасига айтибди. Ғариб Жамарқонни дуо қилибди. Душманлар эса бир-бирларига жон-жаҳдлари билан ташланиб, ҳамон жанг қилишаверибди.

Ниҳоят тонг отиб, теварак-атроф ёришибди. Шунда Ғариб ўз одамларига бақириб: «Э кароматли зотлар, энди ҳужумга ўтиб, шоҳ мол-мулкни таланглар!» — дебди. Шундай қилиб, шамшир-қиличлар ўйинга тушибди, ёй, найзалар мунофиқ душман кўксидан жой олибди. Чекиниб, шаҳарларига қочиб кираётган душман, кутилмаганда бу ердан чиқиб келаётган Жамарқон ва унинг ёронларига рўбарў келиб қолишибди. Тоғ ўртасида қолгандай, душманлар мусулмонлар қуршовида қолибдилар. Мусулмонлар қисиб келиб, жуда кўп аскарларни қириб ташлабди, қолган-қутганлари эса чўлу биёбонларга қочиб қолибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз элли-
гинчига ўтар
кечаси*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— мусулмон аскарлари ҳам-ла қилиб, ўткир қилич билан уларни қийма-қийма қилиб юборибди. Бардош беролмаган душман чўлу биёбонларга тирақайлаб қочиб қолибди. Мусулмонлар қилич кўтариб, қувиб борган экан, душманлар ўру қирларга тарқалиб кетибди. Шундан кейин мусулмонлар орқага қайтиб Уммон шаҳрига келишибди. Ғариб, Жаланд қасрига кириб, мамлакат тахтига ўтирибди, аъёну дўстлари ўнгу сўлидан жой олишибди. Ғариб Жаландни чақиртирибди, навкарлар бир зумда уни бошлаб, шоҳ даргоҳида ҳозир қилишибди. Ғариб Жаландга мусулмончилиқни қабул қилишни таклиф қилган экан, у буни рад қилибди. Дарғазаб бўлган Ғариб уни шаҳар дарвозасига қоқиб қўйишни буюрибди. Шундан сўнг уни найзага туттишибди. Отилган найзалар санчилавериб, у худди кирпига ўхшаб қолибди.

Шу кунини Ғариб Жамарқонни мукофотлаб: «Сен энди шу шаҳарнинг соҳиби ва унинг ҳокимисан, банди қилиш ва бўшатиб юбориш амри-фармони сенинг қўлингда, ахир, уни сен ўз қиличинг билан фатҳ қилиб олгансан-да!»— дебди.

Севиниб кетган Жамарқон ерга йиқилиб, Ғариб оёғини ўпар экан, беҳад миннатдорчилик билдирибди ва ҳаминиша ғалаба қозониб, иззату икром кўришини тилаб, дуо қилибди.

Ғариб Жаланд ҳазиналарини очиб, унда нима борлигини кўздан кечиргандан кейин сардор, байроқдор ва жангчиларига мол-дунё улашибди. Хотин ва болаларни бўлиб берибди. Шу тариқа у ўн кунгача одамларига мол-дунё тарқатибди.

Бу ишлар ўтиб кетгач, бир куни кечаси Ғариб даҳшатли бир туш кўриб, чўчиб уйғонибди. Ваҳимадан юраги дукуллар, вужуди қалтирар экан. Нима қилишини билмай, укаси Саҳимни уйғотиб, тушини баён қилибди:

— Туш кўрибман,— дебди у,— бир водийда эмишмиш. Водий шундай кенг эканки, чеккаси кўринмасмиш. Шунда бизга иккита йиртқич ёввойи қуш ҳамла қилганмиш. Улар шундай каттаки, умримда бундай катта қушни ҳеч кўрмаганман. Найзадек катта чангаллари билан бизга ҳужум қилганмиш. Биз қўрқиб қочиб кетганмишмиш. Кўрган тушим мана шу.

Саҳим акасининг гапларини эшитиб: «Э шох, бу катта душманинг, ўзингни эҳтиёт тутиб, огоҳ бўлиб юр»,— дебди.

Шу бўлибди-ю, Ғариб туни билан ухламай чиқибди. Тонг отгач, отини эгарлаб келишни буюрибди-да, миниб, қаёққадир жўнаётганда, бирдан уни Саҳим кўриб қолиб:

— Йўл бўлсин, ака?— деб сўрабди.

Ғариб бўлса укасига ўгирилиб: «Э ука, юрагим жуда сиқилиб кетди, ўн кунча дала-ю даштни айлашиб келсам, зора тузалиб қолса»,— дебди.

— Узинг билан бирга мингта баҳодирни ола кет, ҳамроҳ бўлиб бориб келади,— дебди Саҳим унга.

— Хўп десанг, фақат икковимиз борамиз, бошқа ҳеч ким керак эмас,— дебди рад қилиб Ғариб Саҳимга.

Шу билан Ғариб ва Саҳим отланиб, йўлга тушишибди. Улар шу кетганларича водийма-водий, ўтлоқма-ўтлоқ юриб, ахири сердарахт, сермева, серсув ажойиб бир водийга бориб қолибдилар. Бу ерда ранг-баранг гуллар чамандек очилиб ётар, аяовоий қушлар эса бутоқларда вижирлаб куйлар экан. Булбул ўзининг ёқимли овози билан турли мақомда қўшиқ айтиб, мудроқ кўзларни очар, қумри бўлса сайраб, теварак-атрофни жаранглатар, майна худди одамга ўхшаб хирғойи қилар, каптару мусичалар куйига тўти завқ-шавқ билан жавоб қайтарар экан. Қатор-қатор ўсган дарахтларнинг меваси пишиб ётар экан...

Бу водий икковига ҳам маъқул бўлиб, отдан тушиб, меваларидан ейишибди, ариқ тўла оқаётган сувдан ичишибди, дарахт сояларида ўтириб, дам олишибди. Ниҳоят мудроқ босиб, иккови ҳам ухлаб қолишибди.

Саҳим билан Ғариб ухлаб ётганда, бирдан иккита даҳшатли морид пайдо бўлиб уларни елкасига қўйибди-да, осмону фалакка кўтарилиб кетибди. Бир вақт Саҳим билан Ғариб чўчиб кўзларини очишса, осмон билан ернинг ўртасида кетишаётган эмиш. Улар, бизларни ким кўтариб кетаётган экан, деб қарашса, иккита дев — морид. Биттасининг боши худди итникига, иккинчисининг боши маймунникига ўхшар, мисоли хурмо дарахтидек баҳайбат эмиш. Иккала девнинг сочи худди отнинг думига, панжаси эса шернинг чангалига ўхшар экан. Ғариб билан Саҳим бу аҳволни кўргач, «Оллоҳнинг қудрати зўр!» — деб хитоб қилибдилар.

Воқеа асли бундай бўлган экан: Муръиш деган жинлар подшоларидан бирининг Соиқ деган ўғли бўлиб, у жинлар тоифасидан бир гўзални севиб қо-


либди. У қизнинг оти Нажма экан. Соиқ билан Нажма иккови қуш қиёфасига кириб, шу водийда учрашиб турар эканлар. Ғариб билан Саҳим ул водийга келишганда Соиқ билан Нажмани қушлар орасида кўришибди-ю, лекин уларни оддий парранда деб ўйлаб, найза отишибди. Найза келиб, Соиққа санчилиб, тирқираб қон оқибди. Ғамгин Нажма менга ҳам найза келиб тегмасин деб ярадор Соиқни тутганича қочибди. У уча-уча, ниҳоят Соиқни отаси саройи эшигига элтиб ташлабди. Мулозимлар Соиқни кўтариб, отасининг олдига олиб кирибдилар. Муръиш ўғлининг қовурғасига найза санчилганини кўриб, хитоб қилибди: «Эвоҳ, ўғлим, ким сени бу куйга солди? Ушандай зот, агар жинлар шоҳи бўлса ҳам, ўлкасини хароб қилиб, ажалидан олдин ўлдираман»,— дебди у.

Шунда Соиқ пичирлаб: «Э отажон, менга ўқ санчан зот Чашмалар Водийсидаги инсондан ўзга эмас»—дебди. Шундай дебди-ю, унинг жони узилибди. Отаси бўлса, юзини юлиб, пешонасига ура бошлабди. Бақирганида ҳатто унинг оғзидан қон сачраб чиқибди. Шунда у икки девга хитоб қилиб: «Чашмалар Водийсига бориб, унда учраган зотнинг ҳаммасини менга олиб келинглар!»—дебди.

Шу билан моридлар Чашмалар Водийсига учиб кетиб, у ерда ухлаб ётган Ғариб билан Саҳимни кўтаришганича, Муръишнинг олдига олиб кетишаётган эканлар.

Саҳим билан Ғариб уйқудан чўчиб уйғонишса, осмон билан ер ўртасида учиб кетаётган эмишлар. Шунда улар: «Оллоҳнинг қудрати зўр!»—деб хитоб қилибдилар...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз эллик
биринчи кеча*



й, саодатли шоҳ, — деб давом этди Шаҳризод.— Иккала дев Ғариб билан Саҳимни кўтарганча ўз тахтида ўтирган жинлар шоҳи Муръишнинг олдига келтиришибди. У мисоли бир улкан тоққа ўхшаган бўлиб, танасида тўртта боши бор экан. Бошларининг бири шер, иккинчиси фил, учинчиси йўлбарс ва ниҳоят тўртинчиси қоплон боши экан. Иккала дев Ғариб билан Саҳимни Муръиш олдига қўйиб:

«Э шоҳ, Чашмалар Водийсида топган нарсамиз мана шу иккала зот бўлди, холос»,— дебди.

Девлар шоҳи Ғариб билан Саҳимга ғазаб билан ўқрайиб, наъра тортган экан, бурун тешикларидан ўт отилиб чиқибди, ҳамманинг ўтакаси ёрилибди.

— Ҳей, ит инсонлар! Сизлар менинг арзанда боламни ўлдириб, юрак-бағримни эздинглар, вужудимни ўтга солдинглар!— деб хитоб қилибди.

Ғариб бўлса, ҳайрон бўлиб: «Қанақа болангни ўлдирибмиз? Қани, ким кўрибди ўлдирганимизни?»— деб сўрабди. Шунда шоҳ: «Чашмалар Водийсида юрган вақтларингда қуш қиёфасида юрган ўғлимга камондан ўқ узган сенлар эмасмидиларинг?!»— дебди дўқ билан кўзларини лўқ қилиб.

— Қушни ким ўлдирганини билмаймиз,— дебди Ғариб,— раббул азим ва воҳидул қадим ҳақи, ҳар нарсани билувчи тангри ва унинг дўсти Иброҳим ҳақи, биз қушни кўрганимиз ҳам, паррандани ўлдирганимиз ҳам йўқ!— дебди.

Муръиш Ғарибнинг оллоҳ таоланинг ва пайғамбар Иброҳим Ҳалилуллоҳнинг номини тилга олиб

қасам ичганини кўриб, булар мусулмон эканини билибди. Муръишнинг ўзи бўлса, ўтпараст экан. Шоҳ: «Менинг раббимни олиб келинглар!»— деб буюрибди. Дарров олтин ўчоқ келтиришиб шоҳнинг олдига қўйишибди-да, олов ёқишибди. Унга доривор гиёҳлар ташлабди. Бундай қарашса, унда яшил, сариқ алангалар лопиллаб чиқаётган эмиш. Шоҳдан тортиб, бу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси шу заҳоти ўчоққа сажда қила бошлашибди. Ғариб билан Саҳим эса, яккаю ягона оллоҳни зикр қилиб, такбир айтибдилар.

Подшо бошини кўтариб қараса, Ғариб билан Саҳим ўтга ибодат қилмай, қаққайиб туришганмиш. «Ҳей итваччадар, нега сажда қилмаяпсизлар?!»— деб бақирибди. Шунда Ғариб:

— Ҳей ҳасратда қолгур малъумлар, фақат ҳақиқий раббимга ибодат қилинади, у барча нарсаларни йўқлик олаmidан борлиқ оламига келтирувчи, тоғу тошлардан чашмалар чиқарувчидир. Бу чашма сувлари туғувчида туғилувчига нисбатан меҳрибонлик уйготлади. У таигри ягона қаҳқордир,— дебди.

Бу сўзларни эшитар экан, Муръишнинг кўзлари тиниб, боши гангиб, одамларига: «Бу иккала итнинг қўл-оёғини боғлаб, менинг раббимга қурбонлик қилинглар!»— деб бақирибди. Ғариб билан Саҳимни боғлашиб, энди оловга ташлаймиз деб туришганда, бирдан қасрнинг кунгирали пешайвони, мрамар тошлари билан олтин ўчоқ устига қулаб тушибди-да, оловни ўчириб, кулларини кўкка совуриб юборибди.

Ғариб севиниб кетиб: «Оллоҳу акбар! У қўллади, раббим ҳаммасидан улуғ!»— дебди. Шунда шоҳ чидамай:

— Сен сеҳргарсан, менинг раббимни сеҳрлаб, ма-на шу балога гирифтор қилиб қўйдинг!— деб бақирибди.

Ғариб бўлса:

— Э тентак, агар бу ўт ҳақиқатан тангри бўлиб, сен айтган куч-қудратга эга бўлганда, у ўзини бу фалокатдан қутқарган бўлар эди,— дебди.

Бу гапни эшитиб, Муръиш пишқирибди, ўшқирибди, уни хижолатга қўйган ўтни қарғабди, кейин: «Диним ҳақи, сенларни ўтда куйдириб ўлдираман!»— деб хитоб қилибди. Шоҳ Ғариб билан Саҳимни қамаб қўйишга буйруқ бериб, юз нафар девларига кўп ўтин келтириб ўт ёқишни топширибди. Девлар шоҳ буйруғини бажо келтиришибди, даҳшатли ўт кечқурундан то эрталабгача алангаланиб ёнибди.

Шундан сўнг Муръиш фил устига ўрнатилиб, қимматбаҳо жавҳарлар билан безатилган олтин тахтига ўтирибди, теварагини жудаям кўп жинлар ўраб олибди. Ғариб билан Саҳимни келтиришибди. Улар гувиллаб ёнаётган оловни кўргач, доимо ўзи паноҳ берадиган улуғ тангрига ёлворишиб, нажот сўрашибди. Шу чоғ ғарбу шарқдан бирдан қора булут чиқиб, осмони фалакни қоплаб олибди-да, шариллатиб ёмғир қуйибди. Сувман деган мисоли бир дарёдай оқиб, ловиллаб ёнаётган ўтни ўчирибди. Бу воқеадан шоҳ ҳам, унинг жин аскарлари ҳам қўрқиб қасрларига кириб кетишибди. Шоҳ ўз вазири ва аъёнларига қараб: «Хўш, бу икки одам зоти ҳақида нима дейсизлар?»— дебди. Улар бўлса:

— Э шоҳ, агар улар ҳақ йўлда турмаганларида оловимиз бу балога гирифтор бўлмас эди, бизнинг фикримизча, уларнинг иккови ҳам тўғри ва ҳақ йўлда туришганга ўхшайди,— дейишибди. Шоҳ уларга:

— Менга ҳам ҳақ ва тўғри йўл кўриниб қолди, оловга ибодат қилиш бўлмағур нарсага ўхшайди!

Негаки, агар у чиндан ҳам қудрат эгаси бўлганда, ўзини ўчирган ёмғирдан қутула оларди, ўчоқни бузган тошдан сақлана оларди. Кули кўкка совурилиб кетди-ю, унинг парвойи фалак. Мен бўлсам, нур ва зулмат ҳамда ҳароратни яратган деб нуқул оловга ишониб юрардим. Қани, сизлар нима дейсизлар?

Шунда вазир ва аъёнлари:

— Э шоҳ, биз ҳам сенинг изингдан борамиз, биз сенинг фармонбардоринг, итоаткорингмиз,— дейишибди. Шундан сўнг шоҳ ўз даргоҳига Ғарибни чакиртирибди. Ғариб киргач, шоҳ ўрнидан туриб, уни қучоқлабди ва пешонасидан ўпибди. Саҳимни ҳам шундай қилибди. Кейин Ғариб билан Саҳим олдига қўшин келиб, улар ҳам ўпишга тушишибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз эллик
иккинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— жинлар шоҳи Муръиш ўз қавмлари билан иломни тўғри йўл деб билгач, Ғариб билан Саҳимни ўз даргоҳига келтиришни буюрибди ва келган ҳамон уларнинг пешонасидан ўпибди, аъёнлар ҳам тўпланишиб, шоҳга ўхшаб иззат-ҳурмат билан уларни қўлу бошларидан ўпа бошлабди.

Сўнгра Муръиш шоҳ ўз тахтига чиқиб, Ғарибни ўнгига, Саҳимни сўлига ўтказгач, сўрабди:

— Э энсон!— дебди шоҳ,— нима десак, биз ҳам мусулмон бўламиз?

— У оллоҳдан бўлак илоҳ йўқ, Иброҳим унинг дўсти десаларинг, мусулмон бўласизлар,— дебди Ғариб. Шоҳ ва унинг қавми калима келтириб, жону дилдан мусулмончиликни қабул қилибди. Ғариб бўлса, уларга намоз ўқишни ўргата бошлабди.

Шу орада Ғариб ўз одамларини эслаб уҳ тортибди. Жинлар шоҳи унга: «Келган қайғу-алам кетиб, ўрнига шоду хуррамлик келди. Нега уҳ тортасан?»— дебди. Бу гапни эшитиб, Ғариб: «Э шоҳ, менинг душманим кўп, ўз одамларимни ўйлаб, хавотир оляпман»,— дебди ва унга акаси Ажиб билан бўлган воқеани бошдан-оёқ ҳикоя қилиб берибди. Унинг дардини эшитган жинлар шоҳи: «Э инсонлар подшоҳи,— дебди унга,— одамларингдан хабар олиб келиш учун айғоқчиларимни юбораман, сен бамайлихотир гаштингни суриб юравер, мен дийдорингга тўймагунимча сени ҳеч қаёққа юбормайман»,— дебди.

Жинлар шоҳи дарров Қайлажон ва Қуражон деган иккита барзанги девларини чақирибди. Улар шоҳ даргоҳида таъзим қилиб, ер ўпганидан кейин, шоҳ уларга: «Дарров Яманга отланинглар, у ердан бу икки инсоннинг қўшину аскарлари ҳоли-аҳволини билиб келинглар!»— деб буюрибди. Иккала дев шоҳга қуллуқ қилиб: «Фармони олийларини бажону дил бажарамиз»,— дейишибди-да, Яман томонга учиб кетишибди.

Ғариб ва Саҳимни жинлар шоҳи Муръиш» ҳузурда қўйиб, мусулмон аскарларига келсак, улар эртасига тонг отгач, ўз сардорлари билан отланишиб, Ғариб фармонини бажариш учун қасрга келишибди. Сарой ходимлари эса уларга: «Подшо ўз укаси билан отланиб, тонг саҳарда қаёққадир чиқиб кетган»,— дейишибди. Сардорлар тоғу даралардан уларни ахтара кетишибди. Изма-из қидириб-қидириб, ниҳоят

Чашмалар Водийсига етиб келишибди-ю бир жойда Ғариб билан Саҳимнинг қурол-яроғлари ва ўтлаб юрган отларини кўриб қолишибди. Сардорлар из топилганидан кейин: «Шоҳ худди мана шу атрофда бўлиши керак!»— дейишибди. Сўнгра теварак-атрафга тарқалишиб уч кеча-ю кундуз тоғу тош дейсизми, ўру қир дейсизми — ҳамма ёқни роса қидиришибди, лекин улардан ҳеч қандай дарак топишолмабди. Ҳаманинг боши қотиб, уларга аза тутишибди. Аммо ноумид шайтон деб чопарларни чақиришибди-да, уларга: «Барча шаҳару ўлкалар бўйлаб тарқалинглар, дуч келган кўрғону қалъаларни тинтиб, шоҳимиз дарагини топиб келинглар!»— дейишибди. Чопарлар қуллуқ қилиб: «Бажону дил!»— дейишибди. Шу билан чопарларнинг ҳар бири биттадан иқлимга қараб йўл олибди.

Ажиб бўлса ўз жосуслари орқали укаси Ғарибнинг дом-дараксиз кетганини эшитгач, ўзида йўқ севиниб кетибди. Кейин эса у Яъруб ибн Қаҳтон ҳузурига кириб, паноҳ сўрабди. Яъруб бўлса, унга икки юз минг амолақийлардан берибди. Энди у юрак бетлаб аскарлари билан Уммон шаҳрига келиб тушибди. Унга Жамарқон билан Саъдон қарши чиқибди. Орада қаттиқ тўқнашув бўлиб, жуда кўп мусулмонлар қирилибди. Шунда улар қочиб шаҳарга кириб, дарвозани қулфлаб олибдилар.

Ана шу пайтда Қайлажон билан Қуражон етиб келиб мусулмонларнинг қуршовда қолганини кўрибди. Улар қош қорайгунча сабр қилиб, пойлаб туришибди-да, тун киргач, босиб келадиган сенмисан деб, қиличлари билан уларни савалаб кетибди. Бу жинлар қиличининг узунлиги ўн икки газ бўлиб, тошга урса кесар экан. Иккала морид уларга ҳамла қилганида: «Оллоҳу акбар!»— деб хитоб қилар экан.

Улар босқинчиларнинг гирибонидан бўғиб, ҳамма ёқни ўлик билан тўлдириб юборибди, улар пишқирган сари оғиз ва бурунларидан гувиллаб олов чиқиб турар экан. Душман, бундай даҳшатни кўриб, вужудлари ларзага келиб, сочлари тикка бўлибди, юраклари орқаларига тортиб, кайфлари учиб кетибди.

Эсанкираб қолган душман қурол билан бир-бирларига ҳамла қила бошлашибди. Девлар бўлса, бир чеккадан уларнинг калласини олаверибди. Улар ҳар ҳамла қилганида:

Оллоҳу акбар! Биз — жинлар шоҳи Муръишнинг дўсти Ғариб шоҳнинг қулларимиз!— дейишар экан. Шу тариқа жанг давом этиб, ниҳоят ярим кеча бўлибди, иккала девнинг даҳшатидан довдираб қолган душманга тоғу тош, ўру қир — бари аскар бўлиб туюлибди. Улар бу қирғинга дош бермай, чодирларини йиғиштириб, мол-дунёларини туяларга ортиб, қочишга тушибди. Биринчи бўлиб Ажибнинг ўзи қочиб қолибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Шунда синглиси опасига қараб:

— Э опажон, ҳикоянгиз қандай қизиқ-а, бундан қизиқроқ ва бундан яхшироқ ҳикоянинг бўлиши мумкин эмас,— дебди.

Опаси бўлса:

— Э синглим, агар шоҳим мени тирик қолдирсалар, келасида айтиб берадиган ҳикоям олдида бунинг ҳеч қандай қизиғи ҳам йўқ,— дебди.

Буни эшитган шоҳ ўзича ўйлаб: «Буни ўлдирмай тура турай, олдин қолган ҳикояларини эшитиб олай, кейин ўлдирарман»,— дебди.



*Олти юз эллик
учинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— душманлар ашқол-дашқолларини йиққанича, қочишга тушибди, биринчи бўлиб Ажибнинг ўзи қочиб қолибди. Мусулмонлар бўлса йиғилиб, ғанимларнинг аҳволига таажжуб билан боқишибди-ю, лекин ўзлари ҳамма ёқни тўс-тўполон қилиб юрган девлардан хавфсирашибди. Девлар ҳамон душманларнинг кўзини счирмай савалаб, ниҳоят ҳаммасини қириб, қочганларини чўлу биёбонларга қувиб тумта-рақай қилибди.

Шундай қилиб, икки юз минг лашкардан фақат эллик минггина саломат қочиб, ўз ватанлари томон йўл олибди. Шундан сўнг девлар мусулмонларга қараб: «Э аскарлар, бошлигингиз Ғариб шоҳ ва унинг укаси Саҳим сизларга салом йўллади, ҳозир улар жинлар шоҳи Муръишнинг меҳмони, яқин орада олдингизга қайтиб келади»,— дебди. Аскарлар Ғарибнинг соғ-саломатлик дарагини эшитиб, ўзларида йўқ хурсанд бўлиб кетишибди ва уларга қараб: «Э кароматли руҳлар, сизларни ҳам олмоҳ яхши хабарлар билан хурсанд қилсин!»— дейишибди.

Шундан сўнг девлар қайтишиб, Ғариб ва Муръиш шоҳ даргоҳига кирибди. Иккала шоҳ гаплашиб ўтиришган экан. Улар ҳамма кўрган-билган ва қилган ишларини гапириб беришибди. Подшолар улардан хурсанд бўлиб, дуо қилишибди, Ғариб анча хотиржам бўлиб ўтирибди. Подшо Муръиш унга:

— Э биродар, мен сени айлантириб, еримизни томоша қилдирсам, ҳатто Ёфас ибн Нух алайҳисса-

ломнинг шаҳрини кўрсатсам, деган ниятдаман,— дебди. Ғариб бўлса:

— Э шоҳ, сен нима десанг шу,— дебди.

Шоҳ дарҳол қулларини чақириб, иккита от келтиришни буюрибди, фармон бажарилгач, Ғариб билан Саҳим отга минишибди, шоҳ бошлиқ минг нафар дев ҳам улар билан бирга борибди. Улар гўё узунасига кесилган улкан бир тоққа ўхшаб йўлга тушибдилар. Тоғу водийларда ўйин-кулги қилиб, шод-хуррам бўлишиб, ниҳоят Ёфас ибн Нух алайҳиссалом шаҳрига кириб келишибди. Шунда шаҳарнинг катта-ю кичик, барча аҳолиси уларга пешвоз чиқиб, Муръишни кутиб олибди.

Шу тариқа Муръиш дабдаба билан шаҳарга кириб келибди-да, Ёфас ибн Нух қасрига чиқиб, подшолик тахтига ўтирибди. Тахт эса мрамрдан ясалган бўлиб, панжараларига қумуш хал ишлатилган экан. Баландлиги ўн пиллапояча келадиган бу тахтга алвон ранг ипакликлар тўшалган экан. Шаҳар аҳолиси унинг ҳузурига келгач, шоҳ:

— Э Ёфас ибн Нухнинг зурриётлари, ота-бобонгиз нимага сизиниб келган эди?— деб сўрабди.

— Билишимизча, ота-боболаримиз оловга сизинишар эди, биз ҳам уларнинг изидан бордик, буни ўзинг ҳам яхши биласан,— дейишибди.

Шоҳ бўлса:

— Э халойиқ,— дебди,— агар ишонсангиз, олов оллоҳ таоло яратган нарсалардан бири эканини кўрдик. Бунга ишонганимдан кейин, ўша заҳотиёқ мусулмончилиқни қабул қилдим. Ҳақиқатан ҳам у оллоҳ яккаю ягона, барчага эгалик қилувчи, кеча-ю кундузни яратган, фалак гардишини юритгандир. Ў ҳеч кимга кўринмайдиган, аммо ўзи ҳаммани кўриб, билиб турадиган лутф-эҳсонли, ҳар нарсадан воқиф-

дир. Ҳаммангиз исломни қабул қилинглари, шунда жаббор таолонинг ғазабидан қутулмасиз, охирада эса дўзах азобидан халос бўласиз,— дебди.

Шундан сўнг барча аҳоли жон-дили билан му-сулмон бўлибди.

Муръиш бўлса Ғарибни Ёфас қасрига бошлаб бориб, унинг қандай қурилганини ва унда нима ажойиботлар борлигини кўрсатибди. Юриб-юриб улар қуро-рол-яроғхонага киришибди. Бу ерда Муръиш Ёфас қуролини кўрсатибди. Ғариб олтин қозикқа осиб қўйилган қилични кўриб: «Э шоҳ, бу кимнинг қиличи?»— деб сўрабди. Шоҳ унга жавобан:

— Бу Ёфас ибн Нухнинг қиличи,— дебди,— у бу билан инсу жинлар билан жанг қилган. Бу қилични Жардум деган ҳақим ясаган, унинг сопига улуг исм-лар ёзилган. Агар бу қилич билан тоғни урса, шартта иккига бўлиб юборади. Шунинг учун ҳам бунга моҳиқ — қирувчи деб ном берилган, у қандай нарсага тегмасин, қийма-қийма қилиб ташлайди, инс-жинс-нинг ҳеч қайсиси бундан омон қутулолмайди.

Қиличнинг фазилат ва хосиятлари ҳақида айтилган гапларни эшитиб, Ғариб, «Мен бу қилични ушлаб кўрмоқчиман»,— дебди. «Кўтаролсанг, марҳамат!»— дебди шоҳ Муръиш. Ғариб қилични қўлига олиб, қинидан суғурган экан, ялтираб тифида худди ўлим намоён бўлгандай туюлибди. Унинг узунлиги ўн икки қарич, эни эса, уч қарич экан. Ғарибнинг ҳаваси келиб, олишга рухсат сўраган экан, Муръиш: «Агар у билан урушишга қодир бўлсанг, ола қол»,— дебди. Ғариб севиниб: «Хўп, уни олдим»,— дебди. У қилични қўлига олган экан, унда худди бир ҳассага ўхшаб кетибди. Ҳозир бўлган одамлар таажжубланиб: «Э чавандозлар сардори, бу қилич сенга ярашди»,— дейишибди. Муръиш бўлса: «Сен энди

дунё шоҳларини ҳасратда қолдирадиган бу заҳирага: қўл уриб, мана бу отга мин, сени сайр қилдираман»,— дебди.

Шу билан Ғариб ҳам, Муръиш ҳам отларига минишибди, инсу жинс — ҳаммаси кетларидан тизилашиб, уларнинг хизматини бажо келтиришиб бораверибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз эллик
тўртинчи кеча*



й саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Ғариб ва Муръиш отларига миниши билан инсу жинс-

лар ҳам уларга хизмат қилиш учун орқаларидан пиёда йўлга тушибди. Улар қаср ва уйларни, кўча ва гузарларни томоша қилишибди. Шаҳар дарвозасидан чиқиб, сердарахт, сермева боғу бўстонларни кезиб, роса гашт қилишибди. Гулистонларда анвойи паррандалар ғужурлашиб, қудрату ва бақо зотини

мадҳ этиб куйлармиш. Ниҳоят, кеч кирибди. Қош қорайгач, кетларига қайтиб, Ефас ибн Нух қасрида тунашибди. Эрталаб дастурхон ёзилиб, таом келтирилибди. Овқатланиб ўтиришганда Ғариб жинлар шоҳи Муръишга ўгирилиб: «Э шоҳ, мен ўз одамларим ва қўшинларим олдига боришим керак, мenden кейин уларнинг ҳоли не кечди экан»,— дебди.

— Э биродар,— дебди Муръиш унга жавобан,— худо ҳақи, сендан ҳеч ажралгим келмаяпти, дийдорингга роса тўймагунимча, бир ойсиз сенга жавоб бермайман. Ғариб унинг раъйига қараб, қаршилик кўрсатмабди ва бир ойгача Ефас шаҳрида қолиб ке-

тибди. Кетиш маҳали етгач, шоҳ зиёфатида бирга еб, ичишибди. Кейин Муръиш унга анвойи қимматбаҳо совғалар ҳадя қилибди. Ҳадялар ичида дуру гавҳарлар, зумраду ёқутлар, олмос тошлар, бўлак-бўлак олтину кумушлар, шунингдек, мушку анбарлар ва зар чекиб тикилган ипак кийимликлар бор экан. Ғарибга ҳам, Саҳимга ҳам зарбоф шоҳи саруполар кийдирибди, булардан бошқа дуру гавҳарлардан бир тож ясатиб Ғарибга кийгазибди. Бу шундай қимматбаҳо нарса эканки, ҳатто нархини аниқлаш ҳам қийинмиш. Сўнгра бу ҳадяларнинг барчасини қоп-халталарга солиб, беш юз моридларини чақириб, уларга: «Эртага сафарга тайёрланинг, Ғариб шоҳ билан Саҳимнинг юртларига кузатиб қўямиз»,— дебди. «Бош устига, фармони олийларини бажаришга тайёрмиз!»— дейишибди улар. Ҳаммалари эртанги сафарга отланиш кайфияти билан тунашибди. Эрталаб бирдан отларнинг дукур-дукури, дўмбираларнинг дапир-дупури, карнайларнинг ғат-ғут овозлари ҳамма ёқни гутиб кетибди. Бу тўполон етмиш минг учувчи ва шўнғувчи девларнинг ғавғоси экан. Уларнинг подшоларини Барақон деб аташар экан.

Бу лашкарларнинг келишига ажиб бир нарса сабаб бўлган экан. Биз буни бир бошдан батартиб гапириб берамиз.

Барақон Ақиқ шаҳри ва Олтин қасрининг соҳиби бўлиб, у бешта хумга ҳукмрон экан. Бу хумларнинг ҳар бирида беш юз мингдан жин-морид бор экан. У ўз қавми билан ўтга сиғинар экан. Барақон Муръиш билан амакивачча экан. Муръиш ҳукмронлигидаги моридлардан бири қўрққанидан, номигагина имон келтириб, мусулмон бўлибди-ю, аслида ўз динида қолаверибди. Ўша морид ўз қавмидан бекиниб, қочиб қанча ерларни босиб ўтибди ва Ақиқ Водийси-

га борибди-да, Барақон ҳузурига кириб ер ўпиб, таъзим қилибди ва «Доимо иззат-икромда бўлгин»,— деб дуо қилибди. Сўнгра Муръиш шоҳ ҳақида сўз очиб, унинг мусулмон бўлганини гапириб берибди. Шунда Барақон қочоқдан: «Не сабабдан Муръиш ўз диндан воз кечди?»— деб сўрабди. Морид унга бўлган воқеанинг ҳаммасини ипидан-игнасигача гапириб берибди. Унинг сўзларини эшитгач, Барақон ўшқириб, наъра тортибди, қуёш ва ой ўт ва учқунларни сўкибди. «Диним ҳақи,— деб қасам ичибди у,— мен амакиваччамни ва унинг қавмини, ўша одамни ҳам омон қўймай, ҳаммасини қириб ташлайман!»

Шундан сўнг у ўз қавмидан етмиш минг моридни сайлаб олибди-да, отланиб, йўлга тушибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, ниҳоят, Жабарсо деган шаҳарга етиб келиб, атрофини ўраб, шаҳар дарвозасининг рўпарасига чодир тикибди. |

Шаҳар теварагида бўлаётган тўс-тўполонни эшитган Муръиш бир моридни чақириб унга: «Бор, анови аскарларнинг олдига бориб, мақсадларини билиб, дарров қайт!»— дебди тайинлаб. Морид ғириллаб ҳаш-паш дегунча Барақон чодирга етибди. Шунда унинг одамлари тўхтатиб: «Сен кимсан?»— деб сўрашган экан, у: «Мен Муръишнинг элчисиман»,— деб жавоб берибди. Бундан кейин уни Барақон шоҳнинг олдига киритишибди. У кириши билан дарҳол сажда қилиб, ер ўпгач:

— Э мавлоно, менинг хожам нима гаплигини билиб келиш учун сизларнинг ҳузурингизга юборди,— дебди.

— Хожанг ҳузурига бориб, амакиваччанг келди, сенга салом йўллади, деб айт!— дебди Барақон.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Буни эшитиб синглиси опасига: «Ҳикоянг шундай ажойиб, шундай қизиқки, бундан қизиқ ҳикоя бўлган эмас»,— дебди. Опаси бўлса: «Бе, шуюм қизиқмишми, агар подшоҳим мени омон қўйсалар, келгуси кеча айтиб берадиган қиссам олдида бу ҳеч гап эмас»,— дебди.

Буни эшитган шоҳ ўзича: «Кел, то қолган ҳикоясини ҳам эшитиб олгунимча буни ўлдирмай тура турай»,— деган фикрга келибди.



*Олти юз эллик
бешинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Муръишнинг элчиси Барақон ҳузурига киргач, унга: «Э мавлоно, менинг хожам ни-ма гаплигини билиб келиш учун сизларнинг ҳузурингизга юборди»,— дебди. Барақон бўлса: «Хожанг ҳузурига бориб амакинг ўғли Барақон келди, сенга салом йўллади, деб айт!»— дебди.

Морид ўз хожаси олдига қайтиб, уни бу гапдан хабардор қилибди. Муръиш Ғарибга: «Сен ўз тахтингда ўтириб тур, мен амакиваччам билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, қайтиб келаман»,— дебди-да, отланиб йўл олибди. Барақон бўлса, бу гапни фирибгарлик мақсадида айтган экан. Кўришгани келганда Муръишни тутиб олмоқчи бўлган Барақон ён-верисига моридларни тизиб: «Мен у билан қучоқлашиб кўришаётганимда дарров уни тутиб боғланглар»,— деб тайинлабди. Моридлар эса: «Буйруғингизни жон-дилимиз билан бажарамиз!»— дейишибди.

Шу орада Муръиш шоҳ унинг қароргоҳига кириб кела бошлабди. Барақон ўрнидан туриб, уни қучоқ-

лаши билан теваракдаги жинлар ёпирилиб унинг қўл-оёғини боғлаб олишибди. Муръиш Барақонга тикилиб: «Бу нима қилганинг?» дебди. Барақон бўлса унга: «Э жинларнинг ити, ўз дининг, ота-онанг, аждодинг динидан чиқиб, ёд бир динга кирадиган сенмисан ҳали?»—дебди. Муръиш унга: «Э амаки, мен Иброҳим Ҳалиллулоҳнинг динини тўғри деб топдим, ундан бошқаси ёлғондақа экан»,—дебди. Барақон бўлса: «Ким айтди сенга бунини?»—деб бақарибди. «Бунини менга Ироқ шоҳи Ғариб айтди, у ҳозир менинг энг иззатли меҳмоним»,—дебди у.

— Ёниб турган ўт ҳақи, нуру зулмат ва ҳарораглар ҳақи, ҳаммангизни қириб ташлайман!—дебди, Барақон ўшқариб.

Шундан кейин Муръишни қамаб қўйишибди. Хожасининг аҳволини кўрган бир хизматкор югурганча шаҳарга келиб сардору аъёнларга Муръишнинг бошига тушган фожиасини айтиб берибди. Ҳаммаси чувллашиб, отларига мина бошлашган экан, бунини кўрган Ғариб: «Нима гап?»—деб сўрабди. Унга воқеани айтишибди. У дарҳол Саҳимни чақариб, «Муръиш шоҳ бизга совға қилган ўша икки отнинг бирини эгарла!—дебди. Саҳим Ғарибга: «Э ака, сен анови жинлар билан олишмоқчимисан?»—дебди. «Ҳа, мен Ефас ибн Нух қиличини тутиб ўшалар билан олишаман ва Иброҳим Ҳалиллулоҳга сиғиниб, қўллашини сўрайман»,—дебди Ғариб.

Шу билан Саҳим ўз акаси Ғарибга жинларнинг дулдуллар дулдули чавқар отини эгарлаб берибди, у қурол-яроғларини олганича, отга миниб жўнабди, жинлар қўри ҳам қалқонларини кийиб чиқибди. Барақон ҳам ўз қавмлари билан тайёрланиб жангга чиқибди, иккала томон жанг бошлабди. Биринчи бўлиб жанг бошлаган Ғариб от чоптириб,

майдонга кирибди-да, Ефас ибн Нух алайҳиссалом қиличини яланғочлабди. У қилич шундай эканки, агар қинидан суғурилса, ҳамма ёқ ялтиллаб кетиб, унга қараган зот кўздан ажралар экан-да, душман кўнглига даҳшат ва қўрқув солар экан. Ғариб қилич ўйнатиб, барча душман жинларнинг кайфини учириб юборибди. Кейин у хитоб қилиб такбир айтибди ва «Мен Ғариб, Ироқ шоҳиман, Иброҳим Ҳалиллуллоҳнинг динидан бўлак дин йўқ!»— дебди.

Барақон унинг бу гапини эшитиб: «Амакимни ўз динидан оздириб, ғайри динга киритган мана шу экан,— дебди у,— ўз диним ҳақи, онт ичиб айтаманки, то унинг бошини танидан жудо қилмагунимча, амакимни яна ўз қавми билан эски динига қайтармагунимча, тахтимга ўтирмайман».

У шундай дебди-ю, қоғоз ранг оппоқ филига минибди; фил шундай улкан эканки, худди дабдабали бир гумбазга ўхшар экан. Барақон қичқириб, пўлат найза отган экан, у филга санчилибди. Фил пишқирибди, Барақон бўлса, уни чоптириб, жанг майдонига жадаллабди. У Ғариб рўбарўсига келгач, ваҳимали ўшқириб:

— Ҳей, ит эмган инсон!— дебди у,— сени бу ерга ажал ҳайдаб келдими, нега келдинг? Сен менинг амаким ва унинг қавмини диндан оздирдинг! Билиб қўй, бугун сенинг ажалинг етган куни, дунёдан кўз юмадиган кунинг.

Ғариб унинг бу гапларини эшитиб:

— Қоч жинвачча, қиличим қонсираб турибди!— деб қичқирибди.

Барақон жаҳл билан Ғариб томонга найза отибди, лекин найза хато кетибди. Иккинчи найза отган экан, Ғариб чағ бериб уни илиб олибди-да, Барақоннинг филига қараб отибди. Найза филнинг бир биқи-

нидан кириб, иккинчи биқинидан чиқиб кетибди, фил ўша заҳоти ерга йиқилиб, ўлибди. Барақон бўлса фил устидан катта бир хурмо дарахти йиқилгандек ағдарилиб тушибди. Ўзини ўнглаб олгунча қўймай, Ғариб ҳамла қилиб Ёфас ибн Нух қиличи билан бўйнига туширибди. Барақон шилқ этиб беҳуш йиқилибди. Моридлар дарҳол унинг қўл-оёғини боғлашибди. Барақон қўридаги лашкарлар ўз шоҳларининг мушкул аҳволини кўриб, уни озод қилиш ниятида, ҳужумга ўтишибди. Лекин Ғариб бўш келмабди. Тангри Ғарибнинг кучига куч, қудратига қудрат қўшиб, уни қўллабди. У тилсим қилич билан душманни қириб хумордан чиқа берибди. У кимга қилич кўтарса, у тил тортмай ўлар ва жони танидан чиқмасданоқ оловда куйиб, кули кўкка совурилар экан. Жинлар ҳам босқинчи жинларга ҳужум қилиб оловли найзалар ота бошлабди, тўс-тўполон бўлиб, ҳамма ёқни тутун босиб кетибди. Ғариб гоҳ у ёққа-гоҳ бу ёққа жавлон урган сари душман ҳар ёққа тумтарақай қочаверибди. Ғариб шоҳ от суриб, ниҳоят Барақон қароргоҳига кирибди-да, шоҳ чодирини олдида турган Қайлажон билан Қуражонга бақирди: «Қани, хожа-ларингни дарров ечиб юборинглар-чи»,— деб буюрибди. Улар шу заҳоти арқонни ечиб, кишанларни парчалаб ташлашибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Ҳикояни эшитган синглиси қаттиқ бир оҳ тортибди ва: «Э опажон, ҳикоянг мунчаём қизиқ, бундан дурустроқ, бундан қизиқроқ ҳикоя бўлмаса керак»,— дебди. Опаси эса, синглисига: «Бе, шуям қизиқмишми, агар подшоҳим мени тирик қолдирсалар, келаси кечаси шундай ажойибини айтиб берайки, унинг олдида бу айтиб берганларим ҳеч нарса ҳам бўлмай

қолади»,— дебди. Буни эшитган подшо: «Кел, то ҳи-
коясининг давомини эшитиб олгунимча, буни ўлдир-
май тура турай»,— деб ўйлабди ўзича.



*Олти юз эллик
олтинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб
давом этди Шаҳризод,—
Ғариб от чоптириб ке-
либ, Қайлажон билан
Қуражонга бақириб: «Қани, хо-
жаларингни дарров ечиб юборинг-
лар-чи!»— деб буюрибди. Улар шу
заҳоти арқонни ечиб, кишанларни
парчалаб ташлашибди. Озод бўл-
ган Муръиш шоҳ: «Менинг қурол-
яроғим билан учар отимни келти-
ринглар!»— дебди.

Подшонинг иккита учар оти бў-
либ, уларнинг бирини Ғарибга совға қилган, иккин-
чиси ўзида қолган экан. Муръиш уруш анжомлари-
ни кийиб, қуролларини таққач, унга учар отини
келтиришибди. Икковлан душманга ҳамла қилишиб-
ди. Уларнинг тагидаги отлар учибди, орқаларида
қўрлари учибди, иккала шоҳ такбир айтиб, бақириб,
ҳужумга ўтаверибди. Уларнинг қийқириқларидан
осмону замин даҳшатга келибди. Тоғу даралар, ўру
қирлар янграб, акс садо чиқарибди. Шу тариқа улар
ўттиз мингдан кўпроқ мориду шайтонларни қириб,
ер билан яксон қилгандан сўнг, Ефас шаҳрига қай-
тибдилар. Иккала шоҳ тўрға ўтириб, Барақонни кел-
тиришни буюришган экан, қарасалар, у йўқ, қиди-
риб уни ҳеч ердан топиша олмабди.

Уни асир олишгач, ҳаммалари уруш билан бўлиб,
Барақонни унутиб қўйган экан. Шу чоқ унинг хо-
димларидан бири жадаллаб келиб дарҳол унинг қўл-
оёғини ечиб, кўтарганича жанг майдони тепасидан

учиб ўтибди. Барақон қараса, баъзи аскарлари ўлиб, баъзиси қочиб кетяпти. Барақонни кўтариб олган ходим ҳам қочоқлар билан осмонга кўтарилиб учиб, Ақиқ шаҳрининг Олтин қасрига келтириб туширибди. Барақон тахтига ўтириши билан ҳузурига қирғиндан қочиб, омон қолган қавми келиб, уни саломат қутулганлиги билан табриклабди.

— Э қавм!— дебди шоҳ,— менинг тинкам қуриди, барча лашкарларим ер билан яксон бўлиб, ўзимни асир олишди, жинлар қабиласи ичида мен шарманда-ю шармисор бўлдим, ахир бундан ортиқ хорлик, таҳқирлаш бўладими.

— Э шоҳ,— деб жавоб берди Барақон қавми,— шоҳликнинг иши шу, гоҳ енгади, гоҳ енгилади. Барақон: «Мен, шак-шубҳасиз қасдимни олиб, ориятимни тиклашим керак, бўлмаса жинлар қабиласи орасида шарманда бўлиб қоламан»,— дебди.

Шундан сўнг у хат ёзиб, қўрғон оғаларига юборган экан, итоаткорона қуллуқ қилиб уч юз минг морид, йигирма минг деуу шайтон ҳузурига келибди. Улар: «Қани бизга хизматингни буюравер, жон-дили-миз билан бажарамиз»,— дейишибди. Подшо уларга: «Уч кундан кейин жангга чиқамиз, ҳозирлик кўринг!»— деб буюрибди. Жинлар эса: «Жону дилимиз билан бажарамиз!»— дебди. Барақон билан бўлган воқеа мана шу экан.

Аммо Муръишга келсак, у қайтиб келгач, Барақонни қидиртирибди-ю лекин топилмабди; шунда алам қилиб: «Унга қараб туриш учун юзта моридни қўйганимизда ҳеч гап йўқ эди. Ҳа, майли, у биздан қаерга ҳам қочиб қутулади»,— дебди. Сўнг Фарибга боқиб:

— Билиб қўй, биродар,— дебди у,— Барақон жуда айёр, у тиниб-тинчимайдиган, ўч олиш йўлига

тушадиганлардан. У албатта, қўшин тўплаб, ҳужум қилиб келади. Мен ҳам унинг заифлашганидан фойдаланишим ва фурсатни қўлдан бермаслигим керак.

Ғариб унга:

— Шунақа дегин ҳали, ундай бўлса, тезроқ балонинг олдини олайлик,— дебди.

Шунда Муръиш Ғарибга:

— Э биродар,— дебди,— моридлар сизларни юртарингизга элтиб қўйсин, мен бу ерда душманлар билан жанг қиламан, уларни бир ёқлик қилиб хотиржам бўлмасам, кўнглим тинчимайди.

— Онт ичиб айтаманки,— дебди Ғариб,— барча босқинчи жинларни ер билан яксон қилмагунимча ва тангри унинг жонини дўзахи пуршидатга юбормагунча, бу ердан ҳеч қаёққа кетмайман. Кимки ягона тангрига ибодат қилсагина, бу қирғиндан қутулиб қолиши мумкин. Лекин Саҳимни Уммон шаҳрига юборсанг майли, зора касали шифо топса.

Ҳақиқатан ҳам бу орада Саҳим касалга чалиниб қолган экан. Муръиш моридларига хитоб қилиб: «Дарров Саҳимни, мана бу мол-дунё, совға-саломлар билан Уммон шаҳрига элтиб қўйинглар!»— деб буюрган экан, улар: «Хўп бўлади шоҳим, фармони олийларини бажону дил бажарамиз»,— дейишибди.

Улар Саҳимнинг ҳадяларини кўтарганча, одамлар шаҳри Уммон сари жўнабдилар. Муръиш бўлса, ўз қўрғонларига ва барча амалдорларига хат жўнатган экан, ҳар бири қанчадан-қанча аскар билан келиб, жами бир юзу олтмиш минг бўлибди. Жамул жам бўлиб қуролланишибди-да, Ақиқ ўлкаси-ю, Олтин қаср қаёқдасан, деб йўлга тушишибди.

Улар йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришиб, ниҳоят бир йиллик йўлни бир кунда босиб ўтишибди-да, бир водийга етишибди. Улар шу ерга қўнишиб, дам олишибди, ухлаб тонг оттиришибди. Эрталаб энди йўлга тушмоқчи бўлиб туришганда, бирдан жинлар тўдаси кўриниб қолибди. Қаранг-а, икки томон аскарлари ўша водийда тўқнашиб жанг бошлаб юборишибди. Қаттиқ олишув, даҳшатли қирғин авж олиб, аҳвол жуда танглашибди, бу жангдан омон қолиш амри маҳол бўлиб қолибди. Гап-сўзлар тиниб, узун умрлар қисқарибди, душманлар хор бўлиб, ер билан яксон бўла бошлабди. Ғариб ҳам оллоҳ таолони дилга жо қилиб, душманни шундай қиришга тушибдики, фақат танидан жудо бўлиб, тупроққа юмалаб тушган бошларгина ундан қутулибди. Қош қорайиб, кеч киргунча етмиш мингга яқин душман қирилибди. Шунда жангни тўхтатиш дўмбираси чалиниб, аскарлар ажраб, томон-томонларига кетишибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Буни эшитган синглиси бир оҳ тортибди-да: «Оббо опагон-эй, бу ҳикоянг шундай ҳам қизиқ, шундай ҳам ажойиб эканки, мен ҳеч бундан қизиқроқ ҳикояни эшитган эмасман»,— дебди.

— Бе,— дебди Шаҳризод синглисига,— шуям қизиқмишми, сабр қилиб тур, агар подшоҳим мени тирик қолдирсалар, келаси кечаси шундай ажойиб қисса айтиб берайки, унинг олдида бу айтганларим ҳеч гап бўлмай қолади.

Буни эшитган подшо: «Кел, ҳикоясининг давомини эшитиб олмагунимча, уни ўлдирмай тура турай»,— деб ўйлабди ўзича.



*Олти юз эллик
еттинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— ажралиш дўмбираси ча-лингач, иккала томон жанг майдонини тарк қилишибди. Муръиш билан Ғариб ҳам ўз қароргоҳларига қайтиб, қурол-яроғларини тозалашибди, кейин овқатланишиб, урушдан саломат чиққанликлари билан бир-бирларичи табриклашибди. Чунки шу кунни жангда уларнинг ўн мингдан ортиқ мориди ҳалок бўлган экан.

Барақонга келсак, у ўз чодирига кириб, ёрдамчиларининг вафотидан ҳасрат-надомат чекибди.

— Э биродарлар,— дебди у ўз қавмига қараб,— бу душман билан агар биз уч кун урушсак, улар бизни битта қўймай қириб ташлайди.

— Э шоҳимиз, нима қиламиз энди?— дейишибди.

— Пойлаб туриб, кечаси улар роса уйқуга кетганда қўққисдан ҳужум қиламиз,— дебди подшо,— улар ғафлатда қолиб, енгилади. Ҳаммангиз мисоли бир одамдай қўққисдан баробар ёпирилибди. Ҳамма итоат қилиб: «Айтганингиздай қиламиз!»— дебди.

Шундай қилиб, улар жангга тайёргарлик кўра бошлашибди. Уларнинг ичида Жандад деган бир морид бўлиб, унинг қалби исломга мойил экан. Барақоннинг бу ёмон ниятини билган Жандад чидаб туролмади улар орасидан астагина чиқибди-да, Муръиш билан Ғариблар даргоҳига кириб бу гаплардан уларни огоҳлантирибди.

Буни эшитиб, Муръишнинг боши қотибди ва Ғарибдан: «Хўш, биродар, энди нима қиламиз?»— деб сўрабди. Ғариб унга:

— Шу кеча ҳужум қилиб уларни чўлу биёбонларга тирақайлатамиз,— деб жавоб берибди.

Шундан сўнг Ғариб жинлар сардорини чақириб:

«Ҳар бирингиз ўз қавмларингиз билан қурол-анжомларингизни олиб, қоронғилик тушган заҳоти юз нафардан бўлиб, изма-из тоғлар орасига беркиниб олинглар,— деб тайинлабди.— Душман чодирларингизга қўққисдан тунда ҳужум қилганини кўргач, дарҳол ҳар томондан улар устига бостириб келинглар. Ҳаммангиз ҳам раббингизга таваккал қилиб дадил бўлинглар, албатта, ғолиб чиқасиз, мен ҳам сизлар билан бирга бўламан».

Шу куни кеч кириб, қош қорайгач, бирдан душман олову нурлардан паноҳ истаб, буларнинг чодирларига ҳужум қилиб қолибди. Улар чодирга етишгач, мўминлар раббимсан деб душман устига ҳужум қилиб қолибдилару, уларни тутдай тўкибдилар. Ҳали тонг отмасданоқ, душман ер билан яксон бўлиб, ҳамма ёқни мурда босиб кетибди. Баъзи тирик қолганлари эса чўлу биёбонларга тумтарақай қочиб қолибдилар.

Ғариб билан Муръиш қавмлари ғалаба қозониб, уларнинг молу мулкларини олишибди ва тонг отгунча тунаб, сўнг Ақиқ шаҳри-ю, Олтин қаср томон йўл олишибди.

Барақон ўйлаган ниятининг тескариси бўлиб, тунги жангда кўп аскарларидан ажралибди. Ўзи эса омон қолган қавмлари билан қочиб, қасрга киргач, қавмларини жамлаб: «Биродарларим.— дебди у аламзадалик билан,— кимда нима бўлса, қўлига олиб, Қоф тоғидаги Кўк шоҳ ҳузурида Ола қасрида бизга етиб, қўшилсин, шундай қилганлар биз учун қасд олган бўлади»,— дебди.

Барақон қавми хотин-халаж, бола-чақа, мол-дун-ёсини олганича, Қоф тоғига қараб йўл олибди. Муръиш билан Ғариб Ақиқ шаҳри-ю Олтин қасрга етиб келишибди. Қарашса, барча дарвозалар ланг очиқ, шаҳарда аҳолининг қаёққа кетган хабарини берадиган ҳеч зоғ йўқ эмиш. Муръиш Ғарибни бошлаб Ақиқ шаҳри-ю, Олтин қасрни томоша қилдирибди. Шаҳарнинг пойдевори зумраддан, дарвозалари қизил ёқутдан, миҳлари эса кумушдан, уй ва қаср шиплари собур ва сандал дарахтидан ишланган экан. Улар кўчама-кўча, йўлакма-йўлак юришиб, ниҳоят Олтин қасрга киришибди-да, қасрнинг бир даҳлизидан иккинчи даҳлизига ўтиб, томоша қилиб юришибди. Шу пайт бирдан шоҳона безатилган бир бинога кўзлари тушиб қолибди. Унинг ҳамма ёғи мрамрдан, зумраду ёқутлардан эмиш. Муръиш билан Ғариб бу қаср ичига кириб, унинг гўзаллигига қойил қолишибди. Улар бирин-кетин томоша қилиб, ниҳоят етти даҳлизни кўриб ўтишибди. Ичкарига киришгач, тўртта равоқ кўринибди, уларнинг ҳеч қайсиси бир-бировига ўхшамас экан. Қаср ўртасидаги қизил олтиндан ишланган ҳовуз атрофида тилладан ишланган шер ҳайкаллари бўлиб, уларнинг оғзидан сув отилиб чиқиб турганмиш. Улар бу манзарани кўришиб ҳайратланишибди. Айвоннинг ўрта қисмидаги равоққа эса чиройли ипак поёндозлар солинган эмиш. Булардан ташқари, қизил олтиндан ясалган ва дуру гавҳарлар билан безатилган иккита курси ҳам турганмиш. Шунда Муръиш билан Ғариб Барақон курсисига ўтириб, қасрда катта базм қилишибди.


Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Буни эшитган синглиси: «Оббо опажон-ей, бу ҳикоянг кечагидан ҳам қизиқ, ундан ҳам ажойиб экан.

Бундан қизиқроқ ҳикоянинг бўлиши мумкин эмас»,— деган экан, опаси Шаҳризод унга: «Бе, шуям қизиқмишми, агар шоҳим мени тирик қолдирсалар, эртага кечаси айтадиган ҳикоям олдида бу ҳеч гап эмас»,— дебди.

Буни эшитган шоҳ: «Кел, ҳикоясининг давомини эшитиб олай, кейин ўлдирарман»,— деб ўйлабди.

Тасв.



*Олти юз эллик
саккизинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Муръиш билан Ғариб қасрдаги икки курсига ўтириб, катта базми жамшид ўтказишибди. Шундан сўнг Ғариб Муръишга: «Хўш, нима қилмоқчисан энди?»— дебди.

— Э инсонлар шоҳи,— дебди Муръиш,— мен юз нафар моридни Барақоннинг қаерда эканини билиб келинглар, биз унинг кетидан қувиб борамиз, деб жўнатдим.

Ғариб унинг фикрини маъқул кўрибди ва айғоқчилар қайтиб келгунча, Олтин қасрда гашт қилишибдилар. Уч кун деганда айғоқчилар қайтиб, Барақондан дарак берибдилар. Маълум бўлишича, у Қоф тоғига Кўк шоҳдан нажот истаб борган экан, у ўз паноҳига олибди.

— Хўш, бунга нима дейсан, оғайни?— дебди Муръиш Ғарибга.

— Агар биз унга бостириб бормасак, у бизга бостириб келади,— дебди Ғариб.

Муръиш билан Ғариб аскарларга фармон бериб, уч кундан сўнг йўлга ҳозирлик кўришни тайинлабди. Улар тайёрлик кўриб, энди сафарга жўнай деб туришганда, совға-салом билан Саҳимни олиб кетган

моридлар келиб, Ғарибга таъзим қилиб, ер ўпишибди. Ғариб ўз одамлари ҳақида сўраган экан, моридлар унга қуйидаги воқеани гапириб беришибди:

— Аканг Ажиб ўша жангдан кейин қочиб, Яъруб ибн Қаҳтон ҳузурига борибди,— дейишибди улар,— бориб сен билан бўлган можарони гапириб, ундан паноҳ сўрабди. Шоҳ, Ажибни ўз ҳимоясига олибди-да, барча волийларига хат ёзиб, одам тўплабди. Ҳамма ёқни ғуж-ғуж аскар босиб кетибди, худди тўлиб-тошган денгизга ўхшаб лашкарнинг аввали-ю охири кўринмасмиш. Шундай қилиб, улар Ироқ ўлкасини хароб қилишга азм қилибди.

Ғариб моридлар келтирган бу хабарларни эшитиб, хуноб бўлиб: «Ғанимларга ўлим! Оллоҳ таоло ўзи кушойиш бериб, исломга йўл очади, мен уларга жанг қанақа бўлишлигини кўрсатиб қўяман»,— дебди. Шунда Муръиш: «Э инсонлар шоҳи, улуғ исмлар ҳақи, мен ўша ерга сен билан бирга бориб, душманингни ер билан яксон қилишга ёрдам бераман»,— дебди. Ғариб, унга миннатдорчилик билдирибди. Эртага йўлга отланиш азми билан тунашибди ва тонг отгач, йўлга тушиб, Қоф тоғи томон равона бўлишибди.

Улар йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди. Туну кун юриб ниҳоят Ола қасрга ва Мармар шаҳрига яқинлашиб қолишибди. Бу шаҳар тошу мармарлардан бино қилинган бўлиб, уни жинлар отаси Бориқ ибн Фоқи қурган экан. Ола қасрни ҳам шу қурган экан; қаср кумуш ва олтин фиштлардан бино қилингани сабабли, уни Ола қаср деб аташар экан. Бундай қаср дунёнинг ҳеч ерида йўқ экан. Қўшинлар Мармар шаҳрига яқин қолишган вақтда улар билан душманлар орасида ярим кунлик йўл

қолган экан. Дарров дам олишга ўтиришибди, Муръиш бўлса, айғоқчиларини хабар олиб келишга душман томонга юборибди.

Айғоқчи бир зумда ғойиб бўлиб, кейин қайтиб келибди-да: «Э шоҳ, Мармар шаҳрида сон минг жинлар лашкари бор экан, мисоли дарахтларда қанча барг бўлса ва ёмғир томчилари қанча кўп бўлса, уларнинг лашкари ҳам ўшанча кўп»,— дебди.

— Э инсон шоҳи, бунга нима чора қиламиз?— дебди Муръиш.

— Лашкарингни тўрт қисмга бўл,— дебди Ғариб,— улар душман аскарларини қуршаб олсин, кейин ҳаммаси теварак-атрофдан такбир айтишиб, ҳай-ҳайлашганича, орқага чекиниб бораверсин. Бўиш кечанинг қоқ ўртасида бўлсин, жин қабилаларининг аҳволи нима кечганини ўшанда кўрамиз.

Муръиш ўз қавмини чақириб, уларни Ғариб айтгандай, қисм-қисмга бўлибди. Қуrollаниб олган аскарлар, сабр билан буйруқни кутиб туришибди. Ниҳоят қош қорайиб ҳатто ярим кеча бўлганда, улар томон-томонга бўлиниб, душман теварагини ўраб олишибди-да, ҳар ёқдан қийқириб-ҳайқириб такбир айтаверишибди. Буларнинг шовқин-суронини эшитган душман галалари чўчиб уйғониб, эсанкираб қолишибди ва қуroll-яроғларини олиб то саҳаргача бир-бирлари билан урушиб кўпи қирилиб, ози қолибди. Шунда Ғариб мўмин жинларга хитоб қилиб: «Қолган душманга ҳамла қилинглар! Мана мен сизлар билан биргаман! Тангрим бизни қўллайди!»— дебди. Муръиш ҳам, Ғариб ҳам ҳужумга ўтибди. Ғариб бўлса, ўзининг жинлар тифидан бўлган қирғин шамширини қенидан суғуриб, душманларни қираверибди. Унинг даҳшатидан сочлари оқарган душман тумтарақай қочибди.

Ғариб Барақон устидан зафар қозониб, бир зарб билан қонига белаб, унинг ҳаёт-мамотини тугатибди. У Кўк шоҳни ҳам худди шундай қилиб ўлдирибди.

Тонг отгач, бундай қарашса, ҳеч душман зоти қолмабди. Муръиш Ғариб билан Ола қасрга киришибди. Қарашса, ростдан ҳам қасрнинг бир ғишти тилладану, бир ғишти кумушдан, бўсағалари биллурдану, ери яшил зумраддан экан.

Қасрда бир ҳовуз бўлиб, ўртасида сув отар фаввораси бор экан. Ён-верисига гиламлару шойи кўрпачалар тўшалган, ҳамма ёқ гавҳару дурлар билан безатилган. Молу дунё шу қадар кўп эканки, уни санаб ҳам тугатиб бўлмасмиш, васфи таърифи ҳам адо бўлмасмиш. Улар ҳарамга киришибди, қарашса, жуда мусаффо, ҳамма ёқ топ-тоза чиннидай экан.


Ғариб кезиб юриб, Кўк шоҳ ҳарамига кирибди-ю, бир гўзал қизга кўзи тушиб қолибди. Қиз шундай ҳушрўй, шундай дилрабо эканки, ундай зебо қизни Ғариб умрида кўрмаган экан. Унинг безаклари ҳам минглаб динор турадиган қимматбаҳо экан, теварагида юзлаб чўрилар гиргиттон бўлиб турар ва кетида зардўзи либоси этагини кўтариб юрар эканлар. Бу чўрилар, канизаклар ичида у гўзал қиз мисоли бир юлдузлар орасидаги ойга ўхшар экан.

У қизни кўриб Ғарибнинг эси оғиб, юраги жиз этиб кетибди. У бир чўридан: «Бу қиз ким ўзи?»— деб сўраган экан, у:

— Бу қизнинг исми жисмига яраша — Қавкабу Сабоҳ, Кўк шоҳнинг қизи.— деб жавоб берибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Бу қиссани эшитган синглиси: «Вой, опажон-эй, бу ҳикоянг кечагидан ҳам яхши, ундан ҳам қизиқ экан. Бундан ажойиброқ ҳикояни ҳали ҳеч эшитмаганман, деган экан, опаси Шаҳризод унга: «Бе, шуям қизиқмишми, агар шоҳим мени ўлдирмай, эртага-ча тирик қолдирсалар, унда бугунгидан ҳам қизиқроқ, бундан ҳам ажойибини айтиб бераман. Эртага кечаси айтадиган ҳикоям олдида бу ҳеч гап эмас»,— дебди. Бунни эшитган шоҳ: «Кел, ҳикоясининг давомини эшитиб олай, уни кейин ўлдирарман»,— деб ўйлабди ўзича.



*Олти юз эллик
тўққизинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Ғариб ўша чўридан: «Бу қиз ким ўзи?»— деб сўраган экан, у: «Қавкабу Сабоҳ — яъни ёруғ юлдуз, ўзи Кўк шоҳнинг қизи»,— деб жавоб берибди. Ғариб Муръишга ўгирилиб.

— Э жинлар шоҳи, мен бу қизга уйланмоқчиман, бунга нима дейсан?»— деб гап қотибди.

— Мана шу қаср ундаги молу мулк, чўри-ю канизаклар хотинхалаж, бола-чақа — ҳаммаси сеники,— дебди Муръиш,— нима қиламан десанг, ихтиёр ўзингда. Агар сен ҳийла ишлатиб Барақон билан Кўк шоҳни ва унинг қавмини ўлдирмаганингда, улар бизни битта қолдирмай қирган бўлар эди. Мол сенинг молинг, аҳли сенинг қулинг бўлади.

Ғариб Муръишнинг хуш гапларига миннатдорчилик билдириб, қизга яқинроқ келибди-да, бошдан оёқ назар солибди. Ҳақиқатан ҳам қиз ғоят гўзал экан, унга ошиғу беқарор бўлиб, ҳатто Ажам, Турк

ва дайлам шоҳи Собурнинг қизи Фаҳру Тожни ҳам, Маҳдияни ҳам унутибди.

Бу қизнинг онаси аслида Чин-Мочин хоқонининг қизи экан. Кўк шоҳ уни қасрдан олиб қочиб, номусига тегибди. Шундан сўнг шу қиз туғилибди, у ғоятда гўзал бўлганидан отаси Кавкабу Сабоҳ — Ёруғ юлдуз деб исм қўйган экан. Қиз ниҳоятда зебо бўлиб етиша бошлабди. Аммо у қирқ кунлигида онаси ўлиб, етим қолибди ва то ўн еттига тўлгунча доя-ю сарой ходимлари қўлида тарбия топибди. Шу кезде Ғариб унинг отасини ўлдирибди. Қизни эса ғоят севиб қолибди. Шу билан уни ўз никоҳига олиб, ўша кечаси-ёқ топишибди-да, кўнгли тўлибди.

Бу қиз ўз отасини ёмон кўрар экан, унинг ўлганини эшитиб, севинибди.

Ғариб аскарларга: «Ола қасрни бузинглар!»— деб буюрган экан, олтину кумушлардан иборат қасрни бирпасда вайрон қилишибди. Кейин у, қасрдаги молдунёни жинларга бўлиб берибди, ўзига ҳам шу бойликдан йигирма бир минг олтин, кумуш ғишт тегибди, гавҳару маъданларни эса санаб саноғига етиб бўлмас экан.

Шундан кейин Муръиш шоҳ Ғарибни бошлаб, Қоф тоғи ва ундаги ажойиботларни кўрсата бошлабди. Сўнг Барақон қасрига бориб қўрғонни хароб қилишибди-да, унинг бойлигини ҳам бўлишиб олишгач, Муръиш қўрғонига жўнашибди. У ерда беш кун тургандан кейин, Ғариб ўз ватанига қайтмоқчи бўлибди.

Буни билган Муръиш:

— Э инсонлар шоҳи, узангинг ёнида юртингга ўзим кузатиб бораман,— дебди.

— Йўқ, худо ҳақи, сенинг азият чекишингни истамайман,— дебди Ғариб,— Мен Қайлажон билан

Қуражондан бошқа ҳеч кимни ўзим билан бирга олмайман.

— Э шоҳ, сен ўн минг жин чавандозларидан ол, улар сен билан бориб, хизматингни адо этиб боришади,— дебди Муръиш.

— Йўқ, ўша айтганимдан бошқа ҳеч кимни олмайман,— дебди. Сўнг Муръиш Қайлажон билан Қуражонни чақириб, ўлжадан Ғарибга текканини келтиришни ва уни ўлкасига кузатиб қўйишни таъинлабди.

Қайлажон билан Қуражон икковига доимо Ғариб қошида бўлиш ва унга итоат қилишни уқдирибди. Иккаласи ҳам шоҳга: «Буйруғингни бажону дил бажарамиз»,— дейишибди. Ғариб моридларга: «Қани, молларни келтиринглар-чи!»— дебди. Ғариб энди учар отига миниб йўлга тушмоқчи бўлиб турганда, Муръиш тўхтатиб:

— Биродар, бу от фақат бизнинг еримиздагина яшайди,— дебди,— агар одамлар юртига бориб қолса, ўша заҳоти ўлади. Лекин менинг бошқа бир денгиз отим бор, унга ўхшаган отни Ироқингда эмас, балки бутун дунёда ҳам тополмайсан.

Шоҳ ўша отни келтиришга фармон берган экан, дарҳол етаклаб олиб келишибди. Ғариб отнинг яхшилигини кўриб, жуда севиниб кетибди. Кейин отни юганлаб беришибди, Қайлажон от-пои билан Ғарибни, Қуражон бўлса кўтарганича молу дунё олибди. Муръиш Ғариб билан қучоқлашиб хайрлашар экан, айрилиқ дардида юм-юм ёш тўкиб, йнглашибди.

— Э биродар,— дебди Муръиш ниҳоят,— агар бошингга бирор мушкул иш тушиб, қўлинг калталиқ қилиб қолса, дарҳол хабар қил. Мен аскарлар билан

бориб, у ердаги бор нарсаларни остин-устун қилиб ташлайман.

Ғариб унинг меҳрибончилигидан миннатдор бўлиб, сидқидилидан ташаккур изҳор қилибди. Ғариб ўша икки морид ва от билан йўлга тушиб, икки кечаю икки кундуз йўл юришиб, эллик йиллик масофани босиб ўтибдилар ва ниҳоят Уммон шаҳрига яқинлашибдилар-да, дам олиш ниятида шаҳар четига қўнибдилар. Шунда Ғариб Қайлажонга: «Бор, Қайлажон, одамларимдан хабар олиб кел!»— дебди. Ғариб бўлиб кетган морид тезда қайтиб: «Э шоҳ, шаҳрингга ғуж-ғуж душман аскарлари бостириб келибди, ҳозир улар сенинг аскарларинг билан жанг қиляпти. Эндигина уруш дўмбираси чалиниб, Жамарқон жангоҳга чиқди»,— дебди.

Ғариб унинг бу хабарини эшитиб: «Бўпти бўлмасам, қани Қайлажон, отни эгарла, аслаҳа-ю ёйларимни келтир менга. Бугун майдонда қўрқоқдан ботирни ажратиб оладиган кун экан»,— дебди.

Қайлажон дарҳол Ғарибнинг айтганларини келтириб берибди. У қуролланиб Ёфас ибн Нух қиличини тақиб денгиз отига минибди ва қўшинлари томон от қўймоқчи бўлганда, иккала мориди унга: «Сен дамнингни ол, душманга биз рўпара бўлиб, уларни чўлу биёбонларга тумтарақай қиламиз, улардан ном-нишон ҳам қолмайди»,— дейишибди. Ғариб бўлса: «Худо ҳақи, онт ичиб айтаман, агар отимга миниб турсамгина, сизларга рухсат беришим мумкин»,— дебди.

Бу аскарлар Уммон шаҳрига ажойиб бир сабаб билан келиб қолган экан...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
олтмишинчиси
тўлдирувчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Ғариб Қайлажонга буюриб: «Бор, одамларимдан бир хабар олиб кел!»— деган экан. у бориб келиб: «Шаҳрингни гуж-гуж душман аскарни босибди»,— дебди.

Билса, душманнинг бу ерга келишига сабабчи Ажиб экан. У ўша Яъруб ибн Қаҳтон аскарлари билан бостириб келиб, шаҳарни қуршаб олибди. Буни сезган Жамарқон билан Саъдон ҳужумга ўтишган экан, Қайлажон ва Қуражонлар ёрдамга келиб, душман лашкарларини ер билан яксон қилибди. Қочиб қолган Ажиб:

— Агар,— дебди қолган-қутган аскарларига,— бизлар Яъруб ибн Қаҳтон ҳузурига қайтсак, у ўғли ва аскарларининг ҳалок бўлганини эшитиб: «Э нодонлар, сизлар бўлмаганингизда менинг одамларим ҳам, ўғлим ҳам ўлмаган бўларди»,— деб ҳаммамизни қириб ташлайди. Шунинг учун менинг бошимга бир фикр келди, биз Ҳинд мамлакатининг шоҳи Тараканон даргоҳига бориб ёлворсак, қасдимизни олиб беради.

— Қани, бошла бизни ўша томонга, зора олов қўлласа,— дебди Ажиб одамлари. Улар Ҳиндистон сари равона бўлишибди.

Улар йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди, ахири чарчаб-ҳориб Ҳинд диёрига етишибди. Шоҳ қасрига яқинлашиб, подшо Тараканон ҳузурига киришга изн сўрашган экан, у қабул қилибди. Ажиб подшо даргоҳига кириб, таъзим билан ер ўпибди ва шоҳларга мансуб дуолардан ўқиб:

— Э шаҳаншоҳим,— дебди у,— мени ўз паноҳингга ол, чўғу учқунлар эгаси оташ сенга паноҳ берсин, зим-зиё қоронғи зулматдан асрасин!

Ҳинд шоҳи Ажибга назар ташлаб: «Қимсан ўзинг, муродинг нима?»— дебди.

— Мен Ироқ шоҳи Ажибман,— дебди у,— укам менга жабр қилди, у ўз динини ташлаб, исломни қабул қилди, фуқаролар ҳаммаси унга тобе бўлишди. У жуда кўп мамлакату диёрларни эгаллади, бир элдан бошқа элга қувиб, мени ҳеч тинчитмаяпти. Мен нажот истаб, сенинг даргоҳингга келдим, ҳимматинг паноҳидаман.

Ажиб гапларини эшитган шоҳ тутатиқиб, ўтиргани жой тополмай қолибди. Тоқати-тоқ бўлиб, гоҳ ўтириб, гоҳ турибди-да:

— Оташпаноҳим ҳақи, сенинг қасдингни олмай қўймайман, оташдан бўлак зотга ибодат қиладиган тирик жонни қўймайман,— дебди. Сўнг у ўз ўғлига хитоб қилиб:

— Ўғлим, ҳозирлик кўриб, Ироққа жўна, у ерда кўзингга кўринган зотни қириб ташла, оташга сиғинмаган жоннинг қўл-оёғини боғла, қийна, азоб бер, лекин ўлдирмай, барчасини менинг қошимга ҳайдаб кел, уларни турли-туман азобу уқубатларга гирифтор қилиб, хорлик шаробини ичирмоқчиман; мен уларни тавбасига шундай таянтирайки, қилмишларига яраша олган жазолари ҳамма замондошларимизга ибрат бўлсин,— дебди.

Шу билан шоҳ саксон минг чавандозни отга, яна саксон минггини эса жирафаларга миндириб, ўғлига тағин ўн минг фил қўшиб берибди. Бу филларнинг ҳар бирида биттадан кажав ва сандал дарахтидан ясалган курси бўлиб, унинг теварагига гир айлантириб олтиндан панжара қилинганмиш. Ундаги мих-пихлари-

нинг ҳаммаси олтину кумушдан эмиш. Ҳар бир курсида олтину зумрад аралаш тилла тахт бормиш. Шоҳяна қурол-аслаҳалар билан аравалар юборибди, ҳар бир аравада саккиз нафардан мерган бўлиб, улар ҳар турли яроғлар билан жанг қила олишаркан. Шаҳзода эса, замонасининг яктоси, баҳодирлар баҳодири, шижоатда беназир бўлиб, исми Раъд шоҳ экан. У ўн кун тайёргарлик кўргач, ниҳоят лашкар тортиб йўлга равона бўлибди. Қўшини шу қадар кўп эканки, узоқдан нақ самода сузаётган булутларга ўхшаб кетаркан.

Улар йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, кечани кеча, кундузни кундуз демай, икки ой йўл босибди, ниҳоят Уммон шаҳрига етишибди ва уни дарҳол қуршаб олишибди. Ғалабага ишонган Ажиб ўзида йўқ шод экан.

Буларни кўриб, Жамарқон, Саъдон ва барча баҳодиру паҳлавон жанг майдонига чиқибди. Уруш дўмбираси чалинибди, отлар кишнабди, ҳайқириқ-қийқириқ авжга миниб, тўс-тўполон бошланибди. Буларнинг ҳаммасини Қайлажон кузатиб турган экан, у дарҳол кетига қайтиб, воқеадан Ғариб шоҳни огоҳ қилибди. Айтганимиздек уям жадал отланиб борибдида, душман рўпарасида от ўйнатиб, юрак бетлаб ким аввал жанг бошлашига мунтазир бўлиб турибди. Саъдон Ғул ҳам жангоҳга чиқиб, душманнинг яккама-якка жанг қилувчи паҳлавонига талабгор бўлиб турибди. Шу пайт бирдан унинг рўпарасига ҳинд баҳодирларидан бири чиқиб келибди. Саъдон уни ўзига яқинлашиб келишига ҳам қўймай, гурзиси билан туширган экан, суяклари майда-майда бўлиб қулабди. Сўнг иккинчиси чиқибди, уни ҳам ўлдирибди, учинчиси чиқибди, уни ҳам йиқитибди. Шу тариқа душман паҳлавонларини биттадан йиқитавериб, ўттиз-

тасни қора қонига белабди. Ана шунда Саъдонга қарши Баттош Ақрон исмли манман деган ҳинд паҳлавони чиқибди. Бу шундай барзанги бир баҳодир эканки, бир ўзи беш минг чавандозга бас келиб жанг қилар экан. Бу баҳодир Тараканон шоҳнинг амакиси экан. Баттош Саъдонга рўпара келиб:

— Э бадбахт араб,— дебди у,— ҳали кучинг ошиб ҳинд шоҳи ва баҳодирларини ўлдирадиган, чавандозларини асир оладиган бўлдингми? Бугун дунёдан кўз юмадиган кунинг, сени ажал ҳайдаб келибди.

Душманнинг бу гапини эшитгач, Саъдоннинг кўзлари ёниб, уни гурзи билан туширибди. лекин гурзи тегмай, Саъдоннинг ўзи гурзи-пурзиси билан ўмба-лоқ ошиб йиқилибди. Эсини йиғиб олмасданоқ, унинг қўлларини боғлаб, оёқларига кишан солишибди-да, ўз манзилларига судраб кетишибди. Ўз соҳибининг асир тушганини кўрган Жамарқон, чидаб туролмай: «Қани, ҳей, Иброҳим Ҳалилуллоҳ дини учун!»— деб товони билан отини ниқтаб, Баттошга ҳамла қилибди. Улар бирмунча вақт олишибди, кейин Баттош Жамарқонга ташланиб, эгардан улоқтириб юборибди. Душман сипоҳлари унинг ҳам қўл-оёғини боғлаб, ўз чодирлари томон судраб кетишибди. Шу тариқа баҳодирлар бирин-кетин Баттошга талабгор бўлиб келаверибди, у бўлса бир чеккадан чирпирак қилиб, улоқтираверибди. Ниҳоят у йигирма тўрт мусулмон паҳлавонини йиқитиб, асир олибди.

Бу аҳволни кўриб мусулмонлар қаттиқ қайғу-гамга чўмибдилар. Ўз паҳлавонларининг бошига тушган бу мусибатни кўрган Ғариб, тақимидан оғирлиги бир юзу йигирма ботмон келадиган жинлар шоҳи Барақоннинг гурзисини олибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Бу қиссани эшитган синглиси: «Ҳикоянгиз мунчаям қизиқ, опажон-эй, бундан қизиқроқ, бундан яхшироқ ҳикоя бўлмаса керак»,— деган экан, опаси унга: «Бе, шуям қизиқмишми, агар шоҳим мени ўлдирмай, тирик қолдирсалар, эртага айтиб берадиганим олдида буниси ҳеч гап эмас»,— дебди. Буни эшитган шоҳ ўзича: «Кел, олдин ҳикоясининг давомини эшитиб олай, кейин ўлдирарман»,— деган фикрга келибди.



*Олти юз олтамиш
биринчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Фариб шоҳ ўз баҳодирларининг бошига тушган мусибатни кўргач, тақимидан жинлар шоҳи Барақоннинг олтин гурзисини олиб, денгиз отини «чуҳ» деган экан, у шамолдай елиб кетибди. Фариб ўзини ҳимоя қилганича, от қўйиб келаверибди-да, майдоннинг қоқ ўртасига етгач, такбир айтиб, наъра тортибди. Шундан кейин у Баттошга ташланиб, гурзиси билан уриб, уни ерга ағдарибди. Фариб ўз қавми томон ўгирилган экан, укаси Саҳимни кўриб қолибди-да: «Қани ука, бу итни боғла-чи!»— дебди. Саҳим эса югуриб бориб Баттошнинг қўл-оёғини қаттиқ боғлаб, қўлга туширибди. Мусулмон паҳлавонлари таажжубланибдилар. Душманлар бўлса, бир-бирларидан: «Улар ичидан чиқиб, соҳибимизни асир олган чавандоз ким бўлди экан?»— деб сўрашибдилар.

Бу орада Фариб: «Қани манман деганинг майдонга чиқ!»— деб жанг талаб бўлиб турибди. Унинг рўпасига бир ҳинд паҳлавони чиқибди. Фариб пойлаб

туриб, гурзиси билан туширган экан, ерга таппа йиқилиб, узала тушибди. Қайлажон билан Қуражон уни боглаб Саҳимга тутқазибди. Шундай қилиб, Ғариб, бирин-кетин асир олавериб, ниҳоят душманнинг манман деган эллик икки сардорини сафдан чиқарибди. Кеч кириб, ажралиш дўмбиралари чалинибди. Шунда Ғариб жангоҳни тарк этиб, ўз қўшинлари томон йўл олган экан, энг аввал унга пешвоз чиққан Саҳим таъзим қилиб, узангидаги оёғини ўпибди-да: «Илойим, қўлинг дард кўрмасин, э алпи замон, кимсан ўзинг, айт, қайси баҳодирсан?»— дея сўрабди. Шу пайт Ғариб совут пардасини кўтарган экан, Саҳим уни таниб: «Э халойиқ, бу шоҳингиз ва хожангиз Ғариб-ку, у жинлар мамлакатидан келибди!»— деб бақарибди. Ғариб номи зикр қилинганини эшитган одамлар отларидан сакраб тушиб, унинг ёнига бора узангига тиралиб турган оёқларини ўпа бошлашибди. Ҳамма унга таъзим билан салом бериб, соғ-саломат қайтганидан шоду хуррам бўлибди. Шу салом-аликлардан кейин улар Уммон шаҳрига йўл олишибди. Ғариб бориб мамлакат тахтига ўтиргач, одамлар унга гиргиттон бўлиб, теварак-атрофини ўраб олишибди. Ҳаммаси ундан ғоятда хурсанд бўлишибди. Кейин таом тортилибди, еб-ичиб бўлишгандан кейин, Ғариб Қоф тоғида жинлар қабилалари билан бўлган воқеани бошдан-оёқ ҳикоя қилиб берибди. Одамлар эшитиб, ғоятда ажабланишибди ва шундай балолардан омон сақлагани учун тангрига шукрона билдиришибди.

Қайлажон билан Қуражон Ғарибдан бир дам ажралишмас экан. Ғариб ўз қавмига, марқад-ётоғига бориб дам олишни буюрган экан, барчаси тарқалиб, ёнида фақат ўша икки морид қолибди, холос. Шунда Ғариб улардан: «Сизлар мени Куфага элта оласиз-

ларми? Мен ҳарамимда айшимни суриб, тонгга яқин яна шу ерга қайтиб кела олармиканман?»— деб сўраган экан, улар: «Э мавлоно, бу ҳеч гапмас; марҳамат»— дейишибди.

Куфа билан Уммон ўртаси чавандознинг чопқир отида олтмиш кунлик йўл экан. Қайлажон Қуражонга: «Мен уни Куфага элтаман, сен тонгда у ердан бу ерга олиб келасан»,— дебди. Кейин Қайлажон Ғарибни кўтариб учибди, Қуражон ҳам у билан ёнмаён борибди. Орадан бир соат ўтар-ўтмас, улар Куфага етиб, қаср дарвозасига қайрилибди.

Ғариб, амакиси Дамиғ ҳузурига кириб бориши билан у ўрнидан туриб, самимий саломлашибди. Шунда Ғариб ундан: «Маликам Фаҳру Тожнинг аҳволи қалай, хотиним Маҳдия-чи?»— деб сўрабди. «Иккови ҳам соғ-саломат, ўйнаб-кулиб юришибди»,— деб жавоб берибди Дамиғ. Шу орада ҳарам ходими хотин-халажларга Ғарибнинг келгани ҳақида хабар берган экан, ҳаммалари шод-хуррам бўлиб, шовқин-сурон кўтаришиб хушхабарчига суюнчи беришибди. Кўп ўтмай, Ғариб шоҳнинг ўзи кириб келибди. Хотинлар уни эҳтиром билан кутиб олишибди. Кўп ўтмай Дамиғ ҳам кириб келибди, ширин суҳбат бошланибди. Ғариб уларга жинлар билан бўлган воқеани ҳикоя қилиб берибди. Унинг гапларини эшитган Дамиғ ва саройдаги хотинлар таажжубда қолишибди.

Ғариб кечанинг қолган қисмини Фаҳру Тож билан ўтказибди-да, тонг ёришгач, моридлар ёнига чиқиб, одамлари, хотинлари ва амакиси Дамиғ билан хайрлашиб, Қуражонга опичиб жўнабди. Қайлажон эса ёнида учиб борибди. Шундай қилиб, то ғира-шира бўлгунча Уммон шаҳрига етиб келибди-да, жанг либосларини кийиб майдонда жанг талаб бўлиб ту-

рибди. Шу пайт бирдан Жамарқон ва Саъдон-ғул ва бошқа асир тушган сардор ва паҳлавонлар билан душман сувориларидан бири унга рўбарў бўлибди. Уша сувори буларни асирликдан халос қилиб олиб келаётган экан. У собиқ асирларни Ғариб шоҳга топширибди, мусулмонлар буларнинг саломат қолганидан хурсанд бўлиб, навбатдаги жангга ҳозирланишибди. Ҳарбий дўмбира чалиниб, душман қўшинлари қатор-қатор тизилишиб чиқаверишибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Опасининг қиссасини эшитган синглиси: «Ҳикоянгииз бунчаям ажойиб-а, ҳали мен бундан яхшироқ, бундан қизиқроқ ҳикояни эшитмаганман»,— деган экан, опаси унга: «Ҳали бу қизиқ эмас, агар шоҳим мени ўлдирмай, тирик қолдирсалар, эртага айтиб берадиган ҳикоям бундан ҳам қизиқ»,— деган экан, уларнинг бу гапига қулоқ солиб турган шоҳ: «Кел, олдин бунинг ҳикоясининг давомини эшитиб олай-да, кейин ўлдирарман»,— деган фикрга келибди.



*Олти юз олтинчи
иккинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Мусулмон аскарлари отланиб, жанг қилмоқ учун майдонга келибди. Биринчи бўлиб жангоҳга Ғариб чиқибди. У Ёфас ибн Нух шамширини қинидан суғуриб, саф тортган лашкар олдига «чуҳ» деб от ўйнатиб чиқибди-да: — Мени билмаганнинг ҳолига вой, кимлигимни кўрсатиб қўяман!— дебди хитоб қилиб,— мени

Ироқ ва Яманнинг шоҳи, дейдилар. Уша Ажибнинг укаси — Ғариб мен бўламан!

Ҳинд подшосининг ўгли Раъд шоҳ Ғарибнинг гапни эшитгач, сардорларига бақариб: «Қани, менинг ҳузуримга Ажибни келтиринглар-чи!»— дебди. Улар дарҳол Ажибни бошлаб келибдилар.

— Бу фитнанинг асл сабабчиси ўзинг эканлигингни биласанми?— дебди у Ажибга,— анови жангоҳда от ўйнатиб, пишқириб турган сенинг уканг Ғариб бўлади, бор, майдонга чиқиб, уни асир қилиб кел, мен бир уни туяга тескари ўтқазиб, то Ҳиндистонгача бир масхарасини чиқазиб борай. Ажиб унга: «Шаҳзода, унга мендан бўлак кишини юбор, кечаси билан аъзойи баданим қақшаб чиқди»,— дебди. Раъд шоҳ бу гапни эшитгач, ўшқириб:

— Чўғу алангалар, нуру соялар, барча ҳароратлар эгаси оташ ҳақи,— дебди зарда билан,— агар укангга қарши бориб, тезда асир олиб келмасанг, каллангни танингдан жудо қилиб, лаҳадда чиритаман!

Ажиб, ноилж, отланиб чиқибди, юрагига сал дов бериб, жангоҳда турган укасига яқинроқ келибди-да:

— Ҳей, араб ити, расволарнинг исқирти,— дебди,— сенмисан ҳали шоҳлар билан беллашадиган, сен бола, ажалинг етиб келган экансан, бу ерга. «Сен кимсан ўзинг, қайси шоҳсан?»— деб сўрабди Ғариб. «Мең сенинг аканг Ажибман, бу кун сенинг дунёдан кўз юмадиган кунинг»,— дебди у.

Ғариб дурустроқ қараса, ростдан ҳам Ажиб. Шунда у бирдан: «Отам билан онам қасосини оламан сендан!»— деб бақарибди-ю, қиличини Қайлажонга тутқазиб, гурзиси билан Ажибга ҳамла қилиб, падаркуш золимни бир урган экан, қовурғалари қайишиб кетибди, шу чоқ Ажибнинг гирибонидан ушлаб, бирикки силтаган экан, эгардан оғиб кетибди; фурсатдан фойдаланган Ғариб, даст кўтариб ерга урибди-ю, шилқ эттириб йиқитибди. Икки морид дарров унинг

қўл-оёғини боғлаб олибди-да, уриб-суриб, шарман-
да-ю шармисор, хору зор ва абгор қилиб судраб
кетибди. Душманнинг каттаси — Ажибнинг қўлга
тушганини кўрган Ғариб хурсанд бўлганидан шоир-
нинг мана шу шеърини ўқибди:

Мақсадимга эришдим, худойимга минг шукур.
Заҳматларим тугалди, раҳматига ташаккур.
Ҳақир ўсдим, хору зор, қашшоқ эдим бенаво,
Худо берди истагим, дилга ўзи сочиб нур.
Қулларни мен банд этиб, шоҳ бўлдим кўп диёрга,
Ҳаммасининг боиси худойимнинг ўзидур.

Раъд шоҳ Ғарибнинг Ажиб билан жанг қилиб,
уни бу кўйга солганини кўриб, «Отимни келтиринг-
лар!»— дебди ва уруш аслаҳаларини олиб, совутини
кийиб, жангоҳга чиқибди. У от суриб, Ғариб шоҳга
яқинлашиб унга хитоб билан:

— Э лаънати ўтинкаш араб, сен ҳали улғайиб,
қудратинг ошиб, шоҳу баҳодирларни асир оладиган
бўлдингми!— дебди у дўқ уриб,— ўз билгинг билан
отдан тушиб, қўлингни боғла, кейин оёғимни ўпиб,
паҳлавонларимни озод қил! Гап қайтармасдан, айт-
ганимни қилиб, яхшиликча занжиру кишанларда мен
билан бирга юртимга юрсанг, гуноҳингдан ўтаман-
да, у ерда сени шайх қилиб тайинлайман, ризқу рў-
зингни териб еб юрасан.— Бу гапни эшитган Ғариб
қаҳ-қаҳ уриб шундай кулибдики, нақ чалқанча йи-
қилишига сал қолибди.

— Э қутурган ит, ўпкангни бос,— дебди у кулги-
дан ўзини тийиб,— сен мохов бўри, санамай саккиз
дема, фалакнинг гардиши кимнинг фойдасига ҳукм
чиқаришини ҳозир кўрасан. — Шундан сўнг у Саҳим-
ни чақириб: «Асирларни бу ерга келтир!»— деб бую-
рибди. У душман бандиларини келтирган экан, Ға-
риб ҳаммасининг калласини олиб ташлабди.

Ана шундай денг, Раъд шоҳ чидаб туролмай, Фарибга ташланибди. У шундай даҳшат билан пишқириб отилибдики, асти қўя беринг, унча-мунча одам дош бера олмас экан. У гоҳ олишар, гоҳ ажралар, урушар ва бир оз тисланиб туриб яна ташланармиш. Шу тариқа кеч тушиб, ниҳоят ажралиш дўмбираси чалинибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Опасининг бу қиссасини эшитиб синглиси: «Ҳикоянг жудаям қизиқ-эй, опажон, ҳали мен шу ёшга кириб, бундай қизиқ ҳикояни эшитмаганман»,— деган экан, опаси унга: «Ҳали булар қизиқ эмас, агар шоҳим мени ўлдирмай, тирик қолдирсалар, эртага айтиб берадиган ҳикоям олдида буниси ип эшолмайди»,— дебди. Буни эшитган шоҳ ўзича: «Кел, олдин бунинг қолган ҳикоясини эшитиб олай, кейин ўлдирарман»,— деган фикрга келибди.



*Олти юз олтмиш
учинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— ажралиш дўмбираси чалинга, улар майдонни тарк этиб, ҳар бир шоҳ ўз қароргоҳига йўл олибди. Уларнинг одамлари шоҳларининг саломат қайтганликларига шукур қилибди. «Э шаҳаншоҳимиз,— дебди Фарибнинг одамлари унга,— жангни бунчалик чўзмас эдик-ку, нима гап?» Фариб уларга жавоб бериб: «Э халойиқ, мен алпу паҳлавонлар билан олишганман, сарлашкарлар билан курашганман, лекин бунчалик довюррак баҳодирни кўрган эмасман. Мен Ёфас қиличини суғуриб, у билан қийма-қийма қи-

либ юборай дедиму, кел, қўй, асир олай, исломни қабул қилса, яхши бўлар, деган ўйга келдим»,— дебди. Ғариб билан бўлган воқеа мана шу экан.

Энди Раъд шоҳга келсак, у қароргоҳига келиб тахтига ўтириши билан киборлари кириб душман ҳақида сўрай бошлашибди.

— Чўғу учқунлар эгаси оташ ҳақи, мен умримда бунга ўхшаган паҳлавон кўрмаганман,— дебди шаҳзода,— эртага уни асир олиб хор-зор, ҳақир ва абгор қилиб бўйнидан арқон солиб судраб келмасам, юрган эканман.

Шу билан лашкарлар ухлаб, тонг оттирибди. Эрталаб жанг дўмбиралари чалиниши билан, иккала томон жангу жадалга шай бўлиб, қиличларини осиб олишибди, шовқин-сурон кўтаришибди-да, чопқир отларига минишиб, қўноқдан чиқишибди. Ҳамма ёқни — ўру қир, чўлу биёбон ва теварак-атрофни аскар босиб кетибди.

Биринчи бўлиб жанг бошлаган киши чавандозлар сардори довюрак шер ўғлон — Ғариб шоҳ бўлибди. У от ўйнатиб: «Қани, менга бас келадиганинг борми? Қим мен билан беллашади? Қани, манман деганинг чиқавер майдонга!»— дебди. Ғариб сўзини тугатмасданок, жангоҳга фил миниб мисоли азим бир қуббага ўхшаб Раъд шоҳнинг ўзи чиқиб келибди. Фил устида ипак арқонлар билан маҳкамлаб боғланган тахт ҳам бор экан, фил қулоқлари ўртасида филбон ўтириб олиб, қўлидаги илгак ҳасса билан филни бошқарар экан. Фил Ғарибга яқинлашгач, умрида кўрмаган махлуққа рўпара келиб қолган оти ҳуркиб кетибди. Шунда у дарров отдан тушиб, уни Қайлажонга берибди-да, ўткир шамширини қинидан суғуриб, Раъд шоҳ томон юзланиб, филга рўпара бўлибди.

Раъд шоҳ агар паҳлавонлар билан курашда таҳликага тушиб қолса, одатда найранг ишлатар экан. Бундай чоғда у фил устидаги тахтга ўтириб олиб, «вақиқ» деган бир нарсасини олар экан. У тўрга ўхшаган бир нарса бўлиб, унинг ости кенг, усти тор қилиб тўқилган экан. Унинг тагидаги ҳалқага эса тўрдан ўтказилган ипак арқон туташтирилган экан. У чавандозга яқинлашгач, унга ана шу тўрини ташлаб, ипак арқонидан тортар экан-да, отдан йиқилиши билан боғлаб асир туширар экан.

Ғариб унга яқинлашгач, Раъд шоҳ вақиқини отган экан, у Ғарибнинг устига ёйилиб тушибди. Раъд дарҳол уни фил тепасига тортиб олибди-да, филбонга бақириб, қароргоҳга ҳайдабди. Қайлажон билан Қуражон Ғарибнинг қанотида юришган экан, хожаларининг бу аҳволга тушганини кўриб, филни шартта тутиб, юрғизмай туришибди. Бу орада ўзини ўнглаб олган Ғариб, вақиқни қирқиб ташлабди. Қайлажон билан Қуражон ёрдамида Раъд шоҳга ҳужум қилиб, қўл-оёғини лийф билан маҳкам боғлаб олиб кетибди.

Шунда икки томон одамлари мисоли икки денгиз ё икки тоғ туташгандай, бир-бирларига ёпирилишибди. Осмону заминни чангу тўзон қоплабди, иккала томон аскарлари ҳам қирғинни ўз кўзлари билан кўрибди: жангу жадал авжига миниб, қонлар сел бўлиб оқибди. Даҳшатли урушда жуда кўп одамнинг боши кетиб, ёстиғи қурибди. Ниҳоят кеч кириб, ҳамма ёқни тун зулмати қоплагандагина ажралиш дўмбираси чалиниб, бир-бирини тарк қилган аскарлар ўз тарафларига жўнабди. Бу кунги жангда кўпгина мусулмонлар қирилиб, кўпи ярадор бўлибди. Буларни ўша фил ва жирафаларга миниб олган аскарлар қириб, ярадор қилибди. Бу аҳволдан анча ғамнок

бўлган Ғариб, жароҳатланганларни даволашга буюрибди-да, ўзи киборларига ўгирилиб; «Хўш, энди нима қиламиз, қандай маслаҳат берасизлар?»— деб сўрабди. Шунда улар: «Э шоҳ, бизга фақат фил билан жирафагина талофат етказяпти, холос. Агар биз ўша махлуқдан халос бўлганимизда, душманнинг адабини бериб қўярдик»,— дебди. Қайлажон билан Қуражон: «Биз икковимиз қилич яланғочлаб, душман устига ҳужум бошлаб, ҳаммасини яксон қилиб юборамиз»,— дебди.

Шу пайт бирдан Уммон аскарларининг маслаҳатчиси олдинга чиқиб: «Э шоҳ, агар менинг гапимга кириб, маслаҳатимни қулоққа олсанг, лашкарни менинг ихтиёримга топшир»,— дебди. Ғариб сардорларга ўгирилиб: «Ушбу муаллим нима деса, қулоқ солинглар, маслаҳатини қабул қилинглар»,— дебди. Сардорлар дарҳол: «Бажону дил»,— дейишибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз олтмиш
тўртинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Ғариб ўз сардорларига:

«Ушбу муаллим нима

деса, қулоқ солиб, маслаҳатига амал қилинглар»,— деган экан, сардорлар:

«Бажону дил»,— деб жавоб берибди. Уша устомон ўнта сардорни танлаб олибди-да, улардан:

«Сизларнинг итоатларингда қанча қўшин бор?»— деб сўрабди. Сардорлар:

«Ўн минг паҳлавон»,— дейишибди. Шундан сўнг уларни

яроғхонага бошлаб кириб беш минг аскарга қурул улашибди-да, уни қандай қилиб отишни ўргатибди.

Тонг ёришгач, душманлар шайланиб, фил, жирафа, барча ваҳший ҳайвонларини чиқариб, қатор сафга тизиб, паҳлавонларини олдинга сафлабди. Ғариб ҳам ўз баҳодирларини қўшини олдига тизибди. Жанг дўмбиралари чалиниб, сардорлару жирафа ва филлар олдинга отилибди. Шу пайт ҳў ҳалиги устомон киши амри билан мерганларнинг ҳаммаси ёйларидан ва милтиқларидан ўқ узишга тушибди. Отилган найза-ю қўрғошин ўқлар ваҳшийларга қадалаверибди. Ярадор бўлган ҳайвонлар бўкириб ув тортганича, кетига қочиб, саф тортиб турган душман паҳлавонларига ташланибди-да, ҳаммасини оёқ остига олиб янча бошлабди. Шу пайт Ғариб аскарлари душман устига ҳужум қилиб, уларни қуршаб, қочишга имкон бермабди. Ниҳоят кўпи ўз филлари оёғи остида янчилиб, нобуд бўлибди. Қолган-қутганлари эса чўлу биёбонларга тирақайлаб қочибди. Ғариб қўшини ҳиндий қиличлар билан уларни кетма-кет қуваверибди, улар қочолмай, филу жирафалар оёғи остида қирилиб, баъзилари жон сақлаб қолибди, холос.

Ғалабадан хурсанд бўлган Ғариб қайтиб эртаси куни барча ўлжаларни аскарларига бўлиб берибди ва беш кеча-ю беш кундуз тин олгач, Ғариб тахтга ўтириб акаси Ажибни келтиришни буюрибди. Уни келтиришгач, «Ҳей, ит,— дебди Ғариб унга қараб,— сен қаёқда-ю, биздек шоҳлар билан олишиш қаёқда, ахир ҳар қадамда бизни эгам қўллаб турибди-ку, хомтама бўлиб нима қиласан, ундан кўра, исломни қабул қилиб, жонингни сақлаб қўя қолмайсанми? Агар айтганимга кўнсанг, отам билан онам қасдини олмайман, ҳатто илгаригидай сени яна подшо қилиб қўйиб, ўзим сенинг ҳимоянгда бўламан».

«Мен ўз динимдан қайтмайман»,— дебди Ажиб.

Шундан сўнг Ғариб уни занжир-кишанлар билан

Ўраб, қамаб қўйибди ва юз нафар манман деган қулларини соқчи қилиб тайинлабди. Кейин у Раъд шоҳни келтириб: «Хўш, дини ислом ҳақида сен нима дейсан?»— деб сўрабди. Раъд шоҳ бўлса: «Э ҳазратим, мен динингизга кираман, агар бу чинакам ва яхши дин бўлмаганида, сизлар ғалаба қозонмасдинглар. Қўлингни чўз, мен имон келтираман»,— дебди.

Ғариб унинг имон келтирганидан беҳад қувониб: «Қалбингда имон ҳаловати ўрнашдими?»— деб сўрабди. «Ҳа, ҳазратим»,— деб жавоб берибди у. Шундан сўнг Ғариб: «Э Раъд шоҳ, сен ўз мамлакатинг ва тахту бахтинг томон жўнайсанми?»— деб сўрабди. Раъд шоҳ эса: «Э шоҳ, мен ўз динимдан қайтганим учун отам мени ўлдиради»,— дебди. «Ундай бўлса, мен сен билан бирга бориб, барча ер-сувларингни олиб бераман. Оллоҳ таолонинг ёрдами билан мамлакату барча қулларинг сенга итоат қиладиган бўлишадди»,— дебди Ғариб.

Раъд шоҳ Ғарибнинг қўл-оёғини ўпибди. Ғариб эса фикр-андишалар соҳиби, душманларни хор қилиб, дўстларни кулдирган ва мол-дунё ато қилганга атаб хайри худойи қилиб юборибди. Сўнг Ғариб Қайлажон билан Қуражонга мурожаат қилиб: «Э жинлар сардори!»— дебди. «Лаббай, тақсирим!»— деб жавоб беришибди улар. Шунда Ғариб: «Ҳинд ўлкасига боргим келяпти, мени ўша ерга элтинглар»,— деган экан, иккала морид: «Бажону дил, элтиб қўямиз»,— дебди.

Шундан сўнг Ғариб Жамарқон билан Саъдонни олиб бормоқчи бўлган экан, буларни Қуражон кўтарибди, Қайлажон бўлса Ғариб билан Раъд шоҳни кўтариб тўғри Ҳинд мамлакатига жўнашибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Ҳикояни эшитган синглиси: «Ҳикоянгиз жудаям қизиқ-а, бундан яхши, бундан ажойиб ҳикояни ҳеч эшитмаганман»,— деган экан, опаси унга: «Ҳали бу айтиб берганларим унчали қизиқ эмас, агар шоҳим мени ўлдирмай, тирик қолдирсалар, эртага бундан ҳам яхшисини, бундан ҳам қизигини айтиб бераман»,— дебди. Буларнинг гапини эшитган шоҳ ўзича: «Кел, олдин унинг ҳикояларини эшитиб олай, кейинч ўлдирарман»,— деган фикрга келибди.



*Олти юз олтмиш
бешинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— ўша иккала морид Ғариб шоҳ, Жамарқон, Саъдон ва Раъд шоҳни кўтарганича, тўппатўғри ҳинд ўлкасига йўл олибди. Улар кун ботар чоғида жўнашган бўлса, ҳали тонг отмасданоқ, Қашмирга етишибди, моридлар уларни қасрга қўндирибди. Улар қаср пиллапоясидан пастга тушишибди.

Бу вақтга қадар Тараканон шоҳ қочоқлар орқали ўғли ва аскарлари билан бўлган воқеани эшитган бўлиб, шоҳ ўз аскарларининг қирилганлигидан, ўғлининг ҳасратда қолганидан доғда экан. Одамларининг аҳволини ўйлаб ўз қилмишидан минг пушаймон бўлган Тараканон бошини ҳам қилиб ўтирган чоғда, бирдан ҳузурига бир тўда жамоа кириб келибди. Шоҳ ўз ўғли ва унинг ёнидаги паҳлавонлар ҳамда моридларни кўриб қўрққанидан қочмоқчи бўлган экан, ўғли уни тўхта-тиб: «Хўш, э ғаддор, йўл бўлсин; сен оташпараст, энди ўтга ибодат қилишни ташлаб, кеча-кундузни халқ қилувчи молику жабборга ибодат қил!»— дебди.

Отаси унинг гапани эшитгач, дарғазаб бўлиб қўлидаги темир гурзисини ўғлига отган экан, Раъд чап бериб қолибди-да, гурзи қаср чеккасига тушиб, унинг уч дона тошини майда-майда қилиб юборибди

— Ҳей, ит,— дебди отаси ўғлига,— сен аскарларни ҳалок қилдинг, динингни ютиб, ундан қайтдинг, яна энди мени йўлдан оздиргани келдингми!

У ғазаб билан ўғлига ташланган экан, Ғариб унинг йўлини тўсиб, бўйнига бир уриб йиқитибди. Қайлажон билан Қуражон уни чамбарак қилиб боғлаб ташлабди. Буни кўрган саройдагиларнинг ҳаммаси ура қочибди. Ғариб подшолик тахтига ўтириб, Раъд шоҳга: «Отангни нима қилиш ҳақида ўзинг ҳукм чиқар!»— дебди. Шунда Раъд шоҳ отасига ўгирилиб: «Ҳей қария, сен залолатга кетяпсан, исломни қабул эт, шунда сен дўзаху пуршидатдан ва тангрининг ғазабидан қутуласан»,— дебди. «Мен шу дин билан кетаман»,— дебди Тараканон. Шу пайт Ғариб ўзининг ўткир шамширини шартта қинидан суғуриб, бир урган экан, шоҳ икки бўлак бўлиб ерга йиқилибди. Тангри унинг руҳини ўша даҳшатли дўзахи пуршидатга ташлашга шошилибди. Ғариб уни қаср эшиги олдига олиб чиқиб, ярмини ўнгга, ярмини сўлга осиб қўйишни буюрибди-да, ҳаммалари ухлашга ётишибди. Эрталаб Ғариб, Раъдга подшолик либосларини кийишни буюрибди. У кийиниб отасининг шоҳлик тахтига ўтирибди, Ғариб унинг ўнг томонига ўтибди. Қайлажон, Қуражон ва Жамарқон билан Саъдонлао эса шоҳнинг ўнгу сўлида қўл қовуштириб туришибди. Шунда Ғариб уларга: «Подшо аъёнларидан кимда ким ичкари кирса, дарҳол қўл-оёғини боғланглар, сардорлардан ҳеч қайсиси қўлингиздан қочиб қутулмасин»,— дебди. Улар: «Айтганларингизни бажону дил бажарамиз!»— деб, Ғарибга қуллуқ қилишибди.

Шундан кўп ўтмай, сардорлар хизматларини бажо келтириш учун бирин-кетин қасрга кириб кела бошлабди. Биринчи бўлиб сардорлар оғаси кириб келибди. У, сарой эшигига яқинлашган экан, бирдан кўзи икки бўлак бўлиб, ўнгу сўлда осилиб ётган Тараканонга тушиб, юраги орқасига тортиб кетибди. Нима қилишини билмай, эсанкираб қолибди. Шу вақт Қайлажон унинг халқумидан олиб улоқтириб ташлаган экан, ўмбалоқ ошиб тушиб, дарров уни боғлашиб, қаср дарвозасига сириб ташлашибди. У бирин-кетин келган бошлиқларни ҳам битта-битта қўлга туширавериб, тонг ёришиб, қуёш қомат кўрсатгунча бўлмай, уч юз эллик сардорни боғлаб, Ғариб ҳузурига келтиришибди. Шунда Ғариб уларга: «Э халойиқ, қаср дарвозасига осилиб ётган шоҳингларни кўрдингларми?»— деган экан, «Қим уни бу кўйга солди?»— деб сўрашибди сардорлар. «Тангри ёр бўлиб, бу ишни мен қилдим, кимки йўлимга юрмай, менга қаршилиқ қилса, уни ҳам худди шу кўйга соламан, унинг ҳам ҳолига вой»,— дебди. Сардорлар: «Хўш, мақсадинг нима, биздан нима истайсан?»— деб сўрашган экан, Ғариб жавоб бериб:


— Мен Ироқ шоҳи Ғарибман,— дебди,— ўша баҳодирларингизни қириб ташлаган ҳам менман; Раъд шоҳ ислом динига кирди ва буюк шоҳ бўлиб, устингиздан ҳукм юритувчингиз бўлди. Сизлар ҳам исломни қабул қилсанглар, омон қоласизлар, акс ҳолда, пушаймон қиласизлар.

Шу билан улар шаҳодат келтириб, саодат аҳли қаторига ёзилибди; буларни кўриб Ғариб: «Қалбингизга имон ҳаловати ўрнашгани ростми?»— деб сўрабди. «Рост»,— дейишибди сардорлар. Шундан сўнгра Ғариб уларнинг қўл-оёқларини бўшаттириб ҳаммасига саруполар кийгазибди. «Энди,— дебди Ғариб

уларга,—одамларингиз олдига бориб, уларни исломга даъват қилинглар, ким мусулмон бўлса, омон қолдиринг, қаршилик қилганини беомон қириб ташланг».

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Опасининг ҳикоясини эшитган синглиси: «Вой опа-жон-эй, қиссангиз бунчаям қизиқ, бунчаям ажойибки, бундайини ҳали ҳеч эшитмаганман, бундан қизиқ ҳикоя бўлмаса керак»,—дебди. Шаҳризод бўлса: «Бе, ҳали шуниям қизиқ деб ўтирибсанми, мана кўрасан, агар шоҳим мени ўлдирмай, омон қолдирса, эртага кечқурун шундай бир қизиғини айтиб берайки, унинг олдида булар ҳеч гап бўлмай қолади»,—дебди. Подшо унинг гапини эшитиб: «Кел, то бунинг қолган ҳикояларини эшитиб олмагунимча ўлдирмаганим бўлсин»,—деб қасам ичибди ўзича-ўзи.



*Олти юз олтмиш
олтинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,—деб давом этди Шаҳризод,—Ғариб Раъд шоҳ сардорларига: «Энди одамларингиз олдига бориб, уларни ислом динига даъват қилинглар, ким имон келтирса, уни омон қўйиб, қаршилик кўрсатганларини беаёв қириб ташлайверинг»,—дебди.

Улар бориб одамларини воқеадан хабардор қилгач, исломга даъват қилган экан, улар имон келтириб, мусулмон бўлишибди. Қаршилик қилгани учун бир нечтасини қириб ташлашибди. Бу ҳақда Ғарибга хабар беришган экан, у ишнинг анча енгиллашганидан кайфи чоғ бўлиб, тангри таолога шукрона билдирибди.

Ғариб ҳинд Қашмирида қирқ кун бўлиб, ўлкани ўз тасарруфига қаратгач, оташ ибодатхоналари ва уларнинг маконларини буздириб, ўрнига масжиду жомелар қурдирибди. Раъд шоҳ бўлса, тавсифини айтиб тугатиб бўлмас даражада жуда кўп ҳадя ва туҳфаларни уловга ортиб, Ғариб ва унинг ҳамроҳларини узатибди.

Ғариб Қайлажон орқасига опичибди, Саъдон билан Жамарқон эса Қуражонга опичишиб, хайр-маъзур қилишгандан сўнг, кўкка парвоз этишибди, ҳали тонг отмасданоқ Уммон шаҳрига етиб келишибди; Ғарибнинг қавму қариндош, ёру биродарлари саломат қайтганидан хурсанд бўлишибди.

У Куфа дарвозасига етгач, Ажибни келтиришга фармон берибди, уни келтиришган экан, Ғариб салб қилиб миҳ билан қоқибди. Саҳим эса Ажибнинг тиззасига темир найзалар отибди. Кейин уни Куфа дарвозасига осиб, ёйдан ўқ отишга фармон берибди. Беҳисоб найза санчилаверганидан Ажиб худди кирпига ўхшаб кетибди. Шундан сўнггина Ғариб қасрга бемалол кириб, ўз тахтига ўтириб, ҳукм-фармон юргазибди.

Ниҳоят кун тугаб, қош қорайгач, Ғариб ўз ҳарамига кирган экан, Кавкабу Сабоҳ унинг истиқболига чиқиб уни қучоқлаб олибди. Чўрилар ҳам шоҳнинг саломат қайтганидан шод бўлиб, табриклашибди. Ғариб шу кунни тун бўйи Кавкабу Сабоҳ олдида қолибди.

Ғариб тонг отгач, ювиниб бомдод намозини ўқибди; сўнг мамлакат тахтига миниб, Маҳдия тўйига ҳозирлик кўра бошлабди. Тўйда уч минг бош қўй, икки минг қорамол, минг бош улоқ, беш юз бош туя, беш юз бош от, тўрт минг товуқ, жуда кўп ғоз сўйилди. Тўй шундай улкан, шундай тўкин-сочинлик

билан ўтибдики, бундай дабдабали тўй у замонларда ислом ўлкаларининг бирортасида ҳам бўлмаган экан.

Шундан кейин, Ғариб Маҳдия қўйнига кириб, исматини олибди ва Куфада ўн кун бўлгач, амакисини чақириб, унга раъия — халқ билан адолат юзасидан ҳукм юритишни тайинлаб, ўзи ҳарами ҳамда баҳодирлари билан йўлга тушибди. Юриб-юриб, ниҳоят туҳфа-ҳадялар ортилган уловга етиб келибди ва ундаги барча совға-саломларни одамларга тарқатган экан, паҳлавонлар бойиб кетибди. Ундан чиқиб Бобил шаҳрига етиб келишибди.

Бу ерда Ғариб укаси Саҳимга подшолик сарупосини кийгазиб, бу шаҳарга султон қилиб тайинлабди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз олтмиш
еттинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Ғариб ўз укаси Саҳимга подшолик сарупосини кийгазиб, у ернинг султони қилиб тайинлабди ва Бобилда ўн кун бўлгач, у ердан жилибди-да, йўл юриб, Саъдон Ғул қўрғонига етиб келибди. У ерда беш кун истироҳат қилиб ётгач, Қайлажон билан Қуражонга:

— Сизлар Исонир мадоинга бориб, Кисрий қасрига киришларда, Фаҳру Тож аҳволини билиб, шоҳнинг яқин кишиларидан биттасини олиб қайтинглар,— деб фармон берибди.

Моридлар Ғарибга: «Айтганингизни бажону дил бажарамиз»,— дейишибди. Улар осмон билан ер ўртасида Исонир мадоин шаҳрига учиб кетаётганла-

рида бирдан кўзларига мисоли тошқин денгиздай ҳамма ёқни эгаллаб олган ғуж-ғуж аскар кўриниб қолибди. Шунда Қайлажон Қуражонга: «Тушиб кўрайлик-чи, бу аскарлар кимлар экан»,— дебди.

Иккови пастга қўниб, билишса, ажамликлар экан. Бир кишидан: «Бу кимнинг аскари, қаёққа кетяпти?»— деб сўрашган экан, у: «Ғарибнинг олдига кетяпмиз, унинг ўзини ва кимки у билан бирга бўлса, униям ўлдирмоқчимиз»,— дебди. Бу гапни эшитиб, улар тўғри аскарлар сардори подшо чодирга боришиб, бекиниб туришибди. Унинг исми Рустам экан? То ажамликлар уйқуга кетгунча кутиб туришибди-да, ҳамма маст уйқуга кетганда ичкари киришса, Рустам ҳам сўрида ястаниб ётганмиш. Моридлар уни сўрипўриси билан кўтариб, қасрдан чиқишибди, ҳали ярим кеча бўлмаёқ, тўғри Ғариб қароргоҳига олиб боришибди. Шу пайт улар қароргоҳга келиб ижозат сўрашган экан, Ғариб уларнинг гапини эшитиб, тахтга ўтирибди ва киришга рухсат берибди. Моридлар сўри билан ичкари киришганда ҳам Рустам ҳамон маст уйқуда ётган экан. Ғариб улардан: «Қим бўлди бу?»— деб сўрабди.

— Бу жуда кўп қўшинли ажам подшоларидан,— дейишибди улар,— у сени ва сенинг одамларингни ўлдиришга отланган экан. Биз тутиб, сенинг ҳузурингга келтирдик; сен ўзинг ундан сўрасанг, кимлигини, мақсади нима эканлигини айтиб беради. Шунда Ғариб:

— Қани, менинг олдимга юз нафар баҳодирларни келтиринг,— дебди. Улар келгач: «Қиличларини яланғочлаб, бу ажамликнинг боши устида типпа-тик туринглар»,— дебди.

Улар Ғариб буюргандай қилибдилар. Шундан сўнг уйғотишган экан, Рустам кўзини очиб қараса, унинг

боши тепасида яланғочланган қиличлар қуббаси турибди. У: «Жуда бемаза туш кўрибман-а»,— деб яна уйқуга кетибди. Шунда Қайлажон қиличининг учи билан бир ниқтаб қўйган экан, чўчиб тушган Рустам: «Мен қаердаман?»— деб сўрабди. «Сен ажам шоҳининг куёви Ғариб шоҳ ҳузуридасан. Отинг нима, қаерга кетяпсан?»— дебди морид. Рустам Ғарибнинг исмини эшитгач, бошини эгиб, ўйга чўмиб қолибди. У ўзига ўзи: «Бу тушимми-ўнгимми?»— деркан. Шунда Саҳим уни бир тушириб: «Нега оғзингга талқон солгандай индамай турибсан, гапир!»— дебди. У бошини кўтариб: «Мени қароргоҳимдан бу ерга ким олиб келди?»— деб сўрабди.— Мен ўз одамларим орасида эдим-ку!» «Сени мана бу икки морид келтирди»,— деб жавоб берибди Ғариб. Шундан сўнггина Рустам Қайлажон билан Қуражонга назар солиб, уларнинг ҳайбатидан чўчиб, иштонини тўлдириб қўйибди. Моридлар унга ўқрайганча, қозиқ тишларини ғижирлатиб, қиличларини яланғочлабди-да: «Ҳали сен Ғариб шоҳга қуллуқ қилиб, ер ўпмайсанми?»— деб дўқ қилишибди. Рустам моридларнинг гапидан кайфи учиб, «ухлоқмикинман, зора тушим бўлса» деб кўзини каттароқ очса, ростдан ҳам ўнги экан. У дарҳол Ғариб шоҳнинг оёғига йиқилиб, ер ўпиб: «Сени оташ қўлласин, умринг узоқ бўлсин, шоҳ!»— деб дуо қилибди. Бунинг дуосини эшитган Ғариб: «Э ажам ити, оташ ҳеч маъбуд бўлолмайди, у таом пиширишдан бошқага ярамайди»,— дебди. Рустам бўлса: «Бўлмаса, ким маъбуд бўлади?»— дебди. Ғариб унга: «Сени халқ қилган, мана шу афт-ангоринг билан яратган, осмону заминни бор қилган зотга ибодат қилинади»,— дебди. Рустам: «Нима десам, мен ҳам ўша рабнинг ярлақагани бўлиб, сизларнинг динингизга кираман?»— деган экан, Ғариб: «У оллоҳдан бў-

лак худо йўқ, Иброҳим унинг дўсти,— деб калима келтир!»— дебди.

Рустам Ғарибнинг гапини қайтариб, калимайи шаҳодат билан имон келтириб, аҳли саодатлар қаторига ёзилибди. Шундан сўнг Рустам Ғарибга:

— Э мавлоно, билиб қўй, сенинг қайнатанг Собур шоҳ сени ўлдириш ниятида, у юз минглаб аскар билан мени юбориб, биттангларни ҳам қолдирмай, қириб ташлашимни буюрди,— дебди. Ғариб бу гапларни эшитиб:

— Яхшиликка ёмонлик экан-да, менинг ундан кутганим шумиди, ахир мен қизини балодан халос қилиб, ўлимдан олиб қолган бўлсаму, у бундай нотантилик қилса! Лекин, майли, оллоҳ унинг бу қилмишига яраша жазосини беради,— дебди.— Ҳа майли,— дебди у,— бир оз ўйга чўмиб,— айтгандай, сенинг отинг нима? «Отим Рустам, Собур шоҳнинг сарлашкариман»,— дебди у. Шунда Ғариб: «Менга ҳам сарлашкар бўласан, Рустам, малика Фаҳрутожлар, қалай?»— деб сўраган экан, Рустам: «Бошинг омон бўлсин, замона шоҳи!»— дебди. «Нима сабаб бўлиб ўлди?»— деб сўрабди Ғариб. «Э ҳазратим, сен акангга қарши йўл олганингдан сўнг бир каниз келиб қайнатанг Собур шоҳдан, «Э сайидим, сен Ғарибга малика Фаҳрутож қўйнига киришга рухсат берганмидинг?»— деб сўрабди. Шоҳнинг кайфи учиб: «Оташ ҳақи, рухсат берган эмасман!»—дебди. Шоҳ дарҳол қиличини яланғочлаб, маликанинг олдига кирибди-да: «Сен беномус, қайси юзинг билан ўша бадавий билан ётдинг, ахир ҳали у маҳрингни тўлаб, тўйингни ўтказмаган эдику!»— дебди. «Э ота, ётишга ўзинг изн бердинг-ку!»— дебди малика. Шоҳ қизига: «У сенга яқинлашди-ми?»— деган экан, малика индамай, бошини ерга эгибди. Шундан сўнг Собур шоҳ доя хотин ва кани-

закларга бақириб: «Бу бузуқни ётқизиб фаржини кўринглар!»— дебди. Дарров хотинлар маликани ётқизиб, фаржини кўришгач, Собурга: «Э шеҳ, қизлиги кетибди!»— дейишибди. Шунда шоҳ ҳамла қилиб ўлдирмоқчи бўлган экан, қизнинг онаси ўртага тўғаноқ бўлиб, ўлдиргани қўймабди, у эрига:

— Шоҳим, қўй, қизингни ўлдирма; фарзандкуш деган ном орттириб қоласан, уят бўлади, яхшиси зиндонга ташлаб қўя қол, ҳибсда ўз ажали билан ўлади, ўзинг ҳам бадном бўлмайсан,— дебди.

Сўнг Собур шоҳ малика Фаҳрутожни зиндонга ташлабди-ю, аммо бунга кўнгли тўлмай, кеч киргач, икки нафар махсус киши чақириб: «Икковингиз маликани олиб, Жайхун дарёсига чўктириб юборинглар, лекин бунга ҳеч кимга айта кўрманглар»,— деб тайинлаб, қизини бериб юборибди.

Улар шоҳ айтганидай қилиб келишибди, шу тариқа Фаҳрутожнинг ўлганини ҳеч ким билмай ҳам, кўрмай ҳам қолибди. Будан анча вақт ўтибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Ғариб шоҳ Рустамдан малика Фаҳрутожнинг

аҳволини сўраган экан, у бўлган воқеани гапириб берибди. Билса, Собур ўз қизи Фаҳрутожни дарёга чўктириб юборибди.

Бу ёмон хабарни эшитгач, Ғарибнинг феъли айнаб, кўзларига дунё қоп-қоронғи бўлиб кетибди ва ниҳоят: «Оллоҳнинг дўсти Иброҳим ҳақи, бу итнинг олдига бориб, таъ-



*Олти юз олтмиш
саккизинчи кеча*

зирина бериб, қийма-қийма қилиб, диёрини хароб қилмасам, юрган эканман!»— деб қасам ичибди.

Шундан сўнг Жамарқон Миёфориқийн ва Мусул ҳокимига хат ёзиб жўнатибди ва Рустамга ўгирилиб: «Ўзинг билан қанча аскаринг бор?»— деб сўрабди. «Юз минг»,— дебди Рустам. «Ўнг минг чавандозингни ол-да, ўлканг сари равона бўл, бориб жанг қилиб тур, мен кетингдан изма-из етиб бораман»,— дебди Ғариб.

Рустам, ўзининг ўн минг отлиқ аскарига бош бўлганича, халқи томон йўл олибди. У ўзича: «Мен шундай бир иш қилайки, у билан Ғариб шоҳ олдида юзим ёруғ бўлсин»,— деб аҳд қилибди.

Рустам йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, етти кеча-ю етти кундуз деганда, ниҳоят ажам аскарлари қароргоҳига яқинлашибди. Рустам чавандозлари билан ажам аскарлари орасида ярим кунлик йўл қолибди. Шунда Рустам ўз аскарларини тўрт қисмга бўлиб:

— Тез уларнинг аскарларини қуршаб олинглар-да, кейин қилич яланғочлаб ёпирилиблар,— дебди. Улар Рустамга: «Буйруғингиз бош устига»,— дейишибди. Улар бориб ярим кечада Собур аскарларини қуршаб олишибди-да, қоқ ярим кечада такбир айтиб, ҳужумга ўтишибди. Ажамликлар ғафлат уйқусидан чўчиб уйғонишганда ўзларини қиличбозлар қуршовида кўриб, оёқлари тойиб йиқилаверибди. Шаҳаншоҳи доно бу ҳолдан ғазабланибди.

Рустам бўлса қилич яланғочлаб, худди қуруқ ўтинга тушган оловдай ёниб, уларни қириб ташлайверибди. Ҳали тонг отмасданоқ, кўпгина ажам аскарлари қирилиб, қанча-қанчаси жароҳатланиб, баъзилари жон сақлаб қочиб қолибди. Мусулмонлар бўлса, чодир хазина дейсизми, молу дунё дейсизми, оту туя

дейсизми — ҳаммасини қўлга тушириб, анча-мунча ўлжа олибди.

Шу билан улар ажамликлар чодирига қўнишиб, то Ғариб шоҳ етиб келгунча истироҳат қилишибди. Ғариб келиб қараса, Рустам устомонлик билан ажамликларни роса қириб ташлабди. Ғариб унга саруполар кийгизиб: «Э Рустам, ажамликларни сен ўзинг тилка-пора қилганингдан кейин, ўлжалар ҳам сеники бўлсин»,— дебди.

Рустам, шоҳга миннатдорчилик билдириб, қўлини ўпибди. Улар бир оз дам олишгач, Ажам мамлакати томон равона бўлишибди.

Бу орада қочоқлар Собур шоҳ олдига ҳовриқиб келибдилар-да, бало-ю мусибатларга гирифтор бўлганликларини, барча аскарлар қирилиб битганини арз қилибдилар. Шунда Собур шоҳ: «Нима бало бўлди сизларга? Ким экан у, бошингизга кулфат солган?!»— деб хитоб қилиби.

Улар бўлиб ўтган можарони ва душман қоронғи кеча зулматидан фойдаланиб ҳужум қилиб қолганини шоҳга гапириб беришибди. Шунда Собур: «Сизларга ким ҳужум қилди?»— деб сўрабди. Улар: «Бизга ҳужум қилган сенинг сарлашкарингнинг ўзи, у мусулмон бўлибди, Ғариб ҳали бизга қарши урушгани ҳам йўқ»,— дейишибди.

Собур шоҳ бу гапларни эшитиб, тожини ерга улоқтириб ташлабди: «Адойи тамом бўлибмиз энди, ҳолимизга вой!»— дебди. Собур ўғли Вард шоҳга ўгирилиб: «Э болам, бунини даф қилишга сендан бўлак кимса йўқ»,— деган экан, у: «Э падарим, умринг билан онт ичиб айтаманки, мен, албатта ўша лаънати Ғарибни ва унинг қўрбошиларини асир олиб, барча одамларини ҳалок қиламан»,— деб қасам ичибди. У ўз аскарларини ҳисоблаган экан, икки юз йигирма

минг чиқибди. Улар «Эртага йўлга тушамиз»,— деб тунашибди. Тонг отгач, энди сафарга отланиб туришганда, бирдан чанг-тўзон кўтарилиб, осмону заминни қоплаб олибди-да, кўрар кўзларга парда бўлибди. Бу вақт Собур шоҳ ўғли билан видолашмоқчи бўлиб келаётган экан. У бу азим тўзонни кўриб, чопарига: «Тезда бориб не гаплигини билиб кел!»,— деб бақирибди.

Бир зумда ғойиб бўлган чопар, кўп ўтмай, қайтиб келибди-да:

— Э мавлоно, огоҳ бўлинг, Ғариб ўз паҳлавонлари билан келмоқда! — дебди у ҳаллослаганича. Ана шунда денг, тайёрланган ҳамма йўл озиқларини бир чеккага қўйиб, жангу қирғинга ҳозирлик кўришга ўтибди.

Ғариб Исбонир мадоинга яқинлашгач, ажамликларнинг жангу жадалга тайёр бўлиб турганликларини кўрибди.

Шу вақт Собур ўз аскарларига: «Қани, азаматларим, душманга ҳамла қилинглар, сизларни оташпаноҳимиз ярлақайди»,— деб далда берибди.

Байроқлар ҳилпираб, арабу ажамликлар бир-бирларига ёпирилиб, халқ халққа ташланибди. Жонлар ажал топибди. Қонлар дарё бўлиб оқибди. Шижоатлилар дас олдинга чиқиб, қўрқоқлар тирақайлаб ура қочибди. Шу алфоз жанг бориб, ниҳоят кун қайтиб, ажралиш дўмбиралари чалингач, лашкарлар бири-бирини тарк этишибди.

Собур шоҳ шаҳар дарвозаси олдида чодир тикишга буюрибди, Ғариб ҳам ажамликлар рўбарўсига чодир тикдирибди. Ҳамма чодир-чодирга кириб тинибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз олтмиш
тўққизинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,—
Ғариб шоҳ аскарлари билан Собур шоҳ аскарлари бир-бирини тарк қилиб, ажралишгач, ҳар бири ўз чодирига жўнабди. Тонг отгач, лашкарлар зотли отларига минишиб, ғалағовур кўтаришганларича, жанг либосларига кириб, ёю найзалар билан жангоҳга йўналибдилар. Майдонга довурак сардорлар, жасур шербаччалар чиқиб келибди.

Жангоҳга биринчи бўлиб Рустам дадил кириб келибди.

У майдон ўртасига от суриб: «Оллоҳу акбар! Мен араб ва ажам сарлашқари Рустамман! Қани, мен билан беллашадиганинг борми? Қим менга бас келмоқчи? Қани, манман деганинг майдонга чиқ!»— деб хитоб қилган экан, ажамликлар томонидан Туман деган баҳодир ўртага тушиб, депсиниб турган Рустамга ҳамла қилибди. Рустам ҳам унга отилибди, икки ўртада қирпичоқ жанг бўлибди. Бир маҳал Рустам рақибига бир ташланиб, етмиш ботмонли гурзиси билан туширган экан, калласи майдаланиб, бўйнига осилиб қолибди. Шу билан Туман шилқ этиб ерга йиқилиб, қонига беланибди-ю ўлибди. Бунни кўрган Собур ичидан зил кетибди. У ўз одамларига: «Ҳаммангиз бирдан ҳамла қилинглар!»— деб амр қилибди. Ажамликлар ҳамла қилишган чоғларида нурлар эгаси офтобга, мусулмонлар эса, Малику Жабборга сизиниб, унинг қўллашини сўрар эканлар.

Бир вақт арабларга қарши ажам лашкарлари кўпайиб кетиб, бир қанча араб ўлим шаробини ичиб,

қон қақшабди. Шунда Ғариб бир наъра тортиб дағда-га-ю дабдаба билан ўртага чиқибди-да, ёфас тигли шамширини суғуриб, ҳамла қилибди. Қайлажон билан Қуражон эса Ғариб шоҳ билан ёнма-ён борибди. Шоҳ қилич ўйнатиб, ниҳоят, байроқдор сари силжиб етибди-ю, шамширини дас кўтариб, бошига урибди. Байроқдор таппа қулаб, ўзидан кетибди. Моридлар эса дарҳол уни боғлаб қароргоҳга олиб кетишибди.

Байроқ қулаганини кўргач, ажамликлар қутлари ўчиб, кетларига қайтганларича, шаҳар дарвозалари томон қочибди. Мусулмонлар бўлса уларни қувиб бориб, дарвоза олдида чунон жанг қилибдиларки, жуда кўп душман аскарлари ўлиб, ҳатто дарвозани бекитишга ҳам улгуролмай қолибди. Рустаму Жамарқон, Саҳим, Саъдон, Дамиғу Қайлажон ва морид Қуражон, жамики баҳодиру паҳлавон, якка тангрини таниган мусулмонлар, ажамлик оташпараст нодон устига баробар ҳужум қилибди. Душман шундай талофат кўрибдики, қон кўча-кўйда мисоли ариқ бўлиб оқибди.

Ана шундан кейин ажамликлар «Омон! Омон!»—деб бақиршга тушиб, қурол-яроғларини ташлашибди. Мусулмонлар қирғинни тўхтатишиб, ҳамма асирларни подадай ҳайдаб, қароргоҳларига олиб кетишибди. Ўз чодирига қайтиб борган Ғариб, ҳарбий анжомларини ечиб, шоҳона саруполарини кийибди, ювиниб, душманларнинг ифлос қонларидан тозаланибди, сўнг салтанат тахтига ўтириб, ажам шоҳини келтиришга фармон берибди. Дарҳол ҳузурига Собурни келтиришган экан:

— Ҳа, ит,—дебди у Собурга,—қайси юзинг билан қизингни бадном қилиб, шу кўйга солдинг? Қайси тилинг билан мени куёвликка нолойиқ дединг?—дебди.

— Э шоҳ,— дебди Собур,— қилган номаъқул ишларимни юзимга солиб, ярамни янгилама, пушаймондан шундай ҳам тилимни тишлаб қолганман. Ўзим ҳам сендан қўрққанымдан қурол кўтариб, жангга отланган эдим.

Бу гапдан сўнг Ғариб навкарларига Собурни ётқизиб дарра билан уришга буйруқ берибди. Навкарлар подшо фармонини бажо келтириб, Собурни ҳатто инграшга ҳам мадори келмайдиган даражада роса калтаклабди. Шундан сўнг уни маҳбуслар қаторига қўшиб қўйибди. Ғариб, ажамликларни чақириб, исломга даъват қилган экан, уларнинг бир юз йигирма мингги мусулмон бўлибди, қолган кўнмаганлари тифдан ўтибди. Шаҳарда бўлган барча ажамлик исломни қабул қилибди.

Ғариб отланиб, дабдаба билан Исбонир мадоинга кириб, ажам подшоси Собур тахтига ўтирибди ва ўлжа қолган подшо хазинасидаги мол-дунё билан одамларини мукофотлабди, ҳадялар берибди. Ҳаммага, шулар қатори ажамликларга ҳам олтину қимматбаҳо нарсалар улашибди. Бундан ажам халқи гоятда мамнун бўлиб Ғарибга меҳр қўйишибди, шону шавкат, соғ-саломатлик, узоқ умр тилаб, уни дуо қилишибди.

Фаҳрутожнинг онаси ўз қизини эслаб, аза очибди. Қаср дод-вой, оҳу воҳ, нолайи гирёнга тўлиб кетибди. Уларнинг йиғи овозларини эшитган Ғариб, ичкари кириб: «Нима гап?»— деб сўраган экан, Фаҳрутожнинг онаси ўрнидан туриб:

— Э хоҷам, келганингни эшитиб, қизимни эсладим,— дебди унга,— у бўлганида сени кўриб, қандай хурсанд бўларди. Қани энди у бўлса, оҳ бечора болам, ўн гулидан бир гули очилмай, хазон бўлган болам. Вой болам, вой болам!..

Ғариб она ноласига чидаб туролмай, юм-юм йиғлабди ва тахтга ўтириб: «Қани, олдимга Собурни келтиринглар-чи»,— дебди.

Собур кишанларда зўрға судралиб кириб келибди.

— Ҳе ит, қизингни қайси гўрга тикдинг?— дебди Ғариб.

— Мен уни фалон ва писмадон одамга бериб, Жайҳун сувига чўктириб юборинглар, деб тайинлагандим,— дебди Собур.

Ғариб ўша, Собур айтган икки одамни топдириб: «Шоҳ айтган гап тўғрими?»— деб сўраган экан, иккови ҳам:

— Ҳа, рост, лекин э шоҳ,— дейишибди,— биз уни сувга ғарқ қилмадик, раҳмимиз келиб, Жайҳун лабида қолдириб, мана шу ерларда кунингни кўриб юргин, лекин шаҳарга қайтма, агар сени отанг кўриб қолса, шу заҳоти сен билан қўшиб бизни ҳам ўлдиради, дедик. Бўлган воқеа мана шу...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
етмишинчига
утар кечаси*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— ўша икки киши Ғарибга Фаҳрутож билан бўлган воқеани айтиб: «Биз уни Жайҳун дарёси лабида қолдирган эдик»,— дебди.

Ғариб уларнинг гапини эшитгач, мунажжим-фолбинларни чақиртирибди. Улар келишгач: «Қани, бир фол очиб кўринглар-чи, Фаҳрутож ҳаётми ё оламдан ўтганми?»— дебди.

Фолбинлар дарҳол фол боқибди-да, кейин: «Э шоҳи замона, бизга аён бўлишича, малика соғ-саломат, бир ўғил кўрган; у ҳозир жинларнинг бир тоифаси ичида. Лекин уни йнгирма йилсиз кўролмайсан. Ҳисоблаб кўр-чи, сафарингга неча йил бўлибди»,— дебди.

Ғариб ўзининг ғойиб бўлиб кетган муддатини санаб кўрса, орадан саккиз йил ўтибди. Шунда у: «Ё тавба, шунча йил ўтиб кетибдим-а?»— дебди.

У Собурга қарашли барча қўрғону қалъаларга элчи юборган экан, улар Ғарибга итоат қилиб келишибди.

Ғариб ўз қасрида хотиржам ўтирган экан, қараса, бирдан, узоқдан чанг-тўзон кўтарилибди. Чанг кўпая бориб, ниҳоят, осмону заминни қоплаб олибди, ҳамма ёқ қоп-қоронғи зулматга айланибди. Ғариб Қайлажон билан Қуражонни чақириб: «Бу чанг-тўзоннинг боисини билиб келинглар!»— дебди.

Моридлар дарҳол тўзон орасига кириб, ғойиб бўлиб кетибди-да, бир оздан сўнг бир отлични кўтариб, Ғариб ҳузурида пайдо бўлишибди. «Мана бундан сўра, бу ўша аскарлардан бири»,— дебди улар. «Бу лашкар кимники?»— деб сўрабди Ғариб. «Э шоҳ, Широз ҳоқими Хирад шоҳнинг лашкари, у сен билан жанг қилмоқ учун келяпти»,— дебди асир.

Бунинг асл сабаби шундай экан: ажам шоҳи Собур билан Ғариб ўртасида юқоридаги воқеа бўлиб ўтгач, Собур шоҳнинг ўғли отасининг бир тўда аскари билан қочиб, Широз шаҳрига бориб, Хирад шоҳ ҳузурида ер ўпиб, таъзим қилибди, хўрлиги келиб кўзларидан оққан дув-дув ёш ёноқларига тушибди. Бу ҳолни кўрган Хирад шоҳ: «Бошингни кўтар, йигит, хўш, нима гап, нега йиғлаяпсан?»— деб сўрабди. «Э шоҳ,— дебди шаҳзода,— ўлкамизга арабларнинг Ға-

риб деган подшоҳи бостириб келиб, отам салтанатини тортиб олди ва ажамликларни қириб юборди, эл-юртга ўлим косасидан шароб ичирди». Шу билан у, Хирад шоҳга Ғариб билан Собур ўртасида бўлган воқеани бошдан-оёқ гапириб берибди.

Хирад шоҳ Собур ўғли гапларини эшитгач: «Менинг хотиним омонми?»— деб сўрабди. Шаҳзода: «Уни Ғариб олди»,— дебди. Бу гапдан Хирад шоҳ дарғазаб бўлиб: «Агар мен ер юзидан бадавий ва мусулмонларни қириб ташламасам, бош кўтариб юрмаганим бўлсин!»— деб онт ичибди.

Шу билан шоҳ хат битиб, ўз ноибларига жўнатибди, улар ҳаммаси қўшин тўплаб келибди, шоҳ санаб кўрса, барчаси саксон беш минг лашкар бўлибди. Кейин хазинани очиб, аскарларга қурол-яроғлар, совут-қалқонлар тарқатибди ва йўлга равона бўлиб, ниҳоят, Исбонир мадоинга ҳам етиб келибди. Улар шаҳар дарвозасига қўнибди.

Қайлажон билан Қуражон Ғариб шоҳ олдига келишиб, унинг тиззасини ўпишибди-да: «Э мавлоно, бизнинг ҳам раъйимизга қара, ўлиб бўлдик-ку, жим туриб; мана шу аскарларни бизга қўйиб бер, ўзимиз саранжом қиламиз»,— дейишибди. Ғариб бўлса уларга: «Бор, билганингни қилларинг, ихтиёр ўзларингда»,— дебди.

Иккала морид унинг бу гапини эшитибди-ю, ғув этиб учиб, Хирад шоҳ қўноғига тушибди. Қарашса, шоҳ курсида ўтирибди; Собур ўғли шаҳзода эса ўнг томонида, сардорлар эса унинг теварагига ўтириб ҳаммаси мусулмонларни қандай қириш маслаҳатини қилиб ўтиришган экан.

Қайлажон шартта келиб шаҳзодани, Қуражон эса Хирад шоҳни тутиб олиб, кўтарганларича, тўғри Ғариб шоҳ ҳузурига олиб келибди. Ғариб уларни уриш-

га буюрган экан, моридлар калтаклаб, бурда-бурда қилиб юборибди.

Ана шундан сўнг ўша моридлар, дунёда ҳеч ким кўтара олмайдиган қиличини яланғочлаб душманга ташланибди. Улар душманларни шундай қирибдики, тангри таоло уларнинг арвоҳини дўзахга ташлашга шошилиб қолибди. Ўзиям қирғинмисан қирғин бўлибди, шундай қирғинда душманлар иккита ялтиллаган ўша қиличдан бўлак нарсани кўришмасмиш. Ахир, моридлар кўринмайдиган қиёфага кириб олишган экан-да. Озгина-ю созгина деганларидек, иккита бўлишсаям душманни мисоли бир пичан ўргандай шунақаям қирибдиларки, эҳ-ҳе, ўлганларнинг санаб саноғига етиб бўлмасмиш. Лекин ўзлари ҳамон душман кўзига кўринмасмиш. Бу даҳшатдан чодирни ташлаб бош олиб қочган одамлар бора солиб, яйдоқ отларни миниб ура жўнабди.

Ёв қочганини кўрган Қайлажон билан Қуражон уларни икки кун қувлаб бориб, кўпчилигини қириб, ер билан яксон қилибди.

Шундан сўнг моридлар қасрга қайтиб, Ғарибнинг қўлини ўпибдилар, Ғариб эса уларга миннатдорчилик билдирибди ва:

— Тушган ўлжалар фақат икковингники, шерик бўлишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ,— дебди.

Моридлар Ғариб шоҳнинг бу яхшилигига миннатдорчилик билдириб, уни дуо қилишибди-да, барча молу дунёни олиб, ўз манзилида осуда кун кўра бошлабди.

Ғариб ва унинг одамлари билан бўлган воқеа ана шу экан...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз етмиш
биринчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Ғариб Хирад шоҳ аскарларини тумтарақай қилгач, Қайлажон билан Қуражонга буюриб: «Улардан тушган ўлжалар икковингники, шерик бўлишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ», — дебди. Шу билан улар барча молларини йиғиштириб олиб кетишибди-да, ўз ватанларида тинч-осуда кун кўрибдилар.

Аммо, адашган ғайри динларга келсак, улар шу қочганларича, ҳеч ерда тўхтамай, бир амаллаб Широғза етиб олибдилар-да, ёр-биродар ўлганларнинг азасини тутибдилар.

Хирад шоҳнинг Сайрон сеҳргар деган акаси бор экан. У шундай бир сеҳргар эканки, замонасининг яктоси, унга тенг келадигани йўқ экан. Сайрон Широғдан ярим кунлик нарида, сердарахт, серсув, паррандалари кўп, сайру гашт қилгудек гулистон, тевараги ўралган бир қўрғонда турар экан. Морид қирғинидан қочган одамлар тўппа-тўғри ўша қўрғонга йўл олиб, йиғлаб-сиқтаб, дод-вой, оҳу воҳлар билан Сайрон сеҳргар ҳузурига кириб борибдилар. Шунда Сайрон, қолиб ҳайрон, кўнгли бўлиб вайрон: «Э халойиқ, хўш, нега бунча ув тортиб йиғлаяпсизлар?» — деб сўрабди. Одамлар унга қандай қилиб укаси Хирад шоҳ ва Собур шоҳ ўғли — шаҳзодани иккита морид тутиб олиб кетганини ҳикоя қилиб берибди.

Бу гапларни эшитган Сайрон, дарғазаб бўлиб, кўз олди қоронғилашиб кетибди:

— Диним ҳақи, онт ичиб айтаманки,— дебди у,— мен Ғарибни ва унинг одамларини битта қолдирмай

қириб ташлайман, қиймалайман, ҳоли вой бўлганини
етказувчи хабарчисини ҳам қолдирмайман!

Шундан кейин у алланарсаларни ўқиб, девлар
деви — Қизил шоҳни чақира бошлабди, бир маҳал
дабдаба-ю даҳмаза билан Қизил шоҳ ҳозир бўлиб-
ди. Сайрон унга: «Сен Исбонир мадоинга бориб, Ға-
риб ўз тахтида ўтирган чоғда унга ҳужум қил!»—
дебди. «Жоним билан, ҳазратим!»— дебди Қизил
шоҳ. Шу билан у жўнаб, ниҳоят, Ғариб шоҳ ҳузурига
етибди. Ғариб уни кўриб ўткир шамширини қинидан
суғуриб, унга ҳамла қилибди. Қайлажон билан Қура-
жон ҳам қараб турмай ҳужум қилишибди. Учови бир
ёқадан бош чиқариб, Қизил шоҳ аскарларига ёпи-
рилибди ва беш юз ўттиз аскарини ўлдириб, шоҳни
қаттиқ ярадор қилишибди. Қизил шоҳ бошлиқ қол-
ганлари ўлган-тирилганларига қарамай орқага қо-
чибди. Қочоқлар юра-юра, ниҳоят, Мевалар Қўрғони-
га етибди. Қизил шоҳ дод-фарёд кўтарганича сеҳргар
Сайрон ҳузурига кирибди. Улар сеҳргарга:

— Э ҳаким, Ғарибнинг қўлида Ёфас ибн Нухнинг
тилсимланган шамшири бор экан. У билан кимни
урса, қийма-қийма бўлиб кетар экан. Унинг ёнида
Муръиш шоҳ берган, Қоф тоғининг икки мориди бор.
Қоф тоғига кириб борган Барақонни ҳам, Кўк шоҳни
ҳам ўлдирган ўша Ғариб бўлади, у жуда кўп жинлар
тоифасини ҳам қириб ташлаган эди,— дейишибди.

Сеҳргар, Қизил шоҳ гапини эшитгач: «Йўқол!»—
дебди. Қизил шоҳ қуллуқ қилибди ва йўлига жўнаб
қолибди. Кейин сеҳргар алланима балоларни ўқиб,
Довул деган бир моридини чақирибди, унга бир мис-
қол учар банж бериб: «Исбонир мадоинга бор-да,
чумчуқ қиёфасига кириб, Ғариб қасрига кир, кейин
унинг ухлашини пойла, уйқуга кетган замони, ҳеч
ким йўғини пойлаб туриб банжни Ғарибга ҳидлат-да,

беҳуш қилиб олдимга келтир»,— дебди. Морид унга бош эгиб: «Хотиржам бўлинг, айтганингизни бажо келтириб, Ғарибни ҳузурингизга келтираман»,— дебди.

Морид юриб-юриб, ниҳоят Исбонир мадонга етибди ва чумчуқ тусида Ғариб қасрига кириб, очиқ деразаларнинг бирига қўнибди. Қош қорайгунча кутиб турибди, ҳатто аркони давлат ўз қароргоҳига кетибди, Ғариб бўлса ётоғида уйқуга кетибди. Шу пайт морид пастга тушиб, Ғариб бурнига туйилган банжич тутган экан, ичига кетиб, бурни банж талқонига тўлиб, нафас ололмай қолибди. Морид беҳуш Ғарибни дарҳол чойшапга ўраб, кўтарганича қаттиқ шамолдай елиб жўнабди-да, ярим кеча бўлмасданоқ тўппа-тўғри сеҳргар Сайрон олдига элтибди. Сеҳргар уни кўриб, моридга миннатдорчилик билдирибди. Сайрон Ғарибни банжланган ҳолатида ўлдираман деб, қилич кўтарган экан, одамларидан бири унинг қўлини тугтибди.

— Э ҳоким,— дебди у,— агар сен буни ўлдирсанг, жинлар диёримизни хароб қилади, чунки жинлар шоҳи — Муръиш, Ғарибнинг дўсти, унинг қасдини олмоқ учун, барча ифрит галалари билан ёпирилади.

— Хўш, буни нима қилиш керак бўлмаса?— деб сўрабди Сайрон.

— Яхшиси,— дебди у,— Жайҳун дарёсига ташлаб юбора қол, Ғарибнинг ўзи қаттиқ банжланган, ҳеч ким уни дарёга чўктирганингни ҳам билмайди, туя кўрдингми, йўқ, вассалом.

Унинг гапи Сайронга маъқул тушиб, моридга «Ғарибни Жайҳун дарёсига элтиб, сувга отиб юбор!»— деб тайинлабди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз етмиш
иккинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— морид Ғарибни кўтарганича, Жайҳун дарёсига келибди, уни дарёга отмоқчи бўлганда, улоқтиришга қурби етмабди. Дарҳол ёғочдан сол ясабди-да, Ғарибни унга боғлаб, оқимга итариб юборган экан, сол сувга ботиб, кўздан ғойиб бўлибди. Ғариб энди шу ерда оқиб турсин... Энди унинг одамларига келсак, тонг отгач, улар улар хизматини бажо келтириш учун қасрга келсалар, Ғариб йўқ, ўрнида тасбиҳи ётибди, холос. Аркони давлат Ғарибни бирор жойга кириб кетган бўлса, чиқиб қолар, деб ўйлаб, кутиб туришибди. Лекин ундан дарак бўлмабди. Шундан сўнг улар дарвозабон ҳожибни чақиришибди. Унга: «Бор, ҳарамга кириб, подшони қараб боққин, қаердайкин, бундай вақтда ғойиб бўлиб қоладиган одати йўқ эди-ку!»— дейишибди.

Дарвозабон ичкари кириб ҳарамдагилардан шоҳни суриштирган экан, улар: «Кечадан бери биз шоҳни кўрганимиз йўқ»,— деб жавоб беришибди. Дарвозабон қайтиб, воқеадан одамларни огоҳ қиларкан, ҳаммалари ҳайратда қолишибди. Улар бир-бирларига: «Бир оз қараб турайлик-чи, балки сайр қилиб боққа кириб кетгандир, зора чиқиб қолса»,— дейишибди. Улар боғбонларни топишиб: «Подшо сизлар томонга ўтмадими?»— деб сўрашган экан, улар: «Биз шоҳни кўрганимиз йўқ»,— дейишибди. Шундан сўнг аркони давлат, аъёну киборлар ғамгин бўлишиб, боғ-роғларни тинтишибди, шоҳдан дарак топишолмай, кечга томон йиғлаб қайтишибди.

Қайлажон билан Қуражон ҳам Ғарибни ахтариб, шаҳар теварагини алғов-далғов қилибди. Лекин ундан ҳеч хабар тополмай, уч кундан кейин қайтиб келибди. Халойиқ қора кийиб, Ғарибга аза тута бошлабди. Улар нола-ю гирён билан ҳар ишнинг урдасидан чиқа оладиган раббил олабийнга муножот қила бошлабдилар. Булар кечган воқеа шу экан.

Аммо энди Ғарибга қайтсак, у отиб юборилганича, солда ётаверибди. Шу кўйи беш кечаю беш кундуз оқиб, ниҳоят, оқим уни шўр денгиз сувига элтибди. Бир маҳал шамол эсиб, денгиз тўлқинлари уни итқитиб ўйнай бошлабди. Ғарибнинг бутун вужуди ҳаракатга келиб, қаттиқ бир акса урган экан, бурнидан банж чиқиб кетибди. Кўзини очиб қараса, сув ўртасида ётганмиш. Денгиз тўлқинлари уни арғимчоқ учиргандай ўйнатяпти. Шунда у: «Э худоё худовандо, ўзинг поки парвардигоримсан! Нима бўлди ўзи, ким мени бу кўйга солди!»— деб ҳайрон бўлиб турган экан, бир вақт узоқдан сузиб келаётган бир кемга кўринибди. Ғариб кемага енгини силкитган экан, у сузиб келиб, Ғарибни қутқарибди-да: «Кимсан ўзинг, қайси мамлакатдансан!»— деб сўрашибди кемадагилар. Ғариб бўлса:

— Дармоним қуриган, менга овқат бериб, сув ичиринглар, бир оз ўзимга келай, кейин кимлигимни айтаман,— дебди. Шунда унга овқат келтиришибди, у еб-ичиб ўзини ўнглаб олгач:

— Э одамлар, қайси жинсдансизлар, қанақа динга ибодат қиласизлар?— деб сўрабди.

— Биз Куржа шаҳриданмиз. Минқош деган санамга ибодат қиламиз,— дейишибди кемачилар.

— Э маъбуд-паъбудларинг билан қуриб кетгур, итлар!— деб хитоб қилибди Ғариб,— барчани йўқдан бор қилган, жамики зотни кунфаякун қиладиган яго-

на тангри таолодан бўлак ҳеч нарсага ибодат қилиш керак эмас!

Кемадагилар бу ношукур одамнинг феъл-атворидан ранжиб, ғазаб билан унга ёпирилибди. Кемачилар уни тутиб, бойламоқчи бўлишган экан, Ғариб қуролсиз бўлгани учун урган одамни шартта ушлаб қирғоққа улоқтириб юбораверибди. Унинг қўлига тушганлар чилпарчин бўлиб кўз юмаверибди. Шу тариқа, Ғариб қирқ нафар одамни ҳалок қилибди. Буни кўрган кемачилар ёппасига баробар ташланиб, уни маҳкам боғлаб олишибди ва: «Биз уни ўз юртимизга элтиб, шоҳимизга кўрсатиб ўлдирамиз»,— дейишибди. Улар сузишда давом этиб, ниҳоят Куржа шаҳрига етишибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз етмиш
учинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Кема аҳли Ғарибни тутиб, боғлаб қўйишибди.

Сўнгра: «Биз уни юртимизга элтиб, шоҳимизга кўрсатиб ўлдирамиз»,— дейишибди.

Шу билан улар сузишда давом этиб, ниҳоят Куржа шаҳрига етиб келишибди. Бу шаҳарни золим сардорлардан бири бино қилган бўлиб, шаҳарнинг ҳар бир дарвозасига илми ҳикмат билан ясалган биттадан мис соқчи қўйилган экан. Агар бирор мусофир давон ошиб келиб қолса, ўша мис соқчи карнай чалиб юборар экан. Буни эшитган шаҳар аҳолиси келгиндини шу заҳоти тутиб олар экан-да, ўз динларига кирса кирди, бўлмаса, шартта ўлдиран экан. Ғариб шаҳар

дарвозасига қадам қўйиши билан бирдан ўша соқчи карнай чалиб, ғавғо кўтариб юборибди. Бундан ҳатто подшо ҳам чўчиб, юраги ўйнаб кетибди. У дарҳол туриб, соқчи санамга боқса, унинг оғзи-ю кўз ва бурунларидан гоҳ ўт сачраб, гоҳ тутун бурқсаб турганмиш. Бир шайтон ўша санам қорнига тушиб олиб, ўз тилида:

— Э шоҳ, сенинг юртингга бир кимса келди, унинг оти Ғариб,— деб вайсаётганмиш.— Билиб қўй, у Ироқ подшоҳи, мардумларни динидан оздириб, оллоҳга ибодат қилишга буюряпти. Ҳузурингга келган заҳоти уни аяма, таъзирини бериб ўлдир.

Подшо дарҳол бутхонадан чиқиб, тахтига ўтирибди. Шу пайт одамлар Ғарибни судраб келишиб:

— Э шоҳ, бу йигитни сувда ғарқ бўлганида топиб олган эдик,— дейишибди,— кейин билсак, бу бизнинг худомизга мункир келиб, ибодат қилишни истамас экан.

Улар Ғариб ҳақида ҳамма билганларини ҳикоя қилиб беришибди. Буни эшитиб шоҳ:

— Боринглар, уни катта бутхонага элтиб, ўша ерда сўйинглар, бу ношукур банда экан, шундай қилсак, зора биздан рози бўлса,— дебди. Вазир подшо гапини эшитиб:

— Э шоҳ, буни сўйиш яхши эмас; нима, бирпасда ўлади-қўяди-да. Борди-ю, уни зиндонга ташлаб, қамаб қўйсак ва ўтин йиғиб, гулханда ёқиб юборсак, яхши бўларди,— дебди.

Шу билан ходимлар ўтин йиғишиб, эрталабгача катта гулхан ёқиб чиқишибди. Эрталаб шаҳар аҳолиси йиғилишибди. Шунда шоҳ Ғарибни гулхан ёқилган жойга келтиришни буюрган экан, ходимлар боришса, Ғариб жойида йўқ эмиш. Улар қайтиб, бу сирдан шоҳни огоҳ қилибди.

«Қандай қилиб қочибди?»— деб сўрабди шоҳ.

— Қарасак, занжиру кишанлар ерда ётибди. эшиклар берку, ўзи йўқ,— дебди улар. Подшо таажжубда қолибди. «Нима бало,— дебди у,— осмонга учдими, ерга кирдими, қаёққа ғойиб бўлдийкин?» Одамлар нима дейишга ҳайрон бўлиб: «Билмай-миз»,— деб жавоб беришибди. Шундан кейин шоҳ: «Мен ўз худойим олдига бориб, сўрай-чи, у айтиб берар»,— дебди.

Шоҳ чўқинмоқчи бўлиб, бут олдига жўнабди. Бориб қараса, бут ҳам йўқ эмиш. У ишонмай кўзларини ишқалаб ўзига-ўзи: «Тушимми ё ўнгимми?»— дермиш. Сўнг вазирга ўгирилиб:

— Э вазир, худойим қани, тутқун Ғариб-чи, қаёққа кетди улар? Диним ҳақи,— дебди шоҳ,— сен ит, куйдиришни маслаҳат бермаганингда, мен уни аллақачон ўлдириб юборган бўлардим. Мана энди ҳам ўзи қочибди, ҳам худойимни ўғирлаб кетибди. Қандай бўлмасин мен ундан қасдимни олмай қўймайман.— Шу дам у қиличини суғуриб, вазирни бир урибди-ю калласини танасидан жудо қилибди.

Ғариб ва бутнинг ғойиб бўлишига қизиқ бир воқеа сабаб бўлибди. У воқеа бундай экан:

Ғарибни қуббали бир бутхона ёнига қамаб қўйишган экан. Ғариб тангри таолони зикр қилиб, ундан мадад сўраб, нидо қилибди. Унинг нидосини санам ичидаги шайтон эшитиб, кўнгли юмшабди ва ўз тилида гапира бошлабди: «Эвоҳ, шарманда бўлдим, биров мени кўради-ю, мен уни кўролмайдиган бўлиб қолдим!»— деб нола қилибди. У дарҳол бориб Ғариб оёғига йиқилибди ва: «Э хожам, нима десам, мен динингга кириб, сенинг маслакдошинг бўламан?»— деб сўрабди. Ғариб унга: «У худодан бўлак худо йўқ, Иброҳим Ҳалилуллоҳ унинг дўсти дегин»,— дебди.

Морид уни такрорлаб, аҳли саодат қаторига қўшилибди.

Бу мориднинг оти Залзал ибн Музалзал экан. У Музалзал шоҳнинг ўғли экан, унинг отаси эса жинларнинг улуғ шоҳи экан. Шундан сўнг морид Ғарибни занжиру кишанлардан озод қилиб, бут билан бирга кўтариб олиб, арши аълога парвоз қилганича, жўнаб қолибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз етмиш
тўртинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— ўша морид бут ва Ғарибни кўтарганича, кўкка парвоз қилибди.

Энди подшога қайтсак, у Ғарибнинг қаёққа ғойиб бўлганини бутдан сўрайман, деб кирса, санам йўқ эмиш, шунда юқорида айтилганидек, шоҳ вазирни ўлдирибди.

Бир гуруҳ шоҳ қўшини бу ҳолни кўриб, ўша заҳотиёқ бутга ибодат қилишни ташлаб, қилич билан подшони ўлдирибди, шу борада қўшин ичида ғалаён чиқиб, бир-бирларига ҳамла қилиб, уч кеча-ю уч кундуз кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган жанг бўлибди. Ахийри эркаклардан ҳаммаси қирилиб, икки кишидан бўлак ҳеч ким қолмабди. Кейин ўша икки киши ҳам уришиб, бири иккинчисини қилич билан калласини олибди. Шунда ўлган кишининг болалари ёпирилиб, қотилни ҳалок қилибди. Шу тариқа болалар ўртасида ҳам жанг кетиб, бошдан-оёқ ҳаммаси қирилибди. Хотин-қизлар эса бу даҳшатдан қўрқиб, қишлоғу қўрғонларга қочиб кетибди-да, шаҳар одамлардан хо-

ли бўлиб, фақат бойқушларгагина ошиён бўлиб қолибди, холос. Шаҳар аҳли билан бўлган воқеа мана шу экан.

Аммо, энди Ғариб фожиасига қайтсак, Залзал ибн Музалзал уни кўтарганича, ўз юртига йўл олибди. Унинг юрти хуштабиат, кофур ҳидли орол бўлиб, у ерда биллур қаср ва сеҳрланган олтин бузоқ бор экан. Музалзал шоҳнинг ёнида бир ола бузоғи турар экан, шоҳ унга зардўзи энгил-бошлар, адрасу кимхоб либослар кийдириб, уни ўзига худо қилиб олябди.

Бир куни Музалзал ўз одамлари билан ўша бузоқ ёнига кирса, худоси жуда қўрқиб турганмиш. Подшо дарҳол: «Э худойим, нега бунча чўчиб турибсан?»— деб сўрабди. Шунда бузоқ ичига кириб олган дев, тилга кириб: «Э Музалзал, ўғлинг йўлдан озди, Ироқ ҳоқими Ғариб уни исломга даъват қилган эди, лаққа ишониб, мусулмон бўлди»,— дебди ва юз берган воқеанинг ҳаммасини бошдан-оёқ гапириб берибди. Шоҳ бу гапларни эшитиб, ташқарига чиқибди-ю, нима қилишини билмай, боши қотибди. Бориб салтанат тахтига ўтириб, аъёнларини чақиртирган экан, улар дарҳол шоҳ ҳузурига келибди. Музалзал санамдан эшитганларини айтиб берган экан, ҳаммаси таажжубга тушибди. Шунда аъёнлар: «Хўш, шоҳимиз энди нима қиламиз?»— деб сўрабди. «Уғлим келгач, мен у билан қучоқлашиб кўришаман, шу чоқ ёпирилиб, уни тутиб олинглар!»— дебди. «Фармони олийларини бажарамиз»,— дебди улар.

Орадан икки кун ўтгач, Залзал отасининг олдига келибди, унинг ёнида Ғариб ва Куржа шоҳининг саними ҳам бор экан. Улар шаҳар дарвозасидан кириши билан бирдан ҳужум қилиб, икковини тутиб олишибди-да, подшо Музалзал олдига элтишибди.

Подшо ўз ўғлига ғазаб билан тикилиб: «Ҳей жиндан чиққан ит! Ҳали сен ўз дининг, ота-бобонг динидан қайтиб, ғайри динга кирадиган бўлдингми?!»— деб ўшқирибди. Уғли бўлса: «Мен ҳақ динга кирдим, сенинг ҳолингга вой, яхшиси исломни қабул қил, кеча-кундузни яратган малику жабборнинг ғазабидан қутуласан»,— дебди. Псдшо бу гапдан дарғазаб бўлиб: «Ҳе ҳароми, сен ҳали юзимга бақрайиб туриб шундай деяпсанми!»— деб бақирибди.

Подшо уни қамашга амр қилган экан, дарҳол ҳибсга олишибди. Сўнг: «Ҳей, инсонвачча,— дебди у Ғарибга ўгирилиб,— сен қандай қилиб ўғлимни алдаб, бошини айлантириб, динидан оздирдинг?» «Мен уни залолатдан ҳидоятга, дўзахдан жаннатга, куфрликдан имонга даъват қилдим»,— дебди Ғариб. Шоҳ шу замон Сайёр деган моридни чақириб: «Бу итни олиб, Оташ Водийсига элтиб ташла, ўша ерда ҳалок бўлсин!»— дебди.

Бу шундай бир водий эканки, шу жойга ташланган зот камоли ҳароратнинг зўрлигидан, бирпас ҳам чидай олмай, ҳалок бўлар экан. Бу водий теварагини юксак ясси тоғлар ўраб олган бўлиб, ҳеч чиқиб бўлмас экан.

Лаънати Сайёр келиб, Ғарибни кўтарганича, ўша водий сари учиб кетибди. У дунёнинг бу хароб қисмига учар экан, бир соатчалик йўл қолганда, девнинг тинкаси қуриб, ўлгудай ҳориб-чарчабди-да, ниҳоят бир водийга қўнибди. У қўнган жой ғоят сердарахт, серсув ва сермева боғ-роғ экан. Тинка-мадори қуриган Сайёр қўнган замони шилқ этиб йиқилибди. Ғариб дарҳол унинг устидан тушибди-ю, лекин маҳкам боғланган бўлгани учун нари кетолмабди. Чарчаб, ўлар ҳолга келган Сайёр, дарров уйқуга кетиб, ҳатто хуррак ота бошлабди. Ғариб бўлса арқону кишанлар-

дан халос бўлишга уриниб, бир чеккадан узаверибди ва ҳаш-паш дегунча батамом озод бўлиб олибди. Кейин катта бир харсанг билан девнинг бошига туширган экан, пачоқ-пачоғи чиқиб, у шу заҳотининг ўзидаёқ адойи тамом бўлибди. Девни ўлдирган Ғариб водий бўйлаб кетибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз етмиш
бешинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,—деб давом этди Шаҳризод,—Ғариб девни ўлдиргач, йўлга тушиб қараса, кетаётган жойи денгиз ўртасидаги бир орол экан. Орол кенгина бўлиб, унда тилни ёргудек, лабларни ёпиштиргудек дунёнинг жамики лаззатли мевалари бор экан. Ғариб водий ноз-неъматларидан тотиб, сувларидан ичиб юра берибди. Езу қиш ва йиллар ўтибди, у балиқ тутиб еб кун кўрибди. Шу аҳволда як-

ка ўзи етти йил яшабди.

Кунлардан бир кун Ғариб ўтирган экан, бирдан икки морид осмондан келиб қўнибди. Уларнинг ҳар бирига биттадан одам мингашган экан. Улар Ғарибни кўриб, соч-соқоли ўсиб кетганидан уни жинлар тоифасидан бўлса керак, деб ўйлаб: «Ҳей, кимсан ўзинг, қайси мазҳабдансан?»—деб сўрашибди. «Мен жинлардан эмасман»,—дебди Ғариб уларга. Сўнг у воқеани бошдан-оёқ гапириб берибди. Моридлар унинг ҳолига ачиниб: «Сен шу жойингда тура тур, биз мана бу икки қўйни подшоҳимизга элтиб берайлик, бирини нонуштага ейди, бошқасини кечқурун ейди. Биз қайтиб келиб, сени юртинга элтиб қўямиз»,—

дебди. Ғариб уларга миннатдорчилик билдириб: «Қани қўйларингиз?»— деб сўрабди. Шунда моридлар: «Мана бу икки одам-да»,— дебди. «Ё тангрим, ўзинг паноҳ бергин, барча нарсани ўзинг яратгансан, ҳамма нарсага қодирсан!»— дебди Ғариб даҳшатга тушиб.

Моридлар учиб кетибди, Ғариб бўлса уларни кутиб ўтирибди, икки кун ўтгач, моридларнинг бири кийим-бош олиб келибди ва уни сал эпақага келтириб, кўтарганича, осмону фалакка шундай парвоз қилибдики, ҳатто ер кўринмай қолибди. Ғариб кўкда малойикаларнинг тасбеҳ ўгираётганини эшитибди, шунда бир оловли ўқ учиб кела бошлаган экан, морид ундан қочганича ер томонга шўнғибди. Ер билан морид ораси бир ёй ўқи етадиган масофа қолганида ўқ келиб унга тегибди. Ғариб дик этиб унинг елкасидан тушиши билан ўқ шиддатидан морид кулга айланибди. Шу билан Ғариб шалоп этиб денгизга тушиб, икки одам бўйича сув тагига шўнғиб кетибди. Кейин сув бетига сузиб чиқиб, бутун кун сузиб юрибди, кеч кириб, тун бошланибди. У туни билан сузибди, иккинчи куни ҳам шу таҳлитда ўтибди. Бора-бора ҳолдан тойиб, ўлишига кўзи етибди. Учинчи кунига ўтар кечаси, у ҳаётдан тамоман умидини узиб турган экан, бирдан кўзига баланд бир тоғ кўринибди. Ғариб тоғ томон сузиб бориб, унга тармашиб чиқибди.

Шу билан Ғариб тоғда юриб, кўкатлар билан кун кўриб, ниҳоят, серминора бир шаҳарга келиб қолибди. У шаҳар дарвозасига келган экан, дарвозабонлар уни тутиб, маликаларининг олдига олиб келишибди.

Бу маликанинг номи Жоншоҳ бўлиб, у беш юз ёшга кирган экан. Қимки шаҳарга келса, маликага келтириб кўрсатишар, у асирни олиб, бирга ётар экан.

да, иш тугагач, уни ўлдиртириб юборар экан. Шу тариқа у кўп одамларнинг ёстиғини қуритган экан.

Дарвозабонлар Ғарибни тутишганича малика олдига олиб келишган экан, унга Ғариб ёқиб қолибди. Малика ундан: «Исминг нима, қайси диндансан, қайси мамлакат одамисан?»— деб сўрабди. «Исминм Ғариб, Ироқ подшоҳи бўламан, диним ислом дини»;— дебди Ғариб. «Ўз динингдан чиқиб, менинг динимга кир, мен сенга тегаман, ўзингни подшо қилиб кўтараман»,— дебди малика Ғарибга. Ғариб унинг гапидан дарғазаб бўлиб: «Дининг билан қўшмозор бўл!»— дебди. Ғарибнинг бу гапидан дарғазаб бўлган малика бўғилиб: «Ҳали сен менинг санамимни ҳақорат қилясанми, биласанми, у қизил ақиқдан; дур-жавоҳирлар билан ясатилган-а!»— дебди. Шундан сўнг малика хитоб қилиб: «Ҳей одамлар, буни санам қуббасига қамаб қўйинглар, балки ўша ерда эс-ҳуши жойига келиб қолар!»— дебди. Ниҳоят Ғарибни санам қуббасига қамаб, эшикни устидан қулфлаб қўйишибди.

Қисса шу ерга етаганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Ғарибни тутишиб, санам қуббасига қамаб, эшикни устидан қулфлаб қўйишгач, нозирлар ўз йўлига кетишибди. Ғариб санамга қараса, ростдан ҳам у қизил ақиқдан, бўйнига ҳалқа-ҳалқа дур-жавоҳирлар осиб қўйилган экан. Ғариб санамнинг олдига келиб уни ерга бир урган экан, чилпарчин бўлиб кетибди. Шу билан Ғариб уйқуга кетиб, тонг ҳам отибди. Эрталаб



*Олти юз етмиш
олтинчи кеча*

малика тахтига ўтириб, кишиларга: «Ҳей соқчилар, асирни ҳузуримга олиб келинглар!»— деб фармон берибди. Одамлар Ғариб қамалган жойга келиб, эшикни очиб, ичкари киришса, санам чил-чил бўлиб ётганмиш. Даҳшатга тушиб, улар юзларини юлшга тушибдилар, ҳатто кўзларидан ёш ўрнига шариллаб қон оқибди. Кейин улар Ғарибни тутмоқчи бўлиб яқинлашишган экан, у мушти билан биттасини бир тушириб, сулайтириб қўйибди. Иккинчиси ҳам бир мушт билан тил тортмай ўлибди, шу таҳлитда у йиғирма бештасини ўлдирган экан, қолганларининг юраги чиқиб қочиб кетибди.

Улар дод-вой солишганча, тўппа-тўғри малика Жоншоҳ ҳузурига кириб боришибди. Малика ҳайрон бўлиб: «Нима гап ўзи?»— деб сўрабди. «Асиринг саминингни синдириб, одамларингни ўлдирди»,— дебди-да, воқеани айтиб беришибди. Уларнинг гапини эшитган маликанинг жон-пони чиқиб, бошидаги тожини улоқтириб: «Энди, санам бир пул бўлибди!»— дебди у бақириб. Кейин у отланиб, минг нафар чавандоз билан байтул санамга равона бўлибди. Малика борса Ғариб ташқарига чиқиб, қўлида қилич ўйнатганича, манман деган паҳлавонларни қириб, ёнига боргани омон қўймаётганмиш.

Жоншоҳ Ғарибнинг шижоатини кўриб, унга ишқи тушиб қолибди-ю у дарҳол: «Энди менга санам керак эмас, мана шу йиғит керак. Қолган умримни у билан ўтказсам бас»,— дебди.

Кейин у одамларига: «Ҳой тўхтанглар, уни холи қўйиб, нари жилинглар!»— дебди-да, ўзи Ғарибга яқинлашиб, алланималарни деб гўлдирай бошлабди. Ғарибнинг қўллари бўшашиб қиличи ерга тушиб кетибди. Унинг эсанкираб қолганидан фойдаланган кишилар уни шартта тутиб боғлашибди-да, туртиб-сур-

тиб, уриб-сўкиб олиб кетишибди. Жоншоҳ тўғри келиб, салтанат тахтига ўтирибди ва одамларига: «Қани, чиқиб кетинглар-чи!»— деб буюрибди.

Қасрда Ғариб билан якка қолгач, малика унга: «Эит араб, сен ҳали санамимни синдириб, одамларимни ўлдирадиган бўлдингми!»— дебди. Ғариб бўлса: «Ҳей лаънати, агар чиндан ҳам у худо бўлса, ўзини ҳимоя қилмасмиди»,—деб жавоб берибди. Малика бўлса: «Қўй, гапни кўпайтирма, мен билан ишрат қил, гуноҳингни кечиб, озод қилиб юбораман»,— дебди. «Мен бунақа гуноҳ иш қилмайман!»— дебди Ғариб. Шунда малика: «Диним ҳақи, мен сени қаттиқ қийнайман, тагин тилингни тишлаб қолма!»— дебди. Жоншоҳ шундай дебди-ю, сув олиб, алланима афсунларни ўқиб, унга дам солибди-да, Ғарибнинг устига сепиб юборган экан, у шу заҳоти маймунга айланиб қолибди. Малика уни эркалаб томоқ берибди, сув ичирибди ва бир хонага қамаб қўйибди. Кейин унга қараб туриш учун бир кишини тайинлабди. У киши эса икки йил унга қараб юрибди. Кунлардан бир куни малика ўша хизматкорни чақириб, маймун қиёфасидаги Ғарибни ўз ҳузурига келтиришни буюрибди. Уни олиб келгач: «Гапимга қулоқ соласанми, йўқми?»— деб сўрабди Жоншоҳ. Ғариб бошини қимирлатиб: «Ҳа»,— дебди. Малика севиниб кетиб, уни сеҳрдан озод қилиб, одам ҳолига келтириб, томоқ берибди. Ғариб у билан бирга ебди, ичибди, ўйнаб-кулибди, қучоқлаб ўпибди. Мақсадига етишга ишонган малика кеч бўлишини кутибди. Кеч кириб қош қорайгач, малика Жоншоҳ ўрнига ётиб. Ғарибга: «Қани тур, ишингни бажар!»— деган экан, у: «Хўп»,— дебди-ю маликанинг устига чиқиб бўйнидан хиппа бўққанича бўйинини узиб юборгудай бўлибди. Ғариб то унинг жони чиқиб, сулаймагунча, устида ўтираверибди. Иш битгач, ўрнидан туриб, у

ёқ-бу ёққа назар солган Ғариб, очиқ бир хонага кўзи тушиб, унга кирибди. Унда ялтиллаб турган бир қилич ва чин-мочин пўлатидан ясалган қалқон кўрибди. Шу ерда у, уруш либоси кийиб, мукамал қуроллангач эрталабгача сабр қилибди-да, тонг отгач, қаср дарвозаси олдига чиқиб турибди.

Эрталаб хизматга келаётган амирлар Ғарибнинг уруш либосини кийиб олиб, қурол билан турганини кўришиб ҳайрон бўлибди. Шунда Ғариб уларга: «Халойиқ, бутларга чўқинишни ташлаб, поки парвардигорга ибодат қилинг, у барча нарсаларни яратган тарбиячи, ҳар ишга қодир!»— дебди.

Жоншоҳ одамлари бу гапни эшитиб, Ғарибга ташланибди. Ғариб бўлса мисли бир қутурган шердай ҳамла қилиб, жанг қилиб, якка ўзи жуда кўп одамни ўлдирибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз етмиш
еттинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Ғариб ҳамла қилиб жуда кўп одамни ўлдирибди.

Ниҳоят кеч кирибди, аммо борган сари кўпая бошлаган душман қўшинлари қандай бўлмасин, уни тутиб олишга уринибди. Бироқ, шу пайт бирдан қилич яланғочлаган минг нафар морид душман қўшинига ҳамла қилишга ўтибди. Буларнинг энг олдинги сафида, сардор Залзал ибн Музалзал турибди. Моридлар ўткир шамшир билан душмanning таъзирини бериб, ажал шаробини ичираверибди, оллоҳ таоло бўлса уларнинг жонини дўзахга ташлашга шошилиб.

ди. Жоншоҳ аскарлари тутдек тўкилиб, шу қадар қирлибдики, ҳатто ўз аҳволларидан бошқа ерга хабар берадиган ҳам одам қолмабди. Шунда: «Ёрдам беринглар, омон-омон!» деган овозлар эшитилиб, қолган-қутганлари оллоҳ таолога имон келтирибди.

Шундан сўнг Залзал Ғарибга салом берибди ва соғ-саломат қолгани билан табриклабди. «Менинг аҳволимдан сизларни ким огоҳ қилди?»— деб сўрабди Ғариб. «Э мавлоно,— дебди Залзал жавоб бериб,— отам мени қамаб, сени Оташ Водийсига юборгач, ҳибсда икки йил ётдим, кейин мени озод қилди, сўнг яна бир йил юрдим-да, кейин енгимни шимариб ишга тушдим; отамни ўлдирдим, лашкарлар менга итоат қилди, мана бир йилдан бери мен ҳукмронман. Бир куни сени эслаб, уйқуга кетганимда тушимга кирибсан. Қарасам, Жоншоҳ одамлари билан жанг қилипсан; тезда ана шу минг нафар моридни олдим у сенинг олдинга келдим, бўлган гап шу».

Иттифоқо тўғри келиб қолган бу воқеадан таажжубга тушган Ғариб шаҳарга бир ҳоким тайинлабдида, ўзи Жоншоҳ ва унинг қавмига тегишли мол-дунёни моридларга кўтартирганича жўнаб қолишибди.

Моридлар Залзал шаҳрида бир кечагина тунашибди, холос. Ғариб бўлса Залзалнинг зиёфатида олти ой бўлиб, ниҳоят юртига кетишни ихтиёр қилибди. Залзал совға-салом келтириш учун Куржа шаҳрига уч минг морид юборган экан, улар кўп мол-дунё олиб келишибди. Буларни Жоншоҳ юртдан келтирган молларга қўшибди. Сўнг у моридларига совға-ю молларни кўтартириб, ўзи Ғарибни кўтарганича, Исбонир мадоин шаҳрига йўл олишибди. Ярим кеча бўлмасданок шаҳарга етиб, қуюндай тушаётган Ғариб у ёқ-бу ёққа қараса, шаҳар қуршовда қолган, ҳамма ёқда ғуж-ғуж аскар, мисоли бир тўлиб-тошган денгизга

ўхшармиш. Шунда Ғариб Залзалдан: «Э ука, нима сабабдан шаҳар қуршовда, бу аскарлар қаердан?»— деб сўрабди. Кейин Ғариб қаср тепасига тушиб: «Ҳе-е Кавкабу Сабоҳ! Ҳе-е Маҳдия— деб бақирибди.

Кавкабу Сабоҳ билан Маҳдия уйқудан чўчиб уйғонишибди ва: «Бизни бевақт чақираётган ким?»— деб ҳаяжонга тушишибди.

— Мен, ажиб ишларни қилган баҳодирингиз Ғарибман!— деб бақирибди у.

Иккала бойвучча баҳодирларининг овозини эшитиб, хурсанд бўлиб кетишибди, ҳатто канизагу ходимлар ҳам севинишибди.

Ғариб қаср тоmidан пастга тушибди, хотинлар қий-чув кўтариб, Ғариб томонга чопишибди. Уларнинг ғала-ғовур, шовқин-суронларидан қаср янграб кетибди, ҳатто қаср посбонларининг бошлиғи: «Нима гап ўзи?»— деб чиқибди ва ичкари кириб ҳарам оғасидан: «Нимага қий-чув кўтаришяпти, битта-яримта канизак туғдими-а?»— деб сўрабди. «Йўғ-е,— дейишибди улар,— суюнчи беринг, подшо Ғариб келибди».

Амирлар севиниб кетишибди. Ғариб ҳарамдагилар билан кўришгач, ўз дўстлари олдига чиқибди. Ёр-биродарлари унинг қўл-оёқларидан ўпишибди, оллоҳ таолога ҳамду сано айтиб, шукур қилишибди. Сўнг Ғариб салтанат тахтига ўтириб, ўз суҳбатдошларини чақиртирган экан, улар келиб, ён-верларидан жой олишибди. Шунда Ғариб улардан шаҳар теварагини ўраб олган аскарлар боисини сўраган экан, «Э шоҳ,— дебди улар,— уч кундан бери улар шаҳарни қуршаб олишган, улар орасида моридлар ҳам, одамлар ҳам бор. Нима мақсадда келганини билмаймиз. Жанг ҳам қилганимиз йўқ, гаплашганимиз ҳам йўқ»,— дейишибди. «Эртага уларга нома ёзиб, нима мақсадда келганини биламиз»,— дебди Ғариб. Шундан сўнг

аъёнлар Ғарибга: «Уларнинг подшоҳи Мурод шоҳ деган экан, унинг қўл остида юз минг отлиқ, уч минг пиёда, икки юз нафар жинлар тоифасидан аскарлари бормиш»,— дейишибди.

Уларнинг бу ерга келишларига катта бир сабаб бор экан...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз етмиш
саккизинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— ўша аскарларни бу ерга келишига ва Ибонир мадоинни қуршаб олишига қуйидаги катта бир сабаб бор экан:

Собур шоҳ ўз қизини иккита одамга топшириб: «Буни Жайхун сувига чўктириб юборинглар»,— деганидан сўнг, одамлар қизни олиб чиқиб: «Бор, бошинг оққан томонга жўна, лекин отангга асло кўринма, бўлмаса у бизни ҳам, сени ҳам ўл-

диради»,— дебди.

Фаҳрутож боши оққан томонга кетаверибди-ю, лекин қаёққа кетаётганини билмабди. У ўзича: «Э меҳрибоним Ғариб, менинг бу ҳолимни кўрадиган кўзларинг қаерда, сени мен шундай балоларга гирифтор бўлдим!»— деб нолайи зор билан йиғлаб кетаверибди.

У тоғма-тоғ, водийма-водий дайдиб юриб-юриб, ниҳоят, бир сердарахт ва серсув жойга бориб қолибди, бундай қараса, водийнинг ўртасида устунлари жуда ҳам баланд дабдабали қўрғон бор экан, қўрғон жаннатдай жуда кўркем, ажиб бир жойда экан.

Фаҳрутож қўрғонни очиб, ичкари кирган экан,

қараса, ҳамма ёққа ипак гиламлардан поёндоз тўшалган, теварак-атрофга олтину кумуш идишлар қўйилган эмиш. У бунда сайр қилиб юрган юз нафар гўзал канизларни кўрибди. Фаҳрутожга кўзи тушган ҳамма канизлар унинг олдига келишибди-да, уни ҳам жин канизларидан деб ўйлаб, салом беришиб, ҳол-аҳвол сўрашибди. Шунда маликаи Фаҳрутож уларга: «Мен Ажам шоҳининг қизиман»— дебди ва бошидан кечган воқеанинг ҳаммасини гапириб берибди. Бунини эшитган канизлар ҳолига ачиниб: «Кўп кўз ёши тўкиб, қайғураверма, бас қил, нимаики еб-ичсанг, ҳаммаси бор, оч қолмайсан, яланғоч қолмайсан, ҳаммамиз хизматингга ҳозирмиз»,— дея кўнглини кўтаришибди.

Фаҳрутож уларни дуо қилибди, канизлар унга таом келтиришибди, еб-ичиб малика бир оз ўзига келгач, канизаклардан: «Бу қасрнинг соҳиби ким, сизларга ким ҳукмрон?»— деб сўрабди. «Бизнинг ҳазратимиз Салсал ибн Дол бўлади, у ҳар ойда бир кеча келиб ётиб, эрталаб яна моридлар қабиласини идора қилишга кетади»,— дебди канизлар.

Шундай қилиб, Фаҳрутож шу ерда қолибди, орадан беш кун ўтгач, суқсурдек бир ўғил кўрибди, боланинг киндигини кесишибди, кўзларини сурмалаб, унга Муродшоҳ деб от қўйишибди. Бола онасининг бағрида камолга ета бошлабди. Бир оз вақтдан кейин Салсал подшо кириб келибди. У мисоли бир пахтадай оппоқ, бўйи минорадай улкан филга минган, теварагини эса жинлар ўраб олганмиш.

Подшо Салсал қасрга кириши билан юз нафар канизлари унга таъзим қилиб, ер ўпибди. Улар орасида Фаҳрутож ҳам бор экан. Назар солиб турган шоҳ: «Бу канизак қаёқдан пайдо бўлди?»— деб сўрабди. Улар Салсалга: «Бу Ажам, Турк ва Дайлам шоҳи Со-

бурнинг қизи»,— дейишибди. Шоҳ: «Уни бу ерга ким олиб келди?»— деб сўраган экан, канизлар Фаҳрутож воқеасини ҳикоя қилиб беришибди. Унинг ҳолига ачинган шоҳ унга тасалли бериб: «Хафа бўлма, қизим, то ўғлинг ўсиб улғайгунча сабр қил, сўнг ўғлинг билан Ажам мамлакатига бориб, отанг калласини танидан жудо қиламан, кейин ўғлингни Ажам, Турк ва Дайлам мамлакатлари тахтига ўтқазаман»,— дебди.

Фаҳрутож севинганидан подшо қўлларини ўпиб, уни дуо қилибди. Шу билан малика жинлар шоҳи диёрида қолиб, ўғлини Салсал болалари билан бирга тарбиялай бошлабди.

Болалар от миниб, чавандозликни ўрганибди, овларга чиқишибди. Ниҳоят, Муродшоҳ ов сирини, ҳатто ваҳший арслонни тутушни ҳам билиб олибди; уларнинг гўштини еб, кўнгли тошдай қаттиқ бўлибди.

Шу аҳволда йиллар кетидан йиллар ўтибди, бола ўн беш ёшга тўлибди. Бўйи анча чўзилиб қолган бола, бир куни онасидан: «Э она, менинг отам ким?»— деб сўраб қолибди. «Болагинам, сенинг отанг Ғариб шоҳ, Ироқ подшоҳи, мен Ажам подшоҳининг қизиман»— дебди онаси ва бошидан ўтган ҳамма саргузаштларни гапириб берибди.

Муродшоҳ онасининг кечмишини эшитиб: «Ҳали бувам сен билан отамни ўлдиришга буюрдими?»— деб сўрабди. Онаси: «Ҳа»,— дебди. «Тарбиянг ҳақи, онт ичиб айтаман,— дебди у онасига,— отанг шаҳрига бориб, унинг калласини олдингга олиб келаман».

Фаҳрутож ўғлининг гапидан беҳад қувонибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз етмиш
тўққизинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Фаҳрутожнинг ўғли Муродшоҳ ўзи билан бирга тарбияланган икки юз нафар моридларни олиб, босмачилик ва йўлтўсарлик қилиб, жойма-жой, йўлмайўл юришиб, ниҳоят Широқ ўлкасига келиб қолибди. Шунда у шаҳарга ҳужум қилиб, подшо қасрига бостириб кирибди-да, тахтда ўтирган шоҳнинг калласини олиб, кўп аскарларини қириб ташлабди. Омон қолганлари: «Омон, омон, раҳм қилинг!»— деб илтижо қилибди. Шундан сўнг ҳаммалари Муродшоҳнинг тиззасини ўпа бошлабди. Муродшоҳ буларни санаган экан, ўн минг отлиқ аскар чиқибди. Муродшоҳ уларни ҳам олибди, ҳаммаси отланиб, фармонига мунтазир бўлиб турибди.

Шу билан улар Балхга йўл олишибди, у ерда ҳам подшони ўлдириб, аскарларини қирибди, аҳолисини ўзига қаратибди. Сўнг Нурайн шаҳрига борибди. Бу вақтда Муродшоҳ ўттиз минг отлиқ лашкарга бош экан. Нурайн ҳокими қаршилиқ кўрсатмаёқ, итоат қилиб, булар истиқболига пешвоз чиқибди, жуда кўп мол-дунё ва турли-туман туҳфалар берибди.

Муродшоҳ ўттиз минг отлиққа бош бўлиб, Самарқанд шаҳрига қасд қилганича, жўнабди, бориб уни ҳам эгаллабди. У ердан чиқиб, Ахлот шаҳрига бориб, уни ҳам қўлга киритибди. Ундан кейин яна бошқа шаҳарларни босиб эгаллабди. Хуллас, қайси шаҳарга етиб келмасин, ҳаммасини қўлга киритаверибди. Ниҳоят Муродшоҳ қўлига лак-лак аскар тўпланиб, улкан бир лашкарга айланибди. Шаҳарларда қўлга

туширган мол-дунё, жамики ўлжаларни аскарларга тарқатибди. Муродшоҳнинг шижоати ва сахийлигини кўрган аскарлар уни жуда яхши кўриб қолишибди.

Ниҳоят у Исбонир мадоин шаҳрига етибди. Шунда у аскарларига: «Сизлар шунда сабр қилиб туринглар, мен бошқа аскарларни ҳам бошлаб келай, кейин ҳужум қилиб, бувамни асир оламиз. Онам олдида унинг калласини олиб, онамни аламдан чиқармасам бўлмайди»,— дебди.

Шундай қилиб, у қолган аскар билан онасини келтирибди. Мана шу сабабдан уч кунгача жанг бўлмай турган экан. Бу пайтда Ғариб билан бирга мол-дунё совға-саломларни кўтариб олган қирқ минг морид ва унинг сардори Залзал кириб келган экан. Ғариб шаҳар теварагини қуршаб олган аскарлар ҳақида сўраганида: «Бу аскарларнинг қаерданлигини билмаймиз, лекин уч кундан бери пайдо бўлиб қолди, ҳали бир-биримизга уруш очганимиз йўқ»,— дейишибди.

Бу орада Фаҳрутож етиб келиб, она-бола қучоқлашиб кўришибди. «Энди, то мен олдинга отангни олиб келгунимча, сен чодирда ўтириб тур!»— дебди онасига Муродшоҳ.

Тонг отгач, Муродшоҳ, икки юз морид ўнгида, инсонлар сардори сўлида саф тортибди, алғов-далғов билан уруш дўмбираси чалинибди.

Ғариб бу шовқин-суронни эшитиб, одамларини жангга чақирибди, ўзи отланиб лашкар олдига чиқибди; моридлар ўнгидан, инсонлар сўлидан жой олиб турибди.

Майдонга Муродшоҳ чиқиб келибди, у уруш анжомларини кийиб олган, отини гоҳ ўннга, гоҳ сўлга буриб: «Ҳей одамлар, мен билан беллашгани подшоҳнинг чиқаверсин, агар мени енгса, иккала қўшинга

бош бўлади, борди-ю мен уни енгсам, мисоли бир чумчуқдай калласини шартта узиб ташлайман»,—дея ҳайқирибди.

Ғариб Муродшоҳ гапини эшитгач: «Э араб ити, қани туёгингни шиқиллатиб қол!»—дебди.

Шу билан улар бир-бирларига ҳамла қилишибди, ўқ-ёйлари сингунча отишишибди. Кейин қиличбозликка ўтиб, бир-бирига ўқрайишганча, сан-манга боришибди. Гоҳ тисарилиб, гоҳ яқинлашиб олишганича, кунни туш қилишибди. Тағларидаги отлар ҳориб йиқилган экан, иккови ҳам отдан тушиб, бел тутиб, олишиб кетибди. Шунда Муродшоҳ Ғарибни дас кўтариб зарб билан ерга урмоқчи бўлиб турганда Ғариб усталик билан унинг қулоғидан ушлаб олибди. Ғариб қулоғини қаттиқ чўзган экан, Муродшоҳнинг кўзлари тиниб, худди осмон ерга қулаб тушгандай бўлибди-да, жонҳолатда бақириб: «Э замона паҳлавони, мен сенинг ҳимоянгданман, қулоғимни қўйиб юбор!»—дебди. Шу пайт Ғариб уни боғлаб олибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
саксонинчига
ўтар кечаси*



й, саодатли шоҳ,—деб давом этди Шаҳризод,— Ғариб Муродшоҳнинг қулоғидан ушлаб чўзгандан кейин чидолмаган Муродшоҳ бақириб: «Э замона паҳлавони, мен сенинг ҳимоянгданман!»—дебди. Шу пайт Ғариб уни боғлаб олибди; Муродшоҳ қўл остидаги моридлар ҳужум қилиб, уни халос қилмоқчи бўлган экан, бирдан минг нафар морид билан Ғариб уларга ёпирилиб қолибди. Улар Муродшоҳ мо-

ридларини тутиб олмоқчи бўлишганда улар: «Омон қўйинглар, омон қўйинглар!»— деб ёлвора бошлабди. Сўнг ўз қуролларини ташлаб, Муродшоҳ аскарларига омонлик бағишлашибди.

Ғариб зарҳал, ям-яшил ипакликлар тўшалган ва теваарак-атроф дуру гавҳарлар билан безатилган ўз қароргоҳига бориб ўтирибди-да, Муродшоҳни келтиришга амр қилибди. Уни дарҳол келтиришибди. Муродшоҳ ўзини занжирибандлигидан хижолат тортиб Ғарибни кўриш билан бошини ҳам қилибди. Шунда Ғариб:

— Ҳей ит, қани тавсифингни эшитайлик, жуда сафга тизилиб, шоҳларга депсиняпсан, улар билан олишишни сенга ким қўйибди?— дебди.

— Э мавлоно, айбга буюрмайсан, менинг узрим бор,— дебди Муродшоҳ.

— Хўш, қанақа узр?— дебди Ғариб.

— Э мавлоно,— деб гап бошлабди Муродшоҳ,— мен сенга айтсам, аслида мен Ажам шоҳи Собурдан отам билан онамнинг қасдини олгани чиққанман. Шоҳ бўлмиш бувам уларни ўлдирмоқчи бўлган экан, лекин онам қутулиб қолибди, отам ўлганми ё тирикми, билмайман.

Ғариб унинг бу сўзларини эшитиб:

— Худо ҳақи, ростдан ҳам узринг бор экан!— дебди,— хўш, отанг ким ўзи, онанг-чи, отангнинг оти нима-ю, онангнинг оти нима?

— Отамнинг оти Ғариб, у Ироқ подшоҳи, онамнинг оти Фаҳрутож, Ажам шоҳи Собурнинг қизи,— дебди Муродшоҳ.

Бу гапларни эшитган Ғариб қаттиқ бир бақириб юборибди-ю, ўзидан кетиб йиқилибди. Юзига дарров гулоб сепишган экан, ҳайтовур, ўзига келиб, кўзини очибди.

— Сен Ғарибнинг Фаҳрутождан туғилган ўғлимсан?— дебди Ғариб ўзини тутиб.

Муродшоҳ: «Ҳа»,— деган экан, Ғариб унга:

— Сен баҳодир ўғли баҳодирсан! Қани, ҳей жигаргўшалар!— дебди у атрофга аланглаб,— ўғлимнинг кишан-занжирларини ечиб олинглар!

Саҳим билан Қайлажон келиб Муродшоҳни кишандан озод қилибдилар, Ғариб бўлса ўғлини қучоқлаб, бағрига босибди ва ёнига ўтқазиб:

— Онанг қаерда?— деб сўрабди.

— Уни ҳам олиб келганман, чодирда,— дебди Муродшоҳ. Ғариб унга:

— Бориб тезда олдимга олиб кел!— дебди.

Муродшоҳ дик этиб ўрнидан туриб отига минибди-ю, чодир томон йўл олибди. Унинг ёр-биродарлари саломат қайтганидан хурсанд бўлиб, пешвоз чиқиб, ҳол-аҳвол сўрашибди. Лекин у:

— Ҳозир гаплашиб ўтиришнинг вақти эмас!— дебди.

У онасининг олдига кириб, бўлган воқеани гапириб берган экан, у шундай қувониб кетибдики, асти қўя беринг.

Муродшоҳ онасини отаси олдига олиб келибди, улар қучоқлашиб, бир-бири билан кўришганига беҳад қувонишибди. Дарров Фаҳрутож калима келтириб, мусулмон бўлибди, Муродшоҳ ҳам исломни қабул қилибди. Улар аскарларига исломни даъват қилишган экан, улар ҳам мусулмончиликни қабул қилишибди; Ғариб барчанинг мусулмон бўлганидан шод-хуррам бўлибди. Кейин у Собур шоҳни чақиртириб келибди-да, унинг қилмишини юзига солиб, роса шарманда қилибди. Ундан сўнг ўғли Вард шоҳни келтириб, уларни мусулмон бўлишга даъват қилишган экан, улар бўйин товлабди, шу билан ота-бола

икковини шаҳар дарвозасига чиқариб, қоқиб қўйишибди.

Дарҳол шаҳарни безатишибди, аҳоли беҳад хурсанд бўлибди, тантана билан Муродшоҳга Кисрав шоҳлар тожини кийгизишиб, уни Ажам, Турк ва Дайлам мамлакатининг подшоҳлигига кўтаришибди. Фариб шоҳ ўз амакиси Домигни Ироққа ҳоким қилиб юборибди. Шу билан унга барча диёру халқ итоат қилибди.

Фариб ўз раъияларига адолат билан ҳукм юргизиб, мамлакатада яшабди; жамики халқ уни севиб, ҳурмат қилибди. Шу тариқа улар то ҳузур-ҳаловатни бузиб, мажлисларни тарқатувчи ўлим элчиси келгунча, шод-хуррамлик билан ширин умр кечириб ўтишган экан.

Доимо иззат ва бақо эгаси ўша зотга покликлар бўлсин!

Фариб билан Ажиб ҳақида бизга етиб келган ҳикоя мана шу.

АБДУЛЛОҲ ИБН МУАММАР ҚАЙСИЙ ҲИКОЯСИ



бдуллоҳ ибн Муаммар Қайсий деган бир киши ўтган экан. Уша киши мана буларни ҳикоя қилиб берибди:

— Аллақайси йили Байтуллоҳга ҳаж қилган эдим. Ҳаждан кейин, худо раҳмат қилгур пайгамбар алайҳиссаломнинг қабрини ҳам зиёрат қилмоқчи бўлдим.

Нима ҳам бўлиб, бир куни кечаси қабр билан минбар ўртасидаги боғда ўтирсам, қаёқдандир ногаҳон қулоғимга инграган бир овоз чалиниб қолди. Овозга эътибор бериб, қулоқ солсам, кимдир шундай нола қиляпти:

Қумриларнинг ноласидан изтиробинг ортадур:
Буйлаким мажруҳ дилинга ҳамла қилмиш аждаҳо.
Еки эслаб ул санамни дардинг ўлмишдир фузун,
Дарду ғам саҳросиға йўл кўрсатур ул маҳлиқо.
Эй қаро тун, мунча чексизсан муҳаббат аҳлиға
Меҳри бирла сабр уларга қайда бўлмиш ошно.
Ишқ ўти-ла куйдириб уйқумни элттинг дийдадин.
Қатта гулҳан чўғини жойлабмидур қалбим аро.
Осмонда ой гувоҳдир эҳтиросимга менинг,
Лек бошқа ой мени ишқиға этмиш мубтало:
Билмаган эрдим муҳаббатга дилим банд эрканин,
Токи ишқи жони ичра солмади минг йўл бало.

У шундай деди-ю бир дам жим қолди. Бу овоз-
нинг қаердан келганини билолмай, ҳайрон бўлга-
нимча, турган жойимда қотиб қолдим. У яна нола
чекиб йиғлай бошлади. Бу гал у шундай дерди:

Зулфи тундек қоп-қаронинг ёди солмиш можаро,
Е қаро тунда кўринган шарпаси бўлмиш бало.
Кўнглинг ичра қайта мавж урмиш муҳаббат тўлқини,
Кўзларингда ишқ бирла уйқусизлик жо-бажо.
Тунда оҳ чекдим, ки ул тун, тун эмас дарё эди,
Зулмининг тўлқинлари кўпларни қилмишдур фано.
Бунча ҳам, эй, тун чўзилдинг дард элининг бошида,
Ишқ аҳлин бор умиди тонг билан этгай жило.
Тун деди: «Кўп нола қилма, тун узун деб ўйлама,
Шул эрур ишқу муҳаббат, одати йўқдир даво!»

Ниҳоят ўрнимдан туриб, овоз келган томонга
равона бўлдим. Унинг нолайи зори ҳали тугамасда-
ноқ беихтиёр рўпарасиға бориб қолибман. Қарасам,
мўйловлари энди сабза урган ғоят бир гўзал йигит.
Унинг кўз ёшлари ёноқлари узра оқиб турарди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳи-
коя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
саксон биринчи
кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Абдуллоҳ ибн Муаммар Қайсий мана буларни ҳикоя қилиб берибди:

— Ниҳоят ўрнимдан туриб, овоз келган томонга равона бўлдим. Унинг нолайи зори ҳали тугамасданоқ бирдан рўпарасига бориб қолибман. Қарасам, мўйловлари энди сабза урган ғоят бир гўзал йигит, унинг кўз ёшлари ёноқлари узра оқиб турарди...

— Ҳа, эй йигит!— дедим мен уни кўришим билан. У чўчиб тушди-да, кейин:

— Ўзинг кимсан?— деб сўради.

— Мен, Абдуллоҳ ибн Муаммар Қайсийман,— дедим.

— Хўш, хизмат?— деди у. Мен унга:

— Боғда бамайлихотир ўтирган эдим, шундай бир гаштли кечада нолангни эшитиб кўнглим бузилиб кетди. Садағанг кетай, эй йигит, нега бунча фиғон чекасан?— дедим мен, меҳрибонлик билан.

— Билгинг келса ўтир!— деди. Ўтирдим. Кейин у гап бошлади:

— Менинг отим Утба, ўзим Жаббон ибн Мунзир ибн Жамуҳ Ансорийнинг ўғлиман,— деди у.— Бир гал бир хароба масжидга бориб, намоз ўқигач, узлатга кетиб, тиловат қилиб турсам, бирдан рухсори пари аёллар пайдо бўлиб қолди. Уларнинг орасида малохат бобида тенги йўқ, ниҳоятда гўзал бир қиз бор эди. Уша париваш менинг қошимда тўхтаб: «Э Утба, васлинг гадосининг орзусига не дейсан?»— деди.

У шундай деди-ю, кетди-қолди. Мен унинг кимли-

гини ҳам, қаерданлигини ҳам сўрамабман. Сўрамаганга ярашур, изига ҳам тушмабман. У шу-шу домдараксиз кетди, мен бўлсам, унинг дарду ҳасратида беҳуш дарбадар дайдиб юрибман.

У шундай деди-ю бир оҳ тортиб, ўзидан кетиб йиқилди. Кўзини очгач, унинг рухсорига боқсам, гулгун юзлари варс билан бўялгандай бўлиб кетибди. У яна шу байтларни ўқиди:

Узоқ элларда сарсонман вале қалбим кўрар сизни,
Мени эсга олурмусиз, мен эрсам, сизга кўп муштоқ.
Юрак-бағрим эзилгандир, кўзим сизга нигорондур,
Дилим сиз бирладур доим, хаёлингиз менга ўртоқ.
Магар жаннат гулистонида сизсиз айласам жавлон,
Бу хил кечкан ҳаёт менга ўлим заҳридин аччиқроқ.

Бу байтларни эшитиб, «Э жигаргўшам Утба, раббингга сиғингин, тавба қилиб истиғфор эт, зора гуноҳингни кечса, чунки севги бобида ҳали олдингда даҳшатли уқубатлар бор»,— дедим. Лекин у фиғон билан: «Ҳайҳот! То иккала қориз терувчилар қайтмагунча кўнглим жойига тушмайди»,— деди.

Шу кеч мен унинг ёнида қолдим, тонг отгач унга: «Тур ўрнингдан, масжидга борамиз»,— дедим. Таҳорат олиб икковимиз масжидга бордик. У ерда ўтириб қолиб, биратўла пешин намозини ҳам ўқидик. Шунда бирдан аёллар келиб қолди. Келишга келди-ю, лекин улар ичида ул париваш йўқ эди.

— Э Утба,— дейишди улар,— васлинг толибининг ҳолига не дейсан?

— Нима қилди унга — деб сўради Утба.

Хотинлар: «Отаси уни олиб, Сомовага жўнаб кетди. Шунда мен улардан қизнинг исмини сўраб қолдим. «Оти Райё, Фитриф Сулаймий қизи»,— дейишди улар.

Утба унинг исми шарифини ва Сомовага кетганлигини эшитиб, мана бу икки байтни ўқиди:

Аё дўстлар, Райё кетмиш, билиб қолдим,
Самовага сари йўл солмишдир карвони.
Берармикин қарзга биров кўз ёшин,
Кўзим ёшин қуритмиш дил афғони.

Шундан сўнг: «Э Утба,— дедим,— мен анча-мунча мол-дунё билан келганман, уни сарф этиб, аҳли мўминларнинг ҳожатини чиқармоқчиман. Тангрига онт ичиб айтаман, барча пулларимни пойи қадамингга харжлаб, сени мурод-мақсадингга етказаман. Тур, ансорлар мажлисига борамиз». Урнимиздан туриб, ўша жойга бордик. Мен уларга салом бердим, улар очиқ чеҳра билан алик олишди. Шундан сўнг: «Э ёронлар, Утба билан унинг отаси тўғрисида бирон нарса биласизларми?— деб сўрадим. «У араб сардорларидан»,— дейишди ансорлар. Мен: «Билиб қўйинглар, Утба муҳаббат дардида ошифта бўлиб қолган, кори хайрга ёрдам бериб, мен билан бирга Самовага борсанглар»,— дедим. Ансорлар эса: «Бажону дил, борамиз»,— дейишди.

Шу билан Утба икковимиз йўлга отландик, ҳалиги ансорлар ҳам биз билан бирга жўнади. Йўл юрдик, йўл юрсак ҳам мўл юрдик, ниҳоят Бани Сулайм қабиласи — қизнинг юртига етиб келдик. Бизнинг бу ерга келганимизни қизнинг отаси Ғитриф Сулаймий билгач, дарҳол истиқболимизга чиқиб: «Қадамингизга ҳасанот, бошингиз омон бўлсин, келинглари!»— деди. Биз унга: «Сенинг ҳам бошинг омон бўлсин, биз сенга меҳмон бўлиб келдик»,— деган эдик, у меҳмондўстлик билан: «Бош устига, қани, марҳамат қилинглари!»— деди-да, қулларига: «Қани, ҳей, меҳмонга қаранглари!»— деб буюрди.

Қуллар питиллаб дарров гиламу кўрпачалар тўшашди, қўю қўчқорлар сўйишди, лекин биз унга: «То ҳожатимизни чиқармагунингача овқатингга қўл

урмаймиз»,— дедик. «Қанақа ҳожат?» деб сўради у.

— Биз соҳибжамол қизингни Жаббон ибн Мунзур ўғли Утбага унашгани келдик; йигит ҳам мартабаси улуғ, таг-тугли оиладан,— дедик.

— Э биродарлар,— деди у,— қизимнинг ихтиёри ўзида, кимга тегишини ўзи билади, мен бориб, унашгани совчилар келганини айтаман.— Фитриф қизи Райёнинг олдига жаҳли чиқиброқ кирган экан, буни сезган қиз: «Ҳа отажон, бир нарсадан хуноб кўри-насан, нима гап?»— деб сўрабди. Отаси: «Ансор одамлари келишди, улар сени унаштиришмоқчи»,— дебди. Бу гапни эшитган қизи:

— Ансорлар олижаноб одамлар, пайғамбар алай-ҳиссалом уларга шафқат қилсин, кимга унашмоқчи экан?— дебди.

— Жаббон ўғли Утба деган йигитга,— деб жавоб берди Фитриф.

— Мен бу Утба ҳақида эшитган эдим, ваъдасига вафодор, айтганини қиладиган йигит эмиш,— дебди қиз. Фитриф бўлса оёғини тираб:

— Онт ичиб айтаман, ўлсам ҳам сени унга бермайман, у билан гаплашиб юрганингни эшитганман,— дебди.

— Бўлмаган гап, отажон, мен у билан гаплашган эмасман. Лекин худо ҳақи, ансорларга қизимни бермайман деб, дабдурустан совуққина жавоб бериш ҳам ярамайди, хушмуомилалик билан жавобни рад қилмоқ керак»,— дебди. Фитриф: «Масалан, қандай?»— деган экан, Райё: «Қалин молини кўпроқ сўрасанг, қурби келмай, қайтиб кетаверади»,— дебди. «Бу гапинг жуда маъқул»,— дебди отаси ёришиб.

Уйдан чеҳраси очилиб чиққан Фитриф: «Қизим рози, лекин ўзига ўхшаган қалин сўраяпти, қалин

беришни ким бўйнига олади?»— деди. Шунда: «Мен бўйнимга оламан!»— дедим.

— Мен,— деди у,— қизимнинг қалинига мингта нақдина олтин билагузук, Хажар шаҳрида зарб қилинган беш минг дирҳам пул, юз кийимлик адрасу беқасам, бош-оёқ сарпо, беш меш³⁷ анбар сўрайман.

— Мана шу айтганларингни бажо келтирсак, розимисан?— деб сўрадим. Фитриф менга: «Ҳа, розиман»,— деди.

Шундан сўнг мен ансорлардан бир нечасини Мадинаи Мунавварага юбордим, улар Фитриф айтган нарсаларнинг ҳаммасини олиб келишди. Ниҳоят қўю қўчқор, қорамоллар сўйилди, тайёрланган таомларни ейишга одамлар йиғилди, шу алфозда қирқ кечаю қирқ кундуз карнай-сурнай, ногора базм қилиб, уларнинг тўю томошасини ўтказдик.

Тўйдан кейин Фитриф: «Энди келинингизни олиб кетаверинглар!»— деди. Биз келинни тахти равонга ўтқазиб, кўтариб кетдик. Отаси қизига ўттиз туя сеп совға қилди. У анча жойгача қизини узатиб, биз билан видолашди-да, кетига қайтиб кетди.

Биз йўл юрдик, йўл юрсак ҳам мўл юрдик, ниҳоят Мадинаи Мунавварага бир бекат йўл қолганда бизга бир тўда чавандоз-қароқчилар ёпирилиб қолди. Менимча, булар Бани Сулайм қабиласига тааллуқли одамлар бўлса керак. Утба буларга отилиб, бир нечасини ўлдирди, лекин кўп ўтмай, биқинидан найза еб, икки букилганча ерга йиқилди. Шу пайт ўша ерли мўминлардан бизга ёрдамчилар чиқиб қолиб, уларни қувиб юборди. Келиб қарасак, Утба ўлиб ётибди. Ҳаммамиз: «Эҳ бечора Утба!»— деб ҳўнграб юбордик. Бизнинг овозимизни эшитган келин ҳам ўзини туя устидан отди-ю, қаллиғи — Утба қошига ке-

либ, ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлади. У шу байтларни ай-тиб муножот қиларкан:

Бўлмоқ учун чидамли, найлай менда чидам йўқ,
Руҳим сенинг кетингдан бормоқни этди хоҳиш.
Бўлганида адолат, аввалида бу офат,
Келиб менинг бошима солмасди бунча ташвиш.
Биздан кейин дўстлар ҳеч топа олмас адолат,
Дилим сенсиз тополмас бу оламда осойиш.

Қиз байтларни ўқиб бўлгач, қаттиқ бир оҳ тортди-ю севгани ёнига йиқилиб, жон берди.

Биз иккала ошиқ-маъшуққа бир қабр қазиб, дафн қилдик. Кейин мен ўз юртимга қайтиб келдим ва бу ерда етти йил туриб, Ҳижозга қайтдим. Сўнг яна Мадинаи Мунавварага йўл олдим. Ушанда, албатта Утба қабрини зиёрат қилиш ниятим бор эди.

Оёғим тортиб ўша томонга бордим, бундай қарасам, қабр устидан улкан бир дарахт ўсиб чиқибди. Унинг шохларига жуда кўп қизил, сариқ, яшил латталар осилди. Кўриб, ҳайрон қолибман. Уша ерликлардан: «Бу қандай дарахт?»—деб сўраган эдим, улар менга: «Ошиқ-маъшуқлар дарахти»,—деб жавоб беришди.

Мен Утба қабрини бир кеча-кундуз зиёрат қилиб, кейин изимга қайтдим; бу энг сўнгги бор зиёрат қилишим эди. Худо уни раҳмат қилсин!

НУЪМОН ҚИЗИ ҲИНД ҲИКОЯСИ



икоя қилишларича, Нуъмон деган кишининг Ҳинд деган қизи бор экан. У ўз замонасининг энг гўзал қизларидан бўлиб етилибди. Унинг ҳусну жамолини Ҳажжожга таъриф қилишган экан, у одам юбориб қизга унашибди. Ҳатто у қалиндан ташқари, яна икки юз минг дир-

ҳам пул ҳам беришни бўйнига олибди. Хуллас, анча-мунча мол-дунё сарфлаб уйланиб, у қизнинг қўйнига кирибди... узоқ вақт у билан тотув умр кечирибди. Кунлардан бир куни ўша жонон ойнада ўз аксига қараб, шу байтни ўқибди:

Ҳинд ажойиб байтал эрди зоти пок,
Энди они босди эшак айғири.
От туғилса, ул худонинг раҳмати,
Хачир бўлса, у эшакнинг хотири.

Ҳажжож уни эшитиб қолиб, ҳафсаласи пир бўлибди-ю кетига қайтганича, шу-шу унинг олдига бошқа кирмабди ҳам, у билан иши бўлмабди ҳам. Ҳажжож хотинини талоқ қилмоқчи бўлиб, олдига Абдуллоҳ ибн Тоҳирни чақиртирибди ва у орқали талоқ хатини бериб юборибди. Абдуллоҳ ибн Тоҳир хотин олдига кириб: «Ҳажжож Абу Муҳаммад сенга шуни айтиб юборди,— дебди,— сенинг унда икки юз минг дирҳам маҳринг қолган экан, ўша пулни бериб юборди ва сени талоқ қилиш учун ўз номидан мени вакил қилди». Шунда хотин: «Э ибн Тоҳир, билиб қўй,— дебди.— Ҳажжож билан бирга яшаб, худо ҳақи, бирор кун ҳам ундан хурсанд бўлган эмасман. Борди-ю, ундан ажралсам, бунга ҳеч ҳам куймайман. Келтирган икки юз минг дирҳам ўша сақиф итидан халос бўлганим учун сенга суюнчи бўла қолсин»,— дебди.

Бу хабар амир ал-мўминин Абдулмалик ибн Марвоннинг қулоғига етибди. Одамлар халифага хотиннинг қадди-қомати келишган, ҳусни жамоли ойдек, ўзи жуда тўкис, ширин сўз деб таърифлашган экан, Марвон унашгани совчи юборибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз саксон
иккинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— амир ал-мўминин Абдулмалик ибн Марвон хотиннинг ҳусну жамоли таърифини эшитиб, яхши кўриб қолибди ва совчи юборибди. Хотин халифага бир мактуб ёзиб, хат бошида оллоҳга ҳамду сано, Муҳаммад алайҳиссаломга салот йўллаб бўлгач: «Аммо баъд, э амир ал-мўминин, сенга етиб маълум бўлсинким, бу идишга ит теккан»,— дебди.

Амир ал-мўминин унинг мактубини ўқиб кўргач, хохолаб кулиб юборибди ва пайғамбар алайҳиссаломнинг гапини келтириб нома йўллаб: «Агар идишига ит тегса, уни қум билан етти бор ювиб ташланса, пок бўлади»,— дебди ва хат охирида: «Ит теккан жойни ювиб ташла!»— дебди.

Ҳинд амир ал-мўминининг мактубини ўқиб қараса, гапига қаршилиқ қилиб бўлмайдиган, у дарров хат ёзибди. Хатда оллоҳ таолога ҳамду санодан сўнг: «Э амир ал-мўминин, билиб қўй, мен никоҳингга ўтаман, лекин битта шартим бор. Шартинг нима деб сўрасанг, айтаман: «Тахти равонимни сен турган шаҳаргача Ҳажжожнинг ўзи элтиб берсин. У оёқ ялангу, лекин ўзи ҳокимлик кийимида бўлсин»,— дебди.

Абдулмалик хатни ўқиб, роса хохолаб кулибди ва Ҳажжожга хат билан одам юбориб, хотин айтгандай қилишни буюрибди. Ҳажжож амир ал-мўминин номасини ўқиб чор-ночор лом-мим деёлмай, буйруққа итоат қилишга мажбур бўлибди ва «Йўлга отлансин», деб Ҳиндга одам юборибди. У тайёргарлигини кўриб

тахти равонга ўтирибди. Ҳажжож ўз аъёнлари билан йўлга тушиб, Ҳинднинг дарвозасига етиб келибди. Сўнг хотиннинг тахти равони билан туяга ўрнатишибди. Унинг ён-верисига канизу ходимлари ўтирибди; Ҳажжож бўлса яланг оёқ бўлиб, туянинг тизгинини ушлаганича, питиллаб халифа томон равона бўлибди. Ҳинд бўлса канизагу ходималари билан Ҳажжожнинг бетига солиб, кўнгли таскин топибди. Сўнгра у бир ходимасига: «Тахти равон пардасини кўтар!»— деб буюрибди. Ходима пардани кўтарган экан, Ҳинд билан Ҳажжожнинг юзи юзига тушибди. Хотин дарров уни масхара қилишга ўтибди. Ҳажжож бўлса бунга чидай олмай, шу байтни ўқибди,

Энди Ҳинд, мендин куларсан, кечалар ёдингдами,
Неча бор қолдирган эрдим кўз ёшинга ғарқ этиб?

Ҳинд бўлса унга мана бу икки байт шеър билан жавоб берибди:

Ҳаётимиз билан имонимиз бўлса агар озод,
Ким ўйлаб, ғам чекарди кетса ҳатто бойлигу лаззат.
Топиш осон эрур бойликни шуҳрат ҳам келур қайтиб,
Қасалликлар битиб, тандин кетар бўлса ҳамма иллат.

Шу тариқа у то халифа шахрига етгунча Ҳажжожнинг устидан кулиб, эрмак қилиб борибди. Шаҳарга киргач, хотин бир динорни ерга ташлабди. Кейин Ҳажжожга: «Ҳей туякаш, бир дирҳам пул тушиб кетди, қараб боқ, топсанг олиб узат»,— дебди. Ҳажжож ерга қараса, ерга тушган пул бир динор, лекин дирҳамни тополмабди ва хотинга: «Бу динорку»,— дебди. Хотин бўлса, «Йўқ, у дирҳам бўлиши керак»,— дебди. «Йўқ, бу динор»,— дебди Ҳажжож. Шунда Ҳинд:

— Худоба минг қайта шукур, ерга тушган дирҳамимни динор қилиб берди, қани, менга узат!»— дебди.

Ҳажжож хотин гапини эшитиб, қаттиқ хижолат тортибди. Кейин у Ҳиндни амир ал-мўминин Абдулмалик ибн Марвон қасрига етказибди. Хотин халифа ҳузурига кирган экан, Абдулмалик уни чиндан севиб қолибди..:

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз саксон
учинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,—деб давом этди Шаҳризод,— шу билан Ҳинд халифанинг сеvimли хотинига айланибди. Лекин бундан ҳам қизиқ ҳикояни эшитганман. Агар, шоҳ ҳазратларининг эшитгилари келса, жон деб айтиб бераман.

— Айт!— дебди шоҳ қизиқиб. Шаҳризод янги ҳикоя бошлади.

ҲУЗАЙМА ИБН БАШАР АСАДИЙ ҲИҚОЯСИ

Амир ал-мўминин Сулаймон ибн Абдулмалик замонида бир киши бўлган экан. Уни Ҳузайма ибн Башар деб аташар экан. Узи Бани Асад қабиласидан бўлиб, жуда муруватли, таг-тугли, бадавлат, биродарларига меҳр-шафқатли, покиза одам экан. Яхши еб, яхши ичиб кунлар ўтибди, лекин ўзи ёрдам қўлини чўзган дўстларига муҳтож бўлмабди. Ниҳоят, бора-бора нима бўлибди-ю давлатига путур етиб, бечораҳол бўлиб қолибди. Бир оз вақт ёр-биродарлари унинг ҳолидан хабар олиб, ёрдам бериб туришса ҳам, кейин зерикшиб уйига қадам босмай қўйишибди. Ҳузайма дўстларининг авзойи ўзгариб қолганини сезгач, хотини олдига келибди; хотини эса амакисининг қизи экан.

— Э хотин,— дебди у, бир куни,— биродарларимнинг мендан ихлоси қайтди, энди то ўлим келиб, ёстуғимни қуритмагунгача уйдан кўчага чиқмайман.

У эшикни тамбалаганича, уйда бор қўр-қутни еб ётаверибди. Ниҳоят, бор буди тугаб, нима қилишини билмай, боши қотибди. Унинг бу ҳолидан Жазира шаҳрининг амири Акрима айёз Рабъий хабардор бўлибди.

Кунлардан бир куни амир улфат қуриб ўтирганида бирдан Ҳузайма ибн Башарни эслаб, одамларидан: «Ҳузайманинг аҳволи қалай?»— деб сўраб қолибди. Одамлар амирга: «Бечора, шундай бир ғариб бўлиб қолганки, асти сўраманг, эшикни ичкаридан тамбалаб, узлатга чўкиб ётибди»,— дейишибди.

Бу гапни эшитган Акрима Файёз:

— Унинг ўта сахийлиги ўз бошига етиб, оқибатда шу кўйга тушиб қолди, наҳотки Ҳузайма ибн Башардай одамга ёрдам қўлини чўзадиган бирорта мадаккор ёр-дўст топилмаса!— дебди.

— Рост, унга бирорта меҳрибон топилмади,— дейишибди амир ҳузуридагилар.

Кеч кириб, қош қорайгач, амир бир халтачага тўрт минг динор солиб, отини эгарлашга буюрибди. Кейин ҳеч кимга билдирмай, ташқарига чиқиб, ўзи билан бирга бир хизматкорни ҳам олибди-да, отига миниб жўнабди. Халтадаги динорни хизматкор кўтариб борибди. Юриб-юриб ниҳоят, Ҳузайма эшигига етгач, отининг жиловини тортибди. Сўнг хизматкор қўлидаги динор солинган халтачани олиб, унга нарироққа бориб кутиб туришни тайинлабди-да, ўзи эшикни тақиллатибди:

Ҳузайма эшикни очган экан, Акрима унга халтачани узатиб:

— Бу билан кам-кўстингни тўғрилаб ол!— дебди:

Ҳузайма халтачани олиб қараса, оғиргина, дарҳол ерга қўйибди-да, бориб отининг юганидан тутиб:

— Жоним садқа бўлсин сенга, кимсан ўзинг, айт!— дебди. Акрима бўлса унга қараб:

— Ҳей Ҳузайма, шундай вақтда мен сенга ўзимнинг кимлигимни кўрсатгани келганим йўқ,— дебди.

— То ўзингни танитмагунингча, сени қўйиб юбормайман,— дебди. Шунда у:

— Мен Жобир Асарот ал-Киромман — дебди:

— Ундай бўлсанг, яна қўш!— дебди Ҳузайма.

— Йўқ, шунинг ўзи бўлади,— дебди у.

Оғзи қулоғига етган Ҳузайма халтачани олганича ичкари кирибди ва амакисининг қизи — хотинига:

— Суюнчи бер, худо ёр бўлиб, бизга хайри эҳсон келди. Агар булар дирҳам бўлса, жуда кўп пул; тур тезроқ, чироқни ёқ! Қоронғида хотини: «Чироқнинг қаердалигини билмайман»,— дебди.

Бечора Ҳузайма эрталабгача халтани пийпаслаб чиқибди, пийпаслаганда қаттиқлигидан динор эканлигини сезар экану, лекин ҳеч бунга ишонгиси келмас экан.

Аммо, Акримага келсак, у уйига қайтгач, хотини ундан қоронғи кечада қаерга борганини суриштира бошлабди. У иш билан бир ерга бориб келганини айтса ҳам, у ишонмай, шубҳага борибди. Хотин ўз фикрини маъқуллаб: «Жазира амири ярим кечада навкарсиэ, якка ўзи, оиласидан яширинча қаерга бориши мумкин? У фақат бирор бошқа хотинчаси ёки ўйнашининг олдида бориши мумкин, холос»,— дебди.

Акрима бу гапни эшитиб: «Шубҳанг ноўрин, сен айтганларнинг бирортасиникига бормаганимга оллоҳнинг ўзи гувоҳ»,— дебди. Хотин эса: «Қани айт, бўлмаса, ярим кечада қаерга ғойиб бўлдинг?»— дебди. Шунда у: «Мен ҳеч ким сезмасин деб атайлаб қорон-

гини пойлаб бир иш қилдим»,— дебди. Хотин оёғини тираб: «Айтмаганингга қўймайман»,— деган экан, эри унга: «Агар сенга айтсам, сир сақлай оласанми?»— дебди. Хотин: «Ҳа, сир сақлайман»,— дебди. Шу билан Акрима бўлган ҳамма воқеани бошдан-оёқ гапириб берибди-да, кейин: «Ишондингми, ё яна қасам ичайми?»— дебди. Хотини: «Бўлди, бўлди, кўнглим жойига тушди, айтганларингнинг ростлигига ишондим»,— дебди.

Аmmo энди Ҳузаймага келсак, у эртасига тонг отгач, судхўрлардан олган қарзларини узиб, хотиржам бўлибди. Кейин тайёргарлик кўриб, халифа Сулаймон ибн Абдулмалик ҳузурига боришни ихтиёр қилибди. Бу кунларда халифа Фаластинда экан. Ҳузайма халифа қасри дарвозаси олдида тўхтаб, ичкари киришга ижозат сўраган экан, уларнинг бири Сулаймон олдига кириб, Ҳузайма келганидан хабардор қилибди: Ҳузайма ўз сахийлиги ва сермуруватлиги билан эл-юрт, шоҳу гадога таниғлиқ экан, шу туфайли Сулаймон ҳам уни яхши танир экан. Халифа ўз даргоҳига киришга ижозат берибди. Ҳузайма ичкари кириб, халифаларга хос саломлашибди. Сулаймон ибн Абдулмалик унга: «Э Ҳузайма, нега биздан бунчалик узоқлашиб кетдинг?»— деган экан, у: «Бечораҳоллик»,— деб жавоб берибди. Халифа: «Даргоҳимизга келишингга нима монелик қилди?»— деб сўрабди. Ҳузайма: «Заифлик, э амир ал-мўминин»,— деб жавоб берибди. Халифа: «Хўш, ҳозир қандай қилиб ўзингни тиклаб олдинг?»— деб сўраган экан, Ҳузайма унга: «Э амир ал-мўминин, мен уйда ўтирган эдим, тун ҳам алламаҳал бўлиб қолган эди, тўсатдан биров эшикни тақиллатиб қолди, кейин чиқсам, бир киши турибди...»— шу тариқа у бўлган ҳамма воқеани бошдан-оёқ халифага гапириб берибди. Сулаймон: «Сен у кишини та-

нийсанми?»— деб сўрабди. Ҳузайма унга: «Йўқ, амир ал-мўминин, танимаймав уни, ўзининг кимлигини билдирмадя, фақат: «Мен Жобир Асарот ал-Киромман» деган гапини эшитиб қолдим холос»,— дебди.

Ҳузайманинг бу сўзлари халифа Сулаймон ибн Абдулмаликни таажжубда қолдирибди. У бу кишининг кимлигини билишга қизиқиб қолибди. Кейин унга: «Агар биз унинг кимлигини билганимизда бу олий ҳимматлиги учун албатта, уни мукофотлаган бўлардик»,— дебди.

Нима бўлибди-ю, халифа Ҳузайма ибн Башорни Акрима Фаёз ўрнига Жазиранинг амири қилиб тайинлабди. Ҳузайма амални қабул қилиш учун Жазирага йўл олибди. У ерга яқинлашгач, Акрима Ҳузайманинг истиқболига чиқиб, қарши олибди, у билан бирга Жазиранинг барча аҳолиси ҳам Ҳузаймага пешвоз чиқибди. Амирлар бир-бири билан саломлашиб-кўришибди, сўнг жамулжам бўлишиб, шаҳарга кириб келишибди.

Ҳузайма амир саройига қўниб, Акримадан амирлик кафолати билан бирга ундан ҳисобот талаб қилибди. Шунда харажатларни ҳисоблаб кўришса, анча-мунча пул етмай қолибди; аҳволни кўриб, Ҳузайма ундан хазинадаги етишмаган маблағларни тўлашни талаб қилган экан, Акрима унга: «Берадиган бир дирҳамим ҳам йўқ»,— дебди. Ҳузайма қаттиқ туриб: «Қандай бўлмасин, пулларни топишинг керак!»— дебди. Акрима: «Менда сариқ чақа ҳам йўқ, қўлингдан келганини қил!»— дебди. Ҳузайма жаҳли чиқиб, уни қамашга буюрибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз саксон
тўртинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,—деб да-
вом этди Шаҳризод,— Ҳу-
займа Акрима Файёзни
қамашга буюргач, яна ун-
га одам юбориб, бўйнидаги қарзини
тўлашни талаб қилибди. Шунда
Акрима Ҳузайма юборган одам ор-
қали: «Мен мол-дунёни шуҳрат учун
сақлаб қўядиганлардан эмасман, ос-
мон қўлингда бўлса, ташлаб
юбор»,—деб жавоб бериб юборибди.
Шундан сўнг у Акримани кишан-
лаб зиндонга ташлашни буюрибди.

У бир ой, ҳатто ундан ҳам ортиқ вақт зиндонда қолиб
кетибди. Зиндонда унинг дармони қуриб, пашша қў-
ришга ҳам мажоли қолмабди.

Бу хабар Акрима амакисининг қизига етгач, у жу-
да хафа бўлиб кетибди. Кейин ўзини тутиб олган ақ-
ли ҳушли чўриларидан бирини чақириб: «Дарров, оё-
ғингни қўлингга олиб, зинғиллагин-да, амир Ҳузай-
ман ибн Башар дарвозасига бор-да, унга; менинг бир
маслаҳатим бор эди, дегин; борди-ю бирон киши сен-
дан, «Қани, маслаҳатингни айт, нима экан у?»—деб
қолса, сен унга, уни фақат амирга айтмоқчиман, дей-
сан. Амир ҳузурига киргач, ундан хилват талаб қила-
сан. Ҳамма чиқиб кетиб, амирнинг ўзи якка қолгандан
кейин унга: «Э, амир, нима иш қилиб қўйдинг? Сен
ахир Жобир Асарот ал-Киромнинг қилган яхшилигини
учун оёғига кишан солиб, зиндонга ташлаб қўйдинг-
ку»,—деб айтгин, дебди.

Чўри бу топшириқни бажарибди, Ҳузайма унинг га-
пини эшитгач, бор овози билан бақириб: «Эҳ ат-
танг!»—деб пешонасига урибди ва яна ишонқира-
май: «Ростдан ҳам ўшами?»—деб сўрабди. Чўри:

«Рост, ўша»,— дебди. Ҳузайма шу заҳоти отини эгарлашга буюрибди, от келтирилгач, шаҳарнинг барча кўзга кўринган казо-казолари билан жамоат жам бўлиб, зиндон дарвозасига келишибди. Ҳузайма ва у билан бирга келганлар ичкарига кириб қарашса, Акриманинг рангида ранг қолмабди, кўзлари киртайиб ичига тушиб, калтакдан бадани моматалоқ бўлиб кетибди. Акрима Ҳузаймани кўргач, хижолат тортганидан бошини ҳам билиб, ерга қарабди. Ҳузайма бўлса унинг олдига келиб қошига йиқилиб ўпибди. Акрима Ҳузайманинг бу ҳаракатига таажжубланиб, бошини кўтарибди-да: «Нима сабабдан бу ерга келиб қолдинг?»— дебди.

— Мени бу ерга сенинг яхши юмушинг мукофоти бўлмиш ёмон қилмишим олиб келди,— дебди Ҳузайма. «Сениям, мениям худо ўзи кечирсин!»— дебди Акрима. Ҳузайма посбонга буюриб, Акрима оёғидаги кишанни бўшатиб олибди-да, ўз оёғига ўрай бошлабди.

— Нима қилипсан?— дебди буни кўрган Акрима.

— Сенга етган азият менга ҳам етиши керак,— дебди Ҳузайма.

— Тангри номи билан қасам ичиб айтаман, бундай қилма!— дебди Акрима.

Шу билан иккови йўлга тушиб, Ҳузайманинг уйига етиб келишибди. Сўнг Акрима у билан хайрлашиб кетмоқчи бўлган экан, Ҳузайма уни қўймабди. Акрима унга: «Хўш, нима дейсан?»—дебди. Амир: «Мен бир оз ўзингни ўнглаб олишингни истайман, чунки шу аҳволда борсанг, сендан ҳам амакинг қизига кўзим тушганда қаттиқ уяламан»,— дебди. Амир дарҳол фармон бериб, ҳаммомни бўшаттирибди. Ҳаммом холи бўлгач, Ҳузайма билан Акрима иккови киришибди; Ҳузайманинг ўзи Акримага ходимлик қилибди. Ҳаммомдан чиқишгач, амир унга нафис саруполар кийди.

рибди ва жуда кўп мол-дунё ҳада қилиб, отда уйига шахсан ўзи кузатиб борибди. Уйига кириб Акрима амакисининг қизидан узр айтишга изн сўраб, кечиришини илтимос қилибди. Бундан кейин Ҳузайма Акримани ўзи билан бирга Сулаймон ибн Абдулмалик ҳузурига боришга даъват қилибди. Бу кезларда халифа Рамлада экан. Акрима рози бўлиб, халифа томон жўнашибди. Ниҳоят иккови Сулаймон ибн Абдулмалик ҳузурига етиб келибди. Ҳожиб ичкари кириб, халифага Ҳузайма ибн Башарнинг келганини билдирибди. Халифа уни эшитиб чўчиб: «Ҳали Жазира волийси бизнинг буйруғимизсиз, ўзича келадиган ҳам бўлибди-ми! Ё биронта катта воқеа юз берганмикан?»— дебди-да, киришга рухсат берибди. Волий халифа даргоҳига киргач, у билан саломлашишдан олдин: «Хўш, Ҳузайма, ортингда нима бор?»— деб сўрабди. «Яхшилик, амир ал-мўминин»,— дебди Ҳузайма. Халифа: «Хўш, келишингнинг боиси нима?»— деган экан, у: «Мен Жобир Асарот ал-Қиромни қўлга туширдим. Уни қўққисдан кўрсатиб сени хурсанд қилмоқчи бўлдим, чунки сен ўзинг ҳам уни кўришга муштоқ бўлиб қачон кўрарканман деб юрардинг»,— дебди. Халифа: «Ким экан у?»— деб сўраган экан. Ҳузайма: «Акрима Файёз»,— деб жавоб берибди. Халифа Акримага: «Қани, берироқ кел!»— деган экан, у Сулаймонга яқинлашиб, халифалар учун хос саломлашадиган гапларни айтиб, қуллуқ қилибди. Сулаймон унга: «Хуш келдинг!»— дебди-да, уни тахтига яқинроқ чақириб: «Э Акрима, сенинг қилган яхшилигинг, бошингга бало бўлибди-ку»,— дебди. Сўнг Сулаймон унга: «Сен энди барча қилган ҳайри саховатингни, эҳтиёжингга керак барча камчиликларингни ёз»,— дебди. Акрима унинг айтганини қилибди ва халифа ёзилган нарсаларнинг барчасини ўша заҳоти беришга ва ундан ташқари,

яна ўн минг динор пул, йигирма сандиқ кийим-кечак совға қилишга буюрибди. Сўнг найза келтиришни сўрабди ва унга байроқ илиб, Акримани Жазира, Арман ва Озарбайжонга волий қилиб тайинлабди. Халифа Акримага: «Хузайма ерлари сенга ўтди, хоҳласанг, уни қолдирасан, хоҳламасанг узоқлаштирасан»,— дебди. Акрима, «Йўқ, амир ал-мўминин, мен уни ўз жойига қайтараман»,— дебди. Шундан сўнг Хузайма билан Акрима халифа ҳузуридан чиқиб, ўз ҳукмидаги ерларга кетишибди. Улар то Сулаймон ибн Абдулмалик халифалиги тугагунгача унинг амирлари бўлиб хизмат қилишган экан.

ЮНУС КОТИБ БИЛАН ВОЛИД ИБН САҲЛ ҲИКОЯСИ



ана бу ҳикоя ҳам қизиқ: Ҳишом ибн Абдулмалик халифалиги даврида Юнус котиб деган бир киши ўтган экан. Теварак-атрофга котибнинг донги кетган, ҳамма уни танир экан. Унинг ҳусн-жамолда тенгги йўқ гўзал бир чўриси бўлиб, у худди қуйиб қўйгандай, баркамол, нуқсонсиз, соҳибжамол экан. Ўзиям бу чўрининг қиммати юз минг дирҳам экан. Ўша Юнус котиб бир гал Шом вилоятига сафар қилибди.

Юнус Дамашқ шаҳрига яқинлашгач, карвон бир ҳовуз ёнида тўхтабди. Котиб ҳовуз лабида ўтириб, йўлга олган таомлардан ебди, мешини олиб шароб ичибди. Бу орада бирдан келишган ва баркамол бир йигит келиб қолибди. Йигит чопқир тўриқ от минган бўлиб, ёнида икки нафар ходими ҳам бор экан. У Юнусга салом бериб: «Меҳмон бўлсак, майлими?»— деб сўрабди. Юнус унга: «Майли»,— деган экан, йигит отдан тушиб, унинг ёнига ўтирибди. У: «Қани, биз ҳам шаробингиздан тотиб кўрайлик»,— дебди. Юнус улар-

га май қуйиб берибди. Шунда йигит: «Агар ашула ҳам айтиб берсанг, жуда кўнгилдагидай иш бўларди-да»,— деган экан, Юнус шу байтларни айтиб, хиргойи қилибди:

У шундай кўп чирой йиққан эдиким,
Унингдек йиғмаган дунёда ҳечким.

Меҳмон бу ашулани эшитиб, ғоят кайфи чоғ бўлибди. Юнус унга яна шароб тутган экан, йигитнинг кайфи хийла тароқ бўлиб қолибди. Шунда у Юнусга: «Чўрингга буюр, ашула айтсин»,— деган экан, қиз шу байтларни айтибди:

Ул парининг оразига ўхшаши йўқ дунёда,
На қуёш, на моҳтобни навдадекдур қомати.

Меҳмон бу ашулани эшитиб, беҳад хурсанд бўлибди, Юнус унга яна бир неча бор май қуйиб берибди. Шу билан то намоз шом вақтигача йигит ҳовуз лабида қолиб кетибди. Кейин Юнусдан: «Хўш, йўл зўлсин, бу шаҳарда нима қилиб юрибсан?»— деб сўрабди. Котиб: «Ризқимни териб еб юрибман, шояд ишим ўнгида келса-ю, тирикчилигимни йўлга қўйиб олсам»,— дебди. Йигит унинг гапини эшитиб:

— Чўрингни ўттиз минг дирҳамга сотмайсанми?— деб сўраб қолибди. Котиб бўлса:

— Фазли илоҳий, зора ортиқроқ берса,— дебди.

— Менга қара, қирқ минг дирҳам бўлса кўнглинг тўладими?— дебди йигит.

— Бу билан қарзимдан қутуламану, лекин қўлимни бурнимга тикиб қолавераман-да,— дебди котиб.

— Бўлмаса, биз уни эллик минг дирҳамга оламиз,— дебди йигит,— бундан ташқари; сенга сарупо кийдирамиз, йўл озиғи харажатларингни ҳам тўлаймиз; бунинг устига-устак, бу ерда бўлган вақтинг-

да сенга бир чақа ҳам сарф қилдирмаймиз, нима есак, бирга баҳам кўраверасан.

— Бўлди, борбарака, сенга сотганим бўлсин чўримни,— дебди Юнус котиб.

— Агар дирҳамларни эртага келтириб беришимга ишонсанг, чўрини ҳозир ўзим билан бирга олиб кетаман, йўқса, қиз эртагача сенда тура туради. Мен пулини келтириб, кейин олиб кетаман. Қайсинисига юрсанг, менга барибир,— дебди йигит.

Юнус бу гапни эшитиб, дабдурустдан: «Пулини келтиргач, олиб кетасан»,— дейишга тили бормабди; ҳатто юз амри ширинлик қилиб: «Майли, мен сенга ишонаман, ола қол, худойим ишингга кушойиш берсин»,— деганини ўзи ҳам билмай қолибди. Шу пайг йигит ўз хизматкорларининг бирига: «Чўрини эгарга миндириб, кетига ўзинг мингаш-да, уйга жўна!»— дебди.

Унинг кетидан йигитнинг ўзи ҳам Юнус билан хайрлашиб отига миниб, жўнаб қолибди. Улар ғойиб бўлгач, бир оз туриб Юнусни ваҳима босибди, хаёга, чўмиб, нима қилиб қўйганини тушунолмабди. Пулини олмай туриб чўрисини бериб чакки қилганини билибди-да, ўзича: «Нима иш қилиб қўйдим мен? Нега мен унинг кимлигини билмай туриб етти ёт бир одамга чўримни бериб юбордим?! Борди-ю, уни билганимдаям, энди қаердан топаману, қандай қувиб етаман?» — котиб шу сўзларни айтиб ўзини-ўз коийбди.

Ўйга чўмганча шу ерда қолиб кетибди. Тонг отиб, бомдод намози ўқилгач, унинг йўлдошлари Дамашқ шаҳрига жўнаб қолишибди. Котиб бўлса, нима қилишини билмай, қоққан қозикдек ҳайрон бўлиб ўтираверибди. Ниҳоят офтоб чиқиб, найза бўйи кўтарилибди, кун ҳамма ёқни қиздириб, унинг иссиғига

чидаб бўлмабди. Бир жойда ўтиравериш жонига теккан Юнус тоқатсизланиб ҳатто Дамашққа жўнамоқчи ҳам бўлибди. Бир оз ўйлаб, ўзига-ўзи: «Агар мен шаҳарга кетсам, йигитнинг одами келиб, мени йўқлаб тополмаса, унда нима бўлади, яна доғда қоламанми, кетсам бир бало, кетмасам минг бало»,— дебди.

Юнус котиб ўйга чўмиб, девор соясида ўтирибди. Кун оғай деб қолганда ўша йигит хизматчи тўсатдан бир отни миниб, иккинчисини етаклаб келиб қолибди. Юнус севиниб кетганидан оғзи қулоғига етибди. Шунда у ўзига-ўзи: «Тавба, хизматчисини кўриб шунчалик хурсанд бўлдимки, то шу маҳалгача бунчалик севинмаган эдим»,— дермиш.

Ходим котибнинг олдига келгач: «Э афандим, сени бир оз кутдириб қўйдикми?»— дебди. Ҳаяжонланган Юнуснинг тилига гап келмабди. Унинг индамай турганини кўрган ходим: «Чўрингни олган кишини танийсанми?»— деб сўрабди. «Йўқ, танимайман»,— дебди Юнус. «У валиаҳд Валид ибн Саҳл бўлади»,— дебди ходим унга.

Буни эшитган котиб андак фикрга чўмибди. Шунда ходим унга: «Қани, ту, отга мин!»— дебди. Ходим етаклаб келган отига Юнусни миндириб йўлга равона бўлибди. Улар юриб-юриб, ниҳоят бир уй олдида от жоловини тортишибди. Отдан тушиб уйга киришган экан, ҳалиги чўри котибни кўриш билан дик этиб ўрнидан турибди-да, унга салом берибди. Юнус дарҳол ундан: «Сотиб олган хўжанг билан қандай муносабатда бўлдинг?»— деб сўрабди. Чўри: «У мени мана шу ҳужрага киритиб, ўзи дарҳол чиқиб кетди»,— дебди. Юнус қизнинг ёнида бир оз ўтирган экан, хизматкор келиб: «Қани, тур ўрнингдан»,— дебди. У дик этиб жойидан турган экан, хизматкор бош-

лаб хожаси олдига кирибди. Юнус бундай қараса, ўша кечаги меҳмон йигит тахтда ўтирибди.

Шунда хожа, Юнус котибга қараб: «Сен кимсан, ўзинг?»— деб сўрабди. «Мен Юнус котибман»,— деб жавоб берибди у.

— Марҳамат қил!— дебди у,— худо ҳақи, мен сени кўпдан кўргим келиб юрардим, чунки сенинг тўғрингда кўп нарса эшитганман. Хўш, бу кеча қандай ўтди? Ёмон туш кўрганинг йўқми?

— Шукур, яхши ухладим, худо мартабангни улуг қилсин!»— дебди Юнус котиб.

— Балки қилган ишингдан пушаймон бўлиб,— дебди Валид.— Эҳ аттанг, нега мен чўримни етти ёт, танимаган кишига бериб юбордим; унинг на отини, на турар жойини билмасам, нима қилиб қўйдим,— деб пешонангга уриб койингандирсан?

— Худо сақласин, амир, чўрига ҳам ачинар эканми, киши, агар мен уни амирга ҳадя қилганимдаям, арзимасгина совға бўлар эди,— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз саксон
бешинчи кеча*

й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Юнус котиб Валид ибн Саҳлга: «Худо сақласин, чўрига ҳам ачинарканманми, агар мен уни амирга ҳадя қилганимдаям, арзимасгина бир совға бўлар эди, бу чўри қиз амир мартабасидан паст туради»,— дегач, Валид котибга: «Худо ҳақи, мен уни уйга олиб келгач, ўзим пушаймон қилдим; кейин ўзимни-ўзим койидим: бу фариб бечора мени танимаса, қўқ-

қисдан унинг бошини айлантириб, апил-тапил чўрисини олиб кетаверибман, андишага ҳам бормабман. Хайр майли, ўтган ишга саловот, орамизда бўлган шарт эсингдами?»— дебди.

— Ҳа, дедим,— дебди Юнус котиб ҳикоясини давом эттириб, кейин Валид: «Бу чўрингни кеча келишгандек менга эллик минг дирҳамга сотасанми?»— деб сўрабди. Мен «Ҳа»,— дедим. Шунда Валид бир хизматкорга: «Ҳей ғулом, минг беш юз динор келтир!»— деган эди, у дарҳол келтириб берди. Валид менга: «Чўрингнинг нархи мана бу,— деди олдимга динорни қўйиб,— мана бу минг динор, биз тўғримизда яхши фикрда бўлганинг учун, мана бу беш юз динор, йўл харажати ва оилангга совға-салом олишинг учун, розимисан?»— деган эди, жон-дил билан: «Розиман»,— дедим ва унинг қўлларини ўпдим. Кейин унга:

— Худо ҳақи, сен кўзимни тўйдириб, қўйнимни тўлдирдинг, кўнглимни хотиржам қилдинг,— дедим. Валид гапимни эшитиб:

— Худо ҳақи, мен ҳали у билан бирга бўлиб, ашуласини қониб эшитганим ҳам йўқ, қани, гўзални бу ерга чорланглар!— деди.

Чўри келтирилгач, Валид унга: «Ўтир!»— деб буюрди. Қиз ўтиргач, «Қани, бир ашула айт»,— деган эди, у шу байтларни куйлаб кетди:

Гўзалликларни жамул. жам қилғон,
Ширинликларга қутб ул, нозпарвар!
Араб ҳам туркдадир барча гўзаллик,
Вале сендек топилмас шўх дилбар.
Муҳаббат аҳлига бўлғил карамлик,
Висолинг ваъда қил, эй сочи анбар.
Висолингдин ҳилол расво бўлибдир,
Юзингдан уйқусиз кўзлар мунаввар.
Фақат бир мен эмас ишқингда куйган,

Куяр ишқинг билан олам саросар.
Дами ҳамроҳим ўлсанг неткай эрди,
Кечардим хонимонимдин баробар.

Валид ашулани эшитиб, беҳад қувониб кетди, қизга яхши таълим берганим ва унга одоб ўргатганим учун мендан миннатдор бўлди Кейин бир хизматқорига:

— Эй, сен, бир отни эгару жабдуғини шайлаб олиб кел, яна битта хачир ҳам келтир, унга юкини ортиб кетади,— деди, кейин у менга қараб: «Э Юнус, давлат қўлимга ўтганини билганингдан сўнг, келгин, худо ҳақи, пийру бадавлат бўлиб кетасан, мартабанг улуғ бўлади, бир умр дунё қайғусини чекмайсан»,— деди.

Шу билан мен пулларни олганимча юртимга қайтдим. Халифалик Валид қўлига ўтгач, унинг олдига бордим. Худо ҳақи, у ваъдасининг устидан чиқиб, ҳамма ёғимни мол-дунёга тўлдириб юборди. Мени жуда иззат-икром қилиб, кўнглимни чоғ қилди. Мен у билан бирга бўлиб, обрўйим ошиб, мол-дунё шунча кўпайдики, асти сўраманг, то ўлгунимча етадиган, қўйингки, ундан кейин ҳам неча-неча авлодимга кифоя қиладиган миқдорда эди. Шу билан мен Валид ибн Абдумалик даргоҳида то уни ўлдиришгунча яшаб қолдим. Худо уни раҳмат қилсин!

ҲОРУН-АР РАШИД БИЛАН АРАБ ҚИЗИ ҲИКОЯСИ



ана бу ҳикояни ҳам эшитганман: кунлардан бир кун амирал-мўминин Ҳорун-ар Рашид кўчада Жаъфар Бармакий билан ўтиб кетаётиб, қўққисдан сув олаётган бир тўп қизларга рўпара келиб қолибди. Халифа сув ичмоқчи бўлиб, улар ёнига келган экан, шу чоғ қизларнинг бири унга ўгирилиб, шу байтларни ўқибди:

Дегил, шарпанг тўшагимдин йўқолсун,
 Ушал он барча кетган чоғда хобга.
 Танамни ёққан ул ўт хомуш ўлсун,
 Бўлур ором бу бағри каобга.
 Муҳаббат дардининг топмай иложин,
 Етар бемор, тушиб кўп изтиробга.
 Мени ҳолимга қўйки, қўшмас эрса —
 Агар тақдир, сенингдек офтобга.

Амир ал-мўминин қизнинг байтларини эшитиб,
 унинг малоҳат ва фасоҳатига қойил қолибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя
 айтишни тўхтатди.



*Олти юз саксон
 олтинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб да-
 вом этди Шаҳризод.—
 Амир ал-мўминин қиз-
 дан бу байтларни эшит-
 гач, унинг малоҳат ва фасоҳатига
 қойил қолибди. Шунда Ҳорун:
 «Отанга минг раҳмат, бу байтлар-
 ни ўзинг тўқиганмисан ё бирор шо-
 ирдан ёдлаганмисан?»— деб сўраб-
 ди. Қиз унга: «Ўзим тўқиганман»,—
 деб жавоб берибди. «Агар сўзинг
 рост бўлса, маъносини қолдириб,
 қофиясини ўзгартириб кўр-чи»,—

дебди халифа. Шундан сўнг қиз шундай шеър тў-
 қибди:

Дегил, шарпанг тўшагимдин йўқолсун,
 Жаҳонга уйқу ҳоким бўлгани он.
 Танимни ёққан ул ўт хомуш ўлсун,
 Бир оз дам олгай ушбу бағри сўзон.
 Муҳаббат дардининг топмай иложин,
 Етар бемор азобда, зору нолон.
 Мени ҳолимга қўйки, қўшмас эрса —
 Сенингдек офтобга гарчи даврон.

— Бу шеър ҳам ўғирланган, сен тўқимагаман,— дебди халифа. Қиз унга: «Йўқ, бу менинг шеърим»,— дебди.

— Агар бу шеърни ҳам сен тўқиганинг рост бўлса,— дебди халифа,— маъносини ўзича қолдириб, қофиясини ўзгартиргин-чи!

Қиз шеър қофиясини шундай ўзгартирибди:

Дегил, шарпанг тўшагимдан йўқолсун,
Шул онким уйқудадир барча одам.
Танамни ёққан ул ўт хомуш ўлсун,
Жигар-бағримга ором етса кам-кам.
Муҳаббат дардиниңг топмай иложин,
Етар бемор қўёлмай дардга малҳам.
Мени ҳолимга қўйки, қўшмас эрса —
Сенингдак офтобга чарх бир дам.

— Бу ҳам ўғирланган шеър,— дебди халифа.

— Йўқ, бу ўзимнинг шеърим,— дебди қиз.

— Агар бу шеърни ҳам сен тўқиганинг рост бўлса,— дебди халифа,— маъносини ўзгартирмасдан, қофиясининг ўзини ўзгартириб кўр-чи.

Қиз шеър қофиясини шундай ўзгартириб айтибди:

Дегил, шарпанг тўшагимдан йўқолсун,
Шул онким уйқуга барча гирифтор.
Танамни ёққан ул ўт хомуш олсун,
Қуйик жонимга ором эмди даркор.
Муҳаббат дардиниңг топмай иложин,
Етар бемор кенг олам кўзига тор.
Мени ҳолимга қўйки, қўшмас эрса —
Сенингдак офтобга, менда не бор?!

Амир ал-мўминин қизга тикилиб туриб: «Сен қайси боғнинг гули-ю, қай чаман булбулисан?»— деб сўраган экан, қиз: «Катта боғбон гули-ю, улкан чаман булбулиман»,— деб жавоб берибди.

Халифа қиз гапидан уни шу ер бошлиғининг қизи экан, деб тушунибди. Кейин қиз ундан: «Сен қайси йилқи чўпонисан?»— деб сўраган экан, халифа: «Боғда меваси пишган, давлати ошиб-тошган, боғбонларнинг сараси, барча чаман эгасининг»,— дебди.

Халифанинг гапини эшитган қиз: «Тангрим сени қўллаб-қувватласин, э амир ал-мўминин!»— деб уни дуо қилибди-ю, араб қизлари билан бирга жўнабди.

Шунда халифа Жаъфарга: «Мен, албатта, шу қизга уйланишим керак»,— деб маслаҳат солибди. Хўп дебди-ю Жаъфар, отасининг олдига совчи бўлиб бориб, қизини халифа яхши кўриб қолганини айтибди. Қизнинг отаси: «Жоним билан, бир қизим эмас, ўн қизим унинг садағаси кетсин, қизим мавлоно амир ал-мўминининг чўриси бўлсин»,— дебди.

Шу билан қизни ясатиб, халифага элтишибди. Халифа тўю томоша қилиб, унга уйланибди ва шоира қиз Ҳоруннинг энг севимли хотинларидан бири бўлиб қолибди.

Халифа, қиз отасига кўп мол-дунё инъом қилибди, у араблар орасида муътабар одам бўлиб қолибди. Шундан сўнг қизнинг отаси (уни худо раҳмат қилсин!) дунёдан ўтибди. Унинг вафоти ҳақидаги хабар халифа қулоғига етгач, у хотини олдига ғамгин кирган экан, эрининг қайғули ангорини кўрган хотини ўз ҳужрасига кириб, устидаги барча яхши энгилбошларини ўзгартирибди-да, аза либосини кийиб, йиғлай бошлабди. Шунда ундан: «Нега йиғлаяпсан?»— деб сўрашган экан; у: «Отам ўлди»,— деб жавоб берибди.

Одамлар воқеани халифага етказишган экан, у дарҳол уйига қайтиб, ёмон хабарни унга ким етказганини сўрабди. Хотин унга: «Сенинг юзинг айтди, э

амир ал-мўминин»,— дебди. «Қандай қилиб?»— дебди халифа. Шунда хотин: «Мен сенинг уйингда истиқомат қилаётганимдан буён сени фақат шу галгина шундай ғамгин қиёфада кўрдим,—дебди хотини,—менинг отамдан бошқа ҳеч ғамим йўқ, у қари эди, шундан сездимки у вафот этган, э амир ал-мўминин, бошинг омон бўлсин!»

Хотиннинг бу фаросатини сезган халифанинг кўзлари жиққа ёшга тўлиб, уни юпатишга ўтибди.

Хотин бир қанча вақт отасига аза тутиб, ғам-ҳасрат чекибди. Кейин халифа билан абадий умр кечирбди. Худо уларнинг ҳаммасини раҳмат қилсин!

АСМАЙНИНГ УЧ ҚИЗ ВА УЛАРНИНГ ШЕЪРЛАРИ ҲАҚИДА ҲОРУН-АР РАШИДГА АЙТГАН ҲИКОЯСИ



ана бу ҳикоя ҳам қизиқ: айтишларича, халифа Ҳорун-ар Рашид тунларнинг бирида ҳеч ухлай олмай қийналибди, кейин нима қилишини билмай, ўрнидан турибди-да, хонама-хона у ёқдан-бу ёққа юра бошлабди. Лекин борган сари юраги сиқилиб, баттар диққатишибди. Тонг отгач, одамларига: «Асмайни менинг олдимга бошлаб келинглар!»— дебди. Қасрбон дарҳол дарвозабонларнинг олдига чиқиб: «Амир ал-мўминин Асмайга одам юборинглар, деб айтди»,— дебди.

Асмай келгач, бу ҳақда халифани хабардор қилишибди. Ҳорун ҳузурига киришга рухсат берибди ва ёнига ўтқазиб: «Хуш келибсан, э Асмай, сен менга хотинлар ва уларнинг шеърлари ҳақида ўзинг эшитган ҳикояларнинг энг яхшисини гапириб берсанг»,— дебди.

Асмай халифага қуллуқ қилиб: «Жоним билан, ҳазратим!— дебди,— мен кўп шеър эшитганман, лекин

уч қиздан эшитган уч ажойиб шеърни ҳеч қачон эшитмаган эдим...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Асмай халифага: «Мен кўп шеър эшитганман, лекин уч қиздан эшитганга ўхшаган уч ажойиб шеърни ҳеч қачон эшитмагандим,— дебди. Халифа унга: «Қани, улар воқеасини гапириб бер-чи,— дебди. Шу билан у ҳикоясини бошлаб кетибди:

Олти юз саксон олтинчи кеча — Э амир ал-мўминин, эшитиб қўй, мен бир йили Басрада турган эдим. Кунлардан бир куни ҳаво жуда исиб кетиб, тоқат қилиб туролмадим. Бир оз ороқ олиш ниятида чор-ночор баҳавороқ жойни қидирдим, лекин қанча қидирсам ҳам, ундай жойни тополмадим. Унгу сўлимга олазорак бўлиб, бирдан кўзим берк йўлакка тушди: йўлак чиннидай қилиб супурилган, сувлар сепилиб, жуда ўтиришли қилиб қўйилган эди. Қарасам, ичкарироққа ёғочдан ишланган эшак қўйилган бўлиб, унинг тепаси очиқ экан. Уша жойга бориб, эшакка ўтирдим, ҳориганимдан бир оз ёнбошламоқчи бўлиб тургандим, қулоғимга учта опасингилнинг майин овозлари чалинди. Уларнинг бири: «Ҳай қизлар, бугун биз кўнгил очиш учун йиғилган эдик, келинлар, уч юз динор пул тикамиз; ҳар биримиз яхши шеърлардан ўқийлик, ким энг нафис, энг яхши шеър айтса, мана шу уч юз динор ўшаники бўлсин»,— деди. Қизлар: «Бўпти, шундай қилганимиз бўлсин!»— дебди ва каттаси шу байтни ўқиди.

Тушумга кирди, этди лолу ҳайрон,
Дилим тонг қолгай ўнга кўрганим он.

Сўнг ўртанча қизга навбат тегиб, у мана бу байтни
ўқиди:

Тушумда шарпасин кўрдим ниҳоят,
Дедим, «Лаззатли он сенга иноят!»

Ундан кейин кенжа қиз оғиз жуфтлаб мана бу
байтни ўқиди:

Тўшагимда нафаски мушкинсифат,
Бўлса жон ила қўйғум ишқ-муҳаббат.

Мен ўзимга-ўзим, агар мана шу мисралардаги гап-
лар рост бўлса, ҳарқалай, иш тамом бўлган экан, де-
дим-да, эшакдан тушиб, энди кетмоқчи бўлиб турган
эдим, шу дам эшик очилиб, бир қиз чиқди-да, менга:

— Э шайх, шу ерда ўтира тур!— деди.

Мен яна эшакка келиб ўтирдим. Кейин ҳалиги қиз
бир варақ қоғоз келтириб берди. Унга қарасам, ниҳо-
ятда чиройли бир ҳуснихат билан шеър битилибди.
«Алиф»ни шундай тўғри қилиб туширибдики, зав-
қинг келади, «ҳо»ни қойилмақом қилиб қайирибди,
«вов»га ажойиб гажак тортибди. Хатнинг мазмуни
шундай эди: «Биз шайхга маълум қиламизки,— ило-
йим унинг умри узоқ бўлсин,— биз уч опа-сингил қиз-
лармиз, бугун учовимиз хурсандчилик қилиш учун шу
бир ўйин ўйлаб топгандик. Уч юз динор йиғиб шарт-
лашдик; ким энг нафис, энг чиройли байт айтса, уч
юз динор ўшаники бўлади. Биз бунга сени қози қил-
дик, қани, сен буларни эшитиб, ҳукмингни чиқар, шу
билан вассалом». Мен у қизга:

— Қани, менга сиёҳ билан қоғоз келтир,— дедим.
Қиз бирпасгина ғойиб бўлиб, кейин кумуш сиёҳдон,
олтин қалам олиб чиқди. Мен унга шу байтларни
ёздим:

Ҳаё бирла қуриб суҳбатни қизлар,
 Ғазал айтганларин тингланг-чи сизлар:
 Алар уч эрди тонгдек юзи равшан,
 Муҳаббатдир аларга илм ила фан.
 Ҳама уйқуга кетганда бу уч қиз,
 Кириб хилватга аста-аста ёлғиз —
 Юрак дярдини очди бир-бирига,
 Ғазал берди жило кўнгил сирига.
 Гапирди кўрсатиб оппоқ тишини,
 Баён этди бири мағрур ишини:
 «Мени, кирди тушумга этди ҳайрон,
 Дилим тонг қолғай ўнгда кўрганам он».
 Табассум бирла ўртанчаси дерди,
 Юрак тўлқинларин босолмас эрди:
 Тушумда шарпасин кўрдим ниҳоят,
 Дедим лаззатли он сенга иноят»,
 Кичик қиз сочди лабдан дуру гавҳар,
 Унинг ҳар сўзидан олам мунаввар.
 Тўшагимда нафаски мушкинсифат,
 Бўлса жон ила қўйғум ишқ-муҳаббат.
 Чуқур ўйга солиб бу лафз бози,
 Бу сўзларга мени қилгонда қози,
 Кичик қизга биринчиликни бердим.
 Унинг сўзи ҳақиқат сўзи, дердим.

Асмайи ҳикоясини давом эттирди:

— Кейин мен варақни қизга узатдим. У ўрнидан туриб, қасрга кириб кетди. Ичкарида бирдан ўйин-кулги, ҳаралаю тарала бошланиб, қиёмат қойим бўлди. Шунда ийманиб ўзимга-ўзим: «Энди бу ерда ўтириб нима қиламан», — деб энди эшакдан тушиб, қайтмоқчи бўлган эдим, бир қиз чиқиб: «Ўтира тур, эй Асмайи!» — деб қичқириб қолди. «Менинг Асмайлигимни сенга ким айтди?» — деб сўрадим ундан. Қиз бўлса: «Э шайх, агар исминг номаълум бўлса ҳам, шеъринг маълум-ку», — деди.

Мен ўтирган жойимда қотиб қолдим, бир оздан сўнг эшик очилиб, аввалги кўринган қиз чиқди. Унинг

қўлида бир лаган, унда мева ва ширинликлар бор эди. Мевалардан тановул қилдим, ширинликлардан тотиб, унинг меҳрибонлигига қуллуқ қилдим. Ҳоримдан туриб, энди кетай деб турсам, бошқа бир қиз чиқиб: «Э Асмай, бирпас ўтириб тур!»— деб қолди. Унга бундай қарасам, худди булутлар ичида ой кўрингандай сариқ кўйлагининг енги ичидан момиқдай билаклари кўриниб турибди. Қиз уч юз динор пул солинган халтачани менга отиб: «Бу менинг динорим бўлган эди, яхши ҳукм чиқарганинг учун энди уни сенга ҳадя қилдим»,— деди.

Асмайнинг бу ҳикоясини эшитган Ҳорун-ар Рашид: «Нега сен кенжа қиз фойдасига ҳукм чиқардинг?»— деб сўрабди.

— Э амир ал-мўминин, — деди унга Асмай, — худо умрингни узоқ қилсин, катта қиз: «У мени тўшагимга тушумда кирсаям ажабланардим», — деди. Бу эса анча яширин эди; бунинг бўлиши ҳам мумкин эди, бўлмаслиги ҳам. Аммо ўртанчасига келсак, унинг хаёли тушида зиёфат қилибди, қиз унга салом берибди. Аммо кенжа қиз байтига келсак, ростдан ҳам қиз севган ёри билан ётган ва унинг нафаси мушк-анбар ҳидидан ҳам афзал бўлган экан. Демак, қиз, жонини фидо қилиб бўлса ҳам, ёрига етишиш ниятида. Жонини эса дунёда энг севган, энг ортиқ кўрганигагина фидо қилиши мумкин».

Халифа унинг ҳикоясини эшитиб: «Сен жуда тўғри қилибсан», — дебди ва унинг бу беназир ҳикояси учун у ҳам уч юз динор ҳадя қилибди.



Иброҳим мусулий ва идлис ҳикояси

Мана бу ҳикоя ҳам қизиқ:
Янглишмасам, буни Абу
Исҳоқ Иброҳим Мӯсулий
ҳикоя қилиб берганди.

— Бир гал Ҳорун-ар Рашиддан
илтимос қилиб, менга бирор кунни
тайин қилсанг, ўша кунни оила аъзо-
ларим, оға-иниларим билан бирга
бўлсам, деган эдим, у: «Бор, шанба
кунни ўшандай бўла қолсин»,— деди.
Мен уйга келдим-да, апил-тапил ей-



диган, ичадиганларим ва бошқа керакли нарсаларни тайёрладим. Дарвозабонларимга буюриб, эшикларга қулф солдирдим ва олдимга ҳеч кимни қўйманглар, деб тайинладим.

Шундай қилиб, мен ҳарамдаги хотинларим билан базму айш қилиб ўтирган эдим, бир маҳал олдимга салобатли ва нуронийгина бир қария кириб келди. Чол оппоқ кийинган, кўйлаги майингина, бошига тайласон осиб, қўлида кумуш бандли ҳасса тутган эди. Хонага кириб келиши билан ундан шундай ажиб, оромбахш хушбўй ҳид таралдики, ҳатто бутун уй ва равоқларни тўлдириб юборди...

Чолнинг берухсат киргани ва дарвозабонларнинг индамай қўйиб юборганига ғижиниб, ҳатто қоровулларимни қувиб юбормоқчи ҳам бўлдим. Қария менга етти букилиб салом берди, мен унинг саломига алик олиб, ўтиргани жой кўрсатдим. У ўтира солиб мен билан араблар ва уларнинг шеърлари ҳақида суҳбатлашиб кетди. Унинг бу соҳада билимдонлигидан қувониб, жаҳлимдан бир оз тушдим, хизматкорлар уни индамайгина қўйиб юбориб, мени хурсанд қилишмоқчи бўлишган экан-да, деб ўйладим, чунки у ростдан ҳам ўқинишли ва донишманд киши чиқди.

Ниҳоят ундан: «Таом ейсанми?»— деб сўрадим. Қария: «Ҳожати йўқ»,— деб жавоб берди. Мен унга: «Ичишга қалайсан?»— деган эдим, у: «Ўзинг биласан»,— деди. Мен бир қадаҳ май ичдим-да, унга ҳам қўйиб, тутдим. Шунда у: «Э Абу Исҳоқ, бирорта ашула айтиб берсанг-чи, ахир доврўғинг еру кўкка ёйилиб катта-кичикни санъатинг билан қойил қолдиргандинг-ку!»— деди. Чолнинг гапи менга нашъа қилиб кетди-ю, лекин ўзимни вазмин тутишга тиришиб, уд созини олдим-да, чалиб ашула айтдим. Ашуламни завқ билан эшитган қария: «Барака топ, Абу Исҳоқ»,— деди.

Иброҳим Мўсулий ҳикоясини давом эттириб айтибди:

— Унинг гапи менга баттар нашъа қилиб кетди. Ичимда: «Сийлаганни — сигир билмас, деганларидек, бу мияси айниган тентак чол рухсатсиз олдимга киришига қарамай, яна отимни атаб, буйруқ беришига бало борми, нега бунча беандиша бу, муомала қилиш-ниям билмайди-я, тавба»,— дедим.

Қария мазахўрак бўлиб, яна: «Қани, жуфт бўлсин! Мен ҳам жўр бўламан»,— деди. Бунни эшитиб баттар диққатим ошиб кетди. Майли, деб бунни ҳам орқамга ташлаб, қўлимга удни олдим-да, оҳиста чалиб, ашула айта бошладим. Ахир у: «Мен ҳам жўр бўламан»,— деб қўймаган эди-да...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз саксон
саккизики кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— қария Абу Исҳоққа: «Қани, жуфт бўлсин, мен ҳам жўр бўламан!»— дегач, баттар диққатим ошди-ю, лекин ўзимни вазмин тутиб, андиша қилдим. Удни қўлимга олиб, оҳиста ашула айтишга тушдим. Негаки у: «Мен ҳам жўр бўламан»,— деган эди-да. Қизишиб ашулани роса олдим; ҳатто қария ўзида йўқ хурсанд бўлиб: «Офарин, афандим, барака топ!»— деди. Кейин у: «Ижозат этсанг, мен ҳам биронта ашула айтиб берсам»,— деди. «Майли, айтсанг айта қол»,— дедим. Бу сўзни эшитгач, орқада қолса қулоғини кесадигандай, удни олиб, созлай бошлади. Шунда денг, худо ҳақи, уднинг овози шундай майин, ёқимли чиқдики, у

худди соф, фасиҳ араб тилида гапираётгандай, ором-бахш, нафис ва жарангдор сас чиқарарди. У куйлаб, шу байтларни ўқий бошлади:

Ҳажр тиги бирла бағримдир тилим,
Борми олгувчи сотардим шул замон.
Ҳеч ким олмас бу жигарни, найлайин,
Соғни носоққа қилмас армуғон.
Кўксим ичра бу аламдин доғман,
Май ила беҳол у ғамдин нотаваон.

Абу Исҳоқ ҳикоясини давом эттирибди:

— Худо ҳақи, у ашула айтганида эшигу деворлар, уйда нимаики бор бўлса, ҳамма-ҳаммаси унга жўр бўлаётгандай бўларди. Унинг овози шундай бир ширали эдики, ҳатто барча кийим-кечагу, аъзойи баданим ҳам жўр бўлиб куйлаётгандай туюларди. Мен ҳайратдан ўтирган жойимда қотиб қолибман. Гапиршига тилим, қимирлашга мажолим қолмади, юрагим ўйнаб кетди. Қария мана шу байтларни айтиб ҳамон куйларди:

Ал-Лива қумрилари қайтинг бир он,
Сайрашингизни соғиндим, жон фидо.
Қайтдилар, шохларга қўндилар, менинг —
Сирларим фош ўлди ё раббано.
Чорлашар кетганни шовқинлар солиб
Май ичиб ҳушни йўқотмишларми ё,
Кўрмаган эрдим бу янглиғ қумрини,
Кўзда нам йўқ, йиғлашур эрди расо.

Уни куйлаб бўлгач, мана бу байтларни айта бошлади:

Наж шамоли Наждин эсган маҳалда
Кўнглим ичра қайғу пайдо айлади.
Эрта тонгда қумри ҳув-ҳув сайрабон,
Тол шохида сирим ифшо айлади.
Еш гўдакдек йиғлаганда орзиқиб,

Қайғу-ғамга кўнглим ошно айлади.
Васли одам эҳтиросин сўндирур,
Ҳажри тезлар, дилни бежо айлади.
Давоси йўқ экан асло ҳижроннинг,
Айрилма деб сўзни бажо айлади.
Уйинг яқин бўлган билан бефойда.
Севгилинг гар ўзга ошно айлади.

Шундан сўнг қария:

— Э Иброҳим, қани, бу эшитган ашулангни айтиб бер-чи, айтганда ҳам менинг мақомимни тут, ундан кейин, буни чўриларингга ўргат,— деди. Шунда мен:

— Қани, яна бир марта қайтар-чи,— дедим.

— Қайтариб ўтиришимга ҳожат қолгани йўқ, сен уни илиб, кўнглингга жойлаб олдинг,— деди чол менга.

Шундай деб турган чол бир дамда ғойиб бўлди-қўйди. Мен ҳангу манг бўлиб қолдим, дик этиб ўрнимдан туриб, қиличга югурдим, олиб, дарҳол қинидан суғурганча ҳарам эшигига жадаллаган эдим, қарасам, эшик берк. Улардан: «Ҳозир нима эшитдинглар?» деб сўраган эдим, улар: «Биз энг яхши ва энг ёқимли ашула эшитдик»,— дейишди. Ҳайрон бўлганимча, уй эшиги томон чиқдим, эшикнинг қулфлигини кўриб, дарвозабонлардан чолнинг қаёққа чиқиб кетганини сўрадим. Улар:

— Қанақа чолни айтяпсан, худо ҳақи, бугун сенинг олдингга бирорта ҳам одам зоти киргани йўқ,— дейишди.

Нима бўлганининг тагига етолмай, бошим қотиб, ўйлаб келаётган эдим, бирдан уйнинг бурчагидан ўша ғойиб чолнинг овози эшитилиб қолди. Ғойиб шундай деди: «Э Абу Исҳоқ, мени қидириб овора бўлма, мен Абу Мурраман, бугун сенинг улфатинг бўлдим, хаво-

тир олма». Кейин мен отланиб Ҳорун-ар Рашид ол-
дига келиб, бўлган воқеани унга айтдим.

— Қани, ундан эшитган куйинг савтини қайтар-
чи,— деди у. Мен удни олиб, ўша куйга чалдим. Қа-
расам, куй эсимда жуда яхши сақланиб қолибди.
Рашид ҳам буни эшитиб кайфи чоғ бўлди; илгарилари
шароб билан иши бўлмаса ҳам, куйни эшитиб, ро-
са ичди, сўнг: «Эҳ, кошкийди, сен билан улфат бўл-
гандек, ўша чол мен билан ҳам бир кун улфат бўл-
са!»— деди ва менга мукофот тайин қилди. Мен уни
олдим, жўнаб қолдим.

ЖАМИЛ ИБН МУАММАРНИНГ АМИР АЛ-МУМИНИН ҲОРУН-АР РАШИДГА ҚИЛГАН ҲИКОЯСИ



йтишларича, масрур — хизматкор шуни ҳи-
коя қилиб берибди:

— Бир гал халифа Ҳорун-ар Рашид
туни билан ухлай олмай, жуда қийналиб
чиқибди, кейин менинг ёнимга келиб: «Э масрур, қа-
раб боққин, эшикда битта-яримта шоир бормикан»,—
деди. Мен ташқарига чиқсам, Жамил ибн Муаммар
Узро турган экан, унга: «Амир ал-мўминин чорла-
япти сени»,— дедим. Жамил: «Жоним билан!»— деди.
Мен уни халифа олдига бошлаб кирдим. Жамил Хо-
рун-ар Рашид олдига бориб, қуллуқ қилди ва хали-
фаларга мансуб саломлашди. Ҳорун-ар Рашид унинг
саломига алик олиб, ўтиришга буюрди-да, кейин унга:
«Э Жамил, бирорта қизикроқ воқе-ҳодисалардан ай-
тиб берсанг-чи!»— дебди. Шоир: «Жоним билан амир
ал-мўминин, қанақасини айтиб берай. Ўзим кўриб-
билганимними ёки қизикиб эшитиб юрганимними?»—
деди. Халифа: «Майли, кўриб, билганингни айта
қол»,— деди. Жамил унга: «Бўпти бўлмаса, э амир-ал-

мўминин, фикрингни жамлаб, жон қулоғинг билан эшит!»— деди.

Ҳорун-ар Рашид туяқуш пати солиниб, чеккаларига зар чекилган парқу ёстуғини олиб суянгач: «Қани, Жамил, ҳикоянгни бошлайвер!»— деди.

— Э амир ал-мўминин, мен сенга айтсам, бир қизни қаттиқ севиб, унга мафтун бўлиб қолган эдим. Баъзи-баъзида унинг олдига бориб-келиб ҳам турардим...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз саксон
тўққизинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— халифа Ҳорун-ар Рашид зарли пар ёстуққа суянганича: «Қани, Жамил, ҳикоянгни бошлайвер!»— дебди. Жамил гапга тушиб, шуларни айтиб берибди:

— Э амир ал-мўминин, мен сенга айтсам, бир маҳаллар бир қизни севиб, унга мафтун бўлиб қолган эдим. Баъзи-баъзида унинг олдига бориб-келиб турардим. Чунки уни кўрсам, дил ором олар, фикри ёдим шу қизда эди. Яйловнинг танқислигидан бир кун унинг ота-онаси қўрасидаги молларини ҳайдаб қаёққадир жўнаб кетди. Оқибат бир қанча вақт уни кўриш имкониятидан маҳрум бўлиб қолдим. Лекин ҳижрон азоби борган сари дардимни зўрайтирар, ишқ ўти вужудимни ўртаб, қиз томон тортар эди. Ниҳоят уни қидириб бориш кўйига тушдим.

Кунлардан бир кун кечаси вужудим дағ-дағ титраб, қиз фироқида ҳеч чидаб туролмадим. Сапчиб

турдим-да, туямни эгарлаб, салламни ўрадим, эски-туски кийимларимни кийиб, қиличимни белимга, ёйимни елкамга осиб олдим. Шундай қилиб, туямга миндиму, оҳ, маъшуқам, қаердасан, деб жадал йўлга тушдим. Шу кўйи бир неча кеча-кундуз йўл юрдим. Бир куни йўлим водий ва тоғлик устига тушиб қолди. 'Аксига ой йўқ, тим қоронғи кеча эди. Шунда ўру қирлардан, қоя ва унгирлардан авайлаб ўтаётиб, тева-рак-атрофда шерларнинг наъра тортиши, бўриларнинг увиллаши ва бошқа ваҳшийларнинг ваҳимали овозларини эшитдим. Шундай даҳшатга тушдимки, асти қўяверинг; дилим ўйнаб, юрагим қинидан чиқиб кетди, тилим бўлса: «ё оллоҳ, ё оллоҳ!» дан бошқага айланмай қолди.

Шу алфозда йўл юрар эканман, тинка-мадорим қуриб, кўзларимни уйқу босибди. Шунда остимдаги туям тўғри йўл қолиб, бошқа ёққа йўртиб кетибди. Уйқу билан, у ёғи нима бўлганини билмайман. Бир маҳал бошим алланарсага тақ этиб тегиб, даҳшатдан чўчиб уйғонсам, ҳамма ёғи дарахтзор бир жойга бориб қолибман. Бундай қарасам, серсув ва жуда баҳаво жой экан. Шохларда қушлар чуғурлашиб хилма-хил оҳангда сайрашарди. Дарахтлар эса тарвақайлаб, бир-бири билан чирмашиб, чангал бўлиб кетган эди.

Туядан тушиб, уни етаклаб олдим-да, юра-юра ахири, бир амаллаб очиқ ерга чиқиб олдим. Кейин туяни қўмлаб, унга минишга миндиму, лекин қаёққа боришимни билмай қолдим. Ахири тизгинини бўшатиб, туя қаёққа юрса, шу ёққа кетавердим. Юравериб-юравериб, чўлнинг жуда ичкарисига кириб кетибман. Бир вақт қарасам, узоқдан кўзимга қандайдир бир шуъла кўринди. Оёғим билан туяни ниқтаб, ўша ёққа ҳайдадим-да, ниҳоят етиб бордим. Тузукроқ қа-

расам, ёйлар осилган, найзалар санчилган бир чай-
ла турибди. Чайла атрофида эса туялар, бўталоқлар,
от-уловлар санқиб, ўтлаб юрибди.

Буларни кўриб ўзимга-ўзим: «Бу чайланинг бир
ҳикмати бор, бўлмасам, шундай ҳеч зог йўқ жойда
чайла нима қилади, бу атрофда мана шу чайладан
бўлак нарса йўқ-ку»,— дедим.

Чайла ёнига бориб, «Ассалому алайкум, ким бор,
эй, худо ҳайрингни бергурлар!»— дедим. Овозимни
эшитиб, чайладан ўн тўққиз ёшлар чамаси бир йи-
гит чиқди. Қадди-қомати келишган, барваста бу йигит
тўлин ойдек чиройли эди. У менга пешвоз чиқиб; «Ва-
алайкум ассалом, э ога, қадамингга ҳасанот!— де-
ди.— Йўлдан адашиб қолдинг шекилли». Мен унга:
«Кўнглимдагини топдинг, ука, худо ҳайрингни бер-
син, менга тўғри йўлни кўрсатиб юбор!»— дедим.
«Э ога,— деди йигит,— бу жойларда арслон дейсиз-
ми, йўлбарс дейсизми, ишқилиб, ваҳшийлар кўп, ҳо-
зир тун, ҳамма ёқ қоронғи, бунинг устига, ҳаво изғи-
рин бўлса, йиртқишларга дуч келиб, тағин бир балога
гирифтор бўлмагин. Бугунча марҳамат қилиб, чай-
ламда тунаб қол, эртага йўлга солиб юбораман».

Мен туядан тушиб, оёғига чилвир солдим-да,
кейин ечиниб, бир оз ором олдим.

Бу орада йигит қўй сўйди, олов ёқиб, гўшт пишир-
ди. Сўнг чайладан ноз-неъматлар, яхши туз олиб чи-
қиб, қўй этидан пиширилган кабоб билан меҳмон
қилди. Аммо, ўзи оғир бир хўрсинди-да, негадир
йиғлаб юборди. У, дам кўз ёши тўкар, дам уҳ тортар-
ди. Ниҳоят оҳу зор аралаш йиғлаб, мана шу байтлар-
ни ўқиди:

Дилда афғони букун бермас садо,
Кўзлари нурсиз, юзидир қаҳрабо.
Сўнгагида йўқ бирор соғлам бўғин,

Ҳар бири бир хил касалга мубтало.
Еш оқар кўздан, ичи лов-лов ёнар,
Финг демай, жим тортадир тунлар жафо.
Ҳолига душманлари ҳам йиғлашур,
Душман куйгач, нечоғлиқдир бало?

Жамил ўз ҳикоясини давом эттириб, халифага шундай деди:

— Йигитнинг важоҳатидан унинг ошиқу беқарорлигини ва шу дард аламида фироқ чекаётганини пайқадим. Муҳаббат лаззатини тотган кишигина ишқ дардининг фарқига бора олади-да, ахир. Шунда ўзимча: «Йигитнинг аҳволини сўрасаммикин?»— деган ўйга бордим, лекин фикримдан қайтдим: «Унинг уйида ўтириб, уни нега бундай алам чекапсан, деб сўроқ қилишим яхши бўлмас»,— деган хаёлга бордим ва қорним тўйгунча кабоб едим. Дастурхон йиғиштирилгач, йигит ўрнидан туриб, ичкари кирди-да, чиннидак дастшў, чиройли офтоба ва четларига зар тикилган шойи сочиқ, бир шиша мушк ҳидли гулоб олиб чиқди. Мен унинг шу қадар меҳмондўстлигига таажжуб қолдим. У шундай ҳалим, шундай меҳрибон, майин эдики, асти сўраманг. Ўзимча: «Чўлда шунча юриб, бунчалик меҳмондўст кишини кўрган эмасман»,— дедим.

Икковимиз қўл ювиб, у ёқ-бу ёқдан алламаҳалга-ча гаплашиб ўтирдик. Бир маҳал йигит ўрнидан туриб, чайласига кирди ва ётоғини қизил парда билан тўсиб, менга жой ажратиб берди. У: «Қани, афандим, ўринга кириб ёт, кечаси билан йўл юриб, роса толиққандирсан, ўзингниям тинканг қуриб, қимирлашга мажолнинг қолмабди-ку»,— деди.

Мен кўрсатилган жойга кирдим, қарасам, кўк атлас тўшаклар солиниб қўйилибди. Эгнимдаги жул-дур кийимларимни ечиб, кириб ётдим. Ўша кечаси

шундай маза қилиб ухлабманки, умримда бунчалик роҳат қилиб қумтошдай ухлаган эмасдим..

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз
тўқсонинчига
ўтар кечаси*



Й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— Жамил ҳикоясини давом эттириб, Ҳорун-ар Рашидга шундай деди:

— Ўша кечаси мен шундай маза қилиб ухлабманки, умримда бунчалик роҳат қилиб ухлаган эмасдим. Уйқудан олдин фикри ёдим шу йигит билан банд эди; қоронғилик ер юзини қоплаб, барча кўзлар уйқуга юмилгач, бирдан қулоғимга нозиккина овоз чалиниб қолди, ростдан ҳам бундай латиф, бундай майин овозни ҳали дунёга келиб эшитмаган эдим. Секингина пардани кўтарсам, бир қиз турибди. У шу қадар зебо, шунчалик малоҳатли эдики, умрим бино бўлиб бунақангисини ҳеч кўрган эмасдим. Қиз виқор билан йигитнинг ёнида ўтирар, иккови ҳам ишқ дарди фироқида ҳасрат чекиб, висол иштиёқида шиквали эди. Шунда: «Е тавба, бу ким бўлди экан? Чайлага кирганимда бу йигитдан бўлак ҳеч кимни кўрмаган эдим-ку»,— дедим ичимда.

Кейин ўзимча: «Бу, албатта, бирорта жин қизи бўлса керак; қиз бу йигитни севса керак, иккови ушбу хилватда бир-бирининг висолига етишиб, дийдор кўришиб туришса керак»,— деган хаёлга бордим. Қизга диққат қилиб қарасам, у ҳеч қанақа жин-пин эмас, туппа-тузук араб қизи эди. У юзидан пардасини кўтарса, офтобни хижолатга қўйгудек жамол эгаси эди. Қиз чайлани ўз чиройи билан ёритиб юборди. Шунда: «Йи-

гит оҳ-воҳининг асл сабабчиси шу қиз бўлса керак»,— деган ўйга бордим. Кейин бошқа бир севишганларни эслаб, пардани тушириб, юзимни бекитдим-да, уйқуга кетдим.

Тонг отгач, кийиниб, таҳорат олдим-да, эрталабки фарз намозини ўқидим. Кейин йигитга: «Э биродар, менга катта меҳрибонлик қилдинг, энди, барака топгур, йўл кўрсатиб юбор»,— дедим. Йигит менга назар солиб қаради-да: «Шошилма, афандим! Зиёрат уч кун бўлади, уч кун меҳмон қилмасдан жўнатадиган анойинг йўқ»,— деди.

— Шу билан,— деди ҳикоясини давом эттириб Жамил,— уникида уч кун қолиб кетдим. Тўртинчи кун икковимиз гаплашиб ўтириб, суҳбат орасида мен ундан отини, насл-насабини сўрадим.

— Насабимни сўрасанг,— деди йигит,— Бани Узро оиласиданман, отим фалон, пистончининг ўғлиман, писмадончи менинг амаким бўлади.

— Э амир ал-мўминин, бундай қарасам, йигит амакимнинг ўғли чиқиб қолса бўладими, зоти келиб-келиб шарофатли Бани Узро хонадонидан бўлиб чиқди.

Ё тавба! Шунда мен ундан:

— Хўш, жиян, нима сабабдан бундай чўл-биёбонларда якка ўзинг узлатга чекиниб юрибсан?— дедим,— ўз давлатинг ва отангнинг мол-дунёсини, қул ва чўрилар, дангиллама жойларни тарк қилиб, нега битта ўзинг шундай жойларда юрибсан, хўш, нима гап ўзи, айт?

Йигит сўзларимни эшитгач, э амир ал-мўминин, хўрлиги келиб, кўзларига жиққа ёш олди.

— Э амаки,— деди у ўқиб,— мен тоғамнинг қизини яхши кўрардим. Унга шундай мафтун бўлган эдимки, ишқида чиндан бир мажнун эдим. Ундан ҳеч

ажралгим келмасди. Қизга бўлган ишқим борган сари орта борди. Ниҳоят тоғамга совчи юбориб, қизини сўратган эдим, у менга бермай. Бани Узрат уруғидан бошқа бир кишига узатди; у севгилимга уйланиб узоқ бир жойга олиб кетди. Бултурдан бери у ўша ерда. У кетгач, мен тоқат қилиб туролмадим, муҳаббат шавқининг зўрлиги, унинг фироқи мени бир дам ҳам тинч қўймади, ноилож, ота-онам, ёр-биродарларим, барча мол-дунё, ноз-неъматларни тарк қилишга мажбур бўлдим. Уни излаб юра-юра мана шу чўл-биебонларга келдим ва кўриб турганинг чайлани кулбайи эҳзон айлаб, ўзим билан ўзим улфатчилик қилиб юрибман.

— Уларнинг чодир қаерда?— деб сўрадим йигитдан.

— Яқин, анови тоғ чўққисида,— деди йигит,— ҳар куни ярим кечаси, одамлар ётиб маст уйқуга кетгач, севгилим чодирдан чиқиб яширинча келади. У билан гаплашиб ҳордиғим чиқади, мен билан улфат бўлиб қиз ҳам кайф қилади.

Ҳар куни мана шу аҳвол, севгилим билан бир неча дақиқа айш қилиб, тасалли топаман. Майли, нима бўлса пешонамдан кўрдим. Ё ҳасадчиларнинг қасдига ишим ўнгидан келади, ё худонинг ўзи мени бир нарсага маҳкум қилади; у ёғини эгамнинг ўзи билади!

Жамил ўз ҳикоясини давом эттириб, шундай деди:

— Э амир ал-мўминин, йигит ўз саргузаштини айтиб бергач, бечоранинг аҳволига жуда ачиниб кетдим, бошига тушган мусибатларни ўйлаб, севгилисини олиб кетгани учун ғайирлигим тутди. Нима қилишимни билмай, бошим қотди. Кейин унга:

— Э жиян,— дедим,— агар хўп десанг, мен сенга бирор ҳийла ўргатай, зора худо хоҳлаб, ишинг ўнгидан келса-ю, севгилингга етишсанг, бу ғам-андуҳдан халос бўлардинг.

— Кошкийди, шундай бўлса, қани, айт, зора омадим келса,— деди йигит.

Мен унга шундай дедим:

— Кечаси қиз келганда, уни менинг туямга миндир, у жуда чопқир, ўзинг отингга миниб ол, мен бошқа бир туяга минаман ва учовимиз бир кечанинг ўзидаёқ чўлу биёбонларни босиб ўтиб, манзилимизга етиб оламиз, шу билан сен севгилингга эришиб, мурад-мақсадингга етасан-қўясан. Худонинг ери кенг, мен бўлсам, худо хоҳласа, мол биланми, қилич биланми, майли-да, ўла-ўлгунимча, қўлимдан келган ёрдамимни аямайман...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз тўқсон
биринчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Жамил ўз жиянига қизни кечаси икки кишилашиб олиб қочиб кетишни ва ўла-ўлгунча қўлидан келган ёрдамиңи аямаслигини айтибди. Бу гапни эшитган йигит: «Э амакижон, мен олдин севгилим билан бир маслаҳатлашиб кўрай: у жуда оқила қиз, ҳар ишга фаросати етади, закий»,— дебди.

— Қош қорайиб, кеч кирди,— деб гапини давом эттирди Жамил,— қизнинг келиш вақти ҳам етди. Йигит унинг келишига мунтазир, лекин ҳар куни ўз вақтида келадиган қиздан ҳамон дарак йўқ эди.

Бир маҳал қарасам, тоқати-тоқ бўлган йигит, чайладан чиқди-да, қиз томондан майингина эсаётган шамолни дамига тортиб, хўрсиниб қўйгач, шу байтларни ўқиди:

Оҳиста эсасен шарқнинг шамоли,
Севгилим юртидан бир қуш мисоли.
Дилдор шарпасини олиб келасан,
Айт, қачон насибдир ёрим висоли?

Кейин чайлага кириб, бир қанча вақтгача пиқ-пиқ йиғлаб ўтирди. Сўнг:

— Э амаки,— деди менга,— маҳбубамга бугун кечаси бир нарса бўлди, агар монелик қиладиган ҳодиса юз бермаганда эди, бунчалик ҳаяллаб қолмас эди. Сен шу ерда тура тур, нима гаплигини ҳозир билиб келаман,— деди ва қилич, қалқонини олганича, кеча қоронғисида ғойиб бўлди. У бир қанча вақт бедарак кетгач, қўлида алланарсани кўтариб қайтди. У бақириб мени чақирган эди, мен зинғиллаганча олдига чопиб бордим. Шунда у: «Э амаки, нима бўлганини билдингми?— деди. Мен: «Худо ҳақи, йўқ»,— дедим.

— Бугун кечаси маъшуқам балога гирифтор бўлибди,— деди у,— бу ёққа келаётганида бир шерга йўлиқибди-ю; у қизни бурда-бурда қилиб ташлабди. Севгилимдан нима шу, кўриб турганинг нарсаларгина қолибди, холос.

Йигит қўлидагиларни ерга қўйди. Бундай қарасам, ерда қизнинг тоғай ва бир қанча суяклари ётибди. Йигит ўкириб-ўкириб йиғлади, кейин қўлидаги ёйини отиб юборди-да, бир қопни олиб, менга:

— Сен шу ердан жилмай тур, худо хоҳласа, мен қайтиб келаман,— деди.

У шундай деди-ю, қаёққадир жўнаб кетди ва алламаҳалда шер калласини кўтарганча қайтиб келди. У каллани ерга улоқтириб ташлади-да, сув сўради. Мен сув келтирдим. У, шер оғзини ювиб, йиғлаб-сиқтаб уни ўпа бошлади. Фироқ алангасида тобора ўрта-наётган йигит севгилисини эслаб шу байтларни ўқиди:

Шер, ўзинг бошинга солдинг ушбу кун минг можаро,
Сен ҳалок бўлдинг, вале ёрим гами кўнглимга жо.
Севгилимни тилка-пора айладинг, қон йиғладим,
Дилбаримни ерга жойлаб, бошима солдинг минг бало.
Ҳажр тигин санчган ул тақдирга энди айтаман:
«Ёрни олдинг, лек ишқин сақла, менда эй худо!»

Кейин у: «Э амаки, худо ҳақи, орамиздаги қариндош-уруғлик ҳақи, менинг битта васиятим бор,— деди у,— сендан ёлвориб сўрайман, шуни бажо келтир! Ҳозир мен сенинг олдингда ўламан. Шунда сен мени кувиб-тараб, жасадимни мана уш сеvgилим суяклари билан кафанга ўра-да, икковимизни бир гўрга кўм. Қабримиз тепасига эса мана шу байтни битиб кўй:

Ёрим билан яшар эдик шоду хуррам,
Уйимиз ҳам яқин эди, ўзимиз ҳам.
Золим фалак орамизга солди фироқ,
Энди гўру кафан қилур бизни ҳамдам.

У шундай деди-ю, ўкириб-ўкириб йиғлай бошлади. Кейин чайла ичига кириб анча вақтгача жим қолди. Бир маҳал ташқарига чиқиб, ўксиб-ўксиб, чинқира бошлади. Ниҳоят, қаттиқ наъра тортиб, оғир нафас олди-ю, дунёдан ўтди.

Бу фожиадан менинг эхонам чиқиб кетди. Нима қилишимни билмай, дағ-дағ титрайман. Бу даҳшатли манзара шундай тез юз бердики, ҳатто нима бўлганини билмай ҳам қолдим. Йигит ёнига бориб, менга қилган васиятларини бажо келтирдим: икковини кафанлаб, бир қабрга дафн қилдим. Уч кун уларнинг қабри ёнида туриб, кейин йўлга чиқдим. Икки йилгача бориб ошиқ-маъшуқлар қабрини зиёрат қилиб турдим. Чин севишганлар қиссаси мана шундай, э амир ал-мўминин!

Халифа Ҳорун-ар Рашид Жамил ҳикоясини эшитиб, унга таҳсинлар ўқибди, қизиқ қисса эвазига мукофот ва ҳадялар инъом қилибди.

МИРВОН ИБН ҲАКАМ ВА АМИР АЛ-МУМИНИН МУОВИЯНИНГ БИР БАДАВИЙ БИЛАН БУЛГАН ҲИКОЯСИ



икоя қилишларича, э саодатли шоҳ, амир ал-мўминин Муовия саратоннинг сариқ бир кунда мажлисхонасининг очиқ деразаларидан қараб, кўчаларни томоша қилиб ўтирган экан. Аксига шу куни шамол юрмай, ҳаво дим бўлибди. Кун қиёмдан оққач, баттар исиб кетибди. Шунда у оёқ яланг бир кишини, ернинг қизиғига чидолмай, оёғи куйган товўқдай диканглаб диканглаб сакраб кетаётганини кўриб қолибди. Бу бечора одамни кўриб халифанинг раҳми келибди ва суҳбатдошларига қараб:

— Ҳақ таоло мана шу кишидан ҳам бахтсизроқ кимсани яратганмикан? Қаранглар, шундай жазирам саратонда, қуёш қоқ миянгдан уриб билқ-билқ қайнатиб турган бир вақтда юришини кўринглар бечорани,— дебди.

— Балки бу амир ал-мўминин ҳузурларига шошилаётгандир,— дебди шунда биров.


— Худо ҳақи,— дебди халифа,— агар шу одам менинг олдимга арз билан шошилинч келаётган бўлса, додига етаман. Э йигит, дарвоза олдига бориб тур, агар шу бадавий менинг ҳузуримга кирмоқчи бўлса, индама, майли, кираверсин.

Йигит дарвозани очиб, ўша ерда турган экан, ҳалиги бадавий чопиб келибди. Шунда у: «Хўш, хизмат?»— деган экан у: «Мен амир ал-мўминин олдига

кирмоқчиман»,— дебди. Ходим: «Майли, кир!»— деб, уни ўтказиб юборибди.

Бадавий халифа ҳузурига кириб, унга қуллуқ қилибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз тўқсон
иккинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— ходим, бадавийга ичкари киришга рухсат бергач, у халифа ҳузурига кириб, таъзиму тақаллуф билан қуллуқ қилибди. Шунда халифа Муовия: «Қайси табақадансан?»— деб сўраган экан, у: «Бани Таммим қабиласиданман»,— деб жавоб берибди.

— Бундай жазирамада нега оёғи куйган товўқдай кўчада питилаб юрибсан?— дея сўрабди халифа.

— Сенга арз-дод қилгани келдим, додимга ўзингдан бошқа ҳеч ким етмайди,— дебди бадавий.

— Кимдан шикоятинг бор?— деб сўрабди Муовия.

— Сенинг амиринг Мирвон ибн Ҳакамдан,— дебди бадавий ва мана шу байтни ўқибди.

Муовия! Қўли очиқ, доно, одил раҳнамо,
Улуғ зотли, олиҳиммат, ҳар бир ишинг адолат.
Чорасизлик, гумроҳликдан келдим сенинг ёнингга,
Кўмак бергил, орзу-умидларим этма ҳақорат.
Сен адолат ўрнатилганда барчага бўл баробар,
Золимларнинг бер жазосин, солмай элга фалокат.
Рақиб мени ранжитмишдир, бу ўлимдан оғирроқ,
Қачонгача нокаслардан кўражакман залолат...
Суадимни олиб қочди, менга кундош бўлди ул,

Золим олиб қочди, ёрим қилди уйни ҳам горат.
Улдирмоқчи бўлди мени, аммо тақдир қўймади,
Куним ҳали битмаганми, ё келмаганму соат...

Муовия унинг фиғони кўкка чиқиб ёниб айтган бу шеърини эшитгач:

— Қани, марҳамат қил, биродар, ўтириб воқеани бошдан-оёқ гапириб бер-чи, биз ҳам огоҳ бўлайлик?— дебди.

— Э амир ал-мўминин,— дебди бадавий Муовияга қараб,— менинг бир хотиним бор эди. Уни жондан севардим, шу билан овуниб, кунларим шод ўтарди. Ўзим хотиржам, беқайғу беғам эдим, тинч-осуда ризқи рўзимни териб еб юардим. Бир неча туям ҳам бор эди. Туякашлик қилиб, рўзгоримни тебратардим. Нима бўлди-ю, ишим юришмади. Туя ва байталлар болаламай қолди. Борган сари туёқ камайиб, ниҳоят, даромадга ҳам путур кетди ва бечораҳол бўлиб қолдик. Қўлимдаги бор будим кетгач, одамлар мени назар-писанд қилмайдиган, ёр-биродар, ошна-оғайни, улфатларим ҳам мендан ҳол сўрамайдиган бўлиб, ҳаммаси қўлини ювиб, қўлтиққа уришди.

Уйимда сичқонлар ҳасса таяниб қолди, оби ёвғонга зўрға қурбим етаётганини кўрган қайнатам қизини мендан ажратиб олиб, мени ҳақорат қилганига кўнгли тўлмай, ўлганнинг устига кўмган деб, уйдан қувиб юборди. Шундан кейин мен зора додимга етса, деган умидда арз қилиб, амиринг Мирвон ибн Ҳакам олдига бордим. У қайин отамни чақиртириб, суриштирган эди, у падар лаънат, кўзини лўқ қилиб: «Мен буни сираям танайман»,— деб туриб олса бўлади-ми. Ё тавба-ей. Шунда мен худо амирга инсоф берсин; агар у хотинни чақириб сўраса, у отасининг гапини албатта рад қилади, ҳақ қарор топади-қўяди,— деган хаёлга бордим. Мирвон хотинимга одам юбориб

чақиртирди. Амир хотинимни кўрди-ю, юраги жиз этиб кетди шекилли, кўзлари ўйнаб, тили гапга келмай қолди. Шу билан у менга хусумат қилиб, гапларимга ишониш тугул, қулоқ солгиси ҳам келмади. Ғазабланиб мени зиндонга буюрди. Қарабсизки, бирпаснинг ўзида осмондан тушгандай, ғазаб изғирини мени қамоққа тиқиб қўйди. Шундан сўнг амир Мирвон қайнатамга: «Қизингни менга хотинликка бер, сенга минг динар ва ўн минг дирҳам пул бериб, бадавийдан ажратиб ҳам оламан»,— дебди. Динорларни эшитиб, кўзи ўйнаб кетган қайнатам қизини амирга беришга рози бўлибди. Кейин Мирвон мени ҳузурига олдиртириб, мисоли қутурган шердай: «Ҳей бадавий, жонингдан умидинг бўлса, яхшиликча Суодни талоқ қил!»— дея ўшқирди. «Йўқ, мен уни талоқ қилмайман!»— дедим. Гапимни эшитди-ю, амир ходимларига: «Қани, бунинг бир адабини беринглар»,— деб имо қилди. Улар мени роса калтаклашди, уриб-уриб, аъзойи баданимни моматалоқ қилиб юборишди. Нима қилишимни билмай, но-чор хотинимни талоқ қилиб, азобдан қутулиб қолдим. Шундай бўлса ҳам амир мени зиндонга ташлатди. Мен қамоқ муддати тугагунча у ерда ётдим, кейин амир, хотиним Суодга уйланиб, мени озод қилиб юборди. Шу билан сендан паноҳ истаб ҳузурингга кириб келдим,— бадавий шундай деди-ю қўйидаги байтларни ўқиди:

Кўнглим ичра лахчалар ёнмоқдадир,
 Ё аланга барқ уриб сўзон этар.
 Қалбу тан беморликдан чорасиз
 Ҳам ҳақимларни ажиб ҳайрон этар.
 Қалбим ичра чўғ ёнар яллуғланиб,
 Ҳам у чўғнинг учқуни жавлон этар.
 Қўз ёшим дарё эди сабр айладим:
 Кўзларим энди ёшин тўфон этар.

Энди бил қодир эгамнинг бир ўзи
Дардима берган шифо, дармон этар!

У шу байтларни ўқибди-ю, изтиробга тушиб, дағ-дағ титрабди. Ниҳоят, ҳушидан кетиб, калласи янчилган илондай питиллаб айлана бошлабди.

Муовия унинг сўзи ва шеърларини эшитиб, фиғони фалак бўлибди ва: «Ибн Ҳакам дин йўлидан чиқиб, ҳаддидан ошибди, фуқарога зулм қилиб, хотинини тортиб оладиган бўлибди-да!»— дея хитоб қилибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз тўқсон
учинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— амир ал-мўминин Муовия, бадавийнинг гапини эшитиб, фиғони фалак бўлибди ва хитоб қилиб: «Ибн Ҳакам дин йўлидан чиқиб, ҳаддидан ошибди, фуқарога зулм қилиб, хотинини тортиб оладиган бўлибди-да!»— дебди.

— Э бадавий, сен ҳали ҳеч қулоғим эшитмаган гапни айтиб бердинг,— дебди Муовия.

Халифа дарҳол қоғоз ва сиёҳ келтиришни сўрабди, кейин Мирвон ибн Ҳакамга хат ёзиб: «Эшитишимга қараганда,— дебди халифа хатида,— сен дин йўлидан чиқиб, раъиятнингга зулм қилибсан. Амир бўлган киши шаҳватдан юз ўгириб, ишратдан ўзини тийиши кераклигини билиб қўйиши керак».

Хатга анча-мунча гаплар ёзгандан кейин, ушбу байтни ҳам тиркабди:

Қўлингдан келмаган ишга бўлиб бош,
Худодин афв сўрагга уриб бош,
Ушал бахтсиз йигит арз ила келди,

Адолат истади кўздин тўкиб ёш;
Худога онт ичиб, сўз бердим унга,
Сўзимдин қайтмағайман, дил эмас, тош!
Бажармас эрсанг ушбу сўзларимни,
Ем ўлсин қарғаларга ул кўзу қош!
Суодни сен талоқ қил, бизга йўлла,
Кумайт ҳамда Насрни айла йўлдош.

Кейин у мактубни буклаб, ўз муҳрини босибди ва Кумайт деган киши билан Наср ибн Зибённи чақиртирибди. Бу одамлар халифанинг жуда ишончли фармонбардорлари экан. Улар мактубни олиб, тўғри Мадина шаҳрига кириб боришибди.

Улар Мирвон ибн Ҳакам ҳузурига кириб, таъзим билан салом беришибди-да, нима мақсадда келганликларини айтиб, хатни узатишибди. Мирвон хатни ўқиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлабди ва Суоднинг олдига кириб, воқеани баён қилибди. Мирвон халифанинг гапига қаршилиқ қилолмас экан. У Кумайт билан Наср ибн Зибён олдида хотинни чор-ночор талоқ қилибди. Кейин элчиларга йўл озиғи тайёрлаб, безанган хотинини уларга қўшиб юборибди. Шу билан бирга Муовияга хат ёзиб, чунончи, шу байтларни ҳам киритибди:

Муслимлар амири, шошмагил унча,
Амрингни ҳеч сўзсиз бажарар қулинг.
Ҳаром иш қилмадим, аммо на учун
«Расво» деб аташга боради тилинг.
Офтоб юзли етар ҳузурингга тез,
Парилар париси сочи сумбулинг.

У хатни буклаб муҳрлабди-да, элчилар билан бериб юборибди. Йўлга тушган элчилар юриб-юриб, ниҳоят, Муовиянинг ҳузурига етиб келишибди. Улар хатни халифага беришган экан, у ўқиб, шундай деб-

ди: «Мирвон лом-мим демай, буйруққа итоат қилибди-ю, лекин хотинни анча-мунча мақтабди».

Халифа Суодни ўз ҳузурига келтиришга амр қилган экан, уни олиб келишибди. Хотинни кўрибди-ю, унинг оғзи очилиб қолибди. Чунки халифа унинг ҳусни жамолидай чиройни, унинг қадди-қоматидай ва жоҳатни ҳали умри бино бўлиб кўрмаган экан. У билан гаплашиб, хотиннинг фасоҳату балоғат бобида ҳам якка-ягоналигига қойил қолибди.

— Қани, ҳузуримга бадавийни келтиринглар-чи,— дебди халифа.

Хизматкорлар дарҳол уни бошлаб келишибди. Муовия қараса, унинг афт-ангори ўзгариб, жуда ҳам абгор ҳолга тушиб қолибди.

— Э бадавий,— дебди халифа,— борди-ю, шу хотиннинг ўрнига кўкраги серкиллаган, юзлари ойдек канизларимдан учтасини берсам, кўнглинг тўладими? Агар шунга кўнсанг, ҳар бир канизак билан бирга яна минг динор пул ҳам бераман, бунинг устига-устак, ҳар йили хазинадан сенга қанчадан-қанча мол-дунё бердираман, давлатинг етмоқ тугул, ошибтошиб кетади, шу билан пиру бадавлат бўлиб кетасан.

Бадавий Муовиянинг гапини эшитгач, оғир бир оҳ тортиб хўрсинибди-ю, йиқилибди. Халифа уни ўлди деб ўйлабди. У кўзини очгач, Муовия: «Хўш, ҳолинг қалай?»— дея сўрабди. Бадавий: «Мен хор-зор бўлиб, таҳқирлар остида қолиб кетдим. Мен Ибн Ҳаккам жабридан шикоят қилиб, сенинг адолатинг соясига паноҳ истаб келган эдим. Лекин энди сенинг жабрингдан кимга шикоят қилиб, кимдан паноҳ иштайман,— дея ушбу байтларни ўқибди:

Отма мени, эй шоҳим, ёнар ўтнинг қаърига,
Паноҳингга ол мени, худо сенга меҳрибон.
Суодни тез қайтиб бер, алам чеккан ошиққа,

Кеча-кундуз баробар чекаётир ул фиғон.
Кишанларим ечиб ол, кўрсат менга марҳамат,
Тилагимга етказсанг, унутмасман ҳеч қачон.

У халифага қараб: «Худо ҳақи, э амир ал-мўминин, сен халифалик салтанати-ю, турган-битган давлатингни берганинга ҳам, уни мен Суоднинг бир ҳаром мўйига арзитмайман»,— дея ушбу байтни ўқибди:

Кўнгил ҳеч ўзгани севмас, фақат Суодни дер,
Суоднинг ишқи менга ҳам суву, ҳаво-ю таом.

— Сен уни талоқ қилганинга иқрорсан, Мирвон ҳам талоқ қилганига иқрор,— дебди Муовия.— Энди хотиннинг ихтиёрини ўзига берамиз, кимни танласа, уни ўшанга узатамиз; борди-ю, у сени хоҳлаб қолса, уни сенга берамиз.

— Майли, эй амири Муовия, шундай қила қол,— дебди бадавий. Шунда Муовия хотиндан:

— Хўш, Суод, сен кимни севасан, шон-шавкат, иззат-икромли, қаср ва салтанатли, кўзингга кўринган барча мол-дунёлар эгаси амир ал-мўмининими, ё жабру ситамкор Мирвон ибн Ҳакамними ва ёки очу яланғоч мана шу бадавийними, қани, кимни аъло кўрасан?— деб сўрабди.

Суод шу байт билан жавоб берибди:

Тождорлар ҳам улар Мирвонидан,
Дўсту ҳешлардан яқинроқ мутлақо,
Дирҳаму динор йиғарлардан яқин
Ушбу бахтсиз оч, яланғоч ҳам гадо:

У яна: «Худо ҳақи, э амир ал-мўминин,— дебди,— мен вафодорини замон ҳодисалари, кунлар алдовларига берилиб, тарк қиладиганлардан эмасман. Мен унга содиқ ёстиқдошман, уни асло-асло унутмайман, унга бўлган муҳаббатимнинг сўниши қи-

йин; мен у билан қанчалик бахт ҳаловатини тотган бўлсам, шунчалик балоларга гирифтор бўлишга тайёрман».

Муовия хотиннинг ақли, меҳр-муҳаббат ҳамда вафодорлигига қойил қолиб, Суодга минг дирҳам бериб, уни бадавийнинг ўзига қайтариб беришга амр қилибди. Бадавий хотинини олиб, шод-хуррам бўлганича, жўнаб қолибди.

ХУСАЙН ИБН ХАЛИЪНИНГ ҲОРУН-АР РАШИДГА АЙТИБ БЕРГАН ЗАМРА ИБН МУҒИРА ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯСИ



ана бу ҳикояни ҳам эшитганман:

— Эй, саодатли шоҳ,— бир гал Ҳорун-ар Рашид уйқусизлик балосига гирифтор бўлиб, Асмай билан Ҳусайн Халиъни чақиртирибди. Улар халифа ҳузурига келгач: «Менга бир қисса айтиб беринглар-чи!»— дебди. Шунда: «Қани, олдин сен бошла, Ҳусайн»,— деган экан, у: «Жоним билан, амир ал-мўминин»,— дебди-да ҳикоясини бошлабди:

— Аллақайси йили Муҳаммад ибн Сулаймон Робийни мадҳ қилиб қасида ёзиш ниятида Басрага борган эдим. Робий эса битган қасидамни қабул қилиб, мени Басрада олиб қолди.

Кунлардан бир куни Мирбаддан чиқиб, Маҳолибга маҳалласига йўл олдим. Куннинг иссиқлиги асар қилиб, тилим томоғимга тиқилаёзганди. Ташналикдан томоғим қақраб, ҳеч чидаб туролмадим, чор-ночор бир дарвоза ёнига келиб, сув сўрамоқчи бўлиб турганимда, бирдан рўпарамдан шамшод қомат, шахло кўз, суқсур юз бир гўзал чиқиб қолса бўладими!? Қизнинг эғнида анор ранг кўйлак, санъоний мурсаги бор

эди; кўйлак енгидан чиқиб турган момикдай оппоқ билаклари, пишиб турган икки дона анор янглиғ диркиллама кўкраги, ичига мушк солиб, бўртайтирган ялтироқ қоғозга ўхшаган қат-қат қутбиясимон мубо-рак қорни одамни ўзига шундай жалб қилар эдики, асти сўраманг. Э амир ал-мўминин, қиз бўйнидаги қизил олтин мунчоқ шодаси икки анор кўкси ўртасида осилиб турар, пешонасида эса мисоли қора садаф янглиғ қайрилма зулфи бор эди. Узун қошлари, катта-катта қуралай кўзлари, суқсур ёноқлари, нозикки-на келишган бурни, унинг остидаги лаъли лаби, инжувдай тизилган тишлари ўзига шундай ажиб ҳусн бағишлаб турардики, асти сўраманг. Худди қуйиб қўйган дейсиз. Қиз мени кўрди-ю, саросимага тушиб, ўзини йўқотиб қўйди. У муқом билан у ёқдан-бу ёққа юрар ва киши қалбига ўт ёқарди. Оёғига тақиб олган қўнғироқларнинг овози ўзига ярашиб, унинг бир ҳуснига минг ҳусн қўшарди. У худди бир шоир мана шу шеърида айтгандай эди:

Унинг кўҳлик ҳар бир нозик аъзоси —
Гўзалликнинг намунаси — аълоси.

Э амир ал-мўминин, қизнинг латофат жозибаси мени мафтун қилди. Салом бериш умидида унга яқинлашган эдим, уй даҳлизи ва йўлагидан мушк ҳиди анқиб кетди. Саломимга у астагина алик олди; унинг кўнгли муҳаббат алангасида ёнар экан.

— Э бекам,— дедим унга,— мен ғариб бир чолман, томоғим қақраб кетди, худо хайрингни берсин, бир қултум сув бер, томоғимни ҳўллаб олай. Қиз бўлса:— «Э чол, бошимни қотирмасанг-чи, сув-пув келтиришга менинг вақтим йўқ»,— деди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз тўқсон
тўртинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— шунда қиз: «Э чол, бошимни қотирма, сув-пув келтиришга вақтим йўқ»,— деди. «Не сабабдан бунчалик бандсан?»— дебди Ҳусайн. Қиз: «Чунки мен бир бағри тошга ошиқу беқарорман. Мени суймагани суйиб, ҳаммага отнинг қашқасидек бўлиб қолганман»,— деди. Мен ҳайрон қолиб: «Э бекам, ер юзида сен суйгану, сени суймаган ҳам бирорта

зот бор эканми?»— дедим. «Ҳа, бор экан,— деди қиз,— ҳусн-жамолда, фазли-камолда етук ёрга мен интизорман». «Хўш, ундай бўлса, йўлакда нима қилиб юрибсан?»— деб сўрадим ундан. «Бу ер унинг йўли, ҳозир у шу ердан ўтиши керак»,— деди. Мен қизга: «Э бекам, шунчалик қўмсашингга ярашур бирор марта учрашиб, икковингиз улфати ду бўлганмисизлар?»— дедим.

Қиз гапимни эшитди-ю, бир хўрсиниб оҳ чекди. Унинг кўзларидан гулга тўкилган шабнамдек маржон-маржон ёш шодалари оқиб, ёноқлари узра томди. Кейин у шу байтларни ўқиди:

Навдаси эрдик-ку боғда битта толнинг иккимиз,
Бахтли эрдик ҳам ҳаёт ширин эди қувноқ замон.
Навдани кесди пичоқ ҳам ўртага солди фироқ,
Энди ёлғиз, ёлғизини ахтарур қон йиғлабон:

— Э қиз,— дедим мен,— бу йигитга бўлган ишқи муҳаббатинг қай даража?

— Севганим деворида офтоб кўрсам, ўша йигит деб ўйлайман,— деди қиз менга қараб,— баъзида

кўча-кўйда кўриб қолсам, телбалардек бошимдан ақл-ҳушим учиб кетади, рангимда қон, танамда жон қолмайди, бир-икки ҳафта гангиб юраман.

— Мени кечиргин, мен ҳам сенга ўхшаб муҳаббат шаробидан ичиб, дарёсидан кечганман, ҳолим ёмон, рангим сомон бўлган. Ажабо, сен бечора ҳам ишқ дардида ёниб, рангингда ранг қолмабди, афт-ангорингни кўриб, кўнглим бузилиб кетди. Ахир, Басрадай шаҳарда бўлсангу, муҳаббат тийри боронидан қанақасига қутулиб қоласан?

— Худо ҳақи,— деди қиз,— мен бу йигитга ишқим тушмасдан олдин шундай тўкис, шундай гўзал эдимки, ҳусни жамолимга Басранинг ҳамма амалдорлари асир эди, маъна энди, ўзим бу йигитга асир бўлиб ўтирибман.

— Ҳай, қиз,— дедим мен, — не сабабдин икковингиз фироқда, дийдор кўришмайсизлар?

— Пешонам шўр экан, сен сўрама-ю, мен айтмай, қиссам узун, айтган билан тамом бўлмайди,— деди қиз. Мен илтимос қилдим, у бошлади:

— Бир гал навруз куни басралик канизлар билан зиёфатда эдик. Қанизлар ичида Сайрон деган гўзал қиз бор эди, Уммонда бу канизнинг нархи саксон минг дирҳам эди. Икковимиз бир-биримизни жуда яхши кўрар эдик. Ўша куни Сайрон уйга келди-ю, мени қучоқлаб, бағрига босиб ўпа бошлади, ҳатто тишлаб, ҳамма ёғимни кўкартириб юборди. Ҳамма кетиб, бир вақт икковимиз қолдик; таом тайёр бўлгунча бир оз кайфчоғлик қилайлик деб май ичкандик. Бир-биримиз билан ўйнашиб ўтирдик, гоҳ у менинг устимга чиқарди, гоҳ мен унинг устига чиқардим. Шу тариқа Сайрон мастлик биланми, билмадим, ишқилиб, қўлини иштонбоғимга юбориб, ечиб юборса бўладими! Шунда денг, лозимим пастга тушиб кетди.

Шу чоқ осмондан тушдими, билмайман, ердан чиқдими, ғафлатда қолиб, устимизга ўша севгилим — йигит кириб келса бўладими. У мени бу аҳволда кўрди-ю, жаҳли чиқиб, орқасига қайрилганича, худди сувлигининг шиқирлашидан қўрққан арабларнинг отига ўхшаб, қочиб кетди. Шу-шу дом-дараксиз...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз тўқсон
бешинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— қиз Ҳусайн Халиъга шундай дебди:

— Севикли ёрим, сенга айтганимдек, Сайрон билан ўйнашаётганимизни кўрди-ю, ғазабланиб, орқасига қайрилганича, қочиб чиқиб кетди. Шу-шу мана уч йилдан бери, отажон, ёлвориб ундан узр сўрайман, лекин у лутф этиш у ёқда турсин, қайрилиб ҳам боқмайди, бир энлик хат ҳам ёзмайди, дом-дараксиз кетди, қалайсан, ҳолинг не кечди дейдиган киши йўқ.

— Қизим,— дедим унга тикилиб,— севгилинг арабми ё ажамликми?

— Э воҳ,— деди қиз,— ошиғим Басра амалдорларидан.

— У ёшми ё қарироқми?— деб сўрадим.

— Сен ажаб одам экансан-ку,— деди у менга ўқрайиб,— ёрим қоронғи кечадаги тўлин ой, хушбичим, соқол-мўйлови ҳали сабза урмаган йигит, мени сўқтирмасликдан бўлак унинг айби йўқ. «Оти нима?»— дедим. «Сўраб нетасан?»— деди Шунда мен:

— Севганинг билан учрашиб, бир-бирингга дийдор кўрсатишга ҳаракат қилардим,— дедим.

— Кошкийди,— деди қиз,— лекин бир илтимос, унга нома элтиб берасан.

— Бўпти, шунинг ўзими?— дедим қизга.

— Ҳа,— деди у,— билиб ол, унинг оти Замра ибн Муғира, куняси Абу Саҳо, қасри Мирбад майдо-нида.

Қиз уйидагиларга: «Ҳай, сиёҳ-қоғоз келтиринглар!»— деб хитоб қилган эди, хизматкорлари дарҳол келтирди.

Қиз енгини шимариб, кумуш ҳалқага ўхшатиб қўйди-да, тангри номини зикр қилгандан сўнг, шундай деб ёзди:

«Э афандим, хатим муқаддимасида дуоларни тарк қилишим менинг камчилигимдан далолат беради. Шунини билиб қўйки, агар менинг дуоим мустажоб бўлганда эди, сен мендан ажралмас эдинг, чунки доимо сенинг мендан ажралмаслигингни сўраб, дуо қилардим, ҳолбуки сен мени тарк этдинг. Бу фақири жавоб бермаслигингни билиб, сендан умидини узган. Агар қийинчилик мени нуқсон чегарасига ўтказиб юбормаганда эди, шу номани ёзишга уринишим айб саналар эди. Лекин бу чўрингнинг энг сўнгги умид-орзуси шуки, афандим, уйингга ўтиб кетаётганигда йўлда сенга бир боқишдир, холос. Ана шу боқиш билан ўлган жон яна қайта тиралади. Борди-ю, агар муборак қўлинг билан бир энлик хат битиб юборсанг, бу мактуб ўша иккимиз хилватда ўтказган узун кечалар ўрнига ўтган бўларди. Ёдингдами, ўша оқшомлар... Э меҳрибоним, ўйлаб кўр, мен сени севмасмидим, кўйингда куймасмидим? Агар мана шунга жавоб ёзсанг, мен сендан ўла-ўлгунча миннатдор бўлардим, оллоҳу акбар, вассалом, шу билан хат тамом».

—

Мен қиздан номани олдим. йўлга равона бўлдим. Эрталаб Муҳаммад ибн Сулаймон дарвозасига бордим, билсам, у амалдорлар мажлисхонасида ўтирган экан. Бундай қарасам, мажлисдагилар орасида ҳусну жамолда тенги йўқ, қизларни асир қиладиган бир йигит ўтирибди ва у амир мажлисига ажиб ҳусн бағишлаб турибди. Амир ҳам уни йиғилганларга мақтаб гапиряпти. Мен ён-веридаги одамлардан уни суриштираман, у ўша, мен ахтарган Замра ибн Муғира экан. Шунда ўзимча: «Ё қудратингдан, бечора қизнинг юрагидан урганча бэр экан-а!»— деб қўйдим.

Мен у ердан чиқдим-да, Мирбодга бориб, Замра эшиги олдида унинг қайтишини пойлаб турдим. Кўп ўтмай, йигит ўз аъёнлари билан уйига келди, мен сапчиб ўрнимдан турдим, мартабанг улуғ бўлсин, деб уни дуо қилдим ва шу орада қўлига хатни тутқаздим. У хатни ўқиб, мазмунини тушунгач, менга ўгирилиб: «Э ота, биз унинг ўрнига бошқасини олганмиз, уни кўришни хоҳлайсанми?»— деди. «Майли»,— дедим мен. Шунда Замра чақирган эди, югуриб бир қиз келди. У, шундай бир латофатли, шундай бир ҳусндор эдики, унинг жамоли олдида ою қуёш хижолатда эди. Кўкраклари тўла, ажиб бир келишган бу қиз, кўзларни ўйнатиб, ақлларни шоширар ва кўнгилларни пора-пора қилиб юборарди. Замра ана шу беқиёс гўзалга хатни узатиб: «Бунга жавоб қил!»— деди.

Қиз номани ўқиб, асл мазмунига тушунгач, ранглари ўчиб, бирпасда сариқ тус олди. Кейин у хитоб қилиб: «Э ота, бу ерга не сабабдан келганинг учун тангрига ёлвориб, истиъфор эт!»— деди.

Уйдан чиқдим, э амир ал-мўминин, нима қилишимни билмай, бошим қотиб, гангиб, ўша хат берган

қиз олдига қайтиб келдим ва ичкари киришга изн сўраган эдим, рухсат этишди. Киришим билан қиз: «Орқангда нима бор?»— деб савол қилди. «Қайғу ва ноумидлик!»— дедим мен.

— Илойим ғам-андуҳ кўрма!— деди қиз,— менга мадад берувчи оллоҳ ва унинг қудрати қани?

Кейин у хизматкорига айтиб, менга беш юз динор келтириб берди. Тарвузим қўлтиғимдан тушган ҳолда мен чиқиб кетдим. Бир неча кундан кейин йўлим тушиб, мен ўша ердан ўтган эдим, қарасам, эшиги олдида анча-мунча хизматкор ва отличлар турибди. Нима гап экан деб ичкари кириб қарасам, Замранинг одамлари экан. Улар ярашишини илтимос қилиб, совчиликка келишибди. Қиз бўлса: «Йўқ, худо ҳақи, афтига ҳам қарамайман!»— деб турганмиш. Э амир ал-мўминин, шунда Замранинг бу ишидан жуда қувониб кетдим. Сўнгра қизга яқин келган эдим, у менга бир хат узатди; унда тангри исми ва сифатидан кейин, шундай дейилган эди: «Бекам, худо умрингни узоқ қилсин, агар мен ҳолингга ачинмаганимда сен туфайли не кунларни кўрганларимнинг ва нима қилиб энсамни қотирганингни битган бўлардим. Чунки ўз қилигинг сенинг ҳам бошингга, менинг ҳам бошимга бало бўлди. Бу билан сен ёмон аҳду, омона вафога йўл очиб, бошқа иш тутишга мажбур қилдинг. Сен менинг севгимга хилоф иш қилдинг. Хайр, бўлган ишга салавот, ўз ихтиёринг билан бўлган ишга оллоҳнинг ўзи куюшайин берсин, вассалом».

Шундан сўнг қиз келтирилган ҳадя ва тухфаларни кўрсатди, чамалаб кўрсам денг, уларнинг қиммати ўттиз минг динорчалик келади. Буларни Замра юборибди. Шундан анча ўтгач, бир кун ўша қизни учратиб қолдим, шунда ҳол-аҳвол сўрасам, кайфи чоғ, Замра унга уйланибди...

Ҳорун-ар Рашид бу қиссани эшитиб ўтириб: «Эҳ, агар Замра илиб кетмаганда унга ўзим уйланиб, кайф-сафо қилардим».— дебди.

АБУ ИСҲОҚ ИБРОҲИМ МЎСУЛИЙ БИЛАН ИБЛИС ҲИКОЯСИ



шоҳ, эшитишимга қараганда, Исҳоқ ибн Иброҳим Мўсулий шунини ҳикоя қилиб берган экан:

— Қиш вақти эди, бир кунини уйимда ўтирган эдим, бир маҳал осмонни булут қоплаб, олдинига битта-яримта ёмғир томчилай бошлади, кейин худди тарновда келаётгандай шаррос сел қуйди. Йўллар лой бўлиб, йўловчилар ҳам жаладан қочиб, ҳар ер-ҳар ерга бекинишиб олишди. Шу кунини ёр-биродарлардан ҳеч кимнинг дарағи бўлмаганиданми, ҳарқалай, юрагим сиқилиб кетди. Кўча-кўйининг лой ва тайғаноқлигидан ўзим ҳам ҳеч ерга жилолмадим. Шунда хизматкоримга: «Қани, эрмак қилиб ўтирадиган бирор нарса олиб кел-чи»,— деган эдим, у менга таом билан шароб келтирди. Лекин ёнимда овингудек бирор ҳамсуҳбатнинг бўлмаганидан на овқат егим ва на шароб ичгим келарди. Зора бирон таниш-билиш кўришиб қолса, деган умидда деразадан кўча томон термулиб, кўзларим тўрт бўлди ва шу алфозда кунни кеч қилдим. Шунда лоп этиб Маҳдий авлодларидан бирининг қизи эсимга тушди. Мен уни бир маҳаллар жуда яхши кўрардим, ўзиям шундай ашула айтардики, эҳ-ҳе, худди булбулигўё эди; қўлига тушган сонини қойилмақом қилиб сайратарди. Шуларни эслаб ўзимга-ўзим: «Агар ўша жонон шу кеча ёнимда бўлсайди, кайфим чоғ бўлиб, тун ўтганини ҳам бил-

масдим. Юрагим бунақа сиқилмасди ҳам»,— дедим.

Шундай деб турганимда бирдан эшик тақиллаб қолди ва ташқаридан: «Эшик олдида турган маҳбуба ичкари кирсинми?»— деган гап эшитилди. Ҳзимга ўзим: «Ё тавба, наҳотки орзу дарахти ўз самарасини кўрсатса»,— деган хаёлга бордим.

Дарҳол эшик томон юрдим, бундай қарасам, ўша маҳбуба турибди-да: у кўк ёпинғичга ўралиб, бошига дурра боғлаб олибди. Бошдан-оёқ ҳамма ёғи жиқ-жиқ шалаббо, кийимлари бўкиб, баданига ёпишган, тиззасигача лойга ботганди.

— Э бекам,— дедим мен,— шундай селда кўчага чиқиб сенга нима азоб. Қиз менга жавоб бериб: «Мени ўйлаб ғамга ботиб ётган экансан, шавқимда ёниб ўртанганингни элчингдан эшитдим, тоқат қилиб туролмай, зинғиллаганимча сен томон жўнаб қолдим»,— деди.

Мен таажжубда қолдим...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— қиз келиб Исҳоқнинг эшигини қоққан экан, у чиқиб ҳайрон бўлганича маҳбубга: «Э бекам, шундай бемаҳалда кўчага чиқиб сенга нима азоб эди»,— дебди. Шунда қиз унга: «Элчингдан эшитсам, сен менинг шавқимда ёниб ўртанган эмишсан, бу хабар қулоғимга етган замони тоқатим тоқ бўлиб, сен томонга зинғиллаб қолдим»,— дебди.



*Олти юз тўқсон
олтинчи кеча*

Исҳоқ ҳикоясини давом эттириб деди:

— Мен жуда таажжубда қолдим. «Сенга ҳеч кимни юбормаган эдим-ку»,— дегим келмади. Дилимдаги ўйларимни ким ҳам биларди. Севгилимнинг дийдорини кўриб: «Худога минг қайта шукур, узоқ вақт сабру тоқатдан сўнг дийдор кўришишни насиб қилибди. Агар сен ҳозир келмаганингда, ўзим олдингга бормоқчи бўлиб турган эдим. Кўпдан сенга муштоқман, ўзим ҳам сени ўлгудай соғинганман»,— дедим.

Кейин хизматкорга: «Қани сув келтир!»— деган эдим, у обдластада иссиқ сув олиб келди. Мен унга: «Сув қуйиб тур!»— дедим, у куйиб турди, ўзим энг шимариб унинг оёқларини ювишга тушдим. Кейин яхши кўйлақлардан келтир, деган эдим, хизматкор қимматбаҳо саруполар келтирди, қиз устидаги лой ва шалаббо кийимларини ечиб, келтирилган янги кийимларни кийиб олди. Шундан сўнг қиз икковимиз ўтирдик, мен таом келтиришни сўраган эдим, қиз рад қилди. Ундан: «Шароб ичишга қалайсан?»— деган эдим, «Майли»,— деди ва бир неча қадаҳ май ичди.

— Қим ашула айтади?— деб сўради қиз.

— Мен, эй жонгинам,— дедим.

— Сен айтишингни истамайман,— деди.

— Бўлмаса чўрилардан бирортаси айта қолсин?— дедим.

— Уларнинг ҳам овозини эшитгим йўқ,— деди қиз.

— Бўлмаса, ўзинг айта қол,— дедим.

— Ўзимнинг ҳам айтгим йўқ,— деди.

— Қим айтсин, хоҳлаганингни айт бўлмаса,— дедим унга.

— Кўчага чиқиб кўр, менга ашула айтиб берадиган битта-яримта одам топилиб қолар,— деди қиз.

Амрига биноан, ташқарига чиқдим. Лекин бундай бемаҳалда бирор ашулачи топишим даргумон эди, кўчада юрсам-да, ҳеч кимсани топишга кўзим етмасди. Юриб-юриб, ниҳоят, гузарга етдим. Шу вақт тўсатдан бир кўр кишига кўзим тушиб қолди. У ҳассасини дўқиллатиб юрар ва ўткинчиларга: «Агар кимда ким мен ашула айтганимда эшитмаган бўлса, жим турганимда мени масхара қилмаган бўлса, худойи таоло унга яхши мукофотини дариф тутади»,— дерди. Шунда менга жон кириб:

— Сен ашулачимисан?— деб сўрадим.

— Ҳа,— деди кўр.

— Кечани биз билан ўтказиб, бизни хурсанд қилмайсанми?— дедим унга. У бўлса:

— Агар хоҳласанг, қўлимдан олиб, етакла,— деди.

Мен уни уйга етаклаб келдим-да, севгилимга кўрсатиб:

— Жоним, бир кўр ашулачини топиб келдим, у машқ қилиб куйлайди, биз кайф-сафо қилаверамиз, у кўрмайди,— дедим.

— Қани, ичкарига олиб кир-чи,— деди қиз.

Мен уни хонимнинг олдига бошлаб кирдим ва унга таом қўйдим. У овқатдан бир оз еди-да, қўлини ювди, кейин шароб қуйиб бердим, у уч қадаҳ май ичди.

— Сен кимсан ўзинг?— деб сўради у мендан.

— Мен Исҳоқ ибн Иброҳим Мўсулийман,— дедим унга. Кўр мени таниб:

— Мен сенинг тўғрингда кўп эшитган эдим, шукур, энди сен билан улфат бўлиб ўтирибман,— деди.

— Э ҳазратим, хурсанд бўлганингга шодман,— дедим.

— Э Исҳоқ, менга бир ашула айтиб бер!— деб қолди кўр.

Мен, олдинга унинг гапига хафа бўлдим, кейин бор-э, дедиму жиним қўзиб, қўлимга удни олдим-да: «Жоним билан, афандим!»— дедим. Мен ашулани айтиб, савти тугагач, кўр киши: «Ҳа Исҳоқ, омон бўл, чинакам яллачи бўлишингга сал қолибди»,— деди. Унинг гапи менга баттар нашъа қилиб кетди, жаҳлим чиқиб, қўлимдаги удни улоқтириб юбордим. Чол: «Дурустроқ ашула айтадиган одамнинг йўқми?»— деб сўради. «Ёнимда ёрим бор»,— дедим. «Айт, бир ашула қилиб берсин!»— деди кўр. «Хонимнинг ашула айтишига имонинг комил бўлгач, ўзинг ҳам куйлаб берасанми?»— деб сўрадим. «Ҳа»,— деди у.

Қиз ашуласини тугатгач, кўр: «Сен ҳеч қандай санъат кўрсатолмадинг»,— деди қизга. Хонимнинг жаҳли чиқиб, қўлидаги удни отиб юборди.

— Биз қўлимиздан келганча айтдик, бирор ҳунаринг балса, марҳамат қилиб энди ўзинг кўрсат!— деди кўрга қиз.

— Бўлмаса, менга ҳали қўл тегмаган уд келтиринглар,— деди, кўр.

Мен хизматкорга буюриб, янги соз келтирттирдим. Чол уни созлади-да, мен эшитмаган бир куй бошлади-да, шу икки байтни айтиб, куйлашга тушди:

Тун қорасин ёриб, учди олмай тин,
Севгилим биларди висол саотин.
«Эшигингда турган ёринг кирсинми?»
Деган сўзи шу пайт, оҳ нечук ширин.

Қиз унинг бу ашуласини эшитди-ю, менга қиё боқиб: «Бир соат ҳам сир сақлай олмабсан-да, келиб-келиб орамиздаги гапни шу сўқирга айтасанми?»— деди.

Мен хонимдан уэр сўраб, бу ҳақда унга оғиз очмаганимни айтиб, қасам ичдим; унинг қўлларини

ўлиб, кўкракларини эзиб, ёноқларини тишлай бошладим. Ниҳоят, севгилимнинг чеҳраси очилиб, кулди. Кейин мен сўқир чолга ўгирилиб: «Эшитайлик энди, қани, ҳазрат!»— дедим. Чол удни қўлига олиб, шу икки байтни куйлаб кетди:

• Кўп кўрдим гўзаллар мушкбў қучоғин,
Упдим хнна қўйган қизил бармоғин.
Қитиқлаб кўкрагин, анорин уздим,
Тишладим оҳиста олма ёноғин.

— Э севгилим,— дедим унга ҳайрон бўлиб,— бизнинг ҳозир қилган ишимизни унга ким айтибдийкин?

Қиз воқеани тушунди шекилли: «Гапинг тўғри»,— деди.

Кейин биз кўрдан ўзимизни четроққа олдик. Шу пайт кўрни заҳартанг қилиб, эшикка чиқмоқчи бўлиб қолди. Хизматкорга: «Шам олиб, унинг олдида йўл бошлаб юр!»— дедим.

Ташқарида кўр анча ҳаяллаб қолди, биз ундан хавотир олиб қидирдик, лекин ҳеч ерда йўқ. Қизиқки, дарвозалар ҳам берк бўлиб, калиди даҳлизда эди. Мен ҳангу манг бўлиб қолдим, қурғур, осмонга чиқдим ё ерга кирдим, билолмадим. Бундоқ ўйлаб қарасам, менга улфат бўлган ўша кўр — иблис экан.

Кейин қиз жўнаб кетди. мен шоир Абу Навоснинг шу шеърини эсладим:

Иблис гуруридан бўламан ҳайрон,
Қабих пастлигидан яна юз чандон.
Гурурдан Одамга қилмади сажда.
Аммо авлодига қўшмачи — мастон.



шоҳ, мана бу ҳикояни ҳам эшитганман. Буни Абу Исҳоқ гапириб берган эди.

— Кунлардан бир куни уйимда ўтирсам, бирдан эшик тақиллаб қолди. Дарҳол хизматкор чиқиб, ундан хабар олди-да олдимга заъфарон юз бир йигитни бошлаб келди. У: «Кўпдан бери сен билан кўришиш ниятида эдим, лекин вақти соати бугун экан, менинг сенда зарур ишим бор»,— деди.

— Қанақа ишинг бор, жиян?— дедим йигитга қараб.

Йигит уч юз динор чиқариб, менинг олдимга қўйди-да, кейин: «Сендан ўтиниб сўрайман, мана шу динорни олиб, мен айтган икки байт шеърга куй боғлаб бер!»— деди. Мен унга: «Қани, байтингни айтиб кўрчи»,— дедим. Йигит шеърни айтди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Абу Исҳоқ ҳузурига ўша йигит кириб, уч юз динорни унинг олдига қўйди ва: «Мана шу динорларни олгин-да, мен айтган икки байтга куй боғлаб бер!»— деган экан у: «Қани, байтингни айтиб кўрчи!»,— дебди. Йигит мана шуларни айтибди:



*Олти юз тўқсон
еттинчи кеча*

Эй қалбим тирнар кўз, гувоҳми худо,
Дил дардига ёшинг айлагил даво!
Тақдир рақибимиз томонда, энди —
Ерим кўролмасман гўрда ҳам ҳатто.

— Мен унинг бу байтларига куй тўқиган эдим,— деб гапани давом эттирибди Абу Исҳоқ,— у худди навҳа тортаётганга ўхшаб кетди. Мен уни ижро этган эдим, йигит эшитиб, ўзидан кетди. Бир оздан сўнг кўзини очиб: «Уни яна бир қайтар!»— деди. Мен унга ёлвориб: «Йўқ, энди айтмайман, айтсам, ўлиб қоласан»,— дедим, йигит бўлса: «Оҳ, қани эди, айтганингдек шу вақтда ўлсам!»— деди ва: «Қайтар!» деб ялиниб-ёлворишга тушди. Унинг ҳолига раҳмим келиб, куйни яна қайтардим. У шундай бир қаттиқ оҳ тортиб юбордики, нақ эсхонам чиқиб, бечора энди ўлган бўлса керак, деб ўйладим. Дарров гулоб сепдим. Бир оздан сўнг ўзига келди ва кўзини очиб, туриб ўтирди. Унинг саломат қолганига шукур қилиб, динорларини олдига қўйдим ва: «Ма, буларингни ол-да, бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол!»— дедим.

— Менга дунё керакмас,— деди йигит,— агар куйни тагин бир бор чалиб берсанг, яна шунча динор оласан.

Пулни эшитиб, кўнглим жавлон уриб кетди. Кейин йигитга: «Майли, мен куйни чалиб бераман, лекин учта шартим бор,— дедим,— биринчиси шуки, меникида қолиб овқатланасан, шунда рангингга ранг кириб, юзингга қон югуради; иккинчиси, дилингга ором берадиган шаробдан бир оз ичасан; учинчиси, ўз саргузаштингни гапириб берасан, шунда мен ҳам сени мафтун этган ўша куйни машқ қилиб бераман».

Йигит айтганимга унаб, шундай деди:

— Мен ўзим аҳли Мадинаданман. Бир куни ошнаогайним билан сайр қилиб кезиб, Ал Ақиқа йўлидан юриб қолибман. Шунда қизлар орасида шамшод қомат бир гўзални кўриб қолдим. Улар то кеч киргунча, соя-салқинда сайр қилиб, кейин қайтиб кетишди. Шунда кўнглим жиз этганини биламан, борган сари

дил жароҳати улғайиб кетаверди. Уйга қайтгач, одамлардан хўп суриштирдим. Лекин танийдиган ҳеч кимни тополмадим. Шундай қилиб, унинг ҳасратида куйиб, хаста бўлиб қолдим. Қариндошлардан бирига дардимни баён қилган эдим, у: «Хафа бўлма! Баҳор ҳали тугагани йўқ, ҳаво ёғиб, майсалар яна барра бўлса, қиз ҳам сайрга чиқади, шунда сен билан бирга мен ҳам бораман, ана ундан кейин билганингни қил!»— деди. Унинг гапидан бир оз тасалли топдим. Кўп ўтмай, ёмғир ёғди. Ал Ақиқа бўйлаб сел сувлари оқа бошлади. Одамлар водий кезгани чиқа бошлашди, биз ошна-оғайни, қавму қариндош ҳам сайрга чиқдик. Биз келиб илгариги жойимизда дам олиб ўтирган эдик, бирдан ўша қизлар ўтиб қолишди. Мен қариндош бир қизга: «Ху анови қизга бориб айт: мана бу байтни айтган ҳу анови киши жуда яхши одам экан, дегин».— дедим.

Юракдан қон оқизди, ўқ отиб мужгонидин,
Кетди, аммо у дилимда қолди из пайконидин.

Қиз унга мен тайинлагаң гапни етказган эди, у: «Бориб айт: Сўзига мана шу байт билан жавоб қайтарган аёл жуда яхши одам экан, дегин».— дебди.

У мени ҳам хаста этмиш худди шундай ўқ келиб,
Сабр қилсак, балки топгаймиз хабар дармонидин.

Мен шарманда бўлишимдан қўрқиб, бошқа гап қотмадим. Ўрнимдан турдим, у ҳам турди, аста-секин унинг изидан борган эдим, қиз мени сездн. Шундай қилиб, мен унинг уйини ҳам билиб олдим: ўзи билан танишиб ҳам олдим, у менинг олдимга келиб турадиган. мен унинг олдига бориб турадиган бўлдим. Ниҳоят, орқаворотдан гап-сўз қилишиб, қизнинг отасининг қулоғига ҳам етказишибди. Шундан сўнг қанча уринсам ҳам, уни ҳеч учратолмадим, ноилож отамга

арз қилдим. Отам қариндошларни йиғиб, унашиш учун қизга совчи юборди. Шунда нон ушатгани борганларга қизнинг отаси: «Агар гап-сўз бўлмасдан олдин унашилганда, жоним билан рози бўлардим, лекин бу шармандаларнинг бунчалик эл оғзига тушганидан кейин одамларнинг гапини ростга чиқараманми? Йўқ, унга қизимни эмас, тирноғини ҳам бермайман»,— дебди.

Мен унинг ҳикоясини эшитиб бўлгач, куйни яна чалиб беридим. Йигит менга ўз уйини кўрсатди ва шу куй муносабати билан орамизда яқинлик пайдо бўлди.

Бир гал Жаъфар ибн Яҳё зиёфат бериб, одатдагидек, мени ҳам таклиф қилди. Шунда мен ўша йигит шеърига тўқилган куйни чалиб, ашула қилдим. Жаъфар уни эшитиб, ғоят ҳаяжонланиб кетганидан бир неча қадаҳ май ичди. Кейин у мендан, «Оббо сен-эй, ҳўп қойил ашула айтдинг-да, бу куй кимники?»— деб сўраб қолди. Мен ўша йигит воқеасини гапириб бердим. У менга: «Ҳозир бориб, уни шу ерга бошлаб келасан»,— дея буюрди. Мен бориб, йигитни зиёфатга бошлаб келдим. Жаъфар ундан саргузаштини сўраган эди, йигит бошдан-оёқ ҳаммасини гапириб берди, Жаъфар йигит гапларини қониб эшитгач: «Мен сенинг ҳимоячингман, ўша қизга сени албатта уйлантираман»,— деди.

Тонг отгач, Жаъфар бориб, халифа Ҳорун-ар Рашидга бу қиссани тўла-тўқис, гапириб берган экан, унга жуда маъқул тушибди. Халифа ҳаммамизни йиғиб, ашулани эшитди ва ҳатто бир оз май ичди. Кейин у, Ҳижоз амирига хат йўллаб, ўша қиз ва унинг отасини ҳамда оилаларини ҳурмат-эҳтиром билан ўз ҳузурига боришни, аямай уларга сарф-харажат қилишни таъинлади.

Кўп ўтмай, улар Ҳорун-ар Рашид ҳузурига етиб келишди. Халифа қизнинг отасини чақириб, унга: «Қизингни ўша йигитга бер!»— деб буюрди ва хазинадан юз минг динар олиб берди. Пулни олган отаси ўз оила аъзолари олдига қайтди. Йигит севганига етишиб, ўша воқеа бўлиб ўтгунча Жаъфар надимларидан бири бўлиб қолди. Кейин йигит ўз хотини билан Мадина шаҳрига қайтиб кетди. Гап мана шу. Уларни худо раҳмат қилсин!..

ВАЗИР АБУ ОМИР ИБН МАРВОН ВА БИР БОЛА ҲАҚИДА ҲИКОЯ



Й, саодатли шоҳ, ҳиқоя қилишларича, вазир Абу Омир ибн Марвонга худди дурустроқ одам қуриб қолгандай насоролардан бир болани ҳадя қилишибди. Малик ал Носир буни пайқаб қолиб, боланинг хожасига: «Буни қаёқдан олдинг?»— деб савол берибди. Абу Омир: «Худо берди»,— дебди. Носир унга: «Бизни юлдузлар билан қўрқитиб, ойлар билан асир қилмоқчимисан?»— дебди.

Вазир дарҳол узр сўрабди. Кейин совға-саломлар йиғиб, ўша бола билан Носирга бериб юборибди. Шунда у болага: «Сен ҳам шу ҳадялар қаторига кирасан, агар зарурият бўлмаганида, сени бериб юбориб, анойи эмасдим»,— дебди. У бола билан шу икки байт-ни ҳам ёзиб юборибди:

Фалак томон ярқираб, чиқиб кетди ойсмон,
Лойиқ эрур бу ойга ердан кўра осмон.
Кўнгил нозик бўлса-да, рози бўлинг кўнгилдан,
Ўз қалбидан келгани кўрмаганман ҳеч қачон.

Вазирнинг бу иши Носирга маъқул тушибди ва сезгирлигига қойил қолиб, жуда кўп мол-дунё ҳадя қи-

либди, бу билан унинг обрў ва мартабаси ошиб кетибди.

Кўп ўтмай, вазирга дунёнинг энг гўзал қизларидан бирини совға қилиб қолишибди. Шунда вазир, одамлар буни ҳам Носирга билдириб қўйишса, яна илгаригидай ачитқи гаплар бўлади, деб хавфсирабди. Кейин у илгаригидан ҳам кўпроқ совға-салом, ҳадялар йиғиб, ҳаммасини қиз билан қўшиб Носирга жўнатибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди. Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й, саодатли шоҳ,—деб давом этди Шаҳризод,—вазир Абу Омирга қизни ҳадя қилишгач, у буни подшо эшитиб қолса, яна ўша ачитқи гаплар бўлиб юрмасин, деган андишага бориб, аввалгидан ҳам кўпроқ совға-саломлар билан қўшиб қизни унга юборибди. Вазир, қиз орқали ушбу байтларни ҳам ёзиб юборибди:

*Олти юз тўқсон
саккизинчи кеча*

Хожам, сенга юбордим қуёшимни ой билан
Қўшилмакка борарди бул офтоб ой билан.
Ҳаётим-ла онт ичай, бахт келтирар бу висол,
Бирга бўлгил беҳиштда, ўйна қоши ёй билан.
Олло ҳақи, сенга тенг йўқлигидек ҳукмрон,
Буларни ҳам ҳуснда тенги йўқ, чирой билан.

Бундан сўнг вазирнинг мартабаси баттар ошиб кетибди. Кунлардан бир куни Абу Омир рақибларидан бири уни ғийбат қилиб: «Вазирнинг фикризкри ҳали ҳам болада, у илгари уни қанчалик яхши кўрган бўлса, ҳозир ҳам ўшанчалик севади-ю, лекин на чора, иложи йўқ-да»,—дебди. Носир ғийбатчига:

«Тилим бор деб ҳар нарсани вайсайверма, йўқса, каллангнинг қопқоғини учириб юбораман»,— дебди-ю, лекин ўзи вазирга ўша бола тилидан ўсмоқчилаб бир хат ёзибди: «Э мавлоно, биласанми, сен менинг якка-ягона улфатим эдинг. Гарчи ҳозир Султон билан улфат бўлсам-да, мен сен билан ўтиришни аъло кўраман. Лекин мен унинг ғазабидан қўрқаман, бир чора топиб, бу ердан мени халос қилиб ол!»

Носир хатни буклаб кичкина бир болага тутқазар экан: «Бу хат фалон одамдан, бунини султон кўргани йўқ, дегин»,— деб тайинлабди.



Бола Носирнинг айтганидек қилиб уни алдагач, Абу Омир хатни ўқиб кўриб, ичидан зил кетибди-да, хат орқасига шу байтларни битиб берибди:

Ҳаёт тажрибасин кўрган кишилар,
Фаланг коминга кирмас луқма излаб:
Менинг ақлимни босмас ишқ ғубори,
Рақиблар феъли маълум менга, ёраб.
Чиқар жон тандину қайтиб киролмас,
Аё жон, энди ишқдин очмагил лаб:

Носир вазирнинг жавобини ўқиб, унинг матонатига қойил қолибди. Шундан сўнг Султон рақибу, ағёрларнинг вазир ҳақидаги бўлмағур гапларига ишонмабди. Орадан бир оз ўтгач, Носир вазирдан: «Рости-ни айт, бу ёмонлик тузоқларидан қандай қилиб халос бўлдинг?»— деб сўраса, у: «Чунки ақлим севги тузоқларига илинмаган»,— деб жавоб берибди.

Ундан у ёғининг нима бўлганини худо билади.





Жодугар Далила билан кизи Зайнаб



й, саодатли шоҳ, эшити-
шимга қараганда, Ҳорун-
ар Рашид халифалиги
замонида Аҳмад Данаф
ва Ҳасан Шовман деган икки ки-
ши бўлган экан. Икковлари
ҳам турли ҳийлаю, найранглар-
ни ўйлаб топишар ва ажойиб-
гаройиб ишлар қилишар экан.
Мана шу сабабдан халифа Аҳ-
мад-Ад Данафга саруполар кий-



газиб, тақдирлаб, уни ўнг қўл ишлар бошлиғи қилиб, Ҳасан Шовманни эса, чап қўл ишлар бошлиғи қилиб тайинлабди. Уларнинг ҳар бирига ойига минг динордан маош белгилабди. Икковининг қўл остида қирқ нафардан саксон нафар одами бор экан. Аҳмад Данаф қуруқликдаги ишларни кузатиб бориши керак экан.

Бир гал Аҳмад Данаф ошнаси Ҳасан Шовман ва қўл остидаги одамлар билан бирга отланишиб, гузарга чиқишибди. Улар орасида амир Холид вали ҳам бор экан. Шунда жарчи: «Ҳазрат халифанинг амри фармонларига кўра Бағдодда Аҳмад Данафдан бошқа ўнг қўл ишлар бошлиғи, Ҳасан Шовмандан бошқа чап қўл ишлар бошлиғи йўқ! Бу икковларини ҳурмат ва эҳтиром қилиб, уларга итоат қилиш, сўзларига қулоқ осиб зарур!»— деб ҳамма ёққа жар солибди.

Шаҳарда бир жодугар кампир бўлиб, уни Далила жодугар деб аташар экан. Шу жодугарни Зайнаб фирибгар деган қизи ҳам бор экан. Жарчининг гапини эшитиб, Зайнаб онаси Далилага: «Анови саёққа қара, она,— дебди,— ўша Аҳмад Данафни Мисрдан қувиб юборишган эди, кейин у Бағдодга келиб, ҳар хил бўлмағур найрангларни ишлатиб юрди, шунда у халифга ўзини яхши кўрсатиб, унинг ўнг қўл ишлар бошлиғи бўлиб олди. Анови мохов Ҳасан Шовман бўлса чап қўл ишлар бошлиғи эмиш. Ҳозир бунинг ҳам ошиғи олчи, егани олдида-ю, емагани ортида. Тагин ҳар ой минг динордан маош олганига бало борми. Мана биз ҳам ўтирибмиз-да, чордеворнинг орасида; қилайлик десак ишимиз йўқ, амалдорлар бўлса бизни назар-писанд қилишмайди, ҳолинг не кечди, деб биров сўрамайди ҳам».

Далиланинг эри бир маҳаллар Бағдоднинг йирик амалдори бўлиб, ўша кезлари уям ойига халифадан

минг динор маош олган экан. Кейин эри ўлиб, ундан икки қиз қолибди. Тўнғичи турмуш қурган, ҳатто унинг Аҳмад Лақит (ташланди) деган ўғли ҳам бор экан. Кенжа қизи Зайнаб фирибгар ҳали эрга чиқмаган экан. Уша Далила шундай устомон хотин эканки, ҳийла-найрангда унинг олдига тушадигани йўқ, илоннинг ёғини ялаган, бориб турган маккор, авраса аждаҳо инидан, мусулмон динидан чиқар, хуллас, макрда шайтонга дарс берар экан. Далиланинг отаси халифанинг қизиқчиси бўлиб, ҳар ой у ҳам минг динордан маош олиб келган экан. У халифанинг мактуб ва рисолаларини ташийдиган хабарчи каптарларни боқар экан. Халифа дастёри беминнат бу қушларни ўз фарзандидан ҳам авло кўрар экан. Ушанда Зайнаб онасига: «Сен ҳам бориб, бирорта ҳийла-пийла ишлатсангчи, зора Бағдодга донгимиз кетиб, отамизнинг маошини бериб туришса».— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Олти юз тўқсон
тўққизинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,—деб давом этди Шаҳризод,—эшитишимга қараганда. Зайнаб фирибгар онасига: «Сен ҳам бориб бирорта ҳийла-найранг ишлатсанг, зора Бағдодга донгимиз кетиб, бизга ҳам отамизнинг маошини бериб туришса».— дебди.

Ана шунда жодугар қизига: «Ўлай агар, Бағдодда мен бир устомонлик ишлатайки. Аҳмад Данаф билан Ҳасан Шовман ип ечолмай қолсин».— дебди.

Далила шундай дебди-ю. ўрнидан туриб, юзини дока рўмол билан бекитиб, фақир сўфиларнинг кийими-

га ўраниб олибди; этаги товонига тегадиган кўйлак ва жун мурсак кийиб, белбоғ боғлабди. Кейин обдас-тани олиб, лиммо-лим сув тўлдирибди-да, жўмрагига уч динор пул тиқиб, устига барг ёпиб қўйибди. Бўй-нига бир газ келадиган тасбеҳ олиб, қўлига қизил ва сариқ латталар ўралган ҳассасини олибди-ю, дўқил-латганича уйдан чиқиб кетибди. У кўча-кўйда: «Ё ол-лоҳ! Ё оллоҳ!» деб кетаверибди; шу зайл жодугар-нинг тили малоҳатда, дили қабоҳатда эмиш.

Жодугар қандай ҳийла ишлатсамикин, деб шаҳар-ни кезиб юраверибди. Жин кўчама-жин кўча санғиб-санғиб, ниҳоят, сув сепилиб, чип-чиннидай қилиб супурилган бир тор кўчага келиб қўлибди. Бундай қараса, ўймакорлик билан ишланган эшик, мрамар деворли бир ҳовли дарвозасида бир мағриблик дар-возабон ўтирган эмиш. Бу ҳовли халифанинг човуш-лари раисиники экан. Бу уй эгасининг жуда кўп боғ-роғлари, дара-қўралари бўлиб, ўзи катта маош олар экан. Унинг оти Амир Ҳасан Шарруттарик экан, Амирнинг бундай аталишига унинг ўйламай-нетмай иш тутиши сабаб бўлган экан.

Бу киши малоҳатли бир гўзалга уйланган экан. Тўй кечаси Ҳасан хотинини кўриб шундай кўнгли тў-либдики, ҳатто у бундан бошқага уйланмасликка, ўла-ўлгунча шу ёри билан бирга бўлишга ва бошқа жой-да тунаб қолмасликка қасам ичибди.

Кунлардан бир кун Амир Ҳасан девонга борса, у ерда фарзанддан гап кетибди: Ҳар бир амирнинг битта-иккитадан ўғли бор экан. Шундан сал ўтмай, у ҳаммомга тушибди, у ерда ойнакка тикилиб қараса, соч-соқоллари оқариб, қорасидан асар ҳам қолмабди. Шунини кўрибди-ю, ўзига ўзи: «Отангни олган худо на-ҳотки сенга фарзанд ато қилмаса?»— дебди.

Шу кун Амир Ҳасан уйга жаҳли чиқиб, тажанг бўлиб

қайтибди. Хотини унга: «Ассолому алайкум!» деган, экан. эри:

— Тур йўқол, афтинг қурсин сени,— дебди жеркиб,— сенга уйланганимдан бери қора чақалик яхшилик кўрмадим,— дебди. «Нима гап ўзи?»— дебди хотини эрига. Ҳасан: «Тўй кечаси олдингга кириб, сендан бошқага уйланмайман, деб қасам ичган эдим. Ҳозир қарасам, амирларнинг ҳар бирида биттадан, баъзиларида иккитадан ўғил бор. Шуларни ўйлаб, ўлим кўзимга кўриниб кетди, мен на ўғил, на қиз кўрдим, фарзанднинг тирноғига зор бўлиб юрибман. Фарзандсиз одам ўлса, ҳеч ким эсламас экан. Мана шу сабабдан ҳафсалам пир бўлди; сен бепушт, ҳомиладор бўлмадинг!

— Бе, худо олсин сени, ахир қилмаган амалим қолмади-ку, дори-дармон янчавериб, ҳовончани ҳам ёриб юбордим, ҳеч наф бўлмади. Энди менда гуноҳ йўқ, айб ўзингда, сен эшаккалла хачирсан, сувинг суюқ, шунинг учун сендан бола бўлмайди,— дебди. Бу гапни эшитган амир: «Сафардан қайтгач, устингга, албатта, хотин оламан»,— дебди. Хотин унга: «Худога солдим, бошга тушганини кўрарман»,— дебди.

Шу билан амир хотини олдидан чиқиб кетибди, бир-бировининг хафа қилганидан иккови ҳам надоматда қолибди. Ҳафсаласи пир бўлган хотин, деразадан кўчага қараб турибди. Зеби-зийнатларини тақиб, безаниб олганидан у мисоли бир хазинадан чиққан келинга ўхшар экан. Бунини кўриб жодугарнинг оғзи очилиб қолибди, кейин ўзини ўнглаб, хотин эгнидаги қимматбаҳо кийим-кечак ва безакларига разм солиб, ўзига ўзи: «Э Далила, шу парини уйдан бир амаллаб олиб чиқиб кетмайсанми. Агар уни алдаб, йўлдан оздирсанг, кийим-кечагини шилиб, безагини урсанг, шунда жодугарлигингга қойил қолгудек бўлади»,— дебди.

Далила шундай фикрга келибди-ю, қаср деразаси олдида тўхтаб: «Ё оллоҳ! Ё оллоҳ!» дея зикр қилаверибди. Хотиннинг кўзи жодугарга тушибди; қараса, оппоқ бўздан ёқасиз либос кийган, отинлардек нуруний бир кампир: «Э пирим, валийюллоҳ, ўзинг қўлла!»— деб турибди. Буни кўрган ўша маҳалланинг барча хотин-халажлари деразадан бошларини чиқариб бир-бирларига: «Худо ярлақайман деса, ҳеч гап эмас, анави эшонойимни қара, юзларидан нур томади-я, нур; бориб унинг дуосини олиш керак»,— дейишибди. Амир Ҳасан бойвуччасининг исми Хотун экан. Нима қилишини билолмай ўтирган шу аёл йиғлаб юборибди-да, бир чўрисига:

— Бор, пастга тушиб дарвозабон Абу Алининг қўлини ўп, ёлвориб: «Шу кампирни ичкарига киритиб юбор, унинг дуосини оламиз, дегин»—деб тайинлабди.

Чўри бориб дарвозабон қўлини ўлиб, шундай дебди: «Бекам мени сенга юборди, сен ўша кампирни қўйиб юборар эмишсан, хайр қилиб, дуосини олармиш...»

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



й, саодатли шоҳ,—деб давом этди Шаҳризод,— чўри дарвозабонга бориб:

«Бекам мени сенга юборди, ўша кампирни қўйиб юборар эмишсан, у хайр қилиб, дуосини олармиш. зора халқи пок энанинг муборак пойи қадами билан кушойищ бериб, мушкули осон бўлса»,—дебди.

Дарвозабон дарҳол ўрнидан туриб, Далиланинг қўлини ўпмоқчи бўлган экан, у силтаб ташлаб:



*Етти юзинчига
ўтар кечаси*

— Мендан нари тур, Абу Али,— дебди Далила унга,— таҳоратимни синдирасан, ахир сен худо суйиб, назар ташлаган валийлардансан-ку. Худо сени бу хизматдан озод қилсин! Дарвозабоннинг амирда уч ойлик маош ҳақи бор экан. У ўша пулларни амирдан қандай қилиб олиш йўлини билмай, боши қотиб юрар экан. У:

— Энажон, обдастангдаги табаррук сувингдан бир қултум ичай. зора ишим ўнгидан келса,— дебди. Далила елкасидаги обдастасини олиб, ҳавода бир-икки айлантриб, бир урган экан, жўмракдаги барг учиб кетиб, ундаги уч динор ерга тушибди. Дарвозабон буни кўрибди-ю, кўзлари ўйнаб, жонҳолатда ердан териб олибди. Ҳайратда қолган Абу Али: «Худо бераман деса, ҳеч гап эмас экан-да,— дебди ўзига ўзи,— бу кампир авлиёга ўхшайди. У менга назар солди-ю, сарф-харажатга муҳтожлигимни билиб, ҳаводан уч динор пул олиб берди».

Кейин уни Далилага узатиб:

— Ҳей, эна, бу динорларингни ол, обдастангдан тушди,— дебди. Кампир унга:

— Нарӣ обор мендан, кўзим кўрмасин буларни,— дебди,— мен дунё билан ишим йўқ, ўзинг ола қол, бирор кунингга яратарсан, жуда бўлмаса, амирдан умид қилиб юрган маошинг ўрнини босар. Дарвозабон ҳангу манг бўлиб қолган Абу Алига: «Ё тавба, худо қўллайман деган бандасига ўзи етказар экан-да, бу бир каромат-ку!»— деб хитоб қилибди. Шу орада чўри кампирнинг олдига келиб, қўлидан тутиб, бекаси Хотуннинг олдига бошлаб келибди. Жодугар ичкари киргач, бека ўзини мисоли бир тилсими очилган хазинадек ҳис этибди. Хотун дарров келиб кампирга таъзим қилибди-да, қўлини ўпибди. Далила унга: «Э қизим, мен сенинг олдингга бир маслаҳат билан кел-

дим»,— дебди. Хотун унга дарҳол таом келтирибди. Буни кўриб Жодугар:

— Жон қизим,— дебди у,— мен фақат жаннат ноз-неъматларини ейман, доимий рўзаман, йилда беш кунгина рўза тутмайман, холос. Лекин, қизим, сенинг афтингдан жуда ғам-қайғуда қолганлигингни пайқадим, нима гап ўзи, дилингдагини айт, зора унинг давосига чора топсак.

— Э она,— дебди Хотун,— тўй кечаси эрим қасам ичиб, ўламан саттор, мен сендан бошқага уйланмайман деган эди, энди бўлса, болаларни кўриб, унинг ҳам ота бўлгиси келиб қолибди. Менга «Сен бепуштсан»,— деди, мен унга: «Сен хачирсан, хачирдан бола бўлмайди»,— дедим. Шу билан эрим ғабланиб чиқиб кетар экан, «сафардан қайтганимдан кейин, устингга уйланаман»,— деди. Э онажон, эрим сафардан қайтса, мени талоқ қилиб, бошқа хотин олади, деб хавфдаман. Унинг давлати, қўр ва даралари кўп, ўрнимга бошқа хотин келиб, фарзанд кўрса, мен эга бўладиган молу мулкка ўша меросхўр эга бўлиб кетадими, деб қўрқаман.

— Э қизим,— деди шунда жодугар,— сен менинг Абу Хамалот деган шайхимни танийсанми? Қимки уни зиёрат қилса, ҳожати раво бўлади, муроди мақсадига етади; туғмайдиган хотинлар тезда ҳомиладор бўлади. «Э она, амирга тегиб мана шу уйга кирганимдан бери на азага бордим, на тўйга»,— дебди Хотун.

— Э қизим,— дебди кампир,— мен сени ўша шайх Абу Хамалотнинг олдига бошлаб бораман. Яхшилаб ясаниб-тусаниб, назир-ниёзингни ол, уни зиёрат қилиб, ҳомиладор бўлишни тилайсан, эринг сафардан қайтгач, апоқ-чапоқ бўлиб, ундан қиз ё ўғил кўрасан. Хоҳ ўғил кўрасанми, хоҳ қиз кўрасанми, барибир, ўша

пирингга уни назир қиласан, бола шайх Абу Хама-лотнинг қўлида дарвиш бўлади.

Хотун хурсанд бўлиб ўрнидан турибди-да, энг яхши либосларини кийиб ясанибди, исирға-ю, узук-бе-закларини таққач, чўрисига: «Сен уйга қараб ўтир»,— деган экан, у: «Жоним билан, бекам!»— дебди. Паст-га тушгандан кейин улар дарвозабон шайх Абу Али-га дуч келишибди. Шайх унга: «Ҳа, бекам, йўл бўл-син?»— дебди. «Мен шайхи Абу Хамалотни зиёрат қилгани кетяпман»,— дебди Хотун. Унинг гапини эшитган шайх:

— Мен бу оппоқойимга қойилман,— дебди,— бу кишининг ҳақиға бир йил рўза тутсам ҳам арзийди. Чунки у азизу авлиёлардан бўлиб, шундай зўр каро-мат кўрсатар эканки, оғзинг ланг очилиб қолади. Бу аям менга каромат қилиб, уч динор топиб бердилар, динор ҳам нақдина тилланинг ўзи. Қаранглар, мен унга ичимдагини айтмасам ҳам, нимага муҳтожлигим-ни билиб, менга пул топиб берди.

Жодугар кампир билан амир Ҳасан Шарруттариқ-нинг хотини уйдан чиқиб кетибди. Шунда кампир ун-га:

— Қизим, худо хоҳласа, шайх Абу Хамалотни зиё-рат қилганингдан кейин, дардингга даво топасан, ол-лоҳ таоло кушойиш бериб, фарзанди қобил ато қила-ди. Эринг амир Ҳасан ҳам, ўша шайх шарофати билан сенга меҳр қўяди, бундан сўнг эрингнинг таъбинг-ни хира қиладиган ғиди-бидисини эшитмайсан.

— Э она,— дебди Хотун,— бошла, мен Абу Хама-лотни зиёрат қиламан. Жодугар бўлса ичида: «Об-бо, энди нима қиламан, куппа-кундузи бўлса, одамлар лип-лип у ёқ-бу ёққа ўтиб турган бўлса, буни қандай олиб чиқиб кетаман»,— деб ўйлабди. Кейин Хотунга ўгирилиб:

— Қизим, мен олдинроқ кетавераман,— дебди,— сен кетимдан бораверасан, лекин, қорама-қора юриб, мени кўздан йўқотмасанг бўлгани. Чунки йўлда менинг таниш-билиш муридларим кўп, ҳаммаси зиёрат қилиб, қўлимни ўпишади ва дуо қилишимни сўрашади. Шундай қилиб, кампир олдинда, Хотун эса орқада қорама-қора боравериб, ниҳоят, савдогарлар бозорига етиб келишибди. Азбаройи безанганидан, Хотуннинг зеб-зийнат, билагузуклари юрган сари жаранглар экан.

Далила бўлса Сайид Ҳасан деган бир савдогар ўғлоннинг дўкони ёнидан ўтибди. Бу йигит жуда келишган бўлиб, ҳали соқол-мўйлови чиқмаган экан. У лип этиб ўтиб кетган хотинга маҳлиё бўлиб қараб турган экан, буни сезган Далила Хотунга имо қилиб: «Мен то қайтиб келгунимча сен шу дўкон олдида тура тур!»— дебди.

Хотун итоат қилиб, жодугарнинг амрини бажарибди ва дўкон олдида ўтирибди, савдогар ўғли эса унга тикилганча, ўқтин-ўқтин хўрсиниб қўяр экан. Шунда Далила унга яқин келиб, салом берибди-да: «Сен Муҳсин савдогарнинг ўғли Сайид Ҳасанмисан?»— деб сўрабди.

— Ҳа, отимни сенга ким айтди?— деб сўрабди йигит.

— Яхши одамлар айтишди. Анави кўриб турганинг менинг қизим, унинг отаси ҳам савдогар эди. Ундан кўп мол-дунё мерос қолди. Қизим балоғатга етгандан кейин, оқил кишилар: «Ўша моллар билан қизингни эрга бергину, ўғлингни уйлантирма!»— дейишди. Бечора қизим кўча-кўй деганни шў бугун кўриб турибди, умри бино бўлиб уйдан бир қадам нари жилмаган эди. Сен менинг дидимга ёқиб қолдинг, шунинг учун уни сенга узатмоқчиман: агар уйланишга

қурбинг етмаса, истаганингча мол-дунё бераман, су дўконинг нимаси, мен битта эмас, иккита дўкон қуриб бераман.

Савдогарнинг ўғли шошиб қолибди, бечора ичида шундай дермиш: «Мен худодан битта қаллиқнинг ўзини сўраган эдим, у бўлса уч нарсани юборибди: мен энди мол-дунёли, гўзал қаллиқли, кийим-кечакли бўлдим».

Оғзи қулоғида шод-хуррам бўлган йигит: «Э она, менга яхши маслаҳат бердинг,— дебди,— оийм бечора қачондан бери, «Сени уйлантираман»,— деб, қулоқ-миямни еб юрарди, лекин мен, то қизни ўз кўзим билан кўрсасам, уйланмайман, вассалом, деб юргандим».

— Қани бўлмаса, дўконингни ёп-да, кетимдан юр!— дебди жодугар кампир,— мен сенга уни қип-яланғоч қилиб кўрсатаман. Йигит ўрнидан турибди-ю, эҳтиёт шарт деб, киссасига минг динор ҳам солиб олибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Етти юз
бирикчи кеча*



Й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— кампир бориб Муҳсин савдогарнинг ўғли Ҳасанга: «Қани, дўконингни ёп-да, кетимдан юр, мен сенга уни қип-яланғоч қилиб кўрсатаман»,— дебди. Йигит ўрнидан турибди-ю, эҳтиёт шарт, бирор нарсага керак бўлар, балки қалинига тўларман, деган халёлда, киссасига минг динор ҳам солиб олибди.

Кампир унга: «Сен ундан узсқ-

роқ қорама-қора боравер»,— дебди. Жодугар йигитни лақиллатишга лақиллатибди-ю, лекин у ёғига нима қилишини билмай, ваҳимага тушибди, шунда ўзига ўзи: «Энди савдогар ўғлини қаёққа олиб бораман, буларнинг икковини қаерда яланғочласамикин?» дея ўйлармиш. Жодугар ўйга чўмиб кетаверибди; унинг орқасидан, амирнинг хотини, унинг кетидан савдогар ўғли бораверибди. Шу билан кампир Ҳожимуҳаммад деган бўёқчининг дўкони ёнига келибди. Ҳожимуҳаммад жуда абжир, тегирмонга тушса, бутун чиқадиган одам экан, у анжир ва анорни яхши кўрар экан.

Бўёқчи, хотин оёғидаги қўнғироқларнинг овозини эшитиб, бошини кўтариб қараса, қаршисида бир йигит билан бир қиз турибди. Шунда кампир унинг ёнига ўтириб, салом берибди, кейин ундан: «Ҳожимуҳаммад бўёқчи сенмисан?»— деб сўрабди. «Ҳа, менман, хўш, нима эди?»— дебди у.

— Яхши одамлар мени сенга юборишди,— дебди кампир,— мана бу малоҳатли нозанин менинг қизим, мана бу ўсмир ўғлим бўлади; мен буларни катта қилгунимча жуда кўп мол-дунём кетди. Дардимни айтсам, менинг катта бир данғиллама уйим бор эди, унинг тўсини синиб қолди. Бинокор уста менга: «То буну тузатгунимизгача сен бошқа уйга кўчиб, яшаб тур, тагин том босиб қолиб, бир фалоқат бўлмасин, сал эпқагага келтирганимиздан сўнг, яна кўчиб келиб яшайверасан»,— деб маслаҳат берди. Устанинг гапи билан ўзимга қўноқ жой қидириб юрибман, бир неча дуруст одамлар мени, ўша бўёқчига бориб боққин, ўзи яхши одам, ҳожатингни чиқаради, дейишди. Барака топгур, кори хайрга хўп дегин, савоб бўлади, ўғлим билан қизим сеникида бўлиб туришсин.

Бўёқчи, жодугарнинг гапига лаққа ишониб: «Па-

тирим ёғли бўладиганга ўхшайди-ку»,— деб ўйлабди ўзича. Сўнг кампирга:

— Хўп, майли,— дебди у,— уйимда ортиқча бир хона ва меҳмонхонам бору, лекин қишлоқдан деҳқонлар, бўёқчи ҳамкасбларим келишганда бу хоналарнинг бирортаси керак бўлиб қолади-да.

— Ҳеч хавотир олма, ўғлим,— дебди кампир, тил ёғламалик қилиб,— биз кўпи билан бир ё икки ойдан ортиқ турмаймиз, уй тузалгач, кўчиб кетамиз. Биз бу ерларда ғариб-мусофирмиз, юз-кўзинг ҳақи, меҳмонхонанга жойлашсак, истасанг, ўзинг ҳам тураверасан. Борди-ю, уйингга биров келиб қолса, сенинг меҳмонинг бизнинг ҳам меҳмонимиз бўлаверади, бирга еб, бир уйда ётаверамиз.

Бу гаплардан сўнг бўёқчи унга уй калитларини берибди. Бири катта, иккинчиси кичикроқ экан, учинчи калит қийшиқ экан. Бўёқчи калитларни узата туриб:

— Катта калит — уйники, кичиги — хонаники, қийшиғи — меҳмонхонаники,— дебди.

Далила калитларни олиб, йўлга тушибди, унинг кетидан Хотун жўнабди, унинг орқасидан дўкондор йигит қорама-қора бораверибди. Кампир юриб-юриб, ниҳоят, бир тор кўчага бурилибди, унда бўёқчининг эшигини топиб, ичкари кирган экан, дам ўтмай, кетидан Хотун кириб келибди, бир оздан сўнг савдогар ўғли ҳам кириб келибди.

— Қизим,— дебди кампир то дўкондор келгунча,— мана шу шайх Абу Хамалотнинг уйи. Сен анови хонага чиқиб, изорингни ечиб тур, мен ҳозир олдинга кираман. Хотун ишора қилинган хонага кириб кетибди. Шу пайт савдогар ўғли келган экан, унга:

— Сен мана шу меҳмонхонага кириб тур, мен қизимни бошлаб келаман, кўрасан.— дебди.

Йигит меҳмонхонага кириб, олдига гўзал қизнинг келишини ҳақ деб пойлаб ўтирибди. Махлиқо бўлса хонага кириб ўтирган экан, бирдан эшик очилиб, Далила кириб келибди. Шунда Хотун: «Мен одамлар келиб қолмасидан Абу Хамалотни зиёрат қилмоқчиман»,— дебди. Далила: «Қизим, сенга бир нарса бўлмасин тагин деб қўрқаман»,— дебди. «Нимадан қўрқасан?»— деб сўрабди Хотун.

— Бу ерда менинг бир тентак ўғлим бор,— дебди Далила унга,— ёзу қиш ҳеч нарса киймай қип-яланғоч юради, ўзи мана шу шайхга мурид. Агар сенга ўхшаган малика шайхни зиёрат қилгани кириб қолса, зирагини тортиб, қулогини ситиб, шойи кўйлаklarини йиртиб юборади. Шунинг учун сен қимматбаҳо безакларингни олиб, кийимларингни ечиб қўйгин, то сен шайхни зиёрат қилиб чиққунинггача мен пойлаб тураман.

Хотун безакларини ва устидаги энгил-бошларини ечиб, кампирга берибди.

— Мен буларингни шайхнинг чойшаби тагига қўяман, табаррук дамлари тегиб, ишинг ўнгидан келади.

Жодугар шундай дебди-ю, Хотунни ич кўйлагу лозим билан қолдириб, чиқиб, нарсаларини пиллапоянинг бир чеккасига бекитиб қўйибди-да, кейин дўкандор йигит олдига борибди. Ичкари кирса, у кўзлари тўрт, қулоқлари саккиз бўлганича, жонон қачон келаркин, деб интизору диловар бўлиб ўтирган экан. Йигит кампирни кўра солиб: «Ҳа, менга кўрсатадиган қизинг қани?»— деб сўрабди. Жодугар Далила кампир бўлса кўкрагига уриб йиғлаб, юзини юла бошлабди. Бунни кўриб у: «Ҳа, ҳа, ним агап ўзи?»— деб сўраган экан:

— Эҳ шўрим қурсин, шарманда бўлдим.— дебди у

Ўқсиб,— худоё худовандо, ёмон қўшнилар жузонмарг бўлсин. хасадхўр қўшниларнинг илойим уйи куйсин! Балого йўлиққурлар, сени мен билан кириб келаётганингни кўришиб, ким у, деб сўрашди. Мен уларга: «Қизимни шу йигитга узатмоқчиман, худо хоҳласа, куёвим»,— дедим. Улиб кетгурлар, сенга хасад қилишиб, қизимни айнитишибди. Улар: «Нима бўлди, онангининг жонига тегибсан, шекилли, сенга бир мохов куёв топибди»,— дейишибди. Қизимнинг жон-пони чиқиб кетибди, йўқ, ундаймас, десам кўнмаяпти. Кейин, бўпти, гапимга ишонмасанг, мен сенга уни қипяланғоч қилиб кўрсатаман, ўшанда моховми, йўқми, кўзинг билан кўриб қўя қол, дедим.

Савдогарнинг ўғли кампир гапини эшитиб: «Ё раб. бий, мен уларга ким моховлигини кўрсатиб қўяй!»— деб енгини шимарган экан, қараса, унинг билаклари мисоли кумушдай оқ экан. Далила йигитга:

— Қўрқма, мен сени унга яланғоч қилиб кўрсатганим билан, сен ҳам уни яланғоч ҳолда кўрасан-ку, яна нимасига хафа бўласан?— дебди.

— Майли. бориб айт, келиб кўра қолсин мени,— дебди дўкондор ва эгнидаги тўни, белбоғ, пичоқларигача ечиб, иштончанг қолибди, дўкондан эҳтиёт шарт деб олган минг динорни ҳам кийимлари орасига тиқиб қўйибди. Кампир унга: «Қани, кийимларингни менга бер, четроққа бекитиб қўяман»,— дебди.

Шу билан жодугар кампир йигитнинг эн-бошларини олиб, Хотуннинг сарполарига қўшиб, тугиб олибди-ю, кўчага чиқиб. эшикни устидан қулфлаб, равона бўлибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Етти юз
иккинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— жодугар кампир, дўкондор йигит билан амрининг хотини сарполарини олганича, икковини устидан қулфлаб, йўлига равона бўлибди. У тўғри гузарга бориб, қўлидаги бўхчасини бир атор дўконига омонат қўйибди. Ундан чиқиб бўёқчининг олдига борса, у кампирни кутиб турган экан. кўра солиб: «Иншооллоҳ, уй маъқул бўлганга ўхшайди»,— дебди.

«Уйинг файзли экан, бизга жуда ёқди.— дебди кампир,— мен ҳаммол топиб, тўшак-гиламларимни келтиргани кетяпман. Бечора болаларим қорни очиб, нон билан гўшт егиси келиб қолибди, сен мана бу динорга гўшт билан нон олиб, уйга бориб, болаларим билан овқатланиб тур!» Бўёқчи бўлса: «Бозорга кетсам, дўконни ким пойлайди, ахир унда бировларнинг нарсалари бор»,— деган экан, «Шогирдинг қараб тура қолар»,— дебди кампир. «Ҳа, майли»,— дебди бўёқчи. У идиш олиб овқат тайёрлашга кетибди.

Бўёқчини шу ерга қўйиб, жодугар кампирга келсак, кампир бориб аттордан хотин билан йигитнинг кийимлари солинган тугунини олибди-ю, яна бўёқчининг дўконига қайтиб келибди ва унинг шогирдига:

— Сен ҳам бора қол, устодинг кетидан, ёрдам берарсан, мен то икковинг келгунинггача дўконни пойлаб ўтираман,— дебди. Шогирд: «Хўп бўлади!»— дебди-ю, устоди орқасидан чопиб кетибди. Далила бўлса бўёқчининг ҳамма нарсасини шилиб, бўхчаларга туғибди. Шу пайт тўсатдан бир ҳафтадан бери кира қиладиган одам тополмай, хуноб бўлиб юрган бир

киракаш эшакчи келиб қолибди. Кампир уни чақириб: «Ҳей киракаш, берироқ кел-чи!»— дебди. Киракаш дарҳол келган экан, «Сен менинг бўёқчи ўғлимни танийсанми?»— деб сўрабди кампир. «Ҳа, танийман, нима эди?»— дебди у.

— Танисанг жуда яхши.— дебди кампир,— ўша бечора ўғлим касодга учради, қарзи кўпайиб кетиб нуқул қамалгани-қамалган, отанг яхши, онанг яхши, деб ялиниб-ёлвориб олиб чиқавериб жонимга тегди. Энди унинг камбағаллигини исботламасақ, ҳолимиз вой; одамларнинг мана бу нарсаларини эга-эгаларига қайтариб бермоқчиман, шунга сен эшагингни бериб тур, мен унга буларни юклаб, тарқатиб келай. Сен кира ҳақингга мана бу динорни ол-да, мен кетгач, то қайтгунигача анави пиёлаларни, хуму хурмачаларни, ичидагилари билан ҳаммасини бир четдан синдириб чиқ, қозининг одами келганда, дўконда ҳеч вақо бўлмасин, ўшанда улар боламнинг камбағаллигига ишонишмаса, яна бирор фалокатга дучор қилишади.

— Бўпти, хотиринг жам бўлсин.— дебди киракаш,— она, худо хоҳласа ҳаммасини саранжом қиламан, хўжайинга инсоф берса бўлди.

Кампир барча нарсаларни эшакка ортиб, устига чойшаб ёпибди-да, уйига жўнабди.

Жодугар уйига киргач, қизи Зайнаб уни кўриб: «Қойилман сенга, ойи, қанақа макр ишлатдинг?»— деб сўрабди.

— Мен тўрт одамга тўртта макр ишлатдим:— бири савдогар ўғли, иккинчиси амирнинг хотини, учинчиси бўёқчи-ю, тўрттинчиси киракаш. Ахир уларнинг нарсаларини киракашнинг эшагига ортиб, сенга олиб келдим.

— Э ойи,— дебди қизи кайфи учиб,— энди сен шаҳарга қадам босолмайсан; амирнинг хотинини шилиб,

савдогар ўғлини яланғочлаб. бўёқчининг бор-будини, киракашнинг эшагини олиб, энди қайси юрак билан кўчага чиқасан!

— Эҳ қизим,— дебди қизининг гапини эшитган Далила,— хотиринг жам бўлсин, мен фақат киракашдан хавотирламан, холос. Уша танимаса, бошқа ҳеч ким мени танмайди.

Ана энди уста-бўёқчи воқеасига қайтсак, у бечора нон билан гўшт олиб уни шогирдининг бошига қўйиб. дўкони ёнидан ўтиб кетаётса, бир киши зўр бериб, идишу кўзаларни синдираётганини кўриб қолибди. Бундай қараса, дўконда ҳеч вақо қолмабди, кийим-бош, чойнак-пиёла, асбоб-ускунадан асар йўқ, дўкони шипшийдаму, бўёқчининг ҳоли хароб бўлибди. У дарров. «Кўтар қўлингни, ҳаммол!»— дебди. Эсанкираб қолган киракаш, қўлини кўтарганича: «Сенга зиён тегмасин, дедим, уста! Аҳволингга ачиндим, сенга қийин»,— дебди. «Хўш, менга нима бўлибди?»— дебди бўёқчи. «Нима бўларди,— дебди киракаш,— касодга учраб, ишинг юришмабди, қозининг одамлари хатга олиб кетибди-ку сени». Бўёқчи унинг гапига ҳайрон бўлиб: «Ким айтди сенга?»— деб сўрабди. «Ким бўларди, онанг айтди,— дебди киракаш,— менга ёлвориб, хуму хурмачаларни, кўза-ю идиш-товоқларни чил-чил қилиб синдир, тагин қозининг терговчиси келиб қолиб, дўкондаги нарсаларни ёзиб кетмасин».

Бўёқчи ҳангу манг бўлиб қолибди. у нима қилишини билмай: «Мени худо уриб, пайғамбар ҳассаси билан туртибди, менинг онам аллақачонлар ўлиб кетган-ку!»— дебди ва мушти билан кўкрагига уриб: «Э воҳ, бор-будимдан ажралибман, бировларнинг молини қаердан топиб бераман энди»,— деб фарёд кўтарибди. Унинг нолайи фиғонини эшитиб, киракаш ҳам йиғлаб юборибди. «Оҳ, эшагимдан ажралдим, эшагимдан!»—

дебди у ҳўнграб. Кейин у бўёқчига: «Онанг олиб кетган эшагимни топиб берасан, ҳозир!»— деб бақрибди. Бўёқчи бўлса, киракашнинг гирибонидан бўғиб: «Менга ўша жодугарни топиб берасан!»— дея муштлай бошлабди. Киракаш бўлса: «Менга эшагимни топиб берасан!»— деб сира бўш келмасмиш. Буларнинг ёқалашганини кўришиб оломон тўпланибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Етти юз
учинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Бўёқчи киракашнинг ёқасидан, киракаш бўёқчининг халқумидан ушлаганича роса муштлашибди; иккови ҳам айбни бир-бировига тўнкабди, атрофга халойиқ тўпланибди. Шунда оломоннинг ичидан кимдир: «Нима гап ўзи, уста Муҳаммад?»— деб сўрабди. Эшак йўқотган: «Мен сизларга бошдан-оёқ гапириб берай»,— дебди ва бўлган воқеани айтибди:

— Мен ичимда, устага яхшилак қиламану, у кори хайрдан миннатдор бўлади. деб ўйловдим,— дебди у ҳансирай-ҳансирай,— уста бўлса мени кўра солиб, кўкрагимга тушира кетди. У, онам ўлган деяпти. Мен ҳам ундан, эшагимни топиб бер. деяпман. Эшагимни ўғирлаш учун она-бола иккови куппа-кундузи найранг ишлатиб, мен бечора камбағални алдаб ўтиришибди.

— Э уста Муҳаммад,— дейишибди одамлар,— сен ўз дўконинг ундаги нарсаларингни унга ишониб кетганингдан кейин, сен уни танисанг керак-да!— дебди.

— Мен кампирни танимайман, у шу бугун қизи ва ўғли билан уйимга кўчиб келган эди,— дебди бўёқчи. Бунинг гапини эшитиб кимдир:

— Айб бўёқчида, эшакни ўша тўлаши керак,— дебди.

— Нимага энди уста тўлаши керак экан?— деб луқма ташлабди бошқа биров.

— Чунки,— дебди ўша киши,— эшак эгаси қараса, бўёқчи туппа-тузук дўконни, ундаги барча мол-мулк, асбоб-ускуналари билан кампирга ишониб ташлаб кетибди. Шунча нарсага ишонганини кўриб, киракаш битта эшагини унга ишонмайдими, ахир, ишониб бериб юборган-да!

— Э уста, сен агар уларга уйингдан жой берган бўлсанг, киракашнинг эшагини сен топиб беришинг керак,— дебди халойиқ ичидан кимдир.

Шу билан йиғилган оломон ҳаммаси бўёқчининг уйига равона бўлишибди. Булар йўлда кета туришсин, биз савдогарнинг ўғлига қайтайлик.

Бечора дўкондор йигит, кампир қизини қачон бошлаб келаркин, деб кўзлари тўрт бўлиб, кутиб ўтиравериб тоқати тоқ бўлибди, лекин кампирдан дарак бўлмабди. Хотун бўлса кампирнинг шайхи Абу Хамалотга қўл берган художўй ўғли қачон ичкари кириб, зиёратга рухсат олиб чиқаркин, деб пойлаб ўтираверибди, кампир эса бедарак кетибди. Чор-ночор Хотун ўрнидан туриб, шайхни зиёрат қилгани чиққан экан, бирдан уни савдогарнинг ўғли кўриб қолиб: «Берироқ кел-чи, жонидан, мен сенга уйланаманми, мени бу ерга бошлаб келган онанг қани?»— дебди. Хотун: «Онам ўлган. Сен ўша отинойимнинг шайхи Абу Хамалотга қўл берган ўғлимисан?»— деб сўрабди. Хуллас икковининг гапи пойма-пой чиқибди, ниҳоят, дўкондор ҳайрон бўлиб: «У менинг онам эмас. фирибгар

экан. Мени алдаб, кийим-бошимни, яна минг динор пулимни ҳам олиб кетибди».— дебди. Хотун эса: «Балога йўлиққур Абу Хамалотни зиёрат қиласан, деб мени ҳам алдаб, бу ерга бошлаб келиб, ечинтириб кетди»,— дебди. Савдогарнинг ўғли: «Менинг кийимларим билан минг диноримни сен топиб берасан»,— деб туриб олибди. Хотун бўлса: «Менинг зеби зийнатиму, кийим-кечагимни сен топиб берасан! Ҳозир онангни топмаганингга қўймайман!»— дебди.

Шу пайт бирдан эшик тарақлаб очилиб, ичкарига бўёқчи кириб келибди. У қараса, бир йигиту бир қиз яланғоч туришибди. Бўёқчи улардан.

— Қани, оналаринг қаерда, тезроқ айтинглар?— дебди. Хотун бошига тушган кулфатни гапириб берибди, савдогар ўғли ҳам балога гирифтор бўлганини ҳикоя қилиб берибди. Бечора бўёқчи фиғон билан: «Войдод, бори будимдан жудо бўлдим, энди одамлар молини қаердан топиб бераман, уйинг куйгур жодугар!»— деб нола қила бошлабди. Қиракаш бўлса: «Войдод, эшагимдан ажралдим, энди нима қиламан»,— дебди. Бўёқчи: «Бу кампир фирибгар экан, ҳаммамизни алдабди, қани чиқларинг, эшикни кулфлайман»,— дебди. «Биродар, шу кўйда чиқиб кетиш айб бўлади,— дебди савдогар ўғли,— уйингга кийим-бош билан кириб, яланғоч чиқиб кетамизми, уялмайсанми, бизни мана шундай чиқариб юборишга». Кейин бўёқчи икковиниям кийинтирибди, йигитни олиб қолиб, Хотунни уйига жўнатибди.

Хотун ҳозирча уйига кетиб турсин, энди бўёқчига келсак. У келиб дўконини ёпибди-да, савдогар ўғлига: «Юр, кампирни қидирамиз, топиб валийга судраб борамиз»,— дебди. Йигит билан бўёқчи бир бўлиб кампирни қидиришга тушишибди, улар билан эшак эгаси ҳам борибди. Улар тўғри валийнинг уйига киришган

экан, у: «Хўш, келинлар, нима арзинглар бор?»— деб сўрабди. Улар бўлган воқеани унга айтиб беришибди. «Шаҳарда кампирлардан кўпи борми! Ахтариб уни тутиб келинлар, мен адабини бериб, айбига иқрор қиламан»,— дебди. Шу билан улар йўлга тушиб, Далилани ахтара бошлашибди.

Улар шу ерда кампирни қидириб туришсин.

Энди жодугар Далилага қайтсак, у қизи зайнабга:

— Мен бир найранг кўрсатмоқчиман,— дебди.

— Жон она, бошингга бир фалакат тушмаса деб кўрқаман,— дебди қизи.

— Нима деясан ўзинг,— дебди жодугар,— мен тегирмонга тушсам, бутун чиқаман; сувда чўкмайман, ўтда ёнмайман?

У шундай дебди-ю, ўрнидан туриб, каттаконларнинг хизматкори либосини кийиб олибди ва қандай макр-ҳийла ишлатсамикин, деб ўйлаб кетаверибди. Ниҳоят, бир тор кўчага борса, қандил чироқлар ёқилган, деворларга сўзаналар осилган, бастакорлар машқ қилиб, созандалар жўр бўлаётган, чирмандалар, гиж-жак, ҳамма ёқда базм-айш эмиш. Қараб турса, бир чўри қиз чиройли болани опичиб юрибди. Боланинг бош-оёқ сарупоси жуда қимматбаҳо бўлиб, ҳамма ёнига кумуш тангалар осиб қўйилган экан, бошида эса дур-гавҳарлар қадалган бўрки бор экан. бўйнига қимматбаҳо тошлар қадалган олтин ҳалқа осилган, эгнига духоба тўн кийиб олган экан.

Кампир кириб қолган бу уй, Бағдод шаҳрининг савдогарлари бошлиғиники бўлиб, бола ўшанинг ўғли экан. Бу додхонинг бўйи етган бир қизи бўлиб. шу кун унинг унашиш тўйи бўлаётган экан. Жуда кўп хотин меҳмон ва яллагилар келган экан, онаси юмуш билан у ёқ-бу ёққа ўтса, бола нуқул унга ёпишаверибди. Шунда онаси чўрини чақириб: «То меҳмонлар

тарқагунча, буни овутиб юргин»,— деб унга бериб қўйган экан.

Ана шу вақт жодугар Далила бу уйга кириб келиб бола опичиб олган чўрини кўрибди. «Беканг уйда қанақа хурсандчилик бугун?»— деб сўрабди кампир. «Қизининг тўйи, машшоқлар келишган»,— дебди чўри. Жодугар буни эшитиб: «Э Далила,— дебди ичида.— Сенга ҳозир шу чўридан болани бир амаллаб алдаб олиб кетишдан дурустроқ макр йўқ, буни эпполмасанг, отингни бошқа қўясан»,— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Гитти юз
тўртинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— кампир ўзига ўзи: «Э Далила, сенга шу чўридан болани бир амаллаб олиб кетишдан дурустроқ макр йўқ, агар буни эпполмасанг, отингни бошқа қўясан»,— дебди. Шундан сўнг у: «Э бадбахт, бу ёққа қара!»— дебди-ю. киссасидан динорга ўхшаган бир сариқ чақани олибди.

Чўри жуда содда қиз экан, кампир унга: «Мана бу динорни олгинда, беканг олдига бориб: «Хайри буви тўйингни кўриб хурсанд бўлибди, сенинг қилган яхшиликларинг ҳеч ёдидан чиқмасмиш; чарлар кунни қизлари билан келиб, хизмат қилармиш, янгаларга туҳфа-ҳадялар олиб келармиш деб айтгин»,— деб тайинлабди. «Йўқ, буви,— дебди чўри,— мен боролмайман. Қўлимда бу бор. Беканнинг ўғли онасини кўрса, хархаша қилиб, унга ёпишади»,— дебди. «Менга бер, то сен бориб келгунингча, овутиб тураман»,— дебди кампир. Лаққа уч-

ган қиз, Далила берган сариқ чақани олибди-ю, бекасининг олдига жўнабди. Кампир бўлса болани кўчага олиб чиқиб, унга тақиб қўйилган безакларни ва кийимини ечиб олибди. Кейин ўзига ўзи: «Э Далила, чўридан болани қандай алдаб олган бўлсанг, яна шундай қил. Болани ўз ҳолига ташлаб кетмай, бир амаллаб уни гаровга қўй-да, яна минг динор ишлаб ол, ниманг кетяпти, бир журъат қилсанг бўлди-да!»— дебди.

Кампир тўғри заргарликка йўл олиб, бир яҳудий заргарнинг олдига борибди. Заргарнинг олдида бир сават лиқ тўла жавоҳирлар турган экан. Буни кўриб кампир ўзича: «Жодугарлигимни ишлатиб, шу яҳудийни дўндирмасам, болани гаровга қўйиб, унинг жавоҳирларини олмасам, юрган эканман»,— дебди.

Яҳудий эса кампир қўлидаги болани кўриши билан унинг савдогарлар бошлиғининг ўғли эканини танибди. Яҳудий жуда бадавлат бўлиб, нуқул қўшнисига ҳасад қилгани-қилган экан. Чунки у ўз моллари билан яҳудий харидорларини ром қилиб олар экан-да. Кампирни кўриб: «Хўш, она, нима керак?»— деб сўрабди у. «Яҳудий Узро, сен бўласанми?»— деб сўрабди Далила. Жодугар олдин унинг исмини бировдан билиб олган экан. Яҳудий: «Ҳа»,— деб жавоб берибди.

— Мана бу боланинг опаси, савдогарлар бошлиғининг қизи, турмушга чиқаётган эди,— дебди Далила кампир,— шу бугун унга бир қанча қимматбаҳо безаклар керак бўлиб қолди. Шунга келдим. Дарров оёққа тақадиган қўнғироқли олтин ҳалқангдан икки жуфт, бир жуфтан олтин билагузук, ёқут кўзли зирак, камар, ханжар ва узук бер.

Кампир шундай қилиб, яҳудийдан минг динорлик нарса олибди-да, кейин:

— Мен бу безакларингни олиб бориб, кўрсатиб келай.— дебди кампир,— қайсиниси ёқса, олиб қоли-

шади, пулини келтираман, унгача мана бу бола шу ерда тура туради.

— Майли, истаганини танлаб олишсин.— дебди заргар.

Далила олтину гавҳар безакларни олибди-ю, тўппа-тўғри уйига равона бўлибди. Ичкари киргач. қизи онасидан: «Хўш, бугун қанақа фирибгарлик қилдинг?»— деб сўрабди. Кампир қизига: «Бугун шундай ҳийла ишлатдим,— дебди,— савдогарнинг ўғлини олиб ечинтирдим, кейин уни заргар яҳудийга гаровга қўйиб, ундан минг динорлик нарса олдим». «Энди, бу ишингдан кейин шаҳарда юролмайсан»,— дебди қизи.

Кампирни уйга қўйиб, энди чўрига келсак. у бекаси олдига кириб: «Хайри буви сенга салом айтиб юборди, тўйингни кўриб хурсанд бўлибди, чарлар кунни қизлари билан келар эмиш, туҳфа-совғалар келтирармиш».— дебди. Чўрининг қўлида бола кўрмаган бека, дарҳол: «Хўжайининг қани?»— деб сўрабди. «Йиғлаб, сенга ёпишмасин, деб уни Хайри бувига бериб келган эдим,— дебди чўри,— айтгандай, у яллачиларга пул ҳам бериб юборган эди». Бека ойим яллачилар бошлиғига: «Ол, сенга совға келибди»,— деган экан, у кўрса, сариқ чақа эмиш.

Беканинг кайфи учиб кетиб:

— Бор, тезроқ, хўжайининг олдига, балога йўлиқ-қур, нега танимаган одамга ташлаб келасан,— дебди. Чўри жон ҳолатда югуриб келса, на бола бормиш, на кампир. Қиз бир бақирибди-ю, ўзидан кетиб юзи билан ерга йиқилибди, тўй азага айланибди.

Шу пайт савдогар боши келиб қолган экан. хотини унга бўлган воқеани гапириб берибди, кейин у ўғлини қидириб, чиқиб кетибди. Бошқа савдогарлар

ҳам кўчама-кўча, гузарма-гузар болани ахтара бошлашибди.

Савдогар ўғлини қидира-қидира, ниҳоят, яҳудийнинг дўкони ёнига бориб қолибди. Бундай қараса ўғли у ерда қип-яланғоч турган эмиш. «Бу менинг ўғлимми?»— деб сўраган экан, яҳудий: «Ҳа»,— деб жавоб берибди. Беҳад қувонганидан, у ўғлини бағрига босибди-да, кейин заргардан боланинг кийим-кечагини сўрабди.

Яҳудий бўлса: «Худо хайрингни бергур, пулни бериб, кейин олгин-да, болани»,— дея савдогарга ёпишиб олибди. «Хўш, бир нарса бўлдим сенга, нима гап ўзи?»— дебди у яҳудийга.

— Кампир қизинга деб минг динорлик буюм олиб, болани гаровга ташлаб кетди,— дебди яҳудий.— Болангни қолдирмаганда мен унга анойи эмасдим нарса бериб. Қарасам, сенинг боланг, майли деб кўндим.

— Қизимга буюм керак эмас, ҳаммасини тахт қилиб қўйганман. Қани, кўп вайсамасдан, боланинг кийим-бошларини келтир,— дебди савдогарлар бошлиғи.

— Ҳай, мусулмонлар!— дебди яҳудий бақириб,— мен қандоғ кунга қолдим! Шу пайт, эшак эгаси, бўёқчи, савдогар ўғли кампирни қидириб бу жанжал устига келиб қолибдилар.

Улар савдогар билан яҳудийнинг ўртасидаги жанжални кўришиб: «Нима гап ўзи?»— деб сўрашибди. Улар бўлган воқеани гапириб беришибди. Шунда улар: «Бу кампир фирибгар экан, у сизлардан олдин бизларни алдаган эди»,— дейишибди ва бўлган можарони айтиб беришибди. Буни эшитиб савдогар боши: «Ўғлимни топдимми. бўлди, кийимлари бошидан садақа; агар ўша жодугарни топсам, сочидан юлиб, тўлатиб оламан»,— дебди.

Савдогар боши ўғлини бағрига босганча, тўннга ўраб хотини олдига равона бўлибди. Боланинг соғ-саломатлигини кўргач, онанинг юзига қон югуриб, кўнгли таскин топибди-да, енгил нафас ола бошлабди. Яҳудий ўша уч кишидан: «Хўш, энди йўл бўлсин?»— деб сўрабди. «Жодугарни қидириб юрибмиз»,— дейишибди улар. «Бўлмаса, мени ҳам қўшиб олинглар, бирга ахтарамиз».— дебди заргар ва: «Ичингизда уни кўрса танийдиган борми ўзи?»— деган экан, киракаш: «Мен танийман»,— дебди. «Агар ҳаммамиз бирга юрсак, тополмаймиз»,— дебди заргар уларга,— бизни кўриб қочиб кетади. Шунинг учун ҳар биримиз бошқа-бошқа кўчадан юрайлик-да, кейин тўрттовимиз мағриблик Ҳожи Маъсуд сартарошнинг дўконида учрашайлик».

Буларнинг ҳар бири биттадан кўчага тушиб олиб, кампирни қидира кетишибди, Далила бўлса янги макр-ҳийла ишлатиш учун кўчага чиққан экан, бирдан эшакнинг эгаси кампирни кўриб қолиб, унга маҳкам ёпишиб олибди.

— Ҳў лаънати, тўхта манжалақи, қўлга тушар экансан-ку. Сен қачондан бери бунақа фирибгарлик қиляпсан, а,— дебди уни маҳкам ушлаб.

— Нима бўлди сенга?— дебди кампир тап тортмай.

— Нима бўлдимиз-а. лаънати, мочағар, қани менинг эшагим, ҳозир топиб берасан!— дебди киракаш.

— Худо яширганни сен ҳам яширгин. жон болам,— дебди кампир унга ялиниб,— сен эшагингни сўраяпсанми ё бировларнинг буюминими?

— Мен сендан эшагимни сўраяпман, ҳозир топиб берасан.— дебди у.

— Мен сени кўриб, камбағаллигингга раҳмим келиб, эшагингни мағриблик сартарош олдига ташлаб

кетган эдим,— дебди Далила кампир,— мендан нарироқ тур, ўзим бориб, яхшиликча сўрайман. кейин беради, бориб ундан олиб кетаверасан.

Кампир бориб сартарошнинг қўлини ўпиб, йиғлаб юборибди.

— Нима бўлди сенга, она?— деб сўрабди сартарош ундан.

— Э болам, анови ерда турган ўғлимнинг аҳволини қара.— дебди жодугар,— бечора касалманд эди, мияси айниб, савдойи бўлиб қолибди, ақли ҳуши жойида эмас. Бир маҳал эшак сотиб олган эди. Энди тушидаям, ўнгидаям, турсаям, ётсаям «эшагим» деб жонҳолимга қўймаяпти. Ҳақимларга маслаҳат солсам, уларнинг бири: «Ўғлинг тентак бўлиб қолибди, энди унинг иккита курак тишини суғуриб ташлайсан-да, жағини куйдирасан, зора эси жойига келса», деди. Мана бу динорни ол-да, уни чақириб: «Эшагинг менда».— дегин дебди.

— Бўлди, қойил қилиб юбораман, мен ҳозир эшагини тутқазиб юбораман,— дебди сартарош.

Сартарошнинг иккита устаси бор экан. уларнинг бирига: «Бор, иккита қозик қоқиб кел»,— дебди-да, эшак эгасини чақирибди. Кампир эса йўлига равона бўлибди. Киракаш сартарошга яқинлашгач:

— Ҳей тентак, эшагинг менда!—дебди сартарош.— Қани, берироқ кел, ол. ўлай агар. эшагинг менга керак эмас, мен ўз қўлингга топшираман,— дебди.

Кейин у киракашни судраб, қоронғи хонага кириб, унинг биқинига туширган экан. киракаш йиқилибди. Уста ва шогирдлар эса дарров унинг қўл-оёғини боғлабди. Сартарош унинг икки курак тишини суғуриб олибди-да, иккала мартасида ҳам жағини куйдирибди, киракаш беҳуш бўлиб, жойида қолибди, уста чиқиб кетибди.

Киракаш ўзига келгач:

— Хўш, мағриблик. нега мени бунақа қилиб. тишимни суғуриб олдинг? Мен нима гуноҳ қилдим?— дебди.

— Чунки онанг, ўғлим тентак бўлиб қолган, олдин касалманд эди, кейинига мияси айниб, савдойи бўлиб қолди, шундан бери турсаям, ўтирсаям, тушидаям, ўнгидаям «эшагим, эшагим» деб қулоқ-миямни қоқиб, қўлимга беряпти, деди,— дебди сартарош ва:— «Ана шу қўлингдаги эшагинг бўлади».— дебди.

— Худога солдим. шу қилганингга оллоҳнинг ўзи жазонгни бермаса, асло рози эмасман. Ахир, курак тишимни суғуриб олдинг-а,— дебди киракаш бечора. Мағриблик бўлса нима қилишни билмай, довдираб: «Ахир. шундай қилгин деб онанг айтди-ку!»— дебдида, жодугар билан бўлган гапларни айтиб берибди. Шунда киракаш: «Худоё худовандо, менга қилган ёмонликлари ўз бошига тушсин!»— деб хитоб қилибди. Кейин мағриблик билан эшакчи бир-бири билан айтишиб қолишибди. Киракаш хиралик қила бергач мағриблик уни нарироққа олиб бориб адаштириб келай, деган умидда дўконини ташлаб кетган экан, қайтиб келса, ҳеч нарса йўқ, дўкон қуп-қуруқ. У киракаш билан овора бўлиб турганида, кампир бор буюмларини кўтариб кетибди.

Жодугар уйига бориб, қизига бўлган воқеани ва қилган ишларини айтиб берибди.

Дўконнинг шилинганини кўрган сартарош: «Ҳозир онангни топиб келасан!»— деб, бечора киракашга ёпишиб олибди. У бўлса зўр бериб: «Бу менинг онам эмас, фирибгар, кўп одамларни алдаб, молларини ўғирлаган, менинг ҳам эшагимни олган эди»,— дермиш.

Шу пайт буларнинг устига бўёқчи, яҳудий, савдогар ўғли келиб қолишибди. Улар мағрибликнинг ки-

ракашга ёпишиб олганини, унинг лунжлари шишганини кўриб: «Нима гап ўзи, оғайнилар?»— дейишган экан, эшак эгаси бўлган воқеани айтиб берибди, мағриблик ҳам ўз можаросини ҳикоя қилибди. Улар сартарошга: «Бу кампир, жодугар, бизниям алдаган эди, биз уни қидириб юрибмиз»,— дейишибди ва ҳамма воқеани унга бошдан-оёқ ҳикоя қилиб беришибди.

Шундан сўнг мағриблик ҳам уларга қўшилиб, волийнинг уйига боришибди.

— Сенга дод деб келдик, молимизни сендан бўлак ҳеч ким топиб беролмайди,— дейишибди улар.

— Шаҳарда сон минг кампир, ичларингда уни кўрса, танийдиган борми?— деб сўрабди волий.


— Кўрсам мен танийман уни.— дебди киракаш дарҳол,— лекин сен бизга ўн нафар навкарларингдан бер!

Шундай қилиб, эшакчи навкарлар билан чиқибди, уларнинг кетидан бошқалар юрибди. У навкарларни бошлаб шаҳарни айлантириб юраверибди, бирдан Далила жодугар ўтиб қолган экан, киракаш билан навкарлар уни ушлаб олишиб, волийнинг олдига судраб боришибди-да, то волий ичкаридан чиққунча, ўзлари қаср деразаси тагида пойлаб туришибди.

Уни қидиравериб роса тинка-мадори қуриган навкарлар, волийни кутиб ўтира-ўтира, ҳадеганда дарак бўлавермагач, ниҳоят, уларни мудроқ босиб, ухлаб қолишибди. Буларни кўриб кампир ҳам ўзини ухлаётганга солибди. Киракаш ҳам ўз шериклари билан ухлаб қолибди. Шунда Далила дик этиб ўрнидан турибди-да, қасрга кириб, волий хотинининг қўлини ўпиб: «Волий қани?»— деб сўрабди. Волийнинг хотини ҳарам ойим: «Ухлаб ётибди, хўш, нима эди?»— дебди.

— Менинг эрим мамлукларини сотмоқчи, ўзи сафарга кета туриб сотиб келгин деб, мен билан беш-тасини бериб юборган эди. Волий уларни бир минг икки юз динорга оламан деб байлашиб: «Мамлукларингни бу ерга олиб кел»,— деган экан,— ўшаларни олиб келган эдим,— дебди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Етти юз
бешинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод.— эшитишимга қараганда, кампир волийнинг қасрига кириб, унинг хотинига: «Волий мамлукларни бир минг икки юз динорга байлашганди-да: «Бу ерга бошлаб келгин», деган эди, айтганларини қилиб, уларни олиб келдим»,— дебди.

Бир маҳал волий хотинига минг динор пул бериб: «Буни асраб қўй, мамлук оламиз»,— деган экан. Шу сабабли у кампирнинг гапига лаққа учибди-да: «Олиб келган мамлукларинг қани?»— дебди. «Э тасаддуғинг кетай, мана шу ўзинг турган қаср деразаси тагида мудраб ўтиришибди»,— дебди кампир. Волийнинг хотини деразадан бошини чиқариб қараб, ростдан ҳам мамлукларга ўхшаб кийиниб олган мағриблик сартарошни, худди қўйиб қўйгандай савдогар ўғлини, ёнверисида ётган бўёқчини, киракашни ва яҳудийни кўрибди. Аксига ҳаммаси мамлукларга ўхшаб соч олдиришган экан. Волийнинг хотини уларни кўргач, ичида: «Буларнинг ҳар бири минг динордан ортиқ турадику»,— деган хаёлга борибди-да, сандиғини очиб, минг динор олиб узатибди ва:

— Ҳозирча шуни ола тур, волий уйғонгач, қолган икки юз динорингни ҳам олиб бераман,— дебди.

— Тасаддуғинг кетай,— дебди кампир,— ўшанинг юз динори сенга ширинкома бўлсин, қолган дивор келгунимча сенда турсин. Энди, бойвучча, мени яширин эшикдан чиқариб юбор. Волийнинг хотини уни заруратда ишлатадиган эшикдан чиқариб юборибди, шу билан қор ёғилиб, излар босилибди, унинг чиқиб кетганини ҳеч ким билмабди. Кампир бу ердан ҳам хамирдан қил суғургандай оппа-осонгина қутулиб кетибди. Кампир чиқиб, тўғри қизи Зайнабнинг олдига борибди.

— Э она, бугун нима иш қилдинг?—деб сўрабди қизи.

— Э қизим,— дебди кампир,— бугун фирибгарлигимни ишлатиб, мана шу минг динорни топиб келдим; эшакчи, яҳудий, бўёқчи, сартарош, савдогар ўғли — бешовини мамлук қилиб қайтдим. Ҳаммаси ҳам баҳарнов-а, эшакнинг эгаси киракашдан қўрқаман. Уша мени жуда яхши таниб олган. Бошқаларидан унчалик хавфсирамайман,— дебди.

— Энди бўлди, ойн. уйда жим ўтир. Шунча қилгулигинг етар, кўза кунда синавермайди, бир кун синади!— дебди.

Энди волийга келсак, у уйқудан турса, хотини кайфи чоғ бўлиб унга: «Кампирдан олган беш нафар мамлукларингни кўриб, хурсанд бўлдим»,— дебди. Волий хурсанд бўлиб: «Қанақа мамлукларни деяпсан?»—деб сўрабди. Хотини: «Нима қиласан мендан яшириб, худо хоҳласа, вақти келиб улар ҳам сенга ўхшаган мартабаси улуғ одам бўлиб кетиши мумкин»,—дебди. Эри: «Ўлай агар, мен мамлук сотиб олганим йўқ! Қим айтди?»—дебди. «Даллол хотин айтди,—деб-

ди хотини ҳовлиқиб,— ахир сен у билан бир минг икки юз динорга байлашган экансан-ку! Ҳа, олиб келганларини ўз кўзим билан кўрдим, ҳар бири кийган энгилбошининг ўзи минг динор туради. Уларни қўриқлаб туринглар, деб сардорларга тайинладим».

Волий тушиб қараса, яҳудий, эшакчи, мағриблик, бўёқчи ва савдогар ўғли ўтирибди. У сардорларидан: «Қампирдан минг динорга сотиб олинган мамлуклар қани?»— деб сўрабди. «Қанақа мамлукларни айтяпсан,— дебди улар.— Бу ерда кампирни тутиб келган мана бу беш киши ўтирибди, холос. Биз ҳаммамиз ухлаб қолибмиз, жодугар бўлса, ҳарамга кириб кетибди. Кейин бир каниз келиб: «Қампир билан келган беш киши ёнинглардами?»— деб сўради. Биз: «Ҳа»,— дедик. Бўлган гап шу.

Буларнинг гапини эшитиб, волийнинг кайфи учиб кетибди: «Худо ҳақи, бундан ортиқ фирибгарлик бўлмайди!»— дебди у. Бешала даъвогар эса: «Нарсаларимизни фақат сен топиб беришинг мумкин, топиб бермаганингга қўймаймиз!»— деб туриб олишибди. «Ҳамманг кампирнинг шериги экансанлар, хотинимни алдаб, сенларни минг динорга сотиб кетибди».— дебди волий ҳам даъво қилиб. Бешавлон бараварига: «Худо кўрсатмасин, биз ўз ихтиёримиз ўзимизда одамлармиз. бизни сотишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ, сен билан халифага борамиз»,— дейишибди. Волий бўлса: «Уша жодугарни менинг уйимга сизлар бошлаб келмасангиз,— дебди волий,— у буерни билмасди ҳам, келмасди ҳам. Бўлди, бешовингни ҳам бошқа юртдан келганларга икки юз динордан сотаман, вассалом».

Булар шундай жанжаллашиб тура турсин, энди амир Ҳасанга келайлик. Амир Ҳасан Шарруттариқ сафаридан қайтгач, қараса, хотини бор-йўғидан ажра-

либ, қип-яланғоч бўлиб ўтирибди. У эрига бўлган воқеани гапириб берибди, амир бўлса: «Бунинг учун волийни жавобгарликка тортаман»,— дебди-ю, чиқа унинг олдига келиб: «Хўш, бу нима қилганинг, кампир бувиларингга, одамларнинг молини ўғирлайвер деб, фатво бериб қўйибсан. Бунга сен жавобгарсан, хотинимнинг зеб-зийнату, кийим-кечагини сен толиб берасан»,— дебди.

Кейин амир Ҳасан ўша оғзи куйган беш кишига ўгирилиб: «Хўш, сизлар нима қилиб юрибсизлар?»— дебди. Улар ҳам ҳамма воқеани бошдан-оёқ гапириб беришибди. Амир: «Волий сизларга жабр қилдимиз, ҳали?»— дебди-да, волийга қайрилиб: «Хўш, сен нега буларни қамаб қўйибсан?»— деб савол берибди. Агар булар жодугар кампирга уйимни кўрсатмаганда.— дебди волий амирга,— минг динор пулимни олиб, ўзларини хотинимга сотиб кетмас эди». Бешовлан амир Ҳасанга ёлворишиб: «Э амир, вакилимизсан, бу ишни ўзинг бир ёқлик қил!»— дейишибди. Шунда волий амир Ҳасанга: «Хўп, майли, хотининг буюмлари менинг бўйнимда бўлсин, камарни ҳам топайин, лекин орангизда уни кўрса танийдиган ҳеч ким борми?»— деган экан. ҳаммаси бараварига: «Кўрсак таниймиз, ўнта навкар қўшиб берсанг бўлди, биз уни тутиб келамиз»,— дейишибди. Шу билан волий уларга ўнта навкар берибди, эшакчи: «Менинг кетимдан юринглар, мен сизларга ўша жувонмарг кўк кўзни кўрсатай!»— дебди.

Улар ҳаммаси энди йўлга тушишган экан, бирдан Далила жодугарнинг ўзи тор кўчадан чиқиб қолибди. Навкарлар уни тутишибди-ю, волийнинг уйига судрашибди. Волий кампирни кўргач, ундан:

— Ҳа, жодугар, айт-чи, одамларнинг буюми қаерда?— деб сўрабди.

— Қанақа буюмларни айтяпсан, мен ҳеч қандай буюм-суюм кўрганам ҳам йўқ, уларни олганам ҳам йўқ,— дебди. Волий зиндончига: «Ушла буним эртага-ча қамаб қўй!»— деган экан, у: «Йўқ, мен бу бадбахтга қўлимни тегизмайман ҳам, қамамайман ҳам, у жодугарлигини ишлатиб, мени ҳам бир балога гирифтор қилади».— деб туриб олибди.

Волий отланиб, кампир ва унинг тузоғига тушган ўша одамларни олибди-да. Дажла дарёси қирғоғига чиқиб, жаллодларни чақирибди. Улар келгач, кампирнинг сочидан салбга тортиб боғлаб қўйишни буюрибди. Жаллодлар жодугарнинг сочидан боғлаб, галтак билан дорга осишибди. Волий бўлса, ўша ўн кишини унга посбон қилиб қўйиб, уйига равона бўлибди. Ниҳоят, қош қорайиб, кеч кирибди. посбонларни уйқу босибди.

Улар шу ерда мудраб турсин. Энди мана бу қизиқ воқеани эшитинг.

Бир бадавий икки одамнинг гапини эшитиб қолибди. Улардан бири ўртоғига: «Э худо-ей, сениям кўрар кун бор экан-ку! Қаёққа ғойиб бўлдинг?»— деган экан, шериги эса: «Бағдодда эдим, у ерда асал билан қуймоқ едим».— деб жавоб берибди. Шунда бадавийнинг ҳам қуймоқ билан асал егиси келиб: «Мен ҳам албатта, Бағдодга бориб, асал билан қуймоқ ейман»,— дебди, чунки умри бино бўлиб, у ҳали ҳеч асал билан қуймоқ емаган экан. У отига миниб, йўлга тушибди-ю, йўл-йўлакай: «Эҳ қуймоқ, эҳ қуймоқ. Қуймоқ ейдиган кун ҳам бормикин! Улай агар, мен бундан кейин фақат асал билан қуймоқ ейман»,— деб кетаверибди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Етти юз
олтинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб да-
вом этди Шаҳризод,—ба-
давийнинг қуймоқ билан
асал егиси келиб, Бағдод-
га йўл олибди. Шунда у йўл-йўла-
кай ўзича: «Эҳ қуймоқ ейдиган кун
ҳам бормикин! Улай агар, мен бун-
дан кейин фақат асал билан қуй-
моқ ейман»,— деганча, бир вақт
Далилани осиб қўйган жойга ке-
либ қолибди. Далила унинг ўзича
гапириб келаётган сўзларини эши-
тиб олган экан. Шу пайт бадавий
Далиланинг ёнидан ўтиб: «Ҳа, ўзи нима гап?»— деб
сўрабди. «Э араб шайхи, мени қутқар!»— дебди
кампир. «Нега сени шу қўйга солишди?»— деб сўраб-
ди бадавий.

— Менинг бир жувозкаш душманим бор,— дебди
жодугар,— у қатлама, қуймоқ пиширади. Мен бир
нарса олмоқчи бўлиб, ўшанинг олдидан ўтиб қолган
эканман, билмай туфласам, бориб қуймоғига тушиб-
ди. Шу иш бўлди-ю, қолдим балога, жувозкаш ҳоким-
га арз қилди, у мени мана шундай қийнашга буюриб:
«Мен, бу кампирни ўн қадоқ қуймоқ ейишга ҳукм чи-
қариб бераман. Қуймоқни асал билан қўшиб пишира-
сизлар. Кампирни салбга боғлаб қўясизлар, у ўша
жойда ўн қадоқнинг ҳаммасини ейди, агар еб тамом
қилса, қўйиб юборасизлар, еб тугатмаса, салбга тор-
тилганича тураверади, ечиб юбормайсизлар»,— деди.
Улай агар ширинлик томоғимдан ўтмайди.

— Ие, — дебди унинг гапини эшитган бадавий се-
виниб,— мен ўзим қачон асалли қуймоқ ейман деб
ўлиб юрибман-ку, шу деб келяпман, сени қийнамас-
дан ҳаммасини ўзим ейман.

— Қуймоққа тўймоқчи бўлсанг, менинг ўрнимда боғлоқ тур. кейин қуймоқни оғзингга тиқишади, маза қилиб ейсан,— дебди жодугар.

Бадавий жазм қилиб келаётган нарчасига йўлиққанидан хурсанд бўлиб, қуймоқ тамаида жодугар ҳийласига илинибди-да, кампирни ечиб юборибди. Иккови кийимларини алмаштиришиб, кампир ўрнига ўзини салбга торттириб боғлатибди. Бадавийнинг салласини жодугар бошига ўраб олиб, унинг отига минибди-ю, қизи томон йўл олибди. Зайнаб фирибгар онасини кўриб: «Ҳа, бу қанақаси?»—деб ажабланибди. Далила: «Мени салбга тортган эдилар»,—дебди ва бадавий билан бўлган воқеанинг ҳаммасини айтиб берибди. Энди кампир уйда тура турсин. соқчиларга келайлик.

Соқчиларнинг биттаси чўчиб уйғониб. бундай қараса, тонг отибди, лекин шериклари кампирга қараб туриш ўрнига, ҳамон ухлаб ётган эмиш. У дарҳол одамларни уйғотибди. Соқчиларнинг бири: «Далилани олиб келинглар!»—деган экан, бадавий: «Худо ҳақи, мен балила емайман, мен асалли қуймоқ ейман»,—дебди.

Соқчилар ҳайрон бўлишиб: «Бу бадавий-ку!»— дейишибди ва бири унга қараб: «Ҳей, бадавий, Далила қани, уни ким ечиб юборди?»—дебди. «Уни мен ечиб юбордим.—дебди бадавий,— чунки у асалли қуймоқни егиси келмаяпти, ширинликни кўнгли кўтармас экан». Шунда посбонлар бадавий алданганини, бўлган воқеалардан хабарсизлигини тушунибдилар. Улар бир-бирларига бақрайишиб, нима қилишни билмай, бошлари қотиб, бир-бирларига: «Қочиб кетамизми ё бошга тушганини кўрамизми?»—деб туришган экан, қўққисдан жодугар алдаган бир тўда одамларни бошлаб волий келиб қолибди. Волий соқчи-

ларга: «Қани. Далилани келтиринглар-чи!»— деб буюрибди. Бадавий бўлса жонҳолатда: «Мен балла емайман, мен атайлаб асалли қуймоқ егани келяпман!»— деб бақирибди. Волий салбга тикилиб қараса, унда кампир эмас, бир нусханг қурғур бадавий турибди. У сардорга: «Бу нима қилиқ?»— деб ўшқирибди.

— Бир қошиқ қонимиздан кечинг, ҳазратим!»— деб ёлворишибди улар.

— Хўш, нима дейсанлар, гапириб беринглар-чи!»— дебди волий.

— Биз ухламай, пойлаб турган эдик.— дебди улар волийга,— бир маҳал кўзимиз илиниб қолибди, бундай қарасак, салбга тортилган кампир ғойиб бўлибди-ю, ўрнига мана бу бадавийни кўриб турибмиз. Бўлган воқеа шу. Энди нима қилсанг, ихтиёр ўзингда.

— Э одамлар, бу кампир ўлгудай фирибгар экан, ундан ҳар сандаи мўминни худо сақласин!»— дебди волий воқеани эшитгач. Шундан кейин волий бадавийни ечиб юбортирган экан, у волийнинг этагига ёпишиб: «Худонинг ғазабига учрагур, ҳозир менинг отим билан саруполаримни топиб берасан!»— деб туриб олибди. Ҳайрон бўлган волий: «Нима деяпсан ўзинг?»— деб сўраган экан, у бўлган гапни айтиб берибди. Волий таажжубга тушиб: «Нега сен уни ечиб юбординг?»— деган экан, бадавий: «Мен унинг алдаётганини қаёқдан билай».— дебди. Кампир ҳийласига йўлиққанлар: «Э волий, буюмларимизни сен топиб берасан, топиб бермаганинга қўймаймиз. Биз сенга уни тутиб берсагу, сен уни қўйиб юборсанг, ҳозир тўлаб берасан нарсаларимизни, йўқса, халифа олдига арз қилиб борамиз».— дейишибди.

Амир Ҳасан Шарруттариқ девонга келса, у ерда

волий, бадавий ва ўша жодугар ҳийласига дучор бўлган беш киши юрганмиш. Улар халифанинг ҳузурига кириб: «Бизга зулм қилишди»,— дейишибди. Халифа: «Қим зулм қилди?»— деб сўрабди. Уларнинг ҳар бири олдинроққа чиқиб, бошига тушган мушкулни гапириб берибди. Ниҳоят, навбат волийга келган экан, у:— Э амир ал-мўминин, гарчи булар ҳурозод бўлсалар ҳам, жувонмарг бўлгур жодугар бешовини хотинимга минг динорга сотиб кетибди,— дебди.

— Хўп майли, нима йўқотган бўлсаларинг, ҳамма сини мен тўлаб бераман.— дебди халифа,— лекин сен волий, кампирни менга тутиб берасан.

— Йўқ, илло-билло мен бу ишни бўйнимга олмайман,— дебди волий ёқасини ушлаб,— уни салбга тортиб қўйганимда фирибгарлигини ишлатиб, ўз ўрнига буни боғлаб, кийимларини кийиб, отини миниб кетибди, у мени ҳам бир балога гирифтор қилади.

— Бўлмаса, бу ишни бошқа одамга топширайми?»— деб сўрабди халифа жаҳл билан.

— Э, амир ал-мўминин,— дебди волий ялиниб,— буни Аҳмад Данаф бўйнига қўя қол, ўзиям ҳар ойга минг динордан маош олади. Бундан ташқари, Аҳмад Данаф қўл остида ойига юз динор мояна оладиган одамлари бор. Халифа: «Э Аҳмад сардор!»— деган экан, у: «Лаббай, амир ал-мўминин»,— дебди. Халифа: «Сен Далила жодугарни тутиб, ҳузуримга олиб келасан, фармоним шу!»— деган экан, у: «Жоним билан, ҳазратим, мен уни судраб келганим бўлсин!»— дебди. Шу билан халифа ўша беш киши ва бадавийни ўз ёнида олиб қолибди. Аҳмад Данаф эса жодугарни тутиш тадорикига киришибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Етти юз
ештинчи кеча*



й. саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— халифа Аҳмад Данафга кампирни тутиб келишни тайинлаган экан у: «Жоним билан, э амир ал-мўминин, мен уни судраб келганим бўлсин!»— дебди.

Шундан сўнг Аҳмад Данаф ўз одамлари билан бир уйга кириб, кампирни қандай ушлаш тўғрисида маслаҳат қила бошлабди. Ахир, шаҳарда сон минг кампир бор-да!

Аҳмад Данаф одамларидан Али Катф Жамол деган киши унга: «Ҳасан Шовмандан нега маслаҳат сўраяпсизлар, ким бўлибди у? Осмондан тушибдимики!»— деган экан, унинг гапи Ҳасанга нашъа қилиб кетибди, у: «Ҳе, Али, сен мени ҳақорат қилдинг! Худо ҳақи, бу гал мен сизларга шерик бўлмайман»,— дебди.

Ҳасан Шовман жаҳли чиқиб, жўнаб қолибди: Аҳмад Данаф бўлса: «Қани, йигитлар, ҳар бошлиқ ўнтадан одам олиб, кўчама-кўча Далилани қидиришга бораверсин»,— дебди.

Али Катф Жамол ҳам ўнбоши бўлиб, ўн кишини эргаштириб, йўлга тушибди, бошқалар ҳам шундай қилибди; ҳар бир тўп биттадан маҳаллага бориб кампирни қидира бошлашибди. Улар тарқалишмасдан олдин: «Ҳаммамиз фалон маҳалла, пистон кўчадаги чорраҳада учрашамиз,»— деб, келишиб олишган экан.

Шаҳарда: «Аҳмад Данаф, Далила жодугарни тутгани чиққан эмиш, тутиб халифага элтар эмиш»,— деган миш-миш гап тарқалибди. Бу гап Зайнаб фирибгарнинг қулоғига чалиниб қолибди. «Э она,— деб-

ди у шунда,— ҳақиқий устмонлигингни кўрсатмоқчи бўлсанг, шу Аҳмад Данафни ҳам одамлари билан бир йўлдан ур!». «Э қизим, мен фақат Ҳасан Шовмандан кўрқаман, холос»,— дебди кампир. «Бош-кўзим ҳақи, мен сенга ўша қирқ бир кишининг кийим-кечагини олиб бераман»,— дебди Зайнаб.

Зайнаб фирибгар шундай дебди-ю, саруполарини кийиб, чодирини ўраб, бир атторнинг олдига келибди. Атторнинг икки эшикли бир уйи бор экан. Зайнаб у билан саломлашиб, унга бир динор пул берибдида: «Мана шуни олгину, уйингни кечгача ижарага бериб тургин»,— дебди. Аттор уй калидини берибди. Зайнаб киракаш эшагига гилам ортиб келиб тўшабди, уйларни безабди, ҳар жой-ҳар жойга дастурхон ёзиб, ноз-неъмат, таому ичимлик қўйибди. Ҳаммасини тахт қилиб, ўзи эшик олдида юзини очиб ўтирган экан, шу пайт бирдан ўнбоши Али Катф Жамол ўз одамлари билан ўтиб қолибди. Зайнаб дик этиб ўрнидан турибди-ю, қўлини ўпибди, Али қараса, чиройлиқкина, малоҳатли хотин, унга ёқиб қолибди. Али хотинга: «Нима дардинг бор?»— дебди. Зайнаб: «Сен Аҳмад Данафнинг сардоримсан?»— деб сўрабди. Али: «Йўқ, унинг одамларидан бириман, отим Али Катф Жамол»,— дебди. «Йўл бўлсин?»— дебди у.

— Биз бир жодугар кампирни қидириб юрибмиз,— дебди Али,— ўлигинг чиққур, бировларни алдаб, буюмларини олиб кетганмиш, ўша кампирни тутмоқчимиз. Хўш, сенинг нима ишинг бор, ўзинг кимсан?

— Менинг отам Мўсул шаҳрида майфуруш эди,— дебди Зайнаб Алига,— отам ўлиб, ундан кўп молдунё қолган эди. Ҳокимлардан кўрқиб, шаҳримда турмай, бу ерга келиб қолдим. Одамлардан, мени ким ҳимоя қиларкин, деб сўрасам: «Сени Аҳмад Данафдан бўлак ҳеч ким ҳимоя қилолмайди»,— дейишди.

— Ҳозирдан бошлаб сен унинг ҳимоясига ўтасан,— дейишибди Алининг одамлари.

— Марҳамат қилиб бир дамгина ором олсанглар,— деб туриб олибди Зайнаб,— оз-моз ноз-неъматдан еб, бир пиёладан чой ичсанглар, ўла-ўлгунимча миннатдор бўлардим.

Одамлар рози бўлишгач, Зайнаб уларни уйга бошлаб кирибди; улар еб-ичишибди, фирибгар уларнинг таомига банж аралаштирган экан, уларнинг бошлари айланиб, карахт бўлиб қолишибди. Дарҳол ҳаммасининг эгни-бошини ечиб олибди. Зайнаб буларга ишлатган фирибгарлигини бошқа тўдаларга ҳам ишлатибди.

Аҳмад Данаф бўлса, шаҳар бўйлаб юра-юра, Далила жодугарни қидирибди. Лекин уни ҳеч ердан тополмабди. Аксига олиб у, ўз одамларини ҳам тополмасмиш. Ниҳоят, у кампирни ахтариб юриб, ҳалиги гўзалга дуч келиб қолибди. Зайнаб дарҳол Аҳмаднинг қўлини ўпибди. Буни кўриб у шу заҳотиёқ унга ошиқ бўлиб қолибди. Фирибгар: «Сардор Аҳмад Данаф сенмисан?»— деб сўрабди. Аҳмад: «Ҳа, ўзинг кимсан?»— дебди.

— Мен Мўсулдан келган ғариба — мусофирман,— дебди Зайнаб,— отам майфуруш эди, вафот этиб, менга анча-мунча мол-дунё мерос қолган эди, мен ўша ернинг ҳокимларидан хавфсираб, мол-дунём билан бу шаҳарга келиб, дўкон очган эдим, волий менга кўп солиқ солди, шундан мени ҳимояннга олсанг, ўша пулларни волий олгандан кўра, сен олганинг яхшироқ.

— Волийга бир мири ҳам берма,— дебди Аҳмад Данаф Зайнабнинг гапини эшитиб,— сени ўзим ҳимоя қиламан.

— Худо кайрингни берсин, уйимга бирпасгина

кириб, ҳозирлаган таомимдан есанг, кўнглим тоғдай кўтариларди,— дебди.

Шундай қилиб, Аҳмад Данаф ҳам фирибгарнинг тузоғига илинибди. Бир оз овқат еб, шаробдан ичибди-ю, боши айланиб, шилқ этиб, ўтирган жойига йиқилибди. Зайнаб буни ҳам маст-аласт қилиб, кийим-бошини ечиб олибди. У ҳамма кийимларни бадавийнинг отига, киракашнинг эшагига ортибди-да, Ал Катф Жамолни уйғотиб, жўнаб қолибди.

Али чўчиб уйғонса, қип-яланғоч ётганмиш. У ёқ-бу ёққа зеҳн солса, ҳамма одамлар, Аҳмад Данафнинг ўзи ҳам маст-карахт бўлиб, кийим-кечасиз қип-яланғоч юмалаб ётибди. Али Катф Жамол киши димоғидан банж таъсирини кетказадиган дори ҳидлатиб, ҳаммасини уйғотибди. Улар ўзларини яланғоч ҳолда кўриб, таажжубда қолибдилар. Аҳмад Данаф: «Э йигитлар, нима бўлди ўзи? Биз кампирни тутамиз деб чиқиб, ўзимиз бадбахт тулнинг тузоғига илиниб ўтирибмиз. Буни Ҳасан Шовман эшитиб қолса, оғзи қулоғига етиб, ўлгудай устимиздан кулади. Энди кечгача сабр қилиб турамиз, қош қорайгач, кетамиз»,— дебди.

Булар ҳадеб келавермагач, Ҳасан Шовман бориб назоратчидан: «Одамлар қани?»— деб сўраб турганида, бирдан тапур-тупур яланғоч одамлар кириб кела бошлабди. Буларни кўриб Ҳасан Шовман шу икки байт шеърни ўқибди:

Кишилар бир-бирига ўхшайди мутлақ,
Келишда улар бир, кетишига боқ.
Нодон, билимдонлар бор орасида,
Кўкда ҳам юлдузлар хира, ярқироқ.

Ҳасан уларни кўриб: «Хўш, нима гап, сизларни ким ечинтирди?»— деб сўрабди.

— Биз ўша кампирни тутмоқчи бўлиб юрган эдик, бир гўзал хотин пешвоз чиқиб, бошимизни айлантириб шу кўйга солди,— дейишибди улар.

— Жуда бошлабди-да,— дебди Ҳасан.— Сен, Шовман, ўша гўзални танийсанми?— деб сўрашибди улар.

— Хўш, энди халифага нима дейсизлар?— дебди кишилар уларга.

— Униям, кампирниям танийман,— дебди Ҳасан уларга. Улар ҳайрон бўлиб турганда Ҳасан Шовман ошнаси Аҳмад Данафга маслаҳат бериб:

— Халифанинг олдига боргин-да, бу ишни эплол-маслигингни айтиб, бўйнингдан соқит қил,— дебди. Шунда халифа: «Жодугарни ким тута олади?»,— деб сўраса, сен: «Мен билмайман, Ҳасан Шовманнынг бўйнига қўйгин-чи, эҳтимол, у ушлаб келар»,— дейсан. Агар халифа менга юкласа, мен, албатта тутиб келаман.

Шу билан ҳаммаси тунашиб, тонг ютгач, халифа девонига келиб, ер ўпишибди. Халифа: «Ҳа, Аҳмад сардор, кампир қани?»— деб сўраган экан, Аҳмад Данаф ёқасини ушлаб тавба-тазарру қилибди. Халифа: «Хўш, нима гап ўзи?»— дебди.

— Мен тополмадим,— дебди Аҳмад.— Ўзим уни танитайман, лекин Ҳасан Шовманга буюрсанг, тутиб келар, чунки, у ўзини ҳам, қизини ҳам яхши билар экан. Ҳасан менга айтди: Далила жодугар одамларнинг молини бекордан-бекорга алдаб олиш учун эмас, балки ўзининг устомонлигини, қизининг тадбиркорлигини билдириш учун шундай қилган эмиш. Кампирнинг мақсади эрининг маошини олиш эмиш. Қизига ҳам отаси қанча олган бўлса, ўзига шунча ойлик тайин қилинишини истар эмиш.

Шундай қилиб, халифа бу ишни Ҳасан Шовманга топширибди. Шовман, кампирни олиб келишга ваъда

берибди ва ўрдага келтирилгач, уни ўлдирмасликни илтимос қилибди. Халифа:

— Ота-боболар ҳақи, агар кампир одамларнинг буюмларини қайтариб берса, смон қолдираман, у сенинг тахти-ҳимоянгда бўлади,— дебди.

— Бўлмаса, э амир ал-мўминин, менга омонлик рўмолини бер, унга кўрсатай,— дебди Ҳасан.

— Бўлди, у сенинг ихтиёрингда,— дебди халифа ва Шовманга омонлик рўмолини берибди.

Шовман рўмолни олиб кўчага чиқибди-да, тўппатўғри Далиланинг уйига бориб, уни чақирган экан, қизи Зайнаб чиқибди. Ҳасан ундан: «Онанг қаерда?»— деб сўрабди. Қизи: «Болохонада»,— деб жавоб берибди. Шовман: «Онангга айт, одамларнинг буюмларини бериб, ўзи мен билан халифанинг олдига борсин. Халифадан омонлик рўмолини олиб келдим. Яхшиликча бормаса, ўзидан кўрсин»,— дебди.

Буларнинг гапини эшитиб, кампир пастга тушибди ва омонлик рўмолини бўйнига боғлаб олибди-да, одамларнинг нарсаларини киракашнинг эшагига, бадавийнинг отига ортиб берибди. Шунда Шовман унга:

— Энди менинг сардорим билан унинг одамларининг кийими қолди,— дебди.

— Исми аъзам ҳақи, мен уларни ечинтирган эмасман!— дебди. Далила.

— Гапинг тўғри, бу иш қизинг Зайнабнинг кариомати, у сенга ўзини кўрсатди-да!— дебди Шовман.

Шундан сўнг, Шовман, халифа девонига томон йўл олибди. Кампир ҳам бирга борибди. Ҳасан халифага таъзим қилиб, одамлар буюмини, кейин Далилани кўрсатибди. Халифа жодугарни кўрган замонни жаҳли чиқиб: «Дарҳол уни ўлим тўшаги — қонли

гиламга ўтқазинглар»,— деб буюрибди. Далиланинг жон-пони чиқиб:

— Э Шовман, мени ўзинг ҳимоя қилиб, асраманг бўлмайди!— дебди.

Ҳасан Шовман эса халифанинг қўлини ўпиб:

— Ҳазратим, сен унинг гуноҳини кечиб, афв этган эдинг-ку!— дебди.

— Майли, сен олий ҳиммат қилдинг, энди ихтиёрингда бўла қолсин!— дебди халифа юмшаб, ва: «Ҳей, кампир, берироқ кел, отинг нима?»— дебди.

— Отим Далила,— дебди кампир.

— Ростдан ҳам сен ўлгудай жодугар, ўта фирибгар экансан,— дебди у.

Шу-шу одамлар, уни Далила Жодугар деб атай бошлабди.


— Хўш, Далила, сен нега бу фирибгарликни ишлатиб, одамларни ваҳимага солдинг?

— Мен бу ҳийла-найрангларни одамларнинг буюмларини олиш учун қилганим йўқ,— дебди Далила,— лекин Аҳмад Данафнинг Бағдод шаҳрида кўрсатган устмонлигини, Ҳасан Шовманнинг найрангларини эшитиб: «Қани, мен ҳам ўшалар қилган ҳийлаларни ишлатиб кўрай-чи»,— дедим, холос. Лекин, асл ниятим бу эмас. Мана, ҳатто одамларнинг буюмларини қайтариб бердим.

Бунинг гапини эшитиб, киракаш ўрнидан туриб:

— Худоё худовандо, шарият урсин сен манжалақини, эшагимни олганинг етмасмиди, яна мағриблик сартарошга бўҳтон қилиб, иккита соппа-соғ тишимни суғуртирдинг, бунинг устига, иккала жағимни куйдирдинг...— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Етти юз
саккизики кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб да-
вом этди Шаҳризод,—
киракаш ўрнидан туриб:
«Худоё худовандо, ша-
рият урсин сен манжалақини, эша-
гимни олганинг етмасмиди, яна
сартарошга бўҳтон қилиб, иккита
соппа-соғ тишимни суғуртириб таш-
латдинг, бунинг устига, иккала
жағимни куйдирдинг»,— дебди.

Халифа амр қилиб, эшакчи ва
бўёқчига юз динордан бердириб-
ди-да, уларга: «Бўлди, тирикчили-
гингни қилаверларинг, сен, бўёқчи, бориб дўконинг-
ни оч!»— дебди. Улар халифани дуо қилиб, уйларига
кетишибди. Бадавий бўлса от ва кийим-бошини
олиб: «Энди Бағдодга кириб асал билан қуймоқ
ейиш менга ҳаром»,— дебди-да, кетига қайтиб ке-
тибди.

Азият чекканларнинг ҳаммаси ўз буюмларини
олиб, уйларига тарқалибдилар. Шундан сўнг халифа
Далилага:

— Хўш, Далила, сен ҳам мендан бирор нарса сў-
ра!— дебди.

— Отам мактубларингни юборадиган амалдор
эди,— дебди Далила унга,— мен хабарчи кәптарла-
рингни боқардим, эрим Бағдоднинг каттакон сардо-
ри эди, мен энди эримнинг маошини олиб турсам, қи-
зимнинг ҳам отаси олганча ойлик олгиси бор.

Халифа уларга истаган миқдорда маош тайин-
лабди. Кейин Далила халифага:

— Мен сендан бир нарса сўрайман: лозим кўр-
санг, мен меҳмонхонанг дарвозабони бўлсам,— дебди.

Халифа савдогарлар яшайдиган учта данғилла-

ма меҳмонхона қурдириб, меҳмонхона ихтиёрига қирқта қул ва қирқта ит берибди. Халифа буларни Сулаймон шоҳдан олиб келган экан, кейин у итларга ҳалқа ясаптибди. Меҳмонхонада бир ошпаз қул бўлиб, у барча қулларга ёвғон ош, итларга эса гўшт пишириб берар экан.

— Далила, мен сени меҳмонхонага нозир қилиб тайинлайман,— дебди халифа,— агар бирор нарса йўқолса, сенинг бўйнингда бўлади.

— Бўпти,— дебди Далила,— лекин қизимни қаср четидаги дарвоза ёнига кўчиб келишига ижозат бер, чунки каптарлар кенг жойда боқилса, яхши бўлади, мен танлаган жойим жуда кўнгилдагидай.

Далиланинг гапи халифага маъқул тушиб, ўшандай қилишга фармон берибди. Зайнаб ўзининг барча буюмларини олиб, ўша жойга кўчибди. Кампир қирқта хат ташийдиган қуш олиб боқа бошлабди. Зайнаб бўлса, маст қилиб ечинтирган қирқ киши ва Аҳмад Данаф уст-бошини қасрга осиб қўйибди.

Халифа амр қилиб, Далилани қирқбоши қилиб тайинлабди ва қулларни унга итоат қилишга даъват этибди. Шу билан кампир ўзига маскан қилиб, дарвоза ортини танлабди. У ҳар кун иш юзасидан девонга, баъзи вақтда халифа ҳузурига кириб, бирон мамлакатга хат юборадими-йўқми билиб, кун бўйи қолиб кетаверибди. Қирқ қул эса меҳмонхонани қўриқлаб ётишибди. Кун оғиб, тун киргач, қўриқлаш навбати итларга қолиб, Далила уларни бўшатиб юборадиган бўлибди. Далила жодугар билан Бағдодда бўлган воқеа мана шу экан. Далила шу ерда қирқбошилиқ билан банд бўлиб турсин, энди Али Зиъбақ Мисрий ҳикоясини эшитинг.

Али Зиъбақ Мисрий тегирмонга тушса, бутун чиқадиган, ўтакетган учар, ўлгудай айёр одам экан.

Бу одам Мисрда девонбоши бўлиб турган Салоҳ Мисрий деган киши даврида ўтган экан. Салоҳ Мисрийнинг қирқ нафар одами ўша Али чаққон ёлғончини қўлга тушириш учун алланима бало ҳийлаларни ишлата бошлабди. Лекин у ҳеч тузоққа илинмабди. Алини шартта ушлаб олишар экану, бироқ у симобга ўхшаб сирганиб қочиб кетар, ҳеч тутиб туришолмас экан. Шу сабабдан уни Али Симоб — Зиъбақ деб атай бошлашибди. Кейин-кейин Симоб унинг лақаби бўлиб, ҳамма уни миср Симоби — Зиъбақи Мисрий дейдиган бўлишибди.

Кунлардан бир куни Али чаққон ўрдада, ўз одамлари орасида ўтирган экан, юраги сиқилиб, ҳеч чидаб туролмабди. Унинг бу ҳолини кўрган назоратчи: «Нима бўлди, оға, диққатинг ошиб кетган бўлса, шаҳарни бир айланиб кел, кўнглинг ёзилиб, ғам-ғуссанг арийди; агар бозор гомонларни кезсанг, яна яхши, енгил тортасан»,— дебди. Али шаҳар кезгани чиқибди, лекин аксига олиб юраги баттар сиқилиб, тоқати тоқ бўлаверибди.

Али шаҳар кезиб юриб майхона ёнидан ўтиб келибди, шунда ичида: «Ўтириб, бир ичмайманми!»— дебди-ю, ичкарига кирибди. Қараса, одамлар етти саф бўлиб ўтирибди. У майфурушни чақириб: «Менга алоҳида жой керак, якка ўзим ўтирмоқчиман»,— дебди. Майхона эгаси унинг ўзини бир хонага жойлаштириб, май келтириб берибди. Али бўлса роса ичибди, азбаройи кўп ичганидан лаблари осилиб, кўзлари қисилиб кетибди.

Кейин у майхонадан чиқиб, шаҳарни айлана бошлабди, майдонма-майдон, кўчама-кўча юриб, ниҳоят, Қизил хиёбонга етибди. Бу ердаги одамлар эса унинг вожоҳатидан ҳайқишиб, четлана бошлашибди. Али бўлса гандираклаб-гандираклаб бепарво кетавериб-

ди. Бир маҳал унинг кўзи сувфурушга тушиб қолибди. У бир кўзага сув солиб: «Чўллаганнинг давоси бу» дея ҳожат чиқарар ва: «Оби раҳмат, жаннат суви бу!»— деб мақтаб шундай хониш қилаётган эмиш:

Кишмиш майидин яхшиси йўқ,
Севгили ёр васлидин —
Баҳра олмай ким қолибдир,
Мардуми илм аҳлидин.

Али унинг гапини эшитиб: «Ҳей, чол, берироқ кел; сувингдан ичай»,— дебди. Сувфуруш унга, бошдан оёқ разм солибди-да, кўзани тутқазибди. Али кўзанинг ичига боқибди-да, сўнг тўнкариб, тўкиб юборибди. Сувчи буни кўриб: «Сув ичмасмидинг?»— деб сўраган экан, у: «Қуй, ичаман!»— дебди. Сувфуруш кўзани бошқатдан тўлдирибди, Али уни олиб, яна тўнкариб, сувини тўкиб юборибди. Учинчи бор ҳам шундай бўлибди. Шунда сувчи: «Агар сув ичгинг келмаса, мен кетай, нима қиласан мени овора қилиб!»— дебди. «Қуй сувни, ичаман!»— дебди Али. Сувчи мешини олиб яна кўзани тўлдирибди, Али уни ичибди-да, сувчига бир динор берибди. У пулни назар-писанд қилмай: «Э йигит, худойи таоло сени пурнеъмат қилсин! Бировларга хор туюлган нарса ўзгаларга азиздир»,— дебди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Буни эшитган синглиси: «Эй опагон, ҳикоянг жуда ҳам ажойиб экан»,— дебди.

— Агар шоҳим мени тирик қолдирсалар, эртага бундан ҳам ажойиб ҳикоя айтиб берардим,— дебди Шаҳризод.

Буни эшитган шоҳ: «Ҳикоясининг давомини эшитгунча ўлдирмай тура турай»,— деб ўйлабди.



*Етти юз
тўққизинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб да-
вом этди Шаҳризод,—
эшитишимга қараганда,
Али чаққон сувфурушга
бир динор берган экан, у пулни
назар-писанд қилмай: «Э йигит, ху-
дойи таоло сени пурнеъмат қилсин!
Бировларга хор туюлган, ўзгалар-
га азиздир»,— дебди.

Али чаққон бўлса сувфурушга
яқинлашиб, унинг ёқасидан ўшлаб.
ўткир тигли икки ёқлама ханжари-
ни суғурибди. Бундай ҳолаг ҳақи-
да бир шоир қуйидаги икки байтни айтган экан:

Ханжар сол, тап тортма ҳеч бир инсондан,
Қўрқ фақат қаҳр этса худо осмондан,
Емон, паст табиат бўлма ҳеч қачон,
Яхши бўл, дил халос бўлур армондан.

Кейин Али чолга қараб:— Э қария, мен билан
тўғрилиқча гаплаш! Ғиди-биди қилма, битга ме-
шинг жуда борса, икки дирҳам туради, мен тўкиб
юборган уч кўза сувингни ўлчаса, бир ритл чиқа-
ди,— дебди. Сувфуруш: «Рост»,— дебди. Али унга
дўқ уриб:

— Мен-ку сенга олтин динор бердим, нега сен
мени менсимаяпсан? Сен мендан ҳам шижоатли ва
кароматли кишини кўрганмисан?— дебди.

— Эҳ-ҳа,— дебди сувфуруш кулиб.— Албатта сен-
дан шижоатли-ю, кароматли одамни кўрганман, хо-
тинлар қанчадан-қанча довьоракни туғар-ку, лекин
мен кўргандай баҳодир, сахий одам ҳали-вери дунёга
келмас.

— Қани, мендан шижоатлироқ ва кароматлироқ ким бор экан дунёда?— деб сўрабди Али унинг гапига қизиқиб.

— Мен сенга айтсам, бир ажойиб воқеа бўлган эди,— дебди сувфуруш,— отам Мисрда сувфурушларнинг шайхи эди, ўлгандан кейин менга беш туя ва хачир, бир дўкон ва бир уй мерос қолди. Лекин, фақир кишининг ҳеч кўзи тўймайди, кўзи ўлганда тўяди. Шунда ўзимча Ҳижозга бормайманми, деган хаёлга бордим. Туя карвон туздим, бировлардан олавериб, ниҳоят, беш юз динар қарз бўлибман. Буларнинг ҳаммасини сарф қилиб, ҳаж қилдим. Кейин ўзимча, энди Мисрга қайтсам, одамлар қарзини қис-таб, қозига судрар, пулни топиб бермасам, қамаб қўйишар, деган фикрга келдим. Шундан сўнг Шом мамлакатига йўл олдим ва Халаб шаҳрига кириб бордим, Халабдан Бағдодга келдим. Шунда Бағдод сувфурушлари шайхини суриштирган эдим, кўрсатишди ва мен унинг ҳузурига кириб, дуо қилдим. Шайх мендан ҳол-аҳвол сўради, мен воқеани бошдан-оёқ гапириб бердим.

Шайх мени бир дўконга бошлаб бориб, бир мени ва бошқа зарур нарсаларни олиб берди. Шу-шу мен худонинг берган куни кўчама-кўча тентираб, сув сотиб юрдим. Бир гал мен бир кишига кўза тутган эдим, у: «Қорним оч бўлгандан кейин сувни қаёғимга ичаман, мени бугун бир хасис одам чорлаган эди, уйига борсам, олдимга икки кўза сув келтириб қўйди. Шунда мен унга: «Э хасис, сен бир егулик бердангми, жуда гапни чортанг қилиб, ичгулик беряпсан?»— дедим. Шу сабабдан, сен сувчи, сабр қилиб тур, мен бирор нарса еб олай, кейин сувингдан ичарман»,— деди.

Кейин мен бошқасининг олдига бордим, у менга:

«Худо ризқингни берсин!»— деди. Шу тариқа тушга-ча тентираб юрдим, лекин ҳеч ким сув ичмади ҳам, менга бир дирҳам бермади ҳам. Ўзимга ўзим: «Эҳ, аттанг, Бағдодга келмаганимда, ҳолим хароб бўлмас эди!»— дедим. Бир маҳал қарасам, ғала-ғовур, одамлар қаёққадир чопиб кетяпти. Мен ҳам уларнинг кетидан шаҳиди карбало бўлиб чопдим. Қарасам, одамлар иккитадан бўлиб сафга тизилишиб олишибди; бошларида дўппи-ю, бўрк, эгниларида эса бурнус, чакмон. Беллари пўлат занжир билан боғланган эди.

Мен бир одамдан: «Бу қанақа жамоа?»— деб сўрадим, у киши: «Аҳмад Данаф сардорнинг одамлари»,— деди.

— У қанақа одам ўзи, амали нима?— деб сўрадим.

— Аҳмад Данаф Бағдод шаҳри ва девоннинг сардори,— деди,— у киши қуруқликнинг назоратчиси, халифадан ҳар ойига минг динор ойлик олади. Унинг одамлари эса юз динордан маош олади. Ҳасан Шовман ҳам минг динор мояна олади. Ҳозир улар девондан аскархонага кетишяпти. Шу пайт Аҳмад Данаф мени кўриб қолиб:

— Ҳей чол, берироқ кел, сувингдан ичайлик!— деди. Мен мешдан кўзани тўлдириб узатдим, лекин у ичмай, кўзани тўнкариб, сувини ағдариб юборди. Иккинчи бор, учинчи бор кўзани тўлдириб бердим, лекин тўртинчи мартасида бир қултум ичиб, сенга ўхшаб: «Ҳа, сувчи, қаердансан?»— деб сўради. Мен унга: «Мисрданман»,— деб жавоб бердим. Аҳмад Данаф: «Миср ва унинг одамларини худо асрасин! Хўш, нима сабаб бўлиб бу шаҳарга келиб қолдинг?»— деб сўради. Мен унга кечмишимни ҳикоя қилиб бердим. Гап орасида қарз бўлиб қолганимни, Мисрга боришга юзим бўлмаётганини қистириб кет-

дим. Гапимни эшитиб: «Ундай бўлса, марҳамат қил!»— деди ва менга беш динор берди Кейин одамларига: «Худо йўлига деб, бу кишига эҳсон қилинглар!»— деди. Шу билан уларнинг ҳар бири бир динордан беришди. Аҳмад Данаф менга: «Э шайх, хафа бўлма, Бағдодда бўлган кезларингда бизга қанча сув ичирсанг, шунча динор олиб тураверасан»,— деди.

Кейин мен уларнинг олдига бориб-келиб турдим, ҳайр-садақа ҳам тушиб турди, бир неча кундан сўнг санаб кўрсам, минг динор бўлибди. Шунда ўзимга ўзим: «Энди юртингга кетсанг ҳам бўларди»,— дедим.

Мен ўрдага бориб Аҳмад Данаф қўлини ўпган эдим, у: «Хўш, нима дардинг бор?»— деб сўради. Мен: «Кетиш ниятида эдим»,— деб, шу икки байтти ўқидим:

Мусофирнинг ўзга юртда тургани —
Худди бир шамолдан қаср қургани
Олиб кетар барча қурганин шамол,
Яхшиси юртига йўлин бургани.

«Карвон Мисрга жўнамоқчи, мен юртимга кетмоқчиман, оиламни соғиндим»,— дедим. У менга бир ҳачир ва юз динор берди-да: «Э шайх, биз сенга бир омонат иш топширмоқчимиз. Сен Миср аҳлини яхши танирсан?»— деди. Мен: «Ҳа»,— дедим...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Буни эшитган сингlisi: «Эй, опагон, ҳикоянг жуда ҳам ажойиб экан»,— дебди.

— Агар подшоҳим мени тирик қолдирсалар эртага бундан ҳам ажойиб ҳикоя айтиб берардим,— дебди Шаҳризод.

Буни эшитган шоҳ: «Ҳикоясининг давомини эшитмагунча ўлдирмай тура турай»,— деб ўйлабди.



*Етти юз
ўнинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— сувчи ўз саргузаштини давом эттириб шундай

дебди:

Аҳмад Данаф менга бир хачир ва юз динар берди: «Э шайх, биз сенга бир омонат иш топширмоқчимиз. Мисрликларни яхши танийсанми ўзинг?»— деди. Ҳа, танийман»,— дедим. У менга бир мактубни тутқазиб: «Мана бу хатни Али Зиъбақ Мисрийга элтиб бер-

да, унга: «Бошлиғинг сенга салом йўллади, у ҳозир халифа даргоҳида экан, дегин»,— деб тайинлади. Мен хатни олдим у кўп ўтмай, Мисрга етиб келдим. Дарҳол пул олган одамларимга учрашиб, бўйнимдаги қарзларимдан қутулдим. Шундан бери сувчилик қилиб кунимни кўряпман, лекин хатни эгасига элтиб беролмадим, чунки Али Зиъбақ Мисрий ўрдасини билмайман»,— дебди у Алига.

Бир оздан сўнг, Али сувчига ўзини танитибди. Э тавба, буни қаранг-а, рўпарасидан Али Зиъбақ чиқиб қолса-я, Хизирни йўқласа бўлмас эканми?! Шунда сувчи унга:

— Ростдан ҳам сен Али Зиъбақ Мисрийми-сан-а?— деб сўрабди.

— Э шайх ота, хотиринг жам бўлсин, қидиришдан қутулдинг; Аҳмад Данаф йигитларининг сардори, сен айтган ўша Али Зиъбақ Мисрий мен бўламан. Қани, хатни бер!— дебди.

Сувчи хатни унга узатибди. У мактубни очиб, юраги ҳовлиқиб кетибди; дастлаб унинг шу икки байтга кўзи тушибди.

Хат ёзарман сенга, гўзаллар шоҳи,
Шамол элтар хатим қотмай сиёҳи.
Учолса, учарди ёринг ҳам, лекин,
Қаноти қирқилган, йўқдир паноҳи.

«Ушбу хат улуғ ўғлонлардан бўлмиш Али Зиъбақ Мисрийга деб битилди. Мактубни сардоринг Аҳмад Данафдан деб билурсан. Саломдан сўнг етиб маълум бўлсинким, мен Салоҳиддин Мисрийга қасд қилиб, ҳийла-найранг ишлатдим ва уни тириклайин кўмдим, ҳатто унинг йигитлари ҳам менга койил қолишди. Улардан бири Али Катф Жамол ҳозир менинг қўлимда ишляпти. Энди мендан аҳвол сўрасанг, мен Бағдод шаҳрида халифа девонида бошлиқман, мен қуриқликдаги ҳодисаларга назорат қилиб туришим керак. Агар сен ўша иккаламиз келишганимизга рози бўлсанг, отингни қамчилаб келавер. Балки сен ҳам Бағдодда халифа хизматига лойиқ бирор устомонлик кўрсатиб, катта маош оладиган бўлурсан; эҳтимол, сенга ҳам алоҳида қаср қуриб берар, мартабанг ҳам улуғ бўлар, вассалом!»

Али хатни ўқигач, уни ўпиб бўркининг тагига қистириб қўйибди-да, хушxabар келтиргани учун сувфурушга ўн динор ҳадя қилибди. Кейин қасрга кириб бу хабарни ўз йигитларига билдиргач: «Сизларни дастлаб худога, қолаверса бир-бирингизга топширдим!»—дебди. Сўнг ечиниб, эғнига чакмон, бошига тарбуш-қалпоғини кийибди ва йигирма тўрт газли найзани қини билан олибди. Шунда бошлиқ: «Хазина қуп-қуруқ-ку, қандай кетасан?»—дебди. Али: «Шомга борганимдан кейин сизларга етадиган миқдорда пул юбораман»,—дебди ва йўлга чиқибди.

Али сафарга кетаётиб, йўлда савдогарнинг бошлиғига кўзи тушибди. Бундоқ қараса, улар қирқ савдогар экан. Ҳаммаси юкини ортибди-ю, ёлғиз савдо-

гар бошининг юки ҳали ортилмаган экан. Галига разм солса, у шомлик экан. У хачирчиларга ёлвориб: «Барака топгурлар, битта-яримтанг ёрдам бериб, юкимни ортишиб юборларинг!»— дея ялиняпди-ю, лекин улар бошлиқни майна қилишиб, сўкишяпти.

Али ўзича: «Шу савдогар боши билан сафар қилсам яхши бўлар экан»,— деб ўйлабди.

Али ҳали бесоқол, хушрўйгина йигит экан. У савдогарлар бошлиғига яқин келиб, салом берибди, у алик олиб: «Хўш, хизмат?!»— дебди.

— Э амаки,— дебди Али,— қарасам: якка экансан, олдингда қирқ хачирнинг юки, ёрдам берайми, деб келган эдим. Нега ҳаммол ёлламадинг, улар юкингни ортишиб берарди-ку!

— Э ўғлим, мен икки йигитни ёллаб, кийинтирдим, ҳар бирининг киссасига икки юз динордан пул ҳам солиб қўйдим,— дебди у,— улар хонақоҳгача ёрдам беришди-ю, кейин қочиб кетишди.

— Йўл бўлсин, амаки?— дебди.

— Халабга!— деб жавоб берибди савдогар.

— Бўпти, бўлмаса, мен ёрдам бера қолай,— дебди Али.

Шу билан улар юкни ортиб, йўлга равона бўлибдилар. Бошлиқ ҳам бир хачирга миниб жўнабди. Шом карвонбошиси Алини кўриб, унга меҳр қўйибди.

Йўл юриб, ниҳоят, кеч қилишибди, тўхташиб, дам олишибди, еб-ичишибди. Уйқу вақти бўлгандан кейин Али ётиб ўзини ухлаганга солибди. Бошлиқ унинг ёнига ётган экан, Али туриб, ҳў наридаги савдогар чодирини олдига бориб ўтирибди. Додхо кечаси ўғирлиб, Алини қучоқламоқчи бўлса, у йўқ эмиш. Шунда у ўзича: «Балки бугун битта-яримтасига ваъда бергандиру, ўшанинг олдига кетгандир, майли, эртага мен билан бўла қолар»,— деб ўйлабди.

Али бўлса саҳаргача ўша ерда ўтириб, кейин ўрнига келиб ётибди. Бошлиқ уйғониб, ўзича, азонгача унинг қаерларда бўлганини сўрасам, хафа бўлиб, ташлаб кетмасин тағин, деб ўйлаб, индамабди. Шу алфозда Али нуқул бошлиқни алдаб келаверибди, ниҳоят, улар бир ғорга яқинлашишибди. Бу ғорда қутурган шернинг ини бор экан. Ана шу ғор ёнидан ўтаётганда йўловчилар қуръа ташлашар экан, кимга чиқса, ўшани шерга улоқтиришиб, ундан қутулишар экан.

Одатдагидек савдогарлар қуръа ташлашган экан, у савдогар бошлиғига чиқибди. Кўп ўтмай, шер йўлни тўсиб, карвондагиларнинг қайси бири ўлжа тушаркин, деб қараб турибди.

Шерга ем бўлишдан қўрқиб, қайғу-ҳасратда қолган додхо карвонбошига: «Илойим бошинг омон, йўлинг беҳатар бўлсин! Сенга битта васиятим бор: ўлганимдан кейин молларимни авлодимга етказиб берсанг»,— дебди. Буни эшитган Али чаққон: «Нима гап ўзи, нега бунчалик даҳшатга тушиб қолишди одамлар?»— деб сўрабди. Улар Алига воқеани тушунтиришган экан, у: «Шу чўл мушугидан ҳам шунчалик қўрқиб қочасизларми, агар хавф шунинг ўзи бўлса, уни ўлдиришим мумкин»,— дебди.

Карвонбоши савдогарнинг олдига келиб, Алининг гапини айтибди, у: «Агар шерни ўлдирса, мен унга минг динор ҳадя қиламан»,—дебди. Қолган савдогарлар: «Биз ҳам берамиз»,— дейишибди.

Кейин Али чакмонини ечибди, бундай қарашса, чакмон тагида унинг пўлат совути бор экан. У пўлат қиличини шартта қинидан суғуриб, шерга якка ўзи рўпара бўлиб, бақириб ҳамла қилибди.

Шер пишқириб Алига ташланибди. Али Мисрий шер қангшарига қилич билан урган экан, икки бўлак

бўлибди. Қарвонбоши ва савдогарлар, нима бўларкин, деб дағ-дағ титрашганича, кузатиб туришибди. Али карвонбошига: «Қўрқма, амаки!»— дебди. У бўлса: «Э болам, отангга раҳмат, энди мен сенинг қулинг бўлсам арзийди»,— дебди. Савдогар ўрнидан туриб, Алининг пешонасидан ўпиб, унга минг динор ҳадя қилибди, бошқа савдогарлар ҳам йигирма динордан берибди. Али ҳаммасини йиғиб, савдогарга топшириб қўйибди.

Шу билан кеч кирибди, тунашибди, эртаси Бағдодга йўл олишибди ва Йўлбарс қаваги, Итлар водийсига етишибди. Бу жойда бир йўлтўсар бадавий бўлиб, у теварагига қабила одамларини тўплаб, қароқчилик қилар экан.

Уша одам буларга ҳамла қилиб қолибди, карвондагилар тумтарақай қочиб кетишибди. Савдогар бўлса: «Э воҳ, мол-дунё кетди!»— деб куйинармиш. Бирдан Али келиб қолибди-ю, қўнғироқлар осилган терига ўралганича бир қароқчини найза билан қулатиб, унинг отига мингач: «Қани, манман деганинг чиқавер ёй билан!»— деб хитоб қилиб турибди. У бир силкинган экан, қўнғироқлар жиринглаб кетибди, буни эшитган бадавий даҳшатга тушиб, довдираб қолибди. Шу фурсатдан фойдаланган Али найза отиб, уеи йиқитибди-да, қилич билан уриб, калласини узиб ташлабди.

Бу ҳолни кўриб, бадавий одамлари Алининг рўпарасига йиғилишибди. Али бўлса: «Ё пирим!»— деганича, ҳамла қилиб, кўпини қириб, қолганини қочириб юборибди.

Жанг тугагач, Али бадавий калласини найзага санчиб, кўтариб олибди. Савдогарлар унга кўп нарса инъом қилишибди ва Бағдодга омон-эсон етиб келишибди. Али чаққон савдогардан барча пулларини

олиб, карвонбошига топширибди-да: «Мисрга борганингда, менинг ўрдамни сўрайсан ва шу пулларни ўрдабошига топширасан»,— дебди.

Шундан сўнг Али тунабди ва эртаси шаҳарга кириб, одамлардан Аҳмад Данаф ўрдаси қаердалигини сўроқлай бошлабди, лекин ҳеч ким билмасмиш.

Али юра-юра, ниҳоят, Нафз майдонига етибди. Бундай қараса, болалар ўйнаб юрибди. Улар ичида Аҳмад Лақит деган абжиргина бола бор экан. Али: «Шу бола билмаса, бошқа биладиган одам ҳам йўққа ўхшайди»,— деб ўйлабди ўзича.

Али теварагига қараса, ҳолвафуруш юрган экан, у бир қанча ҳолва сотиб олибди-да, болаларни чақирибди. Аҳмад Лақит бошқа болаларни ҳайдаб, Алининг олдига ўзи келиб: «Ҳа, нима дейсан?»— дебди.

— Менинг бир ўлган ўғлим бор эди,— дебди Али,— шу бугун у тушимга кириб, ҳолва сўради, шунга мана буни сотиб олдим. Энди ҳар бир болага бир бўлакдан бермоқчиман,— дебди.

Али Аҳмад Лақитга бир бўлак ҳолва берибди. Бола ҳолвани олиб қараса, унга бир динор ёпишиб турибди.

— Бор, йўлингдан қолма,— дебди унинг жазҳли чиқиб,— мен сен ўйлаган ифлослардан эмасман, менинг кимлигимни сўраб бил!— дебди. «Э ўғлим,— дебди Али,— берганининг бетига қарама, дейдилар, мен шаҳар кезиб, Аҳмад Данаф ўрдасини тополмай юрибман, сўрасам, одамлар, «Билмаймиз»; дейишяпти. Бу динорни сенга бердим. Менга Аҳмад Данаф қароргоҳини кўрсатсанг бўлди»,— дебди.

— Мен олдинда чопиб боравераман, сен кетимдан юравер. Ўша қароргоҳга етганимда дарвозасига оёғим билан тепиб, тош отаман, билиб оласан-қўясан,— дебди.

Аҳмад Лақит шундай дебди-ю, чопиб кетаверибди; унинг кетидан Али ҳам жадаллаб қолибди. Бола бир дарвозага етиб, оёғи билан тош отибди. Шу йўл билангина Али ўрдани топибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Етти юз
ўн
биринчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Али чаққон Аҳмад Лақит кетидан бориб, дарвозани кўргач, болани ушлаб динорни олмоқчи бўлган экан, у тутқич бермабди. Шунда: «Майли, олиб кетавер, арзийди,— дебди у,— чунки сен закий, ақли расо ва шижоатли бола экансан. Худо хоҳлаб халифа саройида бошлиқ бўлиб қолсам, сени албатта йигитларимга қўшиб оламан»,— дебди.

Шу билан бола кетибди. Али Зиъбақ Мисрий бўлса, дарвозани қоқибди. Аҳмад Данаф эшитиб: «Э нозир, дарвозани оч, бу Али Зиъбақ Мисрийнинг тақиллатиши»,— дебди. Нозир дарвозани очибди. Айтганидек Али ичкари кириб, Аҳмад Данафга салом берибди, иккови қучоқлашиб кўришибди. Аҳмаднинг қирқ одами ҳам Али билан кўришибди. Кейин Аҳмад Данаф унга яхши саруполар кийдирибди-да: «Халифа мени бошлиқ этиб тайинлаганда йигитларимга ҳам сарупо кийдирган эди, шунда буни сенга олиб қолган эдим»,— дебди. Аҳмад Данаф Алини иззат-икром қилиб, тўрга ўтқазибди. Таом келтиришибди, ейишибди, шароб келтиришибди, ичишибди, тонг отар базм қилишибди. Кейин Аҳмад Данаф ошнаси Али Зиъбақ Мисрийга: «Бағдодда юрмай, ҳо-

зирча шу уйда тура турасан»,— дебди. Али: «Нега, мен шу хонада ўтириш учун келибманми? Мен ўйнаб-кулгани келганман?»— дебди. Аҳмад Данаф: «Э ўғлим, Бағдод сенга Миср эмас. Бу ерни халифанинг макони Бағдод дейдилар, шаҳарда уддабууро устомонлар кўп, уларнинг уруғи мисоли ёмон ўтга ўхшаб, ҳамма ёқни босиб кетяпти»,— дебди.

Али қароргоҳда уч кун ўтириб қолибди, кейин Аҳмад Данаф унга: «Мен сени халифага таништириб, катта маош тайинлатмоқчиман»,— дебди. Али бўлса: «Ушандай кун қачон келаркин»,— дебди. Шундан сўнг Аҳмад яна уни якка қолдириб кетаверибди.

Кунлардан бир куни ўрдада Алининг юраги сиқилиб, тарс ёрилай деб кетибди, диққати ошиб, ўзича: «Бағдодга чиқиб айланмайманми, бир оз ёзилиб келардим»,— деб ўйлабди.

Шу билан у ўрдадан чиқиб, кўчама-кўча, маҳаллама-маҳалла юриб, шаҳар кезибди. Бозор ўртасида бир ошхона бор экан, у ерга кириб, овқатланиб чиқибди-да, энди қўлини ювмоқчи бўлиб турганда, бирдан чакмон кийган, пўлат қиличли қирқ қулга кўзи тушиб қолибди. Улар иккита-иккитадан сафга тизилиб кетишаётган экан. Уларнинг кетида Далила Жодугар хачирга миниб келаётганмиш. Унинг бошида пўлат қопқоқли олтин дубулға, эгнида совут, булар кампирга жуда ярашибди.

Далила девондан ўз қасрига қайтаётган экан. У Али Зиъбақ Мисрийни кўриб қолибди. Разм солиб қараса, унинг бўй-басти Аҳмад Данафга ўхшармиш, бурнус тўни, пўлат дубулғаси, ёнидаги анжомлари, уни шижоату баҳодирлигидан дарак бериб турганмиш.

Далила қасрга бориб, қизи Зайнаб билан кўришибди-да, фол очиб кўрса, ўша одамнинг исми Али

Мисрий бўлиб, толеи Зайнабдан ҳам баланд экан.

Зайнаб онасидан: «Фолинг нима деяпти»,— деб сўраган экан, у: «Мен бугун Аҳмад Данафга ўхшаган бир йигитни кўрдим. Ушандан эҳтиёт бўлиш керак, тагин у Аҳмад Данаф билан йигитларини счинтирганигни эшитиб қолса, қасрга келиб, қасдини олмас деб қўрқаман. Ҳойнаҳой, у Аҳмад Данаф қароргоҳида турса керак»,—дебди. «Нима қилиш керак? Сен буни пухта ўйлаб кўргандирсан, ахир!»— дебди Зайнаб онасига.

Кейин Зайнаб энг яхши либосларини кийибди-да. ясаниб-тусаниб, шаҳар айланишга чиқиб кетибди. Кўрган одамларнинг унга ишқи тушибди, муҳаббат изҳор қилишибди. У бўлса бирига ваъда бериб, бошқасига қасам ичиб, яна ўзгасининг ошиқи беқарорлигини тинглаб, хуллас, бир чеккадан алдаб кетаверибди. Шу тариқа у бозорма-бозор айланиб юриб, Али Мисрийни кўриб қолибди. Али унинг рўпарасидан келаётган экан, қиз елкаси билан бир туртиб ўтибди-да, унга ўгирилиб: «Аҳли назарнинг умри узоқ бўлсин!»— дебди. Али эсанкираб қолиб:

— Э қудратингдан, мунча чиройлисан! Э пари, қайси боғнинг гулисан?— дебди.

— Сенга ўхшаган олифтани,— деб жавоб берибди.

— Эрга текканмисан, йўқми?— деб сўрабди Али.

— Текканман,— дебди қиз.

— Кимникига борамиз: меникигами ё сеникигами?— дебди Али.

— Мен савдогарнинг қизиман,— дебди Зайнаб,— эрим ҳам савдогар, умрим бино бўлиб кўчага биринчи чиқишим; уйимда овқат пияширган эдим, бир ўзим ҳеч егим келмади, кўчага чиқдим. Сени кўриб, юра-

гим жиз этди-ю, муҳаббатим тушиб қолди. Мен билан ўтириб, бир луқма таомимдан есанг.

— Чақирган ерга бормоқ зарур,— дебди Али. Шундан сўнг Зайнаб олдинга тушиб жўнабди, кетидан Али Мисрий қорама-қора, кўчама-кўча бораверибди. Унинг орқасидан бораётган Али ўзича шуларни ўйлабди: «Нима қиялсан ўзинг, Али? Сен бу ерларда ғариб бир мусофир бўлсанг, ахир ривоятларда айтган-ку: Қимки ғарибликда эгри йўлга юрса, шарманда бўлади, деб. Энди уни силлиқлик билан ўзингдан даф қилгин».

У шу фикрга келибди-ю, хотинга:

— Ма, бу динорни олтину, уйингга киришни бошқа вақтга қолдир!— дебди.

— Исми аъзамлар ҳақи, бормаганингга қўймайман, ҳеч хижолат тортишингнинг ҳожати йўқ, бемаълал яйраб ўтирасан,— дебди.

Али, ноилож яна йўлга тушибди. Юриб-юриб, ниҳоят, баланд равоқли уйнинг дабдабали дарвозасига етиб келишибди. Қиз қараса, лўкидони суриб, эшик тамбалаб қўйилган экан, «Лўкидонни суриб, тамбани ол!»— дебди қиз. «Қалид қани?»— дебди Али. «Йўқолди»,— дебди қиз.

— Қимки эшикни калидсиз очса, жинойткор саналади,— дебди Али.— Ҳоким олдида унинг адабини берадилар. Қалидсиз қандай очаман бу дарвозани?

Зайнаб унга қиё боқиб, юзидаги пардани сал кўтарган экан, Алининг кўзлари ўйнаб, юраги така-пука бўлиб кетибди. Зайнаб пардани лўкидонга ташлаб, бир нарсаларни ўқибди. Шу билан дарвоза очилиб, қиз ичкари кирибди, кетидан Али ҳам кирибди. Али теварак-атрофига қараса, пўлат қилич ва бошқа қурол-яроғлар осилиб турганмиш.

Зайнаб ўз лозимини ечибди-ю, Алининг ёнига ўтирибди. Мисрий ўзича: «Олдин унга бир тегишиб кўрай-чи»,— дебди-да, яноғидан ўпмоқчи бўлиб эгилибди, лекин қиз юзига қўлини тутиб: «Йўқ, шошилма, кайф-сафо фақат кечаси бўлади»,— дебди.

Зайнаб дастурхон ёзиб, таом ва ичимлик келтирибди, иккови еб-ичишибди. Кейин қиз ташқарига чиқиб, қудуқдан сув тортиб, обдастани тўлдирибди-да, келтириб Алининг қўлига қуйибди. Али ювинибди. Шунда қиз бирдан кўкрагига уриб:

— Оҳ, шўрим курсин,— дея йиғлай бошлабди,— эримнинг кўзини беш юз динорга қўйдирган ёқут кўзли узуги бор эди. Бармоғимга сал катталиқ қилса ҳам, мум суриб шуни тақиб чиқа қолувдим, қудуқдан сув оламан десам, узук сирғаниб, бармоғимдан тушиб кетди. Сен тескари қараб тур, мен ечишиб, қудуққа тушиб, узугимни топиб чиқаман.

— Мен туриб сен қудуққа тушсанг, уят бўлар,— дебди Али унга раҳми келиб,— мен туша қолай.

Али Мисрий шундай дебди-ю, ечишиб, белига арқон боғлабди. Зайнаб арқон учини ушлаб, уни қудуққа туширибди. Қудуқ чуқур экан.

— Арқон етмаса керак,— дебди Зайнаб,— сувга етгач, ечиб тушавер, юзага чиққач, яна боғлаб оласан.

Али арқонни ечиб юбориб, бир неча газ пастга шўнғиб кетибди-ю, лекин қудуқ тубига етолмабди. Зайнаб фирибгар бўлса лозимини кийганча, Алининг кийим-кечагини олиб, онасининг олдига жўнаб қолибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Етти юз
ўн
иккикчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Али Мисрий қудуққа тушгач, Зайнаб унинг кийимини олиб, онасининг олдига жўнаб қолибди. Уйига келиб онаси Далилага: «Мен Али Мисрийни ечинтириб, амир Ҳасаннинг қудуғига ташладим. Ундан энди қутулиб бўпти»,— дебди.

Энди Зайнаб шу ерда мақтаниб гурсин, биз амир Ҳасанга келайлик. Зайнаб амирнинг уйига Алини бошлаб келганида, у йўқ, девонда экан. Бир вақт амир Ҳасан уйига келиб қараса, дарвоза очиқ. У отбоқарига: «Нега дарвозани тамбаламадинг?»— дебди. «Э афандим, ўз қўлим билан тамбалаб, лўкидонни бураб қўйган эдим»,— дебди отбоқари. Амир таажжубда қолиб: «Ё тавба, уйга ўғри кирганга ўхшайди»,— дебди.

Амир Ҳасан уйга кириб, у ёққа-бу ёққа разм солиб боқибди, лекин ҳеч ким кўринмабди. Отбоқарига: «Обдастани сувга тўлдириб кел! Таҳорат қилмоқчиман»,— дебди. Отбоқар сатилини олиб қудуққа ташлабди ва сув олиш учун уни тортган экан, сатил бир нарсага илингандай оғир туюлибди. У эгилиб қудуққа қараса, сатилда алланима бало ўтирганмиш. У яна бир сатил ташлабди ва: «Э афандим, қудуқдан бир жин чиқди!»— дебди. Амир Ҳасан: «Ундай бўлса бор, тўртта фақиҳни чақириб кел, қуръон ўқисин, ифрит ғойиб бўлади»,— дебди.

Отбоқар дарҳол фақиҳларни бошлаб келибди, амир Ҳасан уларга: «Қудуқ теварагида туриб ўқинглар, ифрит йўқолсин»,— дебди. Кейин қудуқ бошига

бир қул билан отбоқар келиб, челақ ташлашибди. Шунда Али Мисрий арқонга тармашиб челаққа тушиб олибди. Челақ тамом тортилиб бўлгунча, индамабди-да, юқорига чиққач, бир сакраб фақиҳларнинг ўртасига ўтириб олибди. Улар бўлса: «Ифрит! Ифрит!» деб войдодлашиб, юзларини юлишга тушибди. Амир Ҳасан диққат қилиб қараса, одамга ўхшайди. Кейин ундан: «Сен ўғримисан?»— деб сўрабди. «Йўқ»,— дебди Али.

— Бўлмаса нега қудуққа тушдинг?— дебди амир.

— Ухлаб ётган эдим, ихтилом бўлиб қолибман,— дебди Али,— чўмилиш учун Дажла дарёсига шўнғидим, билмадим, камарга кириб қолибманми, сув ер тагига тортиб кетди, бир маҳал юзага кўтарилган эдим, қарасам, қудуқдан чиқиб турибман. Амир Ҳасан Алига: «Чўпчагингни қўй, ростини айт»,— деган экан, у воқеанинг ҳаммасини айтиб берибди. Амир унга эски-туски энгил-бош кийдириб, уйдан чиқариб юборибди.

Али Мисрий тўппа-тўғри Аҳмад Данаф қароргоҳига борибди-да, ошнасига кўргилигини ҳикоя қилиб берибди. Аҳмад унга:

— Мен сенга айтмабмидим. Бағдодда эркакларни лақиллатадиган хотинлар кўп деб?— дебди таъна қилиб. Шунда Али Қатф Жамол кулиб Мисрийга:

— Қани, гапир-чи, Миср йигитларининг сардори бўла туриб, сени қанақасига хотин киши яланғоч қилиб ечинтирди?— деб гап қотибди. Али қаттиқ изза тортибди ва қилмишига пушаймон қилибди. Аҳмад Данаф унга бошқа кийим-бош келтириб берибди. Шунда Ҳасан Шовман ундан: «Сен бу хотинни танийсанми?»— деб сўрабди. «Йўқ»,— деб жавоб берибди Али.

— Бу халифа қасрининг дарвозабони Далила жодугарнинг қизи — Зайнаб бўлади, яхшилаб таниб ол. Ҳали сен унинг тузоғига тушганмидинг?— дебди Ҳасан. «Йўқ»,— деб жавоб берибди Али. «Хафа бўлма, у қиз бошлиғинг билан унинг йигитларини ҳам счинтириб, кийимларини олиб кетган»,— дебди Ҳасан. «Бу сизлар учун ор эмасми?»— дебди Али унга. «Хўш, нима демоқчисан?»— дебди Ҳасан. «Мен унга уйланмоқчиман»,— дебди Али унга. «Бўлмайди, хаёлингга ҳам келтирма уни!»—дебди Ҳасан. Али қаттиқ туриб:

— Э Шовман, бир ҳийла топ, ўшани ишлатиб, мен унга уйланиб олай»,— дебди.

— Ҳа, ана энди ўзингга келдинг,— дебди Ҳасан Шовман,— агар сен айтганимга кўниб, деганимни қилсанг, маслаҳатим билан кўнглингдаги ниятларингга етасан. «Бўпти»,— дебди Али. «Қани, гапимга кирсанг, кийимларингни еч!»— дебди Ҳасан. Али ечинибди, Ҳасан қорамойга ўхшаган алланарсани қозонда қайнатибди-да, кейин уни Али баданига суркабди. Дам ўтмай Мисрий қопқора занжий қулга ўхшаб кетибди. Ҳасан унинг лаби, яноқларини ҳам қорайтириб, кўзларига қизил сурма сурибди-да, хизматкор кийим-бошини кийдирибди. Шундан сўнг дастурхон ёзиб, олдига кабоб ва шароб қўйиб, шундай дебди: «Хоннинг бир қора қул таббоҳ-ошпази бор, ҳозир сен худди ўша қулга ўхшадинг, у ҳар куни бозордан гўшт билан кўкатлар олгани чиқади. Ўшанинг чиқишини пойлаб туриб, қулларга ўхшаб гаплаш, ҳол-аҳвол сўра-да: «Кўп вақтлардан бери сен билан бўза ичишиб, бир гаплашай, деб юраман, ҳеч қамти келмай-миз»,— дейсан, у албатта: «Жуда бандман, қирқ қулга овқат пишириб, эртаю кеч уларнинг қорнини тўйдириш менинг бўйнимда. Бундан ташқари, итларни боқишим, Далила билан қизи Зайнабга таом тай-

ёрлашим керак, ишим бошимдан ошиб ётибди»,— дейди. Сен туриб олиб: «Юр, ўладиган дунёда бир кабоб еб, бўза ичайлик!»— дейсан ва уни қароргоҳга бошлаб келиб, роса ичириб, маст қиласан. Шунда ундан неча хил таомлар пиширишини, уларни қандай қилиб тайёрлашини сўра. Итларга нима беришини билиб ол. Ошхона, омбор калидларини сўра. Қайф билан ҳаммасини айтиб беради. Кейин банж ҳидла-тиб, беҳуш қилгину, унинг кийимини кийиб, белинга пичоғингни ос, саватини ол. Сўнг тўппа-тўғри бозорга бор-да, гўшт билан кўкатлар ол. Ошхонага кириб, омбордан масаллиқ олиб, керакли овқатларни пишир. Ҳамма нарсани таппа-тахт қилиб, овқатдан олиб қасрга — Далила олдига кир. Лекин унга олдин банж қўшишни унутма. Шу билан ит ҳам, қуллари ҳам, Далила ҳам, қизи Зайнаб ҳам — барчаси банж-ланиб, учиб қолади. Ана шундан сўнггина ичкари кириб, ўша кийимларни олиб келасан. Агар Зайнабга уйланиш ниятинг бўлса, хат ташийдиган хабарчи каптарларини олиб кел!»

Али Мисрий унинг гапини уқиб олгач, кўчага чиқиб, таббоҳ қулни учратибди-да, салом-алик қилиб: «Кўп вақтдан бери сен билан бир бўза ичишиб гап-лашмоқчиману, ҳеч қамти келмаймиз»,— дебди. Таббоҳ: «Менинг вақтим зиқ, қуллар билан итларга овқат пиширишим керак»,— дебди. Лекин Али қаттиқ туриб, уни кўндирибди ва маст қилиб, гапга солибди; неча хил таом тайёрлашини сўраган экан, таббоҳ: «Ҳар куни тушга беш хил овқат, кечга беш хил таом пишираман, кеча олтинчи хилини ҳам сўрашди: гурчга асал қўшиб, еттинчисига анор донасидан таом хозирлаб бердим»,— дебди. «Овқатларни қандай тарқатасан?»— деб сўрабди Али чаққон. Таббоҳ: «Олдин Зайнабга, кейин онаси Далилага элтаман, кеч-

курун қулларни, ундан сўнг итларнинг қорнини тўй-газаман. Уларнинг ҳар бирига жуда кам деганда бир қадоқ овқат бераман»,— дебди.

Кўп ўтмай қул учиб қолибди.

Шўринг қурғур Али ҳамма нарсани сўраб, билибди-ю, аммо калидни сўрашни унутибди. У қул киймини ечиб, ўзи кийиб олибди-да, саватини олиб, бозорга бориб, гўшт билан кўкатлар сотиб олибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Етти юз
ўн
учинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Али Мисрий таббоҳни банж билан беҳуш қилиб, ёнига пичоғини осиб олибди-ю, саватини олганича, бозорга жадаллабди. У ердан гўшту кўкатлар сотиб олиб, орқасига қайтиб, қасрга кирибди. Қараса, дарвоза тепасида Далила ўтириб олиб, кирган-чиққанга разм солиб ўтирганмиш. Олдида эса қуролланиб олган қирқ қул бормиш. Али эс-ҳушини йиғиб,

ўзини дадил тутибди. Далила уни кўриб танибди-да, хитоб билан:

— Ҳай ўғрибоши, қани туёғингни шиқиллатиб қол! Қасрга кириб, найранг ишлатмоқчимисан, кетмайди, қани, жўна дейман!— дебди.

Қулга ўхшаб бўяниб олган Али Мисрий, Далилага ўгирилиб:

— Нима деяпсан, эна?— дебди.

— Таббоҳни нима балога гирифтор қилдинг?— деб сўрабди Далила,— ростини айт, уни ўлдирдингми ё банжладингми?

— Қайси таббоҳни айтяпсан? Мендан бошқа яна бирорта ошпаз-пошпазинг борми?— дебди.

— Сен, Али Зиъбақ Мисрийсан-ку, алдама, ҳе бола!— дебди. Али бўлса қулларга ўхшаб унга:

— Ҳей, дарвозабон, мисрликлар қора бўладиларми, оқми? Мен жонингга теккан бўлсам, хизматингни қилмайман!— дебди. Унинг бу гапини эшитган қуллар:

— Нима деяпсан ўзинг, амакивачча?— дебди. «Бу амакиваччангиз эмас, Али Зиъбақ Мисрий,— дебди Далила қулларига,— у амакиваччангизни ё банжлаган, ё ўлдирганга ўхшайди».

— Йўге, амакиваччамиз Саъдуллоҳ таббоҳ шунинг ўзи-ку!— дейишибди.

— Бу, у эмас, Али Мисрий!— дебди Далила хитоб қилиб,— фақат терисини бўяб олган, холос!

— Алинг ким? Мен Саъдуллоҳман,— дебди Али.

— Менда бир дори бор, шу билан сени текшириб кўрамиз,— дебди жодугар. Дарҳол у дорини келтириб, Алининг қўлига суртиб, артган экан, қораси кетмабди. Қуллар жодугарга:

— Ишонмасанг айт, бизга таом пишириб бера қолсин,— дейишибди.

— Агар бу ростдан ҳам ўша бўлса,— дебди Далила,— кеча кечқурун нима овқат пишириб берганини, ҳар куни неча хил таом тайёрлашини билади. Ундан кеча қайси хил нози неъматлар ҳозирлаганини сўрашибди. Али уларга:

— Ясмиқ, гуруч, шўрва, димлама гўшт, гулоб, олтинчиси — асалли гуруч, етинчиси — анор донларини пишириб бердим, кечқурун ҳам шуни пишириб берганман,— дебди.

— Тўғри айтяпти-ку, худди шуларни пиширган эди,— дейишибди қуллар. Далила қулларга буюриб:

— Қани, у билан ошхона ҳам омборга бирга кирилар-чи, агар адашмаса ўша, янглишса, шу заҳоти ўлдирасизлар,— дебди.

Ошпаз бир мушук боққан бўлиб, қул ошхонага келган заҳоти у лип этиб эшик олдига келар ва сакраб, ошпаз елкасига чиқиб олар экан. Али ичкари кирса мушук уни кўриб, елкасига отилибди. Али уни олиб ерга қўйган экан, у ошхона томон югуриб кетиб, бир эшик олдида тўхтабди. Шунда Али, бу ошхона эшиги бўлса керак, деган фикрга келибди-да, у ердаги калидларни олибди. Қараса, биттасида товуқ патлари ёпишиб қолибди, демак, бу ошхона калиди бўлиши керак, деб ўйлабди ва ошхонани очиб, кўкатларни қўйиб чиқибди. Мушук унинг олдига югуриб чиқиб, омбор томон йўрғалаб қолибди. Али бундан ҳам эсон-омон қутулиб, омбор калидларини олибди. Қараса, бир калид ёғлиқ экан, демак, бу омборнинг калиди бўлиши керак, деган ўйга келибди ва уни очибди. Буни кузатиб турган қуллар, Далилага:

— Ҳей эна, агар бу бегона бўлганида, ошхона ва омборнинг қаердалигини, қайси калид қайси хонаникилигини билмас эди. Бу ўша ўзимизнинг амакиваччамиз Саъдуллоҳ,— дейишибди. Далила қургур:

— Али ошхонани мушук орқали таниди, калидларни сиртидан билди, лекин унинг бу наъмаси ўтмайди,— дебди. Али бўлса ошхонага кириб, таом ҳозирлаб, олдин Зайнабга элтибди ва у ерда ҳамма кийимларнинг осифлиқ турганини кўрибди.

Кейин Далилага таом келтирибди, ундан бўшагач, қулларга овқат сузиб берибди, итларнинг қорнини тўйғазибди, кечқурун ҳам у шу хил овқатларни такрорлабди.

Эшик эса эрталаб ва кечқурун офтоб тапти билан очилар экан. Али ҳовлига чиқиб: «Ҳей халойиқ, қуллар қўриқламай, ухлайдими?! Биз итни қўйиб юбордик, ким кирса, ўзидан кўрсин»,— деб хитоб қилибди.

Али кечқурун итларга томоқ беришни кечиктириб. сўнг заҳар қўшиб берган экан, итлар еб тарракдай жойида қотиб қолибди.

Али ҳамма қулларни — Далила ва унинг қизи Зайнабни ҳам банжлаб, кийим билан каптарларни олибди-да, ташқарига чиқиб, тўғри қароргоҳга келибди.

Ҳасан Шовман уни кўриб: «Хўш, нима каромат кўрсатиб келдинг?»— деб сўрабди. Али бўлган воқеанинг барчасини гапириб берибди, Шовман унга офаринлар айтиб, мақтабди. Шундан сўнг Али кийимларини ечибди, Шовман бўлса, илгариги ўтдан бошқасини қайнатиб, унга Алини чўмилтирган экан, қораси кетиб, аслидай оқариб қолибди.

Али қул таббоҳ олдига бориб, унга ўз эгну бошини кийгизибди-да, ҳушига келтириб, уйғотибди, қул ўрнидан туриб, резаворчининг олдига бориб, ундан у-бу нарса олиб, қасрга қайтибди.

Али Зиъбақ Мисрий билан бўлган воқеа мана шу экан. Энди Далила жодугарга келайлик.

Қасрда яшовчилар қатори бир савдогар ҳам тунаган экан. Тонг отгач, у хонасидан чиқса, қаср дарвозаси ланг очиқ, қуллар беҳуш, итлар ўлиб ётганмиш. У дарҳол Далиланинг олдига борибди. Қараса, уям беҳуш ётганмиш. Бўйнида бир варақ қоғоз, бошида эса банжга қарши исфанжа деган дори турибди. Савдогар исфанжани ҳидлатган экан, кампир кўзини очиб, жон ҳолатда: «Мен қаердаман?»— деб сўрабди. Савдогар: «Мен ўрнимдан турсам, қаср дарвозалари

ланг очик экан, ўзинг бўлсанг беҳуш ётибсан, қулларинг ҳам сулайиб, чала ўлик бўлиб ётибди, итларинг ўлиб бўлибди»,— дебди.

Далила бўйнидаги варақни олиб ўқиса, унга: «Бу ишни худди Али Мисрийнинг ўзи қилди»,—деб ёзилган экан. Кампир қулларига ва қизи Зайнабга исфанжа ҳидлатиб, ўзига келтирибди-да: «Мен айтмабмидим, бу Али Мисрий деб. Мана қойил қилиб кетибди»,—деб хитоб қилибди.

Кейин у қулларига: «Туя кўрдингми, йўқ, буни ҳеч ким билмай қўя қолсин»,—деб буюрибди-да, қизига ўгирилиб: «Неча марта сенга айтган эдим, у билан ҳазиллашиб бўлмайди, қасдини олмай қўймайди, деб. Али сенга аччиқ қилиб, шу найрангни ўйлаб топган. Бундан баттар ишларни ҳам қила олар эди-ю, тагин ҳам инсоф бериб, халифа ҳурмати ва бизга бўлган муҳаббати сабабли, ўзини тийган»,—дебди.

Шундан сўнг Далила йигит либосини ечиб, хотинлар кийимини кийибди. Бўйнига рўмол ташлаб, Аҳмад Данаф қароргоҳига борибди. Али кийим ва каптарларни олиб, у ерга келганда Шовман назоратчига қирқта каптар учун пул бериб, бозорга юборибди, у каптар олиб пиширибди-да, одамларга тарқатибди.

Шу пайт Далила эшикни тақиллатибди. Аҳмад Данаф: «Бу худди Далила бўлса керак, қани нозир, очиб юбор-чи»,—деган экан, у эшикни очибди, жодугар ичкари кирибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.

Шаҳризод ҳикоясига қизиқиб қолган шоҳ: «Жуда ажойиб экан, қолганини эшитмагунимча яхшиси ўлдирмай турай»—деб ўйлабди.



*Етти юз
ўн
тўртинчи кеча*



Й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод, қароргоҳ нозири Далилага, дарвозани очган экан, у ичкари кирибди. Шунда Шовман унга:

— Э нахс кампир, бу ерга нега келдинг? Балиқфуруш уканг Зурайқ билан тилинг бирга ўхшайди,— дебди. Далила:

— Э сардор, гапинг тўғри, катта бошимни кичик қилиб, бўйнимни эгиб келдим. Нима қилсанг, ихтиёр ўзингда. Лекин, бу ҳийлани қайси бирингиз ўйлаб топдингиз?— дебди.

— Йигитларимнинг сараси Али,— дебди Аҳмад Данаф.

— Худо хайрингни берсин, мендан қайтмаса, худодан қайтар. Йигитингга айт, хат ташийдиган хабарчи каптарларим ва бошқа олган буюмларимни қайтариб берсин. Барака топгур, менга каптарларни инъом қилгин,— дебди. Шунда Ҳасан Шовман:

— Қуриб кетгур, нега сен каптарларни пиширдинг?— дебди.

— Мен уларни хат ташийдиганлигини қаёқдан билай?— деб жавоб берибди Али.

— Э надим,— дебди Ҳасан,— қани, гўшти келтирчи бу ёққа!

У келтирган экан, кампир бир бурда гўшт олиб чайнабди-да:

— Бу хабарчи каптарлар гўшти эмас. Мен уни мушк доналари билан боққан эдим, шунинг учун гўшtidан мушк ҳиди келиб туриши керак эди,— дебди. Шунда Шовман унга:

— Агар сен каптарларингни олмоқчи бўлсанг, Али Мисрий ҳожатини чиқарасан,— дебди.

— Қанақа ҳожати бор экан уни?— дебди кампир.

— Уни қизингга куёв қилишинг керак,— дебди Шовман.

— Мен унга жоним билан бош қўшаман,— дебди Далила.

— Қани, каптарларни бериб юбор!— деб Али Мисрийга хитоб қилибди Ҳасан.

Али унга каптарларни берибди. Далила уларни олиб, беҳад хурсанд бўлибди Ҳасан Шовман бўлса жодугарга: «Сен бизга бўладиган гапни гапир»,— дебди. «Агар у қизимга уйланмоқчи бўлса,— дебди Далила,— ростакам чаққонлигини кўрсатиши керак. Чунки унинг ҳозиргача қилган усталиги, шунчаки, ўргамчик холос, чинакам устомон бўлса, сардор тоғаси Зурайққа кўрсатиб, розилигини олсин. Чунки қизим номидан ўша вакил бўлади. Тоғаси дўкондор, доимо хитоб қилиб: «Эй, кеб қолинг, икки жадид (чақа) га бир қадоқ балиқ!»— деб ўтиради. У дўконига бир халта осиб қўйибди, унда икки минг тилла бор».

Далиланинг гапини эшитган одамлар сапчиб ўринларидан турибдилар-да: «Нима деяпсан ўзинг, эрсак! Сен укамиз Али Мисрийдан жудо қилмоқчимсан!»— дейишибди.

Далила эса ўз қасрига келиб қизи Зайнабга: «Али Мисрий сенга совчи юборяпти»,— дебди. Буни эшитиб, Зайнаб қувонибди, чунки беҳуш қилиб қўйганида иффатига тегмагани учун, уни севиб қолган экан. Шунда онаси бор гапни айтиб: «Мен совчини тоғасига юборсин, дедим. Тоғанг, ҳадеганда кўнадиган анойи эмас, онасини уч қўрғондан кўрсатади»,— дебди.

Али Мисрий бўлса ўз ўртоқларидан: «Бу Зурайқ

дегани қанақа одам ўзи, нима иш қилади!»— деб сўрабди. Улар Алига: «У ироқ йигитларининг сардори, у кези келганда тоғни тешадиган, юлдузни бенарвон урадиган ва кўздаги сурмани оладиган чаққон киши. Абжирликда тенги йўқ. Лекин бу ишлар жонига тегиб, балиқ дўкон очган, ҳозир балиқфурушлик қилади. У икки минг тилла тўплаб, халтачага солибди-да, ипак чилвирга боғлаб, дўконига осиб қўйибди. Ипга эса мис қўнғироқчалар осибди. Ипнинг бир учи дўкон ташқарисидаги қоziққа боғлаб қўйилган. Зурайқ ҳар кун дўконини очганда халтани осиб қўяди-да: «Эй, миср олғирлари, ироқ ўғлонлари, ажам учарлари, қаердасиз! Мана Зурайқ ўз дўкони олди-га халтани осиб қўйибди. Қимки ўз чаққонлигини кўрсатиб, уни ололса, халта ўшаники бўлади»,— дейди.

Қанча-қанча тамагирлар келишиб, уни олишмоқчи бўлишибди, лекин олишни эплашолмабди. Чунки, у ўт ёқиб, балиқ қовураётганида кўрпачаси остига кулчасимон қўрғошин бекитиб қўяркан. Агар бирорта олғир келса-ю, уни чалғитиб, ҳалиги нарсасини олмоқчи бўлса, ўша қўрғошин кулча билан уриб, уни ё майиб қилармиш, ё ўлдиармиш.

Э Али, агар сен унга борсанг, ҳолинг вой бўлади; худди азага бориб, кимга йиғлаётганини билмасанда, юзини юлиб айюҳаннос солаётган хотинга ўхшаб қоласан. Унга худо бас келмаса, банда бас келолмайди. Яхшиси Зайнабга уйланишнинг баҳридан ўтиб қўя қол. Биласан-ку, бирор нарсани тарк қилган киши ўшасиз ҳам кунини ўтказди»,— дейишибди.

Бу гапни эшитиб Али: «Э биродарлар, шуни эплолмасам, қандай бош кўтариб юраман, уят-ку менга, албатта, халтани оламан. Қани менга қизлар кийимини келтиринглар-чи»,— дебди.

Дарҳол: унга аёллар либосини келтиришибди, у кийиб, қўлларига хина қўйибди, кейин бир қўзини бўғизлаб, қонини йиғибди-да, ичак-чавоқларини чиқарибди. Уларни тозалаб, бир учини тугиб қон тўлдирибди-да, сонига боғлаб олибди. Кейин устидан лозим кийиб, оёғига зайфана кавуш илиб олгач, чачвонини туширибди.

Кейин парранда жиғилдонидан иккита кўкрак ясаб, ичига сут тўлдириб олибди. Сўнг қорнига пахта қўйиб, устидан қалин сочиқ тортибди, шу билан уни кўрган одам: «Рос думбаси бор экан-да, а»,— дейдиган аёл бўлибди. Шу пайт бирдан эшакчи киракаш келиб қолибди. Али унга бир динор берган экан, у эшагига мингаштириб, Зурайқ балиқфуруш дўконига равона бўлибди. Али бориб қараса, дўкон олди-га осиглиқ халта ичидан олтинлар кўриниб турганмиш.

Дўкондор бўлса бепарво балиқ қовурармиш. Али киракашдан: «Бу ниманинг ҳиди!»— деб сўрабди. Зурайқ: «Балиқ ҳиди»,— деб жавоб берибди. Али унга: «Мен оғир оёқли хотинман, кўнглим балиқ тусаяпти, бир парча келтириб бермасанг бўлмайди»,— дебди. Киракаш дўкондорга депсиниб: «Сен балиқ қовуриб сота бер-да, бу ёқда ҳомиладор хотинлар кўнгли суст кетаверсинми? Мана, амир Ҳасан Шаррутариқнинг хотини эшагимни миниб кетаётган эди, балиғинг ҳиди димоғига урибди. Бечора оғир оёқли, боласи қимирлаб қолибди, бир парча балиғингдан бермасанг, тово-нига қоласан»,— дебди.

Зурайқ бир парча балиқни олиб, қовурмоқчи бўлганда, бирдан олови ўчиб қолибди. Балиқфуруш ичак-ри кириб, ўт ёқишга тутинибди. Шу вақт эшакда ўтирган Али бояғи қон тўлдирилган ичакларни жўрт-тага босган экан, ёрилиб, иккала оёқлари орасидан

қон оқа бошлабди. Шунда Али: «Вой белим, вой биқиним»,— деб додлай бошлабди.

Киракаш орқасига қайрилиб боқса, ундан қон кетяпти. «Ҳа, хоним, нима бўлди?»— деб сўрабди у. Али хотинча овоз билан: «Болам тушди»,— дебди. Зурайқ қонни кўриб, қўрқиб кетибди-ю, дарҳол жадаллаб дўконига кирибди. Киракаш дўкондорга: «Балога учрагур, сен бу ерда балиқ қовуриб ўтиравер, у ерда хотянлар боласини чала ташлайверсин, энди унинг эридан балога қоласан. Бир парча балигингдан бер десам, зикналик қилдинг-а, номард»,— дебди-да, эшагини миниб, йўлига равона бўлибди. Зурайқ дўконга кириб кетгач, Али халтага қўл узатибди. У аранг қўлини теккизган экан, бирдан тиллалар жиринглаб, қўнғироқ ва шилдироқлар жаранглаб кетибди. Бундан огоҳ бўлган Зурайқ: «Э аблаҳ, хотин тусига кириб менга найранг ишлатмоқчимисан ҳали? Ма, насибангни ол»,— дебди-да, қўрғошин кулчани унга отибди. Али чап бериб қолибди, қўрғошин бошқа одамга тегибди. Бунни кўрган оломон Зурайққа ёпирилибди. Улар: «Сен савдогармисан, золиммисан? Агар дўкондор бўлсанг, осиб қўйган халтангни олгину одамларни бу офатдан қутқар»,— дейишибди. «Худо ҳақи, айтганларингни бажо келтираман»,— деб қасам ичибди Зурайқ.

Али бўлса тўғри қароргоҳга келибди, бунни кўрган Ҳасан Шовман: «Хўш, нима каромат кўрсатиб келдинг?»— дебди. Али эса бўлган воқеанинг ҳаммасини гапириб берибди. Кейин у хотин киши кийимини ечиб:


— Э Шовман, қани, бир менга отбоқар кийимини келтир-чи,— дебди. Шовман унга айтган либосни топиб берибди, Али уни кийибди-да, ликопга беш дирхам сояиб, балиқфуруш олдига жўнабди.

Зурайқ харидорни кўриб:— Хўш, кел, сенга ни-
ма керак?— деб сўрабди.

Али унга дирҳамларни кўрсатибди. Зурайқ ликоп-
даги дирҳамларни кўриб, унга совуган балиқ бермоқ-
чи экан, Али унга: «Мен фақат янги қовурилган ба-
лиқ олиб кетмоқчиман»,— дебди.

Зурайқ қовурмоқчи бўлиб, уни товага қўйган экан,
фалокат босиб олови ўчиб қолибди. Зурайқ ўт ёқиш
учун, ичкари кириб кетганда, Али халтани олиш ния-
тида қўл чўзибди. У халтага тегиши билан қўнғироқ-
лар жиринглаб, сирни очиб қўйибди. Зурайқ буни
пайқаб: «Хомтама бўлма, сен отбоқарга ўхшаб кел-
санг ҳам, мени алдай олмайсан. Сенинг кимлигингни
пул билан ликоп ушлашингдан билган эдим»,—дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя
айтишни тўхтатди.



*Етти юз
ўн
бешинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб
давом этди Шаҳризод,—
Али Мисрий қўлини чў-
зиб, халтани олмоқчи бўл-
ганда қўнғироқлар жиринглаб ке-
тибди. Зурайқ унга: «Хомтама бўл-
ма, отбоқар кийимида келсанг ҳам,
мени алдаёлмайсан. Кимлигингни
пул билан ликоп ушлашингдан бил-
ган эдим»,— деб қўрғошин кулчани
отибди. Лекин, Али ўзини четга
тортиб қолибди; қўрғошин кулча
ёғи қизиб турган товага тушиб, ёриб
юборибди-да, ёғ дўкон ёнидан ўтиб кетаётган қози-
нинг елкасига сачраб, ҳамма ёғини доғ қилиб, бада-
нини куйдирибди. Қози бўлса, дод-войлаб: «Хў лаъ-
нати аблаҳлар, бу нима қилиқ? Қайси бадбахтнинг
иши бу?»— дебди. Атрофга йиғилган одамлар эса

қознига: «Э мавлоно, бир кичкина бола тош отган эди, товага тушиб, уни ёрди. Хайрият, келган бало-қазони худонинг ўзи қайтарди, бўлмаса нақ балойи азимга қолардик»,— дейишибди.

Йиғилганлар ўгирилиб, кулчасимон қўрғошинни кўриб қолишибди. Уни, албатта, Зурайқ балиқфурушдан бўлак ҳеч ким ташламайди деб, ҳаммаси унга дўқ қилишиб: «Хў, Зурайқ, бу ишинг худога ҳам ёқмайди, яхшиликча халтангни олиб қўй!»— дейишибди. Зурайқ бўлса пинагини бузмай: «Худо хоҳласа олиб қўярман»,—дебди.

Ҳафсаласи пир бўлган Али Мисрий қароргоҳга қайтиб одамлари олдига келган экан, улар: «Халта қани?»— деб сўрашибди. Али бўлган воқеанинг ҳаммасини айтиб берибди. Улар: «Сен Зурайқ чаққонлигининг учдан икки қисмини енгдинг»,— дейишибди Алига.

Шундан сўнг Али кийимларини ечиб, савдогар либосини кийиб чиқибди. Кўчада бир илон овлайдиган одамни кўриб қолибди. У кишининг илон солинган бир халтаси билан, асбоб-ускуналар жойланган савати бор экан. Али унга: «Ҳай, ошна, сен бизнинг ҳовлига бориб, болаларимга томоша кўрсатиб, бир овутгин, чой чақа бериб, хурсанд қиламан»,— дебди. У шундай дебди-ю, қароргоҳга бошлаб келиб, қорнини тўйғазибди. Сўнг банж бериб, беҳуш қилибди-да, унинг энгилбошларини кийиб, балиқфуруш дўконига йўл олибди. Али тўғри Зурайқ олдига бориб, най чала бошлабди. У: «Ризқи рўзингни худо берсин!»— дебди Алига. Шу пайт Али халта оғзини очибди-да, илонни чиқариб, Зурайқ олдига ташлабди. У илонни кўрса ўтакаси ўттиз ёрилар экан; қочиб дўконининг ичкарасига кириб кетибди. Вақтни ганимат билган Али, илонни халтага солибди-да, халтачанинг илинжида, энди ипидан тут-

ган экан, қўнғироқлар жиринглаб кетибди. Буни эшитган Зурайқ: «Сен менга ҳалиям найранг ишлятяпсанми, энди илонни аврайдиган бўлиб келдингми!»— деб қўрғошин кулчани отган экан, у бир аскар отбоқарининг калласига тегиб, йиқитибди. Шунда аскар: «Буни ким йиқитди?» — деб сўраган экан, одамлар: «Томдан тушган бир тош тегиб йиқилди»,— дебди.

Аскар йўлида давом этибди, одамлар у ёқ-бу ёқларига аланглаб, қўрғошин кулчани кўришибди-да, шу заҳоти Зурайққа ёпишишиб: «Халтангни олиб, бизларни тинч қўясанми, йўқми? Улиб бўлдик-ку дастингдан»,— дейишибди. Зурайқ уларга: «Худо хоҳласа, бугун кечаси олиб қўяман»,— дебди.

Али эса бўш келмабди, етти бор ҳийла ишлатибди, лекин ҳеч халтани олиш иложини топа олмабди. Кейин у илоннинг халтаси ва най-пайи билан эгасига қайтариб, бир қанча инъомлар берибди. Али яна Зурайқ дўконига келган экан, балиқфурушнинг: «Агар кечаси халтани дўконда қолдирсам, ўша устомон қурғур дўконни тешиб, олиб кетиши мумкин, яхшиси, уйга олиб кета қолай»,— деганини эшитиб қолибди.

Зурайқ шундай дебди-ю, ўрнидан туриб, халтани олиб қўлтиғига қистирганча дўкондан чиқиб, уйга равона бўлибди. Али бўлса то уйигача изидан пойлаб борибди. Шу куни Зурайқнинг қўшнисиникида тўй бўлаётган экан. У: «Ҳозир уйга бораману, хотинимга халтани бераман-да, кийиниб, тўйга чиқаман»,— деб ўйлабди ўзича. Али унинг кетидан бораверибди.

Зурайқ вазир Жаъфарнинг озод чўриларидан бирига уйланган бўлиб, ундан бир ўғил туғилган экан, унинг оти Абдуллоҳ экан. У, халтадаги пул билан ўғлимни хатна тўйини ўтказиб, қолганини асраб қўйиб, кейинчалик уни уйлангиришга сарф қиламан, деб хотинига ваъда берган экан.

Зурайқ хотини олдига қовоқ-димоғи осилиб келибди. Хотини унга:

— Нега бунча хафа кўринасан?— дебди.

— Бир олғир менинг пайимга тушиб, етти бор ҳийла ишлатиб, халтани олишга чоғланди, лекин удасидан чиқолмади,— деб жавоб берибди эри.

— Менга бериб қўй, ўғлимизнинг тўйига атаб бекитиб қўяман,— дебди хотини ва халтани эридан олибди. Али Мисрий бўлса, Зурайқнинг барча гапини эшитадиган ва уни кўриб бўладиган бир жойда бекиниб турган экан.

Зурайқ туриб кийим-бошини ечиб, бошқасини кийибди-да, хотинига:

— Онаси, халтани эҳтиёт қил, мен тўйга кетяман.— дебди. Хотини унга:

— Бир озгина ухлаб дам олсанг бўларди,— дебди. Зурайқ ётиб қаттиқ ухлаб қолибди. Али бўлса, секин-аста оёқ учида бориб, халтани олибди-ю, тўғри тўйхонага кириб томоша қилиб турибди.

Шу пайт Зурайқ туш кўрибди, тушида бир қуш халтани кўтариб кетаётганмиш. Чўчиб уйғониб, хотинига: «Ойиси, туриб халтани қара-чи, жойидамикин!»— дебди. Хотин ўрнидан туриб қараса, халтадан ном-нишон йўқ. У:

— Бунча бахти қора хотин эканман, войдод, халтадаги мол-дунёмдан айрилдим!— деб фарёд кўтарибди.

— Халтани худди ўша жувонмарг Али чаққон олган, ундан бўлак ҳеч ким олмаган: мен ҳозир топиб келаман!— деб хитоб қилибди Зурайқ.

— Агар халтани пули билан олиб келмасанг, ўлай агар, эшикни бекитиб олиб, уйга қўймайман, кўчада қоласан,— дебди хотини.

Шундан сўнг Зурайқ тўппа-тўғри тўйхонага бориб-

ди, қараса, Али чаққон шу ерда томоша қилиб турибди. У ўзича: «Халтани олган мана шу! У Аҳмад Данаф ўрдасида туради-ку»,— дебди.

Зурайқ жадаллаб Алидан олдинроқ ўрдага бориб, томдан ошиб, ичкари кирибди. Қараса, барча одамлар ухлаб ётишибди. Шу пайт бирдан Али келиб дарвозани қоқибди. Зурайқ: «Ким у?»— деган экан қоқувчи: «Мен Али Мисрийман»,— дебди. Зурайқ унга: «Сен халтани олиб келдингми?»— деб сўрабди. Уни Шовман деб ўйлаган Али:

— Ҳа, келтирдим ўша халтани, эшикни оч!— дебди.

— То халтани ўз кўзим билан кўрмасам, эшикни очмайман, каттаконинг билан бас бойлашганмиз,— дебди.

— Қўлингни чўз,— дебди Али. Зурайқ дарвозанинг орқасидан қўлини чўзибди, Али унга халтани узатибди. Зурайқ бўлса халтани олганича, келган томони билан чиқиб кетиб, тўппа-тўғри тўйхонага жўнабди. Али бўлса қоққан қоқиқдай дарвоза олдида серрайиб тураверибди, ҳеч ким унга дарвозани очмабди.

Бир оздан сўнг Али жаҳл билан дарвозани қаттиқ-қаттиқ қоқибди. Чўчиб уйғонган одамлар: «Бу худди Али Мисрийнинг тақиллатиши»,— дейишибди. Шундан сўнг дарвозабон дарвозани очибди. Шовман: «Халтани олиб келдингми?»— деб сўраган экан, Али:

— Ҳазил ҳам эви билан-да, ошна, ахир уни дарвозанинг тирқишидан ўз қўлингга тутқаздим-ку. Ўзинг: «Халтани кўрмагунимча эшикни очмайман»,— деб туриб олдинг-ку!— дебди.

— Худо ҳақи, мен уни олганим йўқ, бўлмаса, Зурайқ келиб олиб кетибди,— дебди, Шовман унга.

— Оббо абжир-ей, мен ҳозир бориб олиб келаман,— дебди.

У шундай дебди-ю, тўппа-тўғри тўй бўлаётган уйга борибди. Қараса, кимдир Зурайққа: «Қани, яхши ният билан пулдан ташла, сени ҳам тўйга етказсин»,— дебди. Али уни кўриб: «Бўлди, омадим келди, халтани шу олган экан»,— дебди-да, Зурайқ уйи томон жўнабди. У томдан ошиб, ичкари кирса, хотини ухлаб ётганмиш, Али дарҳол уни банж билан беҳуш қилиб, унинг энгил-бошини кийибди. Кейин қўлига болани олиб, у ёқ-бу ёқни тинтиб кўрса, саватда ҳайитдан қолган бўғирсоқ, қуштилилар бор экан, қурғур Зурайқ зиқналик қилиб, уни бекитиб қўйган экан. Шу пайт эшик тақиллаб қолибди, Али бўлса, худди балиқфурушнинг хотинига ўхшаб садо чиқариб: «Ким у?»— дебди. Эшикдан: «Абдуллоҳнинг отасман»,— дебди Зурайқ.

— То халтани олиб келмагунингча эшикни очмайман, деб қасам ичганман-ку,— дебди Али унинг хотини қиёфасида. Зурайқ бўлса:

— Мен уни олиб келдим,— дебди.

— Қани узат, кейин эшикни очаман,— дебди Али.

— Саватни бер, ичига солиб юбораман,— дебди Зурайқ.

Али ўшандай қилган экан, Зурайқ халтани саватга ташлабди. Али дарҳол болага банж ҳидлатиб беҳуш қилибди, кейин хотинни уйғотиб, тушган жойи билан жўнаб қолибди. У тўғри қароргоҳга бориб, одамларга халта билан болани кўрсатибди. Ҳамма унинг найрангига қойил қолибди, келтирган бўғирсоғу, қуштилиларни ейишибди. Али бўлса Ҳасан Шовманга:— Э ошна, бу бола Зурайқнинг ўгли, ичкарироққа олиб кириб, яшириб тур!— дебди.

Шовман болани ўз хонасига элтиб қўйибди. Кейин у қўй сўйибди, уни дарвозабонга берган экан, у этни бутунлигича пишириб, худди ўликни кафанлаб қўйгандай чойшабга ўраб қўйибди.

Бечора Зурайқ, хотиним қачон очаркин, деб эшик олдида тураверибди. Эшик очилавермагач, жаҳли чиқиб, бор кучи билан қаттиқ-қаттиқ тақиллатган экан, ухлаб ётган хотин ўрнидан туриб:

— Халтани келтирдингми?— деб сўрабди.

— Саватингга солиб бердим-ку, олмадингми?— деб сўрабди, Зурайқ.

— Мен қачон саватни узатибман? Халтангни кўрганим ҳам йўқ, олганим ҳам йўқ,— дебди хотини.

— Ё тавба, буни худди Али чаққон олган, у мени боплабди,— дебди Зурайқ. Кейин у ёқ-бу ёқни қарашса, бола ҳам, саватдаги варақи, қуштилилар ҳам йўқ.

Зурайқ: «Вой болам йўқолибди, войдод!»— деб бақирибди, хотини бўлса юзини юлиб, ўзини ўзи ура бошлабди. У нуқул: «Мен сен билан вазирнинг олдига бораман. Боламни ўша жувон ўлгур йўқ қилган, ундан бошқадан гумоним йўқ. Ўша билан ўйнашиб, боламнинг бошини единг»,— дермиш. Зурайқнинг таъби тирриқ бўлиб: «Мен албатта уни олиб келаман»,— деб хитоб қилибди.

Кейин Зурайқ бўйнига рўмол боғлаб кўчага чиқибди-ю, тўппа-тўғри Аҳмад Данаф ўрдасига борибди. Бориб дарвозани тақиллатган экан, соқчилар очибди, у ичкари кирибди. Буни кўриб Шовман: «Хўш, хизмат»,— дебди. «Худо ҳайрингни берсин, Али Мисрийга айт, болани берсин, халтадаги тиллаларни еб кетса ҳам майлига»,— деб ёлворибди Зурайқ.

«Ё тавба!»— дебди Шовман,— шундай номаъқул иш қиласанми, Али, нега у бола бу кишининг

ўғлилигини менга айтмадинг?» Зурайқнинг жон-пони чиқиб:

— Ҳа, болага нима бўлди?— дебди.

— Билмасдан магиз берган эдик, тиқилиб қолиб ўлди, мана жасади,— дебди Шовман. Зурайқ бўлса: «Вой болам, вой болам, онасига нима дейман энди»,— деб йиғлай бошлабди. У ўрнидан туриб, чойшабни очса, унда пиширилган қўй эти турганмиш.

— Э Али,— дебди у,— кайфимни учириб юбординг-ку!

Кейин унга ўғлини чиқариб беришибди. Аҳмад Данаф унга: «Сен халтангдаги тиллаларни дўконингга осиб қўйиб, кимки чаққонлигиши кўрсатиб, шунни олса, ўшаники бўлади, деган эдинг. Мана энди халта Али Мисрийники бўлди, тўғрими?»— дебди. Зурайқ: «Бўпти, мен унга ҳадя қилдим»,— дебди. Али Мисрий эса: «Буни жиянинг Зайнаб учун қабул қил»,— дебди халтани узатиб. «Бўпти, қабул қилдим»,— дебди Зурайқ. Унга: «Алига жиянингни унашмоқчимиз»,— дейишибди. «Бундай кори хайрга, мен жоним билан бош қўшаман»,— дебди Зурайқ. У шундай деганича, ўғли ва халтани олиб кетаётган экан, Шовман: «Хўш, индамай кетаверасанми, қуда бўлишга розимисан?»— деб сўрабди. «Ким унинг қалинига чидаса, ўшанга розиман»,— дебди Зурайқ. Шовман: «Унинг қалини нимадан иборат?»— деб сўраган экан, Зурайқ: «У қизнинг ўзи, кимки менинг қўйнимга кирмоқчи бўлса, яҳудий Азронинг қизи — Қамарнинг кийими, тилла қоши ва бошқа зеби зийнатларини келтириб берса, ўшанга рози бўлман, деб қасам ичган»,— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Етти юз
ўн
олтинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Зурайқ Шовманга: «Жияним Зайнаб кимки яҳудий Азронинг қизи— Қамарнинг кийими, тилла қоши, бел камари, олтин кавушини келтирса, мен ўшаникиман, деб қасам ичган»,— дебди.

Буни эшитган Али: «Агар ўша айтганларингни шу бугун кечасиёқ келтирмасам, ўша гўзалга уйланмаганим бўлсин»,— дебди. Шовман унга: «Ҳей, Али, у қизга устомонлик қиламан деб балога гирифтор бўласан»,— дебди. «Нега ундай дейсан?»— деб сўрабди Али. Шунда у воқеани тушунтирибди: «Азро сеҳргар яҳудий жудаям ўта кетган маккор, ҳатто жинлар ҳам унинг хизматини қилади. Унинг шаҳар ташқарисида деворлари олтину кумуш гиштдан бўлган бир қасри бор. Азро ўша ерда бўлса, қаср кўзга кўринар, чиқиб кетса, назардан ғойиб бўлади. Азронинг Қамар деган қизи бор. Унга ўша хазинадан кийим-кечак, безаклар олиб берарди. Азро ўша нарсаларни олтин лаганга солиб қаср деразаларини очиб: «Қани, ҳей, Мисрнинг олғирлари, Ироқнинг эпчиллари, Ажамнинг моҳирлари, қаердасиз! Кимки усталик билан шу нарсаларни олса, ўшаники бўлади!»— дейди. Қанча-қанча абжир йигитлар уни оламан деб, адойи тамом бўлди. Азро барчасини сеҳрлаб, маймун ва эшакка айлантириб юборди»,— деб ҳикоя қилиб беришибди.

Али аҳд қилиб: «Мен албатта, уни қўлга тушираман, Далила жодугарнинг қизи—Зайнаб уларни кийиб, ясаниб-тусаниб юради»,— дебди. Али Мисрий яҳудий

дўконига борса, у ҳафсаласи пир, қовоқ-тумшуғи осилган ҳолда жаҳли чиқиб ўтирган экан. Олдида тарози, қадоқ тошлар, тилла-ю кумушлар, қутичалар, нарироқда эса бир хачир боғлоқ турганмиш.

Яҳудий ўрнидан туриб, дўконини ёпибди-да, тилла ва кумушларни иккита халтачага солиб, хуржунга тикқач, хачирга ортибди. Кейин унга миниб, йўлга тушибди. У юриб-юриб, ниҳоят, шаҳар чеккасига чиқибди. Али Мисрий бўлса яҳудийга сездирмай, унинг кетидан қорама-қора кетаверибди. Шаҳар четига етган яҳудий, тақимидаги хуржунидан тупроқ олиб, алланималарни ўқиб, ҳавога сочиб юборибди. Али бундай қараса, кўз ўнгида ажойиб бир қаср пайдо бўлибди. Кейин яҳудий хачири билан пиллапоядан юқорига кўтарила бошлабди. Диққат қилиб қараса, хачир росткам хачир эмас, у хачир суратидаги яҳудийга хизмат қиладиган жин экан. Яҳудий хуржунни олган экан, хачир бир зумда кўздан ғойиб бўлибди. Яҳудий бўлса қасрда қолибди.

Али унинг нима қиляяганини кузатиб турибди. кейин яҳудий олтин қамиш келтириб, унинг устига олтин занжирли олтин лаган қўйибди-да, устига кийимларини қўйибди. Али буларнинг ҳаммасини эшик тирқишидан кўриб турибди.

Яҳудий бўлса: «Қани, манман деган Миср олғирлари-ю, Ироқ абжирлари, қани ўша Ажам устомонлари! Қимда ким усталик билан мана шу буюмларни олса, ўшаники бўлади!»— деб хитоб қилибди. Шундан кейин у алланималарни ўқиган экан, нози неъматли бир дастурхон ёзилибди.

Яҳудий таом еб бўлгач, дастурхон ўз-ўзидан ғойиб бўлибди. Азро яна бир нарсаларни ўқиган экан, шароб дастурхони ёзилибди, у ича бошлабди. Али эса ичида: «Сен ўша буюмларни шароб ичаётганингда-

гина олиш йўлини ўйлашинг керак экан»,— дебди. Али яҳудийнинг орқасидан келиб, пўлат қиличини қинидан суғуриб, ростланиб турибди. Шу маҳалда Азро ўгирилиб қолиб, алланималарни ўқибди ва қўлига қараб: «Қилич билан тўхта!»— деб хитоб қилибди. Шу пайт Али сеҳрланиб, қилич ушлаган қўли кўтарилган жойида қотиб қолибди. Али чап қўлини чўзиб, қилични олмоқчи бўлган экан, буюм ҳавода қотибди, ҳатто ўнг оёғи ҳам шундай бўлибди, бечора қоққан қозикдек битта оёқда туриб қолибди, холос. Кейин яҳудий Алидан сеҳрни олган экан, яна аслига тушибди.

Яҳудий Азро фол очиб қараса, йигитнинг оти Али Зиъбақ Мисрий экан. У Алига: «Қани берироқ кел! Ўзинг кимсан, нима хизматинг бор?»— дебди. У эса: «Мен Аҳмад Данаф йигитларидан Али Мисрийман, Далила жодугарнинг қизи Зайнабга уйланмоқчи бўлган эдим, маҳрига қизингнинг кийим ва буюмларини сўради, шунга келган эдим, яхшиликча ўшани бер, йўқса, ўзингдан кўр»,— дебди. Азро эса Алига: «Ўлганингдан кейин оласан! Бу нарсаларни оламан деб, қанча-қанча одамлар ҳийла-найранг ишлатишди, лекин ҳаммаси ҳам ололмай, хазон бўлди, эс-ҳушинг борида туёғингни шиқиллатиб қол. Улар сени ҳалок қилиш ниятида шу нарсаларни олиб келгин, деб шарт қўйишган. Агар сени ўзимдан бахтлироқ эканлигингни билмаганимда, балки каллангни олган бўлардим»,— дебди.

Али ўзини ундан бахтлироқ эканлигини эшитиб, хурсанд бўлиб кетибди-да: «Эй Азро, нима қилсам бу буюмларни олишим мумкин, сен менинг раъйимга қарашинг керак»,— дебди. Азро бўлса писанда билан: «Ҳали шунақа дегин?»— дебди. «Ҳа!»— дебди Али. Шундан сўнг яҳудий қўлига пиёла олиб, уни сувга

тўлдирибди-да, алланималар ўқиб: «Қани, одам башарасидан чиқиб, эшаксифат бўл!»— деб хитоб қилибди.

Азро қўлидаги сувни Али башарасига сепиб юборган экан, дарҳол унда туёқ пайдо бўлиб, қулоғи чўзилиб, ростакам эшакка ўхшаб ҳанграй бошлабди. Сўнг яҳудий унинг теварагида бир давра айланган экан, шу замони атрофи девор билан тўсилиб қолибди. Шундан сўнг Азро тун бўйи шароб ичиб, тонг отгач Алига: «Бугун сени миниб, хачирга дам бераман»,— дебди.

Яҳудий буюмларни: лаган, қамиш, занжирларни олиб, сандиқчасига солгач, бир оз авраган экан, эшак Азро кетидан юрибди. Шу билан яҳудий эшакка хуржунни ортиб, устига минибди, қаср эса дарҳол кўздан ғойиб бўлибди.

Али йўл юрибди, яҳудий бўлса унга миниб дўконига етиб келибди. Кейин у олтин ва кумуш халталарни дўкондаги сандиққа бўшатибди. Бечора Али эшак, бутун воқеаларни кўриб, гапларни эшитар экану, аммо сўзлай олмас экан.

Шу кезларда замонанинг зайли билан бир жабрдийида савдогар ўғли келиб қолибди. У нима қилишини билмай, боши қотиб, сув сотмоқчи бўлибди. Чунки, бу унга анча енгил туюлибди. У хотинининг билагузугини олиб тўппа-тўғри яҳудий дўконига келибди-да, унга: «Мана бунга эшак сотиб олгудай тилла бергин, тирикчилигимни ўтказиб юрай»,— дебди. «Эшакка нима ортасан?»— дебди яҳудий. Анҳордан мешга сув тўлдириб ортаман, сотиб, тирикчилигимни ўтказмоқчиман»,— дебди йигит. «Бўлмаса, мана шу эшакни ола қол!»— дебди яҳудий. Шундан сўнг савдогар ўғли билагузукни Азрога сотиб, бир қисмига эшакни олибди, ундан ортганини нақд санаб киссага урибди.

Шундай қилиб, йигит эшак қиёфасидаги Али Мисрийни етаклаганча, уйига равона бўлибди.


Али Мисрий ўзича: «Мени сотиб олган одам устимга ёғоч ё меш ортса, бўладиганим бўлиб, онамни кўраман»,— деб ўйлабди.

Сувфурушнинг хотини эшак Алига томоқ бериш учун келган экан, у тумшуғи билан уни бир туширибди, хотин эса ўмбалоқ ошиб кетибди. У дарҳол хотин устига чиқиб тумшуғи билан бошини босиб, эркаклик буюмини қўйиб юборган экан, уни кўриб хотиннинг жон-пони чиқиб, бақирибди, дод-войини эшитган қўни-қўшнилари югуришиб келишибди ва эшакни уриб-суриб, хотин устидан аранг туширишибди.

Шу маҳал хотиннинг эри келиб қолибди, хотини унга: «Ё менинг талоқ хатимни бер ё эшакни эгасига қайтар»,— дебди. Эри: «Хўш, нега?»— деган экан, хотин: «Бу эшак эшак амас, эшак тусидаги шайтон экан, у устимга ирғиб, нақ юрагимни ёриб юборай деди; худо бир асраб қолди, агар қўшнилар келиб, уни устимдан олишмаганда, балки у қабиҳ ишини бажарган бўларди»,— дебди. Эри эшакни олиб, яҳудийнинг олдига борган экан, у: «Хўш, нега эшакни қайтариб келдинг?»— деб сўрабди. «Бу эшагинг хотинимга ташланиб, қабиҳ иш қилибди»,— дебди эри.

Яҳудий дирҳамларини қайтариб берибди. Савдогар ўғли кетгач, яҳудий Алига ўгирилиб: «Ҳей, бадбахт, макр ишлатиб, яна қайтиб келибсан-да»,— дебди.

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Етти юз
ўн
еттинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,—деб да-
вом этди Шаҳризод,—
сувчи яҳудийга эшакни
қайтариб бергач, дирҳам-
ларини олиб кетибди. Азро бўлса
Али Мисрийга ўгирилиб: «Ҳей, бад-
бахт, макр ишлатиб, яна қайтиб ке-
либсан-да! Эшакка айланиш билан
кўнглинг жойига тушмаган бўлса,
энди катта-ю кичикка эрмак бўла-
сан!»—дебди.

Яҳудий шундай дебди-ю, эшакка
миниб, шаҳар чеккасига чиқибди,
киссасидан кул олиб, алланарсаларни ўқиб, ҳавога
сочиб юборган экан, қаср кўзга кўринибди.

Яҳудий Азро қасрга кириб, эшак устидаги хур-
жунни туширибди. Кейин пул солинган иккала хал-
тани олиб, қамишига лагандаги буюмларни илиб
қўйибди. Сўнг одатдагидай: «Қани, манман деган
эпчил йигитлар борми? Бу буюмларни олиш ким-
нинг қўлидан келар экан?»—деб бақираверибди.

Яҳудий илгаригидай бир бало ўқиган экан, олди-
да таом пайдо бўлибди, у еб, қорнини тўйғазибди, яна
бошқа бир нарсаларни ўқиган экан, ичимлик пайдо
бўлибди, уларни ичибди. Кейин сувли косани қўлига
олиб алланарсаларни ўқиб, эшакка сепибди-да: «Ҳо-
зирги гусингдан олдингисига қайт!»—деган экан, Али
Мисрий яна аслидек одам қиёфасига кирибди. Азро:
«Ҳей, Али, ғазабимга учрамай, яхшилиқча бу шаҳ-
лингдан қайт!»—дебди,—Зайнабга уйланишингни ҳам,
қизимнинг буюмларини элтишингни ҳам ҳеч ҳожати
йўқ. Зайнабга уйланиш осон эмас, хомтама бўлмай
қўя қол. Яхшилиқча гапимга кирмасанг, сеҳрлаб, ё
айиққа, ё маймунга айлантириб қўяман, ё бўлмаса

девларга топшираман, Қоф тоғига элтиб улоқти-
ради».

— Ҳей, Азро,— дебди Али Мисрий,— мен ўша буюмларни келтираман, деб ваъда берганман, уни олмай иложим йўқ. Ё сен тўғрилиқча шуни менга берасан, йўқ десанг, ажалинг қўлимда, сени ўзим ўлдираман.

— Ҳей, Али,— дебди Азро,— сен мисоли чақмасга еб бўлмайдиган ёнғоқсан. Таъзирингни бермасам бўлмас экан.

Азро сувли косани олиб, бир нарсаларни ўқибди. Кейин Али устига сепиб: «Айиқ тусига кир!»— деган экан, Али Мисрий ўша заҳоти айиқполвонга айла-ниб қолибди. Азро унинг бўйнига ҳалқа осиб, оғзини чандибди; дарров қозиқ қоқиб, боғлабди, ўзи бўлса, овқатланиб, баъзи нарсаларни унга ташлаб, косада қолган сарқитларни сепибди.

Эртаси тонг отгач, яҳудий туриб, лаган билан буюмларни олибди ва қандайдир дуоларни ўқиган экан, айиқ унинг кетидан дўконга борибди. Азро дўконга кириб, олтину кумушларни сандиқчасига ағдариб, айиқ бўйнидаги занжирни дўконга боғлаб қўйибди. Али бечора барча нарсаларни сезиб-пайқа-б турса ҳам, тили гапга келмас экан.

Шу пайт бир савдогар дўконга келиб:

— Э ҳазрат, шу айиқнинг менга сотмайсанми? Менинг хотиним кўпдан бери бемор, қилтириқ бўлиб қолди, табиблар, айиқ гўштини еб, ёғини суркагин, деб маслаҳат беришган эди,— дебди.

Буни эшитиб яҳудий севиниб кетибди. У ўзича: «Буни савдогарга сотиб юборсам, у сўяди, ўзим ҳам халос бўламан-қўяман»,— дебди. Али бўлса ўзича: «Ё тавба, бу киши мени сўйдириб қутулмоқчи шекилли»,— дебди. Яҳудий савдогарга:

— Ола қол, текинга бердим сенга, мендан ҳада бўла қолсин!— дебди.

Шундан сўнг савдогар айиқни етаклаб кетаётиб, қассобнинг ёнидан ўтибди-да: «Қани, қайроқ, пичоқларингни олиб юр!»— дебди. Қассоб пичоғини олганича унинг кетидан йўлга тушибди. Қассоб келиб, ниҳоят, Али Мисрийни боғлабди-да, пичоғини қайрай бошлабди; қассоб энди уни бўғизлай деб турганда, Алининг жон-пони чиқиб, бирдан учиб кетибди. У шу зайлда учганича, тўппа-тўғри яҳудий қасрига келиб тушибди.

Бунинг учишига шу нарса сабаб бўлган экан: яҳудий айиқни савдогарга бергач, унинг қизи воқеани сўраган экан, Азро бор гапни айтиб берибди. Шунда қиз: «Чилтонларни чақириб сўраб кўр: «Али Мисрий дегани шу йигитми ё бу бошқа бировмикин?»— дебди. Ниҳоят, Азро бир нарсаларни ўқиб, чилтонларни чақириб: «Бу Али Мисрийми ё бошқа одамми?»— деб сўраган экан. чилтон Алини кўтариб келиб: «Мана шу йигит Али Мисрий бўлади, яхшилаб таниб олинглар. Қассоб буни энди сўйишга чоғланган экан, кўтарганча шу ерга келтирдим»,— дебди.

Яҳудий сувли косани олиб, бир нарсаларни ўқиб, унга дам солибди-да, Алига сепиб: «Яна аслинга қайт!»— деб хитоб қилган экан, Али Мисрий яна одам қиёфасига кирибди. Савдогар қизи — Қамар бундай қараса, рўпарасида келишган. хушбичимгина бир йигит турибди. Унинг юраги жиз этиб кетибди, қизни кўргач, Алининг ҳам юраги унга мойил бўлибди. Шунда Қамар:

— Эй, ўз фойдасини билмаган нодон, нега менинг буюмларимни ахтариб юрибсан? Отамнинг қийноғига учраб нима қиласан?— дебди.

— Мен уни Зайнаб фирибгарга келтираман, деб

аҳд қилганман, кейин унга уйланмоқчиман,— дебди Али.

— Бошқалар ҳам сенга ўхшаб буюмларимни оламан деб, уринишиб, отамнинг ғазабига дучор бўлган эди. Энди сен хомтама бўлмай қўя қол!— дебди Қамар.

— Мен айтганимни қилишим керак, отанг яхшиликча ўша буюмларни менга берсин, бўлмаса, нақ калласини оламан,— дебди Али қатъий. Унинг бу гапини эшитиб:

— Қара, қизим, бу лаънатини, мана шунақа қилиб ўзини ҳалок қилмоқчи-да, бу жувонмарг!— дебди Азро ва Алига қараб:

— Мен сени ҳозир итга айлантириб қўяман,— дебди. У сувли косани қўлига олиб, бир балони ўқиб суфлабди ва Али устига сочиб: «Итга айлан!»— дебди. Али шу заҳоти лайча итга айланиб қолибди, яҳудий тонгача қизи билан шу ерда май ичибди.

Кейин Азро ўрнидан туриб, лаган билан буюмларни олибди ва хачирга миниб, итни аврабди, ниҳоят, ит яҳудий кетидан эргашиб бораверибди. Бошқа итлар эса унга вовуллай бошлабди.

Яҳудий бир чурукчининг дўкони ёнидан ўтиб бо раётганда чурукчи Алининг теварагидаги итларни қувиб юборибди. Шунда Али унинг оёғи остига ётиб, суйкана бошлабди. Яҳудий қайрилиб қараса, ит йўқ эмиш. Қўп ўтмай, чурукчи уйига жўнаган экан, ит унга эргашибди. Чурукчи ҳовлисига кирганда, унинг қизи итни кўриб, дарров юзини бекитиб олибди-да:

— Ҳай, ота, нега етти ёт бегона кишини уйимизга бошлаб келяпсан?— дебди.

— Ие, қизим, нима деяпсан ўзинг, бу ит-ку!— дебди отаси.

— Бу — Али Мисрий, уни яҳудий сеҳрлаб шу кўйга солиб қўйибди,— дебди қизи.

Чурукчи ўгирилиб итдан: «Ростдан сен Али Мисриймисан?»— деб сўраган экан, у бош ирғаб, «ҳа» дебди. Шунда қизнинг отаси: «Нега уни сеҳрлади Азро?»— деб сўрабди.

— Қамар деган қизининг буюмлари учун, мен уни бу балодан қутқара оламан,— дебди қизи.

— Агар яхшилик учун бўлса, ҳозир унинг вақти,— дебди чурукчи.

— Агар у менга уйланса, озод қиламан,— дебди қизи.

Али бош ирғаб, «ҳа» дебди. Шундан сўнг қиз бир нарсалар ёзилган косани олиб, унга дам солиб, авраётганда бирдан қаттиқ чинқариқ овози эшитилиб, унинг қўлидаги коса тушиб кетибди. Қиз ўгирилиб қараса, чинқирган отасининг чўриси экан.

— Ҳа бекам, икковимиз келишмаганмидик?— дебди чўри,— бу сирни сенга мен ўргатмаганмидим, сенинг маслаҳатингсиз ҳеч иш қилмайман деб, ўзинг айтган эдинг-ку, энди бу нимаси? Сенга уйланган зот менга ҳам уйланиши, бир кеча сен билан бўлса, бир кеча мен билан бўлиши керак эмасми, а?

— Ҳа рост,— дебди қиз. Чурукчи чўрининг гапларини эшитиб, қизидан: «Чўрига уни ким ўргатган экан?»— деб сўрабди.

— Э ота, у менга ўргатган, унга ким ўргатганини ўзидан сўра!— дебди қизи.

Чурукчи чўрисидан сўраган экан, чўри шундай ҳикоя қилибди:

— Э хошам, мен сенга айтсам,— дебди у,— мен ўша яҳудий Азроникада бўлганимда, унинг сеҳр дуолари қулоғимга чалиниб қолган эди, у дўконига кетгач, мен лип этиб ўтиб, китобини ўқиб, унинг руҳоний

ва чилтонлар билан гаплашиш сирларини билиб олган эдим. Кунлардан бир куни яҳудий ичиб, маст бўлди-ю, мени тўшакка судради, лекин мен ўламан сатор кўнмадим; то мусулмон бўлмагунинггача бу иш бўлмайди, дедим. Лекин у ҳам айтганимни қабул қилмади, кейин у мендан ранжигач, бозорга элтиб сота қол, деган эдим, у олиб чиқиб сенга сотди, хонадонингга келиб, бекамга ўша сирни ўргатдим. Икковимиз келишиб аҳд тузишдик. У мен билан кенгашмай, бирор иш қилмайди, ким унга уйланса, ўша менга ҳам уйланиши, бир кеча бекам билану, бир кеча мен билан бўлиши керак.

Чўри сувли косани олибди-ю алланарсаларни ўқиб суфлагач, ит устига сочиб: «Асли турқингга қайт!»— деган экан, Али одам тусига кирибди.

Чурукчи у билан саломлашиб, нега шу кўйга тушганини сўраган экан, Али Мисрий барча бошидан кечирганларини айтиб берибди..

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Етти юз
ўн
сақкизинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— эшитишимга қараганда, чурукчи Али Мисрийга салом бериб, нима сабабдан шу кўйга тушганини сўраган экан, Али бошидан кечирганларини бирма-бир гапириб берибди. Унинг кечмишини эшитган чурукчи: «Қизим билан чўрим кифоя қиладими сенга?»— дебди. «Албатта, Зайнабни ҳам олишим керак»,— дебди Али Мисрий. Шу вақт кимдир эшик тақиллатиб қолибди. Чўри: «Ким у?»— дебди. Бу яҳудий Азронинг

қизи Қамар экан, у: «Али Мисрий сизларникида-ми?»— деб сўрабди. Чурукчининг қизи: «Борди-ю, Али Мисрий бизникида бўлса, нима қилардинг?»— дебди-да: «Бор, чўри, оч эшикни»,— деб буюрибди. У эшикни очган экан, Қамар ичкари кириб, Алига кўзи тушибди. Мисрий: «Хўш, итнинг боласи, не ниятда келдинг?»— дебди. «Ўша худодан бўлак тангри йўқ ва Муҳаммад унинг элчиси эканлигига имон келтирман»,— дебди. У исломни қабул қилгач, Алидан «Ислом динида эркаклар хотинларга маҳр тўлайдими ё хотинлар эркакларгами?»— деб сўраган экан, Али: «Эркаклар хотинларга тўлайдилар»,— дебди. Қамар эса: «Мен сенга маҳр тўламоқчиман, мана шу буюмларим, қамиш, занжир, сени ҳам, худонинг ҳам душмани отамнинг калласи сен учун маҳр бўла қолсин»,— дебди.

Қамар отасининг калласини унинг олдига ташлаб: «Мана душманинг — отам калласи!»— дебди.

Қамарнинг ўз отасини ўлдирганига шу нарса сабаб бўлган экан:

Яхудий сеҳргарлигини ишлатиб, Алини итга айлан-тириб юборгач, қизи Қамар туш кўрибди. Тушида ғойибдан бир овоз эшитилиб: «Мусулмон бўл!»— деб нидо қилибди. У дарҳол исломни қабул қилибди-ю, уйғониб, отасини ҳам бунга даъват қилибди; Азро рад этгач, уни банж билан беҳуш қилиб ўлдирибди.

Али Мисрий Қамар келтирган нарсаларни олиб, чурукчига: «Эртага қизинг билан чўрингга уйланишим учун халифа даргоҳида йиғиламиз»,— дебди-да, ўзида йўқ севиниб, ўрда томон йўл олибди. У йўлда ҳолвачига дуч келиб қолибди, у зўр бериб: «Худонинг қудратига бас келадиган куч дунёда йўқ! Инсон меҳнати оёқ ости бўлди. ҳалол нарса ҳаромга айланди.

Қани, худо хайрингни берсин, шу ҳолвадан татиб кўр!»— деб бақирар экан.

Али бир парча ҳолва олиб еган экан, беҳуш бўлиб йиқилибди. Чунки ҳолвага банж солинган экан. Ҳолвафуруш дарров Али келтираётган буюмларни қутисига солибди-ю, жўнаб қолибди. Йўлда рўпарасидан бир қози чиқиб қолиб: «Ҳей, ҳолвачи, бери кел!»— деган экан, у жойида тўхтаб, ҳолва солинган баркашини курси устига қўйибди-да: «Хўш, нима истайдилар, ҳазрат?»— дебди. Қози: «Ҳолва билан парварда»,— дебди ва бир неча ҳолвани тутиб кўриб: «Буларинг тоза эмас-ку, у-бу нарса аралаштирган кўринадан»,— дебди. Сўнг ёнидан бир парча ҳолва чиқариб: «Қара, жудаям қойилмақом қилиб тайёрланган. Буни еб кўргин-да, шунақасини тайёрла!»— дебди. Ҳолвачи уни еган экан, беҳуш бўлиб қолибди, чунки ичида банж бор экан. Қози ҳолвачининг қутисини-ю, кийим ва барча нарсаларини олибди. Ҳолвафурушни курсига ўтқазиб, ўзи тўппа-тўғри Аҳмад Данаф қароргоҳига йўл олибди.

Бу қози — Ҳасан Шовман экан. Унинг қози қиёфасида чиққанига қуйидаги воқеа сабаб бўлган экан:

Али Мисрий Қамар буюмларини келтираман, деб аҳд қилиб чиққач, бедарак бўлиб кетибди. Аҳмад Данаф: «Қани, йигитлар, дўстингиз Али Мисрийни қидириб топинглар»,— дебди.

Барча йигитлар Алини қидиришга тушишибди. Ҳасан Шовман ҳам тек турмай, қози кийимида чиқиб, ҳолвафурушга кўзи тушибди. Бундай қараса, у Аҳмад Лақит экан. Ҳасан Шовман уни банжлаб, буюмлари билан бирга қароргоҳга олиб келибди. Қирқ йигит эса Алини қидириб, шаҳар кўчаларида юришибди. Улардан Али Катф Жамол дегани шерикларидан ажралиб кўчама-кўча юрган экан, оломон кўриниб қолиб-

ди. Бориб қараса, ўртада Али Мисрий беҳуш бўлиб ётибди. Али Қатф Жамон дарҳол уни ўзига келтириб, уйғотган экан, у кўз очиб, теварагида тўпланиб турган халойиқни кўрибди.

Али Қатф Жамол унга: «Ўзингни тут»,— дебди. «Мен қаердаман?»— деб сўрабди Али Мисрий. «Биз келсак, сен банжланиб, беҳуш ётган экансан, лекин сени ким банжлаганини билмаймиз»,— дебди атрофидаги одамлар. «Мени бир ҳолвачи банжлаб, буюмларимни олди. У қаёққа кетганикин?»— дебди Али Мисрий. «Биз ҳеч кимни кўрганимиз йўқ, қани қароргоҳга борайлик-чи»,— дейишибди одамлар.

Ҳаммалари қароргоҳга жўнашибди-да, ичкари кириб, Аҳмад Данафни кўришибди, у:

— Ҳа Али, кийимни олиб келдингми?— дебди.

— Мен биргина кийимни эмас, бошқа нарсаларни, ҳатто, яҳудий бошини ҳам келтираётган эдим, лекин бир ҳолвачи мени банжлаб, ҳамма нарсаларни олиб, жуфтакни уриб қолибди,— дебди Али Мисрий.

Сўнг у Аҳмад Данафга бўлган воқеани бошдан-оёқ гапириб берибди. Кейин: «Ўша бадбахт ҳолвачини кўрганимдами, роса адабини берардим»,— дебди. Шу пайт Ҳасан Шовман бир хонадан чиқиб:

— Ҳа Али, ваъда қилган нарсаларингни келтирддингми?— дебди.

— Мен ҳамма нарсаларни, ҳатто Азро калласини ҳам келтираётган эдим, йўлимда бир ҳолвачи учраб, мени беҳуш қилибди-ю, ҳаммасини олиб кетибди, қаёққа ғойиб бўлганини билмайман. Қаерда туришини билганимда, таъзирини берган бўлардим. Унинг қаёққа кетганини сен билмайсанми?— дебди.

— Мен унинг қаердалигини ҳам биламан,— дебди Ҳасан ва ўрнидан туриб хона эшигини очган экан, Али ўша ҳолвачини кўрибди.

Али уни банждан уйғотган экан, кўзини очиб, қаршида Али Мисрий, Аҳмад Данаф ва қирқ нафар аъёнларни кўриб, эси чиқиб кетибди. Ниҳоят у: «Мен қаердаман, мени ким тутиб келди?»— дебди. «Мен тутиб келдим»,— дебди Ҳасан. Шунда Али Мисрий: «Ҳей, маккор, ҳали шунақа иш ҳам қўлимдан келади дегин»,— деб ҳолвачини пичоқламоқчи бўлган экан, Ҳасан Шовман унинг қўлини тутиб қолибди. У:

— Қўлингни кўтарма бунга, ахир бу йигит сенинг қайнинг-ку,— дебди.

— Қанақасига менинг қайним бўлар экан?— дебди Али.

— Зайнабнинг опасининг ўгли Аҳмад Лақит-ку бу, унга жиян бўлади,— дебди.

— Ҳей, Лақит, нега сен бу номаъқул ишларни қилдинг?— дебди Али.

Аҳмад Лақит унга шуларни гапириб берибди:

— Бувим Далила жодугар менга шундай қилгин деб буюрган эди. Ўша Зурайқ балиқчи, бувим билан учрашиб: «Али Мисрий абжирларнинг абжири, яҳудий Азрони ҳар қанақасига бўлсаям ўлдириб, буюмларни олиб келади»,— деди. Кейин бувим мени чақириб: «Аҳмад, сен Али Мисрийни танийсанми?»— деб сўраган эди, мен: «Ҳа, танийман, мен уни Аҳмад Данаф қароргоҳига олиб келган эдим»,— дедим. Шунда бувим: «Бир ҳийлангни ишлатиб, уни йўлдан ур, агар ўша буюмларни келтираётган бўлса, бир амаллаб, олиб жўна»,— деди. Мен кўчама кўча кезиб, ҳолвачини кўриб қолдим, унга ўн динол бериб, кийимларини, ҳолваси-ю қути-путисини олиб юрган эдим, шу воқеа юз берди.

Али Мисрий аҳволни билиб, Аҳмад Лақитга:

— Бор, бувинг ва тоғанг Зурайқ балиқчига айт, мен унинг ҳамма айтган нарсасини, ҳатто яҳудий Аз-

ро бошини ҳам келтирдим. Эртага халифа девонида учрашиб, Зайнаб маҳрини олишсин!— дебди.

Аҳмад Данаф бундан хурсанд бўлиб:

— Ҳе, Али, сени танлашда янглишмаган эканман,— дебди.

Тонг отгач, Али Мисрий Қамар кийимларини, лаган, қамиш, олтин занжирни олиб, Азро калласини найзага санчиб, амакиси ва унинг йигитлари билан девонга жўнабди.

Ҳаммалари халифа ҳузурига кириб, таъзим қилиб, ер ўпишибди...

Қисса шу ерга етганда тонг отди, Шаҳризод ҳикоя айтишни тўхтатди.



*Етти юз ўн
тўққизинчи кеча*



й, саодатли шоҳ,— деб давом этди Шаҳризод,— Али Мисрий ҳамроҳлари билан девонга

бориб, халифа ҳузурда ер ўпган экан, келишган, хушбичим Алини кўриб ҳайрон қолишибди. Бунга ўхшаган барваста йигит халифа йигитлари орасида ҳам йўқ экан. У одамлардан «Бу ким?»— деб сўраган экан, Аҳмад Данаф: «Э амир ал-мўминин, бу Миср йигитларининг сардори Али Зиъбақ Мисрий, ўғлонларимнинг энг пешқадами ҳам шу»,— дебди.

Халифа Алини кўриб, севиб қолибди. Чунки унинг шижоатлилиги билиниб турар экан.

Али ўрнидан туриб, Азро бошини халифа оёғи остига ташлабди-да:

— Э амир ал-мўминин, душманнинг ҳоли шундай!— дебди.

— Бу кимнинг боши?— деб сўрабди халифа.

— Яҳудий Азронинг боши!— деб жавоб берибди Али.

— Ким ўлдирди буни?— дебди халифа.

Али Мисрий бўлган воқеани бошдан-оёқ айтиб берибди.

— Сен ўлдирмаган бўлсанг керак уни, чунки у сеҳргар эди,— дебди халифа.

— Э амир ал-мўминин, уни ўлдиришга худо ёр бўлди,— дебди.

Халифа Азро қасрига волийни юборибди, у борса, яҳудийнинг бошсиз танаси ётганмиш. Уни сандиққа солиб, халифанинг олдига келтиришибди, халифа жасадни куйдириб юборишга амр қилибди. Шу пайт Азронинг қизи Қамар кириб келиб, халифанинг қўлини ўпибди-да, ўзини танитиб, мусулмон бўлганини айтибди...

Қамар халифани олдида ҳам имон келтирибди-да: «Энди менинг Али Мисрийга тегишимга ёрдам берадиган одамим сен бўласан»,— дебди.

Шундан кейин қиз Али никоҳига ўтиш учун ўз номидан халифани вакил қилибди. Халифа яҳудий қасрини, ундаги бор нарсалари билан Алига совға қилгач:

— Қани, Али, мендан ҳам тилагингни тила!— дебди.

— Менинг тилагим: сенинг даргоҳингда туриб, дастурхонингдан овқатлансам,— дебди Али.

— Йигитларинг борми, Али?— дебди халифа.

— Қирқта йигитим бор, лекин уларнинг ҳаммаси Мисрда,— дебди Али.

— Одам юбориб, уларни бу ерга олдириб кел,— дебди халифа. Кейин: «Ҳа, айтгандай, қароргоҳинг борми, Али?»—деб сўрабди халифа. «Йўқ»,—деб жавоб берибди Али. Ҳасан Шовман: «Э амир ал-мў-

минин, мен ўз қароргоҳимни мол-мулки билан унга ҳады қиламан»,— дебди. Халифа: «Қароргоҳинг ўзингга буюрсин»,— дебди-да, бинокорлар бошлиғига ўнг минг динор бериб, Алига тўрт тарафи айвонли ва йигитларига қирқ хонали ўрда қуриб беришни тайинлабди.

Кейин халифа:

— Хўш, Али, дилингда яна битта-яримта илтимосинг борми?— деб сўрабди.

— Э замона шоҳи, сендан ўтинчим шуки, сен Далила жодугарнинг қизи Зайнабни сўраб берсанг, мен унга уйлансам, маҳрига келтирганим ўша яҳудий қизи буюмларини олса,— дебди.

Халифа уни қабул қилиб, Далилага айтган экан, у лаганини, кийимларни, қамиш, олтин занжирларни олибди-да, Зайнабни Алига никоҳлаб беришибди; чурукчининг қизи, чўри ва Қамарга ҳам никоҳ қоғози ёзилибди. Али уларни ҳам ўз никоҳига олибди.

Халифа унга катта маош тайинлабди, сўнг пешинда ҳам, кечқурун ҳам Али зиёфатига анча-мунча нарсалар ҳады қилибди. Али Мисрий тўйга тайёргарлик кўрибди. Орадан белгиланган ўттиз кун ўтибди. Али ўз йигитларини чақириб Мисрга хат битибди, хатида халифа даргоҳида эришган ўз иззат-икромини айтибди. Ниҳоят у: «Ҳаммангиз ҳаялламай, тўйимга етиб келишинглар керак, чунки мен тўртта қизга уйланыман»,— дебди.

Кўп ўтмай, Мисрдан Али йигитлари етиб келишибди, Али уларни қароргоҳга жойлаштириб, иззат-икром қилибди, сўнг уларни халифа ҳузурига бошлаб бориб, таништирибди. Халифа ундан хурсанд бўлиб, ҳаммасига инъом ва эҳсон берибди. Хизматчи хотинлар Зайнабни ўша ажойиб кийимлар билан Алига рўбарў қилишибди, икковлари бир-бирлари билан топн-

шибди. Алининг кўнгли тўлиб, Зайнаб иффатидан хурсанд бўлибди. Кейин Али қолган уч қиз билан бўлиб, уларнинг ҳам ҳусну жамолидан, ақлу камолидан хурсанд бўлибди.

Бир куни халифа билан Али Мисрий кечаси суҳбатлашиб ўтиришган экан, халифа ундан: «Э Али, бошингдан ўтганларни бир бошдан гапириб бер»,— деб сўраб қолибди.

Али бўлган воқеанинг ҳаммасини — Далила жодугар, Зайнаб фирибгар, Зурайқ балиқчи билан бўлган можароларни айтиб берибди. Халифа котибларига қиссани ёзиб олиб, хазинада сақлашни буюрибди. Улар ҳаммасини ёзиб олишиб, яхши одамлар қиссалари қаторига қўшиб қўйибди. Шу зайлда улар то лаззатларни бузувчи, мажлисларни тарқатувчи ўлим элчиси келгунча, шод-хуррамлик билан ширин умр кечириб ўтишган экан.



ИЗОҲЛАР

А малоқий — Арабистондаги қадимги бир қабила номи. Бу ерда шу қабила кишиси, паҳлавон, барзанги маъносида.

А ж а м — араблар ўзларидан бошқа халқни шундай деб атаган. Тарихий асарларда, кўпинча Эронни шундай дейишади. Аслида эса Эроннинг шимоли-ғарбий қисми.

А с б о н и р (Асбонабр) — кейинчалик Асбонир ал-Мадоин деб аталган, қадимги Бобил (Вавилония) ўлкасидаги шаҳар.

А б у Л а ҳ а б — Муҳаммаднинг амакиси, унга кўп жабрлар қилгани учун бу исм қуръонда таҳқирлаш маъносида келган. Бунда шунга ишора қилинган.

А н с о р л а р — ёрдамчилар — Муҳаммад Маккадан Мадинага қочганида унга ёрдам берганларни „ансорлар“ деб аташган. Бу ерда эса хизмат ҳақи олиб, ҳожати бор кишиларга ёрдам берувчи тоифалар.

А н б а р — одатда тайёрланган анбар қўй қорнидан ясалган мешларда сақланади.

А ма ки қ и з и — хотин дейиш қўполроқ кўрингани учун, шундай дейилади. Аслида қайната куёвга нисбатан „амаки“ қаторига ўтади. Шу сабабдан хотин „амаки қизи“ деб юритилади.

А б д у л м а т и к и б н М а р в о н — 685 йилдан 705 гача ҳукм сурган Уммавийлар сулоласидан бўлган халифа.

А б у М у р р а — қайғу отаси, иблис.

А қ и қ а — Арабистонда, Мадинага яқин водий. Ёмғир ёғса, сув бу водийдан дарё бўлиб оқади. Унинг тевараги сайилгоҳ бўлади.

Б а н и Қ а ҳ т о н — Жанубий араб қабиласи.

Бани Набҳон сардори Ҳасан — биз таржима учун асос қилиб олинган нусхада янглиш ёзилган, Ғариб ўлдирган сардорнинг исми Ҳасан бўлмай, балки Ҳамал ибн Маждид эди. Бу ноширнинг хатоси бўлса керак.

Бобил — Қадимги икки дарё оралигининг, аниқроғи Бағдод ёнидаги шаҳар. Бу шаҳар Фрот (Ефрат) дарёсининг икки соҳилида бўлган экан. Ҳозир унинг харобалари ҳам бор. Буржи Бобил деган машҳур баланд минора ҳам шу ерда бўлган.

Банж — мингдевона — эшакмиядан тайёрланган, қаттиқ уйқу келтирадиган дори. Бу банг сўзидан олинган, биздаги нашага тўғри келади.

Бани Узрат — Ямандаги бир қабила номи.

Балила — ширинлик қўшилган ҳалим.

Вадд, **Суво ва Яғус** — Афсонавий уч қахрамон. Ривоятларга қараганда, улар вафотидан сўнг авлодлари ҳайкал қуришган, кейинчалик халқ бу ҳайкалга сиғиниб, ибодат қилган. Булар исми бора-бора бутлар исмига айланган.

Варс — хинага ўхшаган ўсимлик.

Валид ибн Саҳл — Валид ибн Абдулмалик 705 дан 715 йилгача халифалик қилган. „Ибн Саҳл“ унинг куяси, яъни сахийлик фарзанди, деган маънода.

Дайр — оташпарастрлар ибодатхонаси.

Дашт — Эрондаги вилоят номи. Аҳвон ҳам Эрондаги шаҳар.

Дамиғ — мерганлар, айниқса ўқёйни бошнинг худди ўзига тегизадиганлар шундай деб аталган.

Дирҳам — чақа пул, динор — танга, йирик пул. Бу ерда хотин Ҳажжожни чақага ўхшатиб, сўз ўйини билан масҳара қиланти, халифани эса динорга ўхшатипти.

Замзам — Маккадаги бир қудуқ, унинг сувни „оби замзам“ деб машҳур, шифобахш сув маъносидан ишлатилади.

Ёфас — Нухнинг уч ўғлидан бири. Гўё турк, мўғул, эрон, славян каби халқлар Нухнинг шу ўғлидан тарқалганмиш.

Жадда — Қизил денгиздаги порт-шаҳар.

Жоҳилия — арабларда исломдан олдинги давр ноҳилик — жоҳилия даври деб аталади.

Жайҳун — ҳозирги Амударёнинг қадимги номи, Сайхун — Сирдарё номи.

Жобир асарот ал-Киром — ҳолдан тойган сахийлар ёриман, уларга ёрдам берувчидан, демоқчи.

Исфаҳон — Эрондаги шаҳар.

Қориз терувчилар — икки киши дуккакли ўсимликлардан бўлмиш қориз теришга кетиб, нима сабабдандир, бутунлай қайтиб келмаган. Ўша маталга ишора қилиниб, ўла-ўлгунимча ҳеч тинчий олмайман, демоқчи. У ўзбекча „Туянинг думи ерга теккунча“, „Қизил қор ёққунча“ деган маталларга ўхшайди.

Қорун — Мисрдаги кўл.

Қутбия — кийимликларнинг бир тури. Бу хил кийимликлар қадимда Мисрда тўқилган.

Қоҳин — ибодатхона хизматчиси; баъзан фолбин, бахши маъносида ҳам келади.

Қисро — сосонийлар шоҳи Хисровнинг бузилган номи. Кўпинча Эрон шоҳлари шу исм билан ҳам аталган.

Қавкабу Сабоҳ—тонг юлдузи—ёруғ юлдуз.

Қўккўз — арабларда ёмонлик нишонаси.

Лийф — хурмо пўстидан эшилган арқон.

Мисқол — арабча нусхада дирҳам ёзилган, лекин бу дирҳам пул маъносида эмас, ўлчов бирлиги сифатида бўлгани учун бу ўринда одатда ишлатиладиган „мисқол“ олинди.

Марвон Абу Омир ибн Марвон — Султон Салоҳуддиннинг вазири. Султон Салоҳуддин „Малик ан Носир“ тахаллуси билан машҳур бўлиб, 1175 йилдан 1193 гача ҳукм сурган.

Миёфорикийн — икки дарё оралиғидаги қадимги шаҳар. Бу Дажла дарёсининг жанубий оқимида жойлашган.

Маҳдий — аббосийларни учинчи халифаси, Ҳорун ар-Рашиднинг отаси, у 775—785 йилларда ҳукмронлик қилган.

Марвон ибн Ҳакам — Муовия халифалигида Марвон Ҳижоз ва Мадина амири бўлган, кейинчалик 684 — 685 йиллар ўртасида халифа бўлган.

Муовия ибн Абу Суфён—660 — 680 йилгача ҳукмрон бўлган, Уммавийлар сулоласининг асосчи халифаси.

Мирбад — қадимги Басрадаги майдон исми.

Нимруз ибн Канъан — Иброҳимга қарши чиқиб, мағлубиятга учраган шоҳ. Бунда Иброҳим билан Нимруз ўртасида бўлган жангни айтмоқчи.

Ноиб — ўринбосар.

Навруз — янги йил куни. Қадимда янги йил баҳор келиши билан 21 март куни нишонланар эди. Баъзи шарқ мамлакатларида ҳозир ҳам шундай.

Рустоқ — қадимги Эрондаги шаҳар.

Рамла — Фаластиндаги бир шаҳар. Сулаймон ибн Абдул-

малик Фаластин амири бўлиб турган пайтларда бу шаҳарни қурган ва кейинчалик ҳам у ерга бориб келиб турган.

Рудайний — афсоналарда айтилишича, Самхаранинг хотини Рудайний эри билан бирга жуда ажойиб найзалар қилган. Шунинг учун энг яхши найзаларга Рудайний нисбатини беришган. Аслида Самхара одам исми эмас, балки Африкадаги ўлка номи. Қадимда бу мамлакат найзалари анча шуҳрат қозонган.

Сақиф — Ҳажжож келиб чиққан араб қабиласининг номи.

Сувайс — Бунда ҳозирги Сувайш қўлтиғи назарда тутил-
япти.

Синд — Ҳинд дарёсининг номи, унинг қуйи оқимидаги ўлка ҳам шундай аталади.

Самуд — қадимги Арабистондаги қабила номи.

Сосибн Шис — Одам Отанинг учинчи ўғли.

Собурё Шоҳпур — сосонийларнинг шоҳи. Собур бирин-
чи 247—272 йиллар орасида ҳукмронлик қилган.

Сулаймон ибн Абдулмалик — 715 дан 717 йилгача
ҳукм сурган Уммавийлар сулоласидан бўлиш халифа.

Таҳлилда — мусулмонлар одатича имон келтирилиб, худо-
нинг бирлиги зикр қилинади; такбирда — худони улуғлайди.

Уққор (ақоқир) — доривор ўтлар.

Фақиҳ — ислом қонуншуноси.

Фосва Макнос — Мағриб — Марокашдаги шаҳарлар.

Ҳажжож ибн Юсуф (661/41 — 714/95) Уммавийлар дав-
латининг йирик амирларидан бўлиб, золимликда шуҳрат қозонган.

Хажар — Жанубий Арабистондаги жойнинг исми.

Човуш — аскарбошлиқлар даражаси, бу ўнбошига тўғри
келади.

Шайхулислом — ислом шайхи — ислом мамлакатлари
устидан диний расм-русумларга раҳбарлик қилувчи киши.

Шарруттариқ — шар — ёмон, тариқ — йўл, ёмон йўл
маъносида.

Изоҳлар А. Ирисовники.

М У Н Д А Р И Ж А

Савдогар Умар ўгли Жавдар ва унинг биродарлари	3
Ажиб ва Ғариб қиссаси	76
Абдуллоҳ ибн Муаммар Қайсий ҳикояси	282
Нўъмон қизи Ҳинд ҳикояси	289
Жузайма ибн Башар Асадий ҳикояси	294
Юнус котиб билан Волид ибн Саҳл ҳикояси	301
Ҳорун-ар Рашид билан араб қизи ҳикояси	307
Асмайнинг уч қиз ва уларнинг шеърлари ҳақида Ҳорун-ар Рашидга айтган ҳикояси	311
Иброҳим Мусулий ва иблис ҳикояси	316
Жамил ибн Муаммарнинг амир ал-мўминин Ҳорун-ар Рашидга қилган ҳикояси	321
Мирвон ибн Ҳақам ва амир ал-мўминин Муовиянинг бир бадавий билан бўлган ҳикояси	332
Ҳусайн ибн Халифнинг Ҳорун-ар Рашидга айтиб берган Замрғ ибн Муғира ҳақидаги ҳикояси	340
Абу Исҳоқ Иброҳим Мўсулий билан иблис ҳикояси	348
Вазир Абу Омир ибн Марвон ва бир бола ҳақида ҳикоя	358
Жодугар Далила билан қизи Зайнаб	361
Изоҳлар	467

На узбекском языке

1001 НОЧЬ

ТОМ VI

Гослитиздат УзССР — 1962 — Ташкент

Редактор *Аззам Мираҳмедов*

Рассом *М. Шировский*

Расмлар редактори *Г. Бедарев*

Техн. редактор *Л. Ильина*

Корректор *Икром Қобилов*

Босмахонага берилди 25/IX-1962 й. Босишга
рухсат этилди 11/XII-1962 й. Формати
84×108¹/₃₂ Босма л. 14,75. Шартли босма л.
21.19. Нашр л. 19,66+3 вклейка. Тиражи 90 000.
Индекс ш/а. ЎзССР Давлат бадий ада-
биёт нашриёти. Тошкент Навоий кўчаси, 30.
Шартнома № 160 — 61.

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздати-
нинг 1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси.
21. 1962 йил. Заказ № 460. Баҳоси 1 с. 44 т.